



Хукматнаб  
хазуҗасу

*Ушбу ҳикояларни тўплаган Ҳофиз Юсуф Товаслий Мулла Шамсиддин Гуроний масжидининг имом хатибидир. Китобда Мусо алайҳиссалом, Иброҳим алайҳиссалом, Юсуф алайҳиссалом, Довуд алайҳиссалом, Исо алайҳиссалом ва Муҳаммад алайҳиссалом ҳаётлари ва фаолиятлари билан боғлиқ ибратли ҳикоялар, саҳобалар, авлиғалар ҳаётларидан лавҳалар жуда содда, равои тилда баён этилган бўлиб, маърифий аҳамиятга эгадир.*

**Тўлдирилган ва қайта ишлаган иккинчи нашр**

*Масъул муҳаррир*

**АБДУҚОДИР ҲАЙИТМЕТОВ**

*Таржимон*

**УРФОН ОТАЖОН**

*Тақризчилар:*

**УСМОНЖОН ҲАКИМОВ,**

**ИЛҲОМЖОН КАРИМОВ**

Рисола Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйча қўмида  
руҳсати билан чоп этилди.

021217

## АНВОЙИ ҲИКОЯЛАР

*Яхши ҳикоя эсон озиғи. Гўзал бир ҳикояни ўқиш ёки эшитиш, вақти келганда бир қўшиқни тинглаш, узоқ вақт унинг таъсирида бўлиш билан баробар. Ҳозирги замон турк муаллифларидан олим ва адабиётчи Юсуф Товаслий шундай ҳикояларнинг катта бир қисмини тўплаб, 1983 йили чоп эттирди.*

*Бу ҳикоялар тўплами кенг ўқувчилар оммасига, аввало ҳар бир жамиятнинг суянчиги бўлган оилага — оталар ва оналарга, болаларга ва қизларга, келинлар ва куёвларга мўлжалланган бўлиб, жамоатчилик томонидан яхши қабул қилинди.*

*Мазкур ҳикояларнинг ҳозирги замон ҳикояларидан фарқи шундаки, улар содда сюжетлар асосига қурилган, ҳажман кичик бўлса ҳам катта маъно ва таъсир кучига эга. Уларда Шарқ ҳикоячилигининг энг яхши хусусиятлари акс этган бўлиб, панд-насиҳат билан боғлиқ гоёлар, инсонпарварлик, юксак хулқу ахлоқни ифодаловчи фикрлар ўткир ва таъсирли воқеа ва ҳодисалар, тарихда, улуг кишиларнинг турмушларида юз берган турли ҳаётий лавҳалар орқали ифодаланган. Бу ҳикоялар орасида Пайгамбаримиз (с.а.в.) ва у кишининг саҳобалари ҳаётларидан келтирилган ҳикоялар биринчи ўринда туради, дейиш мумкин.*

*Юсуф Товаслий ушбу ҳикояларни китобхонлар диққатига ҳавола этиш билан чекланмай, уларнинг ҳар бирига ўз муносабатини билдиради, илмий жиҳатдан изоҳлашга ҳаракат қилади, уларнинг кундалиқ турмушимиздаги маъносини чақиб, ўз замондошларининг онгига етказишга, хулқ-ахлоқ, дин, диёнат масалаларини биринчи ўринга олиб чиқишга интилади.*

*Бу ҳикоялар ташқаридан қараганда соф диний ҳикоялар бўлиб кўринади. Аслида уларда ўтмиш тарихининг, инсон хулқ-ахлоқининг ранг-баранг қирралари нақшланган. Уларни ўқиб, улуг шахсларнинг олижаноб хатти-ҳаракатларидан, гап-сўзларидан, ўғитларидан завқланасиз, жаҳолат ботқоғига ботган, меҳнат қилмай, ялтироқ турмуш кечиршига, динини, имонини ютган, миллий анъаналардан узоқлашган кишилардан эса жирканасиз. Мазкур тўпламдаги «Рост гаптиришининг хосиятлари», «Яхши фар-*

занд Ёсин сути билан ўсади», «Қизларини тирик кўмганлар», «Онасининг тилини тишлаб узиб олган фарзанд», «Имом Аъзамнинг отаси...», «Ҳазрат Иброҳим ва номусли келин», «Ўрилик ва тангри таъғи» кабилар шундай ҳикоялардир.

Бизнинг жамиятимизда ижобий ўзгаришлар бораётган бир даврда бундай ҳикояларнинг тарбиявий аҳамияти айниқса катта.

Ўтмишида мактаб одамларга кўпроқ савод ўргатиши билан шуғулланган эди. Инсон хулқ-ахлоқини тарбиялаш эса дин аҳллари, олимлар зиммасида, адабиёт елкасида эди. Биз яна ўз қадриятларимизга, анъаналаримизга қайтмоқдамиз. Муҳтарам дин алломалари, бадий сўз усталари ўзларининг панд-насиҳатлари, шунга оид ҳикоя ва қиссалари билан кишиларнинг кўнглини овлайдиган, уларни яхши йўлларга соладиган янги замонлар бошланмоқда. Юсуф Товаслий йиғган ҳикоялар ўзбек тилига таржима қилинган ҳолда бор ҳикмат ва таровати билан ўзбек китобхоналарида ҳам яхши хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Бадий сўз шайдоси, туркий халқлар адабий меросининг чинакам мухлисис Урфон Отажон Юсуф Товаслийнинг ҳикояларини муҳаббат билан ўзбек тилига таржима қилган. Бу турк ва ўзбек адабиётлари ўртасида алоқаларни тиклаш йўлидаги муҳим қадамлардан биридир. Ишиооллоҳ, бу йўлдаги саъий-ҳаракат ўзининг янги самараларини бергай.

**Абдуқодир ҲАЙИТМЕТОВ,**  
Беруний мукофоти совриндори,  
филология фанлари доктори,  
профессор



## 1-ҲИКОЯ

### ИНКОР ЭШИГИ ЁПИЛГАНДИР\*

Бир кун Ҳазрат Али (р.а.) намозга кетар экан, мушриклар (бутга сиғинганлар)дан бирига дуч келди. Мушрик Ҳазрат Алига шундай деди:

— Ё Али! Мен сизнинг аҳволингизни кўриб ҳеч тушунмайман. Охираат бор, инсон бу дунёда қилаётган ҳар бир ишига жавоб беради, деб намоз ўқийсиз, рўза тутасиз, Жаннат бор, жаҳаннам бор дейсиз... Мен эса, буларга ҳеч ҳам ишонмайман. Орамизда қандай фарқ бор, сиз ҳам яшаяпсиз, мен ҳам яшаяпман. Бу қадар ғайрат кўрсатишнинг сабаби нима? Ҳар куни вақтида намоз ўқийман, рўза тутаман, деб бунчалик жафо чекишнинг боиси нима?

Виқор ва сукут билан бу гапларни тинглагач, Ҳазрат Али (р.а.) шундай жавоб бердилар:

— Эй гофил одам! Ўлимдан сўнги ҳаёт йўқ, деб фараз қил. (Ёки бор деб...) Бизда имон, ишонч бордур. Иккинчи ҳаёт — охираат ҳаёти бордир. Агар сенинг айтганинг каби қайта тирилиш йўқ бўлган тақдирда ҳам мен бу қилаётган ишларим билан ҳеч нарса йўқотмайман-ку! Намоз ўқийман, Аллоҳимнинг, динимнинг амрларини тўла бажараман, рўза тутаман — булар менинг қуллик вазифаларимдир. Бу ишларимдан бу дунёда зарар кўрдим. Охираатда бу ишларим учун зарар кўришим мумкинми? Сен нима дейсан?

Мушрик бироз ўйлагач:

— Зарар кўрмайсиз, эй Али, — деди.

Ҳазрат Али (р.а.):

— Рўза тутаман, мана, қаршингда турибман, сен мендан бирор зарар кўряпсанми? — деб сўрадилар.

Мушрик уларга жавоб бериб:

— Йўқ, кўрмаяпман, — деди.

Ҳазрат Али (р.а.):

— Фақир, муҳтож кишиларга ёрдам берсам, закот берсам ва динимиз бошлаган йўлга юрсам мен инсонларга ёрдам берган бўламан. Бундан мен қандай зарар кўришим мумкин? — дедилар.

Мушрик:

— Зарар йўқдир, — деди.

Ҳазрат Али (р.а.):

— Агар, охират бор бўлса, бу дунёдаги ишларингдан жавоб бериш лозим бўлса, имондан, намоздан, рўза ва закотдан, қилган аъмолингдан ҳисоб-китоб қилинса, у замон ҳолинг қандай кечади? — дедилар.

Умрини бутга сизиниб ўтказган бу қари мушрик Ҳазрат Али (р.а.)нинг сўзларини тушуна бошлади ва:

— Ё Али! Сиз айтгандай бўлса, ўлимимдан сўнг тирилсам, Аллоҳ ҳузурига борсам, унда аҳволим қандай бўлади? — деб дарҳол имон келтирди.

Шундай қилиб, у ақлини остин-устун қилган шубҳа ва имонсизлик қоронғулигидан, динсизлик зиндонидан қутулди ва ҳидоятга эришди. Ҳазрат Али (р.а.)нинг имони кучлилиги, виқорли ҳаракати, кучли эътиқод билан қувватланган сўзлари бир ҳидоят нури ўлароқ, ул одамнинг қалбида порлаб ҳидоятга эришишига восита бўлди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Бу ҳикояча барча инкор этувчилар, шубҳаланувчилар ва танбаллар ҳақидадир. Вақт зое кетмай туриб, қиёмат қойим бўлмасдан, ер қаъридан нарсалар ташқарига чиқмай туриб, ўлим вақти келмасдан инсонлар эс-ҳушларини йиғиб олишлари керак. Аллоҳга ва Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг кўрсатмаларига ишониб, уларни бажармоқ ва тўла-тўқис адо этмоқ лозим.

Шубҳа ва танбалликни енгиб, диннинг устун бўлган намозни мунтазам ўқимоқ зарурдир. Заиф имонлилар учун бу ҳикояда кўп ибрат дарси бордир. Намозимни кейинчалик ўқийман, ҳали ёшман, қариганимда ўқийман, деб янглиш ўйловчи, шайтоний овутишлар ва алдамчи тасаллилар билан ўзини-ўзи алдаш ва бепарво бўлиш ақли инсонларнинг иши эмасдир. Бугун яшаб турган йигитнинг қўлида то қаригунича яшашга бирор кафолати борми? Албатта йўқ, бўлмайди ҳам. Демак, ёшлиқданоқ дарҳол Аллоҳ йўлига кирмоқ зарур. Аллоҳнинг, Пайғамбарнинг айтганларини бажармоқ лозим.

«Мен ҳозир очиқ-чочиқ бемалол юрибман, ўйнаб юрибман, ўттиз ёки қирқ ёшга қирайин, ўшанда астойдил ўтириб шу ишларга киришаман. Ҳозир жуда ёшман», дейдиган хотин-қизларни биламиз. Омонлик бер, Аллоҳим! Ул хотин-қизларнинг бу сўзлари қанчалик янглиш ва бемаъни сўзлардир. Эй, ақлим бор деган қардошим! Сенга ким айтди-ки, ўттиз-қирққа кирасан, деб, Ўттиз сония, ўттиз дақиқа, ўттиз соат ва ёки ўттиз кун яшашингга кафолатинг борми? Шубҳасиз — йўқ. Эс-ҳушингни йиг! Аллоҳ ва Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ўргатгани каби ибодли, ҳаёли бўлиб яшашга ҳаракат қилинг, қизларим! Ўлим бор, охират бор. Бу дунёда сен қилган ҳар бир ишингдан ва ҳар бир сўзингдан сўроққа тугиласан. Бу ҳикояни яхшилаб ўқиб ол, уқиб ол! Яхши бўлсанг Жаннат, ёмон йўлдан юрсанг жаҳаннам бор.

## 2-ҲИКОЯ

### ИККИ ДИНСИЗ ВА УЛАР ЎҒИРЛАГАН

#### БИР ХАЛТА ОЛТИН

##### *Динсизлик бошига фалокат келтиради*

Икки динсиз бир халта олтин билан борар эдилар. Қандай ният билан бормоқдалар, улар ўғрилик йўлидадилар ёки қароқчилик йўлидадилар? Биз ишнинг сўнгини кўрайлик:

Улар олтинни бирор кимса билиб қолмасин, деб кўрқиб тоққа чиқдилар. Маълумки, жиноятчи доимо шубҳада бўлади, пашша учса ҳам чўчийди. Бир-икки кун ўтгандан сўнг овқат тугагач, қуръа ташладилар. Бири шаҳарга бориб овқат олиб келади, бири эса олтинларни беркитиб кўриқлайди. Шаҳарчадан овқат олиб келгани кетган одам қайтар экан, динсизлигидан бундай деб ўйлайди: бориб бироз заҳар олайинда, шу овқатга солай, кейин ҳамроҳимга уни берай. У овқатни еб, заҳарланиб ўлсин. Бир халта олтин менга қолсин. Олтинларни бир ерга кўмиб, оз-оздан олиб юрайин.

Олтинларнинг олдида қолган одам бундай деб фикр юритади: шу қоя орқасига ўтириб ҳамроҳим келаётганида бир уриб ўлдирсам олтинларнинг ҳаммаси менга қолади.

Олтинларнинг олдида қолган одам ҳамроҳи келиши билан уни уриб ўлдирди. Сўнгра ўзи ўтириб заҳарли овқатни еди... Бир халта олтин ҳайвонларга қолди.

### Изоҳ ва ўғит

Ҳирсининг товони йўқдир. Динсизлик жуда оғир бир дард. Динсиз одам қўлига амал тегса, бировга кун бермайди. Динсизлик бағри тошлиқдир. Инсонни инсон этувчи диндир, имондир. Инсонга меҳр-шафқат ҳиссини берувчи раҳмдилликдир. Динсизлардан, динсизликдан наф кўрмоқчи бўлганларнинг бошига аввал охир фалокат келадир. Аллоҳ Таоло турк миллатимизни динсизлик балосидан сақласин. Омин!.. Ватан, миллат учун, дин имони учун фидойи жон этувчи насллар етиштиришда азиз миллатимизга Аллоҳ Таоло лутф этсин. Омин!

### 3-ҲИКОЯ

#### ҲУКМДОР ВА ОҚ ОТ\*

Бир ҳукмдорнинг оқ оти бор экан. Ҳукмдор бу отни жуда севар экан. Бир куни у ҳамма амалдор ва аёнларига:

— Бу отимнинг ўлими хабарини олиб келган одамнинг калласини оламан, эҳтиёт бўлинг, чунки бу оқ отни жуда қадрлайман. Унинг ўлгани тўғрисидаги хабар мени қайғуга солади, — дейди.

Кулардан бир куни, ҳар нарсанинг охири бўлганидек, оқ отнинг ҳам ажали етди ва ўлди. Ҳукмдорнинг хизматидагилар саросимада қолдилар. Ҳеч ким ҳукмдорга саман отнинг ўлгани ҳақидаги хабарни айтишга ботинолмас эди. Отбоқарларнинг бошлиғи худди ажалини истагандай «мен унга айтаман, чунки айтсам ҳам, айтмасам ҳам бошим кетади», деди. Отбоқар ҳукмдорнинг олдида борди ва:

— Ҳукмдор, сизнинг оқ саман отингиз бор эди-я, — деди.

— Бор, — деди ҳукмдор.

Шунда отбоқар:

— Отингиз ётибди, оёқлари чўзилган, кўзлари юмуқ, қорни шишган, ҳеч нафас олмаяпти, — деди.

— Сайисбоши, эй сайисбоши! Оқ саман от ўлди демоқчисан шекилли? — дебди ҳукмдор.

— Ҳукмдорим! Мен бундай демадим, сиз шундай деяписиз, — дебди отбоқар ва бошини қутқариб қолибди.

---

\*Ушбу белгили ҳикояларга таржимон изоҳлари китобнинг охирида берилган.



### Изоҳ ва ўғит

Одам рўза тутмаса, намоз ўқимаса, ҳаром ва ҳалолнинг фарқини, номус-орни билмаса, бундай одамга диний нуқтаи назардан қандай баҳо берасиз? Подшоҳ ўлган оти ҳақида нима деди? Барча диний асосларга кўра, бундай одамларни кофир дейдилар. Бу — ақлли одамнинг иши эмас.

Эй Аллоҳ деган қардош! Жаноби Ҳақ гўзал миллат авлодини бундай динсизлик фалокати ва динсизларнинг зулмидан ўзи сақласин! Омин!

### 4-ҲИКОЯ

#### ЎҒРИЛИК ВА ТАНГРИ ТАЁҒИ\*

Ҳазрат Мавлоно<sup>1</sup>, бир ўғрининг бошига тушган иш ҳақида кўп ибратли ҳикояни айтган. Бир куни ўғри боққа ўғирликка кирди ва у ердаги энг яхши мевали дарахт устига чиқди. Аммо меваларнинг пишганига қўли етмади. Шундан кейин дарахт шохларини силкитиб, меваларни ер билан яксон қилди. Шохларнинг қисирлашини эшитиб, боғ эгаси шу дарахт тагига келди ва тепазидаги одамга бақирди:

— Эй нодон одам, нима қилипсан? Кимсан? Аллоҳдан қўрқмайсанми? Меваларни нобуд қилибсан-ку.

Дарахтдаги ўғри ҳеч уялмай, худди ўзининг дарахти устида ўтиргандай бундай дебди:

— Эй одам, сен нега бақирасан? Тангри боғида Тангрининг қули бир мева еса айб бўладими? Сен ўзи нима демоқчисан?

Унга боғ эгаси:

— Пастга тушгин, биласан, — деди.

Ўғри пастга тушди, боғ эгаси унинг қўлларидан маҳкам ушлаб олди ва хизматкорини чақириб:

— Ана у таёқни олиб, мана бу ўғрини ур! — деди.

Хизматкор таёқ билан ўғрини ура бошлади, ўғри фарёд қилиб:

— Нега мени бекордан-бекорга уради. Аллоҳдан қўрқинг, — деди бақириб-чақириб.

<sup>1</sup> Мавлоно — Жалолоддин Румий.

Боғ эгаси:

— Сен нега бақириб-чақирасан? Таёқ Аллоҳнинг таёғи. Ураётган Аллоҳнинг бир қули. У Аллоҳнинг буйруғини бажармоқда-ку, бунинг қандай гуноҳи бор, — деди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Ҳазрат Мавлононинг бу қиссасида жуда буюк ибрат бор. Мен бу ҳикояни масжиддаги хутба ва ваъзларимда кенг равишда шарҳлайман. Шундай қилиб, уни яхшилаб равшан бир шаклда жамоатимга тушунтираман, шу билан бирга жамоатга чиройли қиссани айтиб бераман.

### 5-ҲИКОЯ

#### ҲАЖЖОЖИ ЗОЛИМ ВА ЗАЙТУН СОТУВЧИ САВДОГАР\*

Ҳажжож золим тарихда Ҳажжож деб қайд этилган. Ҳажжож кўп зулмлар қилган. Бир куни унинг онаси:

— Эй ўғлим, қандай жон берасан? Сен жаҳаннамда қандай ёнасан? Мен она бўлиб қандай чидайман? Одамларни нега бунчалик ноҳақ ўлдираверасан? — деди.

Ҳажжож шунда кўшки айвонига чиқди ва ўтиб кетаётган бир одамни «бу ёққа кел» деб чақирди. Ул одам кўрқиб аста кела бошлади. Кўрққанидан оёғида зўрға турар, қалтирарди. У Ҳажжожнинг олдига чиқиб келди.

Ҳажжож:

— Сен кўрқма. Зулм қилмайман, онамга сўз бердим, ишим бор. Нима иш қиласан? — деб сўради.

— Мен зайтун билан савдо қиламан, — деди ул одам.

Ҳажжож:

— Бир туя зайтундан қанча ёғ чиқади, бир қадокдан қанча, бир тупидан қанча ёғ чиқади, — деб сўради.

Ул одам бирма-бир жавоб берди.

Ҳажжож:

— Сен яхши савдогар экансан, ишинг, маслагингнинг нозик жойларини яхши билар экансан. Мусулмонмисан? — деб сўради.

— Ҳа, мусулмонман, — деб жавоб берди ул одам.

Ҳажжож:

— Ислоннинг нечта шарти бор?

Ул одам:

— Уч, — деди.

— Имоннинг шартин қанча? — сўради Ҳажжож.

— Тўрт, — жавоб берди ул одам.

Ҳажжож:

— Гуслнинг фарзини қанча? — деб сўраганда ул одам:

— Ўн, — деб жавоб берди.

Ҳажжож ул одамдан йигирма тўрт савол сўради. Тўғри жавоб ололмади. Ҳажжож онасига аччиқ гапирди: «Кўряпсанми, онажон, Аллоҳ мени бундай ўзларига зулм этган одамларни тарбиялашга юборган. Мен золим эмасман, асл золим улар. Уч кунлик умри учун бир туп зайтундан қанча ёғ чиқишини билладию, инсонлигининг асоси бўлган динини ҳеч билмайди. Бир гўдак билладиган ўттиз икки фарзини билмайди. Абадий ҳаёти учун умрининг бир дақиқасини бермайди».

### *Изоҳ ва ўғит*

Эй «Аллоҳ!» деган мўмин! Ҳаётимизни қиёсласак, қандай фарқимиз бор? Йигирма тўрт соатимизнинг қанча дақиқасини динимиз, охиратимиз учун ишлатамиз? Болаларимизни дунёвий ўқишга шахдам бориб-келишларини кузатамиз-да, динини, Китобини (Қуръонини) ўқиб-ўқимаётганига бефарқмиз, назорат қилмаймиз. Яна бу дунёда ҳузур-ҳаловат истаймиз. Бу дунёда ҳузурга бизнинг ҳаққимиз йўқ, чунки бу дунё ҳузурларига ўз вазифасини ўтаганлар ҳаққидирлар.

Эрон элчиси Мадинага келиб Халифа Ҳазрат Умар (р.а.)ни кўришни истади. Эрон элчиси Халифани ҳашаматли саройларда истади.

Мадиналиклар:

— Кимни истаяпсиз? — деб сўрадилар.

Эрон элчиси:

— Халифани, — деди.

— Халифа хурмо дарахтлари орасида, — дедилар.

Эрон элчиси кириб кўрдик, Ҳазрат Умар кесилган хурмо дарахтлари шох-шаббалари устида ухляпти. Элчи ҳайратланиб, ўзига-ўзи: «Ухляпти! Умар ухляпти! Шундай иссиқда хурмо дарахтлари шохлари устида кўрқмай ухлаш фақат сенинг ҳаққингдир», деб ҳайратдан ўзига ҳеч келолмади.

Аллоҳдан бўлак ҳамма ҳисоб беради. Ҳар ким ўзининг қилган ишидан ҳисоб беради, сўроққа тутилади.

## 6-ҲИКОЯ

## ҲОЖАСИНИ (ЭРИНИ) ДИНДОР ЭТГАН ХОТИН

*Хожаларини тарбия этган кўнгина ислом  
аёлларидан бири ҳақида ҳикоя*

Яхши хулқли мусулмон аёл бир бадавлат одамга турмушга чиқди. Чиройли турмуш қурдилар. Бадавлат одам хотинининг гўзал табиати, яхши одоби, хуш хулқидан мамнун эди.

Бир кун ул одам кечаси уйқудан уйғониб кетди. Аёлидан сув сўради. «Хожамнинг юраги куйиб турибди шекилли, ҳарорати ҳам борга ўхшайди. Уйдаги сув илиб қолган. Туриб совуқ сувдан олиб келайин, у совуқ сув ичсин», деб ўйлаб ҳовлидан сув олиб келгани чиқди. Сувни олиб келса, эри яна ухлаб қолибди. Одоби аёл эрим уйғониб қолар, деб идишдаги сувни кўтариб ўтираверибди. Бир қанча вақт ўтганидан кейин эри уйғонибди. Ул одам: «Хоним, нега ўтирибсиз?» деб сўраса, аёл:

— Афандим, сиз сув сўраган эдингиз. Уйдаги сувдан беришга кўнглим бўлмади. Эримнинг юраги ёнмоқда, совуқ сув берай, деб совуқ сувга бордим. Сув олиб келгач, сизни такрор уйқуда кўрдим. Уйғотгани кўзим қиймади. Хожам балки завқли бир ҳол, рангин бир рўёдадир, деб ўйладим. Уйғонишингизни кутдим. Сувни ичинг, афандим, — деб жавоб берибди.

Аёлининг бунчалик меҳридан, қадрунослигидан ниҳоятда мамнун бўлган хожа қўлига сувни олмай, севинч ёшларини тўкиб:

— Сендек хуш хулқли, ҳикматли бир хонимга соҳиб бўлганимдан саодатлидирман. Хуш хулқли, оқила хоним мендан тилагингни тила, нима яхшилиқ қилай, — деди.

— Сизнинг соғлигингизни истаيمان, — деб жавоб берди аёл.

— Хайр майли, хоним, мендан ҳеч нарса сўрамайсан. Сенинг бу муомалангдан олган қувончим, мамнунлигим эвазига сенга бирор яхшилиқ қилгим келяпти, — деган эди.

Аёл:

— Менга ҳеч нарса керак эмас, сизнинг соғлигингизни истаيمان, — деди яна.

Ул одам:

— Хоним, айт-чи, нима хоҳлайсан, — деди.

Ул аёл:

— Менинг жавобимни беринг, афандим, — деди.

Ул одам жавоб бера олмай қолди. Аёл давом этди:

— Гапиринг, жим ўтирманг, афандим. Сўз бердингиз, менинг орзуйим шу — сиздан ажралиш. Хоҳишимни адо этинг, деди.

Шунда хожа ётган еридан тураман деб, оёғи қайрилиб йиқилди. У «Аллоҳ» деб қичқириб юборди. Аёл хожасини қўлидан тугиб қолди ва:

— Туринг ўрнингиздан, жойингизга ётинг, — деди.

Ул одам:

— Ҳеч ҳолим йўқ, — деди.

Хотини:

— Жойингизга ётинг, энди ажралишга сабаб қолмади, — деди.

Ул одам:

— Хоним, нега бундай фикринг тез ўзгарди? Бу ишнинг ҳикмати, бир нозиклиги бор, шуни менга айтиб бер. Сен ҳикматсиз бир иш қилмайсан, ул ҳикмат нимадир? — деди.

Аёл:

— Афандим, йиллар ўтди. Турмуш қурганимизга мана ўн йил бўлди. Бошингизга ҳеч бало-қазо келмади. Ўн йилки бир дард кўрмадингиз, аммо бир марта ҳам «Аллоҳ», демардингиз. Аллоҳнинг бунча неъматларига шукр этганингизни билмадим. Аллоҳнинг сизни ҳозир йиқитишининг ўзи бир ҳикматдир. Аллоҳ Фиръавннинг бошини ҳеч оғритмаган, бу Фиръавндан ўз неъматини кесиб қўйганининг аломатидир. Сиз «Аллоҳ» дедингиз, шунинг учун ажралишимизга сабаб қолмади, — деди.

Шундан сўнг ул тантиқ эр ҳидоятга эришиб, меҳрибон аёлининг воситаси ила ибодат қилишни бошлади. «Аллоҳ» деди, шукр этди.

Албатта, Аллоҳ кимни севса, унга ўзининг ҳабибларини восита этади. Доймо Аллоҳни эсда тутайлик. Диннинг амрларига амал қилиб, ибодатдан қолмай, Аллоҳ неъматларига шукр этайлик.

Шундай ақлли, оқила, тадбирли, иродали, хожасини тушуниб унга хизмат қилиш зарурлигини англаб, ислом аёлига ярашадиган ҳаракат билан эрига хизмат этувчи хотинлар ёронларга муборак бўлсин!

Меҳр ила динсиз, билимсиз, жоҳил хожаларини ислом тарбияси билан тарбиялаган, уларнинг кўнгулларини гўзал ахлоқ, яхши феъл-атвори билан фатҳ эта олган ва хожаларини имонсизлик зиндонидан, динсизлик зулматидан қутқарган ислом аёллари бахтиёр аёллардирлар. Аллоҳ ислом учун бундай хонимларимизни доимо соғ-саломат этсин. Омин!

## 7-ҲИКОЯ УСКУДОР ЁНҒИНИ

### Диндор одам ҳар вақт фойдали одамдир

Машҳур Ускудор ёнғинида бир давлатманд одамнинг қизи узоққа қочиб кетди. Ёнғин бутун маҳаллага тарқалди. Кўпгина уйлар ёниб кул бўлди. Қўрқиб кетганидан уйига борадиган йўлни йўқотиб қўйган қизча нима қилишини билмай доврираб қолди. Ул пайтларда ҳозиргига ўхшаган электр чироқлари йўқ, ҳаммаёқ зиндон каби қоронғу — зимистон эди. Қизча жомеънинг яқинидаги мадрасалардан бирида шам ёғдусини кўради. Деразадан қараса, бир муллавачча китоб ўқиб, дарс тайёрламоқда. Қизча қаерга борсин? Ҳаммаёқ зимистон. Бу жон кўрқуви. Бундай пайтда «денгизга тушиб кетган, илонга ёпишади» дейдилар. Қиз мулла йигитнинг эшигини тақиллатди. Мулла эшикни очиб:

— Хуш келибсиз! Хизмат? — деди.

Қизча:

— Ёнғиндан кўрқиб уйимизнинг йўлини йўқотиб қўйдим. Бутун маҳалла ёниб кул бўлди. Ҳозир ҳаммаёқ қоронғу, уйимизни топа олмайман. Марҳамат қилиб, рухсат берсангиз тонг отгунча шу ерда қолсам, — деди.

Мулла:

— Ҳай, ҳай! Бошим осмонга етган бўлур эди. Бемалол дам олинг, бошқа хона бор, — деди.

Ёнғиндан кўрққан қизча ноилож шу ерда ётиб қолди. Мулла йигит дарсини давом эттирди. Фақат лаънати шайтон муллага маслаҳат берди: «Сен нима қилиб ўтирибсан? Йигирма йил мобайнида шундай қиз сенинг ҳузурингга келди, унинг гўзаллигига қара?»

Мулла йигит биров иккиланиб, сўнг бармоғини ёниб турган шам ўтига тутди, бармоғи куйди. «Шул бир шам ўтига чидаш бермаяпман, ёрнинг жаҳаннамдай оташига қандай чидайман», деди ўзига-ўзи. То тонггача шундай давом этди. Мулла йигит тонггача шайтон ва ўз нафси билан курашиб чиқди.

— Эй нафсим! Йигирма йиллик кўзим нурини бекоғ кетказмайман. Мен сен айтган одамлардан эмасман. Қара, бир шам оловига бардош беролмайман, — деб шайтон ва ўзининг баднафси ундовларига кўнмади.

Тонг отгач, қизча уйғониб, ташаккур айтиб уйига кетди. Қизнинг ота-онаси ташвишланиб, кўз ёшларини тўкиб, ундан:

— Нима бўлди қизим? Шу пайтгача қаерда қолдинг? — деб сўрадилар ҳаяжон билан.

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ, отажон, онажон, — деб қизча бўлган воқеани тушунтирди.

Ул одам бориб мулла йигитга ташаккур айтди, унга пул бериб, миннатдорчилигини изҳор этмоқчи бўлганида, у олмади. Мулла йигит:

— Мен ҳеч нарса қилмадим. Мен дарсимни тайёрлаб ўтирган эдим, қизингиз эса бу ерда тонгни кутиб ётди, — деб қизнинг отасини тинчлантирди.

Аммо қизчанинг отаси бу яхшиликка миннатдорчилик билдирмоқчи бўлди:

— Эй, Аллоҳ ошиғи мулла! Менга тўғри сўзла. Бармоқларинг нега куйган. Нега ўзингни бунча қийнадинг? Менга тузуқроқ тушунтиргин, — деди.

— Афандим, сиз учун мен қилган бирор яхшилик йўқ, нимаики қилган бўлсам, ўзим учун қилдим. Йигирма йилдирки, қишлоғимдан бу ерга илм олишга келганман. Ота-онамни соғинаман. Бу йил ҳужжатимни олиб, ота-онамнинг олдиларига бораман. Йигирма йилдирки, нафсимнинг тарбияси билан шуғулланаман. Нафсимни тарбия қилдим деб ўйлардим. Бугун кўрдимки, тарбия эта олмабман. Нафсимга: «Тарбия олган бўлсанг шам ўтига чидайсанми?» дедим, чидамади. Бармоқларимнинг сарғайгани шундан, — деди мулла йигит. Ул бадавлат одам мулла йигитнинг қўлидан ўпди ва:

— Тушундим, — деди-да, давом этди, — агар рози бўлсанг, мен сенга озгина хизматда бўлсам. Сен шу кундан бошлаб кўшкимнинг азиз меҳмони бўл! Истасанг, фарзанд ўрнида кўрайин. Қабул қилсанг, қизимни сенга берайин. Менинг қизим ҳам сен каби фазилат ила камолга етган. У яхши фазилатли диндор бир зотга лойиқдир, фазилат намунасиدير.

### *Изоҳ ва ўғит*

Эй, Ҳаққа интилган! «Ўлимдан сўнг тирилмоқ бор» деган сўзга фазилатли диндор одам ишонади. Дин тарихи инсонийлик тарихи демақдир. Инсоният тарихи қадимий бўлгани каби, дин тарихи ҳам қадимийдир.

Модомики, инсон дунёга келдими, диннинг ҳам дунёга келиши лозим эди. Инсонлар билан баробар дин ҳам дунёга келди ва бу ҳол қиёматга қадар давом этади. Ер юзида диндорлар қолмаса, дунё динсизларнинг бошига йиқилади. Пайғамбаримиз (с.а.в.) «Ер юзида «Аллоҳ, Аллоҳ, ла илоҳа иллаллоҳ» дегувчилар бор экан, дунё бузилмайди, қиёмат бўлмайди», деганлар.

Дунёда ҳузур ичида яшашни истаган динига амал қилиши зарур. Ўз фарзандларини ҳам диндор этиб тарбиялаши керак.

Дин Аллоҳнинг қонуни, Аллоҳнинг амридир. Дунё эса Аллоҳнинг мулкидир. Аллоҳ бу дунёда рухсат берган нарсаларини қиладиган, ман этганларидан қочадиган итоатли, азиз қулларига ҳузур беради, роҳатга етиштиради.

Динсизлик ҳузурсизликдир. Динсизлик ҳар бир фалокатнинг бошидир. Инсон фарзандини фақатгина дин тарбия эта олади. Динсиз одам ҳирсининг товони йўқ. Динсиз одамда номус, шарафдан бир асар йўқ. Динсиз одам йиртқич ҳайвонлардан ҳам зарарлидир. Бошқаларнинг номус ва шарафини ҳурмат қилмайди, билмайди. Пайти келиши биланоқ хиёнат қилади. Бошқа одамни йиртқич ҳайвонлар каби пора-пора қилиб ташлайди. Шунинг учун динсиз одам ниҳоятда зарарлидир. Динсизлик бир фалокатдир.

### 8-ҲИКОЯ

#### ЎРТА ЁШДАГИ БИР ХОЖА ТАРБИЯЛАГАН ЁШ ХОНИМ

Бир вақтлар Ускудорда истиқомат қилувчи ўрта ёшлардаги бир зот биринчи хотини вафот этгач, ёш хонимга уйланди. Бу зотнинг ахлоқи, гўзал одати, табиатини ҳамма яхши кўрар эди. Бул одам динни яхши биларди. Айни замонда фикри тиниқ, қарашлари қатъий, илм-ирфон соҳиби эди.

Аввалига ёш хоним хожасининг феъл-атворини жуда яхши кўрар, унга кўлидан келган барча ҳурмати, илтифотини кўрсатар, хожасига нисбатан ўз вазифаларини чиройли бажарарди. Хожасига олий даражада ҳурмат изҳор қиларди. Ёш хоним қисқа вақт ичида барча кўшнилари билан танишади, кўшнилари уни, у эса кўшнилари ҳурмат қиларди. Аммо ўша маҳаллада ёмон



фёлли, ҳасадгўй бир хотин бор эди. Бу ёш хонимнинг хожасига нисбатан ҳурмати бўлгани ва ширин турмушлари ул хотиннинг рашқини келтирди. Ёш хоним билан кўшни бўлганларидан бери уни хожасига нисбатан итоатсизликка ташвиқ қиларди:

— Қизим, сен жуда ёшсан, гўзалсан, шундай катта ёшдаги кишига турмушга чиққансан. Сен ёш, ўзинг каби чиройли эрга турмушга чиқмабсан, — деб жувоннинг бошини айлантирарди.

Ёш хоним «мен хожамдан жуда мамнунман, фёли, ахлоқини севаман» деса ҳам ёмон аёлдан қутула олмайди. Бир кун ул жувон ташвиқотлар таъсириданми, «эримдан ажралишаман» дейди. Ёмон фёлли ҳасадгўй аёл:

— Қўлингдаги қимматли ашёларингни аста-секин сотсанг, хожанга ёмон кўринасан, унинг сендан кўнгли совийди, — деб кўнглини бузади.

Ёш аёл уйдаги қимматли нарсаларини бир-бир сота бошлайди. Ҳар куни эри оқшомда уйга келганида, бугун қимматли фалон нарсани, эртасига бундай қимматли нарсани сотдим деяверади, ниҳоят уйда ҳеч нарса қолмайди. Аммо хушфёль, чиройли хулқли, илм-ирфон соҳиби бўлган ул зот хотинига: «жонинг соғ бўлсин, янгисини олармиз», дер эди. Хоним уйда сотиладиган ашё қолмаганидан кейин ҳожатхонадаги ҳар куни фойдаланиладиган, ўттиз йиллик обдастани тошга уриб синдирди. Кечқурун эри келганида, ул хоним:

— Ҳожатхонадаги обдастани тошга уриб синдирдим, парча-парча қилиб ташладим, — деди.

— Ана холос! Бу нимаси! — деб хожанинг кузларига ёш келди.

— Мен сизга ҳайронман, — деди хоним. — Уйдаги шунча қимматли нарсаларни йўқотганимда жаҳлингиз чиқмай «ўзинг соғ бўлсанг бас», деган эдингиз. Энди ҳожатхонадаги оддий кўза синганида кўзингиздан ёш тўкдингиз, нега?

— Хоним, ул кўза ўттиз йилдирки, менинг энг маҳрам ерларимни кўради. Ҳозир янги бир кўза олиб, унга маҳрам ерларимни қандай кўрсатаман? — деб жавоб берди хожа ёш аёлига.

Ёш хотин бир онда ғафлатдан уйғонди ва кечирим сўраб эрининг қўлларини ўпди, оёғи остига йиқилди. «Мени авф этинг, сизнинг амрингиздан ҳеч чиқмайман, сизга нисбатан озгина бўлсада итоатсизлик қилмайман», деб ёлборди.

### Изоҳ ва ўғит

Шундай ёмон феълли хотинлар қитмирлиги билан хожаларига ҳурматсизлик қилган ва бир жаннатдек оилани жаҳаннамга айлантириб, ҳузурсиз ҳолатга келтирган қанчалаб хонимлар мазкур ибрат дарси бўладиган ҳикоятни ўқисалар, ҳузур-ҳаловатга эришсалар, кўнгиллари яхшиликка ошно бўлса, яна нима ҳам дер эдик. «Минг насиҳатдан бир мусибат яхши, у инсоннинг ақли-ҳушини жойига келтиради», деганлар дадаларимиз. Ақлли аёл, Аллоҳнинг унга берган неъматни қадрини, қийматини яхши билган кимсадир. Хожасининг ҳурматини ўрнига қўймаган хотин албатта жазосини топади.

Эй мусулмон қардошим, хожанга нисбатан вазифаларингни яхши бажар ва жаннат аҳли бўлиш учун ғайрат кўрсат.

Қани энди, ўз аёлини тарбиялай олган ўша одам қабридан туриб чиқса-да, бизнинг кўп аёлларимизга таълим берса!

### 9-ҲИКОЯ

#### НАМОЗ БИЛАН ХОЖАСИНИ (ЭРИНИ) ЙЎЛГА СОЛГАН ХОТИН

Беш вақт намозини адо этувчи бир мусулмон хоним ичишни яхши кўрадиган бир одамга турмушга чиқди.

Ҳар куни хожаси уйига ширакайф бўлиб келади. Уйига тўғри келган кун бўлмайди. Динга ниҳоятда эътиқоди юксак бўлган мусулмон аёл, беш вақт намозларининг орқасидан хожасининг тузалиб кетишини ва ичкилик деган ёмон заққумдан халос этишини Аллоҳдан сўраб, кўз ёшларини тўкиб ёлборади.

Кунлар, ойлар ўтади. Аёл ўз хожасига хизматини яхши ўтайверади. Сархуш юрадиган эр ўз хотинининг хуш феълидан, хизматидан мамнун. Аммо унга бундай юриш одат бўлиб қолган. Мусулмон хотин намозларидан кейин кўз ёшларини тўкиб, эрининг яхшиликка юз буришини сўрайди. Кечалари хожасини безовта қилмаслик учун ўрнидан туриб бошқа хонага чиқиб, намозини ўқиб, дуо қилади:

— Аллоҳим! Ҳузурингда гуноҳкор қўлларимни очдим. Сенга ёлбораман. Мени аф эт, гуноҳимни кечир, ё Раббим! Сенга кўз

ёши тўкиб ёлбораман. Сенинг розилигинг учун адо этадиган намозларим ва тўккан кўз ёшларим, сенга бўлган бениҳоя имоним, даргоҳи иззатингдан маъқул бўлса, сенинг розилигинг уйғун бир ибодат ва имон берса, эй улуғ Аллоҳим, шуларнинг хотири учун шу онда ётоғида ухлаётган хожамни ҳам ислоҳ айла, тузатгин, у гуноҳ ишлардан қайтсин. Хожамга ҳидоят бер, эй Раббим! Эй, Раҳмон ва Раҳим бўлган Аллоҳим, дуойимни қабул айлагил!

Ўз одатига кўра хотин намозини ўқир экан, хожаси уйғониб қараса, ёнида хотини йўқ, ётоқхонада ҳам йўқ. Ул одам шубҳаланди. Сархушлиқдан боши оғриган хожа нега хотиним ёнимда йўқ, деб ўрнидан туриб уни ахтарди. Товуш чиқармай секин уйини қараса, хотини сажда қилмоқда, кейин қўлларини дуога очиб, кўз ёшларини тўкиб Аллоҳдан сўрарди: «Эй кечиргувчи Аллоҳим, хожамни ҳам кечиргин!»

Хотинининг Аллоҳ ишқида тўкаётган бу кўз ёшлари ул одамнинг қалбида бир имон нури бўлиб порлади ва унинг ақлини ёриштирди. У бундай деб илтижо қила бошлади:

— Эй, кечиргувчи улуғ Аллоҳим! Мени авф этгин! Шу ярим кечада хотиним менинг учун кўз ёшини тўкмоқда экан, мен эса унинг ҳақида ёмон хаёлларга бордим. Хотиним мени авф этишингни Сендан ёлбориб сўрар экан, мен эса гуноҳга ботиб ётибман. Бу тушми ўзи?! Эй Раббим! Мени кечир. Сўз бераман, бугундан бошлаб оилам билан биргаликда Сенга ўзимнинг қуллик вазифамни адо этаман. Динимиз белгиси бўлган намозни ўқийман. Оқшомлари, кечалари уйимда хотиним билан биргаликда намозимни ўқиб, уйимизни нурафшон этамиз, — деб Аллоҳга сўз берди, ҳидоятга эришди.

Хожасининг бу ҳолини кўргандан кейин яхши феъл-атворли, том маънода мусулмон тарбияси билан вояга етган ёш хоним севинч кўз ёшларини тўкиб, эрининг бўйнидан қучиб шод бўлди ва:

— Ё Раббий! Сенга минглар ва юз мингларча шукрлар бўлсин! Хожамни ҳидоятга етказдинг. Намозларимни, дуоларимни қабул этдинг. Сенга мингларча шукрлар бўлсин, Аллоҳим, — деб севинч кўз ёшлари билан Аллоҳга ҳамд ва шукроналар айтди.

### *Изоҳ ва ўғут*

Мусулмон қардошим! Дадаларимиз «намоз ўқигин» деганлар. Албатта намоз ўқи! Аллоҳнинг лутфига муяссар бўлган му-

сулмон хоним уйнинг саодатини таъмин этгани шундандир. Аллоҳдан ҳузур-ҳаловат истаб, хожасининг ибодат қилиши билан ул ҳузур-ҳаловатга етишгандир. Мусулмон одам учун энг буюк тасалли манбаи, энг буюк умид хазиnasi унинг динидир, Аллоҳи ва Пайғамбаридир.

Ҳузурсиз кўнгулларга ҳузур, умидсиз инсонларга умид берувчи диндир. Бир онда бутун борлигини маҳв этган мусибатга дучор бўлган бир кимсага ким умид туйғусини бера олади? Албатта, дин бу умидни бера олади. Инсонларга фақат Аллоҳ ёрдам бера олади. Ушбу мусулмон хоним ҳам ёрдамни фақат Аллоҳдан истагандир. Аллоҳ унга ёрдам берди. Ўрнак бўлмиш бу ислом аёли ҳам ўзининг саодатини таъминлади, ҳам хожасининг ҳидоятга муяссар бўлишига ёрдам берди, хожасини маънавий юксалтирди. Уни жаҳаннам алангасидан сақлаб қолди. Бундай аёллар билан барча мусулмонлар фахрлансалар бўлади. Омин!

Ислом тарихида хожасини тарбия қилган, эрини ҳидоятга етиштирган аёлларнинг мавқеи жуда баланддир. Бу бахтиёр ислом оналари, бу муҳтарам Ислом аёллари ҳақида ўрнак бўларли ҳаётгий ҳикояларни ушбу китобда ўқийсиз.

Оқила ислом аёли динини, имонини керакли гўзал шаклда ўрганидан сўнгра ўша билганларининг нури ёруғида хизмат қилишга, унинг кўнглини олишга, фатҳ этишга ғайрат кўрсатиши ўзининг манфаатида эканлигини жуда яхши билади. Унинг учун қўлидан келган ишни қилади ва ўрнак бўлгудай бир ислом аёли бўлади.

## 10-ҲИКОЯ

### ҲАЗРАТ УМАРНИНГ ХОНИМИ

Мусулмонларнинг Халифаси Ҳазрат Умар ҳар вақтдаги ода-тига кўра бир куни кечаси Мадинанинг атрофини айланишга чиқди. Сайр этиб юраркан, шарпа кўрди. Яқинлашди. Бир одам чодир ичига қарар эди. Ҳазрат Умар (р.а.) ул одамдан:

— Бу ерда нима қилиясан? — деб сўради.

— Сайёҳман. Ҳамроҳларим кетишди, мен қолдим, ичкарида ўтирган менинг оиламдир. Ҳомиладор эди, бу ерда тўлғоқ тутиб қолди. Мажбуран тўхтадик. Биз келган карвон йўлида давом этиб кетди, — жавоб берди мусофир.

— Нега бу ерда турибсан, кириб хотинингга ёрдам бермайсанми? — деди Ҳазрат Умар.

— Ёрдам берай десам, менинг бу ишга ақлим етмайди.

— Сен шу ерда тур, мен доя олиб келаман, — деб Ҳазрат Умар шошиб уйига кетди.

Оиласига:

— Ё Умму Гулсум! Тур, сенинг ёрдаминг керак. Агар уруш майдонида жанг бўлса, сени безовта қилмас эдим. Бу иш фақат сенинг қўлингдан келади, — деб уни олиб кетди.

Ҳазрат Умарнинг хотини Умму Гулсум ул хотинга ёрдам берди ва чодир ичидан чақалоқнинг овози эшитилди. Бироздан кейин Ҳазрат Умарнинг хотини чодирдан чиқди.

Ул ўғил кўрган одам ўзига ким ёрдам берганини тушунди ва «Ё Амирал мўъминин», деди.

— Тонгда ҳузуримга кел. Байтул молдан ёрдам берилади, — деди Ҳазрат Умар.

### *Изоҳ ва ўғит*

Бу — исломда тенгликни англатади.

Кимлиги номаълум бир йўлчи учун кечаси кўриб қолиб, хотинини ширин уйқусидан уйғотиб, ким ёрдам беради?

Яна халифанинг хотини, раҳбарнинг хотини. Яна у келиб ўз ёрдамини берса! Шундай инсон борми?

## 11-ҲИКОЯ

### КЕЛИН БЎЛУВЧИ ҚИЗГА БЕРИЛАДИГАН ЎГИТ

Бу ҳикоя жуда машҳур, ибрат дарси берувчи бир диний ҳикоядир. Ақлли қизлар оналари ва келин бўлгувчи қизлар учун ибратли бир ҳикоя.

Бу ҳикоя шундай бир қиз ҳақидаги ҳикоя-ки, унинг отаси қабила бошлиғи, қабиладаги барча одамлар унинг амридадир. Бир раҳбар, аллома отанинг қизи. Онаси эса жуда ақлли, оқила, ҳаётни яхши билган ислом онасидир. У — бошлиқнинг, раҳбарнинг хотини. Яхши бир оиладан чиққан она.

Бу қиз шундай бир оила қизики, бойлик, мақом, шуҳрат, рутба, мавқе уларда бор. Сиз ҳозир қизига онаси тарафидан берилган ўн ўғитнинг ҳикоясини ўқийсиз. Ёзиш биздан, ўқиб ибрат дарси олиш сиздан, халққа таъсир этиш Жаноби Ҳақдандир.

Машҳур ривоятга кўра, Ҳориснинг қизи Асмо келин бўлиб жуёв уйига — хожасининг уйига кетадиган кун онаси Умома томонидан унга шундай насиҳат берилган:

«Болажоним, севикли қизим, мени яхшилаб тингла. Насиҳат ҳар кимга лозимдур, ўғит ҳаммага зарурдир. Насиҳат — билмаганга ўргатади, билганнинг эсига солади».

Дин насиҳат билан тик туради. Насиҳат тинглаганлар динни жуда яхши ўрганадилар. Насиҳат тинглаб юрганлар дунёда масъуд ва бахтиёр бўлулар.

«Севикли қизим! Агар бир қиз она ва отасининг камбағаллиги учун эрга берилиши керак бўлсайди, сен ҳеч замон узатилмаган бўлардинг. Чунки отанг жуда бадавлат, катта шуҳрат, мақом ва эътибор соҳибидир. Сен шундай бир одам қизисан!..

Лекин ҳаёт бошқачадир. Аллоҳ бизларни яратган ва биз учун ҳаёт қонунларини берган. Ҳар бир ёшдаги инсон Аллоҳ берган қонунлар чегарасида ҳаётини ўтказади. Аллоҳ берган қонунга кўра, ҳаётга қадам қўядиган вақти келганда, ҳар бир қиз бир хожага, ҳар бир хожа бир аёлга муҳтож бўлади. Эркаклар хотинлар учун, хотинлар эса эркаклар учун яратилгандир. Яъни бир хотин бир эркак билан, бир эркак эса бир хотин билан дўст, маҳбуб ва маҳбуба бўлиб оила қурмоқликка муҳтож шаклда яратилгандир. Бу Аллоҳ қонунидир. Бу қонунни ҳеч ким буза олмайди. Бу қиёматга қадар давом этади.

Шу сабабли сен, қизим, туғилиб-ўсган ва вояга етган уйингдан, яйраб-яшнаб, ўйнаб юрган ерингдан чиқиб ўзинг билмайдиган, нотаниш бир уйга борасан. Шунга қадар ўзинг яхши билмаган инсон уйига, ўз уйинг бўладиган уйга борасан.

Эй менинг жигарпорам, суюкли қизим, кўзимнинг нури, болажоним! Сенга шуларни айтаман. Сен ул зотга (эрингга) шундай хизмат қилки, ул ҳам сенга қул бўлсин! Сен унга ер бўлки, у сенга осмон бўлсин! Сен хожанг — эрингга бир уй бўл, ул сенга устун бўлсин!

Севикли қизим! Энди сен мени диққат билан тингла! Сенга баъзи бир мезонларни айтиб ўтаман. Уларга яхши эътибор бергин. Ҳеч улар ёдингдан кўтарилмасин, улардан вақти келганда фойдаланасан.

Бу айтганларимга амал қилсанг, эринг билан гўзал ҳаёт кечирасизлар, масъуд, бахтиёр ва саодатли бўлурсизлар. Бизлар ҳам (ҳар икки оила — бизнинг ҳам, эрингнинг оиласи ҳам) ҳузур-

ҳаловатда бахтиёр бўламиз. Акс ҳолда (яъни айтганларимга амал қилмасанг) иккала оилада ҳам ҳузур-ҳаловат бўлмайди. Сен ўзинг бир жаҳаннамда яшагандай бўласан.

Қизим! Энди сенга айтадиган ўн ўгитимга қулоқ сол! Буларни доимо ёдингда тут:

1. Қаноат соҳибаси бўл. Ўз ҳолинга шукр қил. Яъни эринг уйга нимаики олиб келса, у хоҳ ейдиган, хоҳ киядиган нарса бўлсин, хушфезллик билан, гўзал одоб билан қабул қилиб ол! Эрингга ташаққур айтиб, хушнудлик кўрсат. Зеро, бахтли ҳаёт кечирмоқнинг бир йўли ўз ҳолига шукр этмоқликдир. Ҳолига шукр этмаган, ўз нафсини тиймаган кишида кўнгил ҳузури, қалб роҳати бўлмайди!

2. Эрингга итоат қил, қил деган ишларини қил, қилма деганини қилма! Яъни эринг билан суҳбатлашганда, мулоқотда бўлганда итоатли бўлишингни, унинг сўзларини одоб билан тинглаб адо этишингни сенинг сўзлашиб, қулоқ солишингдан тушуниб оладиган бўлсин. Шунда Аллоҳ Таоло сендан хушнуд ва уйингиз саодат нуридан порлоқ бўлади.

3. Эрингнинг кўзи тушадиган жойларга яхши эътибор бер! Яъни, уйнинг ичини, ташқарисини ниҳоятда тоза тут. Шундай қилки, хожангнинг кўзига бир чиркин ер кўринмасин.

4. Уст-бошингни тоза тут. Эринг фақат хуш бўйни сезсин, димоғига ёмон ҳид келмасин. Чунки ёмон ҳидлар эринг кўз ўнгига сенинг обрўйингни туширади. Сендан ирганишига сабаб бўлади. Шунини яхши билгилки, тозаллик ва зарифлик энг яхши нарсалардир, инсон кўзига хуш кўринишлик шулар биландир.

5. Овқатни вақтида тайёрла. Яъни овқатланиш вақтини ҳеч қачон кечиктирма. Эринг қачон овқатланишга ўрганган бўлса, ўша пайтда овқатингни тайёрлагин. У келиши билан дарҳол дастурхон сол. Шунини яхши билгинки, очлик инсоннинг тез жаҳлини келтиради.

6. Уйқу вақтини, уйғониш пайтини яхши билиб ол! Яъни, унинг қачон уйқуга ётиш пайти бўлса, ўрнини тайёрлаб қўй. Зеро, уйқусизлик инсонни хафақон этади. Асаблари бузуқ, хафақон одамларнинг эҳтироси муҳаббатини секин-секин сўндиради.

7. Хожангнинг моли ва ашёсига жуда эътиборли бўл! Яъни хожангнинг мол-дунёсини яхши сақла, ашёларини авайла, муҳофаза қилгин. Чунки унинг мол-дунёси сеникидир. Эринг мол-дунёсини исроф этмаслик иш билиш ва қадрига етиш демакдир.

8. Эрингнинг қариндоши ва яқинларига ҳурмат кўрсат! Яъни хожангнинг қариндошлари ва яқинларига ҳурмат, хожангнинг эътиборини қозонмоқ демакдир. Уларни ҳурмат қилиш хожани ҳурмат қилиш демакдир. Бу эса қадр ва эътибор қозонишдир.

9. Эрингнинг сирини бошқаларга айтма! Яъни эрингнинг баъзи сирларини билган вақтингда эҳтиёт бўлиб, уни сақла, бировларга айтиб юрма. Агар айтиб қўйсанг, унинг ғазабини келтириб қўясан, ишончини йўқотасан. Бунда тузаётган оилангиз бузилади.

10. Эрингнинг динга тўғри келадиган барча буйруқларини адо қил! Яъни хожангнинг динга уйғун бўлган буйруқларини бажаришда танбал бўлма. Ҳеч қачон унга нисбатан итоатсиз бир ҳаракат бўлмасин. Агар шундай бир ҳаракат бўлса, сенга кин сақлаб охири душман бўлади. У сенга душманлик йўлини тутса, сен кўп зарар кўрасан ва қўлингдан ҳеч нарса келмайди.

Шуни яхши билиб олгинки, хожанг хафа бўлганда сен нашъали, хурсанд бўлишдан, у хурсанд бўлганда сен хафа кўринишдан жуда эҳтиёт бўлгин. Чунки унинг хафа бўлган пайтида сенинг хурсанд кўринишинг, унинг қувончи бўлган вақтларида сенинг ғамгин бўлишинг унга ҳамдарад бўлмаслик каби бир қусурни ўртага туширади. Бу эса фаҳмсиз ва тарбияси ёмон одамларга муносиб ишдир.

Бу сен каби юксак бир тарбия кўрган ақлли ва оқила хотинларга муносиб эмас.

Болажоним! Эринга қанчалик кўп севги ва ҳурмат кўрсатсанг, ўзинг шунчалик муҳаббат ва ҳурматга эришасан. Айтганларини қандай бажарсанг, сўзларини тингласанг, шу даражада муҳаббат ва ҳурматга сазовор бўласан.

Фарзандим! Шуни яхши билгинки, бу ўғитларимни ўрнига қўйиб бажариб, керагичалик амал қилиб, ўзингнинг шахсий истак ва орзуларингга эришишинг учун эринг ҳам ўз истакларига эришиши керакдир. Эринг — хожангнинг истакларини ўзингнинг орзу-истакларинг деб билсанг, у ҳолда бу ўғитларимга амал қилган бўласан!»

### *Изоҳ ва ўғит*

Эй, оила уясида Жаннат ҳаётида яшашни истаган хоним қардошлар ва келинчаклар!

Бу ўғитларни (ўн ўғитни) қизига уқтирган исломга мансуб она ушбу мезонларни ҳаёти давомида тажрибадан ўтказган ва оила



уясини ушбу қондалар билан жаннатмакон бўлишини қизига тушунтирган.

Оила, ширин турмуш қуриш ва уни чиройли идора этиш учун ҳар бир оқила хонимга ва турмушга чиқувчи ақлли қизга ушбу ўғитлар сув ва ҳаводек зарурдир.

Қисқасини айтганда, бу ўн ўғит оила қурган ва ёки қурмоқчи бўлган ҳар бир аёлга кераклидир.

Қаноат соҳиби бўлиш ширин турмуш қурмоқчи бўлган ҳар бир оилага лозимдир. Эрга итоатда бўлмоқлик уйда тотув бир ҳаётда яшашни истаган ҳар бир аёл учун ҳаво ва сувдек зарурдир.

Эрнинг кўзи тушиши мумкин бўлган ерларга яхши эътибор бериш, эрни ўзига меҳр риштаси ила боғлаш демақдир, уйга боғлаш демақдир.

Қанчалаб гўзал чеҳрали, гўзал қоматли ёш аёлларни биласиз-ки, уларни танийсиз-ки, андишасиз ёки танбалликлари учун эрлари тарафидан севилмайдилар ва ардоқланмайдилар.

Бир куни бир дўконда ўтирган эдим. Шу дўконга бир ёш одам келди. Дўконда шундай гап бўлди:

— Ажаб хотинини севмади. Хотини ёш эди, тоза, покиза, гўзал эди. Ундан гўзалини билмайман.

Ул ёш одам гапга қўшилди:

— Ота, мен нима учун ундан қутулдим? Юзи гўзал, ўзи гўзал, аммо аёллиги — хотинлиги йўқ эди. Фейли ёмон эди. Тонгда уйдан чиқиб кетардим. Оқшомда уйга қайтиб келганимда уй тонгда қандай бўлса, шундай турарди. Авф этинг, ётоқхонам ҳам эрталаб қандай бўлса, шундай тураверарди.

Йигит яна анча дардларини айтди. Бу ҳикоядаги учинчи бандни хотирладим.

Демак, ақлли бир онанинг тарбиясини олган қизга уйланмоқ керак. Аёлни тарбияламоқ керак. Оиласи яхши қизларга уйланмоқ керак.

Бадбўй жойларни тозалаш эрнинг қалбини ўзига ром этмоқ демақдир.

Хушбўй ҳид келмайдиган аёл қанча гўзал бўлса ҳам одамни жиркантиради. Оқшомлари эрини доғ дастурхонлар, ёғли либослар билан кутиб олиш ақлли хонимларга тўғри келмайди.

Овқатланиш вақтини, уйқу вақтини яхши билиш зарур.

Оталаримиз «жон бўғиздан чиқади» дейдилар. Режали оила ҳаёти жаннат ҳаётидир. Аёл эрига, унинг одат ва қизиқишларига боғлиқдир. Унинг вақтини тежаши, фароғатини сақлаши керак.

#### **Хожасининг мол-мулкани сақлаш.**

Эрининг мол-мулки демак, болаларининг мол-мулки демакдир. Уйда эр мулкани тежамайдиган, сақлашни билмайдиган хотин бул уйнинг бекаси бўлмоғи душвордир. Эрининг мулкани тежаш ва сақлашни ўрганиш ва бу йўлда тўғри, дуруст ҳаракатда бўлиш ҳар бир хотиннинг бахти учун зарурдир.

#### **Эрининг қариндошларига ҳурмат кўрсатиш.**

Бу ақлли аёл учун энг тўғри йўлдир. Ота-боболаримиз «гулни севган тиканини эъозлайди» дейдилар. Эрининг қариндошларига иззат ва ҳурмат кўрсатишни билмайдиган аёл ҳузур ичида яшаш йўллари билмайдиган аёлдир. Гул севилиб, тикан севилмайдими? Тиканни иззат қилмаган, гул исидан бебаҳра қолади. Эрининг қариндошлари, яқинларига ҳурмат кўрсатишни билмаган ақлсиз аёл хожасининг кўнглини ололмайди, хожасининг меҳрини қозона олмайди. У эрининг нафратига учрайди, муҳаббатини сўндиради. Хожасининг ақраболарига ҳурмат-иззат кўрсатмаган хотин ҳамма вақт унинг кўзига хунук кўринади. Бу то оиланинг бузилишигача давом этади.

#### **Эрининг сирини ўзгаларга ошкор этмаслик.**

Эрининг баъзи сирларини билиб олиб, уларни сақлай олмаган, тўғриси, хотин дейишга лойиқ эмасдир. Эр сирини қалбининг энг тубида тутушни билган ақлли хотинлар ўз оилаларида ҳузур ва роҳатда яшайдилар. Эрининг сирини ичида сақлай олмаган аёл ландавур, бадбахт хотиндир, у эр нафратига учраб, хунук кўринади, оилада барака бўлмайди. Эътимод бўлмаган оилада ахлоқ ҳам бўлмайди. Ўғитнинг бу моддаси ҳам шунинг учун ҳар бир аёл учун зарурдир.

#### **Эрининг динга хилоф бўлмаган барча амрларини бажариш.**

Эр сўзига қулоқ солмаган хотинлар жаҳаннамга ўтин бўладилар. Агар хотиндан эр мамнун бўлса, у хотин жаннатга киради дегани бўлади. Жаннатга кирадиган хотинлар эр сўзига қулоқ солувчи, эрининг динга уйғун амрларини бажарадиган хотинлардир. Эрининг юзига жаҳл ила тик қараб, сўзига қулоқ солмайдиган хотинлар учун жаҳаннам доимо бор бўлсин.

Зотан бундай бадбахт аёллар борлигидан оила уясининг жаҳаннамдан фарқи бўлмайди. Бундай феълли аёллар билан яшаш, бу дунёда жаҳаннам ҳаётини ўтиш билан тенгдир. Ота-боболаримиз «Эрини суймаган хотинни эшигингда тутма», деганлар.

Шунинг учун ҳар бир оқила она, қизини узатар экан ёки бўйи етган пайтидан шунга ўхшаш нарсаларни ўргатиши керак. Бу унинг оқила хотин эканлигидан далолат беради.

Боболаримиз: «Онасини кўр, қизини ол!», деганлар...

Ҳар бир она қизига ўрнак бўлиши шарт!

Сен авлодинга тарбия бериб етиштир-да, Аллоҳга топшир.

Эй, Аллоҳдан кўрқувчи оналар ва қизларимиз!

Кўлингиздаги бу китобда сизларга йўлингизни ёритувчи чи-роқ тутадиган ҳикоялар мавжуддир. Ниятимиз сизларга фойда етказишдир. Ислоом оиласининг энг буюк устун бўлган оналарга ва оналикка номзод хонимларга, фароғатли оилаларда яшар эканлар, бизнинг кичик насиҳатимиз фойда берган бўлса, ўзимизни бахтиёр ҳис этамиз.

Қардошларим, бу ўғитларимизни ўзингиз ўқиб тушунинг ва дўстларингиз, қариндошларингизга тавсия этинг. Улар ҳам ўқисинлар. Бу эса сиз учун савобдир.

## 12-ҲИКОЯ

### ПАЙҒАМБАРИМИЗ (С.А.В.)НИНГ АМРЛАРИГА РОЗИ БЎЛГАН АҚЛЛИ ҚИЗ

Ҳазрат Анас (р.а.)нинг ривоят қилишларига кўра, бир одам Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳузурларига келиб шундай деди:

— Ё Русулulloҳ! Теримнинг ва юзимнинг қоралиги, хунуклигим Жаннатга киришимга монелик қилмайдими?

Ул одамнинг бу саволига севикли Пайғамбаримиз (с.а.в.) бундай жавоб бердилар:

— Терингнинг қора бўлиши Жаннатга кириш учун тўсиқ бўлмайди. Сен бу сўзинг билан Аллоҳ ва унинг Расулига ҳеч ишонмаслигингни маълум қилдинг.

— Сени Пайғамбар қилган Буюк Аллоҳга айтаманки, «Ла илоҳа илلاллоҳ, Муҳаммаддур Расулulloҳ». Калиман Тавҳидни саккиз ой сидқ ва қалбдан айтиб, имон келтирганман, — деди ул одам.

Ул одамнинг бундай жавобини эшитиб Пайғамбаримиз (с.а.в.):

— Амр бин Ваҳоб бугун бу ерга келдимиз? Ҳозир шу ердами?  
— деб сўрадилар.

Севиқли Пайғамбаримиз (с.а.в.) сўраган Амр ибн Ваҳоб Сакиф қабиласидан эди. Эндигина мусулмон бўлганди. Шу ерда ҳозир бўлган Асҳоб Пайғамбаримиз (с.а.в.)га:

— Бу ерда йўқ, бугун келмади, — дедилар.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) бу сафар сиёҳ юзли одамдан сўрадилар:

— Амр бин Ваҳобнинг уйини биласанми?

— Биладан, ё Расулulloҳ!

— Амр бин Ваҳобнинг уйига бор. Эшигини тақиллат. Салом бер. Сени ичкарига таклиф этганидан сўнг бундай дегин: «Расулulloҳ қизингизни менга хотинликка берди».

Амр ибн Ваҳобнинг жуда севимли ва ақлли қизи бор эди.

Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг сўзлари билан бу ўсмир йигит у ерга кетди. Эшикни қоқди. Салом бериб, ичкарига кирди. Бу одамнинг жуда қоралиғи қизнинг юрагини сиқди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) юборган йигит қизнинг отасига:

— Расулulloҳ қизингизни менга хотин қилиб берди, — деди.

Қизнинг отаси буни қабул этмади. Қўпол ва қаттиқ сўзлар билан йигитни ҳайдади.

Қора юзли одам у ердан чиқиб, тўғри Пайғамбаримиз (с.а.в.) олдига кетди. Ул одам уйларида чиқиб кетгандан сўнг, Амр бин Ваҳобнинг оқила қизи отасига бундай деди:

— Севиқли отажон! Сенга ёмонликдан қутилиш йўли очилди. Пайғамбаримиз (с.а.в.)га Аллоҳ тарафидан ёмонликдан қутилиш йўли кўрсатилган. Агар шу ишни бажо этмасанг, қутилиш йўли йўқ бўлади. Агар Пайғамбаримиз (с.а.в.) мени ул одамга хотинликка берган бўлса, мен уни қабул этдим. Ул қора юзли одам билан оила қураман. Аллоҳ ва Пайғамбаримиз (с.а.в.) рози эканлар, мен ҳам розиман.

Қизнинг отаси шу заҳоти уйдан чиқиб Расулulloҳнинг олдига келди. Пайғамбаримиз (с.а.в.)га яқин бир ерга ўтирди. Расули Акрам ул одамни кўриб:

— Амр бин Ваҳоб, Аллоҳнинг Расулининг амрини рад этган сенмисан? — деди.

— Хато қилдим, ё Расулulloҳ! Аммо Аллоҳдан менинг гуноҳларимни кечиршини, авф этишини тилайман, тавба

қилдим. Бир фурсат ул одам ёлғон гапирмоқда деб ўйладим. Омонлик бер, эй Расулуллоҳ! Қизимизни унга хотинликка берамиз. Аллоҳ ва Аллоҳнинг Расулини тан олиб Аллоҳга сиғинамиз, — деди.

Расулуллоҳ тўрт юз дирҳамга никоҳ қилди, сўнгра шундай деди:

— Энди бу ердан кет, хонимнинг ёнига бор.

Куёв бўлгучи йигит:

— Ё Расулуллоҳ, сени Пайғамбар этган Аллоҳга сиғиниб айтаманки, чўнтагимда бир қурушим (турк лирасининг юздан бири, чақа) йўқ, қариндош-уруғимдан бироз пул сўрашим керак, — деди.

Севикли Пайғамбаримиз (с.а.в.):

— Сен Ҳазрат Усмон, Абдураҳмон бин Аффон ва Али ҳузурларига бор, улар эҳтиёжинга яраша пул берсинлар, — деди.

Куёв бўлмиш бу зот пулни олиб бозорга кетди. Хонимига зарур бўлган эҳтиёжларни олди ва севина-севина уйига кетди.

Кейинчалик бу йигит жангда шаҳид бўлди.

Бу йигитнинг исми Саъд эди. Пайғамбаримиз (с.а.в.)га Саъд шаҳид бўлди, дедилар. Пайғамбаримиз (с.а.в.) унинг ёнига келди. Муборак бошини шаҳиднинг кўксига қўйди. Юзидаги тупроқларни этаги билан артди ва шундай деди:

— Саъд, сендан қандай хушбўй ҳид анқимоқда! Сени Аллоҳ ва Расулининг севгисига топширдим.

Шундан сўнгра Пайғамбаримиз (с.а.в.) йиғлади, кейин кулди.

Саҳобалар:

— Ё Расулуллоҳ! Нега аввал йиғлаб, кейин кулдингиз? — деб сўрадилар.

— Саъдни жуда яхши кўрганам учун йиғладим. Унинг Аллоҳ ҳузурдаги юксак даражасини кўриб, севиниб кулдим. Саъднинг қурол-аслаҳасини, отини ва ашёларини оиласига беринг ва «Саъд Аллоҳ ҳузурда энг юксак даражага эришди», деб айтинг.

### *Изоҳ ва ўғит*

«Эй, Аллоҳ!» деган ёш қизларимиз! Имонли, ифбатли авлодларимиз! Бу ҳикоятда жуда ибратли дарс бор. Ундаги қизнинг ақлини зўрлигига эътибор беринг, у тажрибали отаси тушунмаган яхшиликни, хайрли ишларни тушуна билди ва отасига шундай маслаҳат берди:

— Отажон! Ваҳий сизни разил ишлардан, шарафингизнинг тушишидан бир қутулиш йўлини кўрсатди. Агар Пайғамбаримиз (с.а.в.)га Аллоҳ тарафидан сизни ерга урувчи, шарманда этувчи бир ваҳий юборилганда, сиз учун ҳеч бир қутулиш йўли бўлмас эди.

Агар Пайғамбаримиз (с.а.в.) мени у одамга хотинликка бераркан, мен қабул этаман. У қора тан одамга оила бўлиб бораман. Аллоҳ ва Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ризоликларига мен ҳам розиман...

Ақлли инсон шундай бўлади, соҳибини жаннатга олиб боради. Бу қиздаги ақл жуда маъқул, тўғри ақл. Ёши улуғ отаси тушунмаган нарсани тушунадиган ақл. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳам бу қизнинг ақлли қизлигини билади.

Агар бу қиз ақлли бўлмаганида Пайғамбаримиз (с.а.в.) ул йигитни қизнинг отаси ҳузурига юбормаган бўлар эди. Чунки ул йигит ҳам жуда ақлли, маъқул йигит эди. Бу йигит урушда шаҳид бўлганида Пайғамбаримиз (с.а.в.) йиғлаган эди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) муборак бошини бу шаҳиднинг кўксига қўйиб: «Саъд сендан нақадар хушбўй ҳид келмоқда...» деган. Саъднинг жаннатдаги ери Расулulloҳ (с.а.в.)ни севинтирди.

Демак, бу қора тан йигитнинг имон ва ахлоқ йўлидан бориши шунчалик буюк эдики, Расулulloҳ у ақлли ва номусли қизчани бу йигитга лойиқ кўрган. Қиз ҳам Аллоҳ ва Расулulloҳ лойиқ кўрса, мен розиман, деди.

Бу ҳикояда буюк сўз, ҳикмат йўллари бор. Ақлли қизлар, бу ҳикматга қулоқ солиш яхшилигини билган қизлардир. Ибрат олинг, бу ҳикоядаги қиз: «Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг амридир, бунда бир хайр бор, буюк бир яхшилик бор. Гарчи одамнинг юзи қора, яъни одам у қадар гўзал бўлмаса ҳам Пайғамбаримиз (с.а.в.) уни яхши деб билди. Мени унга лозим кўрибди. Мен ҳам розиман», деди.

Бу назокатни, яхшиликни отаси тушунмади. Аввал йигитни тушунмай, билмай уйдан ҳайдади. Қизнинг оқиллигини қарангки, отасига: «Бориб Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан узр сўранг», деди. Бундан буюк ақл бўладими?..

## 13-ҲИКОЯ

## АҚЛЛИ ХОТИНЛАР ЭРЛАР БАХТИ

Бир одам жуда ақлли ва одобли, ислом тарбиясини олган қизга уйланди. Ул одам хонимидан жуда мамнун, уйларида ғалва, ғавго йўқ.

Бу йигит бир кун дўстларининг ҳузурига борди. У ахлоқсиз одамларнинг хотинларини «ундай урдим, бундай урдим», деб мақтанганларини эшитди. Йигит ҳайрат билан улардан сўради:

— Нега хотинларингизни урасиз? Ҳеч гуноҳи йўқ хотинни уриб бўладими? Дўстлар:

— Дунёда бундан осон нарса йўқ. Уйга бир қадоқ қийма гўшт олиб келасан. Қиймали суюқ овқат тайёрлаб келса, бошқа овқат ейишни хоҳлайман, дейсан, деб ақл ўргатибдилар.

Йигит эртасига кечқурун уйига келиб дастурхон олдига ўтирди. Хоними қийма солиб тайёрланган шўрва олиб келди. Ул хотинига жеркиб:

— Мен картошка билан қийма ейишни хоҳлайман, — деди.

— Қийма ҳам бор, — деди хоними.

— Мен ток баргига ўралган қийма хоҳлардим.

— У ҳам бор.

Хожасининг одатларини жуда яхши биладиган одобли хотин эри хуш кўрадиган барча нарсани кўлидан келганча ҳаракат қилиб тайёрлаган ва унинг кўнглини олган.

Йигит эртасига яна дўстлари олдига чиқди. Улар дарҳол қизиқиб сўрадилар:

— Нима бўлди? Хотинингни калтакладингми?

Йигит бўлган воқеани айтган экан, дўстлари:

— Сен бахтли экансан, хотининг ақлли, чаққон аёл экан, — дебдилар.

*Изоҳ ва ўғит*

Албатта, хонимлар ақлларини хожаларининг қалбини қозониш, кўнгилларини олиш, севги ва меҳрига эришмоқ учун кўллашлари зарурдир. Ислом ахлоқи билан тарбияланган хонимлар Аллоҳни мамнун этмоқ учун хожаларини мамнун этмоқликлари кераклигини биладилар.

Эрини мамнун этмаган хотиннинг ё ақли оз ёки фаҳми етарли эмасдир. Диний мезонлар ила ҳаракат қилиш, Аллоҳ, Пайғамбар

ва хожаларини мамнун этиш, уларнинг севгисини қозониш ақли хотинлар учун қийин иш эмасдир. Хотин эрининг қадрини билолса, унинг ҳурмати баландлигини англай олса, шу етарлидир.

Хотинларига ҳақсиз азият етказган эрлар эса жаҳаннамдаги азобли, оташли ерларга тушсинлар, хотиннинг эрга хизмат қилиши диний бир вазифа бўлгани каби, эрнинг хотин ҳаққини адо этиши ҳам Аллоҳнинг бир амридир. Аллоҳ амрлари доирасида хожасига хизмат қилган жаннати хотинлар дўстларга муборак бўлсин! Бу амрларга эришган хотинларига яхшилик қилган, уларнинг меҳр ва муҳаббатини қозонганлар қандай бахтлидирлар. Улар учун Жаннат бор.

Турли баҳоналар билан уйдаги хотинига азият етказадиган, бегуноҳ хотинини — болаларининг онаси, уйини саришта этувчиси қийнаган, мол-мулкини эҳтиётловчига қўл кўтарган, азоб берадиган, дин, имонни билмаган жоҳил эрлар учун жаҳаннам доим бор бўлсин, дегиси келади одамнинг. Имонли, ахлоқли, яхши феъл-атворли, ақли мусулмон ҳеч бир гуноҳи йўқ, ҳатто баъзи майда-чуйда, арзимас хатолар учун ҳам хотинига қўл кўтармайди. Бегуноҳ аёлларга қўл кўтариш мусулмонликка ҳам, инсонликка ҳам сифмайди.

#### 14-ҲИКОЯ

### ҲАЗРАТ УМАРГА ХОТИНИДАН ШИКОЯТ ҚИЛГАНИ КЕЛГАН ОДАМ

Ҳазрат Умар (р.а.)нинг Халифалиги даврида бир одам шаддод хотинининг турли жанжаллари, бақириб-чақирувларидан шикоят қилгани келди.

Ул одам Ҳазрат Умарнинг эшиги олдида келганида қулоғига бир хотиннинг қаттиқ овози келди. Бироз тараддудда қолди, қулоқларига ишонмади. Ишонмади, қандай ҳам ишонади! Ҳазрат Умарнинг хоними Умму Гулсум хожаси — эри Ҳазрат Умарга бақириб-чақиρμοқда. Ҳазрат Умар эса ҳеч овозини чиқармас эди.

Хотинидан шикоятга келган одам ўз-ўзига шундай деди:

— Мен хотиним берган ҳузурсизликдан, хотинимнинг ёмон феълидан, менга бақириб-чақиришидан халифага шикоятга келган эдим, токи ҳузур топайин, уйимдаги жанжалдан қутулайин



деб. Бу қандай тақдирки, менинг бошимдаги ғам халифанинг ҳам бошида бор экан. Яхшиси у ердан кета қолай, деди.

Ул одам қайтиб кетар экан, Ҳазрат Умар (р.а.) уни кўриб қолди ва:

— Нега келган эдинг, нега кетяпсан, — деди.

— Сизга хотинимдан шикоятга келган эдим. Айни бало, айни дард сизнинг ҳам бошингизда борлигини кўриб шикоятдан воз кечдим. Шунинг учун кетаётган эдим, — деб жавоб берди ул одам.

Бунинг узрига Ҳазрат Умар (р.а.) ул одамга бундай насиҳат қилди:

— Менга яхшилаб кулоқ сол! Оиламнинг менда баъзи ҳақлари бордир. Менга қилган хизматлари сабабли мендан бу ҳақларининг қадрини билишимни истайди. Сабр-қаноат билан қилган хизматлари ва ҳақлари ушбудир:

1. Хотиним жаҳаннам оташи билан менинг орамда бир пардадир. Кўнглим у билан роҳат топади. Ҳаромга боқмайман (яъни, у менга хотинлик вазифасини бажаради).

2. У мен учун уйимнинг бир муҳофизидир (қўриқловчиси, муҳофаза этувчисидир). Мен уйимдан чиқсам, у уйимда мол-мулкимни сақлайди, уйимнинг бекаси бўлиб қолади.

3. Кийимларимни ювиб тозалайди. Уйимнинг бошқа юмушларини бажаради. Уйимнинг тозалигини, болаларимнинг покизалигини сабр-қаноат билан таъминлайди.

4. Болаларимни тарбиялайди. Уларга едириб-ичиради, кийдириб ясантиради.

5. У менинг овқатимни пишириб, олдимга қўяди. Шунча хизматларни ўрнига қўйиб бажариб миннат қилмайди.

Ҳазрат Умар (р.а.)дан бу насиҳатларни эшитгандан кейин хотини устидан шикоят қилгани келган одам:

— Сенга қилинадиган бу хизматлар менга ҳам қилинади. Сен хуш кўриб унинг баъзи қусурлари, камчилигини кечирганингдан кейин мен ҳам хотиним қусурларини кечираман, — деди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Эй, уйда ҳузур истаган қардош!

Барча кўргуликларимиз динимизни билмаганимиздандир. Ҳазрат Умар (р.а.) каби бир зотни бундай хушхулқ қилган фақат ислом динидир.

Ҳазрат Умар (р.а.)нинг қандай одам бўлганлигини қўлингиздаги бу китобдан ўрни келганда билиб оласиз. Исломи дини инсонни қандай баркамол этади? Исломи инсонни қандай маданий бир инсон этиб тарбиялайди?

Ҳақиқий бир мусулмон инсонларга зарар бериш ва уларни хафа қилиш эмас, ҳайвонларга ҳам зарар етказмайди, ҳайвонларни ҳам қийнамайди.

Бошимизга келадиган балолар, кўрадиган аламларимиз яхши мусулмон бўла олмаганимиздандир. Динимизни билмаймиз. Бир бола ҳам биладиган 32 фарзни билмаймиз. Ҳатто гусл қандай қилинади, шуни ҳам билмайдиган қарияларимиз бор.

Бўлмаса жоҳил бир эр нега хотинини қийнайди? Чунки ул эр хотин қадрини билмайди.

Шунга ўхшаш, дин, имонни билмаган жоҳил бир хотин эрига азият ва ҳузурсизлик етказишдан бўлак нима ҳам қиларди?

Жоҳил эрлар хотинларининг қадрига етмагани каби, жоҳил аёллар ҳам хожаларининг қадрини билмайдилар.

Бундай жуфтлардан қурилган оилаларда бир-бирларини тушуниш бўлмайди, натижада улар бир-бирларига озор берадилар. Бундай оилада ҳузур деган неъматдан асар бўлмайди.

Шундай оилада ўсган болаларга Аллоҳ ёрдам берсин. Омин!

Чунки заволли уйларда кўз ёшлари тинмайди. Она ва ота жанжалидан гуноҳсиз болалар азоб чекадилар. Фарзандларининг кўз ёшлари тинмоғи учун ота ва оналар диндор ва ақлли инсонлар, марҳамат соҳиби бўлишлари зарурдир.

Шуни унутмайликки, уйимизда бахтли бўлишимизнинг шартини ҳамма одам ўз зиммасига тушган вазифасини яхши бажариши ва одобли бўлишидир.

## 15-ҲИКОЯ

### ТАННОЗ ХОТИННИНГ ТУЗАЛИШИ

Бир одам жуда нозли қизга толиб бўлди. Анча ноз-истифнолардан сўнг турмуш қурдилар. Ул аёлда ислом тарбияси жуда оз эди. Шунинг учун эрининг қадрига яхши етмас эди. Иши фақат нозланиш эди, холос. Турмуш қурганларига бир неча кун ўтганда ноз билан:

— Вақт ўтиб сатанглигим тутади. Ул вақтда менга ҳеч нарса демагин. Иш қилмайман, заҳмат чекмайман. Агар осмон бошимга узилиб тушса ҳам у кунда бирор иш қилмайман, — деди.

Эри ақлли одам эди. Бироз сукут сақлаб хотинининг гапига тушунгандай бўлиб.

— Дуруст, сатанггинам, менинг ҳам вақт ўтиб эшаклигим тутиб кетади. Ул вақтда сен менинг ғазабимга дучор бўлма, — деб жавоб берди.

Орадан ойлар ўтди, аёлнинг сатанглиги орта борди. Ул одам қанча юмшоқ бўлса, хотинининг нози шунча кучая борди. Секин-секин ишлари эр жонига тега борди.

Бир кун уйига келиб:

— Хоним шу-шу нарсаларни ҳозирла, дўконга олиб кетаман, — деди.

Хоним ҳар вақтдагидек жойидан қимирламади. Ул одам гапини такрорлади. Яна ҳеч сас йўқ. Ул одам қайтарди.

Хотин:

— Бугун дангасалигим тутиб турибди, ҳеч иш қилмайман, — деди.

Ул одам белидан камарини ечиб, хотинини, «мана сенга, мана сенга дангасалик», деб савалади.

Хотин бақирди:

— Вой дод! Вой белим, вой қўлларим! Вой ўламан!

— Жаҳлим чиқди хоним, чида, эшаклигим тутиб кетди, — деб яна камар билан савалай бошлади.

Шундан кейин хотиннинг ақли кириб:

— Бўлди афандим, менинг дангасалигим кетиб қолди, — деди.

Шундай қилиб на эрда эшаклик қолибди, на хотинда дангасалик, таннозлик қолибди. Хасталикларидан халос бўлибдилар.

### *Изоҳ ва ўғит*

Уйларини Жаннат боғчасининг бир гўшаси бўлишини истаган хонимлар эрларига қандай хизмат қилсак мамнун этамиз, деб ўйлайдилар. Оқила аёллар бу йўлдан юриб бахтли ҳаёт кечирадилар.

Акс ҳолда ақллари ўз бахтларини йўқ қиладиган бир портловчи модда бўлиб хизмат қилади.

Эримни қандай қилиб алдайман, деб турли-туман ҳийла йўлига тушган хоним ақлини ўз бахт-саодатини бузишга қурол қилиб ишлатади, демакдир.

Бугун бошим оғрияпти деб, эртасига қорним оғрияпти деб, эшаклар каби ястаниб ётиш ақли бир хотин қиладиган иш эмас.

Бундай ёмон йўлга бош урган хотинлар ақлсиз, фаҳмсиз, шуурсиз, тушунчаси бўлмаган аҳмоқ ва жоҳил яратилгандирлар. Улар том маънода хотин бўлолмадилар. Агар бундай хотин бўлсалар Аллоҳнинг яратган балолари бўладилар. Жаҳаннамликлари ўз бошларига бўлсин. Аллоҳ дўстлар бошига шундай қилиқли хотин, шайтоний ахлоқчиларни бермасин!

Аллоҳга шукрки, бу ҳикоядаги хотинда бироз ақл ва қобилият бор экан, вақтида тўғри йўлга кириб олган.

Буларнинг акси бўлганлар ҳам бор, уларда яхшилик йўқ. Аллоҳ шундайлардан асрасин. Омин!

### 16-ҲИКОЯ

#### ҲАР КУНИ ШУНДАЙ БЎЛСИН

Бир одам уйланибди. Уйланар экан, қизнинг динини, тарбиясини сўраб-суриштирамай уйланаверибди. Аввалги чиройли, ширин ойлар ул одам хоними ҳузурида узоқ бўлмабди. Бир гўзал ой, икки гўзал ой ўтарди, ойлар қатор ўтарди, йил ўтди.

Йигит тонгда уйқудан туриб тўғри ишига кетарди. Хотини эса уйқуга тўймай ўрнидан турмасди. Ул одам бир маротаба, икки маротаба ўпканди, лекин жаҳли чиқмади.

Ул одам бир кун ўрнидан турди. Чой дамлади, қаҳва қўйиладиган баркашчани тайёрлади ва ётоққа хотини олдига олиб кирди-да:

— Хоним, хоним, тур, — деди.

Хоним патнисга қаради, дид билан баркашчага қўйилган нарсаларни кўриб севиниб ўрнидан турди.

— Яшанг, эргинам, сиз қандай яхши эрсиз, — деб қўлини узатди.

Хожаси:

— Хоним! Ҳар куни бу нарса мана шундай тайёр туришини истайман, — деб орқасига қайтди.

Табиийки, ақли калта, тарбияси ноқис, танбал, дангаса хонимнинг ранги ўчиб кетди ва фақат:

— Майли, майли, афандим, — дея олди холос.

Чунки хожасининг авзойи бузилган, ғазаби келгани юзидан маълум бўлиб қолган эди. Келин ундан кўрқиб «майли, майли», деб иш бошлабди.

*Изоҳ ва ўғит*

Эй, уйида жаннат ҳаёти ила яшмак истаган хоним қардошлар!

Ҳаётда ҳеч бир иш ўз-ўзидан бўлмайди. Яъни ҳар бир яхшилик бир заҳмат, бир меҳнат натижасидир. Бизга бир оз қувват бўладиган бир луқма овқат қанчалар меҳнат ила пайдо бўлади. Ундан фойдаланиш учун ҳам яна бироз машаққат чекишимиз зарур.

Жаннат мисоли бир оила соҳиби бўлмоқ учун зиммамизга тушган мажбурият, вазифа ва хизматларни ҳеч танбаллик, дангасалик қилмай адо этишимиз керакдир. Боғимизда бир гул ҳам ўз-ўзидан ўсиб етишмайди ва гул очмайди.

Ақлли хонимлар яхши одамлар билан ҳамсуҳбат бўладилар. Уларнинг яхши одатларидан яхшилик ўрганадилар. Ёмон одамлардан узоқ бўладилар, токи уларнинг ёмонлигидан юқиб қолмасин.

Яхшиликлар гул ниҳоли кабидир. Инсонда етишувчи кучдир. Ёмонликлар эса тоғу тошларда ўсадиган янтоқлар кабидир. Булар инсоннинг ўзи билмагани ҳолда унда илдиз отади.

Бир дўстим шу ҳикояни дўстларига айтиб берибди: у ҳам баркашчага чой, ширинликлар қўйиб хотинига олиб келганини, уни ўрнидан турғазганини, ул хоним: «Эй эргинам, қандай яхши одамсиз», деганини сўзлабди. Шу ердаги хонимлар: «Афандим, у нақадар кибор, қандай нозик хожа, қандай маданий, замонавий эркак экан!» деб ҳайратланибдилар.

Ҳикоя охирида йигит: «Хоним, хоним, ҳар куни шу соатда бу баркашча шундай бўлишини истайман», дедим, — деган экан, шу ерда эшитиб ўтирган хонимлар: «а-а-а!» дея оғизларини очиб қолибдилар.

Демак, ақлсиз хотинлар бу ҳикоя мантиғини, мағзини тушунмайдилар.

Дин, имонни билмайдиган қизлар, хотинлар бўйнига занжир осган эрларга тегадилар. Балки баъзилари бунинг ёмонлигини тушунарлар. Аммо иш натижаси улар ўйлаганларича бўлмайди. Зеро ҳаёт бир қатор воситалар, қурооллар мажмуасидир. Бу воситалар, қурооллар тадбиқ этилмаса, ишлатилмаса, ҳаёт ҳам яхши бўлмайди. Оила гўшасида бир ҳақиқат бор. У — икки карра икки тўрт бўлгани каби ҳақиқат бўлиб, шошилмай, ҳовлиқмай хотин билан эр биргаликда ҳамжиҳатлик билан қурган оилаларда, бир-бирларига нисбатан муносабатларида ҳеч бир фидокорликдан қочмасликдир. Акс ҳолда, бу оилада ҳузур деган неъматдан асар бўлмайди.

## 17-ҲИКОЯ

## ИСРОФГАР ХОТИН ВА УНИНГ ЭРИ

Бир вақтлар қишлоқда яшайдиган эр-хотин бўлган экан. Эр жуда хушфёл, вазмин, сабр-қаноатли зот экан. Аммо хотини яхши тарбия олмаган, исломни ҳеч ўрганмаган ва эр қадрини билмаган, уй-рўзғор ишидан беҳабар, исрофгар, хожасини қон қустирган бадбахт аёл экан.

Бундай хотинлардан Аллоҳ ўзи сақласин. Омин! Кўп вақтлар ўтгач ул одам хотинидан хафа бўла бошлабди. Чунки у насиҳат этса, қулоқ солмас эмиш. Яхши гапирармиш, тушунмас эмиш. Қўпол гапиришга одоби йўл қўймас эмиш. Эр яна насиҳат қилармиш:

— Хоним, тежамли, тутумли рўзғор юритгин. Мен кўп чарчадим, аввалги куч-қувватим қолмади.

Бир кун ул одам уйда қолибди. Ҳаво совуқ бўлганидан ўша кун ишга бормабди. Не кўз билан кўрсинки, кеча олиб келган ўтинларини хотини қучоқ-қучоқ ўчоққа солиб ёқарди.

— Эй хоним! Сен нима қилаяпсан ўзи? Шунча ҳам ўтин ёқиладими? Сал аяб ёққин ўтинларни, — деди у одам тутақиб.

— Нима қилай, бундан кам ўтин ёқсам, уй исимайди, — жавоб берди хотини.

Орадан вақтлар ўтиб, ул одам хасталаниб қолди. Тоғдан ўтин кесиб келтириш хотиннинг ўзига қолди. Хотин бориб ўтин кесиб орқалаб келди. Эри туриб ўчоққа бир қучоқ ўтин солди. Буни кўрган хотини:

— Сиз қандай одамсиз, нима қиляпсиз? Ўтинни кесиб орқалаб келдим, елкам яра бўлди. Аяб ёқинг, менинг ҳолимга тушунинг, — деди.

— Яхши хоним, хўп бўлади. Сен хафа бўлма. Бир тутам ўтинни бекорга ёқмайман, сен айтганча бўлсин, — хотинини тинчлатди у.

Ул одам охири тушундики, ота-боболаримиз: «Минг насиҳатдан бир машаққат, мусибат яхши», «Одамга минг ўгит бергандан, қийинчилик тезроқ ақл киргизади», «Насиҳат билан тузалмаганнинг ҳаққи азобдир» деб жуда тўғри айтган эканлар.

### Изоҳ ва ўғит

Шунга ўхшаш ўз эрининг мол-мулкини созуриб, исроф этувчи хотинлар ўз оиласи саодатига ўз қўллари билан ўт қўядилар, демакдир.

Эрининг мулки ўзининг мулки, болалари, набираларининг мулки эканлигини тушунмаган хотинлар ақлдан ёки тарбиядан маҳрум бўлганлардир. «Оқ оқча қора кун учундир», — деганлар боболаримиз. Инсоннинг иши доимо яхши бўлавермайди. Балки бир борлиқнинг бир йўқлиги бор. Бир гугурт, бир ип учун келинга танбеҳ берган қайноталар кўпни кўрган-кечирган оқил инсонлардир.

Исрофгар аёлларни на Аллоҳ ва на эр севади. Ҳамма иш ўз вақтида бўлгани яхши. Инсон хасис бўлиб, ҳаддан ортиқ тежаши ҳам, сахий бўлиб созуриб ташламаслиги ҳам зарур. Энг яхшиси, шуларнинг лозим даражада ўртаси қадар иш кўрмоқ маъқулдир.

### 18-ҲИКОЯ

#### БУНДАЙ ҚАЙНОНА ДЎСТЛАРГА МУБОРАК БЎЛСИН

Турмушларининг янгилигида, бахтли ширин ойларини ўтказётган кунларида ёш келинчак ва куёвлар рўзгорнинг баъзи эҳтиёжларини олишни хоҳлайдилар. Эр кечкурун севиқли хотини хуш кўрган нарсаларни олиб келди.

Қайнонаси болаларини кўргани меҳмон бўлиб келган эди.

Куёв олган нарсаларини хотинига бир-бир кўрсатиб, буни бундай, бунисини бундай олдим, деди қувониб. Хотини бепарволик билан:

— Ҳеч нарсани тушунмадим, — деди.

Йигитнинг кўнгли оғриди. Қошлари керилди, секин-аста хафа бўла бошлади. Шу пайт хушфелъ, тажрибали, ачиқ-чучукни тотган, ҳаёт мактабини ўтган ақлли қайнона орага тушиб қизига:

— Эй менинг жоҳил, ўз қадрини билмаган қизим! Эр келтирган нарсаларга ҳам бепарво бўладими? Сен бу ёмон одатни қаердан ўргандинг? Отанг бирор нарса олиб келганида бепарво бўлганимни ҳеч кўрганмисан? Агар мен отангга шундай муомала қилсам, у менинг таъзимимни берарди ва шу заҳоти уйдан ҳайдаган бўларди.

Менинг хушфёъл, вазмин куёвим, болам, ҳақиқатан сиз жуда сабрли экансиз, деб жоҳил қизига насиҳат қилди.

Шундан кейин бу жоҳил, тарбиясиз ёш келин эри олиб келган нарсаларга бепарволик қилмабди. Йигит қайнонасини дуолар қилибди. Чунки уйда ҳузур кўриб яшабди. Хотинининг совуқ муомаласи, тумтайган суратидан қутилибди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Бундай қайнона дўстларга муборак бўлсин. Бу қайнона насиҳати билан қизининг ҳаётига бахт келтирди.

Агар қизига қўшилиб, у билан тенг бўлиб, куёвига билар-билмас совуқ, яхшилиқни кўриш насиб этмаган жоҳил, фаҳмсиз, ақлсиз қайноналарга ўхшаб муомала қилса нима бўларди? Албатта, шу пайтнинг ўзида қиёмат бўларди. Яъни куёв ўзини боса олмай, иккаласини қувиб соларди. Балки, бирор муддат, кўнгли сиқилса ҳам бу жаҳаннам ҳаётига тушган уйда жоҳил ва тарбиясиз, эр қадрини билмайдиган хотини билан яшашга мажбур бўларди. Аммо дунёга келганига минг пушаймон бўларди.

Хайрият, қайнонаси ёрдамга келди. Уйда тарбия бера олмаган қизига эри ҳузурда тарбия берди. Бундай оқила, фаросатли қайнона дўстларга муборак бўлсин.

### *18/2-ҲИКОЯ*

## **СЕНИНГ БИР КЎЗИНГ КЎРАР ЭКАН**

Ўтган замонларда бир кўзи ожиз, бой-бадавлат йигит уйланибди.

Йигит уйига меҳр қўйган, яхши феълли мусулмон эди. Ҳар оқшом уйига кучоғини тўлдириб нарсалар олиб келарди. Хотини эрини қувонч билан кутиб олиб ҳурмат кўрсатар эди.

Орадан йиллар ўтибди. Ул одамнинг иши бирдан орқага кетибди-ю, бир кун уйига қўллари бўш келибди.

Хотин ақли оз, феълли ёмон ва тарбияси яхши эмаслигидан эри уйга кирар-кирмас:

— Вой, афандим, сизнинг бир кўзингиз кўрар экан-а!.. — деб юборибди. Кўпни кўрган ул одам:

— Хоним, шу кунгача кўрмаганмидинг, — деб совуққонлик билан жавоб берибди. Бефаҳм хотини унга:



— Шу пайтгача қўлингизга қараб, кўзингизга қарашга вақт бўлмаганди, — дебди.

— Хоним, — жавоб берибди ул одам, — эрингнинг икки кўзи кўрдир. Кўр бўлмаса бош оғриқ қилиб, сен каби ақли қисқани олармиди?

### *Изоҳ ва ўғит*

Ота-боболаримиз: «Хотинларнинг сочи узун, ақли қисқа бўлади» деганларида шундай хотинларни назарда тутган бўлсалар керак. Фақат ақли қисқа киши ўзига берилган неъмат қадрини билмайди. Шу пайтгача эрининг кўзи кўрлигини кўрмай, айтмаган хотин энди кўрадимми? Аёл учун хожаси — эридан ортиқ неъмат бўладими? Шуни идрок эта олмайдиган ақли кам одам бўлсанг, сенга минглаб лаънатлар бўлсин!

Яхшилаб тинглагин! Севикли Пайгамбаримиз Ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.) Ҳадиси шарифларида бундай деганлар: «Лил-маръати ситрону; Алқабри ваззавжу».

Маъноси: «бир хотиннинг ҳаётини, динини ва номусини, шараф ва ҳурматини кўриқлай олиши учун икки паноҳи бордир. Бир эри, иккинчиси эса қабрдир». Эй ақли оз, фаҳми кам хотин, эрининг хотин учун қадри қанчалик буюк ва керакли эканлигини кўрдингми? Аммо бу мезон дини борлар учундир. Дини бор хотиннинг номуси бордир. Динсизларнинг номус мезонлари чорсу бозордан олинадиган мол кабидир. Динсизнинг нимага ақли етса ўшандан фойдаланади. Бундай номус тушунчасининг динга алоқаси йўқ. Динда (дин мезонида) номус куш кабидир. Агар сақланмаса, бир учиб қайтиб келмайди. Номусли хотиннинг паноҳи эр экан, шунинг учун эрининг қадр-қимматини баланд тутинг, унинг қадрига етинг, унга меҳрибон бўлинг. Ҳеч вақт кўнглини қолдирманг!

### *19-ҲИКОЯ*

#### **ҲАЗРАТ ИБРОҲИМ (А.С.) ВА НОМУСЛИ КЕЛИН\***

• Ҳазрат Иброҳим Пайгамбар (а.с.) тўнғич ўғли Ҳазрат Исмоил (а.с.)ни кўриш учун Маккага келди. Ўғлининг уйига келиб эшикни тақиллатди. Эшикни бир хотин очди. Хотин кўпол ва аразлаган бир муомалада Ҳазрат Иброҳим (а.с.)га:

— Кимсан, кимни сўраясан? — деди.

Ҳазрат Иброҳим (а.с.) ғоят паст овозда:

— Сиз кимсиз? — деб сўради.

Хотин зарда билан:

— Мен Исмоилнинг хотиниман, — деди.

Ҳазрат Иброҳим (а.с.) сўради:

— Исмоил қаерда?..

Хотин:

— Уйда йўқ, овга кетди, — деди.

Хотин қўпол ва совуқ аёл эди, тарбияси ҳам жуда ёмон, яра-мас ахлоқли эканлиги юзидан кўриниб турарди.

У нур юзли қария меҳмондан кимлигини сўрамади, сўраш ақлига ҳам келмади. Унинг ақли паст, қалби ҳам пок эмас эди. Ҳазрат Иброҳим (а.с.) отидан тушмади ва кимлигини ҳам айтмади. Оталик шафқати ила ўғлининг турмушини, аҳволини бил-моқчи эди.

— Аҳволингиз, турмушингиз қандай? — деб сўраган эди, хотин:

— Жуда қийинчилик билан яшаймиз, — деб жавоб берди.

Хотин бир нонкўр аёл эди. Меҳмонни хуш кўрмасди. Ҳазрат Иброҳим (а.с.) ўғлининг бундай қўпол ва ахлоқсиз аёл билан яша-ши, ақлсиз аёлга уйланганидан жуда афсусланди ва бундай деди:

— Эринг келиши билан унга айтиб қўй, уйининг остонасини алмаштирсин.

Ҳазрат Иброҳим (а.с.) бошқа ҳеч нарса демай келган томони-га отини буриб кетди.

Кўп вақт ўтмай Ҳазрат Исмоил (а.с.) овдан қайтди. У вақт-ларда Маккада истиқомат қилувчилар ов гўшти еб кун кўри-шарди. Шунинг учун Ҳазрат Исмоил (а.с.) тез-тез овга чиқарди.

Ҳазрат Исмоил (а.с.) эшиқдан кирар-кирмас, бурнига хушбўй ҳид келди, хотинига:

— Бугун бу ерга биров келдими? — деб сўраган эди, хотини:

— Ҳа, келди. Бир чол сени сўраб келди ва «ўғлим уйининг остонасини алмаштирсин» деб, отидан тушмай қайтиб кетди, — деди.

Ҳазрат Исмоил (а.с.) бўлган воқеани дарҳол тушунди. Кел-ган чол — отаси Ҳазрат Иброҳим (а.с.), унинг деган сўзи ахлоқ-сиз, феъли ёмон хотинига тегишли эди. Орадан бир қанча вақт ўтди. Ҳазрат Исмоил (а.с.) хотинини талоқ қилди. Бошқа бир қизга уйланди. Яна бир қанча вақт ўтди.

Кунлардан бир кун Ҳазрат Иброҳим (а.с.) ўғли Исмоил (а.с.) ни кўриш учун яна келди. Ота тўнғич ўглини соғиниб чин қалбдан кўришни истарди. Кўрмаса бўлмас эди, айрилиқ азоби уни қийнар эди. Аввалги келганида ўғли ёмон бир аёлга уйланганини кўриб юраги эзилган, хафа бўлганди. Ҳазрат Иброҳим (а.с.) шундай ҳасрат ила Маккага келди. Ўғлининг эшигини тақиллатди. Эшикни ёш бир хоним очди ва «эрим уйда йўқ» деди. Ҳазрат Иброҳим (а.с.):

— Қарда? — деб сўради.

Хотин:

— Овга кетди, — деди.

Ҳазрат Иброҳим (а.с.):

— Аҳволингиз, турмушингиз қандай? — деб сўради.

Хотин:

— Аллоҳга шукр, жуда яхши, ташвишимиз йўқ, — деб жавоб берди ва: — Ҳазратим сиз бироз дам олинг, узоқ йўлдан келаётган кўринасиз. Бир-икки луқма овқат ила меҳмон қиламан, — деб ўғлини Аллоҳнинг нур юзли Пайғамбари (а.с.)га ҳурмат, илтифот кўрсатди.

Ҳазрат Иброҳим (а.с.) вақтим йўқ, деб қайтиб кетмоқчи бўлди. Аммо хушфёъл, одобли, бўлғуси Пайғамбар Ҳазрат Исмоил (а.с.) нинг хотини бўлмиш бу ёш аёл Пайғамбар Иброҳим (а.с.)ни бир меҳмон қилмай кузатишни хоҳламади.

— Ҳазратим, уйга кирсангиз нима бўлади. Уст-бошингиз чанг бўлибди, узоқ йўлдан келаётган экансиз, дам олинг. Мен сизга юз-қўлингизни ювишга ёрдам берай, кийимингизни тоза-лаб қўяйин, — деди.

Ҳазрат Иброҳим (а.с.) отдан тушишни хоҳламаслигини, йўлга қайтиб кетиши зарурлигини айтса ҳам хулқ, одоби чиройли келини унинг кетишини хоҳламади ва:

— Сиз от устида туринг, оёғингизни шу тосга солинг, — деб катта бир тосни олиб келди.

Ҳазрат Иброҳим (а.с.) бир оёғини тосга солиб, бир оёғини узангидан тутиб турди. Келин сув қуйиб оёғини юва бошлади. Иброҳим (а.с.) эгилиб одобли, чиройли, гўзал хулқли келинининг бошини ўпди. Ахлоқ-одобли бу аёлдан жуда мамнун бўлди. Тўнғич ўғли, кўзининг нури Исмоилни бир вақтлар қурбон қилиш учун ерга ётқизиб бўйнига пичоқ теккизганини эслади ва суюкли ўғли одобли, хушфёъл қизга уйланганидан Жаноби Ҳаққа шукрона айтди. Юзлари кулиб турган келиннинг қўйган овқатини ва қаймоғини еб, дуо қилди:

— Ё Раббий! Шу чўлу биёбонда фарзандим ва зурриётимни қолдирдим. Уларга яхши, тотли ризқлар бергин!

Одобли келинга ташаккур айтиб, Ҳазрат Иброҳим (а.с.) кетишга ҳозирланди, кетиш олдидан:

— Мендан хожангга кўпдан-кўп салом айт. Уйининг остонасини яхшилаб муҳофаза қилсин, қўриқласин, — деди.

Ҳазрат Исмоил (а.с.) кўп вақт ўтмай овдан қайтди. Уйда хушбўй ҳидни ҳис этди ва хонимидан сўради:

— Биров келдими?

Хушфёъл, юз-кўзлари кулиб турган хотини:

— Ҳа, нуроний бир кекса одам келди. Сизга кўпдан-кўп салом айтди. Қаранг, мана бу тосга аввал ўн оёғини қўйди. Тузукроқ қаранг, оёқларининг изи турибди. Сизга салом айтгандан сўнг «уйининг эшигини яхшилаб муҳофаза этсин» деб айтди, — деди.

Ҳазрат Исмоил (а.с.) жуда севинди, қувонди. Фақат отасининг нур ёғилиб турган юзини кўролмагани учун афсусланди. Қувончини хотинига ҳам изҳор қилди:

— Эй менинг хушфёъл, юз-кўзлари кулиб турувчи, меҳмондўст, яхшилик қилишни яхши кўрувчи хотиним! Келган нуроний юзли қария менинг меҳрибон отам Иброҳим Пайғамбардир. Уйнинг остонаси — бу сенсан. Отам сендан жуда мамнун бўлгани учун шундай деган.

... Пайғамбаримиз Ҳазрат Муҳаммад (с.а.в.)даги нур у кишига қадар Ҳазрат Исмоилдан бу хотинга ўтган, сўнгра унинг ўғлига, авлодларига, охири волидамиз Ҳазрат Омина (Пайғамбаримизнинг оналари)га ва ундан Муҳаммад (с.а.в.)га ўтгандир.

### *Изоҳ ва ўғит*

Эй мусулмон биродар! Хушфёъллик инсонни Жаннатга олиб боради, бу дунёда ҳам Жаннат ҳаётида яшашга имкон беради. Чунки оила гўшаси ҳам Жаннат ҳаётининг бир туридир. Жаннат каби ҳаётни фақат ва фақат оила гўшасида яшаса бўлур. Бу эса оилани тузган она ва отанинг, яъни эр билан хотиннинг бир-бири билан тотув бўлишларига боғлиқдир. Бу мезон Ислолда «Куфв» (тенг, ҳамнасаб) дейилади. Бу оила қураётган қиз ва йигитнинг дин ва ахлоқ томонидан бир-бирларига уйғун ва меҳрибон бўлишлари демакдир.

Ушбу ҳикояда шундай нозик жиҳатлар бор. Гўзал хулқли, иродали, ирфон соҳиби бир хоним ила ёмон ва худасиз, туйғусиз хотиннинг қурган оилалари ҳеч қачон бир-бирига ўхшамайди. Биринчиси Жаннат, иккинчиси жаҳаннам ҳаётини пайдо қилади. Шунинг учун Ҳазрат Иброҳим (а.с.) биринчи келини тўғрисида уй оstonасини алмаштирсин, деди. Иккинчи келиннинг туйғули, гўзал хулқли, меҳмондўст эканлигини кўриб, шундай хотин эрини бахтли эта олишини билдириш учун Исмоил (а.с.)га: «Уйининг оstonасини яхши қўриқласин», деб салом айтиб кетди.

Бу бир ҳақиқатдирки, ҳолига шукр этмаган, эрига меҳр ва ҳурмат кўрсатмаган хотин қанчалик гўзал бўлса ҳам оилага ҳузур ва бахт келтирмайди. Бахтиёр этмоқ учун хотин яхши тарбия кўрган бўлиши ва ўз ақли ила эрининг қадр-қимматининг баландлигини тушуна олиши зарур.

## 20-ҲИКОЯ

### НОМУС ЭНГ ҚИММАТЛИ БОРЛИҒИ ЭДИ

Бу ҳикоя ёш қизчаларимизга бир армуғондир. Ҳикоя қилаётганим бу воқеа Буюк Пайғамбаримиз Ҳазрат Муҳаммад (с.а.в.) нинг замонларида Мадинада рўй берган.

Ул замонларда инсонлар қабилалар ҳолида яшар эдилар.

Бир кун Ҳузайл қабиласидан бир ўспирин туясига миниб йўлда кетар эди. Якка ўзи ёлғиз йўлдан келар экан, қирлар, адирлар ҳам кимсасиз, унсиз эди. Ҳеч бир ерда сас, садо йўқ. Ул одам туясига миниб саҳроларда сассиз, жим кетаркан, узоқда қўйлар сурувини кўрди. Сурувга яқинлашганида қўйларни ўтлатиб юрган чўпон аёл киши эканлигини билди. Яна ҳам яқинлашганидан сўнг чўпон аёл Рашид исмли одамнинг қизи эканлигини таниди. Ўспирин йигитнинг қалбида бир бузуқлик бор эди, ҳар ҳолда сурувга яқин келганда фикри бузилди. Шулу онда туясини чўктириб, яна туриб кетмасин деб тизгинидан боғлаб қўйди. Сурувини ўтлатиб юрган ёлғиз қизга:

— Бу ерда ёлғиз ўзинг қўрқмайсанми? Биз бир қардошмиз, кел қўйларингни бирга ўтлатайлик. Оқшомда уйга бирга кетамиз. Мен сенга ҳамроҳ бўламан, — деб унга яқинлаша бошлади.

Қўйларини ўтлатиб юрган қиз ақлли, оқила қиз эди. «Бу элнинг одами менга қандай қилиб қариндош бўлади» деб ўйлади ва жавоб берди:

— Бу ердан дарҳол кет. Мен қўйларимни ўзим ўтлатаман. Бу ерда турма, тез даф бўлиб кет!

Йигитнинг нияти бузуқ эди, унинг қонида бузуқлик борлигидан қизнинг ёнига яқинлаша бошлади.

— Олдимга келма, келсанг ўлдираман, — деб ҳайқирди қиз.

Шунга қарамай, ҳариф йигит қиз ёнига яқинлашаверди. Қиз ундан халос бўлишнинг бошқа йўли йўқлигини сезиб, бутун қувват ва жасоратини тўплаб ўзини мудофаа этишга қарор берди. Ҳарифни бир зумда ерга йиқитди ва ҳайқирди:

— Олчоқ ҳариф, тез даф бўласанми ёки сени мажақлаб ташлайинми?

Ҳариф қўрққанидан:

— Ҳозир кетаман, мени кечир, — деб ёлворди.

Қиз бу нопок йигитни — душманини кечирди. Ўспирин ўрнидан турди, сўнг бироз жасур бўлиб, яна қизга ташланди. Қиз бир ҳамла билан уни яна ерга улоқтирди, ердан қўлига тош олди ва:

— Номуссиз, бу ердан даф бўлиб кетасанми? Ёки шу тош билан сени ураинми? — деб бақирди. Фикри ва қони бузуқ ул йигит ёлворди:

— Кечир, Асила, мен ҳозир кетаман, олдинга бормайман, — деди.

Қизнинг исми Асила эди. Йигит ўрнидан турди-да, яна ўзини ўнглаб қизга ёпишди.

Қиз номусини сақлаш учун кучини йиғиб йигитни ерга йиқитди-да, кўкрагига ўтириб томоғидан бўғди. Жаҳл устида қўлидаги тош билан кўкрагига қаттиқ урди, ўспирин ҳушидан кетиб қолди.

Қиз: «Ё раббий! Сенга ҳамд бўлсин. Аллоҳим, сенга беҳад шукрлар қиламан. Номусимни бу олчоқ, ахлоқсиз одамдан қутқардинг», деб ўрнидан туриб кийимини тузатди.

Қиз бироз вақт ўтиб, қўйларини ҳайдаб уйига кетди. Орадан қанчалар вақт ўтгач, йўловчилар ўша ердан ўтдилар. Улар Ҳузайл қабиласидан эдилар. Қарасалар, ётган одам ҳам ўз қабилаларидан экан.

— Сенга бу ерда нима бўлди? Сен ўзимизнинг Ҳамала эмасмисан? Не ҳол бўлди? — деб сўрадилар йигитдан.

Қиздан таъзирини еган Ҳамала тетикланди:

— Сўраманг, — деди у, — туям мени устидан отиб юборди. Шаталоқ отиб ирғишлади, йиқилиб яраландим.

— Таажжуб, сенинг туянг бу ерда боғлиқ ётибди. У сени қандай йиқитиб юбора олади? Қара, бу ерда мана бу тош ётибди,

қонга булганган. Сенинг бошинг ёрилган, кўксингда тошдан жароҳатлар бор, — дедилар.

Бузуқ ахлоқли Ҳамала қизариб-бўзариб кетди, тили тутилди. Нима дейишини билмай:

— Нега мени сўроққа тутасизлар? Мен нима деган бўлсам, ўшандай бўлди. Яхшиси, мени туямга миндириб қўйинглар, — деди.

Ҳамала исмли бу ахлоқсиз йигитни туясига миндириб уйига олиб бордилар. Бу йигит бир кеча ётгач, аҳволи ёмонлашди. Қабилadoшлари ундан умид узишди ва ундан сўрадилар:

— Ҳамала, сенинг аҳволинг оғирлашди. Йигитлик вақтингда ўлиб кетасан. Сени бундай ҳолга туширган кимлигини айт, ундан ўч оламиз, — дедилар.

У хаста овоз билан:

— Рашид, Асила, — дея олди холос ва жони узилди.

Ҳузайл қабиласининг оқсоқоллари тўпланиб Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳузурларига келдилар:

— Ё Расулulloҳ! Ўғлимиз хунини Рашиддан олишни истаймиз. Ўғлимизни у яралади. Ўғлимиз ўлди, энди қасос олишимиз керак, — дедилар.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) қизнинг отаси Рашидни чақиртирди. Рашид билан яна бир одам бирга келди. Бўлган ишни эшитгач, у:

— Менинг бу воқеадан хабарим йўқ, — деди.

— Ё Расулulloҳ! — дедилар даъвогар одамлар, — Рашиднинг ўзи эмас, унинг қизи Асила қотилдир. Ҳамалани яралаган Рашиднинг қизидир.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) қизни чақиртириб келтирди. Қиз келганидан сўнг Пайғамбаримиз (с.а.в.) унга:

— Асила, Ҳузайл қабиласидагилар сени Ҳамалани ўлдирган деб иддао қилмоқдалар, бу хусусда нима дейсан? — дедилар.

Асила бироз ўйланиб, сўнг:

— Ҳеч бир хотин эркакни енгиб ўлдира оладими? — деди.

Асила оқила қиз эди. Шунинг учун ўзининг берган жавоби Аллоҳнинг Пайғамбарига бериладиган тўғри жавоб эмаслигини тушунди. Аллоҳ ваҳий юбориб Жаброил алайҳиссалом билан воқеани Пайғамбаримиз (с.а.в.)га билдирар деб ўйлади ва бўлиб ўтган ишни Пайғамбаримиз (с.а.в.)га айнан қандай бўлса, шундай айтиб беришга қарор қилди:

— Ё Расулulloҳ! Ҳодиса айнан бундай бўлди: у уч дафъа менга ёпишди. Ёнимга келмаслигини, тўғри йўлига кетишини сўрадим, у кулоқ солмади, — деб воқеанинг тўғриси Пайғамбаримиз (с.а.в.)га айтиб берди.

Яна Асила:

— Ё Расулulloҳ! Мен ўзимни мудофаа этдим. Номусимни сақламоқ учун унинг бошини яралашга мажбур бўлдим, — деди.

Йигитнинг қабиладошлари бунга қарши:

— Бўлган ишни бу қиз ўз оғзи ила эътироф этди, ўғлимизнинг қасосини, хун ҳақини даъво этамиз, — дедилар.

Севиқли Пайғамбаримиз (с.а.в.) бу одамларга эътироз билдириб:

— Бўлган ишни мулоҳаза этайлик. Қиз ўз номусини мудофаа этган. Ирз<sup>1</sup> душманлигини қилмоқ истаган ўғлингиз ўзининг қотили бўлиб қолган. Баъзан ўлдирган, баъзан ўлган қотилдир. Бунда ўғлингиз қотилдир. Қиз эса номусини ҳимоя қилган. Инсон номус учун яшар. Қиз шарафли бир ҳаракат қилган. Ўғлингиз ўзининг қотили бўлиб қолган, у жаҳаннамга боради, — деди.

Шундан кейин қизнинг отаси, «Ақлли ва номусли қизнинг отаси бўлганим учун Аллоҳга шукр дейман» деб, даврадан бошини тик тутиб чиқиб кетди. Ўлган ахлоқсиз одамнинг ақраболари бошларини қуйи солиб, у ердан кетдилар.

## 21-ҲИКОЯ

### ҲАЗРАТ ПАЙҒАМБАРИМИЗ (С.А.В.) НИНГ САФАРДАН ҚАЙТИШЛАРИ БИЛАН ҲАЗРАТ ФОТИМАНИ КЎРГАНИ КЕЛИШЛАРИ

Расулulloҳ (с.а.в.)нинг муборак одатларидан бири ҳар галги сафардан, ҳарб (уруш)дан қайтганларида ниҳоятда севиқли қизлари Ҳазрат Фотиматуз-Заҳро (р.а.)ни кўргани, ундан аҳвол сўрагани боришлари эди.

Бир кун шундай сафарларнинг биридан қайтганларида Ҳазрат Фотимани кўргани уйига келиб, Ҳазрат Фотима (р.а.)нинг болаларига кумуш узуклар, билагузуклар тақиб, уйининг дев ор-

<sup>1</sup>Ирз — номус, ифбатлик, поклик.



ларига чиройли пардалар осиб қўйганини кўрибдилар. Ҳазрат Пайғамбаримиз (с.а.в.) қизининг уйида ўтирмай қайтибдилар.

Ҳазрат Фотима (р.а.) волидамиз муҳтарам оталарининг нима учун кетиб қолганликларини тушунибди. Дарҳол у пардаларни, безакларни соттириб йўқсилларга берибди, садақа қилибди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Менинг ақлли дин қардошим! Эҳтиёт бўл, булар нималарга олиб келиши мумкин. Соёлар, дарёлар, селлар томчилардан, ёмғирлардан пайдо бўлур. Барча улуг, катта нарсалар кичиклардан тўпланади. Дунё мол-мулкига бўлган муҳаббат томчилари сел бўлади-да, охират саодатини оқизиб кетади.

Севикли Пайғамбаримиз (с.а.в.) қадрли қизини, инсоннинг абадий ҳаётини таҳликаларга олиб борувчи нарсалардан муҳофаза этгандир. Умматига ҳалол бўлган, мубоҳ бўлган баъзи нарсаларни ўз хонадони аъзоларига ман этгани бир ҳақиқатдир; чин севги ҳақиқий шафқат ва марҳаматдир. Бу чин меҳр ва муҳофазадир.

Ўткинчи дунё истаклари учун ялтироқ кийимлар, олтинлар, занжирлар олиш севги аломати эмас, билакс фарзандларини маънавий жиҳатдан ўлдириш демақдир.

Ҳазрат Пайғамбаримиз (с.а.в.) севикли қизига:

— Ё Фотима! Бу ипакларни кийганлар, олтинларни таққанлар охиратни кўрмайдурлар, — деганлар. Ҳолбуки, буларни кийиш Муҳаммад (с.а.в.) умматларининг хотинларига ҳалол, ҳаром эмас. Фақат бу зийнатларнинг зарарлари бўлиши мумкиндир. Бундан маълумки, Расули Акрам (с.а.в.) ўз авлодларини тақвода, охират неъматига бошқалардан ортиқ бўлишлари учун бу хусусдаги тарбияларга эътибор бергандир.

Авлодини севган Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан ўрнак олади.

Аллоҳни мамнун этмоқни истаган, Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг шафоатини истаган Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг йўлидан боради. Авлодларига Пайғамбаримиз (с.а.в.) кўрсатган каби йўриқ кўрсатади. Фарзандларининг охират ҳаётларини қозонишлари учун астойдил ҳаракат қилади. Бу дунё ҳаёти ўткинчидир. Охират ҳаёти доимий ва боқий бир ҳаётдир. Болаларини диндор ва ахлоқли, номусли, ифбатли этиб ўстириш мусулмон отанинг вазифасидир.

## 22-ҲИКӢОЯ

ҲАЗРАТ ФОТИМА (Р.А.) ЧӢРИСИНИНГ  
ОЗОД ЭТИЛИШИ

Севиқли Пайғамбаримиз (с.а.в.) бир кун қизи Ҳазрат Фотима (р.а.)нинг уйига ташриф этдилар. Бу ерда амакиси Абу Толибнинг набираси бўлмиш кичкина бир қизча ҳам бўларди. Қизнинг бармоқларида олтиндан қилинган кўзсиз узуклар бор эди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) бу узукларни кўриб қизчанинг қўлига юмшоққина уриб қўйдилар, бу билан узуклар ёқмаганини англатдилар.

Пайғамбаримизнинг қариндоши, яъни амакиси Абу Толибнинг набираси бўлган бу қизча шу пайт Ҳазрат Фотима волидамиз олдига борди. Ҳазрат Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан шикоят этмоқчи бўлди. Шу орада Ҳазрат Фотиматуз-Заҳро (р.а.) волидамиз бўйнидан гардонлигини олди. Шу пайт Пайғамбаримиз (с.а.в.). Ҳазрат Фотима (р.а.) волидамизнинг ёнига келди, унинг гардонлигини (зеби гардонини) қўлида кўрди ва:

— Ё Фотима! Ҳазрат Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг қизини қўлида оташдан бир занжир бор, дейишларини истайсанми? — дедилар. Ва ҳеч ўтирмасдан севиқли қизи Ҳазрат Фотима (р.а.)нинг уйидан чиқиб кетдилар.

Шундан кейин Ҳазрат Фотиматуз-Заҳро (р.а.) гардонлигини бозорга юбориб соттирди ва пулига бир чўри сотиб олиб озод этди. Аллоҳ ризоси учун озод этди. Севиқли Пайғамбаримиз (с.а.в.) бундан жуда ҳам мамнун бўлганликларини баён этиб:

— Жаноби Ҳаққа бениҳоя ҳамд ва шукрлар бўлсинки, Фотимани оташдан қутқарди, — дедилар.

*Изоҳ ва ўғит*

Эй, Ҳақ йўлчиси! Агар авлодингни ҳақиқатан севадиган бўлсанг, ҳақиқий меҳрибон бўлсанг, Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг бу қимматли ўғитига қулоқ сол! Авлодга ҳақиқий меҳрибонлик, муҳаббат шудир. Бу ўз авлодини жаҳаннам ўтидан қўриқлаб, муҳофаза этишдир. Авлодини қўриқлагандек, ақрабо (яқинларинг)ни ҳам муҳофаза эт!

Авлодингга ҳар бир хоҳиши, истаги учун турли-туман кийимлар олиб бериб, бир айтганини икки қилиб тутқазиш маъкул эмас. Бундай кийимлар олиб бериш динга муносиб бўлмай, ўз авлодини ўз қўли билан жаҳаннамга отиш демакдир.

Эҳтиёт бўл! Ўзингни алдама, шайтоннинг алдашига, ҳийласига учма, нафсининг сўзларига қулоқ солма! Авлодингни қийнама! Авлодингни оташга отма! Беш, ўн минг тиллолик мулким бор деб, бойлигим, давлатим бор деб шайтоннинг бефаҳм шериги бўлмагин. Ўлар экансан, дунёдан бир чақа олиб кетмайсан. Ўзингга кел, эсингни йиғ!.. Динни севар бўлсанг, диндор бўлиб яша! Бола-чақангни диндор қилиб тарбия бер. Авлодни дивсиз этувчи отадир, муҳитдир, юртдир. Унутма, севиқли Пайгамбаримиз (с.а.в.): «Ҳамма мусулмон бўлиб туғилади. Сўнгра христиан одати, яҳудий одати, оташга сифиниш одати томон тарбия ота-онадан диндор», деганлар. Демак, ҳар бир туғилган мусулмон туғилади. Ота-она диндор бўлса, авлод фарзандлар диндор бўладилар. Муҳит бузуқ бўлса, авлод бузуқ бўлади.

Ота-она ҳеч нарса билмаса, авлодга бир нарса бермаса, муҳит ҳам бузилса — авлод бузуқ бўлади. Номи мусулмон бўлиб, динга душман бўлганлар шундай қурбонлардир. Буни ўзинг бил фикирлаб кўр. Агар ақлинг бўлса, бошинг ишласа, бироз муҳитга, атрофга қара, ибрат олишга ғайрат қил. Дунёнинг нега бузилганини, номлари Али, Аҳмад, Муҳаммадлардан бўлган авлодлар нега дин устидан кулганларини бироз тушунингга ҳаракат қил!

Жаҳаннамни ўйла ва хаёлингга келтир, бундай исмигина мусулмон бўлганларнинг бошига тушадиган қаттиқ азобларни тушун, яхшилаб тушуниб ол. Бундай бедавога Жаннат насиб этмаслигини тушун! Дин учун, иймон учун Расулulloҳнинг чекка заҳматларини тушун! Муборак оёқлари ва яноқларининг қонга беланганини тушун! Буларнинг ҳаммаси дин учун бўлганини тушун! Ҳаётнинг фақат пул топиб, болаларига турли-туман кийимлар олиб бериб кўз-кўз қилишдан иборат эмаслигини тушун! Ҳисоб бор, охират бор, савол бор. Кейин жаҳаннам оташи бор. Ҳаммаси авлодининг қилмишига яраша бўлади. Авлодиннинг қадрини бил, шунга қараб тарбиясига диққат қил. Бу дунёда роҳат истаган охиратда роҳат кўрмайди. Бу дунёда авлод тарбиясини бажо келтирган охиратда роҳат кўради. Жаннатда саллона-саллона кезиб юради. Таълим ва тарбия динга, Аллоҳ ва Пайгамбаримиз (с.а.в.)нинг амрларига уйғун бўлиши керак.

## 23-ҲИКОЯ

## ҲАЗРАТ ФОТИМА (Р.А.)НИНГ САДАҚАСИ\*

Ҳазрат Али (р.а.) севиқли хоними Ҳазрат Фотима (р.а.) га бир гардонлик (зеби гардон) олган эди. Ҳазрат Фотима (р.а.) волидамиз, муҳтарам завжининг (эрининг) совғаси бўлмиш бу гардонликни бўйнига тақиб олганди. Расулulloҳ (с.а.в.) бу гардонликни суюқли қизи Ҳазрат Фотима (р.а.)нинг бўйнида кўргач, Ҳазрат Ойша (р.а.) волидамизга бу ҳақда айтиб, дедилар:

— Ё Ойша! Одамларнинг, Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг қизи бўйнида оташдан гардонлик бор эди, оловдан бир гардонлик кўрдик, деб юришларини хоҳлайсанми? — дедилар.

Ҳазрат Ойша (р.а.) волидамиз бу сўзларни Ҳазрат Фотима (р.а.) га билдирди. Ҳазрат Фотима (р.а.) волидамиз бу гардонликни дарҳол соттирди ва пулини фақир ва йўқсилларга садақа қилди.

*Изоҳ ва ўғит*

Эй, охиратда Жаннат ҳаётини истаган қардошим! Расулulloҳ (с.а.в.) севиқли қизи, каримасини қандай тарбия қилганини кўр-да, Жаннатга кир. Ожиз ақлинг ила: «Бу нимаси?» дема!.. Бошни ишлат.

Севиқли Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг умматларига ҳалол бўлган олтин гардонликни ўзларининг қизларига маъқул кўрмаганларидаги ҳикматни тушун. Аслида олтин мусулмон аёлларига ҳаром эмасдир. Ҳар бир мусулмон аёл олтиндан гардонлик тақса бўлади. Аммо олтинга ружу қилмоқлик дунёга берилишининг биринчи белгисидир, аломатидир. Бу дунёни севганнинг охирати бўлмайди. Бу дунё ишқи, дунё ҳаётига кўнгил қўйиш охират ҳаётидан маҳрум қолишнинг бир далилидир. Тарих бўйича бу дунёни севганлар охиратдан айриладилар. Аллоҳнинг 124 минг пайғамбарларидан ҳеч бирининг дунёни севгани, дунёга кўнгил қўйгани кўрилмайди. Шунинг учун бу дунёга кўнгил қўйганлар охиратларини йўқотадилар. Қорун, Фиръавн хазиналарининг барчаси жаҳаннам оташи бўлиб, уларнинг ўзларини ёққандир.

Севиқли Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Дин насиҳат-ла оёқда турди», — деганлар. Бир одамнинг динининг давом этиши насиҳат тинглаши билан мумкин бўлади. Насиҳат тингламаган одам, насиҳат эшитмаган одам динидан ажралади, сўнгра жаҳаннамга ўтин бўлади.

Шул сабадан севикли Пайғамбаримиз (с.а.в.) муборақ қизининг бу дунёга нисбатан бўлган истак ва хоҳишини хуш кўрмади ва унинг охираат саодатини таъмин этиш ғояси ила дунёга бўлган истакларини маъқулламагани ва хуш кўрмаганини билдирди. Қизим хафа бўлади, жаҳли чиқади, демади.

Бизнингча, Ҳазрат Фотиманинг гардонлик тақиши оддий бир ҳолдир. Бизнингча, уйига чиройли пардалар осиши табиий ва оддий бир ҳолдир. Фақат Пайғамбаримиз (с.а.в.) ўткинчи бир дунёга майл ва истак аломати бўлган бу ишларни жаннат аёлларининг улуғи бўлган биринчи қизи учун хуш кўрмади ва унга изн бермади.

Эй, Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг йўлидаман, дегувчи мусулмон қардошларим! Аҳволимизни биргаликда бир тушуниб олайлик. Расулulloҳ (с.а.в.)нинг шафоатига муяссар бўла оламизми? Мусулмонимиз деймиз, раҳбаримиз, йўлбошчимиз Пайғамбаримиз Ҳазрат Муҳаммад (с.а.в.) деймиз. Китобимиз Қуръон, динимиз ислом деймиз. Лекин қизларимизнинг, оиламизнинг (аёлларимизнинг) очиқ ери ёпилган еридан кўпроқ! Юзи, кўзи, оғзи турли-туман рангларга бўялган. Қуръонни ҳам, исломни ҳам билмайдилар. Булар ҳаром, гуноҳдир. Ҳазрат Пайғамбаримиз (с.а.в.) дунё орзуларини ҳаром бўлмаса ҳам хуш кўрмаганлар ва қизларига ҳам уларни ман этганлар. Биз эса қизимизга ман этмаймиз. Қандай қилиб Жаннатга борамиз, қандай қилиб Пайғамбаримиз (с.а.в.) шафоатига етишамиз?

Ҳолбуки, ҳаром иш қилганлар гуноҳ иш қилганлардирки, ҳаромнинг жойи жаҳаннамдир. Қизимиз билан, хотинимиз билан жаҳаннамга ўтин бўлишимизни тушундирингми, қардошим!.. Тушун! Тушун! Уч кунлик дунё ҳаёти кўзимизни юмиб очгунча ўтиб кетади. Охираат бор, жаҳаннам бор, ҳисоб бор, савол бор. Қизимизга, хотинимизга соҳиб бўлайлик. Уларнинг бу дунёга бўлган севгисини камайтирайлик. Жаҳаннамга ўтин бўлмайлик. Севикли Пайғамбаримиз (с.а.в.)ни ўрناق ва раҳбар этайлик. Динсизлар, ахлоқсизларнинг ҳийлаларига алданмайлик. Бола-чақамиз соҳиби бўлайлик. Бу дунё ҳаёти ўткинчидир. Охираат ҳаёти абадий ва боқийдир, давомли ва абадийдир. Ақлимизни йиғиб олайлик. Аллоҳ, Пайғамбар дейлик, Уларнинг амрларини бажарайлик, ман этган нарсаларидан қочайлик. Жаннатга лойиқ бўлайлик! Жамолига етишиб, шафоатга эришайлик!

## 24-ҲИКӢӢӢ

ПАЙҒАМБАРИМИЗНИНГ ҚИЗИ  
ФОТИМАГА ДОИМИЙ ИРШОДИ

Абдуллоҳ бин Умар (р.а.) шундай ҳикӢӢӢ қилади:

— Бир пайт севикли Пайғамбаримиз (с.а.в.) қизлари Фотиматуз - Захро (р.а.)нинг уйига ташриф этиб, кўнглини олдилар. Фақат Расулulloҳ (с.а.в.) севикли қизининг эшигидан ичкари кирмай, эшик олдида ўтирдилар.

Ҳазрат Фотима (р.а.) севикли отасининг ичкарига кирмай, эшик олдида ўтирганига хафа бўлди. Буни муҳтарам хожаси Ҳазрат Али (р.а.)га айтди. Ҳазрат Али (р.а.) дарҳол Расулulloҳ (с.а.в.)нинг ёнига бориб, Ҳазрат Фотима (р.а.)нинг сўзларини айтиб, арз қилдилар.

Эшакдан кирмай ўтирганларининг ҳикмат ва сабабини сўрадилар. Расулulloҳ (с.а.в.) Ҳазрат Али (р.а.)га айтдиларки:

— Ё Али! Мен Фотиманинг уйида шундай бир қимматбаҳо парда кўрдимки, у нозик нақшлар ва гуллар билан безатилган. У парда менга ёқмаганлиги учун шу ерда ўтирдим. Қизим Фотиманинг дунёга майли борлигини кўра олмайман. Бундай ортиқча, фойдасиз ялтир-юлтир нарсаларга берилиш, Аллоҳ қулларининг иши эмасдир.

Ҳазрат Али (р.а.) бу гапларни севикли хоними Ҳазрат Фотима (р.а.) волидамизга тушунтирди. Ҳазрат Фотима волидамиз муҳтарам хожаси Ҳазрат Али (р.а.)ни такрор Расулulloҳ ҳузурларига юборди ва: «Суюкли отам нима деб буюрсалар, ўшандай қилман, бориб билиб келинг», деб илтижо қилди.

Ҳазрат Али бориб суюкли Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан сўради. Расулulloҳ (с.а.в.):

— Ё Али! Бориб қизим Фотимага айт. У пардани ниҳоятда эҳтиётчанд ва фақир фалончига олиб бориб совға қилсин, — дедилар. Ҳазрат Али уйига кириб, севикли завжаси (хотини)га айтди. Пардани Расулulloҳ айтган фақирга бердилар.

*Изоҳ ва ўғит*

Эй, охираат саодатини истаган қардошим! Севикли Пайғамбаримиз (с.а.в.) қизлари Ҳазрат Фотима (р.а.) ни ниҳоятда яхши кўрар эди, бу ҳадис шунинг далилидир. Муҳтарам қизларига ҳамма вақт иршод, йўл-йўриқ ва васият этиб турардилар. «Қизим

Фотиманинг дунёга нисбатан меҳри баланд бўлишидан кўркаман», деб айтганлар. Пайғамбаримиз (с.а.в.) оилаларининг дунёга ортиқча меҳрини хуш кўрмас эдилар. Дунёни (ортиқча мол-мулкни) севганнинг охирати бўлмайди. Шунинг учун бу ҳақиқатни доимо уқдириб турардилар.

Кел, эй қардошим! Аллоҳ учун бироз ўзимизга келайлик. Ўзимизга ачинмасак, авлодимизга ачинайлик! Ўзимиз оташда ёнасак-да, авлодимизни ёқмайлик! Улар учун диний тарбиямизни қилайлик. Азиз фарзандларимизнинг фақат дунёга ҳаваси, моддий эҳтиёжларинигина ўйлаб, маънавиятни унутмайлик!

Қардошим, Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ушбу бола тарбиялаш, ўстириш суннатини биз ҳам ўзимизга тадбиқ этайлик. Болаларимизнинг саодати шундай қўлга киритилади. Уларнинг саодати бизнинг саодатимиздир, буни яхши идрок этайлик.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) бизларга ҳар хусусда ўрнатилган бўлганлар каби, бу хусусда — авлод тарбияси хусусида ҳам энг гўзал ўрнатилган бўладилар. Авлодимизга бош бўлиб Жаннатга бораёйлик.

## 25-ҲИКОЯ

### ВАФО ҲАЗРАТЛАРИ ВА ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ

Истамбулда, Сулаймония билан Шаҳзодабоши орасида Вафо Ҳазратларининг турбати — қабри бор.

Ўз замонасида буюк шуҳрат қозонган Вафо Ҳазратлари давлат одамларидан тортиб то энг оддий одамларгача меҳрибон эди.

Бир кун сақо (сув сотувчи) келиб Вафо Ҳазратларининг ҳузурида тиз чўкиб ўтирди. Сув сотувчининг маҳзун ва ғамгин кўринишидан бир дарди борлиги билиниб турарди. Вафо Ҳазратлари сақодан сўради:

— Болам, бирор ғам, дардинг борми?

— Йўқ, афандим, қандай айтаман, — деб жавоб берди сув сотувчи.

— Болам, гапиравер, уялма, дардингни айт, — деди Вафо Ҳазратлари.

— Ҳазрат, сизнинг фарзандингиз менинг мешларимни тешди. Бугун олтинчи мешни жуводдиз (бигиз) билан тешди. Биласиз, фақир одамман, нима қилишни билмай қолдим, — деди сақо.

— Хафа бўлма, болам! Мен бир чорасини топаман. Ҳозирча мана бу пулга меш сотиб ол. Мен ушбу хунук ишнинг сабабини билай, — деди Вафо Ҳазрат.

Сувчи баттар сиқилиб, бўйнини эгиб чиқиб кетди. Вафо Ҳазратлари мулоҳаза қилиб, ўйлаб ўйига етмайди, нега фарзанди бундай қилиб қўйди? Сўнг хотинини чақирди ва:

— Хоним, кел, бир мулоҳаза бор. Бизнинг ўғлонимиз сув ташувчининг мешларини бигиз билан тешибди. Бу хунук иш нега содир бўлди? — деди.

— Сиз олиб келасиз, биз еймиз. Ҳаром нарса олиб келинса, сиз олиб келасиз, барча гуноҳ, айб сиздадир, — деб жавоб берди хоним.

Вафо Ҳазратлари хотинининг феълини билгани учун: «Мен ўйлаб топа олмадим, хатоимни билмадим. Майли, сен ҳозир борда, яхшилаб ўйлаб кўр. Бу айб ё менда, ё сенда», деди.

Хоним Вафо Ҳазратлари ҳузуридан чиқиб кетди, бироздан сўнг қайтиб келди ва:

— Ҳазрат! Менинг эсимга тушди, — деди ҳаяжонланиб. — Мен ўғлимизга ҳомила эканимда фалончи хонимларникига меҳмонга борган эдим. Ўшанда уларнинг уйида бир пўртахол (апельсин) кўрдим. Катта ёшдаги қария оналардан «агар ҳомиладор аёлни кўнгли бирор нарсани тусаса ва агар уни тотиб кўрмаса, туғиладиган боласи бир ожизлик ила туғилади» деб эшитгандим. Мезбондан сўрашга тортиндим, айб ҳисобладим. Боламнинг бирор аъзосига путур етмасин, деб кўрқиб, уй эгаси хонимдан бир пиёла сув сўрадим. У сувга чиқиб кетганида ёқамдаги тўғноғични олиб хонтахта устидаги пўртахолга игнасини тиқиб яладим, — деди.

— Офарин хоним! Мана ҳозир сенинг хатоинг маълум бўлди. Тез бориб ул хонимдан узр сўра, — деди Вафо Ҳазратлари.

— Вой, афандим, айб бўлмайдими, — эътироз билдирди хоним. — Унга нима дейман. Шу арзимас ишдан нима бўларди?

— Йўқ, хоним! Ул хонимдан бориб ҳалоллик тила! Аллоҳнинг олдида бировнинг ҳақини катта-кичиги бўлмайди. Биласанми, нима бўлди? Бизнинг фарзандимиз ҳозир олти ёшда. Ўша воқеадан сўнг 6-7 йил ўтгач, сенинг тўғноғичинг ўғлинг қўлида бигиз бўлди. У пўртахол эса сув сотувчининг меши бўлди. Сен қилган хунук иш давом этмоқда, — деб уқдирди Вафо Ҳазратлари.



### Изоҳ ва ўғит

Эй, Аллоҳ деган мусулмон! Яхшилаб, диққат билан эшит. Бола ўстириш қандай қийин иш!

Болаларининг турли ахлоқсизликларига бепарво, шуурсиз оталарнинг қулоқлари очилсин!..

Бизнинг ўғлимиз отасига «бобой», онасига «кампир» дейдиган хайрсиз авлод бўлди, деб ич-ичларидан эзиладилар, изтироб чекадилар. Нега ўғлимиз бундай ўсди, деб сабабини истамаймиз. Ўғлининг динсизлиги, қизининг бадфёъллигининг сабабини суриштирмайдилар. Нега? Чунки унда оромлари йўқолади. Роҳатларидан айриладилар. Улар фақат фарзандларининг дунёга келишлари учун бир воситадирлар холос. Авлодларига нисбатан қиладиган барча хизматлари фақат шундан иборат. Бошқасини тушуниш улар учун қийин бир ишдир.

Эй, ота! Ўйлаб кўр! Агар шундай бўлса, бу дунёда сенинг ҳаққинг ҳузурсиз ҳаётдир, охиратда эса жаҳаннам ҳаётидир. Бунга хўп яхши тайёргарлик кўрибсан! Ҳикояларни ўқи, ибрат ол, бўлмаса ҳолинг харобдир.

Ҳаёт фақат шундай ўтади, деб ўйлама. Ҳали охират бор. Яна авлод ҳақида жавоб берасан. Бу ерда кечқурун уйга келиб ебичиб, ётиб кетиш бор, аммо охиратда оташ бор, жаҳаннам оташи бор. Сенинг ўғлинг онасига «кампир», сенга «бобой» дер эди. Сўрасам, «беҳузур бўламан», дединг. Шунинг учун сен жаҳаннам оловига лойиқсан.

Эй, мусулмонман, дейдиган қардош! Сендай уйга келиб, ётиб кетишни Вафо Ҳазратлари билмасмиди? Нега у сабабини суриштирди, истади? Ва сабабини билди. Сен ҳам тушун! Нега ўғлинг, қизинг бундай? Сабабини иста!..

### 26-ҲИКОЯ

#### МЕНГА ОЗГИНА СУВ БЕР

**Болаларига тарбия бермаган отанинг бошига тушган ишлар**

Бир вақтлар маҳаллада бадавлат одам яшар эди. Бу одамнинг иккита ўғли бўлиб, улар тантиқ болалар эдилар. Қўшниларидан бири кекса, оқил, яхши ахлоқли, ҳаммага меҳрибон зот эди. Бир кун оппоқ соқолли, кекса одам болаларнинг отасига:

— Кўшни, шу ўғилларингизга бироз дин дарсини бердирсангиз сиз учун жуда яхши ва хайрли бўлади. Диний тарбия олган болалар гўзал ахлоқли бўладилар. Кейин менга раҳмат дейсиз. Мен кексайиб қолган, аччиқ-чучукни тотиган, тажрибали одамман. Сиз ҳали ёшсиз, тажрибангиз ҳар ҳолда оз. Болаларингизга дин ўргатувчи устоз топинг, уларга ахлоқ, одоб, тарбия, дин, фазилат дарсини берсин. Шундан кейин сиз роҳат кўрасиз ва менга раҳматлар айтиб эслаб юрасиз, — деди.

Болаларнинг отаси бадавлат бўлса ҳам ҳаётий тажрибаси оз, бир мунча пули бўлгани билан ақли унча ўткир, фаҳми кучли бўлмаган бир одам эди. Чунки у ҳали ёш эди. Аммо бироз дунё тўплаган эди. Шул сабабдан у аччиқ-чучукни тотган, кекса кўшни насиҳатларига бундай жавоб берди:

— Мен фарзандларимизга кўп давлат тўпладим. Бул мерос уларга бемалол етади. Дин дарсларига, ахлоқ дарсларига эҳтиёжлари йўқ.

Орадан ўн-ўн беш йил ўтди. Бир куни ўғиллари билан биргаликда дастурхон атрофида ўтириб, ул одам:

— Ўғлим, менга озгина сув бергин, — деди. Кичик ўғил отасига:

— Ота! Сув олдингизда турибди, ана пақир, ана чўмич, — деди.

Укасининг отасига қилган бу муомаласини тўнғич ўғли кўпол деб ўйлади шекилли:

— Ота, сен бу ўғлингнинг феъли, ахлоқи қандайлигини яхши биласан. Унга айтиб ўтирмай, шундай туриб ёнингдаги челақдан чўмичда сув олиб ича қол-да, менга ҳам бир чўмич сув бер, — деди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Болаларининг бу муомаласидан ниҳоятда кўнгли оғриган ота бир онда гафлат уйқусидан уйғонди ва шу заҳоти бир вақтлар ўзига ўғит берган одобли, кўпни кўрган кекса кўшнисининг сўзларини эслади. Афсус қилди, лекин болаларини тарбия қилиш вақти ўтган эди. Ота-боболаримиз: «Дарахт ниҳоллигида эгилади, фарзанд ёшлигида тарбияланади», деганлар.

Бу хилдаги одамлар ҳикоядаги одамга тенг келадиган савияга эгадирлар. Ақл ақлдир. Ақлдиларга бир сўз айта олмаймиз. Атрофдаги ҳодисалардан ибрат олмайдиган аҳмоқларга ҳам айтадиган бирор сўзимиз йўқ. Ибрат соҳиби бўлганлар қандай бахтли одамлар!..

Тарих тақрордан иборат дейдилар. Ҳозирги замонда ҳам фарзандларига тарбия бермаган отанинг ҳоли ундан баттар бўлиши ҳеч гап эмас. Ҳатто ахлоқсизликда, динсизликда ул заволли, бахтсиз отадан юз минглаб мартаба бахтсиз бир аҳволда бўлиши мумкин.

## 27-ҲИКОЯ

### -ҚИЗ ФАРЗАНД ЎСТИРИШ ВА ЖАННАТ

#### Қизини қадрлаган отанинг ҳикояси

Ҳар кимки уч қиз фарзанд ўстириб,  
уларни турмушга бериб, уларга яхшилик  
қилишини давом этгирса, ул кимса жаннатидир.  
(ҲАДИСИ ШАРИФДАН)

Бир вақтлар давлатманд ва жуда диндор одам яшаган экан. Бу одам илмли, кўпни кўрган мусулмон бўлиб, фарзанд тарбиясида динга мос, уйғун иш олиб бораркан.

Ўзи динни жуда севгани каби, динни яхши билар эди. Шунинг учун фарзандларига яхши ўрнатма бўла олар эди. Хушфел, хушхулқ бу мусулмонни атрофдагилар жуда ҳурмат қилишар, яхши кўрардилар. Хотини, болалари ҳам уни жуда севар эдилар. Бу одамнинг икки ўғли ва бир қизи бор экан.

Қизини бир мусулмон, диндор йигитга турмушга берибди. Куёви диндор ва жуда ахлоқли йигит бўлгани учун қайин ота тарафидан жуда севимли куёв бўлди.

Қизнинг укалари атроф-муҳитнинг ёмон таъсирида қолибми, ёки жуда ёш бўлганлариданми, оталари поччаларини бунчалик яхши кўришига ғайрлик қила бошладилар.

Ўғилларидан бири онасига бир кун:

— Онажон, отам ҳадеб «куёвим, куёвим» дегани-деган. Ҳамма вақт поччамиз уйга келганида турли ширин овқатлар қилинади. Отам «куёв ундай, куёв бундай», деб мақтайди, холос. Куёв шундай яхшими? — деди.

Исломи жуда яхши биладиган, Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ҳаётини яхши ўқиб, ўрганган, ўғилларининг динга хилоф ишларидан кўнгли оғриган бу оқил ота бир кун кечки овқатни еб бўлганларидан кейин болалари туриб кетмай, хотинига:

— Хоним, эртага шоҳли оқ қўйни сўйдир. Гўштидан беш-олти хил овқат пишир. Яхшилаб тайёрлан, эртага кечкурун энг қадрли меҳмонлар — куёв билан қизимиз келишади, — деди.

Ўғилларининг юзлари аввал оқариб, сўнг қизариб кетди. Аммо бирон сўз демадилар.

Эртаси кун қўзи сўйилиб, турли-туман гўштли овқатлар пиширилди, ширинликлар тайёрланди. Кечки пайт куёв билан қизлари қелди. Турли тотли овқатлар ейишди, шарбатлар, айронлар ичишди. Овқатлар еб бўлиниб, дуо ўқилгандан сўнг дам олиш хонасига ўтдилар. У ерда қаҳра, чой ичилди. Ҳамма тўпланиб ўтирганда, ота:

— Ҳаммамиз шу ердамизми? — деди.

— Ҳа, ҳаммамиз шу ердамиз, — дедилар оила аъзолари.

Ота қизига ўгирилиб, дўқ қилиб:

— Қизим, қани сен чиқиб бир ўйнаб келгин-чи, — деди.

Қиз бу муомаладан кўрққанидан эрига яқинроқ ўтириб унга суянди.

— Бор ўйнаб кел! — деб ота қайтарган эди, қиз эрининг пинжиги кирди ва:

— Қасерга бораман, ўйнагим келмаяпти, — деди-да, эрининг қўлидан ушлади. Оталарининг бундай муомаласидан кўрқиб кетган оила аъзолари «унинг асаби бузилиб қолибди», деб ўйладилар. Ҳамма шошилиб хонадан чиқиб кетмоқчи бўлиб турган эди, ота катта ўғлини тўхтатиб:

— Ўғлим, шошилма, менга қара. Бу қиз менга ким бўлади-ю, сенга ким бўлади? Мен унга кимман, сен унга кимсан? — деди.

— Сиз унинг отасисиз, мен укаси, — жавоб берди ўғил.

— Эй, менинг ақли тўлишмаган ўғилгинам, куёвимни, поччангни нега яхши кўришимни биласанми? — деди ота. — У бизнинг номусимизни кўриқлайди. Қизимизни, опангни, фарзандимизни, болажонимизни ҳимоя этади. Аслида мен қизимни ҳимоя этишим керак, лекин ҳозир у ҳимоя қиляпти. Мен уни яхши кўрмай, кимни яхши кўрай? Қизимни жуда яхши кўрганим учун куёвимни жуда яхши кўраман. Куёвимни севиш қизимни севиш демақдир, қизимни яхши кўришим, куёвимни яхши кўришимдир. Агар қизимга куёвим қарамаса, мен қарашим керак бўларди. Севикли ўғилларим, кўзим нурлари! Номуснинг нималигини сизларга ўргатдим. Мен қандай бўлсам, сиз ҳам шундай бўласиз. Опангиз сизнинг номусингиздир. Мен ўлсам, поччангизга бир гап

бўлса, опангизга сиз қарайсиз, унинг номусини сиз қўриқлайсиз. Шундай экан, менинг айтганимга қулоқ солиб, поччангизга меҳр ва ҳурмат кўрсатасиз. Ҳақиқий мусулмон шундай бўлмоғи керак. Мусулмонликда қариндошлик ришталарини узиш жаҳаннамга чипта олиш билан баробар. Қариндошга меҳр кўрсатганлар Жаннат юзини кўрадилар.

Икки ўғил хижолат чекиб, оталаридан узр сўраб қўлларини ўпдилар.

— Отажон, биз онамизга ҳазиллашган эдик. Поччамизга бирор нарса деганимиз йўқ. Сиз ҳозир тушунтирганингиздай нозик ва тўғри тушунмас эдик. Поччамизнинг қадр-қимматини, опамизнинг қадрини билмас эдик. Бу ўғитингиз биз учун жуда яхши бўлди, уни ҳеч унутмаймиз. Бизни авф этинг, — дедилар, ўғиллар оталарининг гапларини тўғри тушуниб.

### *Изоҳ ва ўғит*

Эй, динни севгучи мўмин! Динларини астойдил севгучи оталар болаларини худди шундай тарзда тарбия қиладилар. Суюкли Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг амрлари, ўғитларига амал қиладилар. Болаларга насиҳат қилиш, ўрнак бўлиш, уларни гўзал тарбия билан ўстирмоқ Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг муборак тавсияларидир.

Қизларига яхши тарбия бериб турмушга чиқариш, кейин уларга яхшилик қилишни давом эттириш Жаннатга кирмоқ, ҳақ йўлида бўлмоқ демакдир.

Мусулмонликда қиз авлод, эркак авлоднинг фарқи йўқ. Ҳатто қиз авлодга нисбатан бир қадар меҳрибонлик, ҳассослик, шафқат бор.

Севикли Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ушбу Ҳадиси шарифида ана шу назокат, меҳрга ишорат бор.

«Ман ала саласа банатин фаъаддабахунна ва завважаҳунна ва аҳсана илайҳинна фалаҳул — жаннаҳ». Маъноси: «Кимки уч қизни ўстириб, тарбиялаб ва турмушга чиқариб ва яхшилик қилишни тўхтатмаса, ул жаннатидир». Бошқа бир ҳадисда: «Ҳар кимки, икки қизни тарбия қилиб ўстирса, қиёмат кунини мен ва у жаннатда ёнма-ён бўламиз», деб айтар эканлар Пайғамбаримиз (с.а.в.) муборак бармоқларини бир-бирига теккизиб «шундай ёнма-ён» деб кўрсатгандилар. Динимиз, Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг бу амрларини билган ҳар бир диндор, эс-ҳуши жойида ота-

лар болаларини ажратмасликлари, ҳатто қиз фарзандларига тузукроқ эътибор бериб тарбиялашлари уларнинг ўзларининг манфаатларидадир. Севикли Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ҳаётини ўқиган ва буюк авлиёulloҳларнинг ҳаётларини ўқиган мусулмонлар қиз авлодни ўстириб тарбия бериш жуда савоб иш эканлигини яхши билиб тушунадилар.

Севикли Пайғамбаримиз (с.а.в.) Ҳазрат Фотима волидамизни қандай ўстириб, тарбия қилганлар? Мусулмонман деган ҳар бир авлод соҳиби (ота) шундай бўлиши ўзининг манфаатида эканлигини тушунса, қиз фарзандларнинг қадр-қиммати намоён бўлади.

Қизини турмушга чиқариб, ундан алоқасини узган ота яхши ва ҳақиқий мусулмон эмас. Ҳақиқий мусулмон — қиз фарзандини ҳам астойдил тарбиялайди, ҳам турмушга беради, ҳам кейинчалик унга меҳрибонлигини кўрсатиб туради. Буларнинг ҳаммаси дин мезонидадир. Бу қиз, бу куёв деб бепарволик қилиб, улардан узоқлашган, қизи, куёвидан хабар олмайдиган ота, тўғриси, жаннат юзини кўрмайди. Жаҳаннамга ўтин бўлади. Зотан, бундай ишлари билан у ўтиндан фарқ қилмайди. Фарзанди, авлоди қадр-қимматини билмаган, авлодига муҳаббати бўлмаган, авлодини ёмон йўлдан қайтармаган, тўғри йўлга бошламаган ота ҳақиқий, чин мусулмон эмас.

Ўзинг сақла ундайлардан, Аллоҳим! Бу қандай жоҳиллик, бу қандай аҳмоқлик! Эй инсон, модомики, куёвингни севмасанг, у ақлли-ҳушли одам бўлмаса, ахлоқи яхши бўлмаса нега жигарпоранг, кўзинг нури қизингни унга бердинг? Жаҳаннамда ёниб сен бунинг жазосини олмайсанми? Модомики бўлар иш бўлибди, сен ҳеч бўлмаса инсонийлигинг билан, хушфезл ва намунали одобинг билан ул адашган одамни тўғри йўлга киргиз, токи сенинг фарзандинг ҳам роҳат кўрсин. Қандай қилиб ёш аёлни икки ўт ўртасига ташлайсан?

Мен қарши эдим, ўзи кетди, ўзи шундай қилди, деб айтишинг мумкин. Унда сенинг айбинг аввалгидан ҳам кўпроқдир. Сен ўз вазифангни адо этмагансан. Қизингга яхши бир Ислом тарбиясини бермагансан. Ўзинг ўрнак бўларли бир мусулмон ота ёки она бўлмагансан. Табиийки, қизинг ҳам ўрнак бўларли бир ислом қизи бўла олмаган. Шундай бир бало бошингизга келган. Бунинг учун фарзандингнинг соҳиби бўл. Ўрнак бўла оладиган бир ислом ота-онаси бўл! Бизга тушган вазифа – билганимизни

айтиш ва ёзиш. Тўғри йўлга солиш, қадрини билиш сендан. Ҳидоят Аллоҳ Таолодандир.

Ота-боболаримиз: «Марҳамат (меҳр) иймондандир», «Марҳамат этганга марҳамат этгувчи ҳам кўп бўлади», «Шафқатсиз одам, шафқат кутмайди», «Меҳрсиз – меҳр кўрмайди», «Меҳрсиз кишиларнинг меҳрибони бўлмайди», «Сенга тош отганга овқат от (нон бер)», деганлар.

Бу мезонларнинг, одобларнинг имон билан кучли боғлиқлиги бор. Бу одоб, мезонлардан узоқ бўлганларнинг жаҳаннамда ўз жойлари бордир.

Аллоҳ ўзи сақласин. Омин!..

## 28-ҲИКОЯ

### ОТА-ОНАГА ҚЎЛ КЎТАРМОҚ ДИНСИЗЛИК АЛОМАТИДИР

Бир дўстим айтиб берган эди. У эса бошқа бир хожа афандидан эшитган экан. Ул хожа қайсидир қишлоқдан ўтиб кетаётиб йиғлаб ўтирган кекса одамни кўрибди ва ундан сўрабди:

— Бобо, нега йиғляяпсиз? Бирор дардингиз борми?

— Мана, 80 йилдирки, — жавоб берибди қария, — дунё машаққатлари ва ташвишларини тортаман. Болаларимни минг бир азоб билан ўстирдим. Қизим бор эди, хайрсиз чиқди. Ўғлимни аскардан келганидан сўнг уйлантирдим. Келиним кўлидан бир пиёла чой ичмадим. Келин: «Чол, мен сенинг ажин босган, хунок нусхангни кўргани бу ерга келган эмасман», деб менга озор беради. «Ўғлингни гапирасан. Ўғлинг ажойиб. Дунё бир ёнда, эрим бир ёнда. Агар у бир луқма овқат берса ейсан, бермаса рўза тутасан, эй сен, чол», деб таъна қилади. Мен ҳайвон эмасман-ку! — деб чол яна йиғлабди, чолнинг икки кўзи икки булоқ бўлибди.

— Бошқа борадиган ерингиз йўқми? — сўрабди хожа.

— Қаерга ҳам бораман, бошқа бошпанам йўқ. Кеча ўғлимдан пул сўрадим, икки шапалоқ уриб чақа берди-да, «бу ердан даф бўл, сени кўзим кўрмасин», деб ҳайдади.

Хожа охири чолдан сўрабди:

— Ўғлингиз намоз ўқийдими?

— Қаёқда! Ҳайит намозига ҳам бормайди, — деб жавоб берибди чол.

### Изоҳ ва ўғит

Бу ҳикояда баён этилган дард-алам динсиз давраларда кўп учрайдиган бир ҳолдир. Фарзанднинг ота-онани хор қилиши диндор муҳитларда ҳеч учрамайди. Бу ота-онани хор қилганлар аксарият диндан бебаҳра қолган, заволга учраганлар ишидир.

Баъзи одамлар, жаҳолатлари ёки совуққонликлари сабабли фарзандларига тарбия бермайдилар, динни ўргатмайдилар, натижада авлодлари ё динсиз ёки жоҳил бўладилар.

Буларнинг иккиси ҳам (динсизлик ва жоҳиллик) оқибатида лоқайд отанинг бошига жазо, авлод (фарзанд) таёғи бўлади.

Ота-онани қаровсиз қолдирган авлодни энг «гўзал» жаҳаннамнинг оловли оташи тарбиялайди. Болаларининг моддий таъминоти, маишати, уларга турли-туман йилтироқ кийимлар кийдириш, қайта сотиш учун люкс машиналар олиб бериш учун кечакундуз тинмайдиган оталар, фарзандларининг диний, маънавий тарбиясига эътибор бермайдиганлар қаторига киришларини била олсайдилар, заррача тушуниб англасайдилар.

Ўғлининг овқатини ўйлайдиган ота нега унинг дини учун жон куйдирмайди? Бундай оталарнинг жазоси қандай бўлади? Жавоб беринг! Таёқ! Фарзанд калтаги...

Охиратда эса жаҳаннам оташи, гуркираб ёнган жаҳаннам гулхани уларнинг жазоси бўлади. Болаларига тарбия бермаган, ота-она қадрини англамаган, Аллоҳ, Пайғамбар кимлигини, дин, имон, ҳаром, ҳалол, савоб-гуноҳ нималигини ўргатмаган отанинг бу дунёда кўрадиган жазоси фарзанд калтагидир. Охиратдаги жазоси эса шиддатли, куйдиргувчи, чорасиз жаҳаннам оташи бўладир.

### 29-ҲИКОЯ

#### БИР ГЎДАК БОЛА УЧУН ВАЛИ (ҲОКИМ) ЛИК ДАН ҲАЙДАЛДИ

Ўзининг авлодига марҳамат этмаган,  
халқимизга марҳамат этмайди

Ҳазрат Умар (р.а.) мўминларнинг Халифасидир.  
У бутун мақсад ва ғоясини ислом адолатини ер юзига танитишга бағишлагандир. Ҳазрат Умар бир ҳокимни тайинлаганди. У



ҳокимлик авроқини (шаҳодатини) олмоқ учун Халифа Ҳазрат Умар (р.а.)нинг ҳузурига келди. Ул валиликка номзод ўз ҳужжатини олган вақтда бир бола кириб келиб, Халифанинг қучоғига бориб ўтирди. Халифа Умар (р.а.) ҳам болани хуш кутиб олиб юзидан ўпди.

Ҳокимликка номзод боланинг Халифа яқинларига алоқаси йўқлигини билиб, ўз ақлига кўра ҳовлиқиб:

— Ё Амирал Мўъминин! Сиз болаларни севиб ўпасизми? Менинг роса 9 та фарзандим бор, уларнинг ҳеч бирини шу кунга қадар қучоғимга олиб эркалатмаганман, — деди.

Буни эшитган Ҳазрат Умар (р.а.):

— Қани ҳокимлик ҳужжатингни бир кўрай, — деди ва ундан варақани олиб йиртиб ташлади:

— Сени валилик (ҳокимлик)дан четлатдим. Кимки ўз авлодига марҳамат этмаса, ҳеч қачон халқимизга ҳам марҳамат қилмас, — деди ва уни ўз ҳузуридан қувиб чиқарди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Ҳазрат Муҳаммад (с.а.в.)нинг мактабларида етишиб чиққан адолат қуёши Ҳазрат Умар (р.а.)нинг мезони, албатта, марҳамат ва шафқатдир. Ҳазрат Муҳаммад (с.а.в.)нинг дунёга шараф бериши (келтириши) раҳмат учундир. Шунинг учун шафқат ва марҳаматнинг бу азиз диндаги қадрлари жуда юксак ва тамал қадар қиймати бордир (бир асос бўлишга лойиқдир).

### *30-ҲИКОЯ*

#### **ИМОМ АЪЗАМНИНГ ОТАСИ ВА АРИҚДА ОҚИБ КЕЛГАН ҚИРМИЗИ ОЛМА\***

Имом Аъзам Ҳазратларининг оталари Собит Ҳазратлари йигитлик чоғларида, ёшликнинг баҳор мавсумида эканларида бир оқар сув бўйида таҳорат қилар эдилар. Таҳорат олиб, дуоларини ўқиб, артиниб сув оқишини завқланиб томоша қилар эканлар, сувнинг устида қирмизи, холдор чиройли олма оқиб келаётганини кўриб қолдилар.

Чиройли, қирмизи олманинг гоҳ сувга ботиб, гоҳ юзага чиқиб тўлқинланиб оқаётган сувда қалқиб келиши Имом Аъзамнинг

отасини жуда завқлантирди, у олмани тутиб олиб тишлади. Бир тишлагач, олма мазасини билибоқ ҳушига келди ва:

— Мен нима қилиб қўйдим! Бу олманинг, албатта эгаси бор. Ўзимники бўлмаган бир нарсани қандай қилиб эгасининг изинсиз тишладим, — деди.

Ўз ғафлатларидан шул он уйғондилар-да, сув оқиб келган томонга юрдилар. Бироз юргандан кейин сувга эгилиб тушган, шохларарида жуда кўп олма бўлган дарахтни кўрдилар. Қўлларидаги тишланган олмага қарасалар дарахтдаги олмаларга ўхшайди. «Мен тишлаган олма шу боғники экан», деб боғ соҳибини чақирдилар. Ва ҳалоллик тилаб бундай дедилар:

— Бу олма сизнинг дарахтингиздан тушганга ўхшайди. Ариқ бўйида таҳорат қилиб ўтирган эдим, олма оқиб келаётган экан. Мени ғафлат босиб олмани тутиб олиб бир тишладим. Шундан кейин ғафлатдан уйғонганимда, бу олманинг эгаси бўлса керак, ундан ё ҳалоллик тилай ёки унинг ҳақини берай, деб сизни истаб келдим. Сиздан розилик сўрайман, олманинг ҳақини бераман ёхуд бу ғафлатим сабабли сиздан рухсат олмай, фикрингизни билмай қилган хатоимни кечирингизни сўрайман ва олмани ҳалол этишингизни истайман.

— Ҳеч ҳалол этмайман! Нега мендан сўрамай, рухсат олмай олмани тишладинг? — деди боғ эгаси.

— Омонлик беринг! Илтижо қиламан, ёлвораман. Олмангизнинг пулини бераман, бўлмаса бир ишингизни қилиб бераман, — деб ёлворди Имом Аъзамнинг отаси.

— Уч йил менга хизмат қиласан, шундан кейин ўйлаб кўрамиз, — деб жавоб берди боғ эгаси, — бу олмани ҳалол этишнинг бирдан-бир чорасидир.

Ҳазрат Собит «хўп» дейди. Бир онлик ғафлати, олмани берухсат тишлагани, биргина сўзи учун уч йил хизмат қилади!.. Аммо бошқа иложи йўқ. Бир тишлаган олманинг сувини ютинган эди. Буни ҳалол этиш керак. Ул олма боғ соҳиби анча бадавлат одам эди. Имом Аъзамнинг отаси шартга рози бўлди. Уч йил хизмат қилади, сўнгра ўйлаб кўради.

Ҳазрат Собит бу боғчада ишлади. Охирги кунлари «яқинда уч йил тўлгач, ҳалолланиб, уйимга бораман», деб ўйлай бошлади.

Уч йил тўлган кун у боғ соҳиби ҳузурига бориб: «бугун уч йил тўлди, ҳаққингизни ҳалол этинг, мен кетай», деди.

— Ҳаққимни бир шарт билан ҳалол этаман. Уч йил ўтгач «ўйлаб кўрамиз» дегандим. Ўйлаб кўрдим, яна бир кичик шартим бор, уни ҳам бажарсанг, ҳаққимни ҳалол этаман. Менинг бир қизим бор. Кўзлари кўрмайди, қулоқлари эшитмайди, қўллари ишламайди, оёғи йўқ — юрмайди. Агар унга уйлансанг, ҳалол этаман, бўлмаса йўқ, — деб жавоб берди боғ соҳибчи.

Имом Аъзамнинг отаси Ҳазрат Собит «хўп» деди. Тўй тайёргарликлари кўрилди, зиёфатлар берилди, никоҳ ўқитилиб куёв гўшангага кирди. Қараса, соппа-соғ бир келин ўтирибди. «Бўлмайди, бу ерда бир янглишлик бор», деди у ўзига.

Балки бирор ҳийла бордир. Шу фикрлар билан ота ҳузурига борди ва:

— Отажон, сиз менга кўр, тили йўқ, қўли ишламайдиган, оёғи йўқ, юрмайдиган бир қизим бор деган эдингиз. Ҳолбуки, соппа-соғ бу дунё гўзали – бир келинни кўрдим, — деди.

— Шундай ўғлим, — жавоб берди қайин ота, — менинг сўзларимга яхшилаб қулоқ сол. Менинг қизим ҳаромга қарамайди; шунинг учун кўр, ҳаром сўзларни эшитмайди, шунинг учун кар, қўлини ҳаром нарсага чўзмайди, шунинг учун қўли ишламайди, ҳаром жойларга бормайди, шунинг учун оёғи йўқ, ҳаром сўзларни сўзламайди, шунинг учун тили йўқ. Буларнинг барини мажозий маънода сўзладим, қизимга сенга ўхшаш бир имон аҳлини истар эдим-ки, унинг қалбида Аллоҳдан қўрқинч бўлсин, ўзини ҳаромлардан сақласин. Аллоҳнинг ман этган нарсаларидан тийсин, қизимга ва ундан бўлғуси набираларимга ҳаром едирмасин. Ҳақ-ҳуқуқини билган, имони комил сендай куёв истардим, Аллоҳим сени менга кўрсатди. Сен бир тишлам олма сувининг ҳалоллигини тилаганингда сени қалби пок, виждонли одам эканлигингни тушунган эдим. Фақат сени имтиҳон этишим керак эди. Уч йилдай узоқ муддат сени синадим. Сенинг хатти-ҳаракатингни кузатдим, мен истаган, орзу этган сифатлар сенда мавжуд. Шунинг учун жигарпора фарзандим — қизимни сенга узатдим. Хайр, бир-бирингиз билан бирга қўша қаринг!

### *Изоҳ ва ўғит*

Имом Аъзам шундай ота-онадан дунёга келди.

Имом Аъзам болалигида уч кунда Қуръони Каримни хатм этди ва югуриб уйига борди-да, онасига:

— Онажоним! Бугун Қуръони Каримни хатм этдим. Уч кунда Қуръонни ўқиб бўлдим, — деб унинг бўйнидан қучди.

— Ўғлим, — деди онаси, — агар отанг ул олмани тишламаса эди, сен бир кунда Қуръони Каримни хатм этган бўлардинг.

Эй Аллоҳ деган, динини севган қардош! Диққат қил!

Бир тишлам олма учун уч йил хизмат қилинади, уни ҳалол қилишга интилинади. Аммо рухсатсиз, бир ғафлат ила тишланган олма фарзанднинг Қуръони хатмини икки кун кечиктиради.

Эй хожаи ислом!

Қизлари учун аҳли номус, аҳли виждон бўлган бахтиёрлар... Келсинлар-да XX асрнинг мусулмонларига бир боқсинлар. Қиз берувчи: «Унинг мавқеи қандай? Қанча пули бор? Уйлари, машиналари борми? Агар булар бўлса, куёв бўлажак йигит қандай бўлса ҳам майли!.. Хоҳ ҳаромзода, хоҳ... Бирор бойвачча бўлса бўлди!» Инсонийлик қани?

Тўйдан сўнг уч кун ўтгач сўрасанг, бундай жавоб қилади: «Оҳ! Воҳ! Дўстим сўрама, қазимни бир виждонсизга берган эканман. Бизнинг гуноҳимиз борми? Бизда нима айб?» Эй, бадбахт инсон! Сен жаҳаннам ўтига тушасан! Шу сенга лойиқ жазо. Бир тишлам олма учун уч йил хизмат қилган бир фақирга ўзининг жигарпораси, севикли қизини ўз оғзи билан таклиф этиб, уни олсанг, ўша бир тишлам олма ҳалол бўлади, деган бахтиёр мусулмоннинг ақли сенинг ақлингчалик йўқмиди? У суюкли қизини сенга ўхшаб боғроғли, кошона уйли, шон-шуҳратли, муҳташам аравали бир куёвга беришни истамасмиди?

Ислом динида фақат шараф, қадр-қиммат мезон бўла олади: «Инна акрамакум индаллаҳи атқакум». Маъноси: «Аллоҳ назарида энг шарафлиларингиз Аллоҳдан энг кўп кўрққанларингиздир». Аллоҳдан кўрққан ҳаром-ҳалолни билади. Аллоҳ деган ҳақ-ҳуқуқини билади. Аллоҳни билган ўзини билади. Ўзини билган динини севади, динини севган унинг шартларини бажаради, шартларини бажарган халққа хизмат қилади. Халққа хизмат қилган, ҳаққа хизмат қилади, халқни севмак ҳақни севмақдир. Ҳақни севган ўз вазифасига бефарқ қолмайди. Ҳақни севмаган инсон бошига ўн миршаб келса ҳам у қиладиган ишини қилаверади. Бири риё қилади, бири зино, бировларнинг номусига тажовуз қила-

ди; бири ичкилик ичади, қимор ўйнайди, бири ҳийла-найранг билан машғул бўлади, ёлғон гапиради, муштарий-харидорни алдайди, соғлом мол деб, касалини сотади. Буларнинг қайси бирини миршаб ушлай олсин. Замон шундай ёмон бўлди. Ҳаёт шундай бўлди! Амирлар шундай, маъмурлар шундай. Шундай бўлиши табиийдир. Сенга ўхшаш ҳақ-ҳуқуқ танимаган мусулмоннинг бошига яна нималар келар экан? Сен ҳақиқий мусулмон бўлсанг, Аллоҳ сенга ёрдам беради. Унутмагин!..

### 31-ҲИКОЯ

#### ЯХШИ ФАРЗАНД «ЁСИН» СУТИ БИЛАН ЎСАДИ

Олижаноб, диндор хоним бир боласига чақалоқлигида ёсин сути берар экан. Яъни янги туғилган чақалогини эмизиш вақти келганда, худди намоздан олдин таҳорат олгандай покланиб, чақалоғига кўкрагини тутиб, у эмишни бошлагунича: «Бисмиллоҳ Ёсин вал — Қуронил — ҳаким» деб сурани ўқишни бошлаб, то охиригача ўқирди. «Ёсин» сураси ўқиб бўлинганда чақалоқ ҳам эмишни тўхтатарди, онасининг маммасидан ўзини тортар эди.

Ўғилларининг ахлоқ ва фазилат ила ўз муҳитида севиладиган кимсалар бўлганларини кўргунча бу мусулмон она доимо Аллоҳга ҳамд айтар, шукр қилар ва ўғилларига:

— Эй ўғил, барча яхшиликларнинг ҳаммасини ўзимдан деб ўйлама. Мен сени «Ёсин» сураси билан эмизар эдим. «Ёсин» сураси ила ўстирдим! — деб оналик бурчининг фарзандга бўлган таъсирини тушунтирди.

#### Изоҳ ва ўғит

Эй, Жаннат йўлчиси! Бу ҳикояда буюк ибрат дарси бор. Ана шундай исломий тарбия билан улғайган болаларнинг ҳаммаси Аллоҳни ҳам, Пайғамбарни ҳам биладилар, бу болалар ватан, миллат учун, ўз муҳити учун фойдали, қадри баланд инсон бўладилар. Бундай фарзандлар оналарини бошларига кўтарадилар. Аммо оналик вазифаси — бурчини адо этмаганлар номигагина она, бола калтагига дучор бўладилар.

## 32-ҲИКОЯ

ОНАСИНИНГ ТИЛИНИ ТИШЛАБ  
УЗИБ ОЛГАН ФАРЗАНД

Ўз вақтида фарзандига тарбия бермаган она, дили вайрон бўлиб жазосини тортади. Ҳикоя бундай:

Уч-беш ёшли бир гўдак қўшнисининг уйдан тухум ўғирлаб онасига олиб келиб беради. Ҳаром, ҳалолни билмаган жоҳил она тухумни боласи қўлидан олиб унга:

— Менинг ақлли ўғлим, сенга офарин, — деб пешонасидан ўпди.

Бола шу кундан бошлаб ҳар куни ёки кунора қўшнисиникидан тухум ўғирлаб чиқа бошлади.

Йиллар шу тарзда ўтди. Бола ёшига қараб ўғрилиқни давом эттирди. Тухумдан товукча, товукдан хўрозга, хўроздан қўйга ўғирлиқ қилиб ҳаромзода бўлиб етишди. Аввалги тухум ўғриси бўлган бола ашаддий каззоб ўғрига айланди. Чидаб бўлмас бир ҳолатга келди. Ўғрилиқ, каззоблик билан юриб бир кун жуда қабиҳ жиноят қилиб қўйди. Қонун уни ўлим жазосига маҳкум этди.

Ўғлининг ўлимга маҳкум этилганини эшитиб, она адлия маҳкамасига келди ва фарёд қила бошлади. Юзини тирнаб, сочини юлиб йиғлади. «Менинг бу ҳаётда ўғлимдан бошқа ҳеч кимим йўқ, унга омонлик беринг, озод этинг», деб ёлворди.

Қамалган йигитдан сўрадилар:

— Сенинг охирги истагинг борми?

Аввалдан ҳукм этилганларнинг сўнгги арзларини эшитиш одат бўлган, шунинг учун ундан ҳам сўнгги арзини сўрадилар. Маҳкум бундай деди:

— Бир кичик тилагим бор. Суюкли онажонимнинг муборак тилларини ўпишни истаيمان, шул истагимни қондирсангиз.

Маҳкумнинг истагини адо этиш учун онаси унинг олдига келиб:

— Суюкли ўғлим, сўнгги марта тилимни ўпганингни мен бир кўрай, — деди.

Ўғри йигит онасининг тилини тишлари орасига олди-да, қаттиқ тишлаб онасининг тилини қайчида кесгандай узиб олди, тил «тап» этиб ерга тушди.

Шу ерда тўпланганлар «вой-вой» деб юборишди. «Бу бола мунча қаттол, шунча жиноятларни қилгани етмаганидек, онаси-

нинг ҳам тилини узиб оладими?», деб ҳайратландилар. Ўлимга маҳкум бўлган йигит:

— Эй, бу ерда тўпланган инсонлар! Билмай бекорга ажабланманг. Менинг ҳозир ўлимга маҳкум бўлишимга сабаб бу ёмон тилдир, у мени шундай қилди!

Ҳамма таажжубда, йигит давом этди:

— Мен гўдаклигимда қўшнимнинг уйидан тухум ўғирлаб келганимда онам менга офаринлар айтиб, пешонамдан ўлган эди. Агар ўшанда мени тарбия қилиб, ўғриликдан қайтарганида, бугун бу ўлим жазоси берилмас эди, — деди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Эй, Аллоҳ деган қардош! Эй, Ҳақ йўлчиси!

Бу ҳикояда Аллоҳнинг адолати тажаллий этганини кўрамиз. Бу жоҳил она фарзандига (авлодига) ҳаром, ҳалолни фарқ этишни ўргатмасдан, аксинча ўғрилик қилишга ёрдам бериб, қароқчиликка ташвиқ этгани учун ҳам фарзанди томонидан ўлдирилди, тили касофатига қолди. Бундай жоҳиллик ва ҳаром, ҳалол нималигини билмай она-бола бошига етган бу мусибатлардан ибрат олиш учун динга юз ўғирмоқ керак. Диндор бўлиш роҳатда яшаш деганидир. Дин инсонга ҳаром, ҳалол нималигини ўргатади. Ҳалол Жаннатга олиб боради, ҳаром эса жаҳаннамга олиб бѳради. Дин ҳамма инсонларга саодат йўлини кўрсатади. Аллоҳнинг амрлари, буйруқлари, тақиқлари дин орқали билинади.

Бу ҳикояда бола тарбиялаш энг буюк бир масала эканлиги баён этилмоқдадир.

Боласининг ўғри бўлишига «офарин, менинг ақлли ўғлим» деган она сабабчи бўлиб қолди. Болаликдаги номаъқулликлар ривож топиб, охири йигитни ўлдирди. Буларнинг бари динсизлик берган жазодир. Диндор одам ҳаромдан қочади, ўзини эҳтиёт қилади. Ўғрилик энг катта ҳаромдир. Динимизда ўғрилик қилганнинг қўли чопилади, унинг жазоси шу. Ўйлаб кўрсанг, ўғрилик жуда ёмон ишдир. Дин шундай деб ўргатади.

## 33-ҲИКӢӢ

ЎҒЛИГА ДИННИ ЎРГАТМАГАННИНГ  
БОШИГА КЕЛГАНЛАРИ\*

Бир кун қишлоқда яшовчи чол муфтийга келиб ўғлидан шикоят қилибди:

— Муҳтарам Муфтий, кеча ўғлим мени далада қўлидаги ҳўкиз ҳайдайдиган таёғи билан урди. Кўп изтироб чекдим, кўп қийналдим. Мен шунинг учун у туғилганда қувонганманми? Қариган чоғимда энди нима қиламан? Бугун сизнинг олдингизга нажот истаб келдим, йўл кўрсатинг, ақл ўргатинг. Нима қилишимни билмай қолдим, ёлвориб сўрайман, ёрдам беринг!

Муфтий деди:

— «Фасубҳоналлоҳ!» Фарзанд қандай қилиб отасига қўлини кўтарди? Сиз ўғлингизга дин ўргатганмидингиз? Ота-она ҳаққи буюк эканлигини тушунтирганмидингиз? Болага ахлоқ, одоб дарсларини берганмидингиз?

Қишлоқдан келган чол:

— Ҳурматли Муфтий! Қишлоқ аҳволини яхши биласиз, айтиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Қишлоқ ерда доимо иш бор, ўтин тайёрлаш бор. Бу ишларни қилиш керак.

Муфтий жаноблари кўзи ёшли чолга:

— У ҳолда, отахон, ўғлингизнинг камчиликларига қараманг, у сизни ер ҳайдаётган жуфт ҳўкизга ўхшатган. Чунки ўғлингиз олдида сиз билан ҳўкизлар орасида фарқ йўқ. У ҳўкизни уряпман, деб сизни урганга ўхшайди. Бўлмаса, бола отага қўл кўтарадими? — деб унинг оталик вазифасини бажармаганини тушунтирибди.

*Изоҳ ва ўғит*

Ота аввало фарзандига чиройли, мукамал диний тарбия бериши керак. У болаларига дин, имон, ислом ахлоқини шундай ўргатсинки, болаларнинг оталарига бўлган ҳурматга путур етмасин.

Оталари ўтгандан кейин фақат яхши дуолар қилсинлар. Ўтган алломалар бунга кўп эътибор берганлар. Авлиёуллоҳ Ҳазрат Вафо ҳикояларида бунни ўқидингиз.

Фарзандларига Аллоҳни, Пайғамбарни, динни ўргатмаган, ҳаром, ҳалол, гуноҳ, савоб нималигини тушунтирмаган оталар, оналар болаларидан яхшилик кута олмайдилар.



## 34-ҲИКОЯ

## БУНДАЙ ОНА ДЎСТЛАР САОДАТИ

Ақлли бир она ўғлини яхши йўлга бурди, дорилфунунда таҳсил олувчи ўғлига чиройли таълим берди.

Ҳикоя бундай:

Қора денгизлик бир она юқори даражада илм олсин деб ўғлини Истамбул дорилфунунига юборди.

Орадан бир йил ўтгач, она боласини соғинди. Бу — она юрагида! Фарзанд ҳижронига ҳеч чидаб бўладими? Қўлида озгина имкон бўлса, шу имкондан фойдаланишга шошилади. Исломи тарбия олган она дарҳол эрига ёлворди. «Ўғлимни соғиндим, автобусда бориб кўриб келайлик», деди.

Ота бориб чипта олиб келди. Ота ва она автобусга миниб Истамбулга кетдилар. Олдин телефон орқали ўғилларига уни кўргани кетаётганларини айтган эдилар.

Истамбулда ўқийдиган ўғил ота-онасини кутиб олиш учун автобус бекатига келиб кутиб турди. Ота ўғлини автобус деразасидан кўрди ва хотинига:

— Онаси, қаранг, Аҳмад келибди, — деди.

Она қараб ўғли Аҳмадга ўхшаш йигитни топа олмади.

— Қайси бири Аҳмад, отаси? Аҳмадга ўхшаш эркак кўринмайди-ку! У ерда турган қиз бола-ку.

— Тузукроқ қаранг, ўша узун сочли бизнинг ўғлимиз Аҳмад.

— Нима? Ўша узун сочли сатанг аёлга ўхшаган одам ўғлим Аҳмадми?! Йўқ, у эмас. Омонлик бер, Аллоҳим! Бошимга нима кунлар тушди. Паҳлавон ўғлим, ажойиб ўғлоним Аҳмадимни хотинчалиш бир қиёфада кўриш бошимда бор экан, — деди она яна куюниб. «Кошкийди Аҳмадим ўқимай жоҳиллигича қолсайдди, бундай ҳолга тушгандан кўра, деб автобусдан тушди.

Ўғил келиб отасининг қўлини ўпди, онасининг ҳам қўлини ўпиш учун эгилди. Онаси ҳайратда ундан қочиб:

— Сен кимсан, танимадим, — деди.

— Мен Аҳмадман, онажон, — жавоб берди ўғил.

— Мени сенга ўхшаш қилиқли Аҳмадим йўқ, бор йўқол кўзимдан, — жеркиди она.

Ўғил ҳар қанча ялиниб-ёлворса ҳам она ўпиш учун ўз қўлини бермади. «Менинг сендай ўғлим йўқ», деди.

— Ўғлим, бориб сочингни олдириб кел. Бўлмаса, онанг сени ҳеч кечирмайди, — деди ота ўғлига.

Ўғил кетди. Сочини олдириб, олдинги Аҳмад қиёфасида қайтиб келди. Онаси афв этди ва:

— Аҳмад ўғлим, агар яна шундай қилиқли, аёлга ўхшаб юрар экансан, сенга берганим — оқ сутимни ҳалол қилмайман, берган оқ сутимга норози бўламан, — деди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Эй воҳ! Ҳозирги кунда шундай шуурли ва қатъий ислом оналарига қанчалик эҳтиёжимиз бор. Исломот онаси дегани шундай бўлади. Нима қилаётганини билади. Ўғил, қиз тарбияси қандай бўлиши кераклигини яхши билади. Ўз вақтида фарзандларига тўғри йўлни кўрсата олади.

Агар ўғлининг бу феълини онаси хуш кўрганида балки, ул ёш, мард, сарвқомат ўғлони Аҳмадини йўқотган бўларди. Хайрият, ўз вақтида бу хунук ишга қаршилиқ кўрсатди-да, ўғлини кутқарди. Ўғил ҳам ақлли бўлгани учун она сўзини қайтармади.

Албатта, ҳар бир ислом онаси, қизлари, ўғилларининг янглиш тутум ва ҳаракатларидан ўз вақтида қайтарсин, шунда уларни тузатиш мумкин. Яра ириб кетгач, тузатиш мушкул бўлади.

Аёллар қилиғига тақлид қилувчи ақлсиз ўғилларга оналар ҳеч фурсат ўтказмай танбеҳ беришлари ва тузатишлари зарур. Эркак қилиғига тақлид қилишни истаган, эркак туси урган иродасиз қизларга ҳам ўз вақтида тарбия бериш керакдир.

Динимизда эркак қиёфасига кирган хотинларни ва хотин қилигини ўзлаштирган эркакларни Аллоҳ лаънат қилади. Аллоҳнинг лаънат ҳалқасини бўйнига осган авлодлардан хайрли иш келмас.

Ақлли ислом оналари буларни жуда яхши билганлари учун фарзандларига бу хусусда тўғри йўл кўрсатадилар, бу одатларга қарши курашадилар. Фарзандларига ўғит ва насиҳатлар берадилар.

Яхши фарзанд онаси, отасини жаннатга мушарраф этади. Бу эса оналарнинг фарзандларига нисбатан бўлган бурч ва масъулиятлари, вазифаларини бажаришлари ила амалга ошади. Отабоболаримиз яна: «Яхши фарзандинг бўлса, бойликни нима қиласан», «Яхши фарзанд онаси, отасини вазир этади, ёмон фарзанд разил этади», деганлар.

Ҳеч ҳам «ниҳол эгилади», деган ўғитни унутмайлик. Оналик ва оталик бурч ва вазифаларимизни бажаришга гайрат ила ҳаракат қилайлик. Авлодимиз — фарзандимизни ота-она дуоларини

оладиган қилиб тарбиялаб ўстирайлик. Токи «Оналар бундай фарзандларни кўпроқ туғсин» дейишсин. Бефарво оналар исломга хуш келмайди. Болаларимизга нисбатан ҳушёр бўлайлик!

### 35-ҲИКОЯ

#### ҚИЗЛАРИНИ ТИРИК КЎМГАНЛАР

Исломдан аввал Арабистонда қиз болаларни тириклай кўмиларди. Ушбу ҳақиқатни Ҳазрат Умар (р.а.) шундай ҳикоя қилдилар:

— Мусулмонликдан аввалги икки нарсани эслайманки, бирини эслаб йиғлайман, бирин эслаб куламан.

Ушбу нарсага йиғлайман: бир кун қизимни, жажжи қизчамни, жигарпора қизчамни шу ўз қўлларим билан мазор (қабр) қазиб тириклайин кўмдим. Мен қизим учун ўз қўлларим билан чуқур қазир эканман, у менинг соқолимга сачраган тупроқларни жажжи қўллари ила силаб оларди. Қачон буни хотирласам, доимо йиғлайман. Инсонийликнинг қандай қоронғу даврларида яшаганимни тушуниб, тинмай кўз ёши тўкишдан ўзимни тияман.

Шунинг учун куламанки, йўлга чиққанимизда, турли сафарларда бўлганимизда ҳолвадан санам (бут) ясаб олардик. Унга Аллоҳ, деб сиғинардик. Йўлда қорнимиз очса, уни ер эдик. Шуларни қачон эласам, куламан. Бу кофирлик, ақлсизлик шунчалик эди.

#### *Изоҳ ва ўғит*

Эй, Ҳақ йўлчиси! Шу мўъжаз ҳикояда қанчалар буюк ҳақиқат яширинган эмасми? Исломият хотинларга тенг ҳуқуқ бермайди деган буюк олимларга бу қандай гўзал жавоб.

Ислом аёлларга япаш ҳуқуқини берди. Буюк олам, куёшнинг юзини кўрмасдан кўмиладиган чақалоқ қизларга ҳаёт берди, яшаш ҳуқуқини тан олган Ислом аёлларга шундай бир ҳуқуқ бердики, аёл ўз уйининг султони бўлиб қолди... Аёл уйининг султони, болаларининг ҳимоячиси, уларни тарбия этувчи мураббий-сидир.

Ислом Жаннатни оналарнинг оёқлари остида деб билган, она ризосини олган фарзандга тўғри Жаннатга киришга ҳуқуқ бергандир. Ушбу юксак мезонни хотинларга Ислом келтирди.

Ҳазрат Умардай адолат қўриқчиси ҳисобланган бир зот ўз фарзанди — қизини кўмганига қадар тош юрак бир одам эди.

Демак, динсизлар бағри тош одамлардирлар. Йўлда бошларига бир бало келганида ул бутдан ёрдам сўрардилар, сўнгра бағри-тошларча ўзлари сиғинган ҳолвадан ясалган бутни ердилар. Бундан ортиқ нохушлик ва ақлсизлик бўладими? Инсонийлик шу қадар ҳам кулгили аҳволга тушадими?

Динсизлик доимо кулгилидир. Бугун ҳам аҳвол шундай. Эътибор берсангиз, Аллоҳнинг борлигини динсиз ақлига сиғдира олмайди. Кўзим билан кўраётганим йўқ, дейди. Ақл кўзи билан кўрасан, ҳозир сенинг ақлинг йўқ, десангиз анграяди. Дарҳақиқат, динсизлик ёмон йўл. Аллоҳ ўзи сақласин, Омин!

### 36-ҲИКОЯ

#### ҲАЗРАТ ФОТИМА ВОЛИДАМИЗНИНГ ҚАДРЛАРИ

Суюкли Пайғамбаримиз (с.а.в.) қизлари Ҳазрат Фотима (р.а.) ни жуда қадрлар эдилар. Шунчали севар эдиларки, Фотима волидамининг ҳолларидан хабар олмай қўймас эдилар.

Ҳазрат Фотима (р.а.) волидамиз Ҳазрат Али (р.а.)га турмушга чиққач, уйи бошқа бўлди.

Севикли Пайғамбаримиз (с.а.в.)га Қуръон оятлари келди. Қуръон оятларида Аллоҳ Таоло шундай буюрган эди: «Эй Расулим! Умматингга, оиланг ва болаларингга намоз билан амр эт; уларга намоз ўргат. Ўзинг ҳам намоз ўқишни давом эт».

Ушбу ояти қарима Пайғамбаримиз (с.а.в.)га нозил бўлганидан кейин олти ой ўтгунча ҳар тонгда Пайғамбаримиз (с.а.в.) Ҳазрат Фотима ва Ҳазрат Алининг уйига бориб: «Ассалоҳ ё Али, ё Фотима! Сабоҳ намози вақти бўлди, ё Али, ё Фотима!», деб уларни намозга даъват этганлар.

#### *Изоҳ ва ўғит*

Эй, Ҳақ йўлчиси! Булар биз умматларга бир ўрнак йўлидир. Ҳар бир мусулмон ота болаларига дин ва дунёвий ишлари ила ўрнак бўлишга бурчлидир. Севикли Пайғамбаримиз (с.а.в.) биз умматларига ўрнак бўлиб, Жаннат йўлини кўрсатганлар. Болаларимизнинг қадрини қандай сақлаб, уларга қайси шаклда тарбия беришимиз зарурлигини ўргатганлар.

Болалари ила узвий алоқа боғламаган ва уларнинг тарбиясига эътиборсиз она ва оталар учун оловли бир жаҳаннам ҳаёти бордир. Болаларига динни, дунёни ўргатмоқ оталар вазифасидир. Фарзандларининг хушфёъл, гўзал ахлоқли бўлишлари учун оталарнинг жон куйдиришлари лозимдир. Болаларининг ёмоқ ва ичмоқ, кийим, ҳашам каби моддий эҳтиёжларини таъминлаган ота маънавий эҳтиёжларига ҳам эътибор бермоғи керак. Бу хусусда Пайғамбаримиз (с.а.в.) йўлидан бориш бизнинг манфаатларимиздир, чунки биз учун ўрнак – Пайғамбаримиз (с.а.в.)дир.

### 37-ҲИКОЯ

#### ТУШДА КЎРИЛГАН КЎШК

Муҳаррамнинг ўнинчи куни — ашура куни фақир бир одам мусулмон, деб билган бадавлат одамга ашура учун илтимос билан келди.

— Муҳтарам афандим, — деди у, — маълумингиз бугун ашура куни. Уйда бола-чақа учун ашура оши пиширмоқчи эдим, фақирлик қилиб қолдим. Аллоҳ ризоси учун озгина ёрдам беринг.

— Майли, фақат ҳозир ишим бор. Пешин намозини ҳали ўқимадим. Намоздан кейин кел, — деди бадавлат мусулмон.

Фақир одам пешин намозидан кейин келади.

— Ҳозир ишим бор. Асрдан кейин кел, — деди бой.

Фақир одам асрдан кейин келди. Бу сафар бой мусулмон:

— Э-э, ҳеч тушунмайдиган бефаҳм экансан-ку, — деб фақирни ҳайдади.

Фақир бошини эгиб, бой дўконидан чиқиб кетар экан, ёрдам бермаган одамнинг бир ғайримусулмон қўшниси уни чақирди ва:

— Қўшнимдан нима сўраган эдинг, бердими сўраганингни? — деди.

— Бугун биз мусулмонларнинг ашура кунимиз. Ашура учун бироз ёрдам сўраган эдим, бермади. Усталик билан ҳайдади, — деди ғариб.

— Болаларингга ашура оши пишириш учун сенга қанча пул керак бўлади? — сўради яна ғайримусулмон.

— Беш-ўн сўм бўлса етарди, — деди фақир.

Ғайримуслим фақир мусулмонга сўраганини берди, кўнглини олди. Фақир одам дуолар қилиб, «Аллоҳ сенга ҳидоят бер-

син!» деб севиниб уйига равона бўлди. Уйига бориб бола-чақаси-га ашура қилиб едирди.

Ўша кеча хасис мусулмон тушида ажойиб кўшк кўрди ва ҳайрат билан: «Бу кўшк кимники?» деб сўради. «Бу кўшк сеники эди, фақат бу гўзал кўшкни қўлдан бой бериб қўйдинг», дедилар. «Қандай қилиб?» – деб сўраганида. – «Кеча сенинг ҳузурингга келган ғарибнинг кўнглини олиб, унга бир ашуралик садақа берганигда бу кўшк сеники бўларди. Бу кўшк ул фақирнинг кўнглини олганга берилди. Бунга ғайримуслим кўшнинг эришди», дедилар.

Бизнинг хасис мусулмонимиз зўрға тонг оттириб, саҳарда дўконига борди. Қўшниси келганида, бадавлат мусулмон унга: «Фақир одамга кеча қанча садақа бердинг», деди. «Нега сўраясан?» — деди ғайримуслим қизиққанидан. — «Икки мартга кўп пул бераман сенга», деди хасис мусулмон. Ғайримуслим: «Сен кўрган рўё (туш)ни мен ҳам кўрдим. Қўшни, мен мусулмон бўлдим», деб жавоб берди. Хасис, меҳрсиз мусулмон «оҳ-воҳ» деди-ю, афсус қилди, лекин вақт ўтган эди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Бу ҳикояда яхши бир ибрат дарси бор. Имкони бўла туриб, фақир фуқарога шундай ёмон муомалада бўлувчи бемеҳрлик билан Жаннатга кириш, Жаннатда кўшк қозониш мумкин бўлсаиди, ер юзида жаҳаннамлик одам бўлмас эди. Зеро, Жаннатга ҳам, жаҳаннамга ҳам инсон ўз амали ила кириб, Аллоҳнинг лутфига мушарраф бўлиш билан эришишини унутмайлик. Аллоҳ учун бир фақирнинг, бир ғарибнинг кўнглини олмаган, у бечоранинг кўнглини кўтармаган мусулмонга, тўғриси, минглар, юзминглар марта уятлар бўлсин.

Шундай хайрсиз, ҳатто садақа бера олмайдиган давлатингни, бойлигингни «бойлигим бор», деб юрасанми? Шундай хасис, бахил, очкўз, маишатчи давлатманд учун жаҳаннам бор бўлсин, демоқдан ўзга чора йўқдир.

## 38-ҲИКОЯ

## ЎЛИМДАН ҚУТҚАРГАН УЧТА ЯХШИЛИК

**Онани мамнун қилган, номусини сақлаган, ишчининг  
ҳақини эҳтиёт қилган уч одам ҳақида**

Бу ҳикоя Бухорий ва Муслимлар ривоят қилган Ҳадиси Шарифларда Пайғамбаримиз (с.а.в.) тарафидан айтиб берилган бир ҳикоядир. Расули Акрам (с.а.в.) шундай демишлар:

— Сиздан аввалги умматлардан уч киши йўлга чиқдилар. Тунаб қолиш учун бир ғорга кирдилар. Тонг отгач, йўлни давом эттирмоқчи бўлдилар. Фавқулодда тоғдан бир қоя кўчиб юмалаб тушди ва ғорнинг оғзини беркитиб қўйди. У уч одам:

— Энди дунё билан алоқамиз узилди. Ишимиз Аллоҳга қолди. Бизни бу ердан фақат Аллоҳ қутқаради. Ҳозир ҳар биримиз Аллоҳ йўлида қилган хайрли ишларимизни хотирлаб Аллоҳдан бизни бу фалокатдан қутқаришини тилайлик, қудрати ила қутқарсин, — дедилар.

Улардан бири:

— Аллоҳим! Менинг жуда кексайиб қолган онам ва отам бор эди. Уларга едириб-ичиргандай, ҳеч кимга едириб-ичирмас эдим. Бир кун ўтин йиғиш учун узоқларга бордим. Келсам улар қаттиқ ухлаётган эканлар. Келиб уларнинг овқатларини тайёрладим, лекин уларни уйғотмадим. Овқатни тайёрлаб, уларнинг уйғонишларини кутдим. Болаларнинг қоринлари очиб овқат сўрай бошладилар, аммо ота-онам ҳурмати уларни олдин овқатлантирмадим. Шу аснода улар уйғонишди. Оқшом пайтидан бери дастурхон олдида кутиб ўтиргандим, ниҳоят улар уйғонишганида овқатларини едилар, сут ичдилар. Аллоҳим! Агар бу ишимни сенинг розилигинг учун қилган бўлсам, бу тутқундан бизни қутқар, — деди.

Тош озгина сурилди.

Иккинчи одам бундай деди:

— Аллоҳим! Амакимнинг бир қизи бор эди, уни жуда яхши кўрар эдим. Унга уйланишни хоҳлардим, аммо қиз рози бўлмади. Орадан бир йил ўтгач, жуда қаттиқ очарчилик бўлди, у қиз очликдан ўламиз, ёрдам беринг, деб олдимга келди. Қиз менга тегиши шарти билан 120 олтин бердим, у эса қабул қилди. Ошиқиб кутганим фурсат ҳам келди. Шунда у: «Эй, амакимнинг ўғли,

Аллоҳдан қўрқ-да, менга қўл чўзма, гуноҳга сабаб бўлма», деди. У мен учун аёллар ичида энг севгили бўлишига қарамай, қанча вақт бетоқат кутган бўлсам-да, унинг ишқида ёнсам ҳам ўша дамда ундан ўзимни олиб қочдим, яқин келмадим. Берган олтинларимни унга ҳады этдим. Аллоҳим! Агар қилган бу ишимни сенинг розилигинг учун қилолган бўлсам, бу фалокатдан бизни қутқар», деди.

Қоя яна бир оз силжиб, ғор оғзи сал очилди.

Учинчи одам:

— Аллоҳим! Пулга ишчи мардикор ёлладим. Мардикорларнинг ҳақларини бердим. Фақат биттаси пулини олмай, ишни ташлаб кетган эди. Унинг оладиган пулига мол олиб, унинг номидан боқтирдим. Унинг ҳисобидаги моллар кўпайди. Бир қанча вақт ўтиб, ул мардикор мени истаб келди ва:

— Сенда хизмат ҳаққим қолган эди, бер, — деди.

— Шу кўриб турганинг — сурувлар, туя, сигир, қўйлар — бари сеники, олиб кетавер, — дедим унга. У бўлса:

— Аллоҳнинг қули! Мени мазах қилма, — деди.

— Мен ҳазил қилаётганим йўқ, ҳаққингни айтмоқдаман. Бу моллар сенинг иш ҳаққинг ҳисобига олинган моллардан кўпайган, — дедим. Шундан кейин у барча молларни олиб кетди, қаршилиқ қилмади. Аллоҳим! Агар бу амалимни сенинг учун, сенинг розилигингга ноил, муяссар бўлиш учун қилолган бўлсам, бу мусибат, бу фалокатдан бизни қутқар, — деди.

Қоя яна бир бор сурилди ва улар фалокатдан қутулдилар.

### *Изоҳ ва ўғит*

Бу ҳикояни Бухорий ва Муслим ривоят қилганлар. Муслмон қардошларимиз ибрат олсинлар! Ҳақ розилиги учун қилинадиган хайрли ишлар ҳеч вақт бесамар бўлмаслигини эсдан чиқармайлик. Ушбу ўқиганингиз ҳикоядан ибрат олиш осон иш эмас! Уч одам бошларига келган фалокатдан қутулдилар. Қардошларим, Аллоҳнинг розилигига эришилгунича бу имтиҳон йўлидир. Имтиҳондан ўтиш осон эмас. Ота ва онасининг ҳурмати учун то тонггача кутиб ўтирган фарзанд, албатта Аллоҳ розилигини қозонади. Бу иш ҳар бир ота ўғлининг қўлидан келавермайди.

Ишлатган бир ишчисининг мукофоти, иш ҳаққига бир қўй олиб, неча йиллар боқиб, эгаси келганида бу сурув ҳаммаси се-



ники, деб ул ишчига бериш осон иш эмаслигини ҳар ким яхши билади.

Буларнинг ҳаммаси ҳақиқий бир мусулмон ота ўғлигина қилиши мумкин бўлган ишлардир.

### 39-ҲИКОЯ

#### ЯХШИ НИЯТНИНГ ОХИРИ ХАЙРЛИ БЎЛАДИ

Бир вақтлар Бағдодда яшовчи бадавлат мусулмонлардан бир қанчаси карвон ила ҳажга бормоқчи бўлдилар. Давлатманд қўшнилариининг ҳажга ҳозирлик кўраётганларини эшитган фақир, лекин зеҳни ўткир бир зот ўз-ўзича:

— Мен ҳам шу қўшниларим билан биргаликда ҳажга борсам, — деб ният қилди.

У ўз ҳолига қараб тайёргарлик кўриб, ҳажга бораётганлар карвони билан йўлга чиқди. Ўзига бино қўйган бадавлат одамлардан баъзилари бу фақир инсоннинг уларга қўшилиб, неча кунлар, ойлар йўл юриб бориладиган ҳаж сафарига боришига ҳайрон бўлдилар, ҳайратга тушдилар. Булардан бири, зоҳирий бир оз билими бўлган, ораларида «хожа» деб аталувчи афанди бу фақир ҳамроҳларига:

— Қадрдон қўшни! Сен ҳажга кетяпсанми? — деб сўради.

Қалби пок, фаросати кучли, юрагида заррача кир бўлмаган фақир одам унга жавобан:

— Шундай, афандим! Мен сизларнинг соянгизда, ҳамроҳлигингизда бориб, Аллоҳ насиб этса, ул юксак мақомга юз сурайин, деб ният қилдим, — деди.

Ўзини «хожа» деб юрган афанди бу софдил ва тамизли мусулмонга ҳазил қилиб:

— Фақат қўшни, уловинг йўқ, озиғинг йўқ. Хайр, ҳеч бўлмаса ақчанг борми? — деди.

Софдил ва имони бутун фақир мусулмон жавоб берди:

— Раббим мени қўллайди. Барча жонлиларнинг ризқини берувчи Аллоҳдир. Ҳар биримиз асосан унинг ризқ хазинасидан насибамизни олиб озиқланмаймизми?

Манманлик касалидан қутила олмаган ул одам бу сўзлар олдида эсанкираб қолди, бироз ўзини йўқотиб қўйди. Фурсат ўтиб, фақир одамни яна мазах этишга тушди.

Ниҳоят, узоқ йўл босиб карвон Маккаи Мукаррамага етиб келди. Каъбаи Муаззамани тавоф этдилар. Арофатда қурбон-

лик қилдилар, ҳаж фарзларини адо этиб, видо тавофини бажо қилиб қайтдилар. Энди ҳаммалари ҳожи бўлдилар.

Шайтон ва нафс отига минииш яхшими? Ўзини баланд тутган, бироз зоҳирий билими бўлган «хожа» деб аталувчи афанди яна мазах қилиш ниятида фақир олдига келди ва:

— Қўшни, Байтуллоҳни тавоф этдингми? — деди.

Кўнглида заррача шубҳа йўқ, ҳеч ким ҳақида ёмон фикрда бўлмаган софдил одам:

— Тавоф этдим! Аллоҳимга беадад шукрлар бўлсинки, мендек фақир ва ожиз бир қулини ушбу шарафли, юксак мақомларини зиёрат қилиб, ҳаж ибодати каби энг муҳим бир ибодатни қилишимга насиб этди, — деди.

«Хожа» яна мазах ва ҳазил қилиш иштиёқида:

— Қўшни, сенга барот бердиларми? — деб сўради.

— Барот ўзи нима? — ҳайрон бўлди софдил фақир.

— Ҳожиларга жаҳаннамдан озод бўлинг, дея барот берилади.

Биз баротимизни олдик, — деди ҳазилкаш.

Соф кўнглил мусулмон унга ишониб, қайтиб Маккага, Байтуллоҳга кетди. Ҳазилкаш унинг устидан роса кулди. Бўлган воқеани бошқа ҳамроҳларига айтиб берди. Ҳаммалари кулишиб йўлларида давом этдилар.

Очиқкўнглили мусулмон Ҳарамни Шарифга борди, бошини Байтуллоҳнинг остонасига қўйди:

— Эй Раббим! Сенинг қулларинг жаҳаннамдан озод этувчи барот олибдилар. Мен фақирга бу барот берилмади. Мен озод бўлмадимми? — деб кўзларидан селдек ёшлари оқди. Йиғлаб фарёд этаётган мусулмон шундай бир ҳолга келдики, ўрнидан туришга мажоли қолмади.

Ул фақир шул аҳволда экан, олдига бир зот келди ва:

— Бошингни кўтар, эй софдил, покиза одам! Мана бу баротингни олгин-да, ҳамроҳларингга етиб олгин, — деди.

Софдил мусулмон баротини олиб, ўпиб юз-кўзига суртди ва ҳамроҳларига етиб олди. Ҳамроҳлари эса уни алдаганларидан завқланиб кулар эдилар. Софдил фақирдан сўрадилар:

— Нима бўлди? Баротингни олдингми?

— Олдим, мана қўйнимда, — жавоб берди фақир.

Улар баротни кўриб ҳайратга тушдилар. Яшил, мушк исли қоғоз юзида оқ нурдан ёзувлар бор эди. Ҳазил қилиб, мазах қилиб юрган одам отидан тушди, хижолат чекиб, афсусланиб:

— Агар шу фақир ҳамроҳимдай бўла олсаму, ҳеч нарсам бўлмаса ҳам кошкийди. Ҳайф менинг ўтган умримга! Энг қимматли умр сармойасини бекорга харжладим! Нафсимнинг асири, шайтон фармонининг қули бўлдим. Мен мана шу софдил қўшним каби бўла олсайдим, — деди ва афсус-надоматлар қилди.

Бағдодга етиб келдилар. Фақир одам:

— Бу барот сенда турсин қўшни. Сен илмли одамсан, мен ўлганимда бу баротимни кафанга солиб қўярсан, — деди ҳазилкаш давлатманд ҳамроҳига.

Фақир одам вақти етиб ўлди. Ўша пайтда «хожа» деб аталувчи зот тижорат ишлари билан бошқа юртда бўлиб, жанозада қатнаша олмади. Қайтиб келганида ул одамнинг ўлганини эшитиб: «Эй воҳ! Қўшнимнинг менда омонати бор эди. Баротини кафани ичига қўйишим керак эди», деб уйига келди. Баротни кўриш учун сандигини очди, барот йўқ эди. Мен йўқ пайтимда кимдир уни олиб кафанига солгандир, деб ўйлади. Фақир одамнинг мазори-ни очиб қарайин, деб мазорга борди. Мазорни очиш учун тайёргарлик кўрар экан, бир овоз келди: «Биз қулимизга барот бериб, сўнгра уни ташлаб қўймаймиз!»

Авваллари фақир қўшниси устидан кулиб, мазах қилиб юрадиган хожа уйига келиб Қуръонни ўқий бошлади. Сўнг ётиб дам олиб, тушида фақир қўшнисини кўриб, унинг бу сўзларини эшитди:

— Хожа қўшним, Аллоҳ сиздан рози бўлсин. Агар сиз бўлма-сангиз мен баротимни унутар эканман. Сиз эсга солганингиз учун олдим. Савол берувчи малоикаларга баротимни кўрсатдим, менга ҳеч нарса демадилар. Баротимни қабул этдилар.

### *Изоҳ ва ўғит*

Бу ҳикояда ибрат дарси олишга истеъдодли, қобилияти бор бўлганлар учун яхши бир ўғит бор. Аллоҳ йўлига тушган бир мусулмоннинг бошқалари ила ҳазиллашиши қандай ёмон натижа берди. Ким биров устидан кулса, ўзи ҳам албатта шундай аҳволга тушади. Яхши ниятли, Аллоҳга чин дилдан сифингувчи имон соҳиби бўлган муҳтарамлар, Аллоҳнинг буюк неъматларига ноил бўладилар, эришадилар. Ўзини улуг билиб, бошқаларни менсимаслик динимизда энг ёмон бир феълдир. Ундай одамлар охиروқибат бунинг зарарини кўрадилар. Улар нафс қуллигидан

қутула олмайдилар. Бу ақлли одамнинг иши эмас. Нафсининг асири, шайтоннинг қули бўлган одам ҳаж йўлида бўлса ҳам ўзининг ёмон феълидан воз кечмайди.

#### 40-ҲИКОЯ

### АҲДГА ВАФОДОРЛИКНИНГ ХАЙРЛИ НАТИЖАСИ\*

Бир кун Ҳазрат Умар (р.а.) Асҳоби Киром билан суҳбат қуриб ўтирар эди. Икки одам бир йигитни туртиб, қўлларидан маҳкам ушлаб Халифа ҳузурига олиб келдилар:

— Биз қасос олишни истаймиз, эй Амирал-мўъминин! Қасос!.. — деб бақирарди улар.

Амирал-мўъминин Ҳазрат Умар (р.а.):

— Қандай дардингиз бор? Даъвони билмай туриб, қасос олинмайди. Нега йигитни уриб олиб келдингиз? — деди.

Йигитни олиб келганлардан бири:

— Эй Амирал-мўъминин! Бу йигит отамизни бизнинг боғимизда ўлдирди. Бунинг ҳам ўлдирилишини истаймиз. Қасос олиншини, ўлимини истаймиз, — деди.

Ҳазрат Умар (р.а.) йигитга қараб:

— Нима дейсан, буларнинг айтгани тўғрими? Сени оталарини ўлдирганликда айбламоқдалар, — деди.

Нурли бир чеҳра соҳиби бўлган, нур юзли йигит:

— Ё Амирал-мўъминин! Бу одамлар тўғри гапирмоқдалар. Бўлган воқеани мушоҳада қилиб кўринг, мен тушунтиришга ҳаракат қиламан. Мен узоқлардан келаётган бир йўлчиман, йўлга чиққанамга уч кун бўлди. Бироз истироҳат қилай, дам олай, дедим. Отимни бу одамларнинг хурмо боғлари ёнида бир шохга боғлаб, дам олмоқчи бўлдим. Отим бўйнини чўзиб уларнинг хурмо дарахтидаги бир шохнинг баргини ебди. Уйғонсам бир чол отимга тош отмоқда. Ўрнимдан турдим. Чол отган охириги тош отимнинг пешонасига тегди ва отим ўлиб қолди. Ниҳоят севган отимнинг ўлганини кўриб, жаҳл билан чол отган охириги тошни унинг ўзига отдим. Чол йиқилиб тушди. Шу пайт жонини таслим этиб ўлиб қолди. Мен бундай бўлишини хоҳламаган эдим, — деди.

Адолат нозири, исломнинг хожаи Халифаси Ҳазрат Умар (р.а.):

— Айбнинг эътироф этдинг. Қасос лозим, — деди.

— Ҳайҳот! Менинг бир узрим бор. Қуръон нима деса, шу тўғри. Мен Қуръон буйруқларига бўйсунаман. Менинг сизлардан бир илтимосим бор. Қасос олиб мени ўлдиришдан аввал менинг бир етим ҳаққини бериб қўйишимга ижозат берсангиз. Мен уни беришим керак. Бизнинг отамиз ўлди. Пуллари қаерда эканлигини мен биламан. Бир синглим бор, у билмайди. Менга уч кун муҳлат беринг, бориб пулларимизнинг турган жойини синглимга кўрсатиб келайин, — деди.

Йигитнинг бу илтимосини даъвогарлар қабул қилишни истамасалар ҳам, Ҳазрат Умар (р.а.):

— Сенга кафил бўладиган бир одам бўлса, унинг кафиллигини да рухсат берардик, — деди.

Маъсум юзли бу йигит шу ерда йиғилган барча Асҳобга бир-бир қараб чиқди. Охири Абу Зар Фифорийни кўрсатди. Ул заиф, наҳиф зотга қараб:

— Бу зот менга кафил бўла олади, — деди.

Ҳузур Халифада ҳозир бўлган Асҳоби Киром ҳайратга тушидилар. Абу Зарнинг оғзига қараб қолдилар. Халифа Ҳазрат Умар (р.а.):

— Нима дейсан, эй Абу Зар? Бу қишлоқлик йигитга кафил бўла оласанми? — деб сўради.

— Албатта кафил бўламан. Ҳозир кетиб, уч кундан сўнг етиб келсин, — жавоб берди Абу Зар.

Даъвогарлар Абу Зарнинг мавқеини яхши билишарди. Абу Зар Асҳобнинг пешволаридан эди. Шунинг учун унинг кафиллигини қабул қилдилар. Йигит Халифа ҳузуридан чиқиб кетди. Шошилиб тўғри қишлоғига кетди. Ҳамма уч кун кутиш кераклигини биллиб тарқалди.

Уч кун ўтди. Ўша вақтда бўлганлар яна Халифа ҳузурига йиғилдилар. Ҳазрат Абу Зар ҳам келди. Муддаилар (даъвогарлар) ҳам келиб у йигитни кутиб ўтиришди. Вақт ўтиб қолганди. Йигит майдонда кўринмасди. Абу Зар ҳеч ҳовлиқмай, ҳаяжонланмай сукут сақларди. Абу Зар Асҳобнинг пешволаридан, буюкларидан бўлиб, кўп вақт Расулulloҳнинг илтифотига эришган қадрли зот эди. Вужуди заиф, бир муҳтарам эди. Шу онда даъвогарлар:

— Эй, Абу Зар! Сенинг улуг зот эканлигингни биламиз. Аммо биз отамизнинг қасосини олишни хоҳлаймиз. Сен ўзинг танимаган йигитга кафил бўлдинг. Агар келмаса, биз отамизнинг ҳақини сендан талаб қиламиз, дедилар.

Халифа Ҳазрат Умар (р.а.):

— Ё Абу Зар! Валлоҳ, мен ҳам шундай деб ўйлайман, қасос амалга оширилади, — деди.

Ҳазрат Абу Зар эса:

— Мен ҳам розиман, — деди.

Ҳозир бўлганлар ҳаяжонга тушдилар. Ҳамманинг юраги қаттиқ ура бошлади, нафаси ичига тушиб кетди. Халифа ҳузурида ҳозир бўлганлар даъвогарларга ялина бошладилар:

— Отангизнинг хунини берамиз, — дедилар.

Муддаилар қабул этмадилар. Берилган муҳлат ўтиб қолди.

Абу Зар ўрнидан туриб тайёрлана бошлади. Абу Зар таҳорат қиларди. Ҳамманинг кўзи ёшга тўлганди. Шу пайт узоқлардан чанг-тўзон кўтарилиб шошиб келаётган йигит кўринди. Терга пишиб кетган қишлоқ йигити ичкарига кирди. Салом берди ва узр сўради:

— Мени авф этинглар. Сизларни ҳаяжон ичида йўлга қаратдим. Етимнинг энагалари узоққа кетган эканлар, уларни кутиб кечикдим. Улар билан учрашиб етим синглимни уларга топширдим, омонатини бердим. Шошилиб энди етиб келдим, — деди у.

Ул мажлисда ҳозир бўлганлар ҳайратга тушдилар. Ҳаяжонлари босилгач, бутун мажлис аҳли «Бу одам нега келди?» дейишди. Йиғилганларнинг юзларида таажжуб ва ҳайронликни кўриб, йигит:

— Мени келмайди, деб ўйлаганмидингиз? Юзингизда ҳайронлик, ҳайрат аломати кўринади. Мен қандай қилиб келмайман! Мен мўминман-ку! Мўмин деб аҳдига вафо қилганни, берган сўзига содиқ қолганни айтадилар, — деди.

Сўнгра қўлларини дуога очиб, осмонга қараб:

— Ё Раббий! Менинг сенга бўлган имонимнинг нури юзимда акс этмайдими, булар мендан шубҳага тушмоқдалар, — деб кўзларига ёш олди.

Йигитнинг юрагидан чиққан бу сўзлар Умарнинг кўзларига ҳам ёш келтирди.

Ислому Халифаси Ҳазрат Умар (р.а.) ҳайратга тушиб Абу Зардан бир сўзни сўрашдан ўзини тия олмади:

— Ё Абу Зар! Бу йигитнинг отасини танийсанми? Қабиласини биласанми?

Ҳазрат Абу Зар:

— Тушундим, ё Амирал мўъминин! Бу йигитни танимасдан туриб нега кафил бўлдинг, деб сўрамоқчисан, шундайми? — деди.

— Худди шундай, ё Абу Зар, — жавоб берди Ҳалифа, — шу маънода сўрадим.

— Ё Умар! — деди Абу Зар. — Мени ҳамма билади. Ҳазрат Муҳаммадга қандай ишонганимни ва ул буюк Пайғамбарнинг менга қандай рутба (даража) берганлигини бу ерда билмаган одам йўқ. Мен, муҳаммадийларда фазилат қолмабди, деб ўйлагандим. Йигит мендан ёрдам сўради. Ёрдам бериб, фазилат учун «хўп» дедим.

Ул мажлисда бўлганлар жунбушга келдилар. Даъвогарлар бунчалик Исломга содиқ, жонини Ислом амрлари учун фидо эта оладиган бир имон соҳиби йигитнинг ҳолидан ибрат олиб раҳмга юз бурдилар ва:

— Ё Амирал-мўъминин! Биз ҳам Аллоҳ учун отамизнинг қасосидан воз кечамиз. Ҳаққимизни ҳалол этдик. Йигит хоҳлаб бу ишни қиладиганлардан эмас экан. Бу фидокорлиги учун биз уни ҳурматлаймиз, — дедилар.

Шундай қилиб, сўзда туришнинг, аҳдга вафодорликнинг хайрли натижаси жонли мисолини ҳозир бўлганлар яна бир марта ўз кўзлари билан кўрдилар ва гувоҳ бўлдилар.

### *Изоҳ ва ўғит*

Ўқувчи қардошим, бу фидокорликлар қандай пайдо бўлади? Жонини кимга таслим қилишни билгани учунми?

Бу туйғулар ила инсон фанолик касб этадими? Эта олмайди-ми? Ундай бўлса, бу ишонч соҳиби бўлишга қодирми?

Дунё Аллоҳники, Охират ҳам Аллоҳникидир.

Дунёда гуноҳ ишлари учун охиратда жазосини тортишга ишонган, Аллоҳнинг ҳар ерда ҳозир ва нозир бўлишига имони комил бўлган одам ҳеч бир вақтда Аллоҳнинг амри, буйруғидан қочмайди, қочмаган қулини эса Аллоҳ қутқаради.

## 41-ҲИКОЯ

ЎТТИЗ ЙИЛДИРКИ ГУНОҲИМНИНГ АФВИ УЧУН  
АФВ ТИЛАДИМ

Бир вақтлар Бағдоднинг Чорсусида жуда катта ёнғин бўлди. Ҳаммаёқ ёниб кул бўлди. Чорсудаги барча дўконлар ёниб кетди. Муслмонларнинг бойликлари бир онда йўқ бўлиб кетди. Сиррий Сақатий Ҳазратлари ҳам шошилиб ёнғин бўлган ерга борар экан, йўлда бир танишга йўлиқди. Учраган одам Сиррий Сақатийга:

— Ҳазрат, сизнинг дўконингизга ҳеч нарса бўлгани йўқ. Ёнғин унга яқин келгани йўқ, — деди.

Сиррий Сақатий бир он шароитни тушунмасдан бу хабардан мамнун бўлди ва «Алҳамдулиллоҳ» деди. Шул дам Ҳазрат ўзига келди. Барча муслмонларнинг дўконлари кул бўлибди, ўзининг дўкони ёнмаганига севиниб «Алҳамдулиллоҳ» деб Аллоҳга ҳамд айтиб, шуқр қилганидан кейин роса ўттиз йил мобайнида Аллоҳдан афв этишни тилади, ўттиз йил истиғфорда бўлди (кечирим сўради). У фалокат вақтида фақат ўзини ўйлагани учун ўзини кечира олмади. Ҳолбуки, бизга кўра бундай дейиш оддий бир ҳол эмасми? Аммо буюк одамлар учун ўзини ўйлаб муслмонларнинг дардларини унутиш муслмонлик мезонига тўғри келмайди. Ҳазрат дўстларига: «Бир марта бехос севиниб «Алҳамдулиллоҳ» дедим, ўттиз йилдирки, бу гуноҳимнинг айби учун Жаноби Ҳаққа кўз ёшларим билан истиғфор айтаман, гуноҳимнинг кечирилишини тилайман», деди.

*Изоҳ ва ўғит*

Ҳазрат Имом ўзини кечирмади, афв этмади. Бунга сабаб — бир онлик ғафлат эди (бошқаларнинг дўкони ёниб, унинг дўкони ёнмай қолганига суюнган вақти). Агар ғафлат бўлмаганида ўттиз йил бу оннинг изтиробини чекармиди? «Ё Раббӣ, менинг гуноҳимни кечир», деб ёлворармиди?

Суюкли Пайғамбаримиз (с.а.в.) Ҳадиси шарифларида:

«Муслмонларнинг дардлари ила дард чекмаган — муслмон эмас», деганлар. Қандай буюк огоҳлантириш бу! Муслмонман деган ҳар бир бахтиёр инсон Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ушбу амрларини яхшилаб эслаб қолиши ва муслмонлар-



нинг дарди билан, иши билан алоқадор бўлиши, жон куйдириши зарур.

Яхши ниятнинг оқибати ҳам яхши бўлади. Аллоҳ учун қилинган тавбалар, оҳлар, тўкилган кўз ёшлар ҳеч бесамак бўлмайди. Аллоҳ деган маҳрум қолмайди. Ҳазрат Имом бу ҳақиқатни билгани учун «нафсимга қайгуриб шундай бўлди» деб ўзини кечирмади. Туриш-турмуши фақат нафсларини қондиришга қаратилган, оғиздагина мусулмон бўлганларнинг қулоқлари бу сўзларни яхшилаб эшитиб олсин.

Ҳар бир мусулмон имонининг камолот даражасига кўра Аллоҳ йўлида ғайрат кўрсатади. Мусулмонларнинг дардларига ҳамдард бўлиш учун инсон фарзандининг Аллоҳга шундай бир имони бўладики, қилган ҳар бир хайрли иши учун Аллоҳ ҳузурида буюк бир мавқеини ўз кўзи билан кўргандек бўлади. Ўзига нима ни раво кўрса, мусулмон қардошига ҳам шуни раво кўриш даражасига етади.

#### 42-ҲИКОЯ

### РОСТ ГАПИРИШНИНГ ХОСИЯТЛАРИ \*

Ислому буюкларидан Абдуқодир Гилоний болалигида ўқишга бориш учун онасидан рухсат сўради. Онаси рухсат берди, фақат қаерга бориб ўқишини сўради. Ёш Абдуқодир онасига ўша пайтларда Ислому дунёсининг илм-маърифат маркази бўлган Бағдодга бориб, ўша ерда ўқимоқчи бўлганлигини айтди. Онаси рози бўлди. Онаси кичкина Абдуқодирни жуда севар, ундан айрилиши қийин бўлса ҳам Аллоҳ йўлида илм ўрганиши уйда ўйнаб юришидан яхшироқ деб тушунди ва ўғлининг хирқаси (тўни) ичига «тушиб қолмасин ва йўқолмасин», деб қирқ олтин тикиб қўйди. Ўғлига: «Ўғлим, ҳеч ёлғон гапирма. Мусулмонлик тўғрилиқ динидир, тўғриликдан айрилма (ҳамиша тўғри бўл)» деб насиҳат қилди.

Шундан кейин она-ўғил хайрлашдилар (бир-бирларидан розилик тиладилар), ёш Абдуқодир бир карвонга қўшилиб йўлга чиқди. Йўлда карвон қаршисидан олтмишта отлиқ чиқиб тўсди. Булар йўлтўсар, карвонларни талайдиган қароқчилар тўдаси эдилар. Кўпчиликни ўлдирдилар. Қароқчилардан бири боладан нимаси борлигини сўради. Бола ёлғон гапирмаслик ҳақида онасига берган сўзини хотирлаб: «Қирқ олтиним бор», деди. Қаро-

қчи бу бола мени алдаяпти деб ўйлаб ундан нари кетди. Кейин бошқа бири келди: «Эй бола, қанча пулинг бор?», деб сўради. Бола яна ўша гапни қайтариб: «Қирқ олтиним бор», деди. Юпун кийинган бу болада қирқ олтин нима қилади, у мени алдаяпти деб ўйлаб, у ҳам нари кетди. Кейин учинчи йўлтўсар келиб: «Қанча пулинг бор, бола?» деб сўради. Унга ҳам: «Қирқ олтиним бор», деб жавоб берди. Қароқчи боланинг қўлидан ушлаб бошлиқлари олдига олиб борди ва: «Бу бола қирқ олтиним бор деяпти», деди. Қароқчилар бошлиғи «Олтининг қани?» деб сўради. «Тўним ичида» деб жавоб берди бола. Бош қароқчи буйруғи билан тўнни йиртиб кўришди, ҳақиқатан унинг ичидан қирқ олтин чиқди. Қароқчилар бошлиғи ҳайрат билан: «Нега тўғрисини айтдинг, ёлгон гапирганингда олтинларингни қутқариб қолардинг», деди.

Ёш Абдуқодир кулимсираб:

— Ҳеч ёлгон гапирмайман, деб онамга сўз берганман,— деб жавоб берди.

Кўзлари қон ва гуноҳга тўлган қароқчиларнинг бошлиғи диққат ва синовчи бир назар билан Абдуқодирнинг юзига тикилди. Бирдан қароқчининг кўзи очилди, ҳайрат ва ҳаяжондан кўзларидан икки томчи ёш сизиб чиқиб юзига оқди ва меҳрибонлик билан:

— Қаранг, бу бола онасига берган сўзида турибди ва унга вафо қилмоқда! Мен эса шунча йиллардан бери Аллоҳимга хиёнат қилиб келаман. Бу йигитча менинг ҳалоскорим бўлди, мен барча разил ишларимдан тавба қиламан! — деди. Қалби, қаҳри тошдай қаттиқ бошлиқларининг атрофидаги қароқчилар баробарига:

— Шу кунга қадар йўл тўсиб, одам ўлдириб қароқчилик қилишда бошлиғимиз эдинг, энди гуноҳларимизга тавба қилиш ва яхши, хайрли ишларда бизга бош бўл,— деб ҳайқирдилар.

Бошлиқларининг буйруғи билан карвонда кимдан нима олган бўлсалар қайтариб бердилар, карвон эсон-омон йўлида давом этди. Қароқчиларнинг тоғ қояларидек қаттиқ тош қалблари юмшаб, тавба қилдилар. Қилган ёмон ишларидан пушаймон бўлдилар...

Эй, олижаноб қардошим! Бу — сўзида турадиган, ростлик, тўғрилиқдан айрилмайдиганларнинг мукофотидир!.. Барча йўлтўсарлар тўғри йўлга кирдилар, ёмон ишлардан воз кечдилар. Бир боланинг онасига берган сўзида турганлиги — барча

бойлиги олиб қўйилган йўлчиларга бойликларини қайтариб берилишига, ўзларининг омон қолишларига сабаб бўлди. Бу тўғри сўзлик ва сўзга содиқ бўлишнинг келтирган яхшилиги, фойдаси ва мукофотидир.

#### 43-ҲИКОЯ

### ҲАЗРАТ УМАРНИНГ КЕЛИНИ ВА СУТГА СУВ ҚЎШМАСЛИК

Ҳазрат Умар (р.а.) Мадина кўчаларини бир-бир айланиб чиқар эди.

Кунларнинг бирида қулоғига бир товуш эшитилди. Товуш келаётган томонга бориб яқинлашди. Ичкаридан бир хотиннинг товуши келар эди:

— Қизим! Озроқ сув олиб келсанг, сутга қўшар эдик, бугун сут кўзимга оз кўринапти.

Қиз ҳайратланиб:

— Вой, онажон! Нималар деяпсиз? Амирал-мўъминин сутга сув қўшманг, деб буюрган эди-ку, — деди.

Онаси унга жавоб бериб:

— Қизим, биласанки, тирикчилигимиз сут билан ўтади. Мен бир бева аёлман, ҳеч даромадимиз йўқ. Сутга биров сув қўшсак кўпаяди, эҳтиёжимизга ишлатамиз, — деди.

Аллоҳдан қўрқиб қалбига жо бўлган одобли қиз:

— Онажоним, бугун сизга нима бўлди? Сизнинг бундай дега-нингизни Халифа эшитса нима бўлади? — деди.

— Қизим, кечаси бул вақтда Халифа ухлаб ётибди. Бизнинг бу ерда сутга сув қўшганимизни қандай билади, қандай кўради? — деди.

Ул муборак қиз онасини гуноҳдан қайтаришига ҳаракат қилиб:

— Онажон! Бугун сизга бир нарса бўлибди! Сиз шундай сўзларни айтмоқдасиз! Сиз айтган ҳийлани Халифа агар кўрмаса, ҳамма нарсани билувчи Аллоҳ билади ва кўради! Сутга сув қўшиш гуноҳдир! — деб онасини гуноҳдан сақлаб қолди.

Ҳазрат Умар бу суҳбатни охиригача эшитди. Эртасига эрта-лаб у ерга келиб Аллоҳдан қўрқувчи, гўзал ахлоқли, яхши фазилатли, ифбатли ва тарбияли қизни ўғлига сўради. Ҳазрат Умар ўғлини фақир қизга уйлантирди. Ҳазрат Умарнинг ўша муборак

келинидан шундай авлодлар — фарзандлар дунёга келдики, улардан бири Ҳазрат Умар каби адолатли бўлиб, тарихда Иккинчи Умар исмини олди. Бу зот Умар бин Абдул Азиздир. Умар бин Абдул Азиз бобоси каби адолатни севувчи, Аллоҳдан қўрқиб яшайдиган бир муҳтарам зотдир.

Умар бин Абдул Азизнинг хизматчиси хожаси учун совуқ кунларда таҳорат сувини иситиб берарди. Бир куни Умар бин Абдул Азиз хизматчисидан:

— Бу иссиқ сувни қаердан олиб келасан, — деб сўради.

Хизматчиси:

— Байтул мол (давлат хазинаси)нинг ўтинларида сув иситиб келаман, — деди.

Унга Умар бин Абдул Азиз:

— Таҳорат сувимизни бузибсан (ҳаром қилибсан)-ку, — деди.

Кейин хазинага бориб хизматчиси қачондан бери бу ернинг ўтинига сув иситган ва қанча ўтин кетган бўлса, ўшани ҳисоблашни буюрди. Ва ўзининг шахсий маблағидан ўтин олиб хазинага келтириб берди.

Умар бин Абдул Азизнинг хотини Фотимадан эри Умар бин Абдул Азизни сўрабдилар. Фотима:

— Унга ўхшаш Аллоҳдан қўрққан кишини кўрмадим. Баъзан ётоғида Аллоҳни хотирлаб номини зикр этиб, Аллоҳдан қўрқиб, унинг улуғлигидан қуш каби питирлаб ўзидан кетади. Шу даражадаки, гўё руҳини таслим этадигандек ва шунга уммати Муҳаммад халифасиз қолмасин деб қўрқаман, — дебди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Ўқувчи қардошим! Аллоҳдан қўрқмоқликнинг хайрли ва фойдали натижалари бордир. Агар Ҳазрат Умар (р.а.) келин қилган қиздан бойлик истасайди, шундай фазилатли бир набирали бўлмас эди. Ҳазрат Умар (р.а.) учун фазилат мезони — Аллоҳдан қўрқиш ва Аллоҳга нисбатан энг юксак даражадаги муҳаббатли бўлиш эди. Ҳазрат Умар (р.а.) яхши фазилат ва гўзал сифатларни бу фақир қизда кўрган эди. Йўқсиллигига қарамай, у қиз яхши фазилатларни йўқотмади. Сутни кўпайтириш учун сув қўшишга ўрганмади. Ҳар бир қулининг ризқини берадиган Аллоҳнинг ўзи эканлигига ишонган фазилатли бу фақир қиз халифанинг келини бўлди.

## 44-ҲИКОЯ

**ҲАЗРАТ УМАР (р.а.)НИНГ АЛЛОҲДАН ҚЎРҚИШИ**

Бир кун Ҳазрат Умар (р.а.) от миниб кетар экан:

— Ё Умар, Аллоҳдан қўрқ, — дедилар.

Ҳазрат Умар афандимиз суръат билан от устидан тушиб сажда қилиб, бошини ерга қўйди, юзини тупроққа сурди, ранги саргайиб, овози хириллаб:

— Умар кимки, Аллоҳдан қўрқмасин! — деб бошини саждадан кўтарди ва: «Аллоҳдан қўрқиб ҳикматнинг, ҳидоятнинг, саодатнинг ёруғ юлдузидир. Ўзининг инсонлигини билган одам фақат Аллоҳнинг буюклиги олдида саждага эгилади. Ўзининг инсонлигини билмаган Аллоҳнинг буюклигини қаердан билсин», деди.

*Изоҳ ва ўғит*

Ҳазрат Умар (р.а.)ни Умар қилган Ислом динидир. Умар мусулмон бўлганига қадар тошбағир, меҳрсиз одам эди. Ҳатто ўз фарзанди — қизини тирик кўмган тошбағир одам эди. Аммо мусулмон бўлгач, Ҳазрат Муҳаммаднинг тарбиясига мушарраф бўлгандан кейин Умардек марҳаматли, Умардек адолатли, Умардек Аллоҳдан қўрққан яна бир одам чиқмади.

Ўз оиласи, болаларига овқат учун унни Халифа Умар (р.а.) ўзи орқалаб ташиди. Халифа ўз қўли билан овқат пишириб етимларга тарқатди. «Дажла қирғоғида бир чўпоннинг кўзисини бўри олиб қочса, Аллоҳ Халифа Умардан сўрайди», деб кўз ёшларини тўкар эди.

Буларнинг барчаси Ҳазрат Умар (р.а.)нинг Аллоҳга бўлган муҳаббати ва ҳурматининг, Аллоҳдан қўрқшининг далиллари.

## 45-ҲИКОЯ

**ТЎҒРИ ТОЖИРЛИК ВА МУШТАРИЙГА ЯХШИЛИК**

Муҳаммад бин Мункадир дўқонида йўқлигида ўғли беш дирҳамга сотиладиган молни ўн дирҳамга сотди. Бунни эшитган Муҳаммад бин Мункадир бутун кунини муштарий (сотиб олувчи)ни ишташга сарф этди ва ниҳоят топиб:

— Бизнинг ўғилча янглишиб беш дирҳамга сотилиши керак бўлган молни сизга ўн дирҳамга берибди, — деган экан, муштарийси:

— Зарари йўқ, мен ўн дирҳамга олишга розиман, — деди.

Шунда Муҳаммад бин Мункадир:

— Сиз рози бўлганингиз билан биз рози бўлмаймиз. Биз рози бўлган нарсага сиз ҳам рози бўлинг, — деди ва беш дирҳамни қайтариб берди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Ислоннинг ҳақиқий мезони, ўлчови шундай. Ўзингга нимани раво кўрсанг, бошқага ҳам шуни раво кўр. Ўзинг учун хоҳламаган нарсани бошқага ҳам қилма. Инсонни ҳурмат қилган динини севади. Динсиз инсонийлик бўлмайди. Буюк инсонларнинг барчалари динини севганлар.

Бу зотлар ислом етиштирган улуғлардир. Дини бўлган, имони бўлган одам бошқа инсонларни севади. Инсонларни севган уларни алдамайди.

### **46-ҲИКОЯ**

#### **АЛЛОҲДАН ҚЎРҚИШ ВА ТЎҒРИЛИК**

Савдогар Юнус бин Убайт дўконида турли-туман қимматбаҳо матолар бор эди. Буларнинг бир қисми икки юз, бир қисми юз дирҳамга сотиларди.

Бу зот дўконида дўстининг ўғлини қолдириб, Жума намозига кетди. Шу орада дўконга қишлоқда яшовчи бир харидор кириб, икки юзга сотиладиган кийимлик матони тўрт юзга олди. Дўкондан чиқиб кетар экан, йўлда дўкон соҳиби билан учрашиб қолди. Дўкондор матони таниб сўради:

— Бу матони қанчага олдинг?

— Тўрт юзга олдим, — жавоб берди у.

— Янглишибсан, бу икки юз дирҳам туради, юр мен сенга қайтимини бераман, — деди Юнус бин Убайт.

— Бу бизнинг юртимизда тўрт юз дирҳам туради. Мен ўзим шунчага олдим, розиман, — деди муштарий.

— Мен Аллоҳдан қўрқаман мато икки юз дирҳам туради, — деб унга икки юз дирҳамини қайтиб берди. Дўконга келиб, ўрнига қўйиб кетган йигитчага:

— Сен Аллоҳдан қўрқмайсанми? Унинг қулларидан уялмайсанми, мусулмонларга кўрсатилган тўғри йўлдан қайтиб, нега бундай қилдинг, — деди.

— Мен хоҳламагандим, харидор ўзи шу нархга олди, — деди шогирд.

Унга жавобан Юнус бин Убайт:

— Ўзингга раво кўрмаганингни бошқага нега раво кўрасан, ўзинг рози бўлмайдиган ишга нега бошқа учун рози бўласан? — деди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Ўқувчи қардошим! Ислоннинг ўрناق бўларли фазилатлари шундай олижаноб ва инсонни бахтиёр этадиган покиза, соғломдир.

Севикли Пайғамбаримиз (с.а.в.) Ҳадиси шарифларида: «Тўғри тожирлар (савдогарлар) қиёмат куни Пайғамбарлар билан баробар тириладилар ва бирга ҳамроҳ бўладилар», деганлар.

Охиратда Пайғамбарларга ҳамроҳ ва қўшни бўладиган тожирлар имон билан иш кўрсаларгина бахтиёрдирлар. Улар Жаннат кўшларида бўладилар. Тўғрилиқ йўли Жаннат йўлидир.

### *47-ҲИКОЯ*

#### **БИЛМАСДАН СОТИЛГАН ҚУСУРЛИ ҚУЛ**

Имом Аъзам савдогар Ҳафс бин Абдурахмонга бир тўп мол олиб жўнатди. Юборган бу молида қусурли, камчилиги бор бўлган кийим борлигини кейин билиб қолди. Дарҳол Ҳафс бин Абдурахмонга мактуб ёзди ва мактубда бу қусурли молни харидорга кўрсатиб сотгин, деб уқтирди.

Мактуб келгунча Ҳафс бин Абдурахмон молни сотиб юборди. У ҳам молдаги қусурдан беҳабар бўлганидан, харидорга кўрсатмай сотиб юборди.

Кийимларнинг пули ва нархи ҳақида хабар берувчи бир мактуб ёзиб, Имом Аъзамга юборди. Имом Аъзам савдогар юборган 30-35 минг пулни олмай қайтариб юборди ва унга мактуб ёзиб харидорнинг ҳақини қайтариб беришни буюрди. Аммо харидордан кўп вақт ўтиб ҳам дарак бўлмади.

Имом Аъзам бу пулни ўз пулига қўшмай садақа қилишни буюрди, токи савоби ул харидорга ҳам тегсин, деб. Ҳафс бин Абдурахмон билан эса алоқани узди.

### Изоҳ ва ўғит

Эй Жаннат йўлчиси! Жаннатга лойиқ бўлиш осон эканми? Йўқ! Агар осон бўлса, Аллоҳнинг севган қуллари умр бўйи нафслари ва шайтонлар билан курашармидилар!..

Ўртоғининг хабари йўқ. Гафлатда қусурли кийимларни сотди, деб у билан алоқани узди. Шундай гофил одам билан дўст тутиниш мақбул эмас, дейди. Аммо сен, XX аср одами, у дўстим минг бир ёлғон билан юз лиралик молни бир юз ўн лирага сотди, деб уни қандай ақлли, тадбирли одам, деб у билан яқин бўлишга ошиқасан? Бу пул сени қандай оқибатларга олиб келишини, қандай тезлик билан ишинг чаппа кетишига сабаб бўлишини биласанми? Ушбу каззоблик билан топилган пул билан ўстирган жигар пора болаларинг, суюкли қизинг, эъзозлаган ўғлинг ҳоли нима бўлади, сен ўзинг нима бўласан, биласанми?

Барибир ҳисоб куни бор, ҳар нафаснинг ҳисобини берасан-ку. «Умрингни, бойлигингни нимага сарф қилдинг, мол-дунёни қандай топдинг ва қандай харж қилдинг», деган сўроққа тутилганингда, оёғингни бир ярим қаричга ҳам силжитишга мадоринг қолмайди».

Бир кун шундай бўлади. Золимнинг — «эй-воҳ!», мазлумнинг — «оҳ», дейиши бор! Ҳикояларни яхшилаб ўқи, ибрат дарсини ол! Жаннат йўлига киришга инти!..

### 48-ҲИКОЯ

#### ҲАЗРАТ БИЛОЛ ВА ТЎҒРИ СЎЗЛИК БЎЛМОҚ

Ҳазрат Билол Ҳабаший (Билол бин Рабоҳ р.а.)га дўсти келиб бир қизни ота-онасидан сўрашни, яъни совчиликка боришни илтимос қилди. Ҳазрат Билол (р.а.) дўстининг сўзига кириб, қизининг уйига борди. Қиз уйига бориб:

— Мен Билол бин Рабоҳман. Бу йигит менинг дўстимдир. Сизнинг қизингизни сўраб келдик. Аммо шуни айтишим керакки, бу дўстим дин ва ахлоқ жиҳатидан яхши одам эмас. Бу феъл-атворини билиб қўйинг. Қизингизни шунга қараб берасиз, — деди.

Қиз соҳиблари (ота-оналари):

— Ундай бўлса, нега келдингиз? — дедилар.

— Мен ёлғон сўзлай олмайман. Аллоҳ мендан сўрайди, — деб жавоб берди Ҳазрат Билол.



### Изоҳ ва ўғит

Эй Ҳақ йўлчиси, эй Аллоҳ деган мўмин! XX асрнинг ёлғонларини ўзида мужассам қилиб қиз истагани борадиганларнинг қулоқлари тингласин! Бу сўйлаган ёлғонларига улар қандай жазо оладилар. Яшасин бундай одамлар учун жаҳаннам! Ҳақдан, адолатдан қўрқмаганларнинг борар жойи жаҳаннамнинг оловли оташидир. Жаҳаннамга ўтин лозимдир. Сен элнинг такасалтанг ўғлини «диндор», «мўмин-мусулмон»дир, деб бировнинг севиқли қизчасини азобларга қўясанми? Сенга ҳам жаҳаннам бор. Сени шундай қолдирадиларми? Сен минг бир хил ёлғонлар ишлатиб ҳеч билмайдиган одамнинг учун орага тушиб, ёлғон гаплар айтсанг, бунинг жазосини тортмайман, дўзах ўтида ёнмайман, деб ўйлайсан, шекилли. Аслида бундай булмайди. Сенинг учун қиздириб қўйилган жаҳаннам оташи бор.

### 49-ҲИКОЯ

#### АЛЛОҲДАН ҚЎРҚМОҚ

Бир вақтлар болалари оч қолган фақир бир хотин бадавлат қўшнисига ёрдам сўраб кирди. Гўзал бу хотин болалари учун овқат сўраб кирганида нафсининг асири бўлган одам, ундан яқинлик истади. Хотин номусли, Аллоҳдан қўрқадиган аёл бўлгани учун ҳеч нарса олмасдан чиқиб кетди. Уйига келгач, болалари: «Она, биз очликдан ўламиз. Озгина бўлса ҳам овқат йўқми?» деб фарёд кўтардилар. Болаларининг кўз ёшига чидай олмаган аёл яна ўша қўшнисиникига борди. Бой ўз таклифини такрорлади. Аёл мажбур бўлиб кўнди. Танҳо бир ерга кирдилар. Ул одам аёлга яқинлашган пайтда аёл Аллоҳдан қўрққанидан бутун вужуди титрай бошлади.

Бой беихтиёр сўради:

- Нега титрайсан? Қўрқма, бу ерда ҳеч ким йўқ.
- Биламан, ҳеч ким йўқ, аммо Аллоҳ бор. Инсонман деган киши доимо Аллоҳдан қўрқиши керак! — деди аёл.

Бой:

— Хоним, сен шу қадар ночорлигинг билан Аллоҳдан қўрқяпсан. Мен эса нега шунча давлатим билан қўрқмай, — деб ўзининг ёмон ниятидан қайтди ва аёлга зарур бўлган овқатлардан бериб, ўзи ҳам мамнун ҳолда уни уйига кузатиб қўйди.

Шу пайт Аллоҳ Таоло Ҳазрат Мусога ваҳий юборди: «Қулимга салом айт! Пушаймон егани ва мендан қўрққани учун афв этдим. У вақтида ўзига келди, мендан қўрқди, амрларимга бўйсунди».

Ҳазрат Мусо ул одам олдига келди ва «Сен Аллоҳ учун бир хайрли иш қилдингми?» деди. Ул одам бошидан ўтган воқеани айтиб берди. Ҳазрат Мусо ул одамга хабар бериб, «Аллоҳ сени авфи мағфират қилди», деди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Эй Ҳақ йўлчиси, эй Жаннат истаган қардош!

Шуни яхши эслаб олки, бу дунё бир синов мактабидир. Сен тушунадиган бир йўсинда баён этаман.

Билгинки, бу дунёда ўқишга борадиган, таҳсил оладиган талабалар бор. Улар маълум бир муддатга келиб кетадилар. Баъзилари дарсларини жуда яхши тайёрлайдилар, чарчайдилар, овақатланишлари, туриш-турмушлари маълум бир тартибда ўтади. Баъзилари эса ҳеч дарснинг юзига қарамайдилар, ўйнаб юрадилар, кўнгилхушликка берилишади.

Ҳеч дарс тайёрламайдиганлар, доимо ўйнаб юрадиганлар имтиҳон топширолмайдиганлар қоладилар. Улар масъулиятсизликларининг жазосини тортадилар. Ўзлари разил бўладилар, оналари йиғлайди, барча дўстларни мотамга қўядилар. Масъулиятсиз бир фарзанд туфайли барча оила аъзолари изтироб чекадилар, гамга ботадилар.

Юқоридаги ҳикоядаги каби бу дунё бир мактабдир. Инсонлар бу мактабнинг талабаларидирлар. Бу дунё мактабнинг дарслари Аллоҳнинг амрлари ва тақиқларидир (ман қилган нарсаларидир). Бу дунёда нафсининг сўзига кирган ва шайтон буйруғини бажарган кимсалар масъулиятсиз ва ўйинни жуда севадиган кимсаларга ўхшайдилар.

Нафс инсонга ичкилик ич, дейди; қимор ўйна, дейди; қўлингга тушган хотинларнинг ор-номусига қўл узатиб қийна, дейди; одамларни алда дейди; хуллас нафс шайтон билан дўстлашиб, барча ёмонликларга етаклайдилар.

Дунё мактабдир, охират имтиҳон топширадиган ер. Бу дунёда қилган ишларининг ҳисобини охиратда сўралади. Охират дунё мактабнинг йил охирига ўхшайди.

Аллоҳ ман этган нарсаларига ҳаром исмини берган. Ўзга бир аёлнинг номусига кўз олайтирган, фурсат келди, деб номусига теккан масъулиятсиз, ахлоқсиз, номуссиз жаҳаннамга ўтин бўлади, чарс-чарс ёнади. Ва охиратда имтиҳон топиширолмайдир разил бўлиб қолади.

Бу ҳикояда эс-ҳушини йиғиб олиб, нафсига эрк бермаган, шайтоннинг айтганини қилмаган, оний лаззат учун қўлига тушган болаларнинг онаси, фақир, йўқсил хотиннинг номусига тегмаган одам Аллоҳнинг ризосига эришади. Аллоҳ Пайғамбари Ҳазрат Мусо (а.с.)ни унга юбориб, гуноҳини кечганлигини билдиргандир. Аллоҳ олдида номуснинг қадр-қиммати жуда буюқдир. Дин номус демақдир. Диндор одам номусли одам демақдир. Барча Пайғамбарлар номусларининг буюқлигидан ўрнак бўлганлар.

### 50-ҲИКОЯ

#### ИЛМ БОЙЛИКДАН УСТУНДИР\*

Бир вақтлар Мисрда ака-ука яшар эди. Бири илм ўрганди, бири эса бойлик орттирди. Илм ўргангани ўз замонасининг энг буюк олими бўлди. Унинг укаси эса Мисрнинг энг бадавлат кишиси бўлди. Бой бўлган ука фақир бўлиб қолган илмли акасига менсимай қарар, уни доим камситарди.

— Мен бой бўлдим, буюк салтанат эгаси бўлдим. Сен эса фақир ва йўқсил, мискин ва ночор қолдинг, — дерди. Олим бўлган акаси унинг сўзларига ҳеч эътибор бермас ва ўзини мағрур тутар эди. У бой укасига шундай дерди:

— Эй ўзини билмаган қардошим! Тушунмасдан оғзингга келган сўзни гапирма! Мен Жаноби Ҳаққа қанча шукроналар қилсам арзийди. Чунки мени ўз Пайғамбарларига ворис қилди, яъни менга илм сарватини берди<sup>1</sup>.

Менинг назаримда илмдан буюк, илмдан фазилатлироқ бошқа нарса йўқдир. Сен эса Фиръавннинг, Хомоннинг ва Қоруннинг меросига эга бўлдинг. Сен умрингни мол тўпламоққа бағишладинг. «Молимнинг бошида чўпонлик қилайин, кўриқлайин», деб умринг бесамар кетди. Сен ўлганингдан сўнг эски сополни ҳам олиб кетолмайсан. Шунинг учун сен, молингни бош-

<sup>1</sup> сарват — бойлик

қалар учун тўплагансан. Сенга Аллоҳнинг савол-жавобидан ва азобидан бошқа нарса қолмайди. Мен эса оёқ остида чирқираган бир қушча каби ҳокисорман. Сен эса игнанг билан ҳаммани чақадиган, озор берадиган қизил қовоқари кабисан. Мен инсонларга азоб берадиган қувват бермагани учун Жаноби Ҳаққа қанчалар шукрона қилсам ҳам камдир.

### *Изоҳ ва ўғит*

Илм соҳиби меҳр ва ҳурмат кўради, илмдан бенасиб киши эса умрини беҳаловат ўтказди. Илм ўз соҳиби билан охиратга қадар боради. Бойлик бу дунёда қолади, эгаси эса ҳисобини беролмаса, жаҳаннамга тушади. Илм инсоннинг шарафини юксалтиради. Бойлик инсонни қўриқламайди. Мол-дунёни эгаси қўриқлайди.

### 51-ҲИКОЯ

#### ИЛМ, ФАЗИЛАТ ЎРГАТГАН УСТОЗГА ҲУРМАТ

1453 йил 29 май тонгда Ислом кўшинлари Истамбулни фатҳ этди. Ислом кўшинлари Истамбулга кирди.

Фотиҳ Султон Меҳметхон оппоқ отига миниб кўшин бошида Тўпқопи дарвозасидан ҳашамат билан кириб борарди.

Бизанс халқи кўчалар четида тўпланишиб ҳаяжон билан муслмон турк кўшинининг Истамбулга киришини олқишларди. Қизлар қўлларидаги гулдасталарни подшоҳга тақдим қилиш ҳаяжонидалар. Фақат улар жаҳонгирни танимас эдилар. «Истамбулни забт этган саркарда ким?» деб сўрашарди. Қизлар оппоқ соқолли, виқорли, салобатли Оқшамсуддин Ҳазратлари — Фотиҳнинг устозини подшоҳ деб ўйладилар ва гулларни, чечакларни унга бермоқчи бўлдилар. Оқшамсуддин Ҳазрат отини бир четга суриб чиқди ва подшоҳни кўрсатиб:

— Янги санани очган ҳукмдор Султон Меҳметхон ана удир, гулларни унга беринг, — деди.

Фотиҳ Султон Меҳметхон Ҳазратлари ўзининг олдига келган қизларга Оқшамсуддинни кўрсатиб:

— Боринг, гулларни оппоқ муҳтарам ул зотга беринг, гулдаста унинг ҳаққидир. Филҳақиқат, ул менинг, фақат менинг устозимдир. Бу гулларга у кўпроқ лойиқдир. Чунки бу фазилатлари, бу жаҳонгирликни, бу қаҳрамонликни мен у муҳта-

рам устозим Оқшамсуддин Ҳазратларидан ўргандим. Унинг илми ва фазилати соясида Истамбулни фатҳ этиш шарафига эришдим, — деди.

### *Изоҳ ва ўғит :*

Мактабларимизда устозлари — муаллимлари билан гап таллашиб, улар устидан куладиган бахтсиз ва фазилатдан бенасиб баъзи талабалар, ўқувчилар Фотиҳнинг бу ибрат бўлувчи ишидан ўғит олсинлар ва ўзларига илм-ирфон ўргатувчи устозларига нисбатан ҳурмат ва меҳр кўрсатишга одат қилсинлар. Иншооллоҳу Таоло! Жаноби Ҳақ бундай шуурсиз болаларимизни бу азиз ватанимиз учун ҳар бири бирор қиймат ва қадр оладиган ҳидоятга эриштирсин ҳамда хайрли бир авлод бўлувчилар жумласига киришларини насиб этсин. Омин!..

Устозига меҳр ва ҳурмат кўрсатишни билмайдиган ва ўрганишни истамайдиган бахтсиз талаба, бир умр ўзигагина меҳрибон ва ўзинигина ҳурмат қилувчи бўлиб қолади. Инсон нима экса, шуни ўради. Саҳро тиканини экиб, гул оламан, деган одам, ақлли одам эмасдир. Ўзига илм-ирфон ўргатувчи устозининг қадрини билмаган одам ватан, миллат учун фойдали бир одам бўла олмайди.

Динимизда устоз ҳақи адо этиб тугатиб бўлмайдиган бир ҳақдир.

### 52-ҲИКОЯ

#### ОЛИМЛАРНИНГ ҚАДРИ

Подшоҳ Султон Салим Мисрни забт этди; Миср ҳам Усмонли ўлкалар сирасига кирди. Султон Салимхон қўшини олдида Истамбулга қайтиб келди, у мулозимлари, устозлари, Шайхул-Исломлар қуршовида келарди. Энг ҳурматли соҳиби илм ибни Камол подшоҳнинг ёнида келарди.

Зафар машқлари чалинади, ибни Камол билан Султон Салимхон қўшин олдида келадилар. Шу онда ибни Камолнинг оти бирдан ҳуркиб кетиб сакради.

Султоннинг сут каби оппоқ уст кийимига лой сачради. Буни кўрган ибни Камолнинг ранги ўчиб кўрқиб кетди, подшоҳнинг газабли онларини хотирлади. Вазирлар ҳам саросимага тушиб қолдилар.

Шу бир зумлик саросима Султон Салимнинг назаридан қочмади, у вазирга қараб:

— Бу тўнимни олиб сақлаб қўйинг. Бу тўн лойи билан сақлансин, — деди.

Вазирлар бу буйруқ ҳикматини, сабабини ундан сўрадилар, шунда Султон:

— Ул муҳтарам зотнинг отининг оёғидан сачраган лой бизнинг шарафимиздир, у охиратда васиқаи баротимиз бўладир. Тўнимизга теккан лойни кўриб авлодимиз ҳам ибрат олсинлар, уламнинг отининг оёғидан сачраган лой бизнинг назаримизда қанчалик қадрли эканлигини дунё тургунча авлодимиз хотирласин, — деб жавоб берди.

### *Изоҳ ва ўзгит*

Бир талабанинг устози ҳаққини тўламоқ ҳеч қачон тугамаслигини билгани унинг саодатманд эканини кўрсатади. Ўзига илм-ирфон ўргатган устози бўлмаганида илмни қаердан оларди? Ҳазрат Али (р.а.): «Менга бир ҳарф ўргатган мени ўзига қул қилсин», деганлар. Агар бир мамлакатнинг ҳақиқий олимлари бўлмаса, ул мамлакат таназзулга маҳкумдир. Жоҳиллар олқишланиб, обрўда юрар эканлар, ҳақиқий илм одамлари чекка-чеккада қолаверадилар.

### *53-ҲИКОВА*

#### **СЎЗЛАМАСДАН ОЛДИН ЎЗИ АМАЛ ҚИЛАДИГАН ОДАМ**

Бир вақтлар ақли ва ирфон соҳиби ёши улуғ бир зот яшар эди. Бу зот туриш-турмушини диний мезонда олиб борарди. Шунинг учун бу зотнинг сўзлари ўз муҳотида, яқинлари орасида қадрли ва эътиборли эди.

Бир куни кўп асал еб қўйган бола касал бўлиб хасталаниб қолди. Табибга олиб бордилар. Табиб: «Бу бола асал емасин, яна бол еса, касаллиги кучайиб кетади», деди. Аммо бола асал еявераман, деб туриб олди, хархаша қилди. Боланинг иродасига ишонмаган ота-она болаларининг бу дардига чора излай бошладилар. Бир кун дўстлари, «бизнинг маҳаллада бир зот бор, унга олиб бориб ўқитиб кўринглар, унинг нафаси яхши бўлади», деб тавсия қилди. Болани ул зот олдига олиб бордилар. Ул зот:

— Қирқ кундан кейин келинг, ўшанда ўқиб қўяман, — деди.

— Яхшилик қил, афандим, боламиз оғир касал, асал еса ўлиб қолади, — деб боланинг ота-онаси ёлворишди.

Бу ёлворишларга қарамасдан, ул зот: «Ҳозир ўқимайман, қирқ кундан кейин келинлар», деб кўнмади. Қирқ кун ўтгач, болани олиб келдилар. Эшкни тақиллатдилар. Ул зот қабул қилиб, қўлини боланинг бошига қўйиб:

— Бугундан бошлаб асал емагин, болам, — деб боланинг бошини силаб эркалади. — Энди болага асал берсангиз ҳам емайди, — деб улар билан хайрлашди.

Ота-она уйга келиб болага асал бердилар. Бола «емайман» деб юзини бурди. Улар қувониб, севинганларидан ташақкур айтиш учун ул зотнинг олдига келдилар ва:

— Нега бизни қирқ кун изтиробга қўйдингиз? Нега аввал келганимизда бундай сўзларни айтмадингиз, энди бўлса бир пасда бир гап билан болани қаноатли қилдингиз, — деб сўрадилар.

Ул муҳтарам зот бундай жавоб берди:

— Қирқ кун аввал болани олиб келганингизда мен асал еган эдим. Агар ўша кун гапирсам болага таъсир қилмас эди. Қирқ кун нафсимни бол ейишдан тийдим, токи болага гапирганимда сўзларим унга таъсир этсин, деб. Агар сиз изтироб чекмоқдасиз, деб кўнгилчанлик қилиб ўшанда гапирганимда, сўзларим болага таъсир қилмас эди ва сиз ҳам бугун болангизнинг касалига чора тополмас эдингиз.

### *Изоҳ ва ўғит*

Бу ҳикояда ҳам иршод соҳиблари учун ибрат оладиган буюк ибрат дарси бор. Фазилатга кўнгил қўйган одамлар ўша фазилатга кўра яшайдилар. Жамиятга ўрнатилган раҳбар бўладиган ва бўлишни хоҳлайдиганлар фазилатдан, яхшиликдан сўз юритадиганлар, аввало, тиллари билан айтган фазилатлар, яхшилик ва тўғрилиқлар билан яшайдиларки, токи кейин сўзлаган сўзларининг самарасини ола билсинлар. Фазилатдан сўз айтиб, фазилатсизликда ўрнатилган бўлса, умр сармоясини бекор сарфлаган ва совуриб юборган бўладики, бу жоҳиллик аломатидир.

Шам каби бошқаларга ёруғлик, нур сочиб ўзи йўқ бўлиб, ҳалок бўлиш фидойилиқдир.

Аллоҳимиз ёмонликларга ўрнатилган барчамизни, барча уммати муҳаммадийларни асрагин. Омин!

## 54-ҲИКӢОЯ

## ҚУЛ ВА ИМОМ АЪЗАМ

Имом Аъзам ҳазратлари замонларида бир қул Имом Аъзамга мурожаат қилиб:

— Афандим, бу ҳафта жума хутбасида бир қулни озод этишнинг фазилатидан, унинг савобидан сўзлаб берсангиз, зора хожа-миз бизни ҳам озод қилиб юборса, — деди.

Имом Аъзам ул қулга:

— Хўп бўлади, болам. Бир кун жума хутбамизда қул озод қилишнинг фазилатлари ва савобларидан сўзлаймиз, — деди.

Орадан икки жума ўтди. Учинчи ҳафта жума хутбасида динимизда қул озод қилишнинг фазилатларини сўзладилар. Бу хусусда жамоатга узоқ сўзлаб иршод этиб, тўғри йўл кўрсатдилар.

Жума намозидан кейин озод бўлиши учун Имом Аъзам олди-га ёлвориб келган қулнинг хожаси ул қулни чақириб, «сени Аллоҳ розилиги учун озод қиламан», деди. Қул севиниб Имом Аъзам олди-га келди ва ташаккур айтди. Фақат нега бу мавзу ҳақида олдинги жумаларда эмас, балки икки ҳафта ўтказиб сўзлаганининг ҳикматини сўради. Унга Имом Аъзам:

— У ҳафтада бир қул олиб, уни озод қилишга етарли пулим йўқ эди. Бу икки ҳафта ичида пул йигдим, унга бир қул сотиб олдим ва уни озод қилдим. Шунда қул озод қилишнинг фазилатларини ўзим ҳис этдим, мазасини тотдим, сўнгра сўйлаган эдим, жамоатга ҳам таъсир эта билдим. Сўзлаган сўзимни ўзимга тадбиқ этмаганимда, бугун сени хожанг озод қилмаган бўларди, — деб жавоб берди.

*Изоҳ ва ўғит*

Бу қиссада бир неча ҳикмат бор. Бу қиссада ибрат олиш қобилиятига эга бўлганлар учун мингларча имконият мавжуд.

Инсон ҳар бир фазилатни аввал ўз нафсида, ўзида тадбиқ этгандагина унинг маънавий нашъасини татийди, ҳис этади. Шундан кейин ўша маънавий нашъани бошқаларнинг ҳам билиши, ҳис этишига восита бўлиши мумкин. Ўзи маънавий қадриятларни билмай туриб, бошқаларни унга ундаши ақлли одам иши эмасдир. Ақлли одам аввал ўзи барча яхшилик, хайрли ишлар, хуш фазилатлар соҳиби бўлиб, ҳаётига уларни тадбиқ этади, унинг



мукофотини олади, лаззатини тотади. Сўнгра бу фойдасини кўрган қадриятларга мусулмон қардошлари ҳам амал қилишлари учун қўлидан келганича ғайрат кўрсатади. Бу — ўзи хоҳлаган яхшиликларни бошқа мусулмон биродарлари учун ҳам шунга эришишларини хоҳлаш демақдир ва бу фазилатнинг қадри динимизда жуда қимматлидир.

Қардошларимиз учун бу қиссада тўғри йўл кўрсатувчи ҳикматлар бор. Айтган фазилатларга аввал ўзи риоя қилиб, сўнгра халққа сўзламоқ зарур. Бундан кишига икки наф бор. Бири — ўзи риоя қилган яхши фазилат мукофотига сазовор бўлади, дунё ва охираат саодатига эришади. Иккинчиси — ўзи амал қилган фазилатларнинг халққа таъсири бўлади, одамлар ҳам ўзлари тинглаган ўғитларга амал қилиб Жаноби Ҳақ розилигига эришадилар.

Бу мавзунинг мағзини, маъносини ўқувчиларим ирфонига ҳавола қиламан.

Агар фазилатлари ўз истак ва орзулари ила мос бўлса, инсоннинг лаззатини тотади, завқ олади.

## 55-ҲИКОЯ

### «БИСМИЛЛОҲ» ДЕМОҚНИНГ ФОЙДАЛАРИ

Бир-бирига дўст икки шайтон анча вақт кўришмай, бир кун тасодифан учрашиб қолдилар. Бир-бирларига соғинч билан қараб, бири бошқасини саволга тута бошлади:

— Биродар, мен сени танимабман. Сенга нима бўлди, бу аҳволга тушибсан? Жуда озиб, заифлашиб кетибсан, олдин бундай эмас эдинг. Бирор дардинг борми?

Шунда озгин шайтон:

— Ҳеч сўрама, дўстим! Мен шундай бир дардга тушдимки, айтиш қийин. Бир одамнинг этагига ёпишдим, ундан ҳеч ажрала олмадим. Ул одам ҳар бир ишдан олдин «Бисмиллоҳ» дейди. Еса ҳам, ётса ҳам, турса ҳам «Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм», дейди. Ҳар куни шундай. Энди унинг дастурхони олдига келиб ўтиришим билан у «Бисмиллоҳ»ни айтиб овқат ея бошлайди. Мен бир луқма ҳам овқат ея олмай туриб кетаман. Ҳар куни оч-наҳор юраман, шунинг учун озиб чўп бўлдим. Бу одамдан айрилиб бошқа одам этагига илина олмадим. Сен ўзинг мунча шишиб ке-

тибсан? Сени танимай қолибман. Бунчалик шишиб, семириб кетганинг сабаби нима? — деди.

Семириб кетган шайтон озиб кетганига:

— Биродар! Мен эса бутунлай бошқа одамга, сен айтиб берганинг тескараси бўлганга тушдим. У на ҳалолни, на ҳаромни билади. У шундай бир ҳаромзодаки, ҳақни ҳам, ҳуқуқни ҳам билмайди, меъдасини ҳаром билан тўлдирган. Мен шундай одам этагига ёпишдим. У «Бисмиллоҳ» нималигини ҳам билмайди. Ақлига ҳеч бир вақт «Бисмиллоҳ» келмагани каби у «Бисмиллоҳ»ни қандай, қачон айтишни ҳам билмайди. Мен шундай бефарқ, ҳалол, ҳаромни билмайдиган одам овқатидан еб семирдим, роҳатландим, ҳозир ҳам у билан ҳамтовоқман. Бўйним йўғонлашиб кетгани, қорним дўмбира бўлгани сабаби шу, — деди.

### *Изоҳ ва ўғит*

«Бисмиллоҳ»сиз одамлар шайтоннинг дўстларидирлар. «Бисмиллоҳ» ҳар бир ишдан олдин айтилади, токи у ишдан хайр ва баракот келсин. «Бисмиллоҳ»сиз ишнинг хайри ва баракаси бўлмайди.

Севикли Пайғамбаримиз (с.а.в.):

«Ҳар ким уйига кирмоқчи бўлганида шайтон ҳам унга тобе бўлиб ул одам билан уйга кирмоқчи бўлади. У одам уйига кирар экан «Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм» деса, шайтон ул уйга кирмай, «Мен учун бу уйга кириш имкони қолмади», деб орқасига қайтади. Овқат еганида «Бисмиллоҳ» айтса, шайтон учун егулик қолмайди. Суь ичганда, шарбатга ўхшаш ширинлик ичса, «Бисмиллоҳ» деса, ётганида «Бисмиллоҳ» деса, шайтон бу уйга сифмай, ҳафа бўлиб кетиб қолади. «Бисмиллоҳ» демаса, шайтон у билан бирга бўлади. Унинг ҳар бир қилган ишида шайтон бармоғининг изи бўлади», деганлар.

Мусулмон одам ҳар ишини «Бисмиллоҳ» деб бошлаши керак. Бола-чақаларига ҳам «Бисмиллоҳ» айтишни ўргатиши зарур.

Кимки ҳар куни минг марта «Бисмиллоҳ» айтса, Жаноби Ҳақ у кимсанинг дунё ва охиратда барча эҳтиёжларини қондиради, адо этади.

Кимки уйку олдидан «Бисмиллоҳ»ни 21 (йигирма бир) марта ўқиб ётса, у кеча шайтон васвасасидан, барча қўрқинч ва ваҳималардан омон бўлади, халос бўлади. Ваҳимасиз ухлашни истаган одам йигирма бир марта «Бисмиллоҳ»ни айтиши керак.

Йигирма бир марта «Бисмиллоҳ»ни қоғозга ёзиб, уйқуда қўрқадиган болаларнинг бўйнига осиб қўйилса, у боланинг қўрқиши қолади. Бола қўрқмай, ваҳимасиз ухлаб туради, дейилади.

### 56-ҲИКОЯ

## АСТОЙДИЛ «БИСМИЛЛОҲ» ДЕСАНГ ДЕНГИЗ ЙЎЛ БЎЛАДИ

Бир вақтлар Оминўну атрофида маҳсидўз косиб, фақир, сабрқаноатли бир зот бор экан. Бу зот кунда топганига қаноат қилиб, жуда ҳалоллик билан турмуш ўтказар эди.

Бир куни шул одам Оминўнудаги Жомеъда намоздан кейин ваъз тинглар эди. Минбарда ваъз айтувчи мулла ваъзида «Ҳар ким астойдил ишониб «Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм» деса, ҳатто денгиз устида юрса йўл бўлади. Аллоҳ Таоло қувват ва қудрат соҳибидир, ўзига жон дили билан боғлиқ бўлган, ишонган одамларга ёрдам беради, лутфу эҳсонда бўлади», деди.

Бу ваъзни ихлос билан тинглаган ул косиб одам оқшом пайтида кулбасига қайтди. Уйига кетаётиб Саройбурунга келди. Уйи Ускудорда эди. У «Бисмиллоҳ» деб денгизга қадам қўйди. Тез юриб уйига борди. Эшигини тақиллатган эди, хотини эшикни очиб кутиб олди ва ҳайрат билан унга тикилди-да, «афандим, бугун ҳар кунгидан эрта келдингиз», деди. Ул зот бўлган ишни тушунтирди, шунда хотини:

— Муҳтарам афандим, ул хожа афандини уйимизга таклиф қилинг. Эртага оқшомда уларни ҳам ўзингиз билан олиб келинг,— деди.

Маҳсидўз ул косиб эртасига хожа афандининг ваъз-насиҳатини эшитганидан кейин, мулланинг қўлини ўпиб: «Хоҷам, сизга бир илтимосим бор, илтифот қиласизми?» деб сўради. Хожа: «Албатта, бош устига», деб жавоб берди.

Имони бутун, амали, тамизи соф мусулмон косиб унга:

— Афандим, бу оқшом бизнинг фақир хонадонимизда меҳмон бўлсангиз, кечқурун бирга овқатлансак, лутф этиб қабул қилсангиз. Рафиқам ҳам меҳмон бўлиб кулбамизга ташриф буюришингизни илтимос қилди. «Хожа афандини бу оқшом таклиф

қилинг, фақир шўрвамиз ила меҳмон қилайлик, қўлини ўпиб ул зотнинг дуосини олайлик», деб сўради, — деди.

Улар бирга Саройбурунга келдилар (яъни денгиз бўйига келдилар.) Косиб, «қани кетдик бўлмаса афандим», «Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм» деб, денгизга қадам қўйди ва ҳеч ўнг-сўлига қарамай юриб кетди. Йўлда: «Хожа, Аллоҳ сиздан рози бўлсин, дуои ўғитингиз билан уйга шу йўлдан кетмоқдаман, уйга бориш учун қайиқчига берадиган пул ёнимга қолмоқда», деб дуо қилди ва ташаккур айтди. Хожа афандининг овози келмаганидан кейин орқасига қараса, хожа афанди қолибди. Шунда косиб: «Хожа! Нега турибсиз, нима бўлди?» деди.

Хожа афанди косибга қўли билан имо қилиб, «бу ёққа кел!» деди. Косиб қайтиб борди ва «бизниқига боргиси келмай қолдимми?» деб ўйлаб:

— Хожа афандим! Қўл-оёғингизни ўпай! Нега туриб қолдингиз? Сиз «Бисмиллоҳ»нинг фазилатини айтиб бердингиз, уни сиздан ўргандим. Сиз астойдил, чин қалбдан ишониб «Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм» деса, денгиз йўл бўлади, деган эдингиз-ку, — деди.

Унга жавобан хожа афанди:

— Шундай болам! Мен шундай деганман. Ҳақиқатан шундай. Фақат бу ерга келгач, малъун шайтон мени йўлдан урди. Бехос «Ажабо!» дедим. Ажабо, демаганимда сен билан денгизга қадам қўйиб, бирга борардим. Афсуски, энди сендаги соғлом, пок имон менда йўқ. Бир марта кўнглимга шубҳа кирди, «Ажабо», дедим, энди мен сендай денгизда юра олмайман, чўкиб кетаман,— деди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Демак, инсон қалбида бир шубҳа, бир тараддуд пайдо бўлса, бор фазилатлар беҳуда кетади. Ул инсон яхшилик ҳақида гапириши мумкин, лекин ўзи уни қила олмайди. Бундай одамнинг имонини шайтон урган.

Бутун жонлиларнинг ризқини берган Аллоҳдир. Дунё ва охираат саодатини истаган, ҳар икки оламда бахтиёр бўлишни хоҳлаган, эс-ҳушли, оқил мусулмон иши билан ишончини бир хилда қилишга интилади. Чунки унинг манфаати ишонч ва амалнинг бир-бирига мослиги билан сақланади.

Ҳақиқий мусулмон ҳеч қачон ёлғон сўзламайди. Ҳеч кимни алдамайди. Ўзини ҳам алдатмайди. Ҳийлагар, сохта, товламачи инсонлар фақат ўзларини алдайдилар.

## 57-ҲИКОЯ

АЛЛОҲГА ҚАЛБДАН БОҒЛИҚЛИК  
ВА ГУНОҲДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИШ

Ўтган замонда игна-ип сотувчи ғоят фақир бир зот истиқомат қилар эди. Аллоҳ бу фақир ва ниҳоятда эътиқодли, самимий ва содиқ кулини оғир бир имтиҳондан ўтказмоқчи бўлди. Бу имтиҳонни малоикалар ўтказдилар.

Игна-ип сотувчи фақир одам ҳар кунгидай игна-ипини олиб, «Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм», деб уйдан чиқди. Уч кундан бери уйига бирор овқат топиб келолмаган ул одам «Ё, Раббий! Бир қисмат бергинки, ҳозир уйимдан узоққа кетмай, болажонларимга бир овқат олай», деб кўчаларни айланар экан, бир хотиннинг «Игначи!» деб чақирган овозини эшитди. Овоз келган тарафга қараб, учинчи қаватда бир хотинни кўрди. У аёл: «игна сотувчи бу ёққа кел, бир нарсга оламан», деди.

Йигит севина-севина уйининг учинчи қаватига чиқди. Аёл эшикни очди, уйга кириб ўтиришга таклиф қилди. Сотувчи ўтириб, нафасини ростлаб-ростламай ёғоч қутисидаги молларини бир-бир очиб кўрсатди. Қутисидан нарсалар олиб кўрсатиб, у уч кундан бери уйига овқат олиб бормаётганини, болаларининг очлигини тушунтирди, энди уларга овқат олиб боражагини айтиб севинди:

— Хоним, молларим жуда яхши. Хоҳлаган нарсангни ол, арзон сотаман, — дейди.

Ул хотиннинг ҳаё пардаси йиртилиб, беҳаёлик билан:

— Мен севдан латга-путга, игна-ип сўраётганим йўқ. Менинг йигитим бўласан, — дейди.

— Хоним, ёлвориб сўрайман, болаларим уч кундан бери оч. Сен менга нималар деяпсан. Бир луқма овқат томоқларидан ўтмади. Мен сенга нималар деяпману, сен менга нималар деяпсан.

— Мен сенга хоҳлаганингча пул бераман. Мен сенга берадиган пул бир ой, ҳатто олти ой молинг билан қилган савдоингдан кўп бўлади. Сенга ҳозир қулай фурсат келди, бунинг қадрига ет, — деди хотин.

— Хоним, илтижо қиламан, менга рухсат бер. Сен айтган ишни қилишни хоҳламайман, — деди йигит.

Нафсининг асираси, шайтоннинг ўйинчоғи ва барча ёмонликларни ўзида мужассам қилган бадбахт хотин:

— Бўлмайди, сени қўйиб юбормайман. Ё айтганимни қиласан, ё расвои жаҳон қиламан. Деразадан бақриб бутун маҳал-

лани бошимга кўтариб одамларни йиғаман ва сени пора-пора қилдираман. Айтганимни қилсанг, сенга истаганингча пул, ҳатто мол-мулк бераман. Сен бу йўқсилликдан қутулурсан, болачақанг эса очликдан, ночорликдан қутуладилар. Бўлмаса, ҳаммангиз фақирлик ва ночорликдан қутула олмайсиз. Агар болаларингни яхши кўрсанг, айтганимни қиласан,— деди.

Бундай ақлга сиғмайдиган разиллик тузоғига илинган йигит нима қилишини билмай қолди. Бу хунук ишни, ифлосликни қилса, буюк гуноҳ бўлади, агар қилмаса, ҳамманинг олдида расвосини чиқаради. Бу ҳаёсиз хотиннинг қўлидан қутулиш амримаҳол эканлигини тушунди ва аёлга деди:

— Хоним, сен ташқарига чиқиб тур, мен икки ракъат намоз ўқиб олай, сўнгра қандай қарорга келганимни сенга айтаман.

Аёл ташқарига чиқди. Таҳоратсиз бир қадам қўймайдиган, уйдан чиқаётиб таҳорат олиб ишга борадиган бу ҳақиқий мусулмон, ҳақиқий мўмин икки ракъат намоз ўқигач, қўлларини осмонга кўтариб бундай деди:

— Ё Раббий, менинг ҳолимни мендан юз чандон яхши биласан, мени бу мусибатдан қутқар. Ё Раббий, фақат уч кунгина очлик билан эмас, агар бутун ҳаётимда оч қолишимни билсам ҳам, ҳайвонлар каби ўт еб яшасам ҳам бу ифлос ишни — зино қилишни асло истамайман, имонимга, мусулмонлигимга шак келтирмайман. Ул хотиннинг менга бермоқчи бўлган пули, молдунёсининг мен учун бир чақали қиймати йўқ, бундан кўра мен учун оч юриш энг хайрли ишдир. Сен менинг холиқимсан, Раббим, Аллоҳимсан. Менинг барча ишларим сенга маълум. Сен учун сиру асрорим йўқ, бўлмайди ҳам, — деб Аллоҳга ёлворди.

Шу пайт унинг миясига ўзини деразадан ташлаш фикри келди. Оят-ал курсини ўқий бошлади.

Малаклар Аллоҳ Таолога:

— Ё Раббий, қулингнинг ҳоли сенга маълум, у ўзини учинчи қаватдан отганда, уни сақлагин. Бўлмаса у чилпарчин бўлади, — деб илтижо қилдилар. Ва бу самимий мусулмоннинг сўзларини бир ибрат сифатида айтдилар. Йигит оят-ал курсини тугаллаб, «Ё Аллоҳ», деб ўзини деразадан ташлади. Худди шу пайт Аллоҳ Таоло Жаброилга буюрди:

— Қулим ерга тушмасдан тез етиб бор ва уни ҳеч бир ерига зиён етказмасдан ерга қўндир.

Жаброил (а.с.) яшин тезлигида у йигитга етиб, қучоқлаб ерга туширди. Унинг ҳеч бир ери шикастланмай, шошиб ўз уйига кетди. Эшикни очиб, уйига кириб, болаларининг очликдан фарёд қилаётган изтиробларига ғарқ бўлди. Ва уйининг бир бурчагига бориб, бошини буркаб ётиб олди.

Болалари овқат деб яна фарёд кўтардилар. Хотини отангиз чарчаб келди, сизларга овқат топиб келаман, деб унинг жигарлари эзилиб кетди, деб тасалли айтиб болаларини юпатди. Болалар оталарини кўргач: «Отамиз бизга овқат олиб келди», деб бўйнига осилдилар. Отаси уларга кўз ёшидан бўлак нарса бера олмади.

Шу пайт эшик очилди ва бир қўшниси кириб:

— Қўшнижон, сизлардан озгина овқат сўраб келдим, болаларим уч кундан бери оч, озгина овқат берсангиз сизлардан миннатдор бўлардим, — деди.

— Қўшнижоним, бизнинг болалар ҳам уч кундан бери оч. Кўряпсизку, улар йиғлаб ётишибди. Қозонимиз сувда, ўчоғимизда ўт йўқ, — деди болаларнинг онаси.

Аммо қўшни хотин бу гапларга ишонмади ва:

— Ҳайф сизларга, маҳалламизнинг энг тўғри, энг инсофли, энг самимий одамлари деб билардик сизларни, демак янглишибмиз, — деб гина қилди.

Йигит ва хотини, «Эй қўшнижон, кечиринг, бизнинг аҳволимиз ҳам сизникидек», деб тушунтиришди. Қўшни хотин қайтиб келиб супанинг четидаги ўчоқни кўрсатиб, «Бу қозондаги овқат эмасми», деди. Қарасалар, ҳақиқатда қозонда овқат пишиб турипти. Фақир йигит ҳам ўша заҳоти бориб қараса, ростдан шундай. Қўшни хотинга дарҳол овқат беришди. Болалар буғи чиқиб турган овқат олдига келиб ўтиришди. Улар: «Яшасин дадамиз!» деб қичқаришиб, оталарининг бўйнига осилишди. Камбағал йигит эса, имтиҳондан ўтгани учун Аллоҳга ҳамду санолар айтиб, шукроналар қилди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Аллоҳ учун гуноҳдан қочган қулига Аллоҳ Таоло лутф этади, албатта. Агар қул Аллоҳ томон бир қарич юрса, Аллоҳ қулига томон бир одим ташлайди. Яъни қул Аллоҳнинг розилигини қозонмоқ учун бир қадам яқин келса, у ўз қулининг эҳтиёжи ва истакларини ўша онда беради. Ҳаққоният ва ҳақиқат бу йўлда тажалли этади. Шундай экан, ўзингни Аллоҳга бағишла!

Эй, мусулмон қардошим, бу ёзганларимиз, ўқиганларимиз имон ва ирфон самараси ҳамда ҳақиқатнинг мевасидир. Булар фақат ва фақат шундай яшаш тарзи билан мумкин бўлади. Буларнинг лаззати, мазаси, тотти, завқи ва нашъаси шундай пок яшамоқ билан қўлга киритилади. Аллоҳ ҳаммамизга лутф айласин, Омин!

### 58-ҲИКОЯ

#### БОЛАЛАРДАН ТАҲОРАТ ОЛИШНИ ЎРГАНГАН ҚАРИЯ\*

Бир куни кекса мусулмон булоқ бўйида таҳорат қилар эди. Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг набиралари Ҳазрат Ҳасан билан Ҳазрат Ҳусан (р.а.) шу ерда ўйнар эдилар. Қарасалар, чол таҳорат олишда янглишяпти. Болалар унинг ёнига келиб ўтиришди. Қария таҳоратни тугаллаб, халтасидан сочиғини олиб артинар экан, болалар унга:

— Ассалому алайкум, Аллоҳнинг саломи сизга бахшида бўлсин, ота. Таҳоратингизни Аллоҳ қабул қилган бўлсин! — дедилар.

Чол:

— Болаларим соғ бўлинг, Аллоҳ сизлардан рози бўлсин, — деди.

Унга болалар:

— Отажон, сиздан бир илтимосимиз бор. Биз ака-ука тарадудланиб қолдик. Биз иккимиз таҳорат олсак-да, Сиз қараб турсангиз. Қайси биримизнинг таҳоратимиз тўғри бўлур? — деб, болаларнинг ҳар иккиси таҳорат олди.

Чол диққат билан уларни кузатди.

Болалар:

— Отажон, қайси биримиз тўғри таҳорат олдик, шуни айтиб беринг, токи бундан кейин янглиш таҳорат олмайлик. Биз сизни дуо қиламиз, бир калима ўргатсангиз, сизга савоби тегади. Буни сиз яхши биласиз, чунки ёшингиз улуғ, биз эса ёш боламиз, — дейишди.

Мусулмон чол уларга:

— Болаларим, иккалангизнинг ҳам таҳоратингиз тўғридир. Иккалангиз ҳам бир хил таҳорат олдингиз. Таҳоратни янглиш олган менман, бу ёшга келсам ҳам тўғри таҳорат олишни ўрганмапман. Ҳозир сизлар менга тўғри таҳорат олишни ўргатдингиз... Соғ бўлинг, бор бўлинг, Аллоҳ сизлардан хушнуд (рози)



бўлсин. Сиз кимнинг авлодларисиз, исмларингиз нима? Сиз менга кўп яхшилик қилдингиз, — деди.

Болалар:

— Отамиз Ҳазрат Алидир. Биз Ҳасан-Ҳусанлармиз. Бобомиз охир замон Пайғамбари Ҳазрат Муҳаммад (с.а.в.), — дедилар.

Мусулмон чолнинг кўзларидан тасбеҳ донаси каби ёшлар келди, кўп ҳаяжонланди, мамнун бўлганини билдирмоқ учун:

— Балли, балли... Ахлоқу одобингиз, динга бениҳоя уйғун қилган ишларингиз ва назокатингизга балли, болаларим. Офарин! Улуғ Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг набиралари ва Ҳазрат Алининг фарзандлари бўлганингиз, Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг муҳтарама қизлари Фотиматуз-Заҳронинг жигарпора болалари бўлганингиз адаб ва тарбиянгиздан, ҳаракат ва назокатингиздан билиниб турибди. Кўнглимни ҳеч оғритмай, мендай чолни ҳеч хафа қилмасдан, янглиш олган таҳоратимни тузатдингиз, менга таҳорат олишни ўргатдингиз. Аллоҳ сиздан рози бўлсин, хушнуд бўлсин, — деб болаларни узоқ дуо қилди.

### *Изоҳ ва ўғут*

Мусулмон қардошим! Бу ҳикояда қанчалик ибрат ва наф бор эмасми? Пайғамбаримиз (с.а.в.) нинг севимли набиралари кекса одам билан қанчалик гўзал хулқ, одоб доирасида мулоқот қилдилар. Улар қариянинг кўнглини оғритмай, қалбига озор бермай назокат билан хатосини тузатдилар, отанинг дуосини олдилар.

Биламизки, баъзи мусулмонлар масжидда бирор янглиш намоз ўқиган биродарини кўриб, хатосини айтар экан, унга озор беради, кўнглини оғритади, натижада ўзи гуноҳларга боғади. Ҳар бир мусулмон назокат ва ирфон соҳиби бўлиши керак. Ширин сўзлик, очиқ юзлик билан хатоларини тузатмоқлари керак. Мусулмоннинг хуш хулқи унинг ҳар бир сўзида, ҳар бир ҳаракатида намоён бўлмоғи керак. Бўлмаса савоб қилдим, деб гуноҳ қилиб қўйиши мумкин. Аллоҳ ҳаммамизга Ислоннинг назокат ва хуш феъллигини насиб этсин. Омин!

Ислон назокатини билмайдиган жамоатларимиз бор. Масжидга келиб фойдасиз, маънисиз суҳбат қурадилар. Мусулмоннинг сўзларида ҳикмат ва маъно бўлиши керак. Мусулмонга хос асл қадрият шудир. Аллоҳ ҳаммамизни Ислоннинг нозик нуқталарига эришишга насиб айласин! Омин!..

## 59-ҲИКОЯ

ҲАЗРАТ АЛИ (Р.А.) ҲАЗРАТИМИЗ  
ҚАНДАЙ НАМОЗ ЎҚИГАНЛАР?\*

Яхшилаб тингла!

Ҳазрат Али (р.а.) шундай бир қалб ҳузури билан намоз ўқир эдики, агар бутун дунё остин-устун бўлса ҳам, дунё барбод бўлса ҳам сезмас эди.

Ҳазрат Али (р.а.) ҳақидаги ҳикоятларда шундай дейилади:

«Бир урушда Ҳазрат Алининг муборак оёғига ўқ тегиб, ўқнинг темири тўпиғига санчилиб қолибди. Шунинг учун ўқни дарҳол олиб ташлай олмадилар. Жарроҳ санчилган ўқни кўриб, Ҳазрат Али (р.а.)га:

— Сизга ҳушингиздан кетказиб, ухлатувчи бир дори бериб, ундан кейин ўқни олиб ташлаш мумкин. Бўлмаса, бунинг оғригига чидаб бўлмайди, — деди.

Ҳазрат Али (р.а.) унга жавобан:

— Ухлатадиган дорига ҳожат йўқ... У керак эмас. Бир оз сабр этинг, намоз вақти келсин, намоз ўқиётганимда олиб ташлайсиз, деди.

Намоз вақти келди. Ҳазрат Али (р.а.) намоз ўқий бошлади. Жарроҳ Амрал-мўминин Ҳазратларининг муборак оёғини ёриб темирни олиб ташлади. Ярани боғлади. Ҳазрат Али (р.а.) намозни тугатиб, жарроҳдан:

— Темирни олиб ташладингизми? — деб сўради.

— Ҳа, чиқариб олдим, Ҳазрат, — деб жавоб берди жарроҳ.

— Ҳеч сезмадим, оёғимдан темир парчасини олиб ташлаганингизни билмай қолибман, — деди Ҳазрат Али (р.а.).

*Изоҳ ва ўғит*

Мусулмон қардошим, Аллоҳ ҳузурига шундай етишилади. Намоз Аллоҳ билан мулоқотдир. Бир мусулмон намоз бошласа, Аллоҳ ҳузурига чиқади, Аллоҳ Таоло ҳузурида туради, демакдир.

## 60-ҲИКОЯ

## КЕЧАЛАРИ НАМОЗ ҶҶИШ\*

Ҳазрат Довуд (а.с.) Жаноби Ҳақга ниёзманд бўлиб, бундай илтижо қилди:

— Ё Раббий! Кечалари сенга ибодат қилишни жуда севаман ва жон-дилимдан ибодат қиламан.

Жаноби Ҳақ унга:

— Ё Довуд! Кеча аввалида дамингни ол, кечанинг охирида (тонгдан аввал) ҳам турмагин. Чунки кечанинг бу вақтларида турадиган қулларим бор. Баъзи қулларим кеча аввалида, баъзилари эса кечанинг сўнггида туриб ибодат қиладилар. Сен кечанинг ўртасида туриб ибодат қилгин, токи бу қулларим сен билан аралашиб кетмасин. Кеча ўртасида сен билан танҳо қоламан. Менга нима десанг ҳам ўша пайтда айт, қандай ибодат қилсанг ҳам ўша пайтда ибодат қил, — деб буюрди.

*Изоҳ ва ўғит*

Жаноби Ҳақнинг солиҳ қуллари хуфтон намозидан кейин бироз нафл намоз ўқиб, кейин ётадилар. Сўнгра кечанинг ўртасида туриб Жаноби Ҳақга ибодатни давом этадилар. Ушбу ҳикояда шу ҳақиқатлар тилга олинган. Кечанинг ўртасида, ҳамма ширин уй-қуда эканлигида туриб Раббига ибодат қилиш энг савобли ишдир.

Барча буюк зотлар — Пайғамбаримиз (с.а.в.), Авлиёуллоҳлар, (яъни Аллоҳнинг валий қуллари) ушбу кечасидаги ибодатларини жуда қадрлардилар. Ўзларининг кечасидаги ибодатлари билан Пайғамбаримиз (с.а.в.) Ҳазрат Довуд (а.с.)нинг ушбу ибодатини бизларга маълум қилганлар.

## 61-ҲИКОЯ

## РИЗҚ — АЛЛОҲНИНГ НЕЪМАТИ

Буюк зотлардан бири меҳмон бўлиб борган маҳаллада танимаган бир имом орқасида жамоат билан намоз ўқиди. Масжиддан чиқмасларидан аввал имом у буюк зотга ўринсиз савол берди:

— Афандим! Сиз зоти олийлари қаерда овқатланасиз?

Солиҳлардан бўлган у буюк зот имомга:

— Сабр этинг, аввал сиз имом бўлиб, бирга ўқиган намозимни қайта ўқиб олай, кейин жавоб бераман. Чунки, ризқнинг қаердан келишига шубҳаси бўлганнинг Холиқидан (яратганидан) ҳам шубҳаси бўлади. Шу сабабли, бундай имом билан ўқилган намозда ҳам хайр бўлмайди, — деб ноўрин саволига танбеҳ берди.

Ҳазрат бу жавоби билан дунёга ортиқча ҳирс қўйган имомга йўл кўрсатиш дарсини берди, тўғри йўл кўрсатди.

Ризқ Аллоҳ берадиган нарсадир. Ҳақ таолонинг берган ризқи учун қайғуриш лозим эмас. Ҳар бир одамнинг ризқи қандай ёзилган бўлса, албатта у ўз соҳибини топади.

### *Изоҳ ва ўғит*

Бу ҳикояда дин хизматида юрган зотларга катта бир ибрат бор. Дин хизматчиси чуқур фикрловчи, мулоҳазали одам бўлмоғи керак. Вазифаси шунга риоя қилишдир.

Ризқнинг Аллоҳдан келишини яхши ўқиб олиш ва тушуниш лозим. Дўстларнинг диний ҳаётлари, муҳитнинг маънавий даражаси билан қизиқиши, бу хусусда суҳбатлар қуриши, дўстларнинг маънавий аҳволини билиши зарур. Акс ҳолда, ҳикоядаги одам аҳволига тушиб қолиши мумкин ва савиясизлиги билиниб қолиши муқаррар.

## 62-ҲИКОЯ

### УМРИНИНГ ҚАДРИНИ БИЛГАН ОДАМ

Исо (а.е.) бир кун чўлда кетар экан, қуёш жазирамасида ибодат қилаётган одамни кўриб қолди. Ибодат қилаётган одамдан сал олдинроқда дарахтзор бор эди. У негадир дарахтлар соясида ибодат қилмай, қуёш тушиб қизитиб турган ерда ибодат қиларди.

Ҳазрат Исо (а.с.) офтобда ибодат қилаётган одамга яқин келиб:

— Эй ибодат қилган зот! Эй Аллоҳнинг қули! Нега сен бу жазирама иссиқда ибодат қилдинг? Ҳолбуки, сен олдиндаги дарахтлар салқинида ибодат қилишинг мумкин эди. Шу сояда салқинлаб ибодат қилиш мумкин экан, нега шундай жазирамада ўзингни қийнамоқдасан? — деди.

Ул одам бундай жавоб берди:

— Ё Набийуллоҳ! Шу қадар қисқа умр ичида офтобдан кўланкагача бориш вақти борми? У соя-салқинга бориш учун вақтим-

ни сарф қилиш хато-ку. Шу вақтни ибодат билан ўтказганим афзалдир.

Ҳазрат Исо (а.с.) бу одамни маъқуллаб: «Сен билганингдек ибодат қилавер, сен Аллоҳнинг ақл неъматини олган бир бахтиёр қулларидансан», деб йўлида давом этди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Инсоннинг умр сармояси шу қадар қисқаки, инсон кўзини очиб юмгунича ўтиб кетади. Бир қанча бахтиёр одамлар хайр, эзгулик йўлида, ибодат йўлида озгина вақтларини ҳам бефойда сарфламайдилар. Аммо бир гуруҳ давлат аҳли эса вақтларини ўйинга, кўнгилхушликларига сарфлайдилар, вақт ўтсин деб ўйнаймиз, дейдилар.

Ўзинг асра Аллоҳим! Бу не ақлсизлик, не ахлоқсизлик! Эй гофил одам, сенинг шунча бўш вақтинг борми? Сен инсонсан, сенга ибодат учун вақт зарур, ишлаш учун вақт керак, илм олмоқ учун вақт лозим, истироҳат этмоқ учун вақт даркор!

Буларнинг ҳаммасини адо этмоқ учун вақтинг етарлими? Ўйин, бекорчиликка бесамав вақт ўтказишни истайсан?!

Сен қаҳвахоналар, чойхоналарда бекор вақт ўтказиш, тентираб юриш учун яратилмагансан!.. Сенга берилган умрнинг ҳисоби сўралади. Кеча ва кундуз — сенинг умр матоингни кесувчи, қудратнинг омонлик бермайдиган бир қайчисидир. Сен бу илоҳий қайчидан умринг матосини қутқара олмайсан.

Бекор сафсаталар, солланиб юришларнинг ҳеч фойдаси йўқ, улар жонга оро бермайдилар. Вақтида эсингни йиғиб ол ва вақтингнинг қийматини яхши бил, фойдали ишлар қил!..

Қаҳвахоналар, чойхоналарда умр сармоясининг энг охириги қолдиқларини тугатиш билан овора бўлган қанча одамларни биламизки, бу заволли одамларнинг ҳолига кўкдаги юлдузлар кўз ёши бўлиб ерга тўкилса ҳам етмайди.

Бу одамларнинг йигитлик сармоялари рўзғори каби учиб кетади. Ихтиёрларида қоладиган заиф, ғализ бир қарилик сармоясини ҳам қаҳвахона, чойхоналарда битиришга ошиқадилар. Афсус-надоматлар бўлсин бундай ақлсиз одамларга! Булар ўлим тўшагида ғафлатдан уйғонадилар, аммо вақт аллақачон ўтган бўлади.

## 63-ҲИКОЯ

## ОТАМ МЕНИНГ МОЛИМНИ ОЛДИ

Асри саодатда бир йигит Пайғамбаримиз (с.а.в.)га отасидан шикоят қилиб:

— Ё Расулulloҳ! Отам менинг молимни, бойлигимни олиб кўйди, — деди.

Расули Акрам (с.а.в.) ул йигитга:

— Бор, отангни олиб кел, — деб буюрди.

Ул йигит кетди-да, отасини бошлаб келди. Расули Акрам (с.а.в.) йигитнинг отасига:

— Ўғлингиз моли, бойлиги ҳақида сиздан шикоят қилмоқда. Айтишича, сиз унинг моли, бойлигини олиб харж этганмишсиз, — деди.

Ота жавоб берди:

— Ё Расулulloҳ! Унинг молидан озгина аммаси учун, холаси учун ва ўзим учун сарф қилдим.

Расулulloҳ (с.а.в.) ўзига келган ваҳий билан ул одамнинг кўнглидан ўтган нарсаларни биларди. Ул одам ўғлидан кўнглида қаттиқ хафа эди, қалбидан бир нидо келарди.

Расули Акрам (с.а.в.) йигитнинг отасига:

— Тилингда ва дилингдаги бор гапни, нидони бизга айтиб бергин, — деб буюрди.

Отанинг қалб нидоси:

— Ўғлим, сен онангдан мурғак бўлиб, мол-мулксиз дунёга келдинг. Ўсиб, улғайганингга қадар узоқ вақтлар кўп эҳтиёжларинг ва заҳматларинг менинг зиммамда бўлди. Чақалоқлигингда бир кеча қаттиқ касал бўлган эдинг, ўша тун кўзларимга уйқу келмади, мижжа қоқмадим. Сен йиғлаганингда юрагимни эзиб юборардинг, кўзларимдан ёшлар тўкиларди. Ҳозир бўлса, сен бевафо фарзанд, менинг заифлигимни тушунмаяпсан. Ўсдинг, улғайдинг, ёшинг ва қувватинг ортди. Энди бўлса, менга бир душманнинг ёмон ишларини қиляпсан. Оталик ҳаққимни, бир қўшни қўшнисига қиладиган яхшилик даражасида ҳам риоят қилмаяпсан, меҳр кўрсатмаяпсан.

Бу қалб нидосини ул ота кўзида ёшлар билан ёниб-ёниб сўзлади. Шундан сўнг Расули Акрам (с.а.в.) барча умматларига иршод бўлғувчи бу Ҳадиси шарифларини айтдилар: «Анта ва молука ли абика». Маъноси: «Сенинг ўзинг ҳам, молинг ҳам отангга тегишлидирсизлар».

### Изоҳ ва ўғит

Эй Ҳақ йўлчиси! Ушбу воқеадан фақат саодатга интилганлар ибрат олишлари мумкин. Агар шундай бўлмаса, мусулмон бир отадан бўлган уч-беш ўғил бир отани боқа олмай, унинг эҳтиёжларини қондира олмай юрармидилар? Ота якка боши билан беш-ўн ўғилни боқади, уларнинг барча эҳтиёжларини таъмин этади-ю, бу ўғиллар биргина оталарининг ҳолидан хабар ололмайдилар, эҳтиёжларини таъминлай олмайдилар. Ҳолбуки, ўғил ҳам отанинг бир бойлиги, аммо буни тушунадиган саодат ва ҳидоят соҳиби бўлмоқ керак!..

Ота-онага қарамаслик, уларнинг сўзларига қулоқ солмаслик энг буюк гуноҳлардан биридир. Бу гуноҳ Аллоҳга ширк келтириш гуноҳидан кейин келувчи гуноҳдир. Бу диний китобимизнинг кўп саҳифаларида айтилгани каби, бу гуноҳнинг афви, кечирилиши йўқ, бу гуноҳ инсонни жаҳаннамнинг энг оловли, азобли гўшасига олиб боради.

Агар фарзанд отасининг қадрини билмаса, унинг хоҳишларини назар-писанд қилмаса, унинг эҳтиёжларини таъмин этиш учун ғайрат кўрсатмаса, ота-онаси учун беш вақт намозда хайри дуо қилмаса, бу фарзанд жаҳаннамга ўтин бўлишгагина ярайди ҳолос, бошқа ишга ярамайди.

Кимки ота-онасини қийнаса, унинг дуо ва ибодатлари қабул бўлмайди ва унинг имонсиз бўлишига бир сабаб бўлади. Хотинини деб онасини қийнайдиган, кўнглини оғритадиган фарзандларга лаънатлар ёғилади. Аллоҳнинг лаънат ҳалқаси (тавқи лаънат)ни бўйнига осиб олган одам бу дунё ва охиратда ҳузур ва саодат юзини кўрмайди, бадбахт бўлиб қолади. Баъзилар ота-онасига фитри закот ёрдамини берар эмишлар. Ота-онага закот берилмайди.

Ота-онанг сенинг Жаннатингдир. Агар уларни мамнун эта билсанг, диний мезонларда дуоларни ола билсанг, улар сенинг Жаннатинг. Агар уларга қиё боқмасанг, улар сенинг жаҳаннамнинг ҳам.

Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Хума Жаннатука ва норука» («Улар — ота-онанг — сенинг Жаннатинг ва ё жаҳаннамнингдир»), — деганлар.

Баъзи аҳмоқ одамларни биламиз ва таниймиз, улар ўз ота-оналарига азият етказадилар-у, ўзлари билмайдилар. Агар бошқа бировларнинг болаларидан шундай азият ва азоб чекканини

кўрсалар ёки билсалар, уларга ачинадилар. Уларни қара, қандай ёмон бу иш, дейдилар. Аммо унинг ўзи аини шу гуноҳни қилаётганини билмайди.

#### 64-ҲИКОЯ

### ҲАЗРАТ МУСОНИНГ ЖАННАТДАГИ ЙЎЛДОШИ

Ҳазрат Мусо (а.с.) Тур тоғида жаноби Ҳақдан ниёз этди, илтижо қилди: «Ё Раббий! Жаннатда йўлдошим, ўртоғим, кўшним ким?»

Жаноби Ҳақ Мусо (а.с.) га:

— Ё Мусо! Фалон қасабада, қассоблар ичида ёшгина бир қассоб бор. У сенинг Жаннатдаги йўлдошингдир,— деб ваҳий юборди.

Мусо Пайғамбар (а.с.) йўлга чиқди, у мамлакатга бориб ўша қассобни топди. Бир муддат унинг дўконида ўтирдилар. Қассоб йигит Ҳазрати Мусони кўрмасдан аввал унинг умматига ўтган, имон келтирган эди.

Ўша куни йигит Ҳазрати Мусони уйига таклиф этди, меҳмон қилди. Қассоб нуроний, олижаноб ва ниҳоятда истараси иссиқ, гўзал меҳмонидан мамнун эди. Дастурхон олдига ўтирдилар. Қассоб йигит ўзи овқат ейишидан олдин баландда деворга осиб қўйилган замбилни авайлаб олди, ерга қўйди. Унинг ичидан икки букилган, боши тиззасига тегиб турган бир қари кампирни олди. Уни болани овқатлантиргандай овқатлантирди, чой ичирди, силаб уқалади, кейин кампирни яна замбилга солиб деворга осиб қўйди. Кампир овқат еб, нималардир деб пичирлади, аммо уни тушуниб бўлмасди. Ҳазрати Мусо:

— Ўғлим, бу кампир сенга ким бўлади? — деб сўради.

Қассоб:

— Бу аёл менинг валинеъматим, севикли онамдир. Туриб ўтиришга, овқат еб-ичишга кучи етмайди. Эрта-кеч мен унга қарайман. Овқатлантириш ва ёрдамимнинг ҳаммасини қўлимдан келганича хушмуомалада бажараман,— деди.

Ҳазрати Мусо:

— Ўғлим, онанга қилаётган бу хизматингдан жуда мамнун бўлдим, лекин тушунмадим, нега уни замбилда деворга осиб қўйибсан? — деб сўради.

Қассоб:

— Ҳазратим, авваллари онам ерда тўшакда ётар эди. Бир куни мен уйда йўқлигимда думалаб эшик олдига бориб қолибди. Би-



роҳ зарар етмасин, деб уни деворга осиб қўядиган бўлдим,— деб жавоб берди.

Ҳазрати Мусо:

— Ўғлим, онангга овқат бераётганингда унинг оғзи, дудоғи қимирлаб, бир нарсалар демоқчи эди. Шубҳасиз, сен қилган хизматдан мамнун бўлиб дуо қиларди. У нималар деди? — деб сўради.

Қассоб:

— Ё Раббий, мен ўғлимдан хушнуд ва розиман, сен ҳам рози бўл. Ё Раббий, мен оналик ҳаққимни — хусусан берган сутимни фарзандимга ҳалол этдим, берган сутимга розиман. Ё Раббий, охиратда сен, менинг ўғлимни Жаннати аълода Пайғамбаримиз Ҳазрати Мусо (а.с.)га дўст айла, йўлдош айла, деб дуо қилди, — деди.

Ҳазрати Мусо:

— Мен Мусои Калимуллоҳман, Тур тоғидан келдим, мени сенинг олдинга Жаноби Ҳақ юборди. Чунки мен Жаноби Ҳақдан, «Ё Раббий, менинг Жаннатда хос йўлдошим ким бўлади?» деб сўраганимда, Жаноби Ҳақ менга: «Фалон мамлакатли бир қассоб йигитдир, унинг олдига бор», деб буюрди. Сенга бу — мужда, хушхабар бўлсин. Онангга қилган хизматинг учун Жаноби Ҳақ сендан рози бўлди ва онангнинг дуоиси соясида сени менга Жаннатда рафиқ ва қўшни қилди,— деди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Дарҳақиқат, онасини бошига тож этганларнинг ҳақи Жаннат ҳаётидир. Онасига осий бўлган фарзанд ҳақи эса оловли жаҳаннам оташидир. Ҳикоядан ибрат олган фарзанднинг жони Жаннатга восил бўлсин. Пайғамбарларга қўшни бўлиш мумкинлигини асло унутмасин. Шундай оқил фарзандлар дўстларга, барча мусулмонларга муборак бўлсин. Омин!..

### 65-ҲИКОЯ

#### **ОНАМНИ РОЗИ ҚИЛА ОЛДИММИ?\***

Бир кун бир одам Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳузурларига келиб:

— Ё Расулуллоҳ! Онам жуда кексайиб қолди. Боладек бўлиб қолди. Гўдакларга ўхшаган ишлар қилади. Ўрнидан тура олмайди. Унга ўз қўлим билан овқат бераман. Сувни

ҳам ўз қўлим билан ичираман, таҳоратига ёрдам бераман, сўнгра сажжода (намоз ўқиш жойи)га опичиб кўтариб олиб бораман. Хоҳлаган ерига кўтариб олиб бораман. Ё Расулulloҳ! Онамнинг ҳаққини ўтай олдимми, рози қила олдимми, йўқми? — деб сўради.

Севиқли Пайғамбаримиз (с.а.в.):

— Волидангнинг ҳаққини юздан бирини ҳам ўтай олмагансан, — дедилар.

Ул одам:

— Нега? Ё Расулulloҳ! Мен онамнинг бир айтганини икки қилмайман.

Расули Акрам (с.а.в.):

— Волиданг сенга: «Ўғлим ўсиб, улғайсин, буюк одам бўлсин, умри узун бўлсин», деб хизмат қилиб, опичиб юрарди. Сен эса унга, қачон ўлади деб, ўлса қутилардим деб хизмат қиласан. Булар орасида тоғдек, ер билан осмончалик фарқ бор. Онанг сени боққанида ўғлим қачон улғайиб катта бўлади, дерди. Сен эса онам қачон ўлади, дейсан. Сизларнинг бу ниятларингиз ўртасида катта фарқнинг яна бир жиҳати бор. Сен онангга қанча хизмат қилсанг ҳам унинг ҳаққини ўтай олмайсан. Буни яхшилаб билиб ол. Ҳеч бир фарзанд ота ва онанинг ҳаққини ўтай олмайди. Шунини яхши билгинки, сен онангга хизмат қилсанг Жаноби Ҳақ сенга буюк савоблар беради. Ота ва она розилигини олган, ризосига ноил бўлган одам Жаноби Ҳақ ризосига ноил бўлади, розилигини олади, — дедилар.

## 66-ҲИКОЯ

### ХОТИНИНИНГ СЎЗИГА КИРИБ ОНАСИНИ ХАФА ҚИЛГАН АЛҚАМА\*

Бу Пайғамбаримизнинг шахсан ўзлари шоҳид бўлган воқеа.

Алқама исмли бир йигит бор эди, диндор эди. Намоз ўқир, садақа берарди. Кунлардан бир кунининг тоби қочди. Хотинини Расулulloҳга юборди. Хотини Расули Акрам (с.а.в.)га:

— Ё Расулulloҳ! Эрим сўнгги нафасини олаётган кўринади. Унинг аҳволини Сизга билдирмоқ учун келдим, — деди.

Расулulloҳ (с.а.в.) Ҳазрат Билол, Ҳазрат Али, Солмони Форсий ва Амморларга:

— Боринг, Алқамани кўриб келинг, аҳволи қандай экан? — деб буюрдилар. Улар чиқиб кетдилар-да, Алқаманинг ёнига бориб:

— Ла илаҳа иллаллоҳ, калимаи тавҳидни айтгин, дедилар. Алқама калимаи тавҳидни айта олмади. Тили тутилиб, гўлдираб қолди. Касалнинг ўлиши мумкинлигини тушундилар. Шу заҳоти Ҳазрат Билолни Расули Акрам (с.а.в.) ҳузурларига жўнатдилар.

Ҳазрат Билол аҳволни Ҳазрат Пайғамбаримиз (с.а.в.)га тушунтирди.

Расулulloҳ:

— Онаси, отаси ҳаётмилар? — деб сўрадилар.

Ҳазрат Билол:

— Отаси ўлган, кекса онаси бор, ё Расулulloҳ! — деб жавоб берди.

Расули Акрам (с.а.в.) Ҳазрат Билолга:

— Алқаманинг онасини олдига бор. Мендан салом айт. Кела олса, ҳузуримга ташриф буюрсин, кела олмаса, мен ўзим бораман, — дедилар. Ҳазрат Билол кекса аёл уйига бориб, Расулulloҳ (с.а.в.) сўзларини айтди.

— Унинг йўлида юз жоним фидо бўлсин. Расулulloҳ ҳузурига ўзим бораман, — деб кампир тўнини кўлига олди.

Аёл Расулulloҳ (с.а.в.) ҳузурига келди. Расули Акрам (с.а.в.) кампирдан сўрадилар:

— Менга тўғрисини айтасан. Ёлгон гапирсанг, менга Аллоҳдан ваҳий келади. Алқаманинг аҳволи қандай?

Хотин:

— Ё Расулulloҳ! Ўғлим кўп намоз ўқийди, кўп хайр-эҳсонлар қилади. Берган садақасининг ҳадди-ҳисоби йўқ, — деб жавоб берди.

Расули Акрам (с.а.в.):

— Сен билан муносабати қандай? Сенга ҳалол хизматдами, оқ сутингни оқладими? Шундан гапир, — дедилар.

Хотин:

— Ё Расулulloҳ! Мен ундан ич-ичимдан хафаман, — деди.

— Нега хафасан? — деб сўрадилар Расул Акрам (с.а.в.).

Хотин:

— Хотинини мендан афзал кўради. Фақат унинг сўзига қулоқ солади, — деди.

Расулulloҳ (с.а.в.):

— Онаси Алқамадан хафа. Шунинг учун у калимаи тавҳидни, калимаи шаҳодатни айта олмаган, тили тутилган. Эй Билол, чиқиб ўтин тўпла, ўзим уни ёқаман,— дедилар.

— Ё Расулulloҳ! Ўғлимни — кўнглим мевасини ёқасанми? Яна кўзимнинг ўнгида ёқасанми? Юрагим қандай чидайди? — деди она.

Расулulloҳ (с.а.в.):

— Аллоҳнинг азоби бундан зўрроқ ва азоблироқдир. Ўғлинг ҳаққини ҳалол этмасанг, узоқ вақт оловда ёнади. Агар рози бўлмасанг, унинг намози ҳам, садақаси ҳам фойда бермайди, — деб айтдилар.

Хотин:

— Ё Расулulloҳ! Алқамадан рози бўлдим, ҳаққимни ҳалол этдим, — деди.

Расули Ақрам (с.а.в.):

— Ё Билол! Бор, Алқама шаҳодат келтира олганмикин? — деб буюрдилар. Билол бориб Алқаманинг шаҳодат келтирганини сизди.

Ҳазрат Билол касалнинг бошида ўтирганларга:

— Алқаманинг онаси кечирди. Ҳозир ҳаққини ҳалол этди. Алқаманинг тили айланди, — деди.

Алқама шу пайт вафот этди. Расули Ақрам (с.а.в.) Алқамани гусл эттириб, дафн қилишни буюрдилар. Гусл ишлари битгандан сўнг жаноза намозини ўқидилар ва қабр бошида Асҳобга:

— Эй Асҳобим! Ҳар ким хотинининг сўзи билан онасини хафа қилса, хотинини онасидан устун тутса, ул одамга Аллоҳнинг лаънати бўлади. Унинг фарз ва нафл намозлари қабул бўлмайди. Ул одамнинг борар ери жаҳаннамдир, — дедилар.

### *Изоҳ ва ўғит*

Эй, бу ҳикояни ўқиган, она, ота ва оила соҳиби бўлган қардошим! Ҳикоя гоят тушунарли, ҳеч қандай изоҳга ҳожат йўқ. Ўзинг шунга қараб хулоса чиқар. Ҳасан Басрий (р.а.) Ҳазратлари Қуръони Каримнинг «Она ва отангга «уф» дема» ояти Жалиласининг тафсирида бундай дейди:

— Ота-онанг қариб, дармондан қолса ва бунинг оқибатида узрли иш қилиб қўйса, уни тозалаётиб «уф» дема, жирканма! Негаки, улар чақалоқлигингда айни хизматни сени суюб-суюб бажарганлар.

Ақлли одамлар учун гўзал бир насиҳат эмасми? Ўзига қилинган хизматларни тушуниб, қадрига етган одам, албатта, комил инсондир.

### 67-ҲИКОЯ

#### ВАЙСУЛ ҚАРОНИЙ ВА ОНАГА ИТОАТ\*

Вайсул Қароний Расулulloҳ (с.а.в.) ишқи билан ёниб юрарди. Кўнглига тугиб қўйган орзуси Расулulloҳ (с.а.в.)нинг муборақ жамолини кўриш эди. Бу ишқ ила кунлар ўтиб борарди. Бир кун онасига:

— Онажоним, рухсат этсангиз Мадинага бориб, суюкли Пайғамбаримизнинг муборақ юзларини кўрсам, зиёрат қилсам, — деди.

Вайсул Қаронийнинг онаси ўглининг бу гапига хайрихоҳ бўлиб:

— Бир шарт билан рухсат бераман. Расулulloҳ (с.а.в.)ни фақат хонаи саодатлари (Муборақ уйлари)дагина зиёрат қиласан, — деди.

Ошиқи Расул Вайсул Қароний «Онам рухсат берди», деб қувониб Мадина томон йўлга тушди. Бир неча кун юриб Мадинага етиб келди. Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг уйларини сўради. Кўрсатдилар, Хонаи Саодатнинг эшигини тақиллатди.

Ичкаридан Ҳазрат Ойша волидамиз:

— Ким у? — деб овоз бердилар.

— Бу мен, Вайсулман. Яманнинг Қарон қишлоғидан Расулulloҳ (с.а.в.)ни зиёрат қилгани келдим, — деди.

Ҳазрат Ойша (р.а.) волидамиз:

— Расули Акрам (с.а.в.) масжидга кетдилар, ўша ерга борсанг кўрасан, — дедилар.

Вайсул Қароний:

— Оҳ! Боролмайман, онам фақат шу ергача рухсат берган, — деб айтди.

Ҳазрат Ойша (р.а.) волидамиз:

— Эй Аллоҳнинг қули! Ўзинг кимсан? — дедилар.

Вайсул Қароний:

— Отим Вайсдир, Яманнинг Қарон қишлоғиданман, чўпонлик қиламан. Суюкли Пайғамбаримиз (с.а.в.)ни зиёрат қилгани онамдан шу ергача рухсат олгандим, демак кўриш насиб бўлмабди, — деб келган томонига қайтиб кетди.

Расулulloҳ (с.а.в.) масжиддан қайтиб келиб:

— Ё Ойша, бу ерга Увайс (Вайс) келдимиз? Мени бу дунёда кўриш унга насиб бўлмайди. Аллоҳ уни имтиҳон қилмоқда. Онасига бўлган итоатининг қай даражада эканини билмоқчи,— дедилар.

Вайсул Қароний онасининг олдига келди, бўлиб ўтган ишни афсусланиб, оҳ чекиб тушунтирди. Йўл азоби ва Пайғамбаримиз (с.а.в.)ни кўра олмаганидан сарғайиб сўлди.

Онаси:

— Қайғурма, ўғлим. Қайғурма! Сен мени мамнун этдинг. Аллоҳ сени мамнун этади. Суюкли Пайғамбаримиз (с.а.в.)ни у дунёда кўрасан, шафоатига эришасан,— деди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Эй Ҳақ йўлчиси! Бундай садоқат ўрнагини фақат ана шундай буюк инсонлар бера оладилар. Бу кўрсатилган садоқатдан кўриниб турибдики, ана шу муборақ зотлар шундай буюк даражага эришганлар. Ишқ билан кунлар, ойлар йўл юриб, Ямандан Мадинага келиши, Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг уйларига келганда, уларнинг масжидда бўлишлари, Вайсул Қароний: «Онам фақат шу ергача рухсат берган», дейиши, у буюк, суйган кишисини кўрмасдан, келган йўлига қайтиб кетиши — бу ишларни ақлдан сўрасанг, ақл ҳал қилиб бера олмайди. Вайсул Қароний онасига бўлган садоқати ва итоатида қатъий турди. Расулуллоҳ (с.а.в.) саҳобаларга васият қилиб: «Бу хирқамни Вайсул Қаронийга беринглар», дедилар.

Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг хирқаи Саодатини Ҳазрат Умар ва Ҳазрат Али (р.а.) Яманнинг Қарон қишлоғига келиб, ўзлари унга топширдилар. Садоқатнинг мукофотини кўрдингми, қардошим! Кимки «Аллоҳ» деса, ҳар бир ишини Аллоҳ учун қилса, унинг натижасида Аллоҳнинг лутфларига мушарраф бўлади.

### 68-ҲИКОЯ

#### ОТА НАСИҲАТИ\*

**Яхши ишлар қилсанг, шараф топасан**

Араб ҳақимларидан бир зот ўғлига шундай деди:  
— Болажоним, қиёмат кунда сендан нималарга эришдинг, кимга мансубсан, кимнинг ўғлисан, деб сўрайдилар.

Ва насиҳатини давом эттириб:

— Каъбанинг ҳижоби (ёпинчиғи)ни халқ ўпганини кўргансан. Одамлар унга меҳр ва ҳурмат кўрсатадилар. Унинг машҳур бўлиши ипақдан тикилгани учун эмас, у ёпинчиқ Каъба устига ташланган. Шу сабабли у ҳам Каъба каби азиз ва шарафли бўлади, — деди.

Бу насиҳат отанинг болага қандай ўғит бериши кераклигини кўрсатади.

### *Изоҳ ва ўғит*

Инсоннинг қадри ўзи қилган яхши ишларидан келиб чиқади. Агар ишлари, амаллари, хатти-ҳаракати яхши бўлса, ўзи ҳам яхши бўлади. Қадри ҳам шунга яраша бўлади. Дўстлари яхши одамга яхшилик ёр бўлади. Чунки яхшилар билан дўстлик, қадрдонлик инсонни яхши йўлга бошлайди. Ушбу ҳикояда бизларга ана шу ибрат дарси берилган.

### 69-ҲИКОЯ

#### ҲАЗРАТ ҲАМЗАНИНГ МУСУЛМОН БЎЛИШИ

Бир куни Пайғамбаримиз (с.а.в.) Сафо тепалиги этагида ўтирардилар. У ердан ўтиб кетаётган кофир Абу Жаҳл ва унинг лаганбардори Пайғамбаримиз (с.а.в.)ни ҳақорат қилдилар. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳеч нарса демадилар. Кофирлар сўкина-сўкина кетдилар. Абу Жаҳл ва унинг шериклари қилган бу ёмонликларни Ҳазрат Ҳамзанинг хизматчиси кўрди ва эшитди.

Ҳазрат Ҳамза ўша куни овга кетган эди. Ҳазрат Ҳамза овдан ўқ-ёйлари бўйнида, қилгич белида қайтиб келди. Хотин (чўриси)нинг кўзларида бир ғамгинлик бор эди.

Ҳазрат Ҳамза ундан сўради:

— Хафа бўлиб йиғлаган кўринасан, аҳволинг яхшими, нима бўлди, айт?

Чўри хотин:

— Хафа бўлмай нима қилай? Мен бир аёлман, яна чўриман, қўлимдан нима ҳам келарди, — деб айтди.

Ҳазрат Ҳамза:

— Нима бўлди, тезроқ айт, — деди.

— Нима бўларди... Шу кунга қадар бошингизга қўйиб эъзозлаганингиз, ўзингизнинг қиладиган ишларингизда доимо

фойдалан адиганингиз, ахлоқини, фазилатини, тўғрилигини жонингиздек севган қардошингизнинг ўғлидан Пайғамбарлиги эълон қилинганча, ҳаммангиз ўзингизни айирдингиз. Уни ёлғизлатиб, бир қанча золимларнинг ҳақоратига йўл қўйдингиз... Мана, бугун Абу Жаҳл ул муҳтарам шахсга турли ҳақоратлар қилиб, ёмон сўзлар билан куфрлар қилганидан еру кўк йиғлади, мен ҳам йиғладим, — деб қаттиқ йиғлай бошлади-да, давом этди: — Ҳолбуки, сиз Қурайшнинг энг улуғ қаҳрамонларидансиз. Ҳошим ўғилларининг энг эътиборли, кучли, қувватли арслонисиз... Мен нима қила олардим, бир муштипар аёлман, — деди.

Чўрининг имон-ла йўғрилган, қалбининг оташи ила ёниб қилган хитоблари Ҳазрат Ҳамзага қаттиқ таъсир қилди, ақраболик, қариндошлик ҳисларини уйғотиб, ғайратга келтирди. Ҳазрат Ҳамза ов кийимларини ечмай, тўппа-тўғри Қурайш кофирлари тўпланиб ўтирадиган «Даруннадво» номли уйга қараб кетди. Абу Жаҳлнинг лаганбардор ҳамтовоқлари атрофини ўраб ўтиришарди. Ҳазрат Ҳамза Абу Жаҳлнинг қаршисида шу пайтгача ҳеч кўрилмаган бир паҳлавон бўлиб турди ва:

— Бугун қариндошимнинг ўғли Муҳаммад (с.а.в.)га қўполлик ила куфрлар қилган сенмисан? — деб Абу Жаҳлни ўқ-ёй билан мўлжалга олиб отди. Ўқ Абу Жаҳлнинг бошига тегиб, қон оқа бошлади. Абу Жаҳлнинг тилёғлама шериклари Ҳазрат Ҳамзага ташланиб ҳужум қилмоқчи бўлдилар. Аммо Абу Жаҳл: «Тўхтанг, Ҳамза ҳақ. Мен унинг қардоши ўғлини ҳақорат қилдим», деди. Абу Жаҳл бир шайтонсифат одам эди. Ҳазрат Ҳамза бизга жаҳл қилиб, қизишиб Ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.)нинг динига киради, мусулмон бўлади, деб қўрққанидан Ҳазрати Ҳамзани тинчлантирмоқчи, алдамоқчи бўлди.

Ҳазрат Ҳамза у ердан чиқиб, Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳузурларига борди ва:

— Эй, қардошимнинг ўғли, қимматли жияним! Абу Жаҳлнинг куфр тўла бошини яраладим, ул ҳозир қонга беланиб ётибди, сенга қилган қўполлигининг жазосини бердим. Энди мендан мамнунмисан? — деди.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) севимли амакисига жавоб бериб:

— Эй, севимли амаки! Мен бу сўзлардан мамнун бўлолмайман. Мен фақат сен мусулмон бўлганингдан севинаман, мамнун бўламан, — дедилар.



Ҳазрат Ҳамза шу заҳоти мусулмон бўлди. Калимаи шаҳодат келтирди ва шу кундан бошлаб мусулмонлар тарафини олиб маърузалар қилди, шеърлар ўқиди, уларни муҳофаза этди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Қаранг, буюк Пайғамбаримиз (с.а.в.) ўзига куфрлик қилган, ҳақоратлаган Абу Жаҳлнинг бошини Ҳазрат Ҳамза ёрганидан мамнун бўлмаятдилар, амаким мен учун ўч олибди демай, унга: «Сен мусулмон бўлганингдан севинаман», демоқдалар. Биз бўлганимизда, биз учун ўч олибди, деб жуда севинган бўлардик, унга алоҳида ташаккур айтар эдик. Фақат буюк Пайғамбаримиз (с.а.в.) ўз нафси учун қайғурмайдилар, барча инсонларнинг саодати учун интиладилар, курашадилар. Ҳамма одамлар Аллоҳга имон келтирсин, мусулмон бўлсин, ҳидоятли бўлсин, жаҳаннам оташида ёнмасин, деб орзу қиладилар, шунинг учун курашадилар.

Расулulloҳ (с.а.в.) бир Ҳадиси шарифларида: «Мен билан умматларим аҳволи гулхан ёққан одам аҳволига ўхшайди, бир тўда ҳайвонлар, парвоналар келиб у гулханга отилишни, қўнишни истайди. У гулханны ёққан одам парвоналарни камайтирмоқчи бўлади, аммо улар билмай ўзларини ўтга уради. Шу каби мен ҳам, эй Умматим, белингиздан, қўлингиздан тутиб, сизни ўтга тушишдан сақлашга интиламан. Сиз эса ўзингизни ўтга отишга интиласиз», дейдилар.

Бу қандай бир гўзал тимсолдир! Парвона куйишини билмай, ўзини ўтга уради. Ҳайвон ул ўтни нурга очилган бир дераза деб билади. Гулхан ёққан одам унинг аҳволига ачинади, қўриқламоқчи бўлади. Аммо у ҳис-туйғусиз ҳайвон ўзига қилинган бу яхшилиқни билмайди. Бечора шу нурга етишай, деб ўтда ёниб кул бўлиб кетади. Китобхон қардошим! Ҳазрат Муҳаммад (с.а.в.) нинг дунёга ташриф этишлари одамларга раҳмат бўлиш учундир. Расулulloҳ (с.а.в.)нинг ҳаётини ўқисак, бу ҳақиқатни ўрганган бўламиз.

Шу ўқиганингиз Ҳадиси шарифдаги нозик маънони кўринг. Ушбу муборак ўхшатишда ирфон соҳиблари учун қанчадан-қанча нозик маънолар бор. Расули Акрам (с.а.в.)нинг амрлари бизнинг ҳар бир онимизда бизга иршод бўладиган, йўлимизни ойдинлаштирадиган, нурафшон қиладиган бир шаклда қўлимиз-

дадир (яъни, Ҳадиси шарифларда мукаммал тафсирлар ила баён этилган дейилмоқчи — Тарж.). Нафсимизнинг қули бўлиб қолмайлик. Нафси ҳавомиздаги шундай жаҳаннам оташига олиб борувчи хатолар, гуноҳларни ўзимиздан соқит қилайлик. Йўқса ўзимизни парвона каби ўтга отган бўламиз. Расулulloҳ (с.а.в.)нинг барча амрлари, тавсиялари жаҳаннам оташига тушадиган ҳоллардан бизни қўриқлашга, сақлашга қаратилгандир.

### 70-ҲИКОЯ

## АЛЛОҲ ДИНИ ЕР ЮЗИДА ҲАММА ЖОЙГА ЁЙИЛАДИ

Севикли Пайғамбаримиз (с.а.в.) бир жангдан қайтиб, муҳтарама қизлари Ҳазрат Фотима (р.а.)ни кўргани келдилар. Расули Акрам (с.а.в.)нинг муборак одатлари шундай эди. Сафардан қайтгач, масжидга кирар, намоз ўқир, сўнгра Ҳазрат Фотима волидамизни кўрар, шундан кейингина ўз оилаларига борар эдилар.

Ҳазрат Фотима волидамыз Пайғамбар оталарини эшик олдида кутиб олдилар. Йиғлаб, муборак оталарининг юзи, кўзларини ўпа бошладилар. Аллоҳ Расули (с.а.в.) муҳтарама қизлари Ҳазрат Фотимадан сўрадилар:

— Нега йиғляяпсан, жигарпорам, қизим Фотима?

Ҳазрат Фотима (р.а.):

—Эй Аллоҳнинг Расули! Суюкли отажон, Сизнинг рангингиз сўлгин, либосингиз эскирган бир вазиятда кўрганим учун ўзимни туютолмай йиғладим, — дедилар.

Аллоҳ Расули (с.а.в.):

— Эй, қизим Фотима, йиғлама! Аллоҳ сенинг отангни бир вазифага маъмур этди. Хоҳланса ҳам, хоҳланилмаса ҳам ер юзида инсон яшай оладиган ҳамма ерда бу дин ёйилади. Менинг вазифам буни таъмин этиш учун интилмоқдир, — дедилар.

Расулulloҳ (с.а.в.)нинг ягона вазифаси инсонни ҳидоятга етиштирмоқ эди. Расули Акрам Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг муборак ҳаётларини тадқиқ этсак, бу ҳақиқатни янада яхшироқ биламиз.

### *Изоҳ ва ўғит*

Эй, Ҳақ йўлчиси! Биз қандай ўйлаймиз? Агар Исломият биз тушунганимизча бўлса эди, муслмонлик биз адо этаётгандек

бўлсайди, у ҳолда Маккадан, Арабистондан нари бормасди. Эй, қардош! Сен бизнинг мусулмонлигимизни мусулмонлик деб санайсанми? Аллоҳ ўзи ёрдам берсин, Аллоҳ бизни афв этсин!..

## 71-ҲИКОЯ

### САЛОТУ САЛОМНИНГ ФОЙДАСИ

Сўфени Саврий Байтуллоҳни тавоф этар экан, бир зотнинг тинмай салоту салом айтаётгани ва у оёғини кўтарганида ҳам, ерга қўйганида ҳам салоту салом айтганини кўрди.

Сўфени Саврий сўради:

— Сен қандай аҳволдасан, эй инсон! Бошқа дуони билмайсанми?

Ёш йигит:

— Сен бу мамлакатда ғариб, мусофирсан, сенга аҳволни тушунтириб қўяй, — деди ва сўзида давом этди, — мен отам билан Ҳижозга борадиган йўлда кетаётганимда отам вафот этди. Жанозаси ўқилмасдан, оқшомгача отам олдида йиғладим, бўзладим, уйқум келиб ухлаб қолдим. Уйғониб қарасам, отамнинг юзи сиёҳ бўлиб кетаверди. Буни кўриб, тукларим тикка бўлиб кетди. Бир пайт узоқдан ғоят нуруний, мушк-анбардан хушбўй таратиб бир зот келарди. У оёғини кўтариб босганида салоту салом келтириб отамнинг ёнига келди ва юзидан тўнни очди. Қўли билан масиҳ этгандек юзларини силади, отамнинг юзи оппоқ, нуруний бўлиб оқарди. Қайтиб кетар экан, мен унинг орқасидан югуриб етиб олдим ва «Сиз кимсиз, менга айтинг?» дедим. У менга жавоб бериб: «Мен Ҳазрат Муҳаммадман, Абдуллоҳнинг ўғлиман. Отанг кўп гуноҳлар қилган эди. Менга ниҳоятда кўп салоту салом айтгани сабабидан унинг олдига келдим. Менга салоту салом айтган одамга шундай бир вақтда ёрдамга келаман», деди.

### Изоҳ ва ўғит

Эй, Ҳақ йўлчиси! Суюкли Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Менинг шафоатим буюк гуноҳ қилганларга бўладир», деганлар. Сен Расулуллоҳ (с.а.в.)га беҳад саловат айтишга интил. У сенга шафоат қилади.

## 72-ҲИКОЯ

## ЎЛИМДАН ҚУТУЛИБ БЎЛМАЙДИ

Ҳазрат Сулаймоннинг ёнида бир одам ўтирар эди. Шу пайт Азроил (а.с.) одам суратида орқадан келди. Ўтирган ул шахс: «Бу одам ким, ё Набийуллоҳ?» деб сўради. Ҳазрат Сулаймон (а.с.): «Азройил», деди. Ул шахс Пайғамбарга:

— Мени тезда бу ердан узоқлаштир. Азройил менинг жоним-ни олмасин, — деди.

Ҳазрат Сулаймон (а.с.) шамолга амр этди, у Ҳинд диёрига ул шахсни олиб борди. Азройил дарҳол у тушган ерда кутиб олди. Чунки Азройил (а.с.) у одамни кўпдан кузатиб юрарди. Ул одамнинг жонини Ҳинд тупроғида олишга амр этилганди. У Ҳазрат Сулаймон ҳузурида бўлгани учун Азройил (а.с.) унинг жонини олмади. Сабр этди. Одам кўрқиб, у ердан қочди, лекин ўлимдан қутула олмади. Азройил уни кутиб олди ва «Ўлимдан қутулиб бўлмайди», деб айтди.

*Изоҳ ва ўғит*

Ер юзида ўлимдан қутулган одам йўқ, бўлмайди ҳам. Ҳар бир жонлининг ўлим вақти етганда ўлиши бир ҳақиқатдир. Ўлим инсонни, агар у бир қоя тешигига беркинса ҳам топади. Ўлимдан қутулиш йўқ, бўлмайди ҳам.

## 73-ҲИКОЯ

## РУҲ РАББИНИНГГА ОЧИҚ

Азройил банданинг жонини оёғидан олмоқчи бўлди, оғзи билан қилган амали унга қарши чиқди. Яъни ўқигани Қуръони Карим ва қилган ваъзи ва зикри, салоту саломи Азройилга: «Сенга бу тарафдан йўл йўқ», деди.

Азройил Жаноби Ҳақга бу аҳволдан арз қилди. Жаноби Ҳақ Азройил (а.с.)га: «Бор, бошқа тарафдан жонини ол, бу сенинг вазифанг», деб буюрди.

Азройил (а.с.) кўлларида ўлдиришга ва жон олишга келар экан, улар билан берилган садақалар, бошини силаган етимлар, ёзилган диний китоблар, душманга урилган қиличларнинг ҳаммаси келди.

«Ё Азройил, сенга бу тарафдан ҳам йўл йўқ», деди. Азройил (а.с.) қулоқ тарафидан одамнинг жонини олмоққа шайланганда, бу сафар қулоқ: «Бу қулоқлар Қуръон тинглади, зикр, ваъз эшитди, ё Азройил! Бу ердан ҳам сенга йўл йўқ», деди.

Бу сафар Азройил (а.с.) кўзларини мўлжаллади, бироқ унга кўзларнинг қилган ишлари — Қуръони Каримни ўқиши, етимларга марҳамат билан қараши ва бутун оламга ибрат назарини ташлаши каби ишлар қарши чиқди: «Бу ердан ҳам сенга йўл йўқ», деди.

Азройил (а.с.) унинг оёқларидан жонини олмоқчи бўлди, аммо оёқлари ила қилган амаллари қарши чиқди: жамоат билан намоз ўқиши, қадрдонлари, қариндошларидан хабар олгани — барчаси қарши бўлди.

Азройил (а.с.) бу тарафдан ҳам йўл тополмаганидан сўнг Жаноби Ҳақга ниёз этди, илтижо қилди. Аллоҳ Таоло: «Исмимни ўзингнинг кафтингга ёз, уни қулимга (бандага) кўрсат», деди. Азройил шундай қилди, қул жонини севиниб-севиниб таслим этди. Руҳ Аллоҳ ишқи ила ўлим қийноғини сезмай учиб кетди.

#### 74-ҲИКОЯ

### НАМОЗДА ЖОНИМНИ ОЛ\*

Азройил (а.с.) инсон суратида борар экан, бир мўмин билан учрашиб қолди ва салом бериб, саломини олди. Азройил унга: «Менинг сенда бир эҳтиёжим бор. Аммо бу эҳтиёжимни сир сақлашинг шарти билан айтаман», деди. Ул одам: «Марҳамат, хуш келдинг, қутлуг келдинг, айт қандай эҳтиёжинг, тақлифинг бор», деди.

Азройил: «Мен Азройилман, сенинг жонингни олгани келдим», деди. Мўмин одам: «Қанча вақтлардан бери мен сени кутаман. Келганинг қандай яхши бўлди, хуш келдинг», деди.

Азройил (а.с.): «Балки бирор заруратинг бордир, уни битириб ол, сўнг жонингни олай» деган эди, мўмин одам: «Майли, менинг ишим Аллоҳ ҳузурига боришдан зарур эмас. Менинг орзуйим Аллоҳ вуслатига (васлига) стишмоқдир», деди.

Азройил: «У ҳолда қандай орзу этган бўлсанг, шундай бўлсин», деди. Мўмин зот ундан: «Ҳеч фурсатинг борми?» деб сўраган эди, Азройил: «Ҳа, имконим бор», деди. Мўмин: «Агар менга бироз фурсат беролсанг, бер, икки ракаат намоз ўқиб олай,

мен саждадалигимда жонимни ол», деди. Азройил унинг илтимосига рози бўлди ва шундай жонини олди.

Дарҳақиқат, Аллоҳнинг амрига риоя қилиб, унга биноан иш юритган мўминлар шундай ўлимни орзу қиладилар, шундай жон таслим этишни истайдилар. Улар ўлим — Ҳаққа етишиш эканлигини яхши биладилар.

### 75-ҲИКОЯ

#### АЗРОЙИЛНИНГ ҚЎЛИДАН ҚУТУЛИБ БЎЛМАЙДИ\*

Ўтган замонларда бир подшоҳ яшар эди. Жуда кибрли ва ғурурли бўлганидан инсонлар қадрини билмас, уларга марҳамат қилмасди. Ҳеч ким унинг олдига кела олмасди ва дардини айта олмасди.

Бир куни муҳофизлари (соқчилари) билан отларга миниб сайр қилгани борар экан, йўлда инсон суратида Азройил (а.с.) унинг олдига келди. Азройил (а.с.) унга салом берди ва: «Бироз тўхта, сенда ишим бор», деди. Аммо подшоҳ Азройил (а.с.)ни писанд қилмай, йўлида давом этмоқчи бўлди. Азройил (а.с.) унинг отини юганидан ушлагандагина подшоҳ дарҳол ўз аҳволини тушунди ва: «Менга рухсат бер, отдан тушайин», деди. Азройил (а.с.) унга: «Йўқ, сен отдан тушмай туриб бир эҳтиёжим, ишим бор. Бошингни эгар устига эг, бир гап айтаман», деди. Ҳукмдор бошини эгар устига эгди. Азройил (а.с.) унга: «Мен Азройилман, жонингни олгани келдим», деди.

Ҳукмдорнинг ранги оқариб кетди: «Менга рухсат бер, болаларимни бориб кўрайин», деди. Азройил (а.с.): «Йўқ, рухсат бермайман», деди. Ҳукмдор: «Отдан тушайин, кейин жонимни ол», деди. Азройил (а.с.): «Йўқ, бунга ҳам рухсат бермайман», деб шу заҳоти ҳукмдорнинг жонини олди. Ҳукмдор отдан жонсиз йиқилди.

Дарҳақиқат, Азройил (а.с.) — бу қисмат, тақдирдир ва бир онда келиб бир он ҳам одамга фурсат бермайди, нафас олдирмайди.

### 76-ҲИКОЯ

#### ЎЛИМ ШИРИН ОШНИ АЧЧИҚ ҚИЛАДИ\*

Ҳазрат Исо (а.с.) ўлими олдидан кўзларидан дув-дув ёш оқарди, ёш эмас, қон оқар эди. Агар Пайғамбар ўлимдан титраб, шундай йиғласа, бошқа қулларининг иши қанчалик оғир

ва азобли бўлади — бун идрок этиб бўлмайди. Ўлим аччиғи жуда оғирдир.

Ўлим ширин, тотли ошни ҳам аччиқ этади.

### 77-ҲИКОЯ

#### ЎЛИМ КУТИЛМАГАНДА КЕЛАДИ

Ҳазрат Юсома Зайд бин Собитдан узоқ муддатга бир хизматчи сотиб олди. Бундан Пайғамбаримиз (с.а.в.) хабар топдилар ва: «Сиз Юсоманинг шундай узоқ муддатга олиш-беришидан ҳайратланманг. Нафсим йади қудратида (Қудратли қўлида бўлган) Аллоҳга қасамёд қиламанки, кўзларимни очсам ўлим кўринади, юмганимда ҳам ўлим кўринади ёки оғзимга бир луқма солсам бўғзимда қолади. Эй, одам фарзандлари, ҳайратланманг. Аллоҳга қасамёд этаманки, ўлим муқаррар келади», дедилар. Жаноби Ҳақ Қуръони Каримда: «Уларга айтки, қочганингиз билан у сизга албатта эришадир», деган. Яна Аллоҳ Таоло буюради: «Сиз ўлимдан қочишга қодир эмассиз».

### 78-ҲИКОЯ

#### ЭЙ ҲАЖЖОЖ, АЛЛОҲ СЕНИНГ ЖОНИНГНИ ОЛСИН

Бир замонларда Бағдоддан дуоси қабул бўлгувчи бир дарвеш чиқди. У ҳақда Ҳажжож Золимга хабар бердилар. Ҳажжож дарвешни чақириб: «Мени бир хайрли дуо қил», деди.

Дарвеш:

— Ё Раббий! Ҳажжожнинг жонини ол, — деди.

Ҳажжож:

— Эй дарвеш, бу қандай дуо бўлди? — деди.

Дарвеш:

— Бу сенга ҳам хайрли, барча мусулмонлар учун ҳам хайрли бир дуодир, — деб жавоб берди ва давом этди: — Эй Ҳажжож! Қачонгача бундай зулм этасан? Сенинг ўлиминг инсонларга зулм этишдан хайрлидир. Шунда сен ҳам гуноҳдан қутуласан, мусулмонлар ҳам сенинг зулмингдан қутуладилар, — деди.

### Изоҳ ва ўғит

Зулм этган золимнинг гуноҳи қиёмат куни бир неча баробар кўпаяди. Бу дунёда инсонларга зулм қилганлар охиратда жаҳаннам оташида жазосини оладилар. Ҳеч бир ёмонлик жазосиз қолмайди. У албатта жазосини топади, жаҳаннамда ёнади. «Қиёмат куни шохсиз қўчқор шохли қўчқордан ҳаққини олади».

Зулм ислом нуқтаи назарида энг катта гуноҳ. Ислому зулмни энг буюк гуноҳ деб билиб, олимлар зулмнинг ёмонлигини тушунтириш учун жилд-жилд китоблар ёзганлар.

• Аллоҳнинг ҳеч бир дўсти зулму ва золимларни севмайди.

### 79-ҲИКОЯ

#### ЎҒЛИГА ЛИБОС ОЛИШ УЧУН ПУЛИ ЙЎҚ

Халифа Ҳазрат Умар (р.а.) замонида бир минг тўрт юз шаҳар фатҳ этилган эди. Эроннинг бутун хазиналари ва ғанимат моллари сув қаби Мадинаи мунавварага оқарди. Аммо Ислому Халифаси Ҳазрат Умар (р.а.)нинг байрамда ўғлига либос олиб бериш учун пули йўқ эди. Бир куни Ҳазрат Умарнинг ўғли отасига:

— Отажоним, уст-бошим жуда тўзиб кетди. Дўстларим устимдан кулишяпти. Мен учун байрамга кийим олайлик, — деди.

Халифа Умар:

— Бўлмайди, ўғлим, янги кийим олгани пулимиз йўқ, — деб жавоб берди.

Ўғил:

— Отажон, келаётган ойнанинг маоши устидан пул олиб туринг. Ўша пулга янги кийим оламиз, — деб айтди.

Халифа Байтул молнинг хазинабонига бир мактуб ёзди. Унда, «келажак ойнанинг маошидан бироз пул бериб тур, ўғлимга байрамлик либос олиб бермоқчиман», деди. Мактубни ўғлидан жўнатди. Ўғил уни молия нозирига олиб борди. Нозир мактубни ўқиб, сўнг Халифанинг ўғлига:

— Бўлмайди, бермайман, — деди.

Ўғил:

— Нега бермайсиз. Бу мактубга ишонмайсизми? — деди.

Хазинабон:



— Биламан, мактуб Халифадан. Аммо бир камчилиги бор. Халифа янаги ойга қадар яшаши ҳақида бир васиқа бермапти, — деб айтди.

Халифанинг ўғли бу сўзларни эшитиб, шошилинч отаси олди-га келди.

Халифа ўғлидан сўради:

— Ўғлим, нима бўлди, пулни олдингми?

— Йўқ, отажон, олмадим, хоҳламайман. Сиз шу қадар ҳалол миллатнинг раиси — Халифаси бўлганингизга қанчалар ифтихор қилсангиз арзийди. Сиз билан фахрланаман, отажон, — деб жавоб берди ўғил.

Ҳазрат Умар:

— Хазинабон Умарни билади. Агар пул берганида, дунёга келганига пушаймон қилдирардим, — деган экан.

### *Изоҳ ва ўғит*

Шундай, китобхон қардошим! Беш-ўн ойлигини бирданига олдиндан қарз оладиганлар кўп. Ҳазрат Умардан ўрнак олганларарида бундай қилмаган бўлардилар.

### *80-ҲИККОЯ*

#### **ЗУЛМДАН ҚОЧМОҚ УЧУН**

Нўширавони одил аркони давлати билан овга чиқди. Ов қилган жойларида ов гўшгидан кабоб қилдилар. Туз йўқ экан, озроқ туз топиб келиш учун хизматкорлардан бирини яқин бир қишлоққа юбордилар. Нўширавон хизматчи йигитга:

— Тузни пулга сотиб ол! — деди.

У пайтлар давлатнинг қишлоқдан туз олиш одати бор эди. Қишлоқ хароб бўлмасин, деб подшоҳ шундай деди.

Нўширавонга ёнидагилар:

— Озгина туз олса нима қилади, — дедилар.

Нўширавон:

— Зулм, ҳақсизлик аслида қадим замонларда жуда кам бўлган. Вақт ўтиши билан ҳар янги келганлар озгинадан кўпайтириб, бугунги даражага келтирганлар. Агар подшоҳ аҳолининг боғидан бир олма узса, хизматчилар олма дарахтини илдизи билан суғурдилар. Агар подшоҳ бир одамдан бир тухум олса, подшоҳ аскарлари минг товукни пишириб ейдилар, — деб жавоб берди.

### Изоҳ ва ўғит

Бу ҳикоя кўп ибрат дарси бергувчи ҳикоядир. Агар раҳбарлар шу мезонда ишлаганларида ҳеч кимнинг бурни қонамас, ҳеч кимга зулм этилмасди. Ҳамма ёмонликлар аслида кичик нарсадан бошланади. Ҳар бир ёмонликнинг олдини олиш керак. Шунда ёмонлик камаяди; оддий одамлар ҳам, раҳбарлар ва идора ходимлари ҳам, маъмурлар ҳам шундай бўлишлари керак.

### 81-ҲИКОЯ

#### ОТАГА ЎХШАГАН ЎГИЛ

Бир кун мўминлар Халифаси Ҳазрат Умар (р.а.) ўз қўли билан фақирларга, йўқсилларга овқат тарқатар эди. Бир одам қўлида боласи бирла келди.

Ҳазрат Умар (р.а.) у одамга:

— Субҳоналлоҳ! Бу болани сенга ўхшашлигидек, икки инсоннинг бир-бирига ўхшашини ҳаётимда илк дафъа кўриб турибман,— деди.

Бола билан келган одам:

— Ё Амирал-мўъминин, бу бола билан боғлиқ ажойиб мўъжиза бор, — деди. — Мен бир сафарга боришим зарур эди. Аммо ўша пайт оилам бу ўғлимга ҳомиладор эди. Мен йўлга чиқаётганимда, хотиним «Мени шу аҳволда ташлаб кетасанми?» деди. Менинг боришим зарур эди. Хотинимга «Қорнингдаги боламизни Аллоҳга омонат қолдираман», деб кетдим. Сафардан қайтганимда хотиним ўлган экан. Уни кўра олмадим, кўп йиғладим, дард чекдим. Бир кеча қўшниларим билан суҳбатлашиб ўтирган эдик, қаршимиздаги мозордан ёруғлик кўрдим.

— Бу қандай нур? — деб сўрадим.

Қўшнилар:

— Бу нур сенинг хотининг қабридан чиқмоқда, биз уни ҳар кеча кўраимиз, — дедилар.

Мен ҳайратланиб, «Субҳоналлоҳ! Хотиним намоз ўқир, рўза тутар, мусулмонликнинг шартларини бажарар эди, ажабо, бу қандай нур, деб қизиқдим. Ва қабр бошига бориб, қабрни очдим. Не кўз билан кўрайки, бир чироқ ёнарди. Чироқ нурида бу бола ўтирарди. Шу пайт бир овоз эшитдим: «Бола бизга топширилган. Сен омонат қолдирган эдинг. Энди ўзингга берамиз!» Мен:

«Оҳ, боламнинг онаси ҳам ҳаётда тирик бўлсайди», дедим. Яна ўша овоз: «Агар сен онасини ҳам бизга топширганингда, уни ҳам боланг каби сенга соғ-саломат топширар эдик», деди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Бу ҳикоядан англашиладиган ҳақиқат шудир: одам уйдан чиқиб кетар экан, тан ва жондан бир ишонч ва имон билан бола-сини Аллоҳга омонат қолдирди. Одамнинг ирфони бор эди. Инсоннинг Аллоҳга бўлган имони, ишончи ва таваккули бутун бўлса, Аллоҳ Зухурини — тажаллисини кўра олади. Аммо сен ва менга ўхшаш оддий киши кўзи очиқ бўлса ҳам қалб кўзи кўр бўлса, уни кўра олмайди.

## 82-ҲИКОЯ

### ЎЗ ҲОЛИГА ШУКР ЭТИШ

Ҳазрат Мусо (а.с.) бир фақир одамни кўриб қолди. Устига кийгани ҳеч нарсаи йўқлигидан қумга кўмилиб ўтирар, қум ичи-да яшарди. У ҳам Ҳазрат Мусо (а.с.)ни кўриб:

— Эй Мусо! Мени дуо қилгин, Жаноби Ҳақ менга бироз дунё, бойлик берсин, — деди.

Ҳазрат Мусо (а.с.) уни дуо қилди. Жаноби Ҳақ қулига бойлик берди. Орадан бир қанча вақт ўтгач, Ҳазрат Мусо (а.с.) Тур тоғи-да муножот қилиб қайтар экан, шаҳарлик халқ тўпланиб ўша одам-ни судраб кетаётганларини кўрди. Ҳазрат Мусо (а.с.) сўради:

— Нима бўлди? Не ҳол юз берди? Бу одамни нега ёқасидан тортиб судрайсизлар?

— Бу одам ичкилик ичиб, бир одам билан жанжаллашиб, уни ўлдириб қўйди. Энди қасос олиш учун ва жазосини бериш учун олиб кетмоқдамиз, — деб жавоб берди халқ.

Ҳазрат Мусо (а.с.):

— Ё Раббим! Сен ҳар кимга ўзига лойиқ нарсаи берган экан-сан. Сенинг адолатингга қурбон бўлайин, мени афв эт, — деб тав-ба ва тазарру қилди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Эй, мусулмон қардошим, ўз ҳолингга шукр қил. Сен ўзинг учун ниманинг яхшилигини, ниманинг хайрли бўлишини билмайсан.

## 83-ҲИКОЯ

ЗАКОТ ТУЯЛАРИНИ ХАЛИФАНИНГ  
ЎЗИ БОҒЛАР ЭДИ

Бир кун Ҳазрат Умар (р.а.) Байтул молга — давлат хазинасига қарашли туяларни тушки жазирамада боғлаб қўяман деб қаро терга тушди. Асҳоби Киром (яқинлари)дан баъзилари:

— Эй Амирал-мўминин! Сиз нега бу туяларни боғлайман деб мунча заҳмат чекмоқдасиз? Бир одамга буюринг, бу ишларни у бажарсин, туяларни боғласин, — дедилар. Ҳазрат Умар (р.а.):

— Бу туялар фақирларнинг ҳақидир. Жаноби Ҳақ мени буларга қараб туришга маъмур (бошлиқ) этди. Бу ишларни ўзим бажаришим зарур. Охиратда булар мендан сўралади, — деди.

Асҳоби Киром яна эътироз билдирдилар:

— Ё Амирал-мўминин, Сиз ўзингизга тегишли (давлат) ишларини бажаринг. Бу ишларни бизга буюринг.

Ҳазрат Умар (р.а.):

— Эй дўстларим! Йилбўйи юртни кезиб юраман. Фақирлар, йўқсиллар, хасталарнинг ҳолидан хабардорман, — деди. Ва: «Дажла канорасидаги бир чўпоннинг йўқотган эчкисини Аллоҳ Умардан сўрайди», деб кўз ёши тўкди.

*Изоҳ ва ўғит*

Сиз мусулмонликни қандай тушунасиз? Фазилат — Исломда. Ҳуқуқ, инсон ҳақлари, берилган омонатларни қўриқламоқ, топширилган вазифаларни ҳалоллик билан бажариш — ҳаммаси Исломнинг амри.

## 84-ҲИКОЯ

АРСЛОН МУСОФИР МЕҲМОНЛАРГА  
ТАШЛАНМАДИ

Буюк бир зот бошидан кечирганларини шундай ҳикоя қилади:

— Мен бир буюк зотни зиёрат этиш учун оқшом пайтида унинг уйига бордим. У шом намозининг фотиҳасини ўқимади. Мен: «Намозимиз бузилди», деб қўрқдим. Эрта тонгда таҳоратга чиққанимда, у ерда менга бир арслон ҳужум қилди, бақирдим. Уй

соҳиби ташқарига чикди ва арслонга: «Мен сенга меҳмонларга тегма, демаганмидим?» деган эди, арслон нари кетди. Таҳоратимни олиб уйга кирдим. У буюк зот менга шундай деди:

— Сиз ташингизни (устки томонни) тозалашга интиласиз. Шунинг учун арслондан кўрқасиз. Биз эса қалбимизни тозалаш билан машғул бўлганимиз учун арслондан кўрқмаймиз. Аксинча, арслон биздан кўрқар».

Эй Қардошим! Ҳар ким Аллоҳдан кўрқса, ҳар нарса ундан кўрқади. Кимки Аллоҳга чин қалбдан итоат этса, ҳамма нарса унга итоат этади.

### *Изоҳ ва ўғит*

Аллоҳга итоатда бўлган одам бошқалардан итоат кўради. Аллоҳдан кўрққан одамларга Аллоҳ лутфларини эҳсон этади. Бутун мавжудот, барча зарралар ҳаммаси Аллоҳ амридадир. Ҳамма нарсага инсон хизматида бўлиш топширилган. Инсон Аллоҳнинг амрида бўлса, ҳамма нарса инсоннинг амрида бўлади.

### **85-ҲИКОЯ**

#### **АЛЛОҲ ДҮСТЛАРИНИНГ ДАРАЖАСИ БУЮКДИР\***

Бир шайх Мисрни зиёрат қилишга борди. У ерда қари бир одамнинг таҳорат олаётганини кўрди; чол таҳоратни янглиш олар эди.

Шайх унга бундай деди:

— Сиз қари одамсиз, Мисрдек буюк бир исломий мамлакатда яшаяпсиз. Нега янглиш таҳорат оляпсиз?

Чол шайхга:

— Эй инсон, Мисрга қачон келдингиз? — деди.

Шайх:

— Ҳозир келдим.

Чол:

— Сизнингча энг муқаддас жой қаер? — деб сўради.

— Макка, — деди шайх.

Чол:

— Макка қайси тарафда?

Шайх бармоғи билан Макка томонни кўрсатди. Чол гўё орадаги пардани кўтаргандек, шайхга Макканинг ўзини кўрсатди.

Шунда шайх:

— Сизни англаман, — деб чолдан узр сўради ва унинг ҳузурда ўн икки йил қолди. Унга хизмат қилди, унинг ишончини қозонди. Чол ўлар вақти етганда, шайхга: «Бу пулни ол, мени фалон ерга кўм ва менга сарф эт», деди.

Шайх чолнинг васиятларини бажарди. Жанозасини ўтказар экан, осмонда кўп қушлар айланаётганини кўрди. Улар қанотлари билан ер юзини тўсиб турганларида осмондан ерга бир киши тушди. Шайх ҳайратда қолди. Кўкдан тушган одам унга: «Сен ҳайрон бўлма, бу кўриб турганинг қушлар шаҳидларнинг руҳларидир. Улар қилич шаҳидлари ва тасаввуф шаҳидларидир. Буларнинг жасадлари Жаннатда, руҳлари эса арши аълодадир», деди.

### 86-ҲИКОЯ

#### ИҒВОГАРЛИК БОР ЕРДА БАРАКА БЎЛМАЙДИ

Ҳазрат Мусо (а.с.) замонида қурғоқчилик бўлиб, ҳаёт ниҳоятда оғирлашиб кетди. Уч марта ёмғир тилаб дуо қилдилар. Ҳазрат Мусо: «Ё Раб, уч марта ёмғир тилаб дуо қилдик. Дуомизни қабул этмадинг», деди.

Жаноби Ҳақ:

— Токи орангизда иғвогар бор экан, сенинг ҳам, бошқаларнинг ҳам дуоларини қабул этмайман, — деди.

Ҳазрат Мусо:

— Ё Раб, иғвогар ким, уни орамиздан чиқарамиз, — деди.

Жаноби Ҳақ:

— Мен сизга фисқ-фасодни — иғвогарликни ман қиламан, — деди.

Ҳаммалари тавба қилишди. Жаноби Ҳақ ёмғир ёғдирди.

Иғвогарлик, чақимчилик энг ёмон феълдир. Иғвогарларни Аллоҳ севмайди. Иғвогарлик бор ерда барака бўлмайди.

### 87-ҲИКОЯ

#### ИҒВОГАРЛИК БИР БАЛОДИР

Бир одам қул сотиб олаётган эди, сотувчи: «Унинг бир айби бор, сўз ташувчи — иғвогар», деди. Харидор: «Бунинг аҳамияти йўқ», деб сотиб олди. Бир неча кун ўтганидан кейин қул уй соҳи-

бининг хотинига: «Сени эринг яхши кўрмайди, яқинда бир аёлга уйланиш ниятида. Мен сенга бир яхши маслаҳат берайми?» деди. Хотин: «Майли», деди. «Эринг ухлаётганида устара билан унинг бошидан сочини кесиб ол, шунда уйлана олмайди», деди қул ақл ўргатиб. Хотин рози бўлди. Кечки пайт уй соҳиби келганида унга: «Сенинг хотининг бошқа бир эркак билан ўйнашади, ундан қутулишни истайсанми?» деди ва яна: «Кечаси ётганида хотининг сени устара билан сўймоқчи бўлади, сен унинг ўзини ўлдир», деди.

Кечаси ётганларидан бироз вақт ўтгач, хотин туриб устара олиб келар экан, эри: «у мени сўймоқчи», деб хотинини ўлдирди. Хотинининг қариндошлари уни ўлдирдилар. Унинг қариндошлари хотинининг қариндошларини ўлдирдилар. Икки тараф бири бири билан қир-пичоқ бўлди.

Иғвогарлик, гап ташиш инсонларни шу аҳволга солиб, душман этадиган бир балодир. Иғводай бир ёмон фитна йўқдир. Фитнанинг катта-кичиги бўлмайди, кичигидан қочмаган каттасидан қутула олмайди.

## 88-ҲИКОЯ

### СУТГА СУВ ҚЎШГАН ХОТИННИНГ КЎРГУЛИКЛАРИ

Бир хотиннинг биттагина сигири бор эди. Ул хотин жуда фақир эди. Сигирининг сути билан кун кўрарди. Кечки пайт ва тонгда сигирини соғиб, сутини сотарди.

Аёлнинг феъли ёмон, сабр-тоқати йўқ эди. Кўп пул топишни орзу қиларди. Шу сабабдан сутга сув қўшиб сотарди, кунда иши шу эди. Ойлар, йиллар ўтаверди.

Кунлардан бир кун қаттиқ бўрон бўлиб, сел келди. Ҳаммаёқни сув босди. Дарёлар қирғоғидан тошди. Жўшқин дарёдан кечиб ўтаётиб, бу сутчи хотиннинг сигири сувга чўкиб ўлди.

Сутчи хотиннинг йиғлайвериб кўзлари шишиб кетди. Онасининг бақириб-чақиршига оқил ўғил:

— Она, она, нега йиғлайсиз? Сизнинг неча йилги сут-қатиғингиз суви сел бўлиб, сигиримизни оқизиб кетди-ку, — деди.

### Изоҳ ва ўғит

Эй, Ҳақ йўлчиси, эй, Аллоҳ деган мўмин! Шу ёш боладаги заковатни кўрингки, кўп одамнинг бунга ақли етиши дарғумон-

дир. Севикли Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай деганлар: «Ҳар бир туғилган чақалоқ Ислому тушунчаси, ғояси ила туғилади. Сўнгра боланинг тушунчасини у яшаган муҳит, давра бузади. Ота-онаси бузади». Болаларнинг ҳаммаси чин мусулмон каби фикрлайдилар. Болаларни атроф-муҳит мусулмонлик тушунчасидан чиқаради. Давра, ота-она, эл-дўст, қариндош ва улфат — шулардан бири болани бузади. Ҳақиқий мусулмон уни ҳеч бузмай, ўзига ўхшатиб ўстиради. Болалар туғилганларида покиза туғиладилар. Тушунчаси ва қобилияти Исломуга уйғун равишда дунёга келадилар.

Бу ҳикояда эс-ҳуши жойида бўлган хотинлар учун ибрат дари бор. Сутга сув қўшиш катта бир гуноҳдир. Қанча гўдаклар сут билан ўсади. Қанча беморлар сутли овқат еб шифо топади. Шунга қарамай, сутга сув қўшиб сотиш жаҳаннамга чипта олиш билан тенг. Агар сув қўшиб сотилган сут пулига Ҳажга борилса, бошга балолар келади.

Эй қардош! Тўғрилиқдан ҳеч айрилма. Ўзингни мусулмонман десанг, тўғри бўл! Ҳаром-ҳаришни ишлатма. Аллоҳ берганига қаноат қил. Аллоҳга шукр қил! Молинг ва бошқа топган нарсангнинг хайрлиси, ярарлиси ҳалол бўлганидир. Буни ҳеч эсингдан чиқарма!

### 89-ҲИКОЯ

#### ТОРТИБ ОЛИНГАН БАЛИҚ ТОМОФИГА ТИҚИЛДИ

Балиқчи тутган балиқларини уйга олиб келар экан, бир золим йўлтўсар унинг балиқларини тортиб олди ва урди. Балиқчи бундай дуо қилди: «Ё Раббий, мени заиф, уни қувватли яратдингки, у менга зулм қилди. Махлуқотингдан бирини унга рўпара қил, токи бутун олам ундан ибрат олсин. Ё Раббий, сен ҳар нарсага қодирсан!»

Золим балиқларни пишириб еяётган пайтда томофига қилтанок тиқилди. Нафас ололмай қолди. Табибларга югуриб даво тополмади. Кечга яқин Аллоҳга ёлворди. Золим тушида: «Фалон одамнинг ҳаққини берасан, шундан сўнг хасталиқдан қутуласан», деган нидони эшитди. Уйғонар-уйғонмас шошилиб балиқчинини қидириб топди. Унга минг дирҳам бериб, ҳалоллашди. Аллоҳнинг изни билан хасталиқдан қутулди.



**90-ҲИКОЯ****КЕЧА-КУНДУЗ ШАРОБ ИЧУВЧИ ОДАМ**

Шароб ичган бир одам маст бўлиб, сийдиги билан қўлини, юзини юва бошлади. Унга: «Нима қилиясан?» дедилар. «Қўлларимни, юзимни ювмоқдаман», деб жавоб берди у.

***Изоҳ ва ўғит***

Бу ҳикояда ичкилик одамларни қай аҳволга солиши кўрсатилган. Ақли бор одамлар бундан ибрат олишлари керак. Дарҳақиқат, ичкилик инсоннинг номус ва шарафига энг катта доғдир.

**91-ҲИКОЯ****ЮЗИНИ КЎППАК ЯЛАГАН МАСТ**

Бир мастнинг дудоқларини ит ялай бошлади. Маст итга: «Эй афандим! Эй султоним! Аллоҳ сени муборак қилсин», дер экан, ит мастнинг юзига қараб сия бошлади. Итнинг бу иши учун ҳам маст ташаккур айтди.

***Изоҳ ва ўғит***

Мастлик ақлсизлик демақдир. Мастлик инсоннинг ақлини шу қадар олиб қўяди. Ва инсонни ўзлигидан, инсонликдан узоқлаштирадиган бир ҳолга келтиради. Ит мастнинг юзига сийганида, маст юзимни ювяптилар, деб ўйлади. Мастларнинг қандай айб, қандай уят сўзлар айтишларини билмаган одам йўқ. Мастлар номус ва шарафларини сақламайдилар, чунки ўша пайтда ақлларида айрилган бўладилар. Мастлик қанча давом этса, ақлсизлик ҳам шунча давом этади. Мастлар бундай пайтда нима қилганларини ҳам билмайдилар. Номус, ор, шараф каби қадриятлар қушдек учиб кетади, қайтиб келиб қўнмайди. Қанча номусли хотин ва қизларнинг номуси мастликда парчаланadi. Бундай чиркин хатарларнинг минг-мингини ҳар куни гезеталарда ўқиймиз. Ичкилик заҳарли илон кабидир. Бир чақса ўлдиради. Яхшиликка олиб келмайди. Шунинг учун динимизда ичкиликнинг барча хиллари ҳаромдир, гуноҳдир дейилган. Ичувчилар жаҳаннамга бориб ёнадилар, кул бўладилар.

## 92-ҲИКОЯ

## ИЧКИЛИК АҚЛНИ ОЛАДИ

Жаброил (а.с.) Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳузурларига келиб: «Аллоҳ (Ж.Ж.): Жаъфари Тайёрий жоҳилият ва Ислолда бўлган тўрт хислатлари сабабли мақтовга сазовор бўлди, деди», деб хабар берди. Расули Ақрам (с.а.в.) Жаъфари Тайёрийдан сўради, Жаъфар бундай жавоб берди: «Қарасам, ичкилик ақлни йўқотади. Шунинг учун ичкилик ичмадим. Бут-санамларга қарамадим, — на зарари, на фойдаси бор. Уларга сиғинмадим. Оиламни рашк қилганим учун бошқаси билан зино этмадим, бошқаларнинг хотинларига боқмадим. Ёмонлигини кўрганим учун асло ёмон сўзламадим».

*Изоҳ ва ўғит*

Ақлли одамлар бошқаларнинг бошига келган яхшиликлардан ўғит олиб, яхшиликка интиладилар. Ёмонликларидан ибрат олиб, ёмонликлардан узоқлашишга ҳаракат қиладилар ва ўзларини сақлайдилар.

## 93-ҲИКОЯ

## АЛЛОҲНИНГ НЕЪМАТЛАРИ БЕҲИСОБ

Фақирлардан бири фақирлигидан шикоят қила бошлади. Қолганлари унга айтдилар: «Тилингни лол этамиз, сени соқов қиламиз. Эвазига сенга ўн минг лира берамиз». Рози бўлмади. «Кўзларингни кўр қиламиз, ўн минг лира берамиз», дедилар. Рози бўлмади. «Оёқ-кўлингни кесамиз, ўн минг лира берамиз», дедилар. Яна рози бўлмади. Улар: «Эй ҳаёсиз инсон, ўтгиз минг лира келадиган сармоянг бор экан, яна фақирман деб юришинг тўғрими?» дедилар.

*Изоҳ ва ўғит*

Аллоҳ сабр қилувчи фақирларни севади. Сабр қилган фақирлар бу ҳикоядан ибрат ола билган кимсалардир. Ҳар неъматнинг Аллоҳдан келишига ишонган одам шундай сабр қилади. Сабрли бўлмоқ учун ирфонли бўлмоқ керак. Инсон ўз ҳолига шукр эта билса, шунда у роҳат кўради. Жаноби Ҳақнинг ўз бандаларига берадиган неъматларини тушунса, у ҳолда бировга ҳолидан шикоят этмайди.

## 94-ҲИКОЯ

**ЁЛҒОН ҲАММА ЁМОНЛИКНИНГ БОШИДИР**

Пайғамбаримиз (с.а.в.) олдиларига бир киши келиб: «Ё Расулulloҳ, менинг учта хасталигим бор: зино, ёлғон ва ичкилик ичиш», дебди. Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Ёлғон сўзлама», деб буюрдилар. Бироз вақт ўтгач, у одам зино қилишни хоҳлабди. Аммо Пайғамбаримиз (с.а.в.) мендан сўрасалар, қандай ёлғон гапирман, деб ўйлаб қолибди. Сўнгра ичкилик ичишни хоҳлабди. Яна, Пайғамбаримиз (с.а.в.) мендан сўрасалар, нима дейман деб, ёлғон гапирмасликдан сақланибди ва натижада икки гуноҳидан ҳам қутулибди.

*Изоҳ ва ўғит*

Ота-боболаримиз: «Ёлғон барча ёмонликнинг бошидир. Ёлғон билан имон бир ерда турмайди. Ёлғончида ор-номус бўлмайди», деганлар. Ёлғончи одамларда номус бўлмайди. Номуссиз одам инсонларнинг номусларини поймол қилишдан тоймайди. Шунинг учун динимизда ёлғонга ҳеч ўрин йўқ. Динимизда ёлғон катта гуноҳдир.

## 95-ҲИКОЯ

**ПАЙҒАМБАРИМИЗ (С.А.В.) НИНГ НАБИРАСИ  
КАСАЛ БЎЛИБ ҚОЛГАНИ**

Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг қизлари: «Ўғлим ўлар ҳолатда, келишингизни илтижо қиламиз», деб хабар берди. Буни эшитган Расули Акрам (с.а.в.) қизининг олдига одам юбориб, ундан ўз саломларини ҳам йўлладилар ва: «Берган ҳам, оладиган ҳам Аллоҳдир. Ҳамма нарса Унинг ихтиёрида, ҳар ишнинг муайян вақти бор. Шунинг учун сабр қилсин ва Аллоҳдан нажот тиласин», деб буюрдилар. Бунга жавобан Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг қизлари: «Аллоҳга қасамёд қилиб отамнинг келишини сўрайман», деб илтижолар қилди. Расули Акрам (с.а.в.) Убайда ва бир қанча саҳобалари билан бирга бордилар. Гўдакни Расулulloҳ (с.а.в.) олдиларига келтирдилар. Расулulloҳ унинг қаршисига ўтирдилар, кўзлари ёшга тўлди. Бола тез-тез нафас ола бошлади. Шу пайт Саъд: «Ё Расулulloҳ! Бу не ҳол, Сиз нега йиғлайсиз?» деди. Расули Акрам

(с.а.в.): «Бу бир раҳматдирки, Аллоҳ Таоло Уни қулларининг қалбларига қўйгандир», дедилар.

### *Изоҳ ва ўғит*

Ислом дини марҳамат динидир, марҳамати (раҳмдиллиги) бўлмаганларнинг Ислом динига кўра қадри бўлмайди. Бақриб-чақирмасдан, ўлганларга кўз ёши тўкиб йиғлаш жоиз. Бақриб-чақириш тўғри эмас. Ислом бақриб-чақиришга изн бермайди.

### 96-ҲИКОЯ

#### САЛТАНАТ — БИР КЎЗА СУВГА ТЕНГ

Бир подшоҳ қабзиятга йўлиқиб, таҳорат олишга жуда қийна-либди. «Ким мени бу касалликдан қутқарса, салтанатимни ўшанга бераман», дер экан. Бу сўзни эшитган Аллоҳнинг севикли қулларидан бири подшоҳ олдига келиб, унинг қорнини силабди, подшоҳ шифо топибди. Подшоҳ:

— Бу тахтга ўтир, бутун салтанатим сенга, — дебди.

Ул одам:

— Йўқ, сен ўз мақомингда ўтир, фақат унинг қийматини, ҳаддини бил. Бу дунёнинг зарра қадар қиймати йўқ... Бир кўза сув каби тугайди. Агар уни ича олмасанг, салтанатингни берасан, ичиб чиқаролмасанг ҳам салтанатингни берасан. Шунинг учун у бир кўза сув кабидир, деб айтибди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Ер юзида энг буюк неъмат сиҳатдир. Бир одам подшоҳ бўла олар, қирол, жумҳурият раиси, бир мамлакат мол-мулкига эга чиқа олар. Аммо сиҳати бўлмаса, бу барча моддий салтанат ҳеч ҳузур бермайди. Бирор одамнинг бир дунё мол-мулки бўлса ҳам бир пиёла сув ичиб уни чиқара олмаса, унда нима бўлади?! Шу бир пиёла сувни чиқармоқ учун барча мол-мулкени беришга рози бўлади. У ҳолда мол-мулк, пул, амал ва мақом билан керилиш ақлли одамнинг иши эмас.

Бир пиёла сувчалик қадри бўлмаган дунё мол-мулкига боғланиб қолиш аҳмоқликнинг ўзидир. Инсон ўз ҳаддини билиши керак. Жаноби Ҳаққа шукр этиш керак. Аллоҳ қандай неъматлар берган бўлса, унинг шукронасини қилмоқ керак. Аллоҳ неъмат-

ларининг шукри туганмасдир. Яъни биз бир қул сифатида Аллоҳга шукр этамиз. Чунки Аллоҳнинг неъматлари беқиёс. Бадавлат одамлар эса бундан ҳам кўп шукроналар айтиши керак. Кеккайиб кетиш, ўзни билмаслик, бойман деб ғурурланиш ақлли ва оқил мусулмон иши эмас.

### 97-ҲИКОЯ

#### СЕНГА ҚУЛ БЎЛИШИМ УЧУН УЧТА ШАРТИМ БОР

Бир одам бир қулга харидор бўлди. Қул у билан савдолашди ва:  
— Сенга қул бўламан, майли, фақат учта шартим бор, — деди.  
— Биринчиси: намоз вақтида мени бўш қўясан. Иккинчиси: кундузи менга нима хоҳласанг буюравер, кечаси ишимга аралашмайсан. Учинчиси: менга берган хонангга бошқа одам кирмайди.

Харидор бу шартларни қабул қилди. Қул ҳеч ким турмайди-ган хонани танлади ва у ерда тонггача ибодат билан машғул бўлди. Кундузлари хўжайини, кечалари Аллоҳ хизматини қилди.

Кунлардан бир кун подшоҳ зиёфат берди. Ярим кечага қадар зиёфатда бўлдилар. Ҳамма тарқалгач, хўжайин ҳам уйига қайтиб келди. Қараса, қули ярим кечада сидқидилдан ибодат қилмоқда. Бошидан бир нур чиқиб осмонга таралиб турибди, дуо қилмоқда. Дуосида: «Ё Раббий, кундуз кунлари афандимга (хўжайинга) хизмат қилишга мажбурман. Агар шундай бўлмаганда, кечаси ҳам, кундузи ҳам сенга ибодат этардим. Узримни қабул эт, гуноҳларимни кечир», деб ёлвормоқда. Хожаси эрта тонгда қулига: «Сен бугундан бошлаб озодсан, ҳурсан», деди. Қул: «Ё Раб, модомики, менинг аҳволимни бу зот билиб қолган экан, жонимни олгин», деб ёлворди. Шу заҳоти руҳини таслим этди.

### Изоҳ ва ўғит

Эй, Ҳақ йўлчиси! Жаноби Ҳақ авлиёлик даражасига юксалтирган қулларига турли-туман неъматлар беради. Уларга берган кароматларни пинҳон тутади. Авлиёнинг каромати ошкор бўлганда, бу дунёдан кўчмоғидан, вафоти яқинлашгандан дарақ беради.

## 98-ҲИКОЯ

## ИНСОН ТАВОЗЕЛИ БЎЛМОҒИ КЕРАК

Хорун ар-Рашид бир пайтда ҳаждан қайтаётиб Бағдодга келди. Уни бутун халқ кутиб олиш учун истиқболига чиқди. Шаҳардан ўтиб бораркан, тўпланган халойиқ ичидан Баҳлул Хорунга бундай деди:

— Эй мўминларнинг амири!

Хорун юзидан ниқобини олиб Баҳлулга қаради:

— Буюр, эй Баҳлул! — деди.

Баҳлул:

— Эй ҳукмдор, Байтуллоҳ зиёратидан қайтмоқдасан. Шундай муборак сафардан келяпсану, бу кибр, бу ғурур нимаси? Агар тавозе қилсанг, сен учун янада хайрли бўлади, — деди.

Хорун ар-Рашид йиғлаб, кўз ёш тўқди ва:

— Эй Баҳлул, яна насиҳат қил, давом эт, — деди.

Унга жавобан Баҳлул:

— Эй Хорун, барча ерлар сеники, барча инсонлар сенга тобе бўлса ҳам борадиган жойинг тупроқдир, — деди.

Хорун уни тушунди ва:

— Тўғри айтасан, Баҳлул, — деди.

## 99-ҲИКОЯ

## ЧАҚАЛОҒИНГНИ НЕГА СУТДАН АЙИРДИНГ?

Халифа Ҳазрат Умар (р.а.) ҳар галгидек кечқурун шаҳарни кезиб юарди. Кўчадан ўтиб кетаётганида аччиқ-аччиқ йиғлаётган чақалоқнинг овозини эшитди. Бироз пойлаб турди, чақалоқ йиғиси тўхташини кутди. Аммо бола борган сари қаттиқроқ йиғлар эди. Ҳазрат Умар (р.а.) чидаёлмай, эшикни тақиллатди ва:

— Нега болани йиғлатмоқдасиз, унинг онаси йўқми? — деб сўради.

Чиққан хотин:

— Мен унинг онаси бўламан, — деган эди, Халифа унга:

— Сен нега бунчалик шафқатсиз хотинсан, нега болани бунчалик йиғлатасан, — деди.

Хотин:

— Нега ҳолимизни билмай, бундай дейсиз, озор берасиз? Болани яқинда сутдан ажратдим, уйимизда егулик бирор нарса бўлсайди, боламни овулар эдим, — деди.

Ҳазрат Умар (р.а.):

— Боланг неча ёшда? — деб сўради.

Хотин:

— Ҳали бир ёшга тўлгани йўқ, — деди.

Ҳазрат Умар (р.а.):

— Нега бундай эрта сутдан айирдинг? — деб сўради.

Хотин:

— Аллоҳ Халифага инсоф берсин. Болалар сутдан ажратилмагунча нафақа бермайди. Шунинг учун эрта сутдан ажратдим, — деб жавоб берди.

Ҳазрат Умар (р.а.) бомдод намозини ўқигандан сўнг мулозимларидан бирини чақириб:

— Сизнинг Умарингизга уят! — деб икки марта надомат билан қайтарди. — Ҳар бир мусулмон бола туққанида Халифага дарҳол хабар берсин. Байтул молдан — давлат хазинасидан нафақа тайинлансин. Ҳеч бир аёл нафақасиз қолмасин ва боласини эрта сутдан айирмасин. Шу онда кимнинг чақалоғи бўлса, болани келтириб, нафақа ёздирсин, — деди.

Алоҳида жарчилар Мадина кўчаларида юриб, аҳолига бу қарорни эълон қилдилар.

### *Изоҳ ва ўғит*

Китобхон қардошим! Жаҳон тарихида адолати зарбулмасал бўлган Ҳазрат Умар барча мусулмонлар ва ўзининг қарамоғидаги халққа шундай ғамхўрлик қилар эди. Мадина кўчаларида кўча қоровуллари каби вақти-вақти билан кезиб, «дардли фуқаро борми», деб юрарди ва кўпинча бундай одамларга шахсан ўзи ёрдам берарди. Бир куни болалари йиғлаган хотиннинг болалари учун ун орқалаб борган Умар дўстининг бундай қилмагин, деган эътирозига қарамасдан: «Унни Умар ташисин, фақирларнинг кўнглини олмоқ учун терласин. Аллоҳ Умарни афв этсин», деб унни ўзи ташиди. Сўнгра у хотиннинг уйига келиб, ўз қўли билан овқат пишириб едирди. Ўтти ўзи ёқди, ўт ёқар экан, соч-соқоли кулга булғанди. Хотин ёрдам беришни истаганда, унга:

— Бор, болаларингни ову. Мен ўзим уларга овқат тайёрлаб бераман, — деди. Болалар қоринларини тўйдириб ётдилар. Умар ҳузур қилиб дам олди. Ва:

— Эртага Умарнинг олдига боринг. Сизга нафақа берсин, — деб хайрлашди.

Адолатнинг тимсоли бўлган Умар (р.а.) шундай бир Умар эди. Разиаллоҳу анҳу. Аллоҳ ундан рози ва хушнуд бўлсин. Омин!

### 100-ҲИКОЯ

#### ЗАКОТ ВА САЛОБА

Салоба исмли бир зот намоздан сўнг Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг орқасидан уйига қайтар эди. Унинг аҳволи яхши эмас, заиф, ғоят фақир ва камбағал эди. Бир кун келиб у Пайғамбаримиз (с.а.в.) га:

— Ё Расулulloҳ! Мени бир дуо қилсангиз, Аллоҳ бизга ҳам бир оз дунё, давлат берсин, — деди.

Расули Акрам (с.а.в.):

— Ҳолингга шукр қил, ё Салоба, — дедилар.

Салоба:

— Шукр қиламан, ё Расулulloҳ! Аммо бироз садақа бериб савоб қозонмоқ истайин, — деди.

Расулulloҳ (с.а.в.):

— Шукр қил, оз мол-дунё шукр этилмаган кўп мол-дунёдан хайрлидир, — дедилар.

Салоба яна:

— Ё Расулulloҳ! Биттагина янги кўйлагимиз бор, тўғри намоз ўқимоқ учун. Мен масжидга келишда кияман. Жамоатдан сўнг тезда уйга келаман. Мен ечиб, оилам кийиб намоз ўқийди, — деди.

Расулulloҳ яна қайтариб шукр этиш кераклигини таъкидла-салар ҳам Салоба такрор гапирарди. Бир кун Расули Акрам (с.а.в.) Салобага «бир кўйни ол», дедилар. Салоба бир кўйни олди. Расулulloҳ (с.а.в.) дуо қилдилар.

Салоба оз фурсатда анча бойиди. Секин-аста намозларга келмай-диган бўлди. Сўнгра Жума намозларига ҳам келмайдиган бўлди.

Расулulloҳ (с.а.в.):

— Салоба қаерда? Нима бўлди бизнинг Салобага? — деб сўра-дилар.

Асҳоб:

— Ё Расулulloҳ! Салоба бойиб кетди. Қўйлари Мадинага сиғмайди. Салоба Мадина ташқарисига чиқди, у ерда қароргоҳ қурди, — дедилар.

Расулulloҳ (с.а.в.):

— Уят, Салобага, — дедилар.

«Ақимуссалоҳ ва атуззакоҳ» ояти нозил бўлди. Ҳар бир му-сулмон бой ҳам намоз ўқийди, ҳам закот беради, деган амр кел-



ди. Расули ақрам (с.а.в.) закот олувчиларни Салобага юбордилар. Маъмурлар Салобага молининг қирқидан бирини закотга бер, дедилар.

Салоба ўйлаб:

— Қирқдан бири берилса, шунча қўйнинг пули бўлади-я, — деди ва маъмурларга қараб. — Биласизларми, мен бу қўйларни қандай қилиб олганман? Бунча закот бермайман, — деди.

Маъмурлар:

— Аллоҳ амри бу, — дедилар.

Салоба:

— Мен бориб Пайғамбар билан гаплашаман, — деди.

Маъмурлар келмасдан бурун Жаброил (а.с.) Расулуллоҳ (с.а.в.) га келди. Жаноби Ҳақ Пайғамбар (с.а.в.)га билдирди. Аллоҳ Таоло: «Ҳабибим, аввал Аллоҳ бизга қанча берса, биз ҳам шунча хайр-эҳсон қиламиз, дейдилар-да, сўнг Аллоҳ фазли, карами билан эришилган бойликдан эҳсон беришга хасислик қиладилар. Бундай одамларнинг молларидан закот олишни ман этаман», деб буюрди.

Сўнг Салобанинг ўзи келди. Фафлатдан қутулди ва Расулуллоҳ (с.а.в.)га ялинди: «Молимнинг закотини ол», деди. Аммо Расулуллоҳ (с.а.в.) олмадилар. Салоба Ҳазрат Абу Бакр ва Ҳазрат Умар даврларида ҳам яшади. Ҳеч бири Салобанинг закотини қабул қилмади. «Расулуллоҳ закот олмаган молдан биз закот олмаймиз», дедилар

Салоба бошини тошдан-тошга ура-ура ўлиб кетди. Салобанинг хайрсиз моли Салобани ҳалок этди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Китобхон қардош! Расулуллоҳ (с.а.в.): «Ё Салоба, ҳолингга шуқр қил», — деб буюрган эдилар. Салоба тушунмади. Хайрсиз молни кўпайтирди. Ҳолбуки, хайрли мол Аллоҳ йўлида харж қилинган мол эди. Салоба ҳақида Тавба сурасида оятлар бор, 10-жумда. Ҳозирги замонамизда не-не Салобалар бор, молининг ҳисобини билмайди. Аммо закот беришга келганда ... Авваллари фақир бўлган, кейин бойиб кетганлар борки, уларнинг кўпи ҳам шундай дейдилар. Худди Салобага ўхшаб. Буларни мен XX аср салобалари, дейман. Қардошларим, хайрли мол-мулк Аллоҳ йўлида сарф этилган мол-мулкдир.

## 101-ҲИКОЯ

## УЧ ОДАМНИНГ ИМТИҲОН ҚИЛИНИШИ

Бухорий ва Муслим гўшлаган ҳадисларда бу ҳикояни Абу Ҳузайра (р.а.) Расули Акрам (с.а.в.) номидан бундай ривоят этган:

Расули Акрам (с.а.в.):

— Сиздан аввалги умматлардан уч кимсанинг абрас, кал ва кўр бўлганлари аҳволидан ҳикоя қилиб бераман. Аллоҳ Таоло имтиҳон қилиш учун уларнинг олдига бир малак юборди. Малак олдин баданига оқ тушган, абрас касаллигига мубтало бўлганининг олдига келди ва:

— Дунёда энг яхши кўрганинг нима? — деб сўради.

У одам:

— Танамнинг гўзал, чиройли ва силлиқ бўлишини, одамлар мени кўриб хурсанд бўладиган чирой соҳиби бўлишни яхши кўраман, энг хоҳлаган нарсам шу, — деди.

Малак абрас касаллигига мубтало бўлган одам баданини силади ва уни гўзал бир вужуд соҳиби қилиб қўйди.

Малак:

— Энди сенга давлат бераман. Қандай молни яхши кўрасан? — деди.

Абрас:

— Мен туяни жуда яхши кўраман, — деди.

Абрасга ўн ойлик урғочи бир туя бериб, малак:

— Бу туяни Аллоҳ сен учун баракали қилсин, — деб дуо қилди-да, кал бўлиб қолган одам олдига борди.

Малак калга:

— Дунёда энг яхши кўрганинг нима? — деди.

Кал:

— Энг яхши кўрганим чиройли сочли бўлиш. Калликдан қутилиш учун ҳеч нарсамни аямайман, — деди.

Малак уни ҳам тузатди, у касалликдан қутулди. Бошидан чиройли соч ўсиб чиқди.

Малак:

— Ҳозир сенга давлат, бойлик бераман, нимани хоҳлайсан? — деб сўради.

Кал:

— Сигирни жуда яхши кўраман, бир сигирим бўлишини хоҳлайман, — деди.

Унга бир сигир берилди.

Малак:

— Бу соғин сигирни Аллоҳ сен учун баракали қилсин, — деб, кал билан хайрлашиб, кўрнинг олдига борди.

Малак кўрга:

— Дунёда энг яхши кўрганинг нима? — деб сўради.

Кўр:

— Энг орзу қилганим кўзларимнинг кўришидир, — деди.

Малак уни ҳам даволади, унинг кўзлари очилди.

Малак:

— Сенга бойлик бераман, нимани яхши кўрасан? — деди.

Кўр:

— Энг яхши кўрганим қўйдир. Қўй сурувларим бўлишини истардим, — деди.

Кўрга урғочи қўй берилди. Туя бўталоқ, сигир бузоқ туғиб бердилар, қўй кўзилади. Уч одам шунчалик бойиб кетдиларки, кўп вақт ўтмай учаласининг ҳам бир водийни тўлдирадиган туялари, сигирлари, қўйлари бўлди. Ҳар бирлари бир водийга эга эдилар. Ҳаммаси моллари билан шуғулланди.

Кейин малак яна ерга тушиб, баданига оқ тушган одам олди-га абрас қиёфасида келди ва:

— Эй, бадавлат инсон! Мен бир ғариб мусофирман. Кўп юрдим, менга Аллоҳ ризолиги учун бир туя бер, манзилимга етиб олай. Сенинг рангинг ва баданингни чиройли қилгани ҳаққи менга ёрдам бер, — деди.

Баданига оқ тушган одам:

— Берадиган нарсам йўқ, ҳамма нарсани бериб бўлганман, — деди.

Малак:

— Мен сени таниётганга ўхшайман. Сен ҳамма ҳазар қиладиган, одамлар ирганадиган абрас эмасман? Сен жуда камбағал эдинг. Аллоҳ сенга урғочи туя бериб, бадавлат қилмадими? — деди.

Абрас — баданига оқ тушган:

— Йўқ, у одам эмасман. Бу мол менга отамдан, бобомдан қолган, — деди.

Малак:

— Агар ёлғон сўзласанг, Аллоҳ сени аввалги ҳолингга келтириб қўяди, — деб ундан нари кетди.

Кейин кал одам суратида калнинг олдига борди. Абрасга айтган сўзларни унга ҳам айтди, ёрдам сўради. Кал ҳам ўшандай жавоб берди.

Малак калга:

— Агар ёлгон гапирсанг, Аллоҳ сени аввалги ҳолингга қайтарсин,— деб ундан узоқлашиб, кўрнинг олдига борди.

Кўрнинг аввалги ҳолатига кириб, кўрга:

— Мен фақир, йўқсил одамман, йўлда қолдим. Юртимга қайтишга имконим қолмади. Менга Аллоҳ ризоси учун ёрдам бер. Сенинг кўзларингни очган, равшан қилган, сенга давлат берган Жаноби Ҳақнинг ризоси учун менга битта кўй бер, — деди.

Кўр унга:

— Эй гариб йўлчи! Мен аввал сен каби кўр эдим. Аллоҳ кўзларимни равшан қилди. Кўзларимни такрор қайтариб берди. Мен жуда фақир эдим, менга бир кўй берди, ундан давлат орттирдим, барака берди. Ҳозир кўриб турганинг — сурувларнинг ҳаммасини у берди. Унинг учун истаганингча кўй олишинг мумкин. Аллоҳ учун ҳеч нарсани аямайман, — деди.

Малак:

— Молинг ўзинга буюрсин. Аллоҳ баракатини орттирсин. Бу сизлар учун Аллоҳ тарафидан бир имтиҳон эди. Танишларинг ҳалок бўлиб кетдилар. Улар Аллоҳ ғазабига учрадилар, — деди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Бу ҳадис қанчалар ибрат дарси беради. Бизнинг замонамизда ўша замонларнинг абрасига ва калига ўхшаган қанча абрас ва каллар бор. Агар улардан бирор ёрдам сўрасанг, сенга ақл ўргатадилар, насихатлар қиладилар.

Демак, бундай одамлар дунё бунёд этилганидан бери бор. Аллоҳнинг бу ҳикматини кўринг: ёмон феълли одамларнинг феъллари бир-бирига айнан ўхшайди. «Аллоҳ! Аллоҳ! Фасубҳоналлоҳ!»

Баъзан одамлар қандай золим, кўрқинчли бўлишлари мумкин. Тарих такрордан иборат дейдилар. Ул замоннинг ноққўр «Абраси ила кали» бу куннинг худди шундай ноққўр одамларига ўхшайдилар. Эшикларига бир фақир келса:

— Биласанми, бунинг қанча туришини? — деб қувлайдилар.

## 102-ҲИКОЯ

## ДИНСИЗЛИК ЖАЗОСИ ФАЛОКАТДИР

## Абраҳанинг филли қўшини ҳалокати

Абраха деган динсиз Маккадаги Каъбани йиқитиш учун Ҳабашистоннинг филлари билан қувватлантирилган қирқ минг кишилик қўшин ила Ямадан Маккага келди. Каъбани йиқитиши ҳақида Маккага элчи юборди. Макка халқи қўрқиб тоғларга чекинди. Уйларини, молларини, мулкларини ташлаб қочдилар.

Ўша пайтларда Макканинг муҳофизи (қўриқловчиси), раиси Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг бобоси Абдул Мутталиб эди. Каъбага шу зот — Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг бобоси қарар эди. Яманлик Абраха Макка аҳолисининг молларини ўлжа олиб, тўплади. Буларнинг ичида Абдул Мутталибнинг туялари ҳам бор эди. Абдул Мутталиб бориб туяларини қайтариб олди. Абраха филлар билан қувватлантирилган қўшинини Каъбага боришга буюрди. Каъба йиқилиши, ер билан яксон бўлиши керак эди. Абобил қушларидан тузилган Аллоҳ қўшини, илоҳий қўшин шу пайт осмонда пайдо бўлди. Абобил қушлари филли қўшинга тасбеҳ донасидай кичик тошлар отиб, бир зумда филларни йўқ қилиб ташлади.

Филлари бор қирқ минг кишилик қўшин сомондай поймол бўлди. Абобил қушлари отган ҳар тош Абраха аскарларининг жасадларини илма-тешиқ қилиб ташлади. Ҳар бир қуш тумшугида битта тош, панжаларида иккита тош олиб келиб, учтадан тош отар эди.

Абраҳанинг филли қўшини ҳалок бўлди. Ўзи эса қаттиқ яранган бир аҳволда Яманга қайтиб келган бўлса ҳам кўп ўтмай ҳалок бўлди.

*Изоҳ ва ўғит*

Бу ҳодиса Қуръони Карим сураларидан «Аламтара» — «Фил» сурасида эслатилади. Бу воқеага «Фил воқеаси» номини берганлар. Пайғамбаримиз (с.а.в.) бу воқеадан 50-55 кунча кейин туғилганлар.

Мазкур сурада буюк ҳикматлар яширинган. «Аламтара» сурасини ўқинг. Таржима ва тафсирини ўқисангиз, Аллоҳ қандай буюк қувват-қудрат соҳиби эканлигини англайсиз.

## 103-ҲИКОЯ

## ҲИСОБИ ҚИЛИНАДИ

Ҳазрат Мусо (а.с.) Жаноби Ҳақга бундай муножот қилди:

— Ё Раббий! Дўстларингдан бирини менга кўрсат.

Аллоҳ Таоло Мусо (а.с.)га:

— Ё Мусо! Бу тоққа чиқ, у ерда ғор бор, унда бир одам яшайди.

Ўша ғорда яшайдиган одам менинг дўстимдир, — деб буюрди.

Ҳазрат Мусо (а.с.) тоққа чиқди, ғорга кирди. Қараса, ғорда бир одам беҳол ётибди. Боши остида гиштдан ёстиқ, ёнида саж-жода (жойнамоз), яна тўни бор. Бошқа ҳеч нарса йўқ. Бир бечора йўқсил!..

Ҳазрат Мусо (а.с.):

— Ё Раббий! Сенинг дўстинг шул зотми? — деди.

Жаноби Ҳақ:

— Ё Мусо! Иззатим, қудратим ҳаққи у одамни хирқаси (устки кийим, тўн) ва ёстиқ қилган гиштининг ҳисобини қилмагунича жаннатга қўймайман, — дея буюрди.

*Изоҳ ва ўғит*

Эй, Аллоҳ деган қардош, эй мўмин! Ғорда бир хирқаси, бир жойнамози ва гишт ёстиғидан бошқа нарсаси бўлмаган бир қул-ни Жаноби Ҳақ ҳисобини қилмай, Жаннатга қўймайман деса, бизнинг ҳолимиз қандай бўлади? Биз шунча неъматлар ичида юрамиз. Аллоҳ ҳар бир неъматининг ҳисобини қилади. Ўшанда ҳолимиз нима бўлишини тушуниб эслайлик-да, Аллоҳимизга лойиқ қуллик қилишга интилайлик.

## 104-ҲИКОЯ

## ҲАЗРАТ УМАРНИНГ КАРОМАТИ

Жума куни мўминлар Халифаси Ҳазрат Умар (р.а.) Мадинада минбардан туриб жамоатга хутба ўқир эди. Хутба ўқиётиб Халифа бирдан бақирди ва:

— Ё Сариёл, Жабол! Ё Сариёл, Жабол! Ё Сариёл, Жабол! — деди.

Уч карра: «Ё Сариёл, Жабол — Ё Сариёл, тоққа, тоққа», деб бақирди.

Асҳоб орасида аҳволни баъзилар тушунди. Ҳазрат Али халифанинг бу сўзини ўша кун, ўша соатда бир манзилда қайд этди.

Ислому кўшинлари Сариеъл кўмондонлиги остида эди. Сариеъл кўшинга дам олишга руҳсат берганди. Истироҳат қилинадиган ер, тоғнинг этагида эди. Душман тоғнинг этагидан чиқиб, Ислому лашкарига ғофиллигида ҳужум қилмоқчи эди. Ҳазрат Умар аҳволни хутбада кўрди. Ислому лашкарининг Кўмондонини хутбада огоҳлантирди.

Ислому кўшини зафар билан Мадинага қайтди. Ҳазрат Али Сариеълдан сўраган эди, у жавоб бериб:

— Бир жума кун кўшинга дам берган эдим. Ҳазрат Умарнинг «Ё Сариеъл, Жабол», деган нидосини эшитдим. Дарҳол аскарларни тоққа чекинтирдим. Чекинмаганимизда душман бизни мағлуб этиши мумкин эди, — деди.

### *Изоҳ ва ўғит*

У вақтларда телевизор бормиди? Неча кунлик, неча ҳафталик масофада бўлган ислому лашкарларининг таҳликада қолганини халифа Ҳазрат Умарга кўрсатган қувват қандай қувват эди? Буларни тарих олгин ҳарфлар билан ёзмоқда. Умарнинг асосий вазифаси бу ҳақиқатни ўзига лутф этиб берган Раббининг хизматида ҳеч қусур этмаслик эди. Аллоҳга кўнгил берган қулига Аллоҳ бутун масофаларни бир онда пардани кўтариб кўришни лутф этиб берган эди.

### *105-ҲИКОЯ*

#### **ИБРОҲИМ АДҲАМ ВА ТУЯ**

Машҳур Балх ҳукмдори Иброҳим Адҳам салтанат ичида умру ўтказарди. Бир кун кечаси ётоғида ухлар экан, саройда шовқинсурон кўтарилди. Иброҳим Адҳам шиддат билан:

— Бу ерда ким бор? — деб бақирди.

Тепадан бир овоз:

— Мен борман, — деди.

«Саройда ҳукмдор беҳабар ким бўлиши мумкин?» — деган хаёлда ҳукмдор ўпкалаб бақирди:

— Сен кимсан, тун пайтида бу ерда нима қилипсан?

Ул одам:

— Туямни йўқотдим, уни қидирыпман, — деди.

Ҳукмдор хонасидан чиқди ва:

— Эсинг борми, сенинг эй одам, томда туя нима қилсин, — деди.

Ул одам:

— Эй, сен! Эй, Балх ҳукмдори! Аллоҳни юмшоқ пар тўшаклардан қидирасанми?

Бу жавоб ҳукмдорнинг жигарини тилди; юрагини эзди. Дур каби ёшини тўктирди. Иброҳим Адҳам тожу тахтини тарк этди. Ўз тўнини ўзи ямайдиган сўфий бўлди. Бир кун Иброҳим Адҳам сой қирғоғида тўнининг сўкилган жойларини тикиб ўтирган эди, ундан кейин Балх валийси бўлган янги ҳукмдор мулозимлари ила келиб, Иброҳим Адҳамдан нега тожу тахтни тарк этиб, бу ҳолга тушганини сўради.

Иброҳим Адҳам игнасини сойга отди ва:

— Балиқлар, игнани келтиринг! — деди.

Балиқлар игнани келтирдилар. Иброҳимга бериб, яна сувга тушиб кетдилар.

Иброҳим Адҳам Балхнинг янги валийсига жавоб бериб:

— Эй валий! Кўрдингми, Иброҳим Адҳам нега тожу тахтни тарк этди, — деди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Иброҳим Адҳам дунё тожини тарк этган эди. Аммо Аллоҳ уни охираат тож-тахтига ўтқизди. Балиқлар Иброҳим Адҳамга хизмат этар эдилар. Иброҳим Адҳамни бундай юксак даражага, мартабага кўтарган қувват нима эди? Коинотнинг ягона соҳибига, холиқиға бўлган муҳаббати эди. Аммо бундай кўнгил кўймоқлик Иброҳим Адҳам каби дунё тож-тахтини тарк эта билган асл инсонлар ҳаққидир.

### *106-ҲИКОЯ*

#### **НИЛ ДАРЁСИГА ЁЗИЛГАН МАКТУБ\***

Ҳазрат Умар (р.а.) аҳли мўмин Халифаси, Миср валийлигига Амр бин Осни тайинлади.

Мисрда ёмон бир одат пайдо бўлган эди. Ҳар йили Нил наҳрига бир ёш қиз ташланарди. Амр бин Ос Мисрға келгач, халқ янги валийга мурожаат қилиб:

— Ҳукмдор, Нил наҳрига ҳар йили бир қиз болани қурбонликка берамиз. Акс ҳолда, Нил суви кўпаймайди, — деди. —



Келаётган ойда шу расмни бажо айлашимиз шарт. Ота-онасига кўп пул бериб, бир қизча сотиб оламиз. Қизни ясангириб, кейин уни Нил дарёсига отамиз.

Валий:

— Бу ёмон одат. Исломда бунга ўрин йўқ. Энди бундай ботил ишлар бўлмайди, — деди.

Орадан бир ой ўтгач, бахтга қарши Нил суви қуриди. Халқ қурғоқчиликдан оғир аҳволга тушиб қолди. Валий Халифа Ҳазрат Умарга мактуб ёзди ва аҳволни билдирди. Ҳазрат Умар валийга жавобиди: «Жуда яхши қилибсан, ёмон бир одатни тузатибсан. Мен Нил наҳрига ёзган мактубни дарёга ташла», деб ёзди.

Амр бин Ос Нилга ёзилган мактубни очиб ўқиди. Ушбу сўзлар ёзилган эди: «Умар бин Хаттобдан Мисрнинг Нил наҳрига. Эй Нил! Аввал жўшқин оқар эдинг, энди бўлса оқмаётган эмишсан. Аллоҳ учун аввал қандай оққан бўлсанг, шундай оқ, бўлмаса ўзингнинг бошингга оқасан (етасан)!. Миср халқининг сенга эҳтиёжи йўқдир».

Валий халифанинг мактубини Нилга отди. Эртаси кун қарасалар, Нил эски одати бўйича тўлғониб оқар эди.

Миср халқи Ислом қуёши соясида бу ботил ишончлари, қабих одатларидан қутулдилар.

### *Изоҳ ва ўғит*

Ислом жонларга жон бермоқ учун келган бир диндир. Шундай ботил ишларга Исломда ўрин йўқ. Ҳазрат Умар (р.а.) мисрликларга ёмон одатларини тушунтирдилар. Аллоҳ XX асрнинг инсонларига бир лутф этса-да, шундай дахмалардан қисмат кутувчилар ўзларининг ғофилликларини англасалар. Оҳ, оҳ, Ислом нималар дейди-ю, биз нималарни тушунамиз?!

Ислом хотинлари қўлларида бир емак, бир кило ҳолва билан Шахзодабошида ҳолвачи ота дея, ёғоч атрофида тўрт марта айланиб, қизларининг қисмати, бахти очилсин — эрга тегсин, деб ҳолва тарқатадилар. Авлиёларнинг қабри тепасидаги дарахтларга эски латталарни боғламоқлик!.. Ё Аллоҳим! Булар қандай ақлсиз ишлар?! Ислом аёли шундай ҳолга тушдими? Буларга Ҳазрат Умар (р.а.) каби бир Умарни юбор ва уларни бундай ёлғондан қутқар!

## 107-ҲИКОЯ

## ШАЙТОН ШАЙТОНДИР

Нуҳ тўфони бошланди. Нуҳ Алайҳиссалом кемасига оладиганларни олди, шу орада шайтон ҳам келиб, Нуҳ (а.с.)нинг кемасига чиқмоқчи бўлди.

Нуҳ (а.с.) унга:

— Сен кимсан, мен сени танимаяпман, — деди.

— Мен шайтонман, — деди иблис.

Нуҳ (а.с.):

— Сен мендан нима хоҳлайсан? — деди.

— Мени афв этишни Жаноби Ҳақдан илтижо қилинг, — деди шайтон.

Шу пайт Жаноби Ҳақ Нуҳ (а.с.)га ваҳий юборди:

— Ё Нуҳ! Унга айт! Агар бориб, Одамнинг қабрини зиёрат этиб, сажда қилса, кечираман, — деди.

Нуҳ (а.с.) бу буйруқни шайтонга тушунтирганда эътироз қилиб:

— Одам тириклигида сажда қилмаган, Одам ўликлигида сажда қиламанми? — деди.

Шайтон шайтонлигини қилди.

Шайтон одам боласига очиқдан-очиқ душмандир, инсонларга душмандир. Аллоҳ барчамизни ва жумладан Муҳаммад умматини ҳам жин шайтонидан ҳамда инсон шайтонлигининг қабиҳликларидан асрасин! Омин!

## 108-ҲИКОЯ

## ШАЙТОН ВА ФИРЪАВН

Бир куни шайтон келиб, Фиръавннинг эшигини тақиллатди. Фиръавн ичкаридан:

Ким у, келган? — деб бақирди.

Шайтон:

— Эй Фиръавн, Аллоҳман дейсан, Аллоҳ бўлсанг, эшигингга келганнинг кимлигини билишинг керак! Эшик олдида турган кимлигини айтгин, мен сенинг Аллоҳ эканлигини кўрай, — деб Фиръавнни мазах қилди. Сўнгра ичкарига кирди.

Фиръавн шайтонга:

— Сен ва мендан бошқа ҳам олчоқ бир махлуқ бормикан? Аллоҳнинг шунча неъматларини еймиз, беқийс салтанатида яшаймиз-да, яна шайтонлиқдан воз кечмаймиз, — деди.

Шайтон:

— Мен биздан тубанроқ, биздан олчоқроқ бир махлуқни танийман. У инсон фарзандларидан бири ва менинг қирқ йиллик дўстимдир. У бир кун менинг олдимга келди ва: «Биз сен билан қирқ йиллик дўстимиз. Орамиздаги сир-асрор бир-биримизга маълум. Шуларнинг ҳурмати учун менга бир яхшилик қилишингни истайман», деди. Мен унга: «Айт, эшитайлик», дедим. Шунда у дўстим: «Қўшнимнинг бир сигири бор. Оқшомда ўтлоқдан тонггача елинлари сутга тўлиб келади. Уни шундай кўриб, то тонггача уйқум келмайди, юрагим ёнади. Бу сигир сойдан ўтар экан, оёғига ур, йиқилиб ўлсин», деб айтди. Мен унга: «Сенга қўшнингнинг сигирини, яхшиси, олиб берай. Бориб, қўшнингни кўндириб, бу ишни тўғрилаб бераман», дедим. Ҳасадчи: «Яхши бўлмайди. Унинг сигирини, албатта, ўлдиришинг керак. Қачонки сигир ўлса, ўшанда тинч ухлайман», деди.

Бу хоин ҳасадчи биздан ҳам баттар қабиҳ, биздан ҳам аблаҳроқ экан. У билан дўстликни уздим, «мендан узоқ тур, бундан сўнг сен билан дўстлашмайман», дедим.

Бу қисса ҳасад касалига учраганни даволаш қийинлигини энг гўзал шаклда ифода этмоқдадир.

### *Изоҳ ва ўғит*

Эй, Аллоҳ деган қардош! Бир неъмат соҳиби бўлганларга ҳасад қилиш пастилик, тубанликдир. Ҳасад бир касалликдирки, ўлимдан бошқа бир нарса билан ундан қутулиб бўлмайди. Ҳасад касалига учраган одамни ҳеч нарса билан мамнун эта олмайсан. Ҳасадчининг қалби ёмон ният ва олчоқ истакларнинг қизғин бозоридир. Бу ёмон, қабиҳ руҳли одамнинг панжасидан қутулиш учун Аллоҳга сигинмоқ даркор. Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Бир кимсанинг қалбида имон ила ҳасад бирга турмайди. Олов ўтинни ёқиб тугатгани каби ҳасад ҳам барча яхшиликларни куйдириб битиради», деганлар.

### *109-ҲИКОЯ*

#### **СУТ БИЛАН КИРГАН ЖОН БИЛАН ЧИҚАР**

Бир куни бир тошбақа дарё қирғоғида турар экан, чаён чиқиб келди. Чаён дарёнинг нариги қирғоғига ўтмоқчи бўлди-ю, жасорати етмади, қўрқди. Тошбақага ёлвора бошлади:

Дўстим тошбақажон, мени елкангда дарёнинг нариги қирғоғига ўтказиб қўйсанг. Илтмос, ўтиниб сўрайман, нима қилишни билмай, бошим қотиб қолди. Бу яхшилигингни ҳеч унутмайман, умрбод сандан миннатдор бўламан.

Тошбақа:

— Биродар, сенга ишонмайман. Менинг яхшилигимга ёмонлик қайтарасан, деб қўрқаман. Йўқ, ўтказиб қўёлмайман, — деди.

Чаён:

— Ўтиниб сўрайман, қўлингни, оёгингни ўпайин. Мендан яхшилигингни аяма, мен ҳам бир кун сенга яхшилик қиламан, — деб ширин сўзлаб ёлворди.

Тошбақа чаённинг ширин сўзлари ва ёлворишига эриб кетиб, елкасига чиқариб олди. Дарёдан сузиб ўтиб, энди қирғоққа оёқ босмоқчи бўлаётган эди, чаён чаёнлигини қилиб, заҳарли игнасини тошбақага санчди. Бечора тошбақа, яхшилик қилиб, ёмонлик кўрди. Фарёд солиб чаёнга қичқирди:

— Хойн, нима қилдинг? Сандан ёмонлик кўриш учун яхшилик қилганмидим? Ваъданг қаерда қолди? Ёлворган эдинг-ку! Яхшилик, дўстлик, қардошлиқдан лоф урган эдинг-ку. Нима бўлди? Қани у ширин сўзлар? Менга ёмонлик қилгин, деб дарёдан ўтказиб қўйдимми?

Бадфёъл чаён унга жавобан:

— Бу бадфёълимга эътибор берма, дўстим. Бу ёмонлик менадан эмас, у қонимда бор. Бу ёмон фёълимни сенга айтмаган эдим, қандай ҳам айтардим? — деди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Ота-боболаримиз қандай ибратли ҳикоя айтиб ўтганлар. «Бадфёъл фёълдан воз кечолмайди. Жон чиқмасдан бадфёъллик ҳам чиқмайди, йўқолмайди». Яъни «ёмон фёълли инсонлар, чаён ахлоқли инсонларнинг қабих ишларидан, ёмонликларидан сақланинг, ўзингизни асранг», деганлар.

Ҳаммамиз биламизки, баъзи чаёнсифат, чаён ахлоқли, чаён фёълли одамларга яхшилик қилганимиз заҳоти, яхшилигимиз эвазига ёмонлик қиладилар ёки ёмонлик қилишга шайланадилар. Мана шундай чаён фёълли, чаён мизожли, аблаҳ, заҳарханда кимсаларнинг ёвузлигидан инсон ўзини эҳтиёт қилиши зарур. Шунинг учун Ҳазрат Али (р.а.) бундай деганлар:

«Яхшилик қилган одамнингнинг ёвузлик қайтаришидан эҳтиёт бўл». Яъни: чаёнсифат бир кимсага яхшилик қилганинг заҳоти

ундан сенга бир ёмонлик келиши мумкин, мана шундай одамлардан ўзингни сақлаш учун эҳтиёткор, диққатли бўл. У сенга зарар беришни истайди. Сен эса тadbирли, сергақ бўл, деганидир.

### 110-ҲИКОЯ

#### ХАСИСЛИК ЁМОН ОДАТ

Ҳазрат Мавлоно (Жалолиддин Румий) маснавийсида хасисликнинг ёмонлиги ҳақида сўз юритар экан, бир хасис одамнинг ҳикоясини келтиради. Хасислиги билан ўз замонасида донг таратган бир бадавлат одам бор экан. Бу давлатманд одам энг хасис, энг зикна одам сифатида машҳур бўлибди. Бу хасис бир кун жомеъга жамоат билан намоз ўқишга борди. Жомеъда намознинг суннатини ўқиб бўлиб, бирдан: «Уйдаги чироқни ўчирганмидим, ўчирмаганмидим», деб ўйланиб қолди. Шу заҳоти шошилиб туриб, уйига борди. Эшикни тақиллатди. Хизматчи «Ким у?» деб овоз берганида, хасис:

— Тўхта, эшикни очма! Хонамдаги чироқ ёниқ бўлса, ўчириб қўй, ёғи тугаб қолмасин тағин, — деди.

Хизматчи:

— Хўп, афандим, чироқни ўчиришни тушундим, аммо нега эшикни очмайин, тушунмадим, — деди.

Хасис одам:

— Эшикнинг ошиқ-мошуғи едирилмаслиги учун, — деб жавоб берди.

Хизматчи:

— Қойил, афандим, аммо сиз масжиддан бу ерга келгунча пойабзал эскиришини ўйламадингизми? — деди.

Хасис:

— Сен нима, тентакмисан? Мени яхши биласан, масжиддан келгунча пойабзалимни эскиришга қўяманми? Пойабзалимни қўлтиғимга қисиб олиб, ялангоёқ келдим, — деди.

#### *Изоҳ ва ўғит*

Инсон хасислик касалига чалинса, ундан тузалиши қийин иш. Қанчалаб хасислар борки, улар Ҳазрат Мавлоно тасвирлаган хасиснинг айни ўзига ўхшайдилар. Улар орамизда яшайдилар. Ҳар биримиз бирор хасисни биламиз, таниймиз. Чунки ҳар бир муҳитда хасис бор. Хасислик касаллигидан қутулиш қийин. Хасислик бу дунёда юз қораси, охиратда эса жаҳаннам ярасидир.

Зеро, хасис одамлар на закотни етарли, лойиқ даражада берадилар, на садақа, на хайрия қила оладилар. Хасислар билан нафс ва шайтон энг самимий дўстдирлар. Ушбу жаҳаннам дўстлари (нафс ва шайтон) бор экан, хасис йўли жаҳаннам томондир.

Ҳеч унутмайман, хасислардан бирига бир эҳтиёж соҳиби, фақир талабани юбордилар. «Бу болага бир кўйлак керак», дедилар. Хасис бола билан шаҳар марказини, бозорни кезди. Аммо кўйлак олмади. Кейин эски, кийилган кўйлак олмоқчи бўлди. Талаба бола: «Йўқ, керак эмас, шу кўйлагим ўзи бўлади», деб рад этди.

Бу хасис кўйлакни хайрия қилиб эмас, закот сифатида олиши керак эди. Закот эса ўша фақирнинг ҳаққидир. Фақирнинг ҳаққидан фақирга бир янги кўйлак олиб бермаган бу хасис қандай қилиб Жаннатга кирсин. Демак, хасислик жаҳаннамга даъват этади. Хасислик ёмон, бедаво дард. Ўрни келганда бир нарсани қайд этиб ўтиш лозим. Баъзи мусулмонларни таниймиз, уларнинг ҳузурига «закотини берсин», деб фақир талабани юборадилар. Фақир талаба келган зотнинг аҳволига кўра қилган ишнини биламиз. Талабанинг кўлига ўн беш-йигирма лира тутқазиб, «Афандим, закотингиз шу», деб ўн беш-йигирма минг лиралик сўз айтадилар. Шундан кейин бошқасининг ҳузурига талабани бир воситачи кўшиб юборадилар. Воситачи билан келган талабага беш юз-минг лира бериб, «камчилигини кечиринг, бу фалон бойдан деб кўясиз», дейди. Ёки фалон афандига саломимизни етказинг, дейдилар.

Хўш, нега бундай? Аввалги талаба бир ўзи келганида ўн беш-йигирма лира бериб жўнатадилар. Кейин бир воситачи билан бошқа талаба келганида у воситачини таниб ёки унинг кўзи олдида беш юз-минг лира берадилар, бунинг сабаби нима?

Баъзи мунофиқ давлатмандлар закотни фақир ҳаққи деб билмай, балки ундан ўзларининг шуҳратларини кўз-кўз қилиш учун фойдаланадилар. Аллоҳим, ўз паноҳингда асра! Бу нима жаҳолат! Бу қандай ёмон бойликки, соҳибининг, эгасининг Жаннатга эмас, жаҳаннамга киришига сабаб бўлади?

Севиқли Пайғамбаримиз (с.а.в.) Жаноби Ҳаққа шундай муножот этар эдилар: «Аллоҳим, зиқналиқдан, хасисликдан, танбалликдан ўзинг асра».

Бу қандай буюк дуо. Аллоҳнинг Пайғамбари бу ёмон касалликлардан қўрқади ва Аллоҳдан уларга қарши нажот тилайди. Аллоҳдан ёрдам ва мадад илтижо қилади.

Хасисликни Аллоҳга нисбатан бир нонқўрлик деб тушунмоқ керак. Чунки Аллоҳ берган неъматлардан ўз ўрнида фойдаланилмайди, ишлатилмайди. Хасислик шайтоннинг дўсти, ҳамкоридир. Шайтон хасисларни фақир бўлиб қоласиз, деб қўрқитади.

### 111-ҲИКОЯ

#### ХАЛИФА ҲАЗРАТ УМАР (Р.А.)НИНГ ХИРҚАСИДАГИ ЎН ИККИ ЯМОҚ

Ислому лашкарларининг ғалабалари натижасида мамлакатлардан ҳарбий ўлжалар дарё каби Мадинай Мунавварага оқиб келади. Шундай бўлса ҳам исломнинг буюк Халифаси Ҳазрат Умар (р.а.)нинг хирқасида ўн иккита ямоқ бор эди.

Бир кун Ҳазрат Умар (р.а.)нинг қизи Ҳафса отаси зиёратига келади. Ҳазрат Ҳафса Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг завжаи тоҳирасидир. Ҳазрат Умар (р.а.)нинг қизи Ҳазрат Ҳафса волидамиз Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг оиласидир...

Ҳазрат Ҳафса:

— Отажон, хирқангизда ўн иккита ямоқ санадим. Бу эски кийимни бирор фақирга бериб, янгисини олиб кийсангиз бўлмайдими? Сиз Халифасиз, ҳузурингизга турли меҳмонлар келишади, — деди.

Ҳазрат Умар (р.а.):

— Эй менинг севиқли қизим! Сен Расули Акрам (с.а.в.)нинг оиласи бўлишга мушарраф бўлдинг. Унга биздан анча яқин эдинг. Расули Акрам (с.а.в.)нинг ўткинчи дунёга қанчалик қиймат берганини, бу фоний дунёни не даражада хор-ҳақир кўрганлигини биласан. Расулulloҳ (с.а.в.) вафотига яқин кунларда менга: «Ё Умар! Маҳшар куни мен ва Абу Бақр билан бўлишни истасанг, йўлимиздан айрилма!» деб буюрганганини тушунасанми? Охиратда Аллоҳга ҳисоб бериш кераклиги учун ушбу ямоқли кийимни кийганим маъқул, — деб жавоб берди.

### Изоҳ ва ўғит

Мусулмончиликда инсонлик муҳим. Кийим агар тоза, покиза бўлса, эски бўлсин, ямоқли бўлсин, яроқлидир. Асосан покизали-

ги, тозалиги муҳимдир. Исломда сохта қиёфанинг қадр-қиймати йўқ. Аллоҳдан қўрқиш ва тақводорлик, ҳақ-ҳуқуқ таниш энг буюк қадр мезонидир. Кийими гўзал, қимматбаҳо бўлиб, қалбида инсонийлик бўлмаса, ундай одамнинг қадри йўқ.

### 112-ҲИКОЯ

#### ҚАНОАТ ЭНГ КАТТА БОЙЛИҚДИР\*

Бир тиланчи Ҳалаб чорсуларида, бозорларида: «Эй, мол соҳиблари, давлатмандлар, агар Ҳалаб ўлсайди ер юзида тиланчилик одати қолмасди. Дунёда тиланчи деган ном қолмасди», деб юрарди.

Бу тиланчи чорсуда, бозорда кезиб, ушбу сўзларни тинмай қайтарарди: «Эй, қаноат деган бойлик! Қаердасан! Сен бизни бадавлат қилгин. Чунки сендан афзал, сендан устун бойлик, давлат йўқ. Қаноат каби бойлик, сабр каби бир хазина ҳеч йўқ... Луқмони Ҳакимдек бир зот сабр ва қаноат хазинасини ихтиёр этган, ўзини бу қадр ва қийматлар соҳиби этган».

#### *Изоҳ ва ўғит*

Кимда қаноат сифати бўлса, ул одам доимо шарафлидир. Қаноатли одам ҳеч кимдан ҳеч нарса сўрамайди. Агар бирор инсон ундан-бундан сўрай бошладими, бировга ялина бошладими, унинг ҳаё пардаси тезда йиртилади. Агар ўзида сабр ва қаноатни бирлаштирмаса, ундан ҳаё, уят деган қадр-қиммат қуши учиб кетади. Шу билан бирликда шарафидан, ор-номусидан айрилади, бировларнинг ҳақоратига учрайди. Ушбу ҳикоя ҳаё, ор деб аталувчи қадриятни, давлатни қўриқловчи ягона қувват — қаноат эканлигини англатади.

### 113-ҲИКОЯ

#### ШАМСИЯ

Бир кун бир одам чорсуда эканлигида ёмғир ёғиб юборибди. Шу яқин ўртада дўкони бор дўстининг олдига бориб, ундан шамсиясини омонатга сўрабди. Дўсти «марҳамат», деб шамсиясини берибди. Шамсияни тутиб ул одам кетибди. Эртасига келиб



шамсияни қайтариб, ташаккур айтибди. Орадан анча вақт ўтибди. Бир кунн шамсия берган дўсти билан учрашиб қолибди. Салом берибди. Шамсия берган одам:

— Ўша кунн шамсиямни бермасам ҳолинг қандай кечарди? — дебди.

Шамсияни омонатга олган дўст:

— Ёмғирда қолиб бўқардим, — дебди.

Шамсия берган одамнинг феъли ёмон экан, шунинг учун қилган яхшилигини тўқмоқ қилиб бошига урар экан. Орадан анча кунлар ўтгач, яна улар учрашиб, шамсия берган:

— Агар ўшанда шамсия бермаганимда, ёмғирдан қандай беркинардинг, — деб ул одамнинг бошига яхшилигини яна тўқмоқдек урибди.

Бир марта эмас, икки марта бир хил таъна!

Шамсия олган охири шамсия олганига юз минг пушаймон бўлибди. Яна бир кунн боғда, ҳовуз бўйида учрашиб қолибдилар, ёмон феълли ул одам:

— Менга қара! Ўша кунн ёмғирда шамсия бермасам, ёмғирдан қандай беркинардинг, ҳолинг нима бўларди? — дебди.

Шамсия олиб юз минг пушаймон бўлган ул одам ҳеч нима демай, ўзини ҳовузга ташлабди. Ҳовуздан шалаббо бўлиб чиқибди ва:

— Мана бундай бўлардим! Аҳволим мана шундай бўларди! Сен ўзи қандай бадфеъл одамсан? Инсон дўстига яхшилик қилмайдими? Озгина яхшилигини миннат қилавериб бошга тўқмоқ ураверса, қиёмат кун бўлади-ку! Берганинг омонат бир шамсия-ку ўзи, — деб тутоқиб ундан айрилибди.

Шу вақтдан бошлаб яхши одам у билан алоқани узибди.

Бундай ёмон феълли дўстлардан, танишлардан Худо ўзи асарин! Омин!

### 114-ҲИКОЯ

#### УМРНИНГ ҲАММАСИ БЕКОР КЕТДИ\*

Бир кунн бир мулла нариги соҳилга ўтиш учун қайиққа ўтирди. Денгизда сузиш завқи, денгиз ҳавоси муллага ҳуш келиб, латифа бўлсин деб ҳазиломуз оҳангда қайиқчига:

— Менга қара, дўстим, сен сарф, наҳвни биласанми, — деди.

Қайиқчи:

— Йўқ, афандим! Сен айтган нарсаларни билмайман, — деб жавоб берди.

— Вой-бў, қайиқчи дўстгинам, бундай юриб умрингни ярми зое кетибди-ку, афсус, — деди кулиб мулла.

Орадан кўп ўтмай бўрон туриб, ҳаммаёқ қоронғилашиб кетди. Қайиқ денгизда тўлғониб, чўкиб кетишига сал қолди. Қайиқчи бор кучини, маҳоратини ишлатиб қайиқни бошқарарди.

Шу таҳлика асносида қайиқчи муллага қараб:

— Дўстим, қайиқ бошқаришни, эшкак ишлатишни биласанми? — деб сўради.

Мулла:

— Йўқ, билмайман, — деди титраб.

Қайиқчи:

— Умрингнинг ҳаммаси зое кетибди, — деди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Бутун умрини фақат дунё молини топиш ва ҳаётини фақат дунё билимларини ўрганиш билан ўтказган одамлар тушунилари керак! Йигирма-йигирма беш йиллик умрини диплом олиш учун сарф қилиб, улар ўттиз икки фарз каби энг оддий бир диний мезонни ўрганишга дунё муллаларининг ғайрат қилганларини «имомнинг қайиғи» деб, масхара қилган ҳолда сассиз кемага минган вақтлари, денгизда қолган мулланинг аҳволига тушиб, умрларининг барини бекорга, зое кетказганларини англаганлари вақтда, ажабо, нималар дер эдилар!..

Кўйинларида фақат дипломлари бўлиб, Пайғамбарларининг исмини, диний мазҳабларини ўрганмаган сохта олимлар тўлқинларда чайқалган кемага тушганларида, умрларининг ҳаммасини зое ўтказганларини англаганларида нималарни ўйлар эдилар? Умрларини диплом олиш учун сарфлаган бу дунёсеварлар ҳануз етти ёшдаги бир гўдакнинг билгани фарзлар билимидан бебаҳра, ғусл нима, ғусл қандай қилинади деган саволларга жавоб беролмайдиган, уларни билмайдиган билимдонлар унда нима қиладилар.

Улар шундагина умр сармоясининг нималигини биладилар (денгиз тўлқинида, ҳаёт синовларида — дейилмоқчи), аммо вақт ўтган бўлади. Улуғ денгизларда чўкаётганларидагина бу маънавийт фақирлари тушунадилар, аммо вақт ўтган бўлади. Умрлари зое кетган бўлади.

## 115-ҲИКОЯ

## ПАШШАДАЙ ХИРА ОДАМЛАР

Бир куни пашша асаларига жаҳл қилиб; бундай деди:

— Сен шундай бир аҳмоқсанки, асал йиғаман, деб қирларни, водийларни кезиб, овқат тўплайсан. Шунча машаққатинг эвазига йиққан болингнинг ярмини ўзинг еганинда ҳам майли эди. Мана мен ҳамма вақт катта зиёфатларда, ҳаттоки подшоҳ саройида бўламан, ширин овқатлар ейман, ажойиб шарбатлар ичаман, маза қилиб яшайман, ўзимга қарайман.

Асалари унга бундай жавоб берди:

— Ана холос! Аслида аҳмоқ сенсан, аммо идрок қилиб тушуна олмайсан. Борган жойларингда одамлар сендан ирганиб, қўлларига нима тушса, ўша нарса билан урадилар, ҳайдайдилар, сендан нафратланадилар. Сенинг фаҳминг етмайди. Ўзингга ўхшаш пашшаларнинг мингларчаси ўлдирилаётганини кўриб турасану, мени ҳам бир кун шундай ўлдиришлари мумкин, деган фикр ақлингга келмайди, ибрат олмайсан. Мен қирлар, водийларни кезиб, йиққан асалимни ўзим емайман, аммо еганлардан меҳр-муҳаббат, эъзоз, ҳурмат кўраман. Бундан ифтихор этаман, қувонаман.

*Изоҳ ва ўғит*

Инсон учун ўз ҳунари, меҳнати маҳсулидан бошқа қувонадиган, фахрланадиган бир нарса йўқ. Инсон ўз қўл кучи, меҳнати билан ажойиб нарсаларни яратади. Ишламаган танбал одам бенасиблик билан бошқаларга юк бўлади. Қилган ишидан бошқаларга наф тегмайди. Унга бирор иш топширганлар ҳам мамнун бўлмайдилар. Уни дуоибад қиладилар. Бири икки бўлмайди, бўлса ҳам ҳузурини тортмайди. Ҳаромнинг, ўғирликнинг охири парижонликдир. Охиратда эса борар ери жаҳаннам оташидир.

## 116-ҲИКОЯ

ИШНИ ЯХШИ БАЖАРГАН ОДАМ  
ИПАК ҚУРТИ КАБИДИР

Бир куни ўргимчак ипак қуртига бундай деди:

— Биродарим ипак қурти, озгина пилла ўраш учун неча кун тинмайсан. Мен бўлсам, бир деворни бир неча соатда ўраб ташлайман.

Ипак қурти унга:

— Тўғри, ўргимчак қардош, сен қисқа вақтда ишни битироласан, аммо қилган ишингнинг бировга фойдаси тегмайди. Вақтинг зое кетади, вақт қадрини биласанми ўзи? Мен секин, пошилмай ишлайман, аммо толамдан ажиб, гўзал, бетимсол матолар тўқилади, тасаввур қила олмайсан. Ипагим ажойиб ишларга қодир. Инсонлар менинг маҳсулимдан кўп фойда кўрадилар. Оз иш қиламан, аммо ишимни пухта, тоза қиламан. Ўз санъатимни яхши ишлата биламан. Ишимни шундай пухта қилганимдан бахтиёрман. Чунки ишини яхши бажарган, санъатини яхши қўллаганларни Аллоҳ севади. Пайғамбаримиз (с.а.в.) севади. Инсонлар ҳам жуда севадилар. Дуо қиладилар. Мана шунинг учун мен жуда бахтиёр ва саодатмандман. Ишимни, вазифамни яхши бажаравераман. Вақтимни бекор кетказмайман, — деб жавоб берди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Чин мусулмон меҳнаткаш одамдир. Чунки Аллоҳнинг амри меҳнат қилишдир. Пайғамбар (с.а.в.)нинг амри меҳнат қилишга ундашдир. Аллоҳнинг барча Пайғамбарлари худди шундай амр этганлар, меҳнат қилишга ўргатганлар. Барча олимлар ўз меҳнатлари ила бизга ўрнак бўлганлар. Шунинг учун биз меҳнат қилишимиз, яхши меҳнат қилишимиз зарур. Ҳар бир нарса меҳнат билан рўёбга чиқади. Яшаш учун меҳнат қилиш керак. Илм ҳам меҳнат билан ўрганилади. Бойлик ҳам меҳнат билан қўлга киритилади. Энг буюк ишлар меҳнат орқали амалга оширилади.

Аллоҳ бизга «Ишланг», деб қўл-оёқ берган. Кўз, қулоқ, фикр берган. Қўлимиз бўлмаса, яхшини ёмондан ажратувчи, тўғри йўл кўрсатадиган ақлимиз, фикримиз бўлмаса, нима қилардик, қандай ишлардик, меҳнат қилардик? Қандай яшар эдик? Шунинг учун қўл, оёқ, кўз, қулоқ, фикр берган Аллоҳга шукроналик билан меҳнат қилишимиз зарур.

Кеча-кундуз меҳнат қилайлик. Астойдил меҳнат қилайлик. Ҳеч бир дақиқамиз бўш ўтмайдиган шаклда меҳнат қилайлик.

Меҳнат қилган мусулмон ҳам ўзига, ҳам оиласига, ҳам миллатига, ҳам бола-чақасига нисбатан хайрли, фойдали бир ин-

сон бўлади. Бу эса яхши меҳнат қилиш билан амалга ошади. Ахлоқлари ёмонлашган одамлар фақат ўзларини биладилар, ўз манфаатлари учунгина ҳаракат қиладилар. Бундай одамларнинг кўнгиллари қорайиб боради. Инсонликдан узоқлашиб борадилар.

### 117-ҲИКОЯ

#### ДАРАХТ ЭКИШНИНГ МУКОФОТИ \*

Йилдирим Боязит мулозимлари, муҳофизлари (қўриқчи хос аскарлари) билан сайрга чиқиб, бир қишлоқдан ўтиб борар экан, боғида ишлаб юрган, мева ниҳоллар экиб юрган соч-соқоли оппоқ, бели букилган чолни кўрди. Чолнинг бу ёшида шундай ғайрат билан ишлаётгани подшоҳнинг кайфиятини хуш этди.

Подшоҳ аъёнлари, мулозимларига шу чол билан бироз суҳбатлашайлик, деди. Подшоҳ қишлоқлик чолга яқинлашиб:

— Ҳорманг ота, нима қиляпсиз, ерни нега чопяпсиз? — деди.

Нуроний чол подшоҳ саломини олгандан кейин табассум билан:

— Саломат бўл, ўғлим, мевали дарахт ниҳолларини экмоқдаман, — деди.

Подшоҳ:

— Ота, буларнинг меваларини сийиш Сизга насиб этармикан? — деб сўради.

Нуроний чол:

— Йўқ, умрим етмайди, — деди.

Подшоҳ:

— У ҳолда нега ўзингизни бунчалик қийнапсиз, ўзингиз мевасини тотиб кўрмаслигингизни билиб туриб дарахт экяпсиз? — деди.

Чол бу сўзлардан ва қиёфасидан подшоҳни таниб, бундай жавоб берди:

— Подшоҳим! Биздан олдингилар экди, биз едик. (Яъни ота-боболаримиз экканини биз едик ва еймиз). Энди биз экамиз, биздан кейингилар есин.

Том маънода мусулмон бу хушхулқ чолнинг жавоби подшоҳга ёқди ва чолга бир ҳамён олгин берди. Қишлоқлик чол ҳамёни олиб:

— Жаноби Ҳақга шукрлар бўлсинки, подшоҳим, бизнинг дарахтлар ниҳоллигидаёқ мевасини берди, — деди. Бу гўзал жавоб подшоҳга яна ҳам хуш ёқди ва яна бир ҳамён олгин берди.

Чол:

— Аллоҳга ҳамду санолар бўлсинки, ҳамма дарахтлар бир йилда бир марта мева берадилар, бизнинг дарахтимиз бир йилда икки марта мева беради, — деди.

Подшоҳ чолга яна бир ҳамён отди-да, ёнидагиларга:

— Тезроқ бу ердан кетайлик, бу чол бор пулимизни олиб кўяди, — деб отини йўлга бурди.

Нуроний чол қўлларини дуога очиб:

— Ё Раббий! Сен қандай буюксан! Мен вақтимни бекор ўтказмай, сенинг розилигинг учун дарахт экаман. Суюкли Пайғамбаримиз (с. а. в.)нинг: «Қиёмат куни бўлса ҳам қўлида бир ниҳоли бор одам уни эксин», деган Ҳадиси шарифларининг маъносига кўра яшай, умримнинг сўнгги онларида ҳам дарахт экай, дедим. Сен бениҳоя неъматларингдан берганинг устига подшоҳни бу ерга юбориб, бу ишим эвазига мукофотини ҳам бердинг. Сенга бениҳоя ҳамд айтаман, шукр қиламан. Ё Раббий, сен энг буюк, энг олийсан, — деб Аллоҳга шукроналар қилди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Аллоҳ яхши ният билан меҳнат қилганларга шундай мукофотлар беради. Бу ҳикоядан ибрат дарсини олайлик. Доимо яхшилик учун меҳнат қилайлик. Танбаллик, бекор вақт ўтказишни тўхтатиб, қаҳвахоналарда (чойхоналарда) умримизни совурмай, хайрли, инсонларга фойдали бўладиган ишлар қилайлик. Аллоҳ ақлимизга, хаёлимизга келмаган ерлардан бизга ризқ беради, неъматлар, ишлар, куч-қувват соҳиби қилади. Дарахт экаётган чол подшоҳ келиб, менга пул беради, деб ўйлаганида, қўли бўш қолар эди. Аммо у бундай ўйламади. «Ота-боболаримиз экди, биз едик. Энди эса биз экамик, набираларимиз, биздан кейингилар есинлар», деб яхши ният-ла меҳнат қилгани учун Аллоҳ подшоҳни юборди. Кекса бўлишига қарамай, меҳнат қилган қулининг меҳнати қадрини баланд қилди. Бизлар ҳам ҳамма ишларимизда бундай ҳикоялардан ибрат олайлик ва яхши ишлар қилишга гайрат кўрсатайлик.

Ота-боболаримиз «вақт нақддир», деганлар. Инсон вақтни қадрлаш билан олтинлар, жавҳарлар соҳиби бўла олади. Аммо бекор ўтган вақтни миллионлар, миллиардлар берсалар ҳам ҳар бир сониясининг бир дақиқасини қайтариб ололмайдилар. Вақт-

ни бекор ўтказиш гуноҳ ва инсонни гуноҳ ишларга олиб борадиган йўлдир. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳеч бўш турмаганлар ва бекор вақт ўтказганларни севмаганлар. Умматларининг бўш турмасликлари учун доимо буйруқлар берганлар, насиҳатлар этганлар. Ҳадиси шарифлари билан иршод этиб: «Икки кунини бекор ўтказган алдангандир», деганлар.

Шунинг учун келаётган ҳар бир кун ўтган ҳар бир кундан унумли бўлиши кераклиги уқтирилади. Бугун ўн лира топган, эртага оз деганда ўн бир лира топади. Бугун бир яхшилик қилган, эртага, албатта, икки яхшилик қила олади. Бу ҳақиқатлар бизларнинг меҳнаткаш бўлишимиз кераклигини кўрсатди.

### 118-ҲИКОЯ

#### ЭНГ ШАРАФЛИ, ЭНГ ЖҶМАРД ОДАМ\*

Ҳотам Тойнинг жўмардлиги ва яхшилик қилишни суядиган инсон бўлганини ўз замонасида билмаган одам йўқ эди. Бир кун ул зотдан сўрадилар:

— Эй Ҳотам! Ер юзида сендан ҳам жўмард, шарафлироқ, фақир-фуқароларнинг эҳтиёжларини қондирган бирор инсонни кўрганмисан ёки эшитганинг борми?

Ҳотам Той бундай жавоб берибди:

— Бир куни қирқ туя сўйдирдим. Қабилaboшидан тортиб ҳаммани таклиф қилдим, ўзим чор-атрофни айланиб, яна бирор кимса бормикан, деб истадим. Қарасам, тиканларни боғлаб, орқалаб бир чол келмоқда. Унга яқинлашиб:

— Эй ота! Ҳотам Той катта зиёфат бераётганини эшитмадингизми? Туялар сўйган, ҳолвалар, паловлар тайёрлаган, халқ ҳаммаси Ҳотам Той дастурхони атрофида тўпланган. Сиз нега бормадингиз? — дедим.

Ўтинкаш чол:

— Ўзим орқалаб олиб борган бу тиканак ўтинларни сотиб, овқат оламан. Бу овқат мен учун Ҳотам Той берган зиёфатдан лаззатлироқ, — деб жавоб берди.

«Мана шу чолни Ҳотам Тойдан ҳам жўмард ва шарафлироқ билдим, у чолнинг қадрини ўзимдан баландроқ кўрдим», деди Ҳотам Той.

*Изоҳ ва ўғит*

Инсон меҳнат ила ўз шарафини қўриқлагани каби, оила аъзоларининг эҳтиёжларини ҳам таъмин этади. Куч-қуввати бор бўлиб, ҳар кимга юк бўлган текинтомоқларнинг қулоқлари тингласин. Орқалаб ўтин ташиб, ўз қўл кучи ила кун кўрувчи ҳикоядаги чолдан ибрат дарси олмоқ керак.

*119-ҲИКОЯ***АЛЛОҲ ҚУЛЛАРИГА ЭНГ КЎП  
МАРҲАМАТ ҚИЛАДИ**

Ҳибсхонада ошпаз билан сувчи туш кўриб, тушларини Юсуф (а.с.)га айтдилар. Юсуф (а.с.) рўёларни таъбир этди. Қамоқхонадан чиққанларидан кейин Зулайхо улардан Юсуф (а.с.) ҳақида сўради. Юсуф (а.с.)нинг қамоқхонада Раббига ибодат этаётганини айтиб бердилар. Зулайхо у билан қамоқхонада учрашиш истагини билдирди. Юсуф (а.с.) рози бўлмаганидан кейин қамоқхонадаги назоратчиларга Юсуф (а.с.)ни уришни буюрди. Унга юз таёқ урдилар, шундан сўнг Юсуф (а.с.) уларга бундай деди: «Эй, қамоқхона аҳли! Сизга уч васиятим бор. Биринчиси, агар ўлсам, мени Канъон йўли бўйига кўминг. Карвон билан ўтган йўловчилар у йўлдан ўтганларида менинг қабримни кўрсинлар. Иккинчиси, қардошим Бенйаминга мактуб ёзиб айтингки, Юсуф (а.с.) қудуқда эмас, шу ерда, ер устидадир. Учинчиси, кўйлагимни отамга юборинг».

Бу сўзларни эшитиб қамоқхона назоратчилари ҳўнграб йигладилар. Юсуф (а.с.) тиз чўкиб ўтириб, инграб, ўртана бошлади. Зулайхонинг мақсади унинг ўртаниб, инграб, оҳ орган овозини эшитиш эди, шу сабабли «яшилаб ур», деб буюрган эди. Зулайхо Юсуф (а.с.)нинг бу азоб чекиб инграшига чидай олмади ва: «Унга тегманг энди», деди.

Маҳшарда, қиёмат кунда ҳар ким ўзи лойиқ бўлган азобга дучор бўлганида, Жаноби Ҳақ жаҳаннам соқчиси Моликка:

— Эй Молик! Қулларимга айтгилки, Зулайхо Юсуф (а.с.)нинг чеккан азобларига чидай олмади. Уларнинг орасида фақат муҳаббат риштаси бор эди. Мен билан қулларим орасида эса, холиқият (илоҳий, яратувчи) ва махлуқият (яратилган, мах-



луқлик) ришталари бордир. Мен Холиқман (яратаман). Мен Арҳамарроҳимман — меҳрибонларнинг энг меҳрибониман. Марҳамат этгувчиларнинг энг марҳаматлисиман. Қулларимнинг азобига таҳаммул (чидаш, сабр) қиламан, — деб буюрди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Юсуф Пайғамбар (а.с.)ни акалари қудуққа ташладилар. Сўнгра Миср молия нозирини тарафидан қул қилиб сотиб олинган Юсуф (а.с.) нозирнинг уйида хизмат қилиб юрганида, нозирнинг хотини Зулайхонинг Юсуф (а.с.)га ишқи тушди (ошиқ бўлиб қолди).

### *120-ҲИКОЯ*

#### **ЖАНОБИ ҲАҚ УЧУН КЎЗ ЁШИ ТЎКИШ**

Қул йиғлаганида Аллоҳ унинг кўз ёшларидан бир дарахт пайдо қилади, исми Саодат дарахтидир. Қўрқув ва қайғу рўзғори (шабодаси) ул дарахтга эсганида, ундан: «Ё Муҳаммад уммати!» деган эҳтиросли бир хитоб чиқади. Аллоҳ ул сасни Муҳаммад (с.а.в.) руҳига етиштиради, у ҳам қабрида йиғлай бошлайди, унинг кўз ёшидан Аллоҳ Таоло бир дарахт пайдо қилади, ул дарахтга Шафоат дарахти исми берилади. Нубувват (Пайғамбарлик) рўзғори (шабодаси) ул дарахтга текканида, ул дарахт танасидан: «Ё уммати Муҳаммад», деган бир сас келади. Аллоҳ ул сасни кўкдаги малакларга эшиттиради. Малаклар Аллоҳга саждага борадилар, ниёз ва саждада бўладилар.

Аллоҳ малакларидан:

— Эй малакларим! Нега дуо қилиб, йиғлайсизлар? — деб сўрайди.

Малаклар:

— Ё Раббий! Сен бизнинг ниёзимизни (илтижоларимизни) биласан, — дейдилар.

Жаноби Ҳақ:

— Менинг муҳаббатим ва менинг қўрқинчимдан йиғлаган қулларим ва уларнинг мажлисларида бўлганларни афв этдим, — деб буюради.

*Изоҳ ва ўғит*

Аллоҳ учун кўз ёши тўккан жаҳаннам оташини кўрмайди. Аллоҳ учун кўз ёши тўккан қулни Аллоҳ жаҳаннам ўтида ёқмайди. Аллоҳ асло у қулни ўтга ташламайди.

## 121-ҲИКОЯ

## МЕҲР

Пайғамбаримиз (с.а.в.) болаларга севги ва шафқат кўрсатмаганларни хуш кўрмас эдилар. Болаларга нисбатан марҳаматли бўлмаганларни қаттиқ қоралардилар.

Бир одам Пайғамбаримиз (с.а.в.)га: «Ё Расулуллоҳ! Сиз болаларни ўпасизми? Биз болаларимизни ўпмаймиз», деди.

Пайғамбаримиз ул одамга тикилиб қарадилар ва: «Марҳамат этмаган (раҳмдил бўлмаган) кимсага марҳамат бўлмайди», дедилар.

Яна бир кун Расулуллоҳ (с.а.в.)га Тамим қабиласининг катталаридан бир одам келди. Шу пайт Ҳазрат Али ва Ҳазрат Фотима волидамизнинг ўғли, Пайғамбар (с.а.в.) Жанобимизнинг набираси Ҳазрат Ҳасан (р.а.) ҳам шу ерга келди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) набираси Ҳасанни эркалаб, кучоқлаб ўпдилар.

Ул одам буни кўргач: «Ё Расулуллоҳ! Менинг ўнта ўғлим бор, шу пайтгача ҳеч бирини ўпмаганман», деди.

Унга жавобан Пайғамбаримиз (с.а.в.):

— Аллоҳ сенинг қалбингдан марҳаматни чиқариб юборган бўлса, мен нима қилай, — дедилар.

Ислом мезонлари ичида бола қадрли шундай. Ўз вазифасини ўтамаган, исломий тарбия бермаган ота-оналар ҳам марҳаматли ота-она ҳисобланмайдилар. Инсоний ҳаётни ўрганиб, инсонларча яшамоқ керакдир. Аллоҳ ҳаммамизга исломий тушунчаларни лутф этсин. Омин!..

*Изоҳ ва ўғит*

Ушбу Ҳадиси шарифдаги: «Аллоҳ сенинг қалбингдан марҳаматни (меҳр туйғусини) олиб ташлаган, чиқариб юборган», деган сўзларга эътибор беринг. Меҳрли бўлмаган инсоннинг диний ўлчовлар, мезонлар бўйича қадрли бўлмайди.

## 122-ҲИКОЯ

## ҲАЙВОНЛАРГА ШАФҚАТ

Ҳадис китобларимизда, Сунани Абу Довудда Абу Ҳурайра (р.а.) Ҳазратларидан ривоят қилинадикки, Пайғамбаримиз (с.а.в.) Ансордан (мадиналик) бир зотнинг девори олдидан ўтар эканлар, у ерда боғланган туяни кўрдилар. Пайғамбаримиз (с.а.в.)ни кўриб, туя йиғлай бошлади.

Пайғамбаримиз (с.а.в.):

— Бу туя эгаси ким, ким унга қарайди? — деб овоз бердилар.

Бир йиғит чиқиб:

— Меники, ё Расулуллоҳ! — деди.

Пайғамбаримиз (с.а.в.):

— Сен Аллоҳдан кўрқмайсанми, бу туяни сенга Аллоҳ эҳсон этган. Бу ҳайвон сендан шикоят қилмоқда. Сен уни яхши парвариш қилмас экансан, оғир юк юклатар экансан. Бу тилсиз, дардини айта олмайдиган ҳайвонга яхши қара ва аяб фойдалан, унга нисбатан марҳаматли бўл, — деб ул одамга насиҳат қилдилар.

*Изоҳ ва ўғит*

Исломият ҳайвонларга шафқатсиз бўлганларнинг жаҳаннамга киришларини билдиради. Муслмонликнинг асоси марҳаматдир. Меҳр туйғуси бўлмаган инсонларнинг борар ери жаҳаннамдир. Мушугини қамаб қўйган хотиннинг жаҳаннамга борганини кейинги ҳикояларда ўқийсиз. Чанқаб ҳолдан тойган итга сув берган одамнинг жаннати бўлганлигини ҳам кўрасиз.

## 123-ҲИКОЯ

СОВҚОТГАН МУШУКНИ ИСИТИБ,  
САВОБ ОЛГАН ЗОТ

Авлиёлардан бир зот вафот этди. Бу зотнинг дўстларидан бири уни тушида кўрди ва тушида:

— Ё Ҳазрат! Раббинг сенга қандай муомала қилди? — деб сўради.

Ул зоти муҳтарам бундай жавоб берди:

— Бир мушукни кучоғимга олиб иситганим учун Раббимнинг ҳузурида шунчалик юксак даражага эришдим. Раббим менга бундай деди: «Эй ҳабибим, марҳаматли қулим! Фалон куни, фа-

лон ерда, ёмғир, қорда қолган, титраб-қақшаб ётган бир мушукни кўрган эдинг. Уни совуқдан қутқариш учун қучоғингга олиб иситган эдинг. Бу юксак даражага эришишингнинг сабаби ўша раҳмдиллигинг, марҳаматингдандир».

### *Изоҳ ва ўғит*

Мусулмонлик инсонийлик диндир, инсонийлик барча яратилганларга шафқатли, марҳаматли бўлиш билан камолотга етади. Инсонийлик мана шу қудсий мезонлар ила ўлчанади, юксалади. Марҳамат этмаган инсонга марҳамат этилмайди. Меҳрсиз одамларга ҳеч ким меҳрибон бўлмайди.

Тарих саҳифаларини варақлаб, фикран сайр этилса, золимлик, марҳаматсизликнинг оқибати фалокат эканлигини кўрамыз.

Аллоҳ доимо меҳр туйғуси ила яшаган қулларини севиши ва севажагини билдиради. Меҳрлиларга меҳр кўрсатилади, кечирганларни кечирилади, деб эълон этилгандир. Аллоҳ марҳаматли қулларига марҳамат қилади, уларни севади, гуноҳларини кечирилади, айбларини, хатоларини афв этади.

## 124-ҲИКОЯ

### РАҲМ ҚИЛГАН РАҲМ КЎРАДИ

Яна Бухорий ва Муслимларда ушбу Ҳадиси шариф келтирилади: «Бир хотин мушукни қамаб қўйди-да, ўзи айлангани чиқиб кетди. Мушук очликдан ўлаёзди. Бу хотин жаҳаннамга кирди, у ерда азоб чекди. Малак унга: «Сен у мушукни қамаб қўйган пайтда унга овқат бермадинг, сув ичирмадинг, ташқарига чиқармадинг. Энди жаҳаннамда азоб чекишинг, ўтда ёнишинг шундандур», деб, аёлниг гуноҳи мушукни қамаб, овқат бермагани эканлигини билдирди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Аллоҳ бир қулини афв этишни истаса, шу қули учун хайрли иш қилишга сабаб пайдо қилади, қули ҳам хайрли фурсат қўлидалигида шу хайрли ишни қилса, Аллоҳ розилигига эришади. Қулида марҳамат ва меҳр туйғуси бўлса, Аллоҳ ҳам ўша қулини севади, гуноҳларини кечирилади. Меҳрибон ва марҳаматли (раҳмдил) бўлиш инсонлик аломатидир.

Мушукка раҳм қилмаган хотин жаҳаннамга кирди. Чунки қўлида фурсат борлигида мушукка яхши қарамади. Хотин раҳмсизлигидан жаҳаннамга кирди. Ҳайвонларга меҳр-шафқати бўлмаган ёки инсонларга меҳрибон бўлмаган одамлар азобга қоладилар. Бу ҳолни ўзлари тушунсинлар. Аллоҳ бизларни марҳаматли ва меҳри кўп бўлган қулларидан айласин. Омин!..

### 125-ҲИКОЯ

#### РАҲМДИЛ РАҲМ ҚИЛАДИ\*

Яна Бухорийдаги бир Ҳадиси шарифда бундай ҳикоя қилинади. Чўлда юрган бир одам сувсизликдан жуда ташна бўлди. Ниҳоят, йўлидан қудуқ чиқиб қолди ва сув тортадиган арқон-пақир йўқлигидан қийналиб, тушиб сув ичди. Қудуқдан чиқиб бироз юргач, чанқаб тиллари осилиб қолган, тупроқ ялаб ётган бир итни кўриб қолди. Итни бу аҳволда кўрган раҳмдил одам ўзига ўзи: «Мени қийнаган сувсизлик, ташналик бу итга ҳам азоб бермоқда. Ит ҳам мендек ташна ётибди», деди ва яна қудуққа тушиб, пойабзалига сув тўлдириб, тишларида тишлаб, сувни бир амаллаб қудуқдан олиб чиқди-да, итга сув ичирди. Бу одамнинг итга бўлган раҳмдиллиги, марҳамати Аллоҳга хуш келди, ул одам жаннати бўлди.

#### *Изоҳ ва ўғит*

Мусулмонлик дини шафқат динидир. Юрагида шафқат ва меҳрибонлик, ачиниш туйғуси бўлмаган чин мусулмон ҳисобланмайди. Шунинг учун ота-боболаримиз: «Меҳрибонлик, раҳмдиллик имондандир», деганлар. Имонсиз одамлар меҳрсиз бўладилар. Дини бўлмаганнинг марҳамати ҳам бўлмайди. Тарихда бунга мисоллар кўп. Итга сув берган шу одамнинг жаннатга боришини тушунсак, ҳидоятга эришамиз. Меҳр-шафқати бўлмаган одамлар энг қийин аҳволга тушиб қолганларида ҳам унга ҳеч ким шафқат қилмайди, ҳеч ким ёрдамга келмайди. «Қилмишига яраша», дегани шундан. Меҳрсизлик оқибатини, жазосини шу дунёда кўради. Охиратдаги жазоси эса жаҳаннамдир.

## 126-ҲИКОЯ

## БОЛАЛАРГА РАҲМДИЛЛИК

Бир одам келиб, Расули Акрам (с.а.в.)дан сўради:  
 — Ё Расулulloҳ! Сиз болаларни ўпасизми?  
 Расули Акрам (с.а.в.):  
 — Албатта, болаларимизни севамиз. Сиз-чи? — дедилар.  
 Ул одам:  
 — Биз болаларимизни ҳеч ўпмаймиз, — деди.  
 Пайғамбаримиз (с.а.в.) ул одамга қараб, бундай дедилар:  
 — Марҳамат этмаган (меҳр кўрсатмаган) кимсага марҳамат бўлмайди, меҳр кўрсатилмайди.

*Изоҳ ва ўғит*

Меҳрибон одам, албатта, Жаноби Ҳақнинг лутфиға етишадди, меҳрсиз эса ундан маҳрум қолади.

Сен ҳеч кимга меҳрибонлик қилмасанг, бошқа одам сенга меҳрибон бўладими? Асло бўлмайди!.. Меҳрсиз меҳр кўрмайди.

Бу китобимизда меҳр ва марҳамат хусусида ўрнатилган бўларли, ўғит бўлса арзиғули кўп қиссалар ўқийсиз. Инсонларга меҳр туйғуси ила қараш, ҳайвонларга, барча жонлиларга марҳамат, раҳмдиллик ила қараш зарурдир. Инсонийлик мана шу туйғулар ила ривожланади ва тараққий этади. Инсон меҳр туйғуси ила юксалади, камолотга эришади, гўзал бўлади.

Меҳрсиз одамлар йўлтўсар руҳли, тошбағир одамлар бўлиб, яхши инсон бўлмайдилар. Бу дунёда роҳат кўрмаганларидек, охирагта борар ерлари жаҳаннамдир.

## 127-ҲИКОЯ

## ЧУМОЛИНИ ҚУТҚАРДИ

Ҳозир исмини хотирлай олмайдиганим усмонли амалдорлардан бир зот Истамбулнинг Онадўли атрофида, Аранқўй тарафида Жомеъи шариф қурдираётганлиги учун ҳар куни оқшомда саройдан чиқиб, қурилиш қандай бораётганини назорат қилгани борарди.

Бир оқшом ҳар сафардагидек қурилишни назорат қилгани келди. Қараса, оҳак сўндирилаётган чуқурга тушиб кетган чу-

моли қайтиб чиқа олмаяпти. Ул зот ҳассасини узатиб, чумолини чиқарди-да, саройга қайтиб кетди.

Шу кечаси ул зот туш кўрди. Тушида бу сўзларни эшитди: «Бугун чумолига қилган раҳмдиллигинг учун гуноҳларингни афв этдим, жаннатимга киришга ҳақли бўлдинг».

### *Изоҳ ва ўғит*

Агар мўминнинг нияти хайрли бўлса, унинг оқибати ҳам хайрли бўлади. Инсоннинг орзу-умиди Жаноби Ҳақнинг ризосини қозониш бўлса, ғайрати, меҳнат ва интилиши ҳам у йўлда бўлади. Кўриб турибсизки, Аллоҳнинг розилиги, ризоси гўё кичкинагина иш билан қозонилади. Бунинг учун Аллоҳ бирор баҳона, сабаб яратади, инсон уни адо этади. Буларнинг ҳаммаси Аллоҳнинг лутфидир.

### *128-ҲИКОЯ*

#### **«Ё УМАР, ҲОЗИР АЛБАТТА СЕНГА ҚУЛОҚ СОЛАМИЗ»**

Бу Ҳазрат Умар (р.а.)ни йиғлатган, кўз ёшларини тўкишдан қутқара олмаган масала!.. Фақир аёлнинг йиғлаётган болаларига ўзи орқалаб, ун олиб келиб, овқат пишириб едирган Халифа, халққа хутба ўқиётиб: «Эй аҳоли, менга қулоқ солинг», деганида, йиғилганлардан бири:

— Ё Умар! Сенга қулоқ солмаймиз, эшитишни хоҳламаймиз, чунки сен ғаниматдан (эҳтиёт учун сақланган хазинадаги бойликдан) ўзингга жубба сотиб олдинг, — деди.

Унга жавобан Ҳазрат Умар:

— Абдуллоҳ қани? Ўғлим Абдуллоҳ, қаердасан? Бу одамга жавоб бер, — деди.

Абдуллоҳ:

— Ғанимат молидан менга тегадиган ҳиссамни отамга ҳадя этдим. Чунки Халифа отамга тегадиган ҳисса янги жубба сотиб олиш учун етмас эди. Отам давлат бошлиғи бўлгани сабабли элчилар, ўзга давлатларнинг арбоблари унинг ҳузурига келадилар. Шунинг учун менинг ҳиссам билан отамнинг ҳиссасини кўшиб, устидаги жуббани олдик, — деди.

Ҳазрат Умардан бутун тўпланган халқ орасида ҳисобот сўраган одам ўрнидан туриб:

— Ё Умар! Энди сенга қулоқ соламин, мурожаат қил, буюр, жону дилимиз билан сенинг буйруқларингни бажаришга тайёремиз, — деди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Бутун жаҳон адолатда Ҳазрат Умар (р.а.)дан ўрнак олади. Чунки Умар (р.а.) Ҳазрат Муҳаммад (с.а.в.)нинг мактабида етишиб чиққан бир мардона инсондир. У адолат масалаларини зарбулмасал ҳолига келтиргандир. Бу — у муҳтарамларнинг имонлари меваларидир.

### 129-ҲИКОЯ

#### АЛЛОҲНИНГ АДОЛАТИ ҚИЛМИШИНГГА ЯРАША БЎЛАДИ

Бир вақтлар бир одам дуо қилар экан, доимо: «Ё Раббий, адолатингни истайман», дерди. Ул одамнинг дуоси қабул бўлди.

Кунлардан бир кун ул одамнинг қорнига пўлат қозиқ санчиллар. У шундай ўлим жазосига буюрилган эди. У одам қорнига санчилган темир қозиқ азобидан бақриб-бақриб ўлар экан: «Ё Раббий, неча кунлар дуо қилдим, адолат истадим, қабул этмадинг», деди. Ул одамнинг қулоғига ғойибдан қувватли бир сас келди: «Эй инсон, сенинг дуойинг қабул бўлди. Сен дуо қилаётганинда Аллоҳнинг адолатини истардинг. Аллоҳ адолати худди шу. Чунки сен пашшаларнинг қорнига игна санчар эдинг, у гуноҳсиз жониворларнинг қийналиб ўлишидан завқланардинг. Дуойинг қабул бўлди, ўша гуноҳсиз махлуқларни қандай ўлдирган бўлсанг, ўзинг ҳам ана ўшандай ўлим билан жазоланасан. Жониворларнинг қасоси олинди».

### *Изоҳ ва ўғит*

Ушбу фикрлардан ўз ўрнак ҳиссамизни олдик, деб ўйлайман. «Қилмишига яраша» дейилган ота-боболар сўзини ҳаммамиз биламиз. Яхшилик қилган яхшилик кўради, ёмонлик қилган



жазосини топади. Бу дунё — шундай дунё. Шунинг учун доимо яхшилик қилайлик!

Юқорида ўқиганингиз — ҳикояларда жонлиларга марҳамат, шафқат этишни, меҳрнинг фойдаларини ўргандик, деб ҳисоблайман. Динпизда ҳамма жонлиларга меҳрибонлик инсонлик қадр-қимматидир. Жонлиларга меҳр-шафқат қилмаган кимса — инсонийлик берган гўзал туйғулардан бенасиб қолган демек. Бундайларнинг борар ери жаҳаннамдир. Булар жаҳаннамда ёнадилар.

### 130-ҲИКОЯ

#### БИР ШАМНИ ЎЧИРИБ, БОШҚАСИНИ ЁҚДИ

Бир куни Абдурахмон бин Авф, мўминларнинг Халифаси Ҳазрат Умар (р.а.)нинг зиёратига келди. Салом берди-да, кутиб турди.

Халифа Ҳазрат Умар (р.а.) ёниб турган шамни ўчириб, кейин бошқасини ёқди.

Бу аҳвол меҳмон диққатини тортди, у Ҳазрат Умарга:

— Эй Амирал-мўминин! Олдингизда шам ёниб турарди, уни ўчирдингиз. Яна унга ўхшаш бошқа шамни ёқдингиз. Бунинг бир ҳикмати бордир? — деди.

Амирал-мўминин Ҳазрат Умар табассум билан:

— Ё Абдурахмон! Ўчирганим давлатнинг шами (молидир). Ёққаним эса ўзимнинг шахсий шамим, ўз пулимга олганман. Давлат ишларини қилганимда, давлатнинг шамини ёқаман. Ҳозир сен билан суҳбат қуриб ўтирганимда, давлат шамини ёқишим ҳалоллик бўлмайди, шунинг учун уни ўчирдим, ўз шамимни ёқдим. Шундай қилмасам, Аллоҳга қандай ҳисоб бераман, — деди.

Абдурахмон бин Авф:

— Ё Раббий! Хаттоб ўғли Умарни бошимиздан нари қилмагин, — деб дуо қилди.

### Изоҳ ва ўғит

Ушбу фоний дунё нималарни кўрмади. Давлатнинг моли билан бола-чақасини ҳам далаларга, денгизларга саёҳатга юборадиганлар буни яхшилаб эшитсин. Қиёматнинг азоби, қайноқ сувлар каби терлатувчи савол-жавоби — булар ҳаммаси, Маҳкамаи Кубро — Буюк Маҳкама кунда бўлади. Ҳамма қилинган ишлар ўшанда ҳисоб-китоб этилади.

Давлат молларини совурганлар учун яшасин жаҳаннам!  
 Бир шамни ўчириб, ўзининг шамини ёққан ислом Халифаси  
 Ҳазрат Умар (р.а.)дан Аллоҳ хушнуд бўлиб, унга лутф кўрсат-  
 ди, даражаларини юксалтирди, олиймақом қилди.

### 131-ҲИКОЯ

#### ҲАЗРАТ МУСОНИНГ ФИРЪАВН САРОЙИДА ЎСИШИ

Ҳазрат Мусонинг туғилишида Жаноби Ҳақнинг қанчалик буюк ҳикмат жилвалари, олинадиган ибрат дарслари бордир. Бир куни Фиръавн кўрқинчли бир туш кўрди. Фиръавн тушини коҳинларга (таъбир айтувчиларга) айтиб, таъбирини сўради. Рўёнинг таъбирини сўзлаган коҳин Фиръавнга: «Афандим, Исроил ўғилларидан бу йил туғиладиган бир ўғил чақалоқ Сизнинг давлатингизни йиқитади ва шундай қилиб фиръавнлар салтанати инқирозга юз тутади, йўқ бўлади», деди.

Коҳин рўёни бундай кўрқинчли хабар билан таъбир этгани учун Фиръавн ҳузур-ҳаловатини йўқотди. Фиръавн бир буйруқ бериб, шу йили туғилган ўғил чақалоқларнинг барчасини ўлдиришга ҳукм қилди. Унинг бу буйруғи ижро этила бошланди. Бани Исроилда туғилган чақалоқлар ўлдириларди. Фиръавн ҳар бир маҳаллага биттадан жаллод тайинлади. Жаллодлар исроилликларнинг хонадонларига келиб, янги туғилган ўғил чақалоқларни бир-бир ўлдирар эдилар. Мана шундай таҳликали пайтда Ҳазрат Мусо дунёга келди. Онаси ҳаяжонли, кўрқинчли кунларни бошидан ўтказарди. «Кимдир, биттаси келиб, кўз нурим Мусони кўлимдан тортиб олиб ўлдиради», деган фикрда изтиробга тушар эди.

Жаноби Ҳақ Мусо (а.с.)нинг онасига Жаброил (а.с.)ни юборди:  
 — Мусони эмиз. Унинг учун қўрқяпсан, уни Нил дарёсига ташла. Асло қўрқма (хавотирланма), унинг учун изтироб чекма. Биз уни сенга яна берамиз. Пайғамбаримиздан бири бўлади, — деди.

Онаси Мусо (а.с.)ни бир сандиқча ичига ётқизиб, Нил дарёсига оқизди. Дарёда оқиб бораркан, Фиръавннинг саройи рўпарасида сандиқчани кўриб қоладилар. Фиръавннинг хотини дарёдан сандиқчани олиб чиқишга буйруқ берди. Олиб чиқишгач,

Фиръавннинг хотини сандиқчани очди. Не кўз билан кўрсинки, ичида нурли бир ўғил бола ётарди!.. У Мусо(а.с.)ни кўриши биланоқ жону тани билан жуда яхши кўриб қолди. Чин қалбдан Мусо (а.с.)га нисбатан меҳр-муҳаббат ҳис этди.

У Фиръавнга ёлбориб: «Бу чақалоқни ўғил қилиб олайлик», деди. Фиръавн хотинининг сўзини қайтармасди. Шунинг учун Мусо (а.с.)га қаршилиқ қилмади. Аллоҳнинг жилвасига (ҳикматларига, ишларининг нозиклигига) боқингки, Пайғамбар бўладиган Мусо (а.с.) Аллоҳ Таоло ва Пайғамбарнинг душмани Фиръавннинг саройида етишиб чиқди.

Мусо (а.с.)нинг онаси ўғлини сандиқчада Нил дарёсига ташлагач, унинг қаерга оқиб бораётганини кузатиб боришни акасига топширди.

Мусо(а.с.)га сут бердилар. Ичмади. Энагалар келтиришди, ҳеч бирининг сунини эммади. Буни унга Аллоҳ амр этганди.

Мусо (а.с.)нинг онаси ўғлининг саройда эканлигини биларди. Энага ахтарилаётган вақтда ҳар тарафга одам юбориб, энага истаган эдилар. Мусо (а.с.)нинг холаси (бошқа бир ривоятга кўра, онаси) йўлини қилиб, саройга кирди ва:

— Болага жуда яхши қарай оладиган энага (сут онаси) тавсия этаман, — деди.

Мусо (а.с.)нинг онасини саройга олиб келдилар ва шундай қилиб, она ўғли билан, ўғил она билан топишдилар.

Мусо (а.с.)нинг онаси саройда ўз ўғлини эмизди ва уни шу саройда катта қилди. Онаси унга зарур билимларни ўргатди ва гўзал бир тарбия берди, ўзи вояга етказди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Қаранг, Аллоҳ хоҳласа, қулини энг ожизлиги даврида унинг душмани қўлида тарбиялаб, вояга етказдиради.

Муҳтарам ўқувчи қардошим! Аллоҳнинг қудрати қаршисидан саждага эгилмаган одам ҳидоятдан бенасиб қолган одамдир. Аллоҳ Мусо (а.с.)ни кимнинг қўлида ўстирди!.. Қондан сут қиладиган, тикандан гул ўстирадиган Буюк Аллоҳ шу фоний дунёда қандай ибратомуз дарслар беради. Аммо ибрат ола биладургон қобилиятлар керак!

## 132-ҲИКОВА

## Ё РАББИМ, АДОЛАТИНГНИ КЎРСАТ!

Бир куни Ҳазрат Мусо (а.с.) Жаноби Ҳаққа муножот қилди:  
— Ё Раббий! Адолатингни кўришни истайман, — деди. Жаноби Ҳақ Мусо (а.с.)га:

— Ё Мусо, шу тоғнинг этагига бориб ўтир, у ерда адолатимни кўрасан, — деб буюрди.

Ҳазрат Мусо (а.с.) бориб, ўша тоғ этагига ўтирди. Ҳеч ким йўқ, қуш ҳам учмайдиган бир жой.

Мусо (а.с.):

— Ё Раббий! Бу ер ҳувиллаган, кимсасиз бир ер экан, Сенинг адолатингни қандай кўраман бундай жойда? — деб сўради.

Жаноби Ҳақ:

— Ё Мусо, сабр қил! Адолатим шу кимсасиз жойда қандай намоён бўлишини кўр! — деб буюрди.

Ҳазрат Мусо (а.с.) тўрт тарафга диққат билан қараб ўтирар экан, узоқда бир отлиқ пайдо бўлди. Суворий отини чоптириб келиб, тоғ этагидаги чашмадан сув ичирди. Ўзи ҳам отдан тушиб қўллари, юзини ювди. Шу аснода белидан олтин тўла ҳамёни чиқариб, қирғоққа, булоқ ёнига қўйди, отини суғориб, юз-қўлини ювиб, яна йўлига кетди. Ҳамёнини унутиб шу ерда қолдирди. Кўп вақт ўтмай, бир бола булоқ олдига келди. Бола сув ичди, қўлини, юзини ювди. Кетаётиб олтин солинган ҳамёнини кўрди ва уни олиб, ййноқлаб, сақраб-сақраб булоқ олдидан узоқлашди. Шу пайт қўлида асо ушлаган бир кўр ҳассасини тошларга уриб-уриб бу ерга келди. Сув ичди-да, булоқ олдидан энди нари кетган эди, ҳамёнини унутган суворий етиб келди. Отлиқ мағрур бир қараш билан ўннга-сўлга тикилди, ҳамёнини қолдирган чашма бўйини синчков қаради. Ҳамёнини топа олмади. У ёқ-бу ёққа аланглаб қарар экан, нарироқда ҳассасини дўқиллатиб кетаётган кўрни кўриб қолди. Отлиқ зудлик билан бориб, аъмони ёқасидан ушлади ва «Ҳамёнимни бер», деди.

Кўр унга:

— Шошилманг, афандим, қанақа ҳамён? Мен ҳамёнини кўрмадим, — деса ҳам отлиқ ишонмади.

— Бу ерда сендан бошқа ҳеч ким йўқ. Олтин тўла киссамни сен олгансан, — деб отлиқ кўрни ўлдирди.

Ҳазрат Мусо (а.с.):

— Ё Раббий! Бу ҳозир мен кўрган воқеа адолат эмас, зулмдир, чунки ҳамённи кўр олмаган эди, — деб муножот қилди.

Жаноби Ҳақ:

— Ё Мусо! Бу кўрганларинг ҳаммаси адолатимдир. Отлиққа ҳамённи унутдирдим. Бола келиб ҳамённи топиб олди. Ҳамён боланинг ҳақи эди. Отлиқ боланинг отасидан олтин тўла ҳамён қадар пул олган эди. Боланинг отаси ўлди. Отлиқ боланинг отасидан пул олганлигини бола билмайди, деб инкор этди. Пулни болага бермади. Кўр эса бир вақтлар отлиқнинг отасини ўлдирган эди, аммо бунга шоҳид йўқ, қотил бемалол юрарди. Ул одамнинг ўлгани шундай қилиб унутилган эди. Ё Мусо! Сен адолатимни истаган эдинг. Мана, ҳозир бутун адолатим намоён бўлди. Ҳеч кимса илоҳий адолатимдан қутула олмайди. Бола ҳақини олди. Отлиқ отасининг қотилини ўлдирди, қасос олди. Илоҳий адолатим адо этилди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Эй, саноқли нафас сармоясига ила (яъни олдиндан белгиланган умр муддати ила) дунёга келган одам! Шунини тушунгинки, қилган ишларингдан сўроққа тутилсан. Қилган ҳар бир ишинг илоҳий адолат ҳузурида кўрилади, ўзингни ўша адолат маҳкамасига кўра ҳозирла! «Қилган ёмонликларим ҳеч нарсага таъсир этмайди», деб ўйлама, бундай хато фикр юритма. Ҳар бир қилмишинг, феълингдан ҳисоб берасан, сўроққа тутилсан.

Ўзингни алдама. Йўлингни тузат. Илоҳий адолат олдида жавоб бераман, деб ўзингни ҳозирла. Барча ишларинг қудрат кўзгусида кўринади, унутма.

### *133-ҲИКОЯ*

#### **ҲАЗРАТ УМАРНИНГ МУСУЛМОН БЎЛИШИ\***

Ҳазрат Умар машҳур Фил тарихидан 13 йил кейин Маккада туғилди. Демак, Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан Ҳазрат Умар (р.а.) 13 ёш кичик. Ҳазрат Умар (р.а.) мусулмон бўлганида 27 ёшда эди. Ҳазрат Умар (р.а.) Маккада Қурайш қабиласида буюклардан, эътиборлилардан бўлиб, узун бўйли, қорачадан келган, кенг яғринли, бақувват, бировга бўйин эгмайдиган, ўткир кўзли, жуда жасур бир зот эди. Қалби покиза, заковати кучли, ҳақ деб ишонган нарсасига содиқ қоладиган, жасорат

соҳиби эди. Хоҳлаган тарафга ёрдам бера оладиган, қувватли ва фаол инсон эди.

Ушбу яхши ва покиза сифатларнинг ҳаммасини Пайғамбаримиз (с.а.в.) Ҳазрат Умар (р.а.) да борлигини билар эдилар. Ҳазрат Умар (р.а.) нинг муслмон бўлишидан бир кун аввал Ҳазрат Умар (р.а.) учун: «Эй Аллоҳим! Муслмонликни Хаттобнинг ўғли Умар ила азиз қил (қувватлантир)», деб дуо қилгандилар. Ҳазрат Умар (р.а.) Пайғамбаримиз Ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.) нинг Пайғамбарлигининг олтинчи санасида (яъни Пайғамбаримиз (с.а.в.) га пайғамбарлик ваҳийси келганидан олти йил кейин) муслмон бўлди. Ҳазрат Умар (р.а.) қирқинчи муслмон эди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) нинг амакиси Ҳазрат Ҳамза (р.а.) дан уч кун кейин муслмон бўлган эди.

Мушрикларнинг исканжалари ортиб кетиб, сўнг даражага етган, чидаш ниҳоятда қийин бўлган бир ҳолатга келинган эди.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) Каъбада намоз ўқир экан, мушриклар (бут-санамларга сизинувчилар) Пайғамбаримиз (с.а.в.) нинг муборак елкаларига ўлган туянинг ичак-чавоғини қўйиб қўйдилар ва Пайғамбаримизнинг йўлларини беркитдилар. Шундай тазийқлар бўлишига қарамай, ҳеч ким муслмонликдан қайтмади, аксинча, муслмонларнинг сафи ошиб борди, мустаҳкамланди.

Ҳатто яширинча муслмон бўлганлардан Ҳазрат Умар (р.а.) нинг синглиси Фотима билан куёви Зайднинг ўғли (яъни Ҳазрат Умар (р.а.) нинг жияни) Сайид ва қариндошларидан Абдуллоҳнинг ўғли Нуайм ҳам бор эди. Бу ўзига яқин одамларнинг муслмон бўлганларини Ҳазрат Умар (р.а.) билмас эди. Муслмон бўлган чўриларини (хизматчи қизларни) у ҳушларидан кетгунича урар эди. Уларга: «Ё муслмонликдан воз кечасиз, ёки мен сизларга азоб беравераман» дер, чўри аёл муслмон бўлганлигини сезиб қолса, унга жуда ёмон муомалада бўларди. Шунга қарамай, ҳеч ким муслмонликдан қайтмади, муслмонлар сони кўпаяверди. Ҳазрат Ҳамзанинг муслмон бўлиши мушрикларнинг жаҳлини чиқарди. Ҳазрат Ҳамза ҳам муслмон бўлганидан сўнг уч кун ўтгач мушриклар (кофирлар) тўпландилар.

Бошлиқлари Абу Жаҳл:

— Муҳаммаднинг амакиси Ҳамза ҳам муслмон бўлди. Шундай кетаверса, муслмонлар кўпайиб кетади. Муслмонликни тўхтатишимиз зарур. Йўқотишимиз керак. Бунинг бирдан-бир чораси Муҳаммадни ўлдиришдир. Бу ишни ким бажара олса,

(Муҳаммадни ўлдирганга) юз туя, шунча минг олтин, кумуш ва кийимлар мукофот берилади, — деди.

Бу сўзларни эшитиб, тўпланган кофирларнинг ҳаммаси: «Муҳаммадни ўлдирадиган ота ўғил ким, кўрайлик», деб бақира бошладилар.

Ҳазрат Умар (р.а.) шу онда:

— Бу ишни мен бажараман. Мен ҳозир бориб Муҳаммадни ўлдириб келаман. Бу ишни Хаттобнинг ўғлидан бошқа ҳеч ким қила олмайди, — деди.

Тўпланганларнинг ҳаммаси Умар (р.а.)ни олқишлай бошладди. «Яша, Умар! Бор бўл, Умар! Бошла! Кўрайлик сени!», дедилар. Ҳазрат Умар (р.а.) қиличи, бошқа қурол-яроғларини олиб, йўлга чиқди. У Пайғамбарни қаерда бўлса ҳам топиб ўлдирмоқчи, Ислому Пайғамбари Ҳазрати Муҳаммадни ўлдириш билан мусулмонликни ҳам йўқотмоқчи эди.

Буни қарангки, бир тарафдан Умар (р.а.)нинг синглиси, куёви мусулмон бўлганлар ва Ҳазрат Пайғамбар учун жонларини фидо қиладилар. Бошқа тарафдан эса мусулмонларни йўқ қилмоқ учун Умар қурол-яроғли, қаҳр-ғазаб билан йўлга чиқади!..

Маккада ҳаво жуда иссиқ эди. Ҳазрат Умар (р.а.) Макканинг тоғли йўлларида терлаб-пишиб, ғазаб билан борар экан, йўлда қариндошларидан Абдуллоҳ ўғли Нуайм билан учрашиб қолди. Нуайм Ҳазрат Умар (р.а.)нинг ғазаб билан кетаётганини кўриб, шубҳаланди:

— Эй Умар, жаҳл билан қаёққа кетмоқдасан? — деди.

Умар (р.а.):

— Ислому динини ўчирмоқ учун мусулмонларни йўқотишга қарор бердик. Муҳаммадни ўлдиргани кетмоқдаман, — деди.

Умар (р.а.)нинг бу жавобини эшитиб, Нуаймнинг диний ҳиссиёти жўш урди, Пайғамбаримиз (с.а.в.)га келтирган имони, муҳаббати янада кучайди. Титраб-қақшаб Умар (р.а.)нинг йўлини тўсмоқчи бўлди:

— Умар, диққат қил, сен жуда янглиш ишга қарор қилибсан. Таҳликали йўлга кирибсан, шуни унутмаки, Пайғамбаримиз (с.а.в.)га ишонган мусулмонлар унинг атрофида парвона кабилар. Бир тукига ҳам қўл тегиздирмадилар. Фараз қилгинки, Муҳаммад (с.а.в.)ни ўлдиридинг, Абди Манноф ўғилларининг қўлидан қочиб қутула оласанми? Ҳошим ва Зуҳра ўғиллари сени ер юзиде соғ қўйишадими?

Умар (р.а.):

— Тушундим, тушундим. Демак, сен мусулмон бўлибсан-да. Ҳозир сени шу ерда ўлдираман, — деб, Нуайм томон юрган эди, Нуайм:

— Ё Умар, мендан нима истайсан? Сен ҳозир куёвинг Сайид билан синглинг Фотима олдига бор. Улар ҳам анчадан бери мусулмондирлар, — деб Умар (р.а.)дан зўрға қутулиб қолди.

Ҳазрат Умар (р.а.) бу сўзлардан ҳаяжонга келди, ғазаби янада ортди. Шу заҳоти синглисининг уйига кетди. Нуаймнинг фикри, Умар (р.а.)ни чалғитиб, Пайғамбар (с.а.в.) Жанобимизни зарар ва ёмонлик етишидан сақлаш эди.

Умар (р.а.) синглисининг уйига келганда, уй ичидан товушлар эшитди. Бу суҳбатга ўхшамас эди. Умар (р.а.)нинг келганидан беҳабар синглиси билан куёви Қуръони Каримни ўқир эдилар. Устозлари ҳам бор эди. Умар (р.а.) ғазаб билан эшикни тақиллатди. Эшик тақиллашидан синглиси Умар (р.а.)нинг келганини билди:

— Умар келди. Бу унинг эшик тақиллатишига ўхшайди.

Қуръони Карим оятларини ўргатаётган хожа жавоннинг ичига беркинди. Қуръони Карим саҳифаларини ёстиқ тагига яширдилар. Бу ишларни шошилиб қилар эканлар, эшикни очишга бироз кечикдилар. Умар бор кучи билан эшикни ура бошлади, эшикни куёви Сайид очди:

— Яхшимисиз Умар, нега бундай ҳолдасиз?

Умар (р.а.) куёвини ерга йиқитиб, ура бошлади. Синглиси эрини қутқариш учун орага тушди. Умар (р.а.)нинг қўлларини ушламоқчи бўлди. Умар (р.а.) уни ҳам урди. Синглисининг оғзибурни қон бўлди. Умар (р.а.) бу аҳволни кўриб ўзига келди, синглиси унга ҳайқирди:

— Умар, нега Аллоҳдан қўрқмайсан?! Биз «Аллоҳ» деганимиз учун, мусулмон бўлганимиз учун ургани келдингми? Шу пайтдан эътиборан эълон қиламиз: биз мусулмонмиз (Ашҳаду алла илаҳа илаллаҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва Расулуҳ). Биз ишонамизки, Аллоҳдан бошқа ибодат этиладиган илоҳ (Аллоҳ) йўқдир ва яна шаҳодат этамизки, Муҳаммад Аллоҳнинг қули ва расули (Пайғамбари)дир. Ҳозир қўлингдан келганини қил. Бутун танамни парча-парча қилсанг ҳам мени Расулуллоҳ (с.а.в.)дан (Аллоҳнинг Пайғамбаридан), Ҳазрат Муҳаммад (с.а.в.)дан ажрата олмайсан.



Ҳазрат Умар синглисини қонга беланган ҳолда кўриб, имон тўла сўзларини эшитиб, унга раҳми келди, қилган ишига пушаймон бўлди. Тиз чўкиб ўтирди. Ҳазрат Умарнинг тоқати қолмаган эди. У синглисига: «Ўқийтганингиз нима эди? Ҳозиргина ўқийтган Қуръон саҳифасини беринг-чи, бир кўрай,» деди. Умарнинг кўнгли юмшаганини кўрган синглиси ўқийтганлари — Қуръони Карим саҳифасини яширган еридан олиб, акасига берди. Умар саҳифани ўқиди. («Та ҳа» сурасининг биринчи саҳифаси эди). Ҳазрат Умар ўқиш ва ёзишни билар эди. У ўзини тута олмади:

— Бу қандай гўзал, қандай шарафли сўзлар?! Бу сўзлардан ортиқ гўзал, тотлироқ сўзлар бўлмас ва бўлмайди, — деди. Яна Ҳазрат Умар (р.а.): «Мен ҳам Ҳазрат Пайғамбар (с.а.в.)га имон келтираман, мен ҳам мусулмон бўламан», — деди.

Қуръони Каримни ўргатувчи устоз беркинган жойидан чиқди:

— Ё Умар! Сени табриклайман, Пайғамбаримизнинг сен учун кеча қилган ниёзлари (ёлборишлари)ни Аллоҳ қабул этди. Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Ё Аллоҳим! Мусулмонликни Хаттоб ўғли Умар билан азиз қил! (қувватлантир) деган эдилар, — деди.

Ҳазрат Умар(р.а.) Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг қаердалигини сўради:

«Арқамнинг уйида Асҳоби-саҳобалари билан биргаликда суҳбат қурмоқдалар», дедилар.

Ҳазрат Умар (р.а.) тўғри Арқамнинг уйига борди. Унинг келганини кўрдилар. «Ё Расулulloҳ! Хаттоб ўғли Умар келмоқда», дедилар. Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг муҳтарам амакиси Ҳазрат Ҳамза (р.а.): «Келсин, яхши ният билан, яхшилик учун келаётган бўлса, яхшилик кўради. Ёмонлик учун келаётган бўлса, ёмонлик кўради, ўзининг қиличи билан бошини узиб ташлайман», деди. Ҳазрат Ҳамза (р.а.) ниҳоятда кучли одам бўлиб, паҳлавонларнинг бошлиғи эди. Уч кун аввал мусулмон бўлган эди. Жаброил (а.с.) Ҳазрат Умарнинг мусулмон бўлмоқчи эканини Ҳазрат Пайғамбаримиз (с.а.в.)га келиб хабар берди. Шунинг учун Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Умар мусулмон бўлишга келаяпти», дедилар. Эшик очилди, Ҳазрат Умар (р.а.) ҳурмат билан Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ёнларига келди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) Ҳазрат Умарни ўринларидан туриб қарши олдилар:

— Нега келдинг, эй Умар?!

Ҳазрат Умар (р.а.):

- Мусулмон бўлмоққа келдим, ё Расулulloҳ! — деди.  
 Пайғамбаримиз (с.а.в.):  
 — Аллоҳу Акбар! Аллоҳ энг буюк, — деб такбир айтдилар.  
 Шу ердаги ҳамма мусулмонлар ҳаммаси такбир айтишди.  
 Такбир овози бутун Макка кўчаларида жаранглади.  
 Ҳазрат Умар (р.а.) сўради:  
 — Мусулмонлар неча кишимиз, ё Расулulloҳ?  
 — Сен билан қирқ киши бўлдик, — деб жавоб бердилар Ҳазрат Пайғамбаримиз (с.а.в.).  
 — Нега ўтирибмиз, ё Расулulloҳ?! Ўлсак ҳам, қолсак ҳам Ҳақ йўлида эмасмизми, бориб Каъбада — Байтуллоҳда жамоат бўлиб намоз ўқийлик, — деди Ҳазрат Умар (р.а.). Пайғамбаримиз (с.а.в.) билан мусулмонлар икки саф бўлиб, Каъбада намоз ўқидилар. Каъбага боришда бир сафнинг олдида Ҳазрат Умар (р.а.), иккинчисининг олдида Ҳазрат Ҳамза борди. Ҳазрат Умар (р.а.)нинг мусулмон бўлиши билан мусулмонлар қуввати ортди. Кофирларнинг ҳеч бири мусулмонларга бир нарса демади, ҳаммаси қўрқди.  
 Ҳазрат Умар (р.а.)нинг мусулмон бўлиши мусулмонларни қувватлантирди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Ҳазрат Умар (р.а.)нинг мусулмон бўлишида зўр бир ҳикмат бордир. Қариндошларнинг, амаки, тоғаларнинг сулола бўлиб, бир-бирларини қувватламаклари лозимдир. Нуайм нима деди? «Эй Умар, сен Ҳазрат Муҳаммад (с.а.в.)га қарши чиқолмайсан, агар унга тажовуз қилсанг, амакиларидан, тоғаларидан қутула олмайсан. Сени тирик қўймайдилар», деб Умарни огоҳлантирган эди. Демак, қариндошлик жуда муҳим неъматдир.

### 134 - ҲИКОЯ

#### ҲАЗРАТ УМАРНИНГ ФАЗИЛАТИ

Ҳазрат Умар (р.а.) бир ишни ман қилса, халқи ва ақраболарини тўплаб, уларга:

— Аллоҳ Таолонинг амрига кўра, халққа шу нарсаларни ман қилдим. Ўзларингиз ҳам бу ман этилган нарсаларни қилмаслигингиз шарт. Агар қайси бирингиз бу ишларни қилсангиз, бошқаларга бериладиган жазоларнинг энг қаттигини берурман, — деб буюрган эди.

Мўминлар Халифаси Ҳазрат Умар (р.а.)нинг бу хусусиятини билувчи яқинлари халққа ман этиладиган ишларни қилмаслик учун қўлларидан келганча ҳаракат қилар эдилар ва ман этилган нарсалардан узоқ бўлардилар.

### *Изоҳ ва ўғит*

Мана буни фазилат дейдилар. Айтган сўзларига аввал ўзи, оиша ва қариндошлари, яқинлари амал қиладилар ва бошқаларга ўрнак бўладилар. Бундай фазилат исломга хос фазилат. Баъзилар фақирларнинг ҳақларини мудофаа этишлари, сақлашлари зарур, аммо ўзлари бой-бадавлат яшайди. Бундай фазилатсизлик, самимиятсизлик исломда йўқдир. Фазилат қандай кўринишда бўлса, ўзи ҳам шундай бўлмоғи ва ёки қандай бўлса, шундай кўринмоғи даркор.

Фақирликдан, йўқсилликдан сўз юритганлар ўзлари ҳам фақирларнинг аҳволларини билишлари (шундай камтарона яшашлари), уларга ўхшаб овқатланишлари, кийинишлари, бир сўз билан айтганда, улардай турмуш кечиришлари керак. Ҳақиқат шу. Мардлик шундадир.

### 135 - ҲИКОЯ

#### **ИККИ ХОТИН ҲАМ «БОЛА МЕНИКИ», ДЕДИЛАР**

Бир вақтлар Ҳазрат Сулаймон (а.с.)га икки хотин бир болани олиб келдилар. Бири, «Бу бола меники деса, иккинчиси ҳам «Йўқ, меникидир», дер эди.

Сулаймон (а.с.):

— Ҳеч қачон бир бола икки онадан туғилмайди! Бола иккин-гиздан бирингизникидир. Иккалангиздан бирингиз ёлғон сўзла-моқдасиз, — деди.

Уларнинг иккаласи ҳам:

— Бола меники, — деб даъво қилдилар.

Ҳазрат Сулаймон (а.с.) даъвогарларнинг можаросини эртан-ги кунга қолдирди.

Хотинларга: «Сиз бугун кетинг. Бугун бу даъвони ҳал этмай-ман. Эртага эрталаб келинг», деди.

Ҳазрат Сулаймон (а.с.) ўша кеча икки ракъат намоз ўқиди. Аллоҳдан сўради: «Ё Раббий! Ёрдам бер, бу даъвони қандай ҳал қиламан? Менга бир йўл кўрсат», деди.

Кечаси тушида: «Ё Сулаймон! «Болани иккига бўламан. Бир қўл, бир оёқ, бир кўз ва бир қулоқ сенга, бир қўл, бир оёқ, бир кўз ва бир қулоқ сенга», деб айт. Боланинг асл онаси бунга рози бўлмайди. Шунда болани ўша аёлга бер», деган овоз эшитди.

Эртаси эрталаб иккала хотин келдилар. Ҳазрат Сулаймон (а.с.):

— Даъволарингни ҳал қилдим. Болани иккига бўламан. Бир кўз-қулоқ, қўл-оёқ сенга, бир қўл-оёқ, кўз-қулоқ сенга, — деган эди, сохта она: «Майли», деди. Ҳақиқий она эса:

— Ё Сулаймон (а.с.), Сиз нима қилмоқчисиз?! Бола ўлади-ку! Бундай қилманг, майли, бола унга бўла қолсин, мен учун тирик бўлса, яшаса бўлди, — деди.

Ҳазрат Сулаймон (а.с.) боланинг бўлинишини истаган сохта онани жазолади. Ҳазрат Сулаймон (а.с.) боланинг онасидан:

— Бу хотин нега сенинг болангга ёмонлик қилмоқчи? — деб сабабини сўради.

Аёл:

— Ё Сулаймон (а.с.), бу хотин менинг қўшним бўлади. Бу хотиннинг менда адовати бор. Кўпдан бери менга ҳасад қилади. Бу сафар унинг ёмонлиги бошига етди, — деди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Бу ҳикояда ажойиб бир ибрат бор, унда хоинлар, сохта одамлар қандай ёмонликлар қилишлари мумкинлиги кўрсатилади. Жоҳил: «жоҳилман» деб келмайди. Душман душманлигини намойиш қилиб юрмайди, фасод ва фитначилар, ватанни бўлиб, парчаламоқ истаганлар доимо ватанпарвар, ислоҳ этувчи бўлиб майдонга чиқадилар. Қиладиган ёмонликларини яхшилиқ сифатида кўрсатишга интиладилар. Дўст бўлиб кўриниб, душманликларини тадбиқ этмоқчи бўладилар.

Бир аёлнинг ор-номусига тажовуз қилишни истаганлар ул аёлни алдаш учун ёлгон сўзлайдилар. Сенга уйланаман, сени севаман, дейдилар. Кейин ор-номусига тегиб, қочиб қоладилар. Дунёда ор-номусларини сақлаб қола олмаганлар бу сохта йўл қурбони бўладилар. Шундай ҳам бўладики, бир хотинни бошқа бир ёмоннинг қўлидан қутқариб қоладилар, сўнгра ўзлари бироз ўтиб ул хотин номусига тегадилар. Бунда ушбу хоинларнинг аввалги

хоинлардан қандай фарқи бўлади? Улар ҳам, булар ҳам номус душманларидирлар!

Эй, оқил, мўмин қардошим! Мана бу ҳикояда кўп ибрат, ўрناق олинадиган жиҳатлар бор. Бу ҳикояни яхшилаб фикрлаб кўринг, у кўп ибратлидир.

### 136 - ҲИКОЯ

#### ЕТМИШ МИНГ КАЛИМАИ ТАВҲИД

Аллоҳ дўстларидан бир зот етмиш минг калимаи тавҳид айтди. Аммо савобини ҳеч кимга бағишламади. Бир куни зиёфатда овқат ер экан, ҳол ва кашф аҳлидан бўлган ирфон соҳиби йигит кўлига овқатни олибоқ ҳўнграб йиғлай бошлаганини кўрди ва унга:

— Нима бўлди, бирор дардинг борми? Бирор еринг оғрияптими? Касалмисан? — деган эди, ул йигит:

— Жаҳаннамни кўрдим, онаминг у ерда азоб чекаётганини кўрдим. Шунинг учун йиғламоқдаман, — деди.

• Аллоҳнинг дўсти ўқиган калимаи тавҳиди савобини:

— Ё Раббий! Биласанки, тавҳид калимасини етмиш минг марта ўқидим. Энди уни ушбу йигитнинг онасини азобдан қутулмоғи учун ҳада этаман, — деб ҳада этди.

Аллоҳнинг севикли қули ҳада этар-этмас, йигит кулимсиради ва «онам жаҳаннамдан қутулди», деб севинди. Сўнг овқат ея бошлади. Аллоҳнинг дўсти бўлган зот:

— Етмиш минг карра калимаи тавҳидни ўқиган ва ёки ўқиб, бошқа бир одамга ҳада этган тақдирда жаҳаннам азобидан қутулишга сабаб бўлади, деган ҳадис ёдимга келиб ўқиган эдим. Мана, энди ҳадиснинг тўғрилигига ишондим, — деди.

#### *Изоҳ ва ўғит*

Калимаи тавҳид ўқиган жаннатга кирмоқ лутфига эришажакдир. 70 минг калимаи тавҳид ўқимоқ савобининг улуғлиги маълумдир. Ҳатто халқимиз орасида ҳам 70 минг калимаи тавҳид ўқиш машҳурдир. Севикли Пайғамбаримиз (с.а.в.) Ҳадиси шарифларида: «Орқасида бир солиҳ фарзанд, онага, отага хайрли дуо қиладиган фарзанд қолар экан, ул кимсанинг амал-савоб дафтари ёпилмайди», деганлар.

Ушбу йигитнинг аҳволи бу ҳақиқатларни эслатади. Солиҳ фарзанд онасининг жаҳаннамдан қутулишига сабаб бўлди ва бўлажак.

Аллоҳ шундай солиҳ фарзандларни мусулмонларимизга насиб этсин. Омин!

### 137 - ҲИКОЯ

#### ИБРОҲИМ АДҲАМ ВА КАЛТАКЛАНГАН ЧҶҮРИ\*

Иброҳим Адҳам Балх ҳукмдори эди. Неча мамлакатлар унинг буйруғига бўйсунар эдилар. У шундай бир салтанат соҳиби эдики, овга чиққанида олдида ва орқа тарафида зарбоф тўнлар кийган аркони давлат ва қўриқчилари уни кузатиб борар эдилар. Ёнида бақувват този итлари бўларди. Мана шундай салтанатда яшаган Иброҳим Адҳамнинг саройида гўзал чўри ва канизаклар ҳар оқшом ҳукмдорнинг ётоғини ҳозирлар эдилар.

Бир кун бир чўри келди. У ночор, заиф, қорачадан келган эди. У ҳукмдорнинг ётоғини ҳозирлади. Чўри ҳукмдорнинг юмшоқ атлас ва ипак ёстиқ-тўшаклари, инжу ва олтин тахтлари жозибасига маҳлиё бўлиб, бир озгина бошини ёстиққа қўйди ва ўша заҳоти ухлаб қолди. Сен энди бунга қара! Энг хунук чўри ҳукмдор ётоғида қандай ётади?!

Ҳукмдор Иброҳим Адҳам ётгани келди. Қарайдики, ётоқда қора чўри ухлаб ётипти. Ҳукмдор тоқати тоқ бўлиб, даррани олиб, чўрини савалади. «Аллоҳ яратган-ку буни», демади...

Чўри дарра овози ва калтак зарбидан уйғониб кетди. Ҳукмдор Иброҳим Адҳам жон-жаҳди билан урди, чўри калтак еб қаҳ-қаҳ отиб кулди. Ҳукмдор уради, чўри кулади. Ҳукмдор уришдан чарчади, аммо қора танли чўри кулишдан, қаҳ-қаҳдан чарчамади...

Ҳукмдор ўзига келиб:

— Эй хотин, мен уришдан чарчадим, сен эса кулишдан ва калтак ейишдан чарчамаёпсан! Нега тинмай куласан? Нега йиғлаш ўрнига куласан? — деди.

Чўри:

— Менинг ҳукмдорим! Мен бу атлас тўшалган ўринда бир нафас ётиб, шунча калтак едим. Сиз шунча йиллар бу атлас кўрпа тўшалган ўринда, пар ёстиқда ётибсиз, ажабо, қанча калтак ер экансиз, деб ўйладим, шунинг учун кулдим, — деди.

Иброҳим Адҳам ўзига келди. Ўша кунини то тонггача ухламади. Тожу тахтини, саройини, молу мулкини ташлаб, эртасига дарвешлик йўлига кирди, Аллоҳ дўсти бўлди. Авлиёulloҳлар қаторига қўшилди. Дарё бўйида тўвини ямаб ўтириб, игнасини сувга ташлаганда, игнасини балиқлар олиб чиқиб бердилар. Бу ҳикоя олдинроқ ўтган эди, сиз ўқиган эдингиз.

### 138 - ҲИКОЯ

#### АЛЛОҲ УЧУН ЙИҒЛАГАН КЎЗЛАР

Аллоҳнинг буюк Пайғамбари Шуайб (а.с.) шу қадар кўз ёши тўкар эдики, Аллоҳ шавқи муҳаббатидан йиғлай-йиғлай кўр бўлган эди. Жаноби Ҳақ Шуайб (а.с.)га ваҳий юборди:

— Ё Шуайб, бунчалик йиғлашинг ва кўзларингнинг ёшини тўкишинг жаҳаннам кўрқувидан бўлса, сени жаҳаннамдан озод қиламан. Жаҳаннам оташи сени ёқмайди. Бу йиғлашинг агар жаннат ҳасратидан бўлса, жаннатни сенга бераман. Булар учун кўз ёши тўкиб йиғлама, — деб буюрди.

Шуайб (а.с.):

— Ё Раббий! Эй Буюк Раббим! Менинг йиғлашим на жаҳаннам кўрқувидан, на жаннат ҳасратидандир. Уларнинг ҳеч бири эмас. Менинг кўз ёшларим сенга бўлган ишқим ва муҳаббатимдан, иштиёқимдандир, — деди.

Жаноби Ҳақ:

— У ҳолда йиғлайвер, ё Шуайб, йиғла! Зеро, бу ҳасратнинг бир иложи йиғлашдир. Бу дарднинг чораси кўз ёши тўкишдир, — деб Пайғамбар Шуайб (а.с.)га ваҳий этди.

#### *Изоҳ ва ўғит*

Эй, Ҳақ йўлчиси! Бир кўзки Аллоҳ, деб кўз ёши тўкиб, Аллоҳ учун йиғлаб кўр бўлди, бу кўз қандай бахтиёр, саодатли кўздир. Жаҳаннам оташидан кўрқиб эмас, Аллоҳ ишқи ила кўз ёшини тўкиб, кўр бўлди!..

Аллоҳ учун яшаган кўзлар ҳақидаги муждалар

Суюкли Пайғамбаримиз (с.а.в.) Ҳадиси шарифларида:

«Кимки Аллоҳ деб унга бўлган севгисидан кўз ёшларини ерга тўкса, қиёмат кунини у кўзларга жаҳаннам оташи тегмайди. Йиғ-

лаган ул кўзлар азобга йўлиқмайдилар. Жаҳаннам алангаси ул кўзларни ёқмайди» (Ҳаким ривоят қилган).

«Аллоҳга бўлган шавқ ва севгисидан йиғлаган, кўз ёши тўккан, Аллоҳ йўлида уйқусиз қолган ва бу Ҳақ йўлида бедор бўлган кўзларга асло жаҳаннам азоби таъсир этмайди. Бу муборақ кўзлар асло жаҳаннам азобига тугилмайдилар» (Имоми Аҳмад, Насоий ва Ҳакимий ривоят этганлар).

«Икки кўз борки, асло жаҳаннамда оташ азобига учрамайди. Бирини — Аллоҳ ишқ-муҳаббатидан йиғлаган кўз. Бошқаси эса, Аллоҳ йўлида навбат кутган ва ухламаган кўздир» (Равоҳи Термизий).

«Икки кўз борки, (жаҳаннам) оташининг уларга тегиши ҳаром этилгандир. Аланга уларга мутлақо тегмайди. Булардан бири Аллоҳга эҳтиром, шавқ ва ҳурмат билан йиғланган кўз. Бошқаси эса, мусулмонларни кофирларнинг, динсизларнинг хуружидан сақлаш, қўриқлаш учун бедор бўлган кўзлардир» (Равоҳи Ҳаким ривоят этган).

Зайд бин Ақром (р.а.)нинг ривоятига кўра, бир кун бир одам Расули Ақрам (с.а.в.) ҳузурига келиб:

— Ё Расулulloҳ! Оташдан нима билан сақланса бўлади? — деб сўради.

Севикли Пайғамбаримиз (с.а.в.) бундай дедилар:

— Кўз ёшлари ила! Зеро, Аллоҳ ишқидан, Аллоҳ севгисидан ва унга бўлган шавқдан йиғлаган кўзлар билан жаҳаннамнинг оташига асло учрамайди!

Бир қул Аллоҳ қўрқусидан даҳшатга тушса, Аллоҳ қўрқусидан титраса, бутун гуноҳлари қуриган дарахт барглари каби, хазон мавсумида, кузда япроқлар тўкилгани каби тўкиладир».

Ривоятга кўра, Расули Ақрам (с.а.в.) саҳобалари билан ўтирган эдилар. Шаббода эсди ва дарахтнинг қуриган баргларини учириб келди. Яшил япроқлар узилмай қолдилар. Расули Ақрам (с.а.в.) саҳобаларга савол бердилар:

— Бу дарахт кимга ўхшайди? Айтинг-чи, кимга ўхшатар экансиз? Асҳоб:

— Аллоҳ ва Расули яхшироқ билишади, ё Расулulloҳ, — дедилар.

Расули Ақрам (с.а.в.):

— Бу дарахт Аллоҳдан ниҳоятда қўрққан вақтда гуноҳлари бу япроқлар каби тўкилган ва яхшиликлари, савоблари ўзида



қолган мўминга ўхшайди, — дедилар (Ибн Ҳаббон ва Байҳақий ривоят этганлар).

Эй, Аллоҳ деган мўмин! Бу Ҳадиси шарифлардан ўз ҳиссамизни ола билсак (тушуниб, амал қила олсак), қандай бахтга эришар эдик!..

Жаноби Ҳақ бир оятида: «Эй, мўмин қулларим! Аллоҳга қанчалик муҳаббат қўйсанг, Аллоҳ ҳам сенга шундай бир лойиқ шаклда ҳурмат кўрсатади», деб буюрмишдир.

Аллоҳнинг номи эсланган (айтилган) вақт, Аллоҳ зикри билан машғул бўлинган замон, Аллоҳ қўрқусидан ва унга бўлган муҳаббатдан ўзини тута олмай, туйғу ва туйғуларини кўз ёшлари ила ифодалаш Аллоҳнинг юксак шонини қалбан ва ақлан ҳис этишнинг бир нишонидир.

Энг кичик бир гуноҳ ишидан қўрқиб, ҳузурсиз бўлган мўминлар кўз ёшлари ила кўнгилларини тозалайдилар, қалбларини поклайдилар ва дарҳол кўнгил роҳатига эришадилар. Аллоҳ Қуръони Каримда: «Аллоҳнинг номини ёд этганда юраклар фараҳ-роҳат топади», деб буюргандир. Бу фараҳга етишган юраклар, унинг юксак шонини билган, ҳис этган ва бу ҳис билан кўз ёши тўккан ошиқ қуллар Аллоҳнинг юксак марҳаматига эришган бахтиёрлардир.

Дин, ватан ва миллат ҳақида яширинча, мижжа қоқмай, бедор бўлганларни ҳам Аллоҳ лутфига сазовор этади, улар ҳам азоб, жаҳаннам алангасини кўрмайдилар.

### 139 - ҲИКОЯ

#### БЎЛСА — БАҲАМ КЎРАМИЗ, БЎЛМАСА — ШУҚР ҚИЛАМИЗ

Ҳазрати Шақиқий Балхий Иброҳим Адҳамдан сўради:

— Кун кечирмоқ учун сиз нима қилдингиз? Қаердан маблағ топясиз, яшашингиз учун нималар қилдингиз?

Иброҳим Адҳам бундай жавоб берди:

— Бўлса — шуқр қиламиз, бўлмаса — сабр қиламиз.

Шақиқий Балхий ушбу жавобни — иршодни айтди:

— Ё Иброҳим! Сенинг бу ишингни бизнинг Хуросон кўппаклари ҳам қила оладилар. Бўлса — ейдилар, бўлмаса — сабр қилдилар.

Иброҳим Адҳам:

— Ҳазрат, Сиз-чи? Сиз нима қиласиз? — деди.

Ҳазрат Шақиқий Балхий:

— Бўлса — баҳам кўрамиз, бўлмаса — шукр қиламиз, — деди.

Иброҳим Адҳам:

— Жуда тўғри сўзладингиз, устоз, — деди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Ҳақ йўлчиларининг айрича аломатлари, иршоди, ўғитлари алоҳида қадрлидир. Аллоҳ йўли солиҳларининг неъматлари жуда буюқдир. Уларнинг қадр-қиммати ниҳоятда баланддир.

### 140 - ҲИКОЯ

#### ҲАЗРАТ УМАРНИНГ ҚАРЗ СЎРАГАНИ

Ҳазрат Умар (р.а.) мўминларнинг Халифаси. Унинг замонида бир минг тўрт юз шаҳар фатҳ этилган. Эроннинг барча хазиналари ва бойликлари сув каби Мадинага оққан пайтлар...

Ҳазрат Умар (р.а.)нинг бола-чақаси ва уй харажатларига пули йўқ. Абдураҳмон бин Авфга хизматчисини юборди ва қарзга юз дирҳам пул сўрайди. «Уйга — оилам, болаларим учун овқат оламан», дейди.

Абдураҳмон бин Авф (р.а.) бунинг ҳикматини билиш учун сўрайди:

— Ё Амрал-мўъминин! Пулни мендан сўрайсанми? Сен Халифасан. Байтул-мол (Давлат хазинаси) сенинг қўлингда. Бу пулни ўша ердан ол, кейин қайтарасан. Нега мендан қарз олмоқчисан? Бунинг бир ҳикмати бўлса, уни айтиб бер, билиб олай, — дейди. Ҳазрат Умар (р.а.) Ҳазрат Абдураҳмон бин Авф (р.а.)га ушбу жавобни беради:

— Ё Абдураҳмон! Менга зарур бўлган қарз пулни сендан олишни истайман. Сабабини сўрамоқдасан. Сабаби, сенга қарз бўлсам, ажалим етиб ўлсам ва қарзимни бера олмасам меросимдан беришим ва ҳалоллашмоқ мумкин бўлади. Байтул-молдан қарз олсам, шундай бир вазиятда барча мусулмонлар билан ҳалоллашмоқ қийин бўлади. Бунга на бойлитгим ва на олган савобим чидаш беради, — деди.

Ҳазрат Абдураҳмон (р.а.):

— Шуни билмоқчи эдим, — деди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Эй, Ҳақ йўлчиси! Ислонда бу ҳақиқий мезондир... Ҳақ-ҳуқуқ мезони. Имони бор бўлган ҳақдан кўрқади, ҳаққа ҳурмат кўрсата-

ди. Имони бўлмаса ёки имони заиф бўлса, ҳақнинг қадрини билмайди. Бундайлар жаҳаннамда узоқ ёнмоқлари керак бўлади. Қулларининг, халқининг ҳақлари ила охиратга кетган бу ҳақлардан қандай қутулади, қутулиб бўладими? Албатта, мумкин эмас. Жаҳаннамда ёна-ёна у ҳақлар тўланади. Жаҳаннамда ёнишни хоҳламаган одамга бировнинг ҳақидан узоқ туриш энг тўғри йўлдир.

### 141 - ҲИКОЯ

## ҚУРЪОНИ КАРИМ ЎҚИЛАЁТГАНДА ЙИҒЛАШ

### Ўз қалбини англагани учун йиғлайди

Аллоҳ дўстларидан Ҳабиб Ажамий уммий (омий) бир зот бўлиб, ўқиш-ёзишни билмас эди. Қуръони Каримни ўқишни ҳам билмас эди. Шундай бўлишига қарамай, ҳузурда Қуръон ўқилган пайтда Ҳабибнинг кўзларидан дув-дув ёш оқа бошларди. Кўз ёшлари оқиб тушиб, уст-боши ҳўл бўлиб кетарди. Ҳабибдан сўрадилар:

— Сен арабча билмайсан, Қуръоннинг маъносини тушунмайсан, ўзини ўқий олмайсан. Буларни билмасанг ҳам Қуръон ўқилаётганида тинглаб, нега йиғлайсан?

Ҳабиб:

— Ақлим тушунмайди, аммо қалбим тушунади, — деди.

Имом Шофейй билан Имоми Аҳмад бин Ҳанбал иккиси суҳбат қуриб ўтиришарди. Ҳабибнинг бир хонадан чиққанини кўрдилар. Имом Аҳмад бин Ҳанбал Ҳазратлари Имоми Шофеййга:

— Ҳабибдан бирор нарса сўрайлик, ҳазиллашиб кўрайлик, — деди.

Имоми Шофейй Ҳазратлари:

— Ниятингиздан воз кечинг. Булар ғариб кимсалардир, буларнинг ҳолига ақл етмайди, — дедилар.

Шундай бўлса-да, унга савол бериб, ҳазил қилдилар:

— Ҳабиб, айт-чи, бир кимса беш вақт намозни вақтида ўқимаса ва вақт қанча бўлганини билмаса, бу одам нима қилади?

Ҳабиб:

— Ҳақиқатда бундай бир гафлатдаги одам вақт қанча бўлганини билмайдиган даражада бўлмаса керак. Бу мусулмон ўзини ўзи жазолангирмоғи ва беш вақт намозни бирдан ўқимоғи керак, токи эс-ҳушини йиғиб олсин, — деб жавоб берди.

Мазҳаб соҳиби бу икки зот ҳайратлар ичиди қолдилар. Имом Шофейи Ҳазратлари дўстларига:

— Мен сизга айтганим бўлди. Булар ғариб ҳолли кимсалардир, булар билан ҳазиллашиб бўлмайди, — дедилар.

### *Изоҳ ва ўғит*

Эй, Ҳақ йўлчиси, бирор одам қанчалик ўқимишли бўлса бўлсин, агар кўнгил кўзи кўрмаса, у жоҳилдир. Кўнгил кўзи очиқ бўлган кимсаларнинг билганлари оз бўлса ҳам улар Аллоҳнинг дўстларидандирлар. Аллоҳ йўлида бўлган одамлар ихлосларига қараб қадр ва фазилат соҳибидирлар. Инсоннинг қалб кўзини фақат Аллоҳ очадир. Жон-дилидан «Аллоҳ!» деганлар қуруқ қолмайдилар.

Қаранг, бу ҳикоядаги Аллоҳ дўсти Ҳабибнинг илми йўқ, аммо илм соҳиби, ҳатто мазҳаб соҳиби икки буюк зотга берган гўзал, иршод бўлувчи жавоби билан уларни мамнун этди, севинтирди. Нега бундай бўлди? Чунки унинг илми йўқ, лекин ирфони бор эди. Ирфон бошқа, илм бошқадир. Буларни аралаштирмаслик зарур. Қуръонни ўқишни билмайди, аммо қалби билан унинг маъносини англайди, бу ирфоннинг ўзидир.

## 142 - ҲИКОЯ

### ҚУРЪОНГА ҲУРМАТ КЎРСАТИШ

#### Бир ҳукмдорнинг Қуръонга ҳурмат кўрсатиши ҳақида

Бир куни Усмон Ғозийи қишлоқда яшовчи одамнинг уйида меҳмон бўлди. Оқшом пайти овқатни еб, бироз суҳбат қурганларидан кейин ётишга ҳозирландилар. Мезбон Усмон Ғозийининг ётоғини тайёрлай бошлади.

— Аллоҳ роҳатлар берсин, афандим, — деб эшикдан чиқди.

Усмон Ғозийи тайёрланиб, энди ётмоқчи эди, қаршисидаги деворда Қуръони Карим солинган халтача осиб қўйилганини кўрди. Усмон Ғозийи тиз чўкиб ўтирди ва тонггача ўрнидан жилмади.

Эрталаб уй эгаси келиб қараса, ўрин бузилмаган, кечкурун қандай тўшалган бўлса, шундай турибди. Уй эгаси Усмон Ғозийига:

— Афандим, нега дам олмадингиз? Ухламадингиз? Ўрин қандай солинган бўлса, шундай турибди, бирор нохушлик бўлдимиди? — деди.

Усмон Ғозий:

— Йўқ, нохуш ҳеч нарса бўлмади. Деворда эҳтиёт қилиб, эъзозлаб олиб қўйилган Қуръони Каримни кўрдим. Қуръоннинг олдидида оёқларимизни узатиб ётиш бизга мумкин эмас, Қуръонга ҳурматсизлик қилиш ҳеч бир мусулмонга тўғри келмайди, — деб жавоб берди.

### 143 - ҲИКОЯ

#### АЛЛОҲ БОР, ИНКОР ЭШИКЛАРИ БЕРКДИР

Бир вақтлар Бағдодга бир динсиз файласуф келди. У ҳамма нарса табиатдан дер эди ва ўзининг динсизлик ва бузуқлик ғоясини Бағдодга ёймоқчи бўлди. Ислому олимларини ҳам мунозара-ларга даъват этди.

Ўша замонда Халифа бўлган Мансур бундан хабар топди. У ўша динсизни саройга таклиф қилди ва масалани ундан сўради. Унга жавобан динсиз:

— Эй, мўминларнинг Халифаси, Сенинг салтанатингдаги олимлар билан баҳслашишни хоҳлайман. Улар бу коинотни бир Аллоҳ тарафидан яратилган, дейдилар. Мен эса коинот ўзи абадий бор бўлган, деб айтаман. Олимларинг билан баҳсда буни исбот қиламан, — деди.

Халифа дарҳол имом Аъзам Ҳазратларига хабар берди:

— Бир динсиз (Аллоҳни инкор этувчи) файласуф келди. Сизни мунозарага даъват қилмоқда. Тез келинг.

Имом Аъзам пешиндан сўнг бораман, деб хабар қилди. Имом Аъзам афандимиз айтган вақтидан бир соат кеч келдилар. Файласуф бутун сарой аҳлига шикоятмуз:

— Сўз бериб келмади, қўрқиб келмади, — деди. Халифа ва сарой аҳли имом Аъзамни кутиб ҳаяжонлана бошладилар. Шу пайт имом келдилар.

Динсиз файласуф:

— Бу имом билан мунозара қилмайман, чунки у бизни бир соат кутдириб қўйди, сўзида турмади, — деди.

У яна Ҳазрат имомнинг ахлоқини ёмонлай бошлади. Унга жавобан имом Аъзам:

— Шошилмагин, эй рақиб, аввал нега кеч келганимни сўра, кейин шунга қараб гапир, — дедилар.

Халифа Мансур имом Аъзамни буюк ҳурмат ва эҳтиром билан кутиб олди. Уни мажлисининг энг юксак, олий мақом ерига ўтказди.

Динсиз мункир имом Аъзамдан:

— Кеч қолишингизнинг сабаби нимада? — деб сўради.

Имом Аъзам унга жавоб бериб:

— Кеч қолишимга сабаб бир ғаройиб ҳодиса бўлди. Биласизки, мен Дажла дарёсининг бўйида яшайман. Дарё қирғоғига келиб солга ўтирмакчи эдим, қаттиқ бўрон туриб солни парчалаб ташлади. Тахталарни пахта саваловчи урганда чиққан момиқдай учирди. Ўша ерда туриб қолдим. Дарёдан ўтишга бошқа бир чора йўқ эди. Шунда бир тўлқин бўлиб, парчаланган сол тахталарини бир ерга тўплади. Яна сол бўлди. Мен унга ўтириб дарёдан ўтиб келдим, — деди.

Файласуф чин қалбидан ҳозир имомнинг ноҳақлигини бир зумда исботлайман, деб ўрнидан туриб кетди ва:

— Муҳтарам аҳли мажлис! Қаранг, сизнинг имомингиз нималар демоқда. Парчаланиб кетган сол тахталарини шамол бир ерга тўплаган эмишда, имом шу солда дарёдан ўтган эмиш. Буни ақл, мантиқ қабул қиладимиз, айтинг, — деди.

Имом Аъзам унга жавоб бериб:

— Эй, нодон рақиб, сен икки тахтани бир ерга келмайди деб айтмоқдасан-у, бу тиргаксиз осмон ва шу муаззам самонинг ўзи-ўзидан яратилмаганлигини қандай қабул этасан? — дедилар.

Табиатчи бирор сўз дея олмади. Халифа уни жазолади.

### *Изоҳ ва ўғит*

Эй, динини севувчи мусулмон! Аллоҳ берган ақл неъматини яхши қўллай билсанг бахтиёр бўласан.

Динсизлар ўзларига тасалли бериш учун «инсонни табиат яратди, унга буни берди, уни берди» дейдилар. Динсизлар тасаввурларига кўра табиат тасодифлар, эҳтимоллар силсиласидир.

Энг охири динсиз ҳам қийналганида «Аллоҳ», дейди. Аммо бу қийналиш ўтиб кетганидан сўнг яна динсизлигига, ахлоқсизлигига қайтади. Яна дард келганида «Аллоҳ», дейди.

Фиръавн, «мендан буюк Аллоҳ борми», деб мағрурланганида, Ҳазрат Мусо (а.с.)га очилган денгиз йўлида сувга кўмилишини тушуниб, «Мен Мусо ва Исроил фарзандлари ишонган Аллоҳга инондим» деган.

Демак, инсоннинг яратилиш моёсида динга эҳтиёж ва ишонч туйғуси бордир.

Робиа Адвияга фалончи олим Аллоҳнинг буюклигига минг далил кўрсатди, дедилар. Робиа кулди ва:

— Биттагина далил кифоядир, ул олим бекор уринибди, деди.

Ундан:

— У қандай далил? — деб сўрадилар.

— Сен ҳеч ким йўқ бир жойда оёғинг қайрилиб чуқурга тушиб кетсанг нима дейсан? — сўради Робиа.

Савол бергувчи ул одам:

— Ё Аллоҳ, деб бақираман, — деди.

— Бу далил кифоя эмасми? — деди Робиа.

Аллоҳни инкор этиш эшиклари беркдир. Агар инсон рўҳида олғирлик ва қароқчилик бўлса, унинг боиси диндан ўз насибини олмаганидир. Инсоннинг яратилишида Аллоҳга имон келтириш ва ишонч асосий омил бўлган. Бу коинотни йўқдан бор қилган у буюк қудратдир. Инсонни бир томчи сувдан пайдо қилган Холиқи азим Раббимиздир!

#### 144 - ҲИКОЯ

### ИСЛОМДА ҚЎШНИ ҲАҚҚИ БУЮКДИР

Ҳазрат Умарнинг ўғли Абдуллоҳ (р.а.) бир кун туя сўйдилар. Туя сўйилиб гўшти нимталанди. Абдуллоҳ хизматкорларига:

— Қўшнимизни унутма, — деди ва орадан бироз вақт ўтгач яна, «яхудий қўшнимизни унутмадингми?» деб сўради.

Хизматкор:

— Афандим, ҳозир айтиб эдингиз. Қўшнига гўшт ажратиб қўйдик, ҳозир олиб чиқиб берамиз, — деди.

Уч-тўрт дақиқа ўтиб Абдуллоҳ хизматкорни чақирди ва «қўшни ҳақини бердингми?» деб сўради.

Хизматкор:

— Афандим, уэр сўрайман. Шу пайтгача сизга итоатсизлик қилган эмасман, биласиз. Кейин ҳам қилмайман. Нега бу қўшни тўғрисида бунчалик қайғурасиз? — деб сўради.

Абдуллоҳ (р.а.):

— Расулуллоҳ (с.а.в.) қўшни ҳаққи тўғрисида кўп насиҳат қилганлар, ҳатто қўшни қўшинининг молига меросхўр даражасида бўлади деганлар, — деди.

### Изоҳ ва ўғит

Эй, Ҳақ йўлчиси! Ҳақиқий Ислоом — шу. Инсон фарзандининг барча маданий ва инсоний эҳтиёжларига жавоб берувчи мусулмонлик инсонга лозим бўлган бутун ҳузур манбаларини билдиради, ўргатади. Дунёда яшаган ҳар бир инсон билади-ки, инсонга қўшникдек асқотадиган бирор бошқа кимса йўқ. Ота-боболаримиз: «Уй олма, қўшни ол» деганлар. Қўшни уйга қараганда жуда муҳимдир. Ота-боболар: «Қўшни қўшнининг кулига муҳтож» деганлар ва бу сўзларнинг мезонларини Қуръони Каримдан олганлар. Севикли Пайғамбаримиз Ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.) Ҳадиси шарифларида: «Қўшни оч бўлган ҳолда тўқ тонг оттирган имон билан камолга эришмайди, комил имон соҳиби бўлмайди» деб буюрмишлар.

Бу Ҳадиси шарифда икки (уч) марта «имон-и-Комил бўлмайди» жумласи қайтарилгандир. Саҳобалар буниинг сабабини Расули Акрам (с.а.в.)дан:

— Ё Расулulloҳ! Қўшниларимизнинг ҳудуди қанча? — деб сўрадилар.

Расули Акрам (с.а.в.):

— Қирқ уй ўнгдан, қирқ уй чапдандир. Ҳар бир кимса тўрт тарафдан қирқ уйдан хабардор бўлади, — деганлар.

Мусулмонликда қўшни ҳаққи шундай улугдир. Қўшниларга унинг аза ва қайғуларида ҳамдард бўлмай, севинган одам мўмин бўлмайди, имон соҳиби ҳам бўлмайди. Ва ундай ёмон қўшниларнинг иши жаҳаннам алангасини кутишдан иборат эканини унутмасинлар. Қўшниларини беҳузур қиладиган, қўшниларининг фароғатини бузадиган ёмон феълли одамларнинг бошқа ҳеч бир гуноҳлари бўлмаса ҳам қўшниларига бундай муомалада бўлгани учун жаҳаннамга боришга етади ва балки ортади ҳам.

Исломда ўзинг учун хоҳлаган бирор ишни бошқалар учун ҳам хоҳлаш мезони бордир. Ҳеч кимнинг бировни безовта қилишга ҳаққи йўқдир. Бу — исломий бир мезон, диний бир вазифадир. Динини севган ҳар бир одам бу қоидаларга риоя қилмоғи керак.

### 145 - ҲИКОЯ

#### ЁМОН ФЕЪЛ — ЖАҲАННАМГА ОЛИБ БОРАДИ

Асҳоби Киром севикли Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан сўрадилар:

— Ё Расулulloҳ! Бизнинг маҳаллада бир хотин бор. Кундузлари рўза тутади, кечалари уйғоқ, ибодат қилади. Фақат қўшни-



лари билан яхши муомалада эмас. Уларга хунук гаплар гапиради. Бу аёл ҳақида нима дейсиз? — дедилар.

Расули Акрам (с.а.в.):

— Ул хотинда ҳеч эзгулик йўқ. У жаҳаннамга борғувчидир, — дедилар.

Эй, жаннат йўлчиси! Расулulloҳ (с.а.в.) бир Ҳадиси шарифларида: «Ҳақиқий мусулмон ул кимсадирки, унинг қўлидан, тилидан ҳеч ким жабр кўрмайди» — деб марҳамат қилдилар.

Севикли Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан:

— Энг қимматли, қадрли мусулмон кимдир? — деб сўраганларида, Расулulloҳ (с.а.в.) юқоридаги ҳадисни келтириб:

— Бировга жабр қилмаган одамдир, — дедилар.

«Намоз ўқиган, рўза тутган одам», демадилар.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) гўзал ахлоқ ўргатиш учун, яхши феълларни билдирмоқ учун келганлар. Гўзал ахлоқ, яхши феъл-атвор исломнинг асосидир. Фақат намоз, рўза билан иш битмайди. Намозсиз, рўзасиз ҳам яхши ахлоқ бўлмайди. Ҳар иккиси биргалликда жаннатга йўл бошлайди. Бу ҳақиқатларни тўғри тушуниб, тўғри қўллашда ҳамма мусулмонлар учун кўп фойдалар бори.

## 146 - ҲИКОЯ

### БОШҚАНИ КЎРИБ ЎЗ ҲОЛИГА ШУКР ҚИЛИШ

Бир вақтлар бир одам йўлда яёв кетар экан, ўз-ўзига:

— Бу ерда, бу саҳрои биёбонда менадан ожизроқ, бечорароқ, паришон яна ким бор? — деб йиғлади.

У ердан ўтиб кетаётган, устига юк ортилган эшак бу дардманд одамнинг сўзини эшитиб, унга:

— Эй, ақлсиз одам! Нега ҳолингдан бундай шикоят қиласан? Аллоҳга шукр этиб йўлингда кетавер. Эшакка минмагансан, аммо мен каби юк остида эмассан-ку! Ҳолингга шукр қилиб кетавер, — деди.

### Изоҳ ва ўғит

Бу ҳикоя жуда ибратомуз ҳикоядир. Инсон ҳамма орзусига етолмайди. Шунинг учун ўзига қараганда бечораҳолроқ бўлганларни кўриб ўз аҳволига шукр қилиши ақллилик аломатидир.

## 147 - ҲИКОЯ

**ҲАЗРАТ УМАР ҚУЁШГА БИРДАН ҚАРАГАН ЭДИ,  
ҚУЁШ СҮНДИ**

Бир кун Ҳазрат Умар (р.а.) хирқасини ямар эди. Умарнинг елкаси очик қолганидан қуёш қаттиқ қиздирди. Бу иссиқдан Ҳазрат Умарнинг муборак қалби сиқилди. Умар қуёшга бирдан қараган эди, Аллоҳ амри ила қуёш ҳарорати, нури сўниб пасайди. Жабройил (а.с.) Расули Ақрам (с.а.в.)га келиб:

— Ё Расулulloҳ! Умарга буюринг, қуёшга шафқат назари ила боқсин. Бўлмаса қуёш то қиёматгача шундай қолади, қуёшсиз ҳаммаёқ зулмат бўлади, — деди.

Расули Ақрам:

— Ё Умар! Жаноби Ҳақ сенга қуёшга шафқат ила қарашингни буюрди, — деб амр этди.

Ҳазрат Умар қуёшга шафқат ила боққан эди, қуёш ёришди, аввалги ҳолига келди.

*Изоҳ ва ўғит*

Ҳазрат Умарни Умар этган Исломдир. Ҳазрат Умар исломнинг буйруқларидан (амрларидан) қилчалик айрилмагани сабабли Аллоҳ Ҳазрат Умарга жуда буюк неъматлар, мартабалар берди. Ҳазрат Умар Аллоҳни севар эди. Аллоҳ ҳам Умарни севди. Қуёшга сўзини ўтказган Умар, албатта, Аллоҳнинг ризолигига ноил бўлганлиги ва етишганлиги учунгина бундай даражага эришгандир.

## 148 - ҲИКОЯ

**РИЗҚ СОҲИБИНИ ТОПАДИ\***

Бир вақтлар заиф бир балиқчи ов қилар экан, жуда кучли, катта балиқ қармоғига илинди. Уни тортиб олишга балиқчининг кучи етмас эди. Балиқ қармоқни тортиб кетди. Бунини кўрган бошқа балиқчилар: «Шундай балиқ илинган эди, қўлдан чиқардинг-а», дедилар.

Балиқчи дўстларига:

— Эй дўстлар! У балиқ менинг ризқим бўлмаса, балиқнинг эса дунёдан ризқи узилмаса, нима қилай? Унинг ҳали бу дунёда ейишга овқатдан, ичишга сувдан ризқи бор экан! — деди.

Ризқсиз балиқчи Дажлада балиқ тута олмайди. Ажали етмаган балиқ ҳам қармоққа илинмайди, тўрга тушмайди. Ҳар бир одам бу дунёда ўз ризқини ейди. Ризқи битганнинг ажали келади, ўлади.

### *Изоҳ ва ўғит*

Ҳар бир жонзот ўзи учун тақдир берган ризқи битмагунча ўлмайди. Тақдир томонидан ёзилган ризқ ўз соҳибини (эгасини) албатта топади. Шул сабабдан ризқ учун бошни ҳар тарафга урмаслик керакдир. Аллоҳ ўзи яратган қулларининг ризқини беради. Ҳар бир мўмин буни яхши билиши ва ўзини ёмонликлардан, ёлғондан, ҳийладан, бировларни алдашдан сақлаши керак. Чунки ризқ Аллоҳга оиддир. Қулининг ризқини унинг ўзи беради.

### 149 - ҲИКОЯ

#### АЛЛОҲ УМАРДАН СЎРАЙДИ

Ҳазрат Умар — мўминларнинг Халифаси. Мусулмонларнинг мавқеи юксалди. Ислом нури жаҳонга ёйилмоқда эди. Аммо Ҳазрат Умар жуда ғамгин, кўп вақт кўзи ёшли бўлар эди. Бир кун яқинлари, саҳобаларининг улуғлари унга:

— Ё Амирал-мўминин! Сизни жуда ғамгин кўрамыз. Ҳолбуки, биз ислом нури ҳар тарафга ёйилаётганидан севинамиз. Сизнинг адолатингиз ва жасоратингиз соясида юрамыз, — дедилар.

Ҳазрат Умар:

— Ҳа, мен худди шунинг учун йиғлайман! Мусулмонларнинг мавқеи ортди. Умарнинг юки ортди. Дажла каноринда (қирғоғида) чўпоннинг сурувига бўри ораласа, Аллоҳ Умардан сўрайди. Шунинг учун тушкунликка тушаман, — деди.

Ҳақиқатан ҳам шундай бўлган. Ҳазрат Умар шаҳид бўлганда бир чўпон кўп қаттиқ бўзлади.

Ундан:

— Нега бундай бўзлайсан? — деб сўрадилар.

Чўпон:

— Халифа Ҳазрат Умар ўлди, — деди.

Халқ:

— Қаердан билдинг, ким айтди? — деб сўради.

Чўпон:

— Бугун бўри қўйларимга тажовуз қилди. Авваллари ҳам бўрилар қўйларим атрофида айланиб юарди-ю, қўйларга ташланмас эди, — деди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Аллоҳ ҳар кимдан даражасига, мартабасига кўра ҳисоб сўрайди. Бадавлат одам билан фақирнинг ҳисоби бир хил бўлмайди. Бойдан молининг ҳисоби сўралади. Раҳбарлар, одамларни идора этувчиларнинг ҳисоблари эса янада кўпроқ бўлади. Аммо бу ҳисобни имони бўлган одам тўғри тушуниб кўз ёшларини тўкади, ўзини хайрли ишлар қилишга бағишлайди. Мана, Халифаи Муслимин Ҳазрат Умар (р.а.) ҳам бу ҳақиқатга ишорат этиш учун ушбуни бизларга армуғон этгандир.

### 150 - ҲИКОЯ

#### БАДФЕЪЛ БОЛА ҲИКОЯСИ

**Тил Аллоҳга шукр учундир, ғийбат учун эмас**

Бир зот ярамаслик қилган ўғлининг қулоғидан қаттиқ тортиди ва унга:

— Эй, бадфеъл, ярамас ўғлим! Мен сенга болтани ўтин кес, деб бердим, масжиднинг деворини буз, деб эмас, — деди.

Эй, ақлли инсон! Тил шукр учун, Аллоҳга ҳамд учун, Қуръони Каримни ўқимоқ учундир. Бирор кимса олдида ғийбат учун эмас. Қулоқ Қуръон тинглаш, насиҳат тинглаш учундир. Бўхтон, ботил сўзларни эшитишга интилма. Икки кўз Жаноби Ҳақнинг қудрат асарларини кўриш учундир. Қардошининг, дўстининг айбини кўриш учун эмас.

### *Изоҳ ва ўғит*

Болалари ила шуғулланган оталар болаларига яхши сўзлар ўргатишга муваффақ бўладилар. Болаларининг қандай ёмон ишларга илашганликларини кўра оладилар. Ҳам ўзлари Жаноби Ҳақнинг амрларини бажарадилар, ҳам фарзандларини назорат қиладилар. Жаноби Ҳақ берган аъзолар унга шукр ва ҳамд учун хизмат этади. Бу бир инсонлик бурчи эканлигини ҳам эслатиб насиҳат қиладилар.

## 151 - ҲИКОЯ

## ГҮШТ ЛИ ОВҚАТНИ БИР ФАҚИРГА БЕРИНГ

Мусулмонлар Халифаси Ҳазрат Умар (р.а.) қурғоқчилик бир йили туя сўйиб, Мадинадаги фақир ва йўқсилларга тарқатишни буюрди.

Гўштни бўлиб тарқатдилар ва туянинг семиз еридан бир бўлак пишириб хизматчи орқали Халифа Ҳазрат Умар (р.а.)га овқат вақтида олиб келиб, дастурхонга қўйдилар.

Ҳазрат Умар (р.а.):

— Бу қандай овқат? Қаердан олиб келдинг буви? — деб сўради.

Хизматчи:

— Ҳазрат, буюрганингиз туя сўйилди, фақирларга тарқатилди. Бу сизнинг ҳиссангиз, — деди.

Ҳазрат Умарнинг ранги ўчди, оқариб кетди ва:

— Умардек Халифага бу уят эмасми? Туянинг яхши, семиз гўштини ўзи еб, ёмон, ориқ ерларини фақирларга бериш пасткашлик-ку. Тезда бу овқатни фарзандлари бор бирор фақирга олиб бориб бер. Бундан сўнг бундай хунук иш қилма! Йўқсиллар бор экан, Халифанинг гўшт ейиши раво эмас, — деди.

Хизматчи олган буйруққа бўйсуниб овқатни бир фақирга берди. Халифага ҳар сафаргидек бироз зайтун ёғи ва қуруқ нон келтирди. Халифа шуни еди, Жаноби Ҳаққа шукр этди.

*Изоҳ ва ўғит*

Ислом не-не қадриятларни яратган. Ислом яратган у қадриятларни орадан 14 асрга яқин вақт ўтганига қарамай, инсоният ҳурмат билан ёд этади.

## 152 - ҲИКОЯ

## ҚҶЙ ВА ЭЧКИ\*

Ўз айбини кўрмай, ўзганинг айбидан кулиш ҳақида

Қўй билан эчки бир дарадан ўтаётиб кичкина сойдан саркаб ўтдилар. Қўй ҳатлаб ўтар экан, қуйруғи кўтарилиб кетди.

Эчки қўйга:

— Э-э, уятинг кўринди, айб, — деди.

Қўй:

— Эй, эчки қардош, бу менинг бошимга бир карра тушди. Сойдан ўтиш зарур бўлиб қолди. Сакраган эдим, қуйруғим қалқиб кетди. Жонимни қутқариш учун сакрагандим. Сен бўлса дарров устимдан кулмоқдасан. Айбламоқдасан. Сен ўзинг-чи, эчки қардош! Сенинг айбинг ҳар куни очиқ, биласанми? Ё ўз айбингни билмайсанми? Меники бир марта ўлим қўрқуси ила очилган эди, «айб» дединг, ўз айбингни ҳеч ўйлаб кўрмадинг, — деди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Бу ҳикоя менга кўп ҳуш келган ҳикоядир. Эчки феъл-атворли, эчки табиатли кўп кимсаларни таниймизки, улар ўз айбларини, ўз қусур ва хатоларини тоғдек бўлса ҳам кўрмайдилар-у, бошқаларнинг кичкинагина қусури, айби бўлса, дарҳол уни тилга оладилар. Бу кичик ҳикоя шундай ҳақиқатларни эслатиш учун ниҳоятда гўзалдир.

### *153 - ҲИКОЯ*

#### **ЁЛҒОН БАРЧА ЁМОНЛИКЛАРНИНГ БОШИДИР**

Бир одам Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳузурларига келиб:

— Ё Расулulloҳ! Гуноҳларим кўп. Улардан қандай қутулсам бўлади? Ичкилик ичишдан, ёлғон сўзлашдан ва зинодан нима қилсам халос бўламан? Бу гуноҳлардан қандай қутуламан? — дея гуноҳларини эътироф этди.

Суюкли Пайғамбаримиз (с.а.в.):

— Ёлғон сўзлама! — дедилар.

Яъни, у гуноҳкор одамнинг гуноҳларидан қутулиши учун энди ёлғон сўзламасликни буюрдилар.

Ул одам Расулulloҳ (с.а.в.)нинг ҳузурларидан кетгандан сўнг яна аввалгидек гуноҳ ишлар қилишни хоҳласа ҳам «Ёлғон сўзламаслик учун Расулulloҳ (с.а.в.)га сўз бердим, сўзимда турмогим лозим», деди.

Ёлғонни тарк этган одам барча гуноҳлардан қутулди. У билан гуноҳ ишлар қилган дўстлари келганида, уларга:

— Мен Расулulloҳ (с.а.в.)га сўз бердим, энди мендан сўрасалар ёлғон гапирмайман, зино қилганнинг жазоси — қамоқ, ичкилик жазоси — ўлим, ёлғоннинг жазоси — иккисидан ҳам қаттиқроқдир. Шунинг учун ёлғон сўзламасликка сўз бердим, — деб, барча гуноҳларидан қутулди.

*Изоҳ ва ўғит*

Ёлғондек инсон юзини қорайтирадиган, инсонни беобрў қиладиган, уятга қўядиган ёмон иш йўқ. Ёлғон барча ёмонликларнинг бошидир. Ҳар бир гуноҳ, ҳар бир ёмонлик ёлғон туфайлидир. Ёлғон мунофиқлик ва кофирлик аломатидир. Ёлғон инсонни жаҳаннамга олиб боради. Ҳар бир гуноҳда жаҳаннамга кирадиган бир йўл бордир.

## 154 - ҲИКОЯ

**ҲАЗРАТ АЛИ ВА МИЛЛАТ МОЛИ**

Қиш келиб қолди. Мўминларнинг Халифаси, Амирал-мўминининг Ҳазрат Али ёзлик кийим кийган. Халифа дир-дир титрайди. Унга Байтул молдан — давлат хазинасидан, миллат бойлигидан қишлоқ бир кийим олишни таклиф этдилар.

Ҳазрат Али (р.а.):

— Бўлмайди. Бу ёзлик кийимда юриш сиз таклиф этган ишдан хайрлидир. Чунки миллат молида етимларнинг ҳаққи бордир, — деди.

*Изоҳ ва ўғит*

Эй мўмин, ўзингга кел, эсингни йиг! Ислоҳ давлат раисининг ўрнак бўлувчи бу гапларини ва ишини тушун. Инсонни инсон этувчи, ҳатто султон этувчи имон Ҳазрат Али (р.а.)нинг имони каби бўлган имондир. Миллат моли, давлат молини фақат имони бўлганлар сақлайдилар, муҳофаза қиладилар.

Миллат, давлат берган расмий хизмат уловларида бола-чақасини далаларни сайр қилишга юборадиганлар бутун имондан насиба олмаганларнинг худди ўзидирлар.

## 155 - ҲИКОЯ

**ҲАЗРАТ УМАР ВА НАФСНИ ТАРБИЯ ЭТИБ  
ЙЎЛГА СОЛИШ**

Бир кун Ҳазрат Умар (р.а.) сув тўлдирилган мешни орқалаб келарди. Ўғли отасини бу аҳволда кўриб:

— Нега бундай қилдингиз, отажон? Биз олиб келар эдик, — деди.

Ҳазрат Умар (р.а.):

— Нафсим ҳаддан ошиб кетгандай бўлди. Ич-ичимдан, ўзимни ҳаддимдан ошиб кетаётгандай ҳис этдим. Нафсимни залил этмоқ, қийнамоқ учун шундай қилдим, — деди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Эй мўмин! Тушуна олганингча тушун. Ислом кўшинлари ва давлатнинг раҳбари ўзини гурурланиб, ҳаддимдан ошаётганга ўхшайман, деб ҳис этиб, нафсини ўлдириш, қийнаш учун сув тўла мешни орқалаб ташиган.

Эй, динини севган мўмин! Динингни тарихини ўқи, ўрган. Ҳидоят билан, шуур ва имон билан яшаш, ўз динини билиш орқали бўлади. Буни сен яхши бил! Нафс, инсоннинг энг буюк душманидур, вақт келса у сени уриб тепкилайди, эзади.

### 156 - ҲИКОЯ

#### **АҚЛЛИ ХОТИН УЧ ЖОННИ БИРДАН ҚУТҚАРДИ\***

Золимлиги билан ном чиқарган Ҳажжожии золим ақлли бир хотиннинг эрини, ўғлини ва акасини банди қилди. Аёл йиғлаб, фарёд қилиб Ҳажжожининг олдига келди.

Ҳажжож:

— Бу уч кишидан бирини афв этаман. Яхшилаб ўйлаб кўр. Қайси бирининг озод бўлишини хоҳлайсан? Эрингними, ўғлингними, акангними? — деди.

Хотин:

— Эр топилади, юртда эркак кўп. Ўғил туғилади, истасам бир неча ўғил туғаман. Аммо ака топилмайди, чунки онам яна бир ака туғиб беролмайди, — деди.

Аёлнинг бу оқилона жавоби ва тўғри сўзлиги Ҳажжожга қаттиқ таъсир қилди ва:

— Ҳаммасини кечирдим, сен улардан бирини кечиришимни сўраб тўғри сўзладинг. Сенинг ақлли ва тўғри сўзлигинг менга ёқди, — деди. Ва уларнинг ҳаммасини бирдан озод этди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Суюкли Пайғамбаримиз (с.а.в.) ақли бўлмаганнинг дини бўлмас, деганлар. Ҳикоядаги бу хотин ақли ила меҳрибонларини баравар қутқарди. Ҳам эрини, ҳам ўғлини, ҳам акасини! Агар аёл ақлсиз ва жоҳил бўлганида, балки учовини бирдан йўқотган



бўларди. Тўғрилиқ ҳаётбахшдир. Инсонман, деган одам Ҳақдан, адолатдан ва тўғриликдан айрилмаслиги керак. Динини севмоқ, бола-чақаларига диний тарбия бермоқ, уларни ҳам ақлли-ҳушли, диндор этиб етиштирмоқ лозим. Динини севган ҳаётда роҳат ва ҳузур кўриб яшайди. Мард ва жасур, қўрқувсиз яшайди.

### 157 - ҲИКОЯ

#### МАВЛОНОДАН БИР ҲИКОЯ\*

Бир одамнинг отасидан қолган эски ва кўҳна, нураб кетган уйи бор эди. Ул одам ҳар йили ёзда уйини суваб, оҳак билан бўяб, чиройли қилиб кўярди. Аммо ҳар куни эрталаб уйдан ишига чиқиб кетаётганида, уйга қараб бундай дер эди:

— Эй, отамдан қолган ёдгорлик, эй, эски дўст! Сен яна йиқилиб кетмагин, йиқилсанг бола-чақаларимни босиб қоласан. Илтижо қиламан, тинч тургин.

Орадан кунлар, йиллар ўтди. Бир кун ишдан келса, уйи — эски дўсти ағанабди. Бола-чақа ҳаммаси тагида қолибди. Ул бахтсиз одам ич-ичидан куйиб, кўз ёшларини тўкиб, фарёд қилди:

— Мен сенга ҳар куни дил сўзларимни айтдим, ёлвордим. Йиқилиш пайтинг келганда менга хабар бергин, бола-чақам остингда қолмасян, деган эдим-ку?! Сен менинг бу илтижоларимга қулоқ бермадинг. Дўстлик ҳам шундай бўладими. Орамингда ҳақ бор, ҳуқуқ бор, ахир шунча йил дўст бўлдик-ку! — деди.

Йиқилган уйнинг харобалари остидан ва ёғочларидан ул одам тушунадиган овоз чиқди:

— Эй, аҳмоқ одам! Эй, ақли оз, ғафлати кўп дўстим! Мен сенга кўп илтижолар қилдим, сен эшитмадинг, эшитишни хоҳламадинг ҳам. Деворларим ёрилди, ганч билан сувадинг, оҳак билан бўядинг, оғзимни ёпдинг. Шифтлардан бақирдим, тахталарим ёрилиб, очилиб кетди, уларни ҳам беркитиб бўядинг, менинг бақирганларимга қулоқ солмадинг. Охири мана бу иш бўлди, бола-чақанг остимда қолди. Аҳмоқ дўстим! Айб сендадир. Бошини беркитган туяқушга ўхшаб ғафлат ичида ётганингдир.

#### *Изоҳ ва ўғит*

Эй, Ҳақ йўлчиси! Мавлоно Ҳазратларининг ибратлар хазинаси бўлган бу ҳикоясига қулоқ сол. Бу ҳикояда қандай ибрат дарслари бор. Унда ҳам оила бошлиғига, ҳам давлат раҳбарига ўғит

бор. Оила бошлиғи авлодларидан ахлоқ-одобга, дин-имонга ҳилоф сўзлар эшитдим, дарҳол чорасини кўриши керак. Бу ҳикоядаги аҳмоқ одам каби аҳволга тушмаслик зарур. Йўқса, ўғлингнинг таёғи билан уйғонасан, сенинг ҳам уйнинг бошингга қулаб тушади. Болаларга овқат билан моддий қувват берилгани каби маънавий озуқасини ҳам ҳар куни ўз вақтида бериб туриш керак. Бошланғич синфни тугатсин, ўрта мактабни битирсин, деб вақт ўтаверса, тиззанга уриб қоласан, қиёмат кунинг келиб қолади.

Ҳазрат Вафонинг бу китобдаги ҳикоясини ўқи! Унинг каби дарҳол аниқла, йўқса ҳам авлодингнинг қотили бўласан, ҳам бу дунёда азоб чекасан, ҳам охиратда жаҳаннам алангасида покланасан! Буларни яхшилаб тушун, таҳликали овозларга қулоқ сол!

Давлат раҳбарлари бир миллатнинг ватан биносининг бузилмаслиги учун ташвишли, таҳликали овозларга қулоқ солмоқлари зарурдир. Буларга қулоқ солинмаса ва аҳамият берилмаса, бир кун ватан биноси бошларига қулайди, ўзлари ҳам, авлодлари ҳам кутула олмайдилар. Ватан ҳам жуда катта зарар кўради. Ҳазрат Мавлононинг ушбу ибрат хазинаси бўлган ҳикоясида шундай ҳақиқатлар бор. Буларни жамоатга англаган хотиб ва воиз қардошларим ўз шароитларига қараб хулоса чиқарсинлар.

### 158 - ҲИКОЯ

#### Ё РАСУЛУЛЛОҲ, МЕНИ ПОКЭТГИН

Моиз бин Молик (р.а.) Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳузурларига келиб:

— Ё Расулulloҳ, ҳалок бўлдим. Мени қутқаринг, — деди. Расули Акрам (с.а.в.):

— Афсус! Бор, Аллоҳга тавба ва истиғфор эт. Аллоҳдан мағфират тила, — деб буюрдилар. Моиз бин Молик (р.а.) кетди. Кўп вақт ўтмай яна қайтиб келди. У ниҳоятда безовта, саросимали бир аҳволда:

— Ё Расулulloҳ! Ҳадди Шаръийни татбиқ этиб, мени гуноҳимдан фориғ қилинг, — деб ёлворди.

Расулulloҳ (с.а.в.):

— Бор, Аллоҳга тавба қил ва мағфират тила, — деб буюрдилар.

Бу ҳол уч марта қайтарилди. Молик ўз уйида тура олмас, Расулulloҳдан поклаб қўйишини сўраб ёлборар эди.

Тўртинчи сафар у яна келиб: «Ё Расулulloҳ, мени гуноҳимдан фориғ этинг», деганида Расули Акрам (с.а.в.):

— Айбинг нима? Қандай айбдан сени покиза этишим зарур, — дедилар.

— Айбим зино, ҳалок бўлдим, — жавоб берди у.

Буни эшитиб Расули Акрам (с.а.в.) у ерда ҳозир бўлган шоҳидлардан: «Бу одамда ёлғончилик хусусияти борми?» деб сўрадилар. Улар: «Ёлғончилик унда йўқ», дедилар.

Расули Акрам (с.а.в.): «У ҳолда, у сархушми?! деб сўрадилар. У ердагилардан бири ўрнидан туриб: «Йўқ, Моиз сархуш эмас», — деди.

Расули Акрам (с.а.в.) Моиздан сўрадилар:

— Зино қилдингми?

Моиз жавоб берди:

— Ҳа, зино қилдим, ҳалок бўлдим, — деди.

Расулulloҳ (с.а.в.): «Уни қамаб қўйинг», деб буюрдилар, уни қамадилар.

Бир-икки кун ўтгач, Расулulloҳ (с.а.в.) саҳобаларига:

— Моизни афв этинг, чунки у шундай тавба қилдики, унинг тавбасини бутун умматга бўлиб берилса, етиб ортар эди, — деб буюрдилар.

### *Изоҳ ва ўғит*

Бу ҳикояда имон мезони бордир. Ул одамда шундай бир имон борки, нафси йўл қўйган гуноҳидан азоб чекиб, балки ҳаётини қийинчиликка солиб, бир шаръий жазосини тортиб, бу фоний дунёда покланишни истайди. Уни бундай қилган имондир. Аллоҳ Расулининг унга марҳамат қилиб, «бор тавба қил» деб такрор-такрор айтишига қарамай, бари бир шаръий жазо олишдан воз кечмайди.

Расулulloҳ (с.а.в.) коинотга раҳмат учун келган, ундан марҳаматлироқ кимса бўлмайди. Моиз шундай бир имонли эдики, қилган айбининг жазосини тортиб, тозаланиш орқали кўнгли таскин топиши учун шоҳидлар ҳузурда ўз айбини эътироф этди. Аллоҳ амри бажарилиши учун Расули Акрам (с.а.в.) унга шаръий жазо беришни буюрди ва Аллоҳ амрини тадбиқ этди.

Бу ҳам Аллоҳ адолатидандир. Демак, бутун имон соҳиб бўлган мўмин ҳеч гуноҳ иш қилмайди. Аллоҳнинг ҳамма вақт кўриб туриши ва билишига ишонган мўмин ҳеч гуноҳ иш қилади-ми? Бировларнинг ор-номусига ёмон назар ва ёвуз ният билан

қарайдими, албатта, қарамайди. Шунинг учун буюқларимиз, «Имон инсонни инсонгина эмас, (балки) инсонни султон қиладди», деганлар. Инсонлар имони ила инсондурлар, имонсизлар ваҳший бир жонивордирлар.

### 159 - ҲИКОЯ

#### АЁЛ ВА ГУНОҲНИ ЮВИШ

Бир куни Расулulloҳ (с.а.в.) саҳобалари билан суҳбат қуриб ўтирганларида бир хотин келиб:

— Ё Расулulloҳ! Мени гуноҳдан фориғ қилинг! — деди.

Расули Акрам (с.а.в.):

— Бор, Аллоҳга тавба қил ва Аллоҳдан кечирिशини тила, — дедилар.

Аёл:

— Мени пок этинг, диний жазо олишни истайман, — деб ёлворди.

Расули Акрам (с.а.в.) тавба қилишни буюрди. Аёл бироз нари кетди ва қайтиб келиб:

— Ё Расулulloҳ! Менга ҳам Моизга ўхшаб диний жазо берилсини хоҳламаяпсиз, — деб хафа бўлди.

Расули Акрам (с.а.в.):

— Нима айб қилгансан, — дедилар.

— Айбим зино, зинодан ҳомиладорман, — деди аёл.

— Сен зинодан ҳомиладормисан? — яна сўрадилар Расулulloҳ (с.а.в.).

Аёл:

— Ҳа, Расулulloҳ! — деди.

Расули Акрам (с.а.в.):

— Бола туғилгунича кут, — деб буюрдилар.

Аёл кетди, бир қанча муддат ўтиб болани кўтариб келди. Расули Акрам (с.а.в.):

— Бор, бола катта бўлгунича эмиз. Шу пайтгача кутгин, — дедилар. Аёл кетди. Яна бир қанча муддат ўтиб аёл келди. Қўлидаги бола нон ер эди.

Аёл:

— Ё Расулulloҳ! Мана, бола катта бўлиб қолди, овқатни ҳам ўзи ейди, — деди.

Расулulloҳ (с.а.в.) болани тарбиялаш учун мусулмонлардан бирига бердилар. Аёлни эса қамашга буюрдилар. Аёл қамоқда

эканлигида Холид бин Валид (р. а.) отган бир тош аёлга тегиб юзи қонга бўялди. Холид хотинни койиди. Шунда Расули Акрам (с. а. в.):

— Эсингни йиғ, ё Холид! Аёл шундай тавба қилдики, у мағфират бўлди, — дедилар.

### *Изоҳ ва ўғит*

Эй, динини севган мусулмон! Кўриб турибсизки, аёлнинг айбини ўзидан бошқа ҳеч ким билмайди, кўрмаган ҳам. Аммо аёл, ўзининг имони ул айб билан қолишини истамайди. Бундай одамлар диний жазо олиб покланишни истайдурлар. Ўлимни дунё ҳаётидан афзал кўрадилар.

Пайғамбаримиз (с. а. в.)нинг шафқат ва марҳамати уларни ҳимоя қилмоқчи бўлганига қарамай, айблари учун диний жазоланишини истаб, ўзларига томон очилган марҳамат ва меҳршафқат эшикларини беркитдилар.

Барча бу хоҳишлар, бутун имон натижаси ўлароқ виждоний роҳатга эришиш учун ҳаётларини хавф остига қўйиб, бу фоний дунёда ул айблардан покланиб охиратга пок ҳолда бориш учундир. Имон деб мана шуни айтадилар. Жаннат шундай бахтиёрларнинг, гуноҳдан сақланганларнинг жойидур.

### 160 - ҲИКОЯ

#### ЁРМУҚ ЖАНГИ ВА ҲАЗРАТ ҲУЗАЙФА

Сўянги нафасида ҳам Мўминя қардошларини тушунди

Асҳоби Киромнинг буюкларидан Ҳазрат Ҳузайфа (р. а.) шоҳид бўлгани — шу воқеани шахсан ўзи айтиб берган:

«Ёрмуқ ҳарбида бўлганимда, жангдан кейин муҳораба (жанг) майдонида анчагина жасадлар ўзларининг қонлари ила кафанланиб, қизиган қумлар устида ётардилар. Бу шаҳидлар орасидан амакимнинг ўғлини истай бошладим. Анча қидирганимдан кейин ярадорлар орасидан амакимнинг ўғлини яраланган бир аҳволда топдим. Ёнимдаги мешчадан унга сув бермоқчи бўлдим. Энди унга сув ичирмоқчи эдим, ундан нарироқда ётган ярадор «сув» деб бақирди. Амакимнинг ўғли Харис сув ичмади. «Унга бер», деб ишорат қилди. Дарҳол ул ярадор олдига бордим. Бу ярадор Иқримо эди. Мешчани энди унинг оғзига тутган эдим, шу пайт бошқа биров:

— Сув! Аллоҳ ҳаққи сув! — деб ингради.

Иқримо ҳам сув ичмади: «Унга олиб бор», деб ишорат қилди.

Сувни олиб ул ярадорнинг ёнига бордим. Борсам, ул ярадор шаҳодат шарбатини ичибдур, шаҳид бўлибдур. Яна қайтиб Иқримонинг ёнига келдим. Сувни унга тутдим, афсус, у ҳам сўнгги нафасини чиқарди, шаҳид бўлди.

Шошилиб амакимнинг ўгли олдига бордим, қандай тақдирки, у ҳам шаҳодат шарбатини ичиб шаҳид бўлган эди».

Ҳазрат Ҳузайфа (р.а.): «Ҳаётимда (умримда) ҳеч бир воқеа мени бунчалик тўлқинлантирган эмас. Бу шаҳидлар орасида қариндошлик каби бир яқинлик ришталари ила боғланиш бўлма-сада, уларнинг сўнгги нафасларигача бир-бирларига бунчалик меҳр-шавқат туйғулари мавжудлигига ҳайратланаман», деди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Ҳақиқий мусулмон ҳаёти малакларнинг ҳаётидек соф ва покизадир. Ҳақиқий мусулмон ҳаммага фойдаси тегадиган мусулмондир. Ўзи яхши кўрган нарсани бошқа одам учун ҳам лозим кўриш дин мезони эрур.

Тарих шундай қаҳрамонликлар ила тўладир. Имони бор одам энг буюк қаҳрамондир!

### *161 - ҲИКОЯ*

#### **КЕЛИНЧАКЛИК ЛИБОСИНИ СОТГАН АЁЛ ВА ИМОМАЪЗАМ\***

Куфа шаҳрида тужжорлик қилаётган имом Аъзамнинг дўконига қўлида тугунча кўтарган аёл келди ва тугунчадан ипак кўйлак олиб, сотмоқчи эканини айтди. Имом Аъзам бирор нарса демасидан ул аёл бу кўйлакни «юз динорга сотаман», деди.

Имом Аъзам:

— Бу кўйлак юз олтиндан қимматроқ туради, хоним, кам сўра-япсиз, — деди.

Аёл:

— Менга юз динор етади, — деб айтди.

Имом Аъзам Ҳазратлари:

— Юз динордан қиммат туради, — деган эди, аёл:

— Бўлмаса икки юз динор беринг, — деди.

Имом Аъзам Ҳазратлари:

— Бу кўйлагингизнинг қиммати икки юз динордан ортиқ. Кўпроқ сўрасангиз бўлади, — деб айтди.

Аёл:

— Устимдан куляпсизми? Мен юз динорга сотишга розиман. Сиз шунча пул берсангиз етади, — деди.

Имом Аъзам Ҳазратлари:

— Хоним, агар мен сизнинг соддалигингиздан фойдаланиб, бу кўйлакни ўз қимматидан арзонга олсам эртага Аллоҳ мендан сўрайди. Суюкли Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Мусулмонни алдаган биздан эмасдир, яъни мусулмонлар билан алоқаси узулгандир» деганлар. Бу — Муҳаммад (с.а.в.) билан ҳам алоқаси узилган демакдир.

— Бўлмаса, афандим, тўрт юз динор берингда, кўйлакни олақолинг. Мени кўп овора қилманг.

...Аёл бу кўйлакнинг нархини бошқа савдогарлардан сўраб кўрди. Улар «беш юз динор туради», дейишди. Аёл қайтиб келиб Ҳазрат имом Аъзамга бу гапни айтди. Имом Аъзам Ҳазратлари ул хотиндан кўйлакни беш юз динорга сотиб олди. Аёл пулларни санаб олар экан, кўз ёшларини тўхтата олмас эди. Аёл бу ҳақиқатни гапирди:

— Афандим, мен Сизга тушунтириб берай. Бу кўйлак менинг келинчаклик кўйлагимдир. Уйда бундан бошқа сотиб овқат оладиган нарсам йўқ. Ҳамма нарсани сотдим. Охири бу кўйлакни ҳам сотишга мажбур бўлдим. Етим болаларим икки кундан бери очдирлар. Агар бу кўйлакнинг шунча пул туришини билганимда, аввалроқ сотар эдим. Бу катта пул, бизнинг анчагина мушкуллимизни осон қилади. Рўзгоримизни тебратиб туради. Аллоҳ Сиздан рози бўлсин, — деб дуо қилди.

Аёлнинг аҳволини тушунган имом Аъзам Ҳазратлари беш юз олтинни бергандан сўнг кўйлакни ҳам аёлга ҳадя қилиб қайтариб бердилар.

### *Изоҳ ва ўғит*

Эй, Ҳақ йўлчиси! Бундай фазилат ўрнагини ислом яратган қадриятлар бера олади. Юз динорга сотишга рози бўлган молни сен бу молнинг нархи юз динор эмас, беш юз динор туради, деб айта оласанми? Йўқ, айта олмайсан. Аллоҳ ҳар ерда ҳозир ва нозир, менинг қишган ҳар бир ишимни кўриб туради, қалбимда кечган туйғуларни ҳам билади, деб тушунганда, бу юксак имонга ва улуғ фазилатга етган онингдагина шундай дея оласан. Ва имом Аъзамнинг йўлидан борувчи, фазилат ва баркамол ахлоқ

ўрнагини берувчи бўласан. Уч-беш метр бир мато сотаман деб ўнта турли-туман, узун думли ёлгонлар сўзлаб бойинган, муштарийларини — харидорларини алдовчи, мусулмонман деган савдогарнинг қулоқлари яхшилаб эшитиб олсин.

Инсонман, деган одам ҳеч бир одамнинг алданишига рози бўлмайди, ўзи ҳам бировни алдамайди. Чунки улар ҳам ўзлари каби одамлардир. Бу мусулмонликнинг адолати амридир.

Суюкли Пайғамбаримиз (с.а.в.) Ҳадиси шарифларида: «Алдаган биздан эмасдир», деб буюрганлар.

Бу мезонга кўра мусулмонларни алдаш исломдан ва мусулмонликдан айрилганликни билдиради. Инсонларни қандай бўлса ҳам алдаш ислом динида йўқдир. Ҳатто алданиш ҳам мусулмон учун яхши ҳол эмасдир. Бир марта алданиш мумкиндир. Аммо айни ишда ва айни жойда икки марта алданиш яхшилиқ аломати эмасдир, бу аҳмоқлик нишонидир.

Агар биров мулоҳаза қилиб тушунсак, бу ҳикоядан кўп ибрат дарси олиш мумкин, деб ўйлайман. Мусулмонлик фазилат ўрнагидир. Мусулмонлик тўғрилик ва поклик хазинасидир. Бу гўзал феъллардан узоқ бўлган одам жаҳаннам алангасига ўтин бўлишга номзоддир. Бу ҳикояда ҳам тўғри иш қилиш ҳақида ибрат бор. Эҳтиёжманд одамга ёрдам беришда мурувват ўрнаги бор. Бу дунёда мусулмоннинг бир ишини қўллаган одамни охиратдаги ишида Аллоҳ ўзи қўллайдур.

## 162 - ҲИКОЯ

### ИНСОН ЖАҲАННАМГА ТИРИК КИРАДИ\*

Аллоҳнинг севикли қули Ҳазрат Робиатул-Адвия дўстлари (яқин ҳамсўхбатлари) ила кетар экан, кўз ёшларини тўкиб йиғларди.

Дўстлари ундан:

— Ё Робиа! Бирор дардингиз борми? Нега йиғламоқдасиз, — деб сўрадилар. Аллоҳ ҳабибаси Робиатул-Адвия:

— Ана у тўғридаги одамни кўраяписизларми? У қўйни сихга ўтказиб ўтда пишироқда, — деди.

Дўстлари:

— Ҳа, кўряпмиз. Нима бўлибди. Буни Сизга таъсир этган қандай сабаби бор? — дедилар.

Ҳазрат Робиа:

— Бу ҳол менга бир онни, бир кунни эслатади, инсон у кунда кўп азоблар тортади. Ҳайвонлар ўлганларидан сўнг оловга тушадилар ва олов азобини, куйиш азобини сезмайдулар. Инсон-



лар эса оташга тирик кирадилар. Ўша даҳшатли оташга, куйдирувчи, ҳалок этувчи ул оташ азобига қандай чидайдилар, деб ўйлаб йиғламоқдаман, — деди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Эй, Аллоҳ деган ошиқлар! Аллоҳ дўстлари, ҳабибуллоҳлар, Аллоҳ ошиқлари қандай нозик, улугвор ва юксак тушунадилар, кўрясизми? Бу фоний дунёда инсон қанчалик камолотга эришиши мумкин! Инсон Аллоҳ деса, албатта, юксалади, камолот касб этади. Баъзи хотинлар ўша қовурилган, кабоб қилинган қўй гўштини кўрсалар, ажабо, нималар дер эдилар? Балки ўша кабобдан мен емадим, деб йиғларлар. Аммо инсон тўғри тушуниши ва «қандай қилиб тирик жаҳаннамга кираман, қандай ҳисоб бераман», деб ўйлаши зарур.

Ҳазрат Робиатул-Адвиянинг бул иршод этувчи сўзларидан ўғит олиш керак. Дунё неъматлари ўткинчидир. Аммо азоби давомли бўладур. Ҳар вақт Аллоҳ демоқ, неъматларга шукр қилиб, гуноҳлардан узоқ турмоқ даркордир.

### 163 - ҲИКОЯ

#### ТАҲАЖЖУД НАМОЗИНИНГ САВОБИ\*

Аллоҳнинг суюкли қулларидан бир зот доим ибодат қилар, ширин уйқусидан туриб, кечалари Таҳажжуд намозини ўқир эди. Бу зотнинг оиласи (жуфти ҳалоли) ҳам ибодат қилар, намозларини қазо қилмай ўқир эди.

Бу хоним бир кун эридан:

— Афандим, хотинлар ҳам Жаннатга кирадиларми? — деб сўради.

Зоҳид ва обид эри:

— Хоним, албатта, кирадилар, хотинлар ҳам Жаннатга кирадилар, — деди.

Аёл эрининг бу хуш хабар берувчи жавобидан жуда севинди ва ҳаяжонланганидан ҳушидан кетди. Аёл ўзига келгач, эри сўради:

— Нега ҳушингдан кетдинг, хоним? — деди.

Аёл:

— Жаннатга киришни истайман, — деди.

Аёл ўша кун кечаси тушида бир кўшк кўрдик, кўшкнинг безак ва зийнатлари кўз қамаштирар эди.

Аёл:

— Бу кимнинг кўшки? — деб сўради.

— Бу кўшк кечалари иссиқ ўрнидан туриб Аллоҳ учун Таҳажжуд намозини ўқиган Аллоҳнинг севикли қуллари учундир. Улар учун махоус тайёрланган, қурилган, — деб жавоб берилди.

Бу солиҳа ва мўмина хоним ўша кундан бошлаб Таҳажжуд намозини ўқий бошлади ва ўз-ўзига: «Нима бўлса, тунги намозда бор», деб юрадиган бўлди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Эй, Ҳақ йўлчиси! Инсоннинг яратилиши ибодат учундир. Бу дунёга келиш мазмунини англаган бахтиёрлар ибодат билан, Аллоҳ ҳузурини издатда бўлиш ила нашъу намо топадилар.

Нимаки бўлса, тунлари қилинадаган икки ракъатли тунги намозда мавжуддир, дейдилар. Барча авлиёуллоҳлар бу намозни ўқиб келганлар. Чунки Аллоҳнинг буюк Пайғамбарлари Таҳажжуд намозини ўқиб келганлар ва умматларига ўрнатиб суннат этганлар. Тунда ўқиладурган икки ракъатлик намоз инсонни Жаннатга эриштиради.

### 164 - ҲИКОЯ

#### ИСМИ АЪЗАМ ДУОСИНИ ЎРГАТИНГ\*

Зуннуни Мисрий Ҳазратларининг ҳузурини бир одам келиб ёлворди:

— Ҳазрат, менга Исми Аъзам дуосини ўргатинг. Ўтинаман, қўлингиз, оёгингизни ўпаман.

Зуннуни Мисрий: «Кўрамингиз, аввал бир синайлик-чи», деди ва ул одамнинг қўлига оғзи маҳкам беркитилган бир идиш берди, сўнгра бундай деб таъкидлади:

— Бу идишни очмасдан эҳтиёт қилиб фалон зотга олиб бориб бер. Кейин менга келиб айтасан, — деди.

Ул одам оғзи берк идишни қўлига олиб йўлга тушди. Ярим йўлга етганида чидамай «идиш ичида нима бор экан», деб қизиқди. «Очайми, очмайми», деб иккиланди, нафсонияти ила курашди. Охири очиб кўришга қарор қилди. Идиш оғзини очган эди бирдан бир каламуш чиқиб унга ташланди. У кўрқиб кетиб идишни ерга ташлаб юборди. Ўпкаланиб, хафа бўлиб Зуннуни Мисрий ҳузурини келди ва:

— Биз сизни яхши одам, хожа, олим деб қўлларингизни ўпмоқчи эдик. Бу нима қилганингиз? — деди.

Ҳазрат Зуннуни Мисрий:

— Биз сенга омонат учун каламуш бердик. Сен уни эҳтиёт қила олмадинг. Хиёнат қилдинг. Уни эгасига олиб бориб бермадинг. Сен бир аҳмоқ одамга ўхшайсан. Сен қандай қилиб Исми Аъзам дуосини ўрганасан! Аллоҳнинг Исми Аъзам дуосини сенга қандай омонат топшираман! — деди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Эй, Ҳақ йўлчиси! Бу ҳикоядан ҳар бир одам ўз ирфонига кўра ибрат олади. Ҳикояда ирфон даражаси имкониятида ўғит бор. Омонатлар тўғри келган одамга берилавермайди. Омонатлар унга лойиқ одамларга берилади. Аҳмоқларга берилган омонат лойиқ одамга берилган ҳисобланмайди. Сирлар ҳам худди шундай, ҳар кимга очилавермайди. Шунинг учун бу ҳикояда кўп гўзал ибрат дарси бордир. Ҳар бир мўмин ўзининг ирфони даражасида ҳиссасини олади, деб ўйлайман.

Тўғри келганга сир айтиш, ҳар кимга омонат бериш тўғри эмас. Ўз муносибига сир айтиш, омонат бериш мумкин. Ҳар бир ақлли одам ушбу ҳақиқатни билмоғи даркор.

### 165 - ҲИКОЯ

#### БУЮК САБР МУКОФОТИ

Абу Талҳанинг боласи бетоб бўлиб қолди. Абу Талҳа кўчага чиққан эди, унинг орқасидан кўп вақт ўтмай ўғли ўлди. Абу Талҳа уйга келганида бола оламдан ўтган эди.

Эр хотинидан сўради:

— Ўғлим қандай?

Боланинг онаси Умму Сулайм:

— Бола ҳозир ухлади, яхши бўлиб қолди, — деди. Сўнгра дастурхонни тайёрлади, эрининг олдига кечки овқатни олиб келди. Абу Талҳа иштаҳа билан овқатланди. Хотини Умму Сулайм ила суҳбатлашди, ҳазиллашди.

Хотини унга маҳрамлик вазифасини ўтади. Кўнгиллари хуш бўлиб, ором олганларидан сўнг, аёл эрига:

— Боламиз ўлди. Уни кўминг, — деди.

Абу Талҳа хотинининг бу муомаласидан шикоят учун тонгда Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ҳузурига борди. Кеча бўлиб ўтганларни бир-бир тушунтирди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) бу кеча бирга эдингизми, деб сўрадилар.

Абу Талҳа:

— Шундай, Расулulloҳ! — деди.

Пайғамбаримиз (с.а.в.):

— Аллоҳим! Буларга баракот бер, — деб Абу Талҳа ва Умму Сулаймни дуо қилдилар.

...Умму Сулайм шу кечада бўлган ўғлини туғди. Болани Ҳазрат Анас (р.а.)га бериб Пайғамбаримиз (с.а.в.)га юбордилар. Бола билан баробар бир оз тотли (хурмо) ҳам юбордилар.

Пайғамбаримиз (с.а.в.):

— Бола ёнида бирор нарса борми? — дедилар.

Анас (р.а.):

— Бор, ё Расулulloҳ! Бир қанча хурмо бор, — деди.

Расулulloҳ (с.а.в.) хурмодан бирини оғизларига солиб чайнаб боланинг оғзига озгина солдилар. Боланинг исмини эса Абдуллоҳ қўйдилар (Бу воқеани Бухорий ва Муслим ривоят этганлар). Бухорийнинг ривоятига кўра, Пайғамбаримиз (с.а.в.) Абдуллоҳ исмини қўйган бу боланинг тўққиз ўғли бўлган. Уларнинг ҳаммалари ҳам Аҳли Қуръон бўлганлар.

### *Изоҳ ва ўғит*

Ушбу муборак ислом аёлининг буюк сабри соясида Аллоҳнинг ўзи унга олий неъмат ҳозирлади, Аллоҳ бир ўғлини олиб, унинг ўрнига яна ҳам хайрли, яна ҳам баракали ўғил берди. Ул ўғилдан тўққиз набирали бўлган Абу Талҳанинг оиласи Ҳазрат Умму Сулайм Аллоҳ ҳузуридаги даражасини орттирди.

Бало, мусибат оғир бўлса ҳам сабр қилиши натижасида Умму Сулайм яна ҳам буюк мукофотга эришгандир.

Ислом қандай буюк хонимларни, аёлларни етиштирган!

Исломни билмаган сўзамол хонимлар, арзимаган ҳар хил ишлари билан, ташвишлари ила эрларининг миясини қотирувчи, эри энди ишдан келар-келмас, нафасини ростламай туриб шикоятларини тўкиб соладиганлар ушбу ҳикоядан ибрат олишлари керак.

### 166 - ҲИКОЯ

#### **АБУ ТАЛҲА ҲИКОЯСИ МУСЛИМ РИВОЯТИДА**

Абу Талҳанинг хотини Сулаймдан бўлган бир ўғли вафот этганди. Абу Талҳанинг хотини Умму Сулайм оиласига:

— Сиз боланинг ўлганини отасига айтманг. Мен ўзим аста-секин айтаман, — деди.

Абу Талҳа кечки пайт кўчадан уйига қайтди. Ўғлининг аҳволини сўради. Хотини, «яхши, роҳатланиб ухлаяпти», деди. Хотин эрининг олдида дастурхон солди, овқатни олиб келди. Абу Талҳа еди, ичди. Хотин эрининг атрофида парвона, Абу Талҳа хотинининг муомаласидан хуш кайфиятли бўлди. Умму Сулайм эрининг кўнглини олди. Кейин бундай насиҳатомуз сўз бошлади:

— Бир кимса бир оилага бир нарсани омонатга берса-да, кейин уни қайтариб олмоқчи бўлса, бу оила ўша омонатни бермасликка ҳаққи борми? Бу сенингча тўғрими, нима дейсан?

Абу Талҳа:

— Йўқ. Омонатни суюниб қайтармоқ лозим, — деди.

Хоними:

— У ҳолда, эй Абу Талҳа! Сенга ўғлини омонат берган Аллоҳ уни қайтиб олди. Сабр қил, Аллоҳдан савоб кут, — деди.

Абу Талҳа хотинига ғазаб билан:

— Мени алдаб-аврадинг, кейин менга ўғлимнинг ўлганлиги ҳақида хабар бердинг, — деб сиқилди.

Шундан сўнг у уйдан чиқиб, Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳузурларига борди. Расулulloҳ (с.а.в.)га шикоят қилиб, ўтган воқеани айтиб берди.

Пайғамбаримиз (с.а.в.):

— Ё Абу Талҳа! Аллоҳ Таоло кечангизни муборак қилсин, — деб дуо қилдилар.

Хотиннинг сабри, бошига тушган мусибатга бардоши Пайғамбаримиз (с.а.в.) га ёқди. Хотин буюк мукофотга эришажаги-га ишора сифатида шу шаклда дуо ўқидилар.

Ҳазрат Анас ҳодисани тушунтириб бундай деган:

— Аёл ўша кеча ҳомиладор бўлган эди. Расули Акрам (с.а.в.) сафарга чиққанларида Абу Талҳа ва унинг оиласи ҳам бу сафарда ҳамроҳ эдилар. Қайтишда, Мадинага яқин қолганда Умму Сулаймни тўлғоқ тутди. Расулulloҳ (с.а.в.) йўлларида давом этдилар. Абу Талҳа хотинининг олдида ушланиб қолди.

Абу Талҳа бундай дуо бошлади:

— Ё Раббий, биласанки Расулulloҳ билан Мадинага бирга киришни умид қилардим. Ҳозир эса бу ҳолимиз бизни Пайғамбаримиз (с.а.в.) билан Мадинага баробар киришга монелик қилди, — деди.

Унга жавобан Умму Сулайм:

— Ё Абу Талҳа! Ҳалиги оғриқ ва санчиқларни сезмаялман, йўлимизда давом этамиз, — деди.

Мадинага қайтганда у бир ўғлон туғди.

Умму Сулайм:

— Ё Анас! Бу чақалоқни ҳеч ким эмизмасин, эрта тонгда уни олиб тўппа-тўғри Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳузурларига бор.

Ҳазрат Анас (р.а.):

— Чақалоқни олиб Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига бордим. Расули Акрам (с.а.в.) хурмоларни чайнаб чақалоқнинг оғзига солдилар. Боланинг исмини Абдуллоҳ қўйдилар, — деб тушунтирди? — Умму Сулаймнинг ўғли Абдуллоҳдан тўққиз набираси бўлиб, ҳаммаси Аҳли Қуръон эдилар. Хайрли ва қадрли кимсалар бўлиб етишдилар, — дейдилар.

### *Изоҳ ва ўғит*

Эй, исломга кўнгил берган қардошим! Бу воқеада бўлгани каби ҳар нарсанинг Аллоҳ тарафидан бизларга берилган бир омонат эканлигини идрок этиб, имонда камолга эришсак, ҳар нарсанинг Аллоҳдан берилишини билиб инонсак ҳам бу дунёда, ҳам охирада Аллоҳнинг буюк неъматларига ноил бўлиб, жуда улуғ мукофотларга сазовор бўламиз. Лекин жаҳолатимиздан имонимиз заиф бўлгани учун балоларга сабр этолмасдан ҳам гуноҳдор бўламиз, ҳам охирида йиғлаймиз. Умримиз сўнггида эса қўлимиз бўш қолади. Шундай бўлган ва шундай бўлади. Бу ҳолат ўзгармайди. Аммо бошимизга келган мусибатларга сабр-тоқат қилсак, савоб оламиз, балолар кетиб бизга яхшиликлар келади.

### 167 - ҲИКОЯ

#### ЭРИГА ИТОАТ ҚИЛГАН ХОТИНДАН АЛЛОҲ РОЗИ БЎЛДИ

Асри саодатда (Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг муборак замонларида) бир одам урушга чақирилди. Ҳарбга кетар экан, хотинига қаттиқ тайинлади:

— Эҳтиёт бўл, мен келгунимча уйдан ташқарига чиқма, — деди.

Орадан бир қанча вақт ўтиб аёлнинг отаси касал бўлиб қолди. Аёл Пайғамбаримиз (с.а.в.)га хабар берди:

— Отам қаттиқ касал, нима қилай? Ҳасратда ёнмоқдаман, — деди.

Пайғамбаримиз (с.а.в.):

— Эринга итоат қил, — деб жавоб бердилар.

Бироз муддат ўтиб аёлнинг отаси вафот этди. Хотин эрининг амрига бўйсуниб отасининг жанозасига бормади. Эри келгунича уйидан бир қадам ташқари чиқмади. Сабр ила эрини кутди.

Аллоҳ Таоло бу аёлнинг сабри ва тоқати учун Пайғамбаримиз (с.а.в.)га:

«Аллоҳ ул хотиннинг эрига бўлган итоати сабабидан бутун гуноҳларидан фориг қилди» муждаси (хушхабар)ни юборди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Эй, охират йўлчиси қардошим! Кўриб турибсанки, Аллоҳни мамнун қилмоқ учун унинг амри бўйича юрмоқ керакдир. Эрга итоат этиш Аллоҳ амри бўлганидан хотин эрининг амрини адо этиши учун Расулulloҳ (с.а.в.)дан изн сўради. «Отангнинг касалини кўришга ва жанозасига бормасдан эринг амрига қулоқ сол, уйингдан чиқмаслик сен учун хайрлидир», деб жавоб бердилар. Дин амрига кўра эрга итоат этгани учун аёл Аллоҳдан иноят этилган муждани олди. Демак, Жаннатга кирмоқ осон эмас, эрларининг кичкинагина талабига қарши чиқувчи хотинлар буни яхшилаб эшитиб олишлари керак. Аллоҳ амрини билмайдиганлар, Пайғамбаримиз (с.а.в.) насиҳатларига қулоқ солмаганлар эрининг ҳаққи нималигини билмайдилар. Булар учун яшасин жаннама дейишдан бошқа сўз борми, билмайман.

### *168 - ҲИКОЯ*

#### **ЯНГИ ТУРМУШГА ЧИҚҚАН ҚИЗНИНГ ВАЗИФАЛАРИ**

Ҳазрат Ойша (р.а.) Волидамиз ҳикоя қиладилар. Ёшгина бир қиз Расулulloҳ (с.а.в.) ҳузурларига келиб: «Менга совчилар кўп келмоқдалар, уйланишни истайдилар. Аммо мен турмуш куриш хусусида ҳеч нарсани билмайман. Турмушга чиққан қиз эрига қандай хизматда бўлиши лозим, қандай вазифаларни адо этмоғи керак? Токи турмуш қурган қиз дунё ва охират саодатига етиш йўлига кирсин», деди.

Расулulloҳ (с.а.в.):

— Хотин учун энг буюк ҳақ соҳиби эридир. Хотин қанча хизмат қила олса қилсин, аммо эрининг ҳаққини ҳеч вақт ўтай олмайдур, — деб буюрдилар.

Ёш қиз:

— Ё Расулulloҳ! У ҳолда мен турмушга чиқмайинми? Бунчалик хизмат ва вазифаларни ўрнига қўя олармиканман? — деди.

Расулulloҳ (с.а.в.):

— Сен турмуш қур. Чунки турмуш қурмоқ хайрлидир. Лекин эр ҳурматини ўрнига қўймоқ хусусида кўп диққат қилиниши зарур. «Хотин беш вақт намозини ўқиса, Рамазон рўзасини тутса, номус-ор ва шарафини сақласа, эрига итоат қилса Раббининг жаннатига киради», деб буюрдилар.

### *Изоҳ ва ўғит*

Исломда турмуш қуриш савобли бир йўлдир. Савобли бўлган турмушлар фақат Аллоҳ амри доирасида амалга оширилса, яхши ва масъуд натижалар берадур. Аксинча ҳаракатда бўлганлар беҳад гуноҳ қозонадилар. Аллоҳнинг амрларини тутмаганлар учун турмуш қурмаслик яхшидир. Чунки турмушда, оилада бирмунча юк ва вазифаларнинг масъулияти бор. Булар адо этилмаса, гуноҳ йўлига кирилади.

Исломий турмушда мусулмонларнинг уйланишларида Аллоҳга ва Пайғамбарга итоатдан сўнгра эрининг амрларига ҳам мутлоқ итоат этиш бордир, фақат динга қарши бўлмаслик (дин амрларига тўла риоя қилиш) шарти билан. Бу ҳар бир ота ўғилнинг қўлидан келмайди. Фақат имони бутун аҳли мўмин бу вазифаларнинг уддасидан чиқа оладур.

Фақат оғизда мусулмон оналар қизларига куёвга узатишдан аввал лозим бўлган насиҳат ва ўғитларни бермайдилар. Динсизлик урф бўлган бу бенасиблар давридаги муҳит, даврлар инсонларнинг ахлоқини ўзгартириб, бузиб юборади. Шу аҳволдаги бузуқ муҳитда она муносиб тарбия ва ўғит ўрнига терс бир ўғит ва насиҳат беради. Шундай қилиб ушбу исломий қиз янги уйга кетар экан тескари, номуносиб йўриқ ила боради, натижада у гангиб гуноҳ юки остида қолиши мумкин.

Ушбу бузуқ талқинлар кўп нохушликлар келтирмоқдадир:

1. Эркакнинг айтгани эмас, хотиннинг айтгани бўлади.
2. Эркак бир оғиз сўз айтса, сен беш оғиз сўз айт.
3. Эр ким бўлибди? Ундан нега руҳсат оласан?



4. Эр нима қилса, хотин ҳам ўшандай қилади.

5. Уйда хотиннинг эмас, эр хизмати тузукдир.

Мана бу сочма сўзлар инсонни жаҳаннамга ўтин бўлишга тайёрлайди! Бу беш модда билан йўл тутган хотинлар жаҳаннам йўлининг йўлчиларидирлар. Фафлатдан уйғониб жаҳаннамнинг бу йўлидан қайтиш керак.

Юқоридаги каби хайрсиз инсонларнинг хатти-ҳаракатлари янги уйга борадиган хонимларни заволга бошлайди. Бундай ўйламай айтилган сўзлар илк кунлардан жаҳаннам даъватчиси бўлиб ул хонимлар бошларини айлантирадилар.

Агар заволли янги уй (яхши йўл тутмаган уй) соҳибаси бўлган хотинда бир оз ақл неъматини бўлса, ақл мантиғи тўғри ишласа, диний билимлардан бир оз бўлса-да воқиф бўлса, ул масъуд бир уй соҳибаси бўла олади. Агарда бунинг акси бўлса, диндан узоқлаштирувчи, юқорида айтиб ўтганимиз, беш модда ва улар каби инсоннинг жаннат ҳаётини йўқотувчи хасталикларга дучор бўлса, ўз ҳаёти маҳв бўлади (бузилади, бахтсиз бўлади) ҳамда эрининг ҳаёти жаҳаннам ҳаёти бўлади.

Эй, саодатманд бўлишни истаган қардошим! Ҳақиқий саодат диндадир. Толе кулиб боқишини истасанг, Пайғамбаримиз (с.а.в.) амрларига қулоқ сол. Шунда жаннати бўласан. Эҳтиёт бўл. Динсизлик, адабсизлик урф бўлган муҳитда яшамоқдасан, уйғон, дин йўлига кир. Ҳазрат Пайғамбаримизга қулоқ сол, ҳам оила ҳаётинг, ҳам дунёвий ҳаётинг қадрли, бадастур ва эъзозли, ҳурматга лойиқ бир ҳаёт бўлади ҳамда охират ҳаётинг жаннат ҳаёти бўлади. Ўқиган ҳикояларингнинг қадрини бил. Улардан ибрат ва ўғит олишга ғайрат қил.

Эрининг амрларини ўрнига қўйиш, адо этиш жаннат йўлига кириш демакдир. Эрга итоат қилиш, унга қарши чиқмаслик жаннат йўлини тутиш демакдир. Бунинг акси эса жаҳаннамга патта олишдир. Динини билган ҳар бир эркак, динини билган ҳар бир аёл, албатта, Жаннат аҳли бўлишга номзод бўладилар. Агар муҳитнинг таъсири остида қолиб, эрга исён байроғини кўтарадиган бўлса, бу унинг ишидир. Жаннат ҳам бор, жаҳаннам ҳам бор. Хоҳлаган ерингга боришинг мумкин.

Биздан айтиб қўйиш, рия қилмоқ сиздан.

## 169 - ҲИКОЯ

## ЎЗИНГ СУЙМАГАННИ БОШҚАГА РАВО КЎРМА

Саодат асрида Пайғамбаримиз (с.а.в.) асҳоби ила суҳбатда эдилар. Бир йигит кириб келди ва одобсизлик билан:

— Ё Расулulloҳ! Мен фалончи аёл билан яқинлашмоқчиман, у билан зино қилмоқни истайман, — деди.

Асҳоби Киром бу муомаладан хафа бўлдилар. Улар орасида газабланган, йигитни уриб Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳузурларидан чиқариб ташламоқчи бўлганлар бўлди. Баъзилари дўқ қилдилар, чунки йигит ниҳоятда ҳаёсиз муомала қилганди.

Суюкли Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Ул йигитга тегманг, бери келсин», — дедилар. Сўнг Расулulloҳ (с.а.в.) йигитни ёнларига чақирдилар. Тиз чўктириб ўтқиздилар. Йигитнинг тиззаларига ўзларининг муборак тиззаларини теккизиб ўтирдилар ва:

— Йигит, бировнинг онанг ила бундай ёмон иш қилишини истайсанми? Бу жирканч ҳаракат сенга хуш келадими? — деб сўрадилар.

Йигит шиддат билан:

— Йўқ, Расулulloҳ — деб жавоб берди.

Расулulloҳ (с.а.в.):

— Ундай бўлса, бу жирканч ишни қилмоқчи бўлганинг аёлниг авлодлари, яқинлари ҳам бундан хурсанд бўлмайдилар. Агар бу хунук ишни сенинг онанг, синглингга қилсалар яхшими? Ёки холанг, амманг ва ёки қариндошларингдан бири ила шу ишни истасалар яхши кўрасанми? — деб сўраганларида йигит ўрнидан сапчиб туриб «йўқ» деб жавоб берди.

Расулulloҳ (с.а.в.):

— Бошқа одамлар ҳам бу ишдан хурсанд бўлмайдилар ва ҳеч бири бунга яхши кўрмайди, — дедилар ва яна сўрадилар:

— Айт, синглингни шундай қилсалар, суюнасанми?

Йигит:

— Йўқ, асло! — деди қатъий ва ҳеч ким билан бундай ишни хуш кўрмаслигини айтди.

Шундан кейин Ҳазрат Пайғамбаримиз (с.а.в.) муборак қўлларини йигитнинг кўкрагига қўйиб бундай дуо қилдилар:

— Аллоҳим! Сен бу йигитнинг қалбини покиза қил. Номуси ва шарафини муҳофаза айла ва гуноҳларини кечир.

Йигит Расулulloҳ (с.а.в.)нинг ҳузурларидан хурсанд бўлиб чиқди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Расулulloҳ (с.а.в.)нинг бу иршодида қандай гўзал тамсил (мисол) бор.

Расулulloҳ (с.а.в.) яна: «Хотинларингизнинг номусли бўлишини истасангиз, бошқаларнинг хотинларига ёмон кўз билан боқмангиз», деб амр этадилар.

Бировнинг номусини қадрламаган кимсада номус йўқдир. Номусли одам бошқаларнинг номусини ҳам муқаддас деб билади. Ҳеч кимсанинг номусига ёмон кўз билан олайиб қарама! Ақлли одам бўлмоқ лозим. Номуссизлик инсоннинг ақлини йўқотади. Инсонни тўғри йўлдан адаштиради.

### 170 - ҲИКОЯ

#### ҲАЖГА БОРГАН СУТЧИНИНГ БОШИДАН КЕЧИРГАНЛАРИ

У замонларда тайёралар йўқ эди. Ҳажга борувчиларнинг кўпчилиги кемаларда, денгиз йўли билан борганлар. Бир сутчи ҳам ҳажга боришни ният қилди. Кемага ўтириб Маккага йўл олди. Кема анчагина юрганидан сўнг денгиз ўртасига етганида кема саҳнида бир маймун пайдо бўлиб қолди. Кема устида, очиқ саҳнда юрган бу ҳажга борувчининг пул солинган киссасини маймун олиб қочди ва кеманинг энг тик елкан тиргагига тирмашиб чиқиб кетди. Киссасини олдириб қўйган одам дод солди, пулсиз нима қиламан, ҳажга қандай бораман, деб фарёд чекди.

Маймун тиргак учига чиқиб ўтириб олди. Киссани очиб ичидан бир олтин чиқарди, кейин олтин тангага одам қарагандай қараб томоша қилди-да, денгизга отди. Сўнгра яна битта олтин олиб, ҳалигидай томоша қилиб, унга тикилиб нима қилишини билмай ҳайрон турган ул одамга отиб юборди. Шундай қилиб маймун олтинларнинг бирини денгизга, бирини киссасини олдирган одамга отаверди.

Ул одамнинг ҳаяжондан ўлишига бир баҳа қолди. Унга айтдиларки:

— Ажаб иш! Бу кемада буюк бир олим бор. Кел, бу масалани ундан сўрайлик, бу қандай иш экан!

Бориб, у олимга бўлган ишни тушунтирдилар.

Ул олим:

— Сен нима иш қиласан? — деб сўради.

Ул одам:

— Сутчилик қиламан, — деди.

Олим:

— Сутга сув қўшармидинг, — деди.

Ул одам:

— Баъзан сут оз бўлганида қўшар эдим, — деди.

Олим:

— Тушунарли, денгизга отилган сув пули, сенга отилгани эса сут пули, — деди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Юқорида ҳам шунга ўхшаш бир сутчи аёл ҳақида ҳикоя бор эди. Сигирининг сути ила кун кўрадиган бир хотин сут кўпайсин деб сутга сув қўшар эди. Шундай йиллар ўтди. Бир кун бўрон бўлиб дарадан ўтаётганида сел сигирини оқизиб кетибди. Аёлнинг бир ўгли бор экан, у йиғлаётган онасига:

— Она, нега йиғлайсиз? Сиз сут қўшган сувингиз сел бўлиб сигиримизни оқизиб кетди, — деди.

Боланинг бу маънодор сўзларини қаранг, қандай гўзал, нақадар вақтида айтилган сўзлар!

Сутчилик покликни талаб қилади. Ҳеч хоинлик қилиб бўлмайди. Хоин сутчиларнинг асло бири икки бўлмайди. Тўғрилиқдан адашмаслик лозим. Халқнинг овқати ила, сиҳат-саломатлиги ила ўйнашиш жаҳаннамга чипта олишдир. Болалар, касаллар, бечоралар ҳаммаси сутли овқат ейдилар. Сутга сув қўшиш энг буюк жиноят ва жаҳаннамга боришга тайёргарликдир. Тўппа-тўғри жаҳаннам оташига боришдир.

### *171 - ҲИКОЯ*

#### **ИККИ ХИЛ АЁЛ**

Бир вақтлар янги уйланган бир йигит амакиси билан учрашиб:  
— Амаки, менинг хотиним шундай назокатли, киборки, сиз билмайсиз, — деди.

Кекса амаки:

— Кўп мақтанма, бедаво йигит. Бугун оқшомда сен бизнинг меҳмонимиз бўл, кейин кўрамиз, — деди.

Йигит амакисининг меҳмони бўлди. Қекса амаки кампирига: «Хоним, меҳмон келди. Тарвузнинг яхшисидан олиб кел», деди. Кампир тарвуз келтирди. Амаки қўлида бир-икки айлантириб кўриб: «Бўлмайди, бу яхши чиқмайди, бошқасини олиб кел», деди. Шундай қилиб хотини ўн марта тарвуз олиб келди. Кекса хоним ҳар сафар эри: «Бошқасини олиб кел», деганида «хўп бўлади», деди, бирор марта норози бўлмай, айтганини қилди. Эртасига оқшомда амаки йигитнинг уйига меҳмонга борди. Йигит ҳам уйдаги тарвузлардан бирини олиб келишни буюрди. Хотини олиб келди. Йигит тарвузни салмоқлаб кўриб:

— Бу бўлмайди, бошқасини олиб кел, — деди. Хотин бошқа тарвуз олиб келди. Йигит яна «бўлмайди» деди. Хотини учинчи тарвузни олиб келди, эр яна «бўлмайди», деб бошқасини олиб келишни буюрди. Шунда ёш келинчак:

— Мен сизнинг югурдагингизманми, «олиб кел, олиб бор» деяверасиз. Сиз ақлли бўлганингизда, яхши бир тарвуз олардингиз. Бошқа тарвуз йўқ, фақат учта тарвуз олиб келгансиз, — деди.

Кекса амаки:

— Кўрдингми, болагинам, мен сенга нима деган эдим! Менинг уйимда бир дона тарвуз бўлиб, яхши феълли хотиним ўн марта олиб келган тарвуз айна ўша битта тарвуз эди. Лекин бирор марта итоатсизлик билан гап қайтармади. Энди тушундингми, — деб кекса амаки йигитга ўгит берди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Ота-боболаримиз: «Яхши хотин сиркани бол қилади, ёмон феълли хотин болни сирка қилади», «Яхши феъл аёл кулни вазир қилади, ёмон феъллиги вазирни разил қилади», дейдилар. Ақлли инсон қадрини билган инсондир.

Ақлли, хушфеъл хотинлар дўстларга, бадфеъл хотинлар душманларга насиб этсин.

Бу ҳикояда айб хотиндан кўпроқ унинг эри бўлмиш куёв йигитдадир. Чунки ҳар кимга бориб хотинини мақташнинг ҳеч маъноси йўқ бир иш, бу беандиша, калтафаҳм одам ишидир.

Юқорида ўтган ҳикоядаги қовоқ ари (эшак арис) эшак сийдигидан бўлган кўлмақдаги чўпга қўниб, «мен буюк уммонда сузмоқдаман», деган экан.

Ушбу жоҳил йигит ҳам ҳали нима бўлишини тушуниб етмай, тажрибасиз, тушунчаси паст, ақсиз хотинини тенги йўқ, бебаҳо аёл деб ҳисобламоқда. Бечора билмайдики, эл орасида қандай ақлли, оқила, қандай саранжом-саришта аёллар бор. Унинг аёлидай беандиша эмас...

### 172 - ҲИКОЯ

#### ЙИҒЛАЙВЕРИБ КЎЗЛАРИ КЎР БЎЛГАН ХОТИН

Аёл авлиёлардан Аллоҳ дўсти бўлмиш бир муборак зот хоним шунчалик йиғлади, шунча кўп кўз ёши тўқдики, кўзлари кўр бўлиш ҳолига келди. Дўстлари, ақраболари унга:

— Йиғлайвериб кўзларингиз кўр бўлиб қолишидан кўрқамиз, — дедилар.

Ул авлиё аёл:

— Жаҳаннам азоби ила, жаҳаннам оташининг алангаларидан кўр бўлгандан кўра бу дунёда Аллоҳ ишқи ила йиғлаб-йиғлаб кўр бўлмоқ афзалдир. Агар кўз севгилиси юзини кўришдан маҳрум ва ҳасратли бўлса, бу кўз қандай йиғламайди? — деди.

Йиғлайвериб, охири аёл беҳол, бемажол бўлди. Шундай бир хароб аҳволга келдики, намоз ўқий олмайдиган бўлиб қолди. Унга тушида бундай дедилар:

— Йиғлама ва кўз ёшларингни тўкма. Ҳасрат чекувчиларнинг охи уларнинг шифоларидир. Намозингни ўқи, ибодат қил, намозни ўтказма! Аллоҳ деганларнинг, Аллоҳга талпинганларнинг йўли ибодат ва намоздир...

Бу муҳтарама хоним дарҳол намоз ўқий бошлади, намоз ўқишни давом эттирди.

#### *Изоҳ ва ўғит*

Эй, Ҳақ йўлчиси! Аллоҳ қулларининг йўли намоздир. Аллоҳ дўстларининг кўнгилларининг шифоси дув-дув кўз ёши тўқишдир. Суюкли Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Аллоҳ учун кўз ёши тўққан кўзларни жаҳаннам куйдирмайди», деб айтганлар. Бу йўл кўп машаққатли йўлдир. Авлиёлар, солиҳлар йўлидир. Аллоҳ ишқидан, Расулulloҳ (с.а.в.) севгисидан йиғлаган кўзлар жаҳаннам юзини кўрмайдилар.

## 173-ҲИКОЯ

## БИР ҚАҲВА УЧУН ТАЛОҚ ЭТИЛГАН КЕЛИН

Бир одам қариндошларидан бирининг олдига бориб уйланмоқчи эканлигини айтди. Қариндош аёл ўртада туриб уни уйлантириб қўйди.

Уйланган йигит биринчи куни келинга бир халтачада қаҳва олиб келиб берди. Хоним халтачани эҳтиёткорлик билан очиб, қаҳвани ичишга тайёрлай бошлади, халтачани эса деразадан отиб юборди. Йигит хотинининг ишларини диққат билан кузатиб турди.

Сўнг совчилик қилган қариндош аёлни чақирди. «Мен бу хотин билан ажрашаман, бўлмайди», деди.

Қариндоши бўлган бу аёл бошқа келин топиб, йигитни яна уйлантирди. Йигит аввалги хотинига қаҳва олиб келгандай, яна бир халтачада қаҳва олиб келди. Янги келин ҳам аввалгиси каби эҳтиёткорлик билан халтачани очди, уни бўшатиб ташқарига отди. Йигит бу хотинини ҳам қўйиб юбориб, «бўлмайди», деди.

Совчилик қилган қариндоши бир танишига бўлган воқеани сўзлаб, бошқа келин топмаслигини айтди. Уларнинг бу суҳбатини эшитган бир аёл «мен унга тегаман», деб қолди. Воситачи бўлган хотин: «Бўлмайди, сени ҳам ҳайдайди», деганига қарамай бу аёл ўша йигитга турмушга чиқди.

У йигит эски одатини яна такрорлади. Келин эри олиб келган қаҳва солинган халтачани шошилмай очди ва авайлаб тахлаб ипи билан бирга олиб қўйди. Хотинининг ишини кузатиб ўтирган йигит:

— Хоним, нега бу қоғозни олиб қўйдинг, ташлаб юбор, — деди.

Аёл:

— Йўқ, нега ташлайман. Ота-боболаримиз, «Сақла сомонни, келар замони», деганлар. Бир кун бу халтача керак бўлиб қолар, — деди.

Йигит:

— Майли, ипини нега олиб қўйдинг? — деди.

Аёл:

— Рўзғорда ҳамма нарса керак. Бир кун бирор нарсани боғлашга керак бўлиб қолар. Ҳозир биздан бу ип бирор нарса сўраётгани йўқ. Ортиқча нарсанинг зарари бўлмайди, — деди.

Йигит:

— Албатта, албатта, хоним. Мана энди рўзгор тебратадиган, тадбирли, оқила аёлга уйланибман. Аллоҳга шукрлар бўлсин. Алмо хоним, сенга шуни айтиб қўяйки, сендай оқила аёлни топ-гунимча неча минг пул сарф қилиб юбордим. Зарари йўқ, ҳозир жуда мамнунман, — деди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Эй, дунёда ҳузур истаган инсон! Бу ҳикоядан ибрат ол ва дунёда бахтли бўлиб яша. Яна бу қандай хасис одам ўзи, бир парча қоғоз, бир қарич ип учун хотини билан ажралишса, деб ўйлагин. Эсингни йиғ, яхшилаб тушуниб ол. Ахир бу одам хасис бўлганида, рўзгор юритишни биладиган оқила бир аёлни излаб шунча минг пул сарф қилармиди.

Уйланишдан олдин оқил эркак қизни синаб, тарбиясини билиб, лозим топса уйланади, унга қанча пул сарфласа арзийди. Шундай ақлли одамлар кейинчалик роҳат, ҳузурда бўладилар. Аксинча, хотин бўлса бўлди, қандай бўлишининг фарқи йўқ, деган ақлсиз одамлар бу дунёда жаҳаннам ҳаётида яшайдилар. Улар шунга лойиқ одамлардир.

Сўраб-суриштирмасдан кўчада кўриб, гўзал экан, деб олинган хотин билан бахтли турмуш қуриб бўлмайди. Бундай аёл жаҳаннам ҳаётини яратади.

### 174 - ҲИКОЯ

#### ИЛОН ВА ДУМ АЧЧИФИ

Бир вақтлар бир одам далада ўтин йиғиб юрар экан, бир илоннинг тешиқдан чиқиб ҳолсиз ётганини кўрди. У одамнинг илонга раҳми келди. Ўзи билан олиб келган сутдан идишга қуйиб, илоннинг олдига қўйди. Илон сутни ичиб инига кириб кетди, кейин яна тешиқдан чиқиб ўтинчи сут берган идишга битта сариқ лира солиб қўйди.

Сариқ олтин тангани кўриб у одамнинг кўзлари чақнаб кетди. Эртасига яна бир коса сут олиб келиб илоннинг ини олдига қўйди. Илон сутни ичди. Яна бир сариқ олтин танга косага тушди, ҳар куни шу ҳол такрорланаверди. Қишлоқ одами ҳаётидан мамнун. Ҳар куни бир коса сутга бир танга олтин.

Рамазон байрамидан кейин у одам ҳажга бормоқчи бўлиб, тайёргарлик кўра бошлади. Ҳажга борадиган кун ҳам келди. У одам ёшгина ўғлига:



— Ўғлим, ҳар куни бориб илоннинг ини олдига косада сут қўясан, у сенга бир сариқ олтин лира беради. Уни олиб келасан. Эҳтиёт бўл, илонни урма, мен ҳаждан қайтганимча шу ишни қилиб тур, — деб уқтирди.

Шундай қилиб, бола илонга сут олиб кела бошлади. Бир кун у илондан кўрқиб кетиб, қўлидаги белкурак билан илонни уриб думини чопиб юборди. Илон жонҳолатда болага ташланиб, уни чақди ва заҳрини сочди, бола ўлди.

Отаси ҳаждан қайтиб, ўғлининг ўлганини эшитди. Ўғлининг ўлганига куйсинми, ҳар куни тушаётган олтин тангадан айрилганига куйсинми? Не ҳасрат билан илоннинг олдига борди ва:

— Кел, сен билан янгидан дўст бўламиз. Ўтган кунларни унутайлик, — деди.

Илон:

— Йўқ, бўлмайди, менда дум аччиғи бор экан, биз бундан кейин дўст бўлолмаймиз, — деб жавоб берди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Эй, ақллиман деган дўст! Оламда ибрат олинадиган қанча-қанча воқеалар бор. Аммо ибрат олиш, кўрадиган кўзлар ва тушуниб етадиган ирфон соҳиби бўлганларга насиб этади. Ушбу кичик ҳикояда инсонни умр бўйи бахтиёр эта оладиган ибрат дарси бордир.

### 175 - ҲИКОЯ

#### **ҚУВУРГА КИРИБ КЕТГАН ХАЧИР**

Бир вақтлар бир одам йўлда кетаётиб олдидаги тошга қоқилиб йиқилди. Йиқилиб жони оғриди, у оғриқ азобидан: «Вой шайтон, вой», деди. Шу пайт шайтон хачир суратида бўлиб кўринди ва йиқилганга: «Қаршингдан йўлда келаётган ана у одамга мени сот», деди.

Йиқилган одам:

— Қанчага сотаман сени? — деди.

Шайтон:

— Қанчага олса, шунчага сот, — деди.

Бирга олдинга юрдилар. Қаршидан келаётган одам билан учрашгач: «Бу хачирни сенга сотай, сен ол, яёв юрасанми», деди. Арзон нархга хачирни йўловчи сотиб олди. Сўнгра у одам хачир-

га миниб кетаётган эди, олдиларидан булоқ чиқди. Хачир сув ичгани чашмага интилди ва сув ичаётиб, сув тушаётган қувурга кириб кетди.

У йўловчи:

— Вой, хачир қувурга кириб кетди, — деб бақира бошлади.

Шу ердан ўтган одамлар «қувур ичида хачир бўладими», деб хачирнинг эгасини аҳмоққа чиқариб, уни жиннихонага олиб бордилар. У киши: «Хачир қувур ичига кириб кетди, ҳозир у қувур ичида», деяверди. Аввал уни аҳмоқлардан бири деб урдилар. Кейин: «Ақлли-ҳушли одамга ўхшайсан, «қувурда хачир йўқ», дегин қутуласан» дедилар. Сўнг: «Хачир қаерда?» деб сўрасалар, «Қувурда хачир йўқ», деб жавоб берди-да, у ердан қутулиб чиқди. У одам яна булоқ олдига борди-да, қувур ичига қараса, шайтон тилини кўрсатибди. «Хачир мана бу ерда», дебди у одам.

Уни яна руҳий касалликлар шифохонасига олиб борибдилар, уриб таъзирини беришибди. «Қувурда хачир йўқ, бу гапингдан кеч», дебдилар ва: «Хачир қаерда?» деб сўраганларида, «Хачир йўқ», деб у одам яна қутулибди. Яна булоқ олдига борибди, қараса шайтон яна тилини кўрсатибди. У одам:

— Биламан, биламан, сен шу қувур ичидасан, лекин энди ҳеч кимга айтмайман, — дебди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Бу ҳикояни ўқиганда ойнаи жаҳон кўз ўнгимга келади. Уйларимиз тўрига эъзозлаб пардали бир ойна қўйиб қўйганмиз. Хачир қувур ичидан тилини кўрсатгани каби бизнинг хонамиздаги парда ортидан, ойнаи жаҳондан биров дарҳол чиқиб келади.

Бизлар ҳам ойнаи жаҳонда сайр этамиз, нафас олмай томоша қиламиз. У одам қувурга кирган хачирга айланган шайтонга қарагани каби ҳаяжон ила ойнаи жаҳонга қараб ҳузурланамиз.

Ойнаи жаҳонда, ҳатто хотинларнинг бола туғишлари, уни эркак ва аёл назорат этишини очиқ намоён этидилар. Бунини ёш болалар ҳам кўриб ўтиради, айб, ҳаё деган атаманинг дунёда борлигидан беҳабарлар. Бу азиз миллатнинг фарзандларига, афсуски, ҳаё деган нарсани ўргатмайдилар.

## 176 - ҲИКОЯ

ЯХШИ ФЕЪЛЛИ ХОТИНЛАР ДЎСТЛАРГА  
МУБОРАК БЎЛСИН

Қози Шурайк тобеинлардан Шобий Ҳазратларига шундай насиҳат берди:

— Эй Шобий, агар уйлансанг, Бани Тамим қабиласидаги бир қизга уйлан. Улар қизларига яхши тарбия беришади.

Шобий:

— Қаердан биласан? — деб сўради.

Қози Шурайк тушунтирди:

— Ёш ва бекорчилик пайтларимда Бани Тамим қабиласи томонга борган эдим. Қайтиб келаётиб, қари бир аёл билан ёш қиз ўтиришганини кўрдим. Қиз ғоятда чиройли, латофатли кўринар эди. Қизни яқинроқдан кўрмоқ учун сув ичиш баҳонасида уларнинг олдига бориб, сув сўрадим. Аёл қизга сув олиб келишни буюрди. Сув ичгач, ул хотиндан:

— Бу қиз кимнинг қизи, исми нима, — деб сўрадим.

Кекса аёл:

— Бу қиз Худоёрнинг қизидир, исми Зайнаб, — деди.

— Турмушга чиққанми?

— Йўқ, турмуш қурмаган.

— Аллоҳнинг амри ила менга берасизми?

— Куёв бўладиган бўлсанг, сўраб-суриштириб, лойиқ бўлсанг берамиз, — деди.

У ердан уйимга келдим. Қизни кўргим келди. Унга уйланишни ихтиёр этдим. Қариндошимдан бирини олиб, қизнинг амакиси олдига бордик ва мақсадимизни айтдик. У ерда қизни суриштирдик. «У сенга муносиб», дедилар. Никоҳ бўлгандан кейин, Бани Тамим қабиласининг аёллари қандай эканлигини яхши билмайман, бошқа-бошқа муҳит, бошқа қабила одамларимиз, деб чин дилимдан пушаймон бўлдим. Лекин ҳеч кимга айтмай, охири бахайр бўлар, деб кутдим. Уйландим, келинни олиб келдик. Кечаси қиз (келин) менга:

— Афандим, бу оқшом куёв икки рақъат намоз ўқиши керак. Аллоҳ ризоси учун ўқиладиган бу намоздан кейин келиннинг хайрли ва бахтли бўлишини тилаши, Жаноби Ҳақдан эзгуликлар, баракот ниёз этмоғини тилаши суннатдир, — деди.

— Хўп, майли, — деб икки ракъат намоз ўқидим. Саломдан кейин қарасам, у ҳам намоз ўқимоқда. Намозларимизни ўқиб бўлгач, қиз менга бундай деди:

— Афандим, мен саҳройи бир муҳитнинг қизиман, Сиз эса бошқа муҳитда тарбия топгансиз. Тақдир бизни бирлаштирди. Сизга ўз муҳитингиздан бир қиз, менга эса ўз қабиладан бир йигит топилар эди. Аммо тақдири илоҳий шундай экан, бир-биримизнинг феъли-атворимиз ва ахлоқимизни билмаганимиз ҳолда тақдир ҳукми билан оила қурдик. Сиздан илтимосим, яхши кўрадиганингиз ва мамнун бўладиганингиз нарсаларни менга айтиб қўйсангиз. Сизнинг истагингизга мос хизмат қиламан, ёқтирмайдиган ва хуш кўрмайдиган ҳолларни ҳам айтиб қўйинг, токи мен улардан сақланай. Шундан кейин Сиз менга лутф этиб, мулоим феълли бўлинг, мен ҳам Сизга хотинлик вазифаларимни ўрнига қўймоқ учун астойдил ҳаракат қилай. Агар мен ўз вазифамни бажармай, танбаллик ва итоатсизлик қилсам, мени отамнинг уйига қайтариб юборишингиз мумкин. Бунинг учун ҳеч хафа бўлмайман. «Бошга тушганини кўз кўрар», «Бошга тушса йиғламас», дейдилар. Мен Сиздан шуларни илтимос қиламан. Жаноби Ҳақдан бир-биримиз учун хайрли ва баракотли турмуш қуришимизни тилайман. Исломий бир оила ҳаёти ила яшамоғимиз учун дуо қиламан.

Мен:

— Хоним, сен менга шундай бир пурмаъно сўзлар айтдингки, агар айтганларингни адо этсанг, мени толеи баланд ва бахтиёр этасан. Агар сўзингда турмасанг, аҳвол бошқача бўлади. Мен ушбуларни истайман. Бундай нарсаларни севаман, ундайларни ёқтирмайман. Мен орзу қилганларимни адо эт, хуш кўрмаганларимни яшир, кўрсатма.

Қиз:

— Қариндошларимнинг келиб-кетишларини хоҳлайсизми?

Мен:

— Узоқ турмаслик шарти билан майли, лекин тез-тез келиши-ни хоҳламайман.

Қиз:

— Қўшниларимдан кимлар кириб-чиқа олади? Хоҳламаганингиз билан кўришмайман.

Мен:

— Фалон қўшнилар чиқиши мумкин. Улар номусли ва диндор одамлардир. Фалон кимсаларни хоҳламайман, уларнинг ҳаёти яхши эмас, исломий эмас. Ундайларнинг уйимизга келиши-

лари яхшилик келтирмайди. Бундай мезонлар билан қурилган оила қисқа вақт ичида бир жаннати хонадон бўлади.

Бирор йил ўтгач, бир кун уйимга келсам, бир кекса аёл меҳмон бўлиб ўтирган эди. У уй соҳибасига: «Қизим, бундай қил, ундай қилма», деб насиҳат қилар эди. Мен хотинимдан:

— Бу ким? — деб сўрадим.

Хотин:

— Қайнонангиз, — деди. Мен қайнонамнинг қўлини ўпиб, ҳурмат ва эҳтиром кўрсатдим.

Кекса аёл:

— Хотинингдан мамнунмисан? — деб сўради.

Мен:

— Жуда мамнунман, Аллоҳ сизлардан рози бўлсин, жуда ҳам яхши фарзанд етиштирибсиз. Бундан яхшиси бўлмайди, ниҳоятда мамнунман, — дедим.

Бунга жавобан қайнона:

— Мен уни жаннатдай оила гўшасида ўстирганман, ўғлим. Аёлнинг бадфеълдан Аллоҳ сақласин. Қариндошларимиз сизни кўргани келишмоқчи, қачон келишсин? — деб сўради.

Мен:

— Истаган кунлари келишсин. Уйимнинг тўри уларники, — дедим.

Қайнона ҳар йили бир марта келиб, насиҳатлар қилиб кетаркан. Қози Шурайк у хоним билан роса йигирма йил турмуш қурди. Бу вақт ичида хотинининг бирорта айбини кўрмади.

Уларнинг бир қўшнилари бор эди. Ул уй соҳибининг хотини бадфеъл, тарбия кўрмаган бўлиб, уйларида ҳар куни ғавғо ва жанжал бўларди. Уларнинг ҳолини кўрган Қози Шурайк ўзининг суюкли хоними Зайнаб шарафига уни мадҳ этиб бундай ёзган экан:

*Завжлар (хотинлар) ичинда Зайнабим танҳо,*

*Қўлим синсин унга кўтарсам гоҳо.*

*Адолатсизликдир беайб урмоқ,*

*Зайнабимга муносиб мадҳ этиб юрмоқ.*

*Хотинлар ичида у бир қуёндир,*

*Бошқа барча хотинлар юлдузга эйдир.*

*Қуёшнинг ёнида юлдузлар учар,*

*Эркак саодати уйида бўлар.*

*Зайнаб итоатли, Зайнаб содиқдир,*

*Унга таёқ эмас, мадҳия ҳақдир.*

Мана шундай феъли гўзал, тарбияси гўзал аёлларнинг вафотларидан кейин ҳам яхшиликлари мадҳ этилиб шеърлар ёзилади, китобларда ўрнак қилиб кўрсатиладилар, хайрли дуолар қилинади.

### *Изоҳ ва ўғит*

Эй, уйида Жаннат мисоли ҳузур истаган! Бу ҳикояда шундай бир ўғитлар борки, улар бир инсоннинг уйини Жаннат мисоли ҳузур манбаи қила оладилар. Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Мусулмоннинг уйи Жаннат боғидан бир боғчадир», демишлар. Шунинг учун Қози Шурайкнинг қайнонаси қизини «Жаннатда ўстирдим», дегани шу Ҳадисга ишорадир.

Уйингни Жаннат боғчаси этсанг, фарзандингни гул каби парваришлайсан. Кўриниши гўзал бўлгани учун эмас, феъли гўзал, ахлоқи яхши бўлгани учун аёл эъозланади. Чунки мол-дунё тугайди, гўзаллик ўтиб кетади.

Қизларнинг оналари, қариндош-уруғлари бу ҳикояни ўқиб, ибрат олмақликлари зарур. Аммо XX аср мезони бунга тўғри келмайди. Бўлажак келин бой, бўялган, тузанган бўлса бўлди.

Қиз олинаётганида оиласининг дини ва ахлоқи, яшаш тарзи ўрганилиши керак. Қўни-қўшнилари сўзлари эътиборга олиниши зарур. Бу кўриниши чиройли қўшнилардан эмас, балки дини, ахлоқи бор одамлардан сўралади. Қиз берувчи ҳам куёвнинг дини, ахлоқини билиши керак. Бу ишларда ёлғон ишлатилмаслиги лозим, умуман Исломда ёлғон ишлатиб бўлмайди. Бу ишда эса айниқса ёлғон бўлмаслиги керак. Чунки шу йўл билан Исломга хизмат этувчи ўғиллар, қизлар етишадилар.

Севиқли Пайғамбаримиз (с.а.в.) саҳобаларига: «Ахлатхонада битган гулдан эҳтиёт бўлинг», деганлар.

Асҳоб:

— Ахлатхонада битган гул қандай гул, ё Расулуллоҳ, — дедилар.

Расулуллоҳ (с.а.в.):

— Ёмон муҳитда, исломий тарбиядан узоқ, ахлоқсиз бир оилада етишган гўзал аёл, — деб марҳамат қилдилар.

## 177 - ҲИКОЯ

## ДИНДОР ҚИЗ ИНСОННИ МАСЪУД ЭТАДИ

Имом Ҳанбал Ҳазратлари ўғилларига:

— Фалон одамнинг икки қизи бор, бири жуда гўзал, бошқаси ўртача. Сизга қайси бирини сўрайин. Бу икки қиздан қайси бирини муносиб кўрасиз, — дедилар.

Буюк имом Ҳазрат Аҳмад бин Ҳанбал:

— Динни қайси бири яхшироқ билади? — деб сўради.

— Ўртача гўзалликдагиси динни жуда яхши билади, диний ҳаёт кечиради, дин амрларини адо этади, — деб жавоб берадилар Ҳазрат Ҳанбал.

Ҳазрат Имом Аҳмад бин Ҳанбал:

— Ундай бўлса, динни яхши билганни менга никоҳ этинг, диндор бўлганини истайман. Чунки у инсонни масъуд этади. Диндор бўлмагани ҳавоий ва нафсоний истакларининг асиридир. Жоҳиллар қанча гўзал бўлсалар ҳам хонадонга хайр келмайди, — деб диндор қизни муносиб кўрибди.

*Изоҳ ва ўғит*

Ҳазрат Имом бу қиссада диндор, имонли аёлнинг эри ва оила аъзоларининг муҳаббатини қозониши, ўзининг вазифаларини жондиди билан адо этишини англатмоқда. Динини билган эрининг кўнгилни олади. Динини билган катталарга ҳурматда, кичкиналарга марҳаматли бўлади. Имонсиз жоҳил хонимлар инсон бошига бало бўлиб, бутун оила аъзолари худди жаҳаннамга тушгандай бўладилар.

## 178 - ҲИКОЯ

НИКОҲ КУНЛАРИ БЕТОБ БЎЛИБ  
ҚОЛГАН АҚЛЛИ АЁЛ\*

Бир вақтлар бир одам оқила, ақлли ва гўзал хонимга ошиқ бўлиб қолди. У киши ҳам ақлли, эсли одам эди. Афсуслар бўлсинки, бу ҳол узоқ чўзилмади. Маҳбубаси никоҳ кунлариёқ касал бўлиб қолди. Касаллик натижасида қизнинг ҳусн-малоҳати йўқолди, юзлари доғ бўлиб, нималардир тошиб кетди.

Қизни табибларга кўрсатдилар, чора топилмади. Ҳакимлар бу чечакка ўхшаган касаллик, дедилар. Қиз йигит билан турмуш қурмасликка аҳд қилди, уялиб йигит кўзига қарай олмасди.

Аянчли вазиятда куёв ҳам касал бўлиб қолди. Бир-икки кун ўтганидан сўнг, «кўзларим кўрмай қолди», деб зорлана бошлади. Қизнинг раҳми келиб, унга турмушга чиқишга рози бўлди. Улар турмуш қурдилар. Бу икки ақлли жуфт бахтиёр ҳаёт кечира бошладилар.

Орадан неча йиллар ўтиб, аёл яна қаттиқ касал бўлиб қолди, шифо топилмади. Ажали етган экан, вафот этди.

Хотини вафот этганидан кўп ғам чеккан, вафодор эрнинг энди кўзлари очилиб, кўра бошлагани маълум бўлди. Яқинлари, қариндошлари бунда қандай ҳикмат борлигини сўраганларида, у одам:

— Бунинг сабаби оилада. Уйланмоқчи бўлган қайлигим касаллиги туфайли мен билан яшашга кўнавермагач, уни хасталик асоратидан, сиқилиш туйғусидан қутқариш учун ўзимни кўрликка солган эдим, — деди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Бахтли оилада эр ва хотин бир-бирларини яхши тушунганлиги кўришиб турибди. Чунки масъуд ва бахтиёр бўлмоқлик учун ҳар икки тарафнинг ҳам соғлом, бардам бўлмоғи керак.

Бу имтиҳон дунёсида эса бу неъмат жуда оз бахтиёрларга насиб бўлади. Бировнинг оти бўлади-ю, араваси бўлмайди, бировнинг араваси бўлади-ю, оти бўлмайди. Бу ўткинчи дунё шундай, доимо бахт кулиб боқавермайди.

### 179 - ҲИКОЯ

#### **ЭР ҚАДРИНИ БИЛГАН ХОТИН**

Фақир бир одам ўз қишлоғидаги ҳамма хонадонларнинг сизирларини тўплаб яйловда боқиб берарди. Унинг оғирлиги бировга тушмасди, оиласини шу меҳнати билан боқарди.

Бу чўпоннинг аҳволни тушунадиган, эрининг қадрини биладиган фаросатли, оқила хотини бор эди. Шунинг учун қишлоқда у энг бахтиёр одам ҳисобланарди.

Қишлоқда кимки хотинидан жаҳли чиқса, «Бор, чўпоннинг хотинидан ибрат олиб кел», дер эди. Кунлардан бир кун қишлоқ оғаси хотинидан хафа бўлди. Оға хотини ила жаңжаллашиб:

— Эй, гапга тушунмайдиган, бефаҳм хотин, бориб қишлоғимиз чўпонининг хотинидан озгина бўлса ҳам ақл ўрган, у фақир хотиндан ибрат ол, эр қадрини ўрган, — деди. Унинг хотини:



— Чўпоннинг хотинидан нимани ўрганаман. Эри чўпон бўлса, ўзида на ҳунар, на фазилат бор, — деб қаршилик кўрсатди.

Оға жаҳл билан ишига кетди. Унинг хотини кейин безовта бўлиб қолди. Ўрнидан туриб, «чўпоннинг хотинини ҳамма таърифлайди, бир кўриб келай», деб уларнинг уйига борди. Шу пайт чўпоннинг хотини ҳовлидаги, офтобда турган идишдан сув олиб ичар эди.

Оғанинг хотини:

— Шу сувдан менга ҳам озгина беринг, — деди.

Чўпоннинг хотини:

— Бу сув исиб қолган, сизга муздай сув олиб келаман, бир оз кутинг, — деди.

Оғанинг хотини:

— Майли, лекин сиз ўзингиз нега исиб қолган сув ичмоқдасиз? — деб сўради.

Чўпон хотини:

— Хоним, шу онларда эрим далада жазирамада юрибди. Қуёшда қизиган мешчасидаги сувдан ичаётгандир.. Эрим у ерда исиган сувни ичса-ю, мен бу ерда совуқ сув ичсам, хотинлигим қаерда қолди!.. — деб жавоб берди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Эй, Ҳақ йўлчиси! Бу чўпоннинг фаросатли, аҳволни тушунадиган, эр қадрини билувчи хотинидай оқила хотин ер юзида қандай бахтиёр одамга насиб этаркин? Бундай бахт, мол-мулк, бойлик, давлатмандлик, хонлик, беклик-хожалик, ўқиган, мартаба соҳиби бўлиш билан қўлга киритиладиган давлат эмасдир.

Баъзан икки карра иккининг тўртлигини билмайдиган одам илмли, фаросатли, оқила аёлга эр бўлади. Худди ушбу ҳикоядаги чўпон мисоли!..

Севиқли Пайғамбаримиз (с.а.в.) Ҳадиси Шарифларида:

«Дунё бир мато, энг кўп эҳтиёж қондириладиган бир ердир. Дунёнинг энг хайрли заруратидан бири эса солиҳа бир аёлдир», — дейилади.

Бу бир ҳақиқатдирки, дунёда энг катта бахт, энг қадрли борлиқ, ақлли ва фаросатли, хушфёъл, солиҳа бир аёлга соҳиб бўлишдир. Ўқиганингиз шу Ҳадиси Шариф маъноларидан бу ҳақиқатни ўрганасиз.

Инсон мол-мулк топа олади. Қўлидан ҳар нарса келади. Меҳнат қилиб, қўлда қилиб бўлмайдиган нарса йўқ. Аммо эр қадрини биладиган, сўзга қулоқ соладиган, эсли-ҳушли аёл қўл билан ясаб оладиган неъмат эмасдир.

Аллоҳ кимга солиҳа бир хотин берган бўлса, ул одамга, ул қулига барча эзгуликларни, хайрли нарсаларни ўзида мужассам қилган неъматни берганидир.

Агар кимгадир кўнглидаги бир аёлни бермаган экан, у қанчалик бадавлат бўлмасин, қандай мартабага эришмасин ва мақсадига етмасин, бу одам барибир фақир ва заволлидир. Чунки кўнглидаги хоними йўқдир.

### 180 - ҲИКОЯ

#### ЁЛҒОНЧИНИНГ УЙИ ЁНСА-ДА, ҲЕЧ КИМ ИШОНМАЙДИ

Бир вақтда чўпон йигит: «Сурувларимга бўри ташланди, бўри, бўри!» деб ёлғондан додлади. Қўшни чўпонлар тезда тўпландилар, аммо ҳеч қандай бўри йўқ эди. Қўшни чўпонлар:

— Бўри қани, қаерда?! — деб сўрадилар.

Ёлғончи чўпон:

— Ёлғондан бақирдим, сизларни алдадим, — деди.

У яна бир кун: «Бўри, бўри, бўри қўйларимни таламоқда», деб бақирди. Аммо кўшни чўпонлардан бирортаси ёрдамга келмади. «Ёлғончи чўпоннинг ёлғон сўзларидир», деб ўйладилар. Аслида ўша куни чўпоннинг сурувига бўри оралаган эди. Бўри ёлғончи чўпоннинг қўйларини бўғиб еб кетди.

### Изоҳ ва ўғит

Дарҳақиқат, ёлғон «барча ёмонликларнинг бошидир», «Ёлғончининг уйи ёнса ҳам ҳеч ким ишонмайди», деб бекор айтмаганлар.

Эй, Ҳақ Йўлчиси! Динимизда ёлғон сўзлаш қатъиян ман этилган. Мусулмонликда ёлғон сўзлаш энг катта гуноҳдир. Ёлғончи ёлғоннинг зарарини бу дунёда кўргани каби, унинг охиратда бо-радиган ери жаҳаннамдир. Оқил инсон учун ушбу кичик ҳикоядаги ибрат дарси старли, деб ўйлайман.

Ақлли инсонлар энг кичик ҳодисадан ҳам ибрат ола биладилар ва ўзларига бахтли бир келажак ҳозирлайдилар. Ақлли инсон доимо ёлғон сўзлашдан ўзини тияди.

## 181 - ҲИКОЯ

## БОЙЛИКМИ, ОҶИЛА ХОНИММИ?\*

Бир вақтлар Бағдодда юз берган кучли ёнғинда бойнинг ҳамма бойлиги куйиб кул бўлди.

Бутун мол-дунёсининг бирпасда йўқ бўлганига чидамаган одам Бағдод кўчаларида фарёду фиғон чекиб йиғлади. У одам ҳам йиғларди, ҳам уйига қарарди. Бу фалокатни кўриб, унинг қаршисидан бир оқил одам чиқиб дебди:

— Эй дўстим, бу калп-катта одамга йиғлаш нимаси?

Уйи ёнган одам:

— Мен йиғламай ким йиғласин?.. Бир зумда ҳамма молу мулким кул бўлди, кетди! Бир лаҳзада фақир ва қашшоқ бўлдим, — деди.

Кўпни кўрган-кечирган оқил одам:

— Кўп ғам чекма, умр йўлдошинг қандай? Ақлими, эрининг дарди, эрининг кайфиятини, эрининг қадрини биладими? — деб сўради.

Уйи ёнган киши бир зум ўйланиб қолди ва:

— Ҳа, бу жиҳатдан бахтиёрман. Аллоҳга шукр, фаросатли, солиҳа хонимим бор, — деди.

Кўрган-кечирган кишининг хотини, афсуски, кўнглидагидек эмас, бу жиҳатдан бахтсиз эди. У уйи куйган одамга бундай дебди:

— У ҳолда нега йиғлайсан, эй нодон?! Бу дунёда мато учун ҳам кўз ёши тўкадими? Мен шундай бир хотинга уйланганман-ки, ақли калта, эр қадр-қимматига етмайди. Сен фалокатнинг нималигини билмайсан. Сен ақли калта, тили узун, жағи тинмас бир хотинга уйлангин, ўшанда биласан фалокат нималигини! Дўконларинг ёнипти, нима бўпти? Сен соғ бўлсанг, ҳаммасини топасан. Ёнингда кўнглингадигидек хотининг сенга мададкор бўлиб, маънавий қувват бериб турганидан кейин тезда ўзингни ўнглаб оласан.

*Изоҳ ва ўғит*

Юқорида келтирилган бир ҳикоядаги изоҳда ушбу Ҳадиси Шариф бор эди: «Дунё фойдаланиладиган ердир. Дунёнинг энг фойдаланиладиган заруратларидан бири эса солиҳа ва кўнгилга мувофиқ келадиган аёлдир». Кўнгилга хуш келган аёлга уйланган бўлса, дунёнинг барча ишлари тўғри йўлга кирди демак-

дир. Ота-боболаримиз: «Икки кўнгил бир бўлгунча сомондай сарсон бўлур», деганлар.

Демак, турмушдаги баракот умр йўлдошининг қандайлиги-га боғлиқдир.

## 182 - ҲИКОЯ

### АҚЛ ДЕГАНИ МАНА БУНДАЙ БЎЛАДИ

Ҳажжожим солим бир кун ҳамсуҳбатлари билан дала сайрига чиқди. Ҳамсуҳбатлари орқага қайтдилар, Ҳажжож якка ўзи қолди. Шу аснода бир қари одамга йўлиқди. Ҳажжож чол билан бироз баҳс этиб, ҳазиллашишни истади. Ораларида қуйидаги суҳбат бўлди. Ҳажжож чолга:

— Қаерликсан? — деди.

Чол:

— Шу қишлоқдан. Бани Ижил қабиласиданман, — деб айтди.

Ҳажжож:

— Ҳокимлар тўғрисида нима дейсан? — деди.

Чол:

— Аллоҳнинг қаҳри келсин уларга! Ҳаммаси орсиз, солим, — деди.

Ҳажжож:

— Майли, Ҳажжож ҳақида фикринг қандай?! — деб сўради.

— У ҳаммасидан ҳам солим. Ҳажжож ҳаммасига қараганда олчоқроқ. Аллоҳ Ҳажжожнинг ҳам, бошқа солимларнинг ҳам таъзирини берсин, илдизларини қуритсин! — деб жавоб берди.

Ҳажжож:

— Эй чол, биласанми, мен кимман? — деди.

Чол:

— Қаердан биламан?! Бир мартабали зотдирсан, — деб айтди. Ҳажжож:

— Ҳажжож мен бўламан, — деди.

Чол:

— Қурбонинг бўлай, эй ҳукмдорим! Сен ҳам биласанми, мен кимман?! — деди.

Ҳажжож:

— Қаердан билай, сен кимсан?! — деди.

Чол:

— Мен Бани Ижил қабиласининг энг мушхур тентаги — Амр ўгли Зайд деганлари бўламан! Ҳар кун шу соатларда қаттиқ жинилигим тутиб қолади, — деб жавоб берди.

Ҳажжож чолнинг бу жавобидан мамнун бўлди. Бу жавобдан шу қадар хушвақт бўлдики, қаҳ-қаҳ уриб кулди ва ушбу оқил қарияга ҳадялар бериб кўнглини кўтарди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Эй, Ҳақ йўлчиси! Ақл деганлари мана бундай бўлади. Ўз соҳибини энг ҳалокатли пайтларда қутқариб қолади. Ақл дегани ана шундай бўлмоғи керак. Қош қўяман, деб кўз чиқармоқ ақлли одамнинг иши эмас. Ҳажжожнинг қўлидан ана шундай ақл қуроли билан қутулмоқ мумкин. Йўқса, калла кетади.

### 183 - ҲИКОЯ

#### ИНСОН ПОКИЗА БЎЛМОҒИ ЛОЗИМ

«Сиз хотинларнингизнинг покиза кийинишларини севганингиз каби, улар ҳам сизнинг покиза кийинганингизни кўришни истайдилар»

ҲАЗРАТ УМАР

Бир кун Ҳазрат Умар (р.а.)нинг ҳузурига бир хотин келди ва қўли билан кўрсатиб:

— Ё Амирал-мўминин! Бу киши менинг эрим бўладилар. У билан қурган турмушимизни ўйлаб кўрдим. Уч ойдирки, булар билан бирга тотув яшаш учун кўп ҳаракат қилдим. Аммо эримда бунга рағбат кўрмадим. Уч ой давомида бир-биримизни тушуна олмаслигимизга ақлим етди. Биз ажрашамиз, — деди.

Ҳазрат Умар (р.а.) қаршисида индамай турган одамдан сўради:

— Хотинингга нима дейсан, — деди.

У одам:

— Ё Амирал-мўминин! Менинг ҳеч қандай шикоятим йўқ. Мен ажралишни истамайман, — деди.

Ҳазрат Умар аҳволни яхши тушунди. У одамнинг кийиниши яхши эмас, ғалати эди. Ҳазрат Умар у хотинга:

— Ҳозир уйингга кетгин-да, бир оздан кейин келасан. Биз эринг билан озгина суҳбатлашиб оламиз, — деди.

Ҳазрат Умар (р.а.) ул одамни ҳаммомда ювинтириб, уқалаб, тоза кийимлар кийгизишни, чиройли кўринишга келтиришни буюрди. Ул одамни покиза бир ҳолга келтирдилар. Пича вақт ўтгач, хотини келди. Эрини башанг кийимларда, чиройли бўлиб кетганини кўрган аёл беихтиёр қувониб кетди.

Ҳазрат Умар (р.а.):

— Хоним, мана эрингиз. Энди хушчақчақ, суюниб уйингизга боринг, — деди.

Хотин эрининг қўлидан ушлаб, «юринг, кетамиз», деди. Халифа Ҳазрат Умар (р.а.)га раҳмат айтиб уйларига кетдилар.

Мўминларнинг Халифаси Ҳазрат Умар (р.а.) у ерда ҳозир бўлганларга:

— Сизлар оилаларингизнинг (аёлларингизнинг) яхши ва покиза кийиниб, сизни кутиб олишларини севганингиз каби, улар ҳам сизни покиза ва яхши кийинганингиздан завқ оладилар, сизларни ясанган бир ҳолда кўришни истайдилар, — деди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Исломи дини улуғворлик динидир. Шахсият дини, ўзлигини таниганлар динидир.

Аёл аёл каби, хотин кишига муносиб қилиқ ва қиёфада бўлмоғи керак. Аёл ҳам покиза, ҳам аёлга ярашадиган бир кўринишда бўлиши лозим. «Мусулмонман», деган аёл мусулмон аёли каби бўлсин.

Эркак эркак каби, эркакка хос бир кўринишда бўлсин. Эркак эркакка ярашган хулқда ва қиёфада бўлмоғи керак.

Исломи ўлчови, мезони шу. Исломи дини аёллик қиёфасидан айрилган аёллар бўйнига лаънат ҳалқасини осади. Эркакларга нисбатан ҳам шундай, эркак эркак қиёфасидан айрилса, унинг ҳам бўйнига тавқи лаънат осиладир.

Севиқли Пайғамбаримиз (с.а.в.) Ҳадиси Шарифларида буюрганлар:

Уч кимса бордирки, Жаннатга кирмайдилар:

1. Она ва отасига меҳрсиз, итоат этмаган;
2. Дайнос, билиб туриб хотинини ёмон йўлга киргизган;
3. Ўзини эркакка ўхшатган аёл.

Бошқа бир Ҳадиси Шарифда:

«Уч кимса бордирки, Аллоҳ таоло уларга Жаннатни ҳаром қилмишдур. Бу уч кимса Жаннат юзини кўрмайдилар:

1. Давомли ичкилик ичган сархушлар (майхўрлар);
2. Она ва отасига меҳрсизлар;
3. Хотинининг ёмон йўлдалигини билган, сўзлаб юрган ва қабул этган дайюслар», дейилади.

Бу буюк гуноҳкорлар ичида эркакка ўхшамоққа интилган шахсиятсиз, ўзлигини билмаган аёллар ҳам бордирлар.

Яна Ҳадиси Шарифда бундай дейилади:

«Эркакка ўхшаган хотинларга ва хотинга ўхшаган эркакларга Аллоҳ лаънати бўлсин».

Бу ислом мезонидир. «Мусулмонман», деган аёллар аёл хулқли, «мусулмонман», деган эркаклар эркак хулқли бўлишлари зарур.

#### 184 - ҲИКОЯ

### ЙИҒЛАБ КЎЗЛАРИ КЎР БЎЛГАН АҚЛЛИ ҚИЗ

Бир кун бир зот Ҳасан Басрий Ҳазратлари ҳузурларига келиб ёлворди:

— Ҳазратим, Аллоҳ учун бизга ёрдам беринг, — деди.

Ҳазрат Имом Ҳасан Басрий:

— Қандай дардинг бор. Сенга қандай ёрдам қилай? Агар дардингни ва эҳтиёжингни, истагингни айтсанг сенга ёрдам беришим мумкин, — деди.

У одам:

— Ҳазрат! Менинг жуда ақлли бир қизим бор. Энди бўлса, бу ақлли қизимга нимадир бўлди. Кеча-кундуз йиғлайди. Қуръон ўқийди — йиғлайди. Мана энди кўзлари яхши кўрмай қолди. Кўр бўлиб қолмаса, деб қўрқаман. Сиздан ўтиниб сўрайман, бир бо-риб кўриб, қизимга насиҳат қилиб қўйсангиз, — деди.

Ҳасан Басрий Ҳазратлари рози бўлдилар. Ул одамнинг уйига бордилар.

Ҳасан Басрий қизга:

— Қизим, нега йиғлайсан? Йиғлайверсанг кўзларинг кўр бўлиши мумкин. Нега йиғлашингнинг сабабини бизга айтсанг, сенга ёрдам берамиз. Илтимос қилсам сабабини айтасанми? — деди.

Қиз:

— Ҳазрат, мен соғман, ҳеч қандай хасталигим йўқ. Кўзларнинг кўр бўлай дейишига икки сабаб бор:

Бу кўзларимиз Охират оламида Аллоҳ Таолони ё кўради, ё кўрмайди. Агар, Жаноби Ҳақни кўриш неъматига эришса, бунинг учун мингларча кўз уни кўрмоқ учун фидо бўлсин. Агар кўрмаса, у ҳолда Аллоҳ Таоло ўз зотини кўришга лойиқ этмаган кўзларни кўр қилсин. Аллоҳни кўрмайдиган кўзни кўзим бор, деб нима қиламан, — деди.

Ҳасан Басрий Ҳазратлари бу жавобдан жуда ҳаяжонланди, кўзларидан ёшлар оқди ва бундай дедилар:

— Насиҳат қилгани келган эдик. Ўзимиз насихат олдик. Ҳақим бўлиш учун келган эдик, ҳақимимизни топдик.

### *Изоҳ ва ўғит*

Эй, Ҳақ йўлчиси! Буни ҳидоят дейдилар. Хайрли ва солиҳ авлод, деб шундай фарзандларни айтадилар. Ота-онани жаҳаннамдан қутқарувчи авлод мана шу авлоддир. Бу авлод ҳидоят йўлида, дин йўлида, Қуръони Карим йўлида юрувчи авлоддир. Аллоҳ учун ёш тўка оладиган авлоддир. Жаҳаннам юзини кўрмайдиган авлоддир. Севикли Пайғамбаримиз (с.а.в.) Ҳадиси Шарифларида:

«Аллоҳ учун йиғлаган кўзларни жаҳаннам олови ёндирмайди», деганлар. Аллоҳ учун кўз ёш тўка билиш Жаннатга йўлланма олмақликдир. Бу йўл пайғамбарлар йўлидир, авлиёлар йўлидир. Ҳар қандай ўғлон ҳам бундай кўз соҳиби бўлолмайди.

Бир одам Расулulloҳ (с.а.в.)дан сўради:

— Ё Расулulloҳ, жаҳаннамдан қандай сақланса бўлади?

Севикли Пайғамбаримиз (с.а.в.) бундай деб жавоб бердилар:

— Кўз ёшларинг билан сақланасан, чунки Аллоҳга бўлган муҳаббатдан Аллоҳ учун йиғлаган кўзларга жаҳаннам алангаси ҳеч қачон тегмайди.

Ота-боболаримиз: «Ақл ёшда эмас, бошда», деб бежиз айтмаганлар. Ҳақиқатан ҳам шундайдир. Баъзи ёш қизларимиз сочлари оппоқ кекса аёлларга қараганда кўпроқ нарсани тушунадилар. Бундай қизларнинг сўзларида чуқур маъно бўлади. Ҳидоятга эришганларининг нишонаси бор.

Эй, Ҳақ йўлчиси! Инсон бир марта шайтон қули бўлмасин. Тўғри йўлдан кетиш насиби бўлмаган бенасиблар ҳидоят аҳлини ёмонлайдилар.



Эй, Аллоҳ деганлар! Аллоҳ бир қулига имон ва ҳидоят насиб этган бўлса, ундан ортиқ буюк неъмат, ундан ортиқ давлат бўлмайди...

Аллоҳ қулларига ақл, фикр берган. Уларни самарали қўллаш насиб этсин, омин!

### 185 - ҲИКОЯ

#### ЯХШИЛИК ҚИЛГАН ЯХШИЛИК КЎРАДИ

Бир вақтлар кемада денгиз саёҳатига чиққан икки дўст денгизга тушиб кўрдилар. Шу вақт тўлқин кучайиб кетди.

Йўловчилар ҳаммаси бақириб-чақира бошладилар.

Кема дарғаси дарҳол денгизга ўзини ташлаб дўстлардан ёшроғини қутқариб қолди. Бошқасини қутқаришга эса ҳаракат қилмади, иккинчи дўст чўкиб кетди. У ердагиларнинг бир қанчаси дарғага:

— Дарға, агар тезроқ ҳаракат қилганингда иккинчи одамни ҳам қутқарса бўларди. Жуда имилладинг, — дедилар.

Дарға бундай жавоб берди:

— Менга яхшилаб қулоқ солинг. Бу йигитни қутқаришни хоҳлаган эдим, қутқардим. Чунки у менга аввалдан яхшилик қилиб келган. Бошқасининг чўкиб кетишини хоҳлаган эдим, у чўкиб кетди. Чунки унинг кўп ёмонлигини кўрганман. У мени ранжитган, кўнглимни оғритган. Шунинг учун унинг чўкиб кетишини истагандим, — деди.

#### Изоҳ ва ўғит

Экканингни ўрасан, дейдилар. Яхшилик қилган яхшиликка эришади, ёмонлик қилган ёмонликка эришади. Бу дунё шундай, ҳисобли дунёдир.

Ақлли мусулмонлар ўзларига нимани муносиб кўрсалар бошқаларга ҳам шуни раво кўрадилар. Ёмон кўрган ишларини бошқаларга ҳам қилмайдилар. Инсонлик мезони шундай. Инсонман, деган одамга яхшилик қилиш ярашади. Ёмонлик, ярамас ишлардан ўзини сақлаш инсоний қадр-қимматни билишдир.

Бу дунё шундай — қилмишинга яраша экан, у дунё ҳам худди шундай. Заррача яхшилик қилган унинг ширин мевасини тотади. Жаннатда солланиб юради, нашъу намо кўради.

Заррача ёмонлик қилган ҳам унинг жазосини олади, жаҳаннамда чарсиллаб ёнади. Жаҳаннамга ўтин бўлади.

Бу дунёда бировга яхшилик қилмаган одам охиратда ҳам яхшилик кўрмайди.

Ақлли одамлар ҳеч кимга зарар етказмайдилар. Ҳеч кимга нисбатан ёмон ниятда бўлмайдилар. Ҳаммага юмшоқ ва мулойим муомала қиладилар. Яхшилик қилган яхшилик кўришини биладилар. Яхшига ёндашадилар. Яхшилик қилишни яхши кўрадилар.

### 186 - ҲИКОЯ

#### ҚУРБОНЛИК ҚИЛИНИШДАН ҚУТУЛГАН АБДУЛЛОҲ\*

Пайгамбаримиз (с.а.в.)нинг бобоси Абдул-Мутталиб Қурайш қабиласининг энг улуғи эди. Айни вақтда Макканинг раиси бўлиб, ҳамма ҳурмат қиладиган бир зот эди. Абдул-Мутталиб яхшилик, ҳақсеварлик тарафдори бўлиб, ёмонлик ва ҳақсизликни ҳеч хушламас эди.

Жаноби Ҳақ Абдул-Мутталибни яхшиликларга восита этар, хайрли ишларга раҳбар этарди. Шунинг учун Абдул-Мутталибнинг қадри доимо ортиб борарди.

Абдул-Мутталиб ўз вазифасини яхши, адолатли адо этар, ўғрилик қилганнинг қўлини кестирар, шароб ва зинони, Каъбани яланғоч ҳолда тавоф этишни ман этарди. Шундай яхши феъли учун қадр-қиммати ҳам баланд бўлиб, ҳамма унинг сўзларига қулоқ соларди.

Абдул-Мутталиб туш кўрди, тушида унга бир ерни кўрсатиб: — Мана, Замзам қудуғи шу ерда, — дедилар.

Бир вақтлар Исмоил (а.с.), онаси Ҳожар билан отаси Иброҳим (а.с.) тарафидан Маккага кўчириб келтирилганларида у ерда Замзам булоғи чиққан эди. Журхумликларнинг буюк Каъбада қилган ёвузликларини кўриб, Аллоҳнинг азобидан кўрқиб, Маккадан қочган Амр бин Ҳорис тарафидан, Каъбанинг барча хазиналари Замзам қудуғига ташланиб, унинг устига тупроқ солиниб текисланган ва билиб бўлмайдиган ҳолга келтирилган. Ўша замондан бери Замзам йўқ бўлиб кетганди.

Абдул-Мутталиб тушида эшитганига кўра Замзамни очиб аввалги ҳолига келтиришни истади. Аммо Қурайш қабиласининг улуғлари ботил ишончларига таяниб бунга қарши чиқди-

лар. Ҳатто Абдул-Мутталибга «Сен биргина бошинг ва ўғлингга ишониб шу ишни қилмоқчимисан?» деб хафа қилишгача бориб етдилар.

Абдул-Мутталибнинг ўша вақтда биргина ўгли бор эди. Унга ёрдам берадиган, кўмаклашадиган бошқа ҳеч ким йўқ эди. Абдул-Мутталиб кўп сиқилди, у қўлларини очиб:

— Ё Раббий! Менга ўнта йигит бер. Элим бой бўлсин, ёрдамчим кўпайсин. Бу хайрли ишда менга ёрдамчи бўлсинлар. Агар ниятимни амалга ошира олсам (Замзам булоғининг кўзини оча олсам) ўғилларимдан бирини сенинг номингга (сенинг ризолигинг учун) қурбон қиламан, назр қиламан, ё Аллоҳим! Бу ниёзимни (дуюйимни) қабул эт!» — деб Жаноби Ҳаққа ёлворди.

Жаноби Ҳақ Абдул-Мутталибнинг дуосини қабул этди. Абдул-Мутталиб ўндан ортиқ — ўн уч фарзандлик бўлди.

Абдул-Мутталиб ўғиллари ўсиб-улғайганларидан сўнг Замзам булоғини топиб очдилар, тузатдилар. Бу қудуқ ичидан жуда кўп қимматли ашё, олтиндан ясалган кийик ҳайкал(ча)лар, қиличлар, зирҳлар олинди, Каъбанинг эшиги олдига уйиб қўйилди.

Абдул-Мутталиб, Макка аҳолисини шундай муборак сув билан таъмин этди. Шу билан бирга у ҳаж мавсумида Маккага келган зиёратчиларга Замзам сувини тарқатиш вазифасини ўзи бажарарди. Туяларни соғдириб, ҳожиларга сут улашарди.

Абдул-Мутталибнинг бу иши, бу шарафли хизмати уни барча қабилалар назарида янада юксалтирди. Қурайшликлар орасидаги қиммат ва қадр эса янада ортди.

Бир кун Абдул-Мутталибга тушида бир овоз:

— Эй Абдул-Мутталиб! Муродингга етдинг. Истагинг амалга ошди. Ўғилларингдан бирини қурбон қиламан, деб ваъда этган эдинг, ваъдангни бажар, — деди.

Абдул-Мутталиб қўрқув билан уйғонди. Фарзандининг ўрнига бир туя сўйиб қурбонлик қилди. Яна тушида:

— Эй Абдул-Мутталиб! Ваъдангни бажар, ўғилларингдан бирини қурбон қиласан, — деган овозни этишди.

Абдул-Мутталиб барча ўғилларини чақирди, аҳволни уларга тушунтирди:

— Ўн ўғлим бўлса, бирини қурбон қиламан, дегандим. Ҳозир мендан шуни бажаришимни талаб қилинмоқда.

Ўғиллари Ҳазрат Исмоил (а.с.) каби итоаткорлик билан:

— Отажон, биз Сизга итоат қиламиз. Орамиздан истаганингизни танлаб қурбонлик қилинг, — дедилар.

Абдул-Мутталиб ўғилларига:

— Орангиздан қурбон қиладиганимни танлашим учун ҳар бирингиз ўзингизнинг исмингизни битта ўққа ёзиб менга беринг, — деди.

Абдул-Мутталиб ўғилларининг исми ёзилган ҳамма ўқларни бир ерга йиғиб қуръа ташлади. Қуръада Абдуллоҳ исми чиқди. Абдуллоҳ қурбон бўлиши керак эди, чунки қуръа унга тушди. Қурайшларнинг бутун диққати Абдул-Мутталибга қаратилган эди. Уларнинг кўзлари ҳайратдан қотган эди. Абдул-Мутталиб энг севимли кичик ўғли Абдуллоҳни қарбон этиши керак эди. Абдул-Мутталиб ҳеч иккиланмасдан, қатъият билан ўғли Абдуллоҳнинг қўлидан ушлаб қурбонлик қилинадиган ерга олиб борди. Энг севган ўғли Абдуллоҳни ерга ётқизди, пичоқни қўлига олиб сўйишга тайёрланди. Қурайш қабиласининг барча буюклари ҳайратдан нима қилишларини билмадилар ва бундай деб бақирдилар:

— Абдул-Мутталиб! Бундай қилма, ўз фарзандингни сўйма, ўлдирма, бунга бир чора топамиз.

Сўнгра Ҳайбар тарафда қари бир яҳудий борлигини ва унинг бу ишга бир чора топа олиши мумкинлигини айтдилар ва у ерга бордилар.

Кекса яҳудий:

— Сизда бир инсоннинг қони (хуни) учун неча пул берилади, — деб сўради.

Қурайшлар:

— Бизда инсоннинг хуни ўн туядир, — дедилар.

Чол:

— Ҳозир қайтиб бориб, ўнга туяни тайёрланг, — деди. — Туялар билан Абдуллоҳ орасига қуръа ташланг. Қуръа туяларга тушса, туяларни қурбон қилинг, туяларга тушмай йигитга тушса, яна ўн туя кўшинг, токи қуръа туяларга тушгунга қадар шундай давом эттиринг.

Қурайшликлар қайтиб бориб, чолнинг айтганини қилдилар. Қуръа ҳадеб Абдуллоҳга тушаверди. Туяларни ҳар сафар ўнтага орттирдилар. Туялар сони тўқсонга етгунгача қуръа Абдуллоҳга тушаверди. Туялар сони юзга етганда қуръа туяларга тушди. Абдул-Мутталиб қаноат ҳосил қилмоқ учун қуръани уч марта такрорлади. Қуръа ҳар сафар туяларга тушаверди. Дарҳол юз туя қурбон қилинди. Шундан кейин қурайшликлар бир инсоннинг хунини юз туя ҳисобида қабул қилдилар. Шундай қилиб, олам(лар)га раҳмат ўлароқ юборилган Ҳазрат Муҳаммад (с.а.в.)-

нинг нурини ўзида жо қилган ва Унга (с.а.в.) ота бўлмоқ шарафига муяссар бўлган Ҳазрат Абдуллоҳ қурбон бўлишдан қутулди. Айнан бобоси Ҳазрат Исмоил (а.с.)нинг қурбон қилинишидан қутулгани каби, севикли Пайғамбаримиз (с.а.в.) бу буюк ҳодисага ишора этиб: «Ана ибн уз-забиҳайн — Мен икки қурбонлик отанинг ўғлиман», — деганлар.

### 187 - ҲИКОЯ

#### ҲАЗРАТ ИСМОИЛНИНГ ҚУРБОН ҚИЛИНИШИ\*

Қисқача ҳикоя қиладиган бўлсак, Ҳазрат Иброҳим (а.с.)нинг ўғли Исмоил (а.с.)нинг қурбон этилиши шундай бўлган эди.

Ҳазрат Иброҳим Алайҳиссалом фарзанд кўришга жуда ташна эди. Бу ҳасратда бир кун шундай деди:

— Ё Раббий! Менга солиҳ авлод эҳсон қил, бир ўғил бер (Саф-фот сураси, 100-оят).

Жаноби Ҳақ, буюк Пайғамбари Ҳазрат Иброҳим (а.с.)нинг дуосини қабул этди. Жаноби Ҳақ шу суранинг 101-оятида «Биз ҳам Иброҳимга ҳалим бир ўғлининг хушхабарини юбордик», дея Ҳазрат Иброҳим Алайҳиссаломнинг дуосини қабул этганини билдирди. Ҳазрат Иброҳим (а.с.)га бир ўғлон берилди. Ҳазрат Иброҳим (а.с.) Жаноби Ҳаққа дуо қилди. Жаноби Ҳақ ҳам Ҳазрат Иброҳим дуосини қабул этди. Бу дуо ва муножотлардан кейин Ҳазрат Исмоил (а.с.) туғилди. Бир оз ўтганидан сўнг отасига ёрдам бериб, бирга меҳнат қила бошлади. Бир кун Ҳазрат Иброҳим (а.с.) туш кўрди, тушида бир овоз унга:

— Ё Иброҳим! Берган ваъдангнинг устидан чиқ. Ўғлинг Исмоилни Аллоҳ ризоси учун қурбон қил, — деди.

Ҳазрат Иброҳим уйғониб кетди ва тараддудда қолди. Бу овоз, бу туш Аллоҳданми ёки шайтонданми? Яъни «раҳмонийми, шайтонийми», деб шубҳаланди. Бу кунга «Тарвия» номи берилди, бу шак-шубҳа куни демакдир.

Ҳазрат Иброҳим (а.с.) иккинчи куни худди шу тушни кўрди. Яна ўша овоз:

— Ё Иброҳим, ўғлингни қурбон эт, ваъдангни бажар, — деди.

Ҳазрат Иброҳим (а.с.) бу тушнинг Аллоҳдан эканлигига ишонди ва раҳмоний, деди. Бу кунга «Орифа» номи берилди.

Ҳазрат Иброҳим (а.с.) учинчи кун яна ўша овозни эшитди ва Жаноби Ҳақнинг амрини бажармоқ учун ўғли Исмоилни қурбон

этишга тайёрлана бошлади. Бу кунга «Қурбон куни» номи берилди.

Ҳазрат Иброҳим (а.с.) Жаноби Ҳақнинг бу амрини ўғлига билдирди. Қуръони Карим оятида айтилганидек:

— Болам, сени тушимда қурбон этаётганимни кўрдим, — деди.

Унга жавобан Ҳазрат Исмоил (а.с.):

— Отажон, буюрилганидек иш тутинг, мени қурбон этинг. Иншооллоҳ, мени сабр этувчилардан топасиз, — деди.

Ҳазрат Иброҳим (а.с.) ўғлини қурбонлик сўйиладиган жойга олиб борди. Ўғли Исмоил (а.с.) ни ерга ётқизиб, қўллари ва оёқларини боғлаб юзини беркитганидан кейин қиличдан кескир пичоғини 9-10 яшар сеvimли ўғлининг бўғизига солди. Не кўз билан кўрсинки пичоқ кесмади. У ҳаяжондан пичоқни тошга урди, пичоқ тошни бўлиб юборди. Яна пичоғини Исмоилнинг бўғизига солди. Бу сафар пичоқ тескари бўлиб қолди.

Ҳазрат Иброҳим (а.с.) қараса, Жаброил (а.с.) катта кўчқор олиб келиб: «Ўғлинг Исмоилнинг ўрнига бу кўчқорни қурбон қиласан», — деди. Ҳазрат Иброҳим (а.с.) Жаброил (а.с.) келтирган қўйни қурбон қилди ва ўғлининг қурбонликка сўйилишидан қутулди.

Жаноби Ҳақ Саффот (Ва-с-саффот) сурасида бу ҳақиқатни шундай билдиради (Оятлар 100-107-га қадар):

«Ё Раббий! Менга солиҳлардан бир ўғил бер. Биз ҳам дарҳол уни ҳалим бир ўғил ила хушxabарладик. Ўғил у билан йўлга чиққанида Иброҳим (а.с.) «Ўғлим, тушимда сени қурбон қилаётганимни кўрдим. Бу хусусда нима дейсан» деди. Ўғли Исмоил:

— Отажон, буюрилган ишни қилинг! Мени, иншооллоҳ, сабр этувчилардан (бу имтиҳонга бўйсунувчилардан) топасиз, — деди.

Аллоҳнинг амрига бўйсуниб, бўйин эгиб ота ўғлини фидо этишга, ўғил эса жонини қурбон этишга тайёр бўлганида, Худо «Ё Иброҳим, сен тушинга садоқат кўрсатдинг, шубҳасиз, биз яхшиликларга шундай мукофот берамиз. Ҳақиқатдан бу бир ошкора имтиҳондир. Иброҳимнинг ўғлининг ўрнига бир кўчқор юбордик», — деган.

Ҳазрат Иброҳим (а.с.)нинг ўғли Исмоил (а.с.)ни қурбон қилиши ҳақидаги воқеа Қуръони Каримда шундай бир шаклда билдирилгандир.

Жаноби Ҳақ ул улуғ Пайғамбари Иброҳим (а.с.)ни жуда буюк имтиҳонга тобе этди. Ҳазрат Иброҳим (а.с.) бу буюк имтиҳондан ўтишга муваффақ бўлди.

Аллоҳ Таоло Қуръони Каримда «Аллоҳ Таоло Иброҳимни дўст тутди», дегандир.

Демак, севги қанча буюк бўлса, имтиҳон ҳам шунча буюк бўлади. Дўст Аллоҳга яраша бир дўст бўлмоғи керак.

### УШБУ ДЎСТЛИКНИ БИР ОЗ ШАРҲЛАЙМИЗ

Ҳазрат Иброҳим (а.с.) Намруд тарафидан алангага отилди. Аммо гулхан Аллоҳ Таолонинг амри ила Иброҳим (а.с.)ни ёндирмади. Чунки Аллоҳ оловга:

— Эй олов, ёқма, оловлик хусусиятингни сендан оламан. Менинг улуғ Пайғамбарим Иброҳимни ёқма, гулзорга айлан! — деб амр этди.

Гулхан ёқиш, куйдириш сифатини йўқотди. Ҳазрат Иброҳим (а.с.)ни ёндирмади, ёқмади. Қирмизи алангали оташ ранго-ранг гуллар очилган гулзорга айланди.

Ҳазрат Иброҳим (а.с.) динсиз бу мамлакатда — Намрудда турулмасди. Бу динсиз қавм орасида у қола олмасди. Аллоҳ буюрган бир йўл билан Ҳазрат Иброҳим (а.с.) динсиз бу қавмдан айрилиб, Макка тарафига ҳижрат қилди.

Шу пайтларда ёлғизлик ва душманларининг кўплиги учун ҳамда фарзандга бўлган севгининг кучлилигидан Ҳазрат Иброҳим бундай дуо қилди:

— Эй Раббим! Менга солиҳлардан бир ўғил бер, у ўғил менинг ёрдамчим бўлсин. Мени гуноҳлардан қўрсин, Пайғамбарлик вазифасини ўтаётганимда ёрдамчим бўлсин.

Бу ҳасратли дуода яна:

— Агар бир ўғлим бўлса, дилбандимни сенга қурбон қиламан, Ё Раббим! — деб Аллоҳга сўз берди.

Аллоҳ Таоло ул улуғ Пайғамбарининг дуосини қабул этиб, унга юмшоқ феълли, сўзга қулоқ солувчи, солиҳ (яхши ишлар қилувчи)лардан бир ўғил бериши ҳақида хушхабар берди ва Ҳазрат Исмоил (а.с.) туғилди. Ҳазрат Ҳожар волидамиздан Ҳазрат Иброҳим (а.с.)нинг Исмоил исмли ўғли дунёга келди.

Ҳазрат Иброҳим (а.с.) нур дастаси каби ўғли — Исмоилни жуда севарди.

Йиллар тез ўта бошлади. Кўзни очиб-юмгунча бир замон ўтиб кетди...

Ҳазрат Иброҳим (а.с.)нинг ўғли Ҳазрат Исмоил энг суюкли 9-10 ёшларда эди. Отасининг тарбияси ила вояга етган бир ёруғ юзли бола бўлганди.

Ҳазрат Иброҳим (а.с.) сеvimли ва ҳалим (юмшоқ табиатли), салим (соғлом), қулоқ солувчи, хушфеъл Исмоилга боқиб қувонарди.

Ҳазрат Иброҳим (а.с.) бир кун қўрқинчли туш кўрди. Бу тушни Ҳазрат Иброҳим (а.с.) Қурбон Байрами (кейинчалик Байрам қилина бошлаган)дан уч кун олдин кўрган эди. Тушида бир овоз:

— Ё Иброҳим! Энг севган нарсангни қурбон этасан. Ўғлингни қурбон қил, — деди.

Ҳазрат Иброҳим (а.с.) тараддудда қолди, ҳаяжон ила уйғонди. Бу даҳшатли туш нимани билдиради, ўйлади у.

«Бу туш раҳмонийми ёки шайтонийми», деб шубҳалана бошлади. Эртасига яна ўша овоз:

— Ё Иброҳим! Ўғлингни Аллоҳ учун қурбон қил. Ўғлинг Исмоилни сўй, — деди.

Ҳазрат Иброҳим (а.с.) ҳаяжонда уйғонди:

Бу овоз Раббимнинг амридир, — деди.

Ҳазрат Иброҳим (а.с.) учинчи кун яна тушида:

— Ё Иброҳим, ўғлингни қурбон қил, — деган овозни эшитиб бу тушнинг Аллоҳдан келган ҳақиқий рўё эканлигига яна иқрор бўлди.

Бу кунни Қурбон кунини «Йавмун-наҳр» деб атади.

Ҳазрат Иброҳим (а.с.) тонг отиши билан эласи Ҳазрат Ҳожарга:

— Эй, менинг суюкли ўғлимнинг қадрли онаси, Ҳожар! Исмоилни тоза, чиройли ювинтир, покиза кийимларини кийдир, сочларига хушбўй мушк-анбар сур, уни Минога сайр қилгани олиб бораман, — деди.

Ҳазрат Ҳожар бу буюк воқеадан беҳабар. Пайғамбар эрининг буйруғини тўқис бажарди. Ўғлини ясантирди, мушк-анбар суртди, нур дастасидай бола тайёр бўлди.

Ҳазрат Иброҳим (а.с.) пичоғини чархлаб тайёрлади, чилвир ҳам олди. Тўнининг ичига беркитди. Ҳазрат Иброҳим суюкли ўғли Исмоилнинг (а.с.) қўлидан ушлаб Мино деган муборак ерга олиб борди. Муҳтарам ота олдинда, суюкли ўғил эса орқада борардилар.

Ҳазрат Ҳожар волидамиз орқаларидан термулиб қолди, то кўздан ғойиб бўлгунларича ҳайрат ила қараб турди ва ўз-ўзига:

— Ота-бола бир-бирларига қандай ўхшайдилар, қандай чиройли юриб кетмоқдалар, — деб ўйлаб уларнинг орқасидан:



— Соғ-омон тез келинг! Мени хавотир олдирманг, — деди.

Ота-бола йўлда кетишаётганларида Ҳазрат Иброҳим (а.с.) ўғли Исмоил (а.с.)га аҳволни тушунтирди. Аллоҳнинг амрини ўғлига билдирди:

— Болажоним! Мен сени тушимда қурбон этишимни кўрдим. Яхши ўйлаб кўр, сен бу хусусда нима дейсан?— деб сўради.

Ўғли ушбу жавобни берди:

— Отажон! Сизга қандай буюрилган бўлса, ўшандай қилинг! Иншооллоҳ мени сабр этувчилардан топасиз, — деди.

Ҳазрат Иброҳим (а.с.) шундай қилиб ўғлининг фикрини билди.

Шайтони алайҳиллаъна дарҳол ишга тушди. Ҳазрат Иброҳимни бу йўлдан урмоқчи бўлди.

Шайтон бир Ҳазрат Ҳожарга борди, бир Ҳазрат Иброҳимга, бир болага бориб йўлдан адаштирмоқчи бўлди. Улар Аллоҳ амрини бажармасликлари учун қўлидан келган барча ишни қилди. Аммо мақсадига эриша олмади, улар тош отиб шайтонни қувдилар.

Мана ҳозиргача мусулмон ҳожилар тарафидан у тошлар мальҳун шайтонга отилмоқдадир.

Ҳажга борган мусулмонларнинг шайтонга уч карра тош отишлари шу пайтдан бошлаб Ҳазрат Иброҳимнинг суннати бўлиб қолган.

Ҳазрат Иброҳим (а.с.) қурбонлик қилинадиган ерга келгунича кўзларидан тинмай кўз ёшлари оқди.

Ҳазрат Исмоил (а.с.) отасига:

— Отажон, йиғламанг, йиғламанг, — деди. — Ўғил фидо этиш сиздан, жон фидо этиш эса мендан. Бу ишни тез бажаринг. Мени тезроқ қурбон қилинг. Намруд сизни гулханга отганида сиз сабр қилган эдингиз, Аллоҳ сиздан рози бўлди. Мен ҳам Аллоҳ учун қурбон қилинишга рози бўлайин, сабр қилайин-ки, Аллоҳ мендан ҳам рози бўлсин. Эй, отажон! Энди қўлимни, оёғимни яхшилаб чилвир билан боғланг, жон аччиғи бор-ку! Балки сизнинг ишингизни қийинлаштириб қўярман. Кийимининг энгини шимариб, этагимни йиғиштириб қўйинг, токи қоним сачраб булғамасин. Пичоқни яхшилаб уринг, мен жонимни тез берайин, сизнинг ҳам ишингиз қулай бўлсин. Менинг юзимни ерга қаратиб ётқизинг ва юзимга қараманг, токи оталик шафқати ила ишингиз қийинлашмасин. Устимдан қўйлагимни ечиб олиб онамга олиб бориб беринг. Мендан салом айтинг. Эҳтиёт қилинг, йиғ-

ламасинлар. Кўйлагимни ҳидлаб-ҳидлаб менинг бўйимдан тасалли олсинлар ва Аллоҳ Таолонинг амрига сабр қилсинлар. Йигламасинлар.

Ҳазрат Иброҳим (а.с.) ўғлининг бу васиятини эшитиб биринчи дуонинг қабул бўлганига инонди ва бундай деди:

— Эй, менинг севикли ўғлим! Сен қандай ажойиб бир солиҳ ўғлонсан!.. Аллоҳимнинг амрини адо этишда менга ёрдам қилмоқдасан.

Ҳазрат Исмоил (а.с.) отасига:

— Отажон, қаранг, барча малаклар бизга қараб келдилар. Ана уларнинг ҳаммаси сажда қилмоқдалар. Эшитинг, бир нималар демоқдалар, — деди.

— Ё Раббий! Бир Пайғамбаринг сен учун ўғлини қурбон қилиш ниятида қўлида пичоқ ушлаб турибди.

Ҳазрат Иброҳим (а.с.) ўғли Исмоил (а.с.)нинг истаги бўйича унинг қўлларини, оёқларини боғлади. Исмоилнинг юзини ерга қаратиб ётқизди. Қўлида пичоқ билан бундай деди:

— Ё Раббий! Бу менинг жигар пора фарзандим, биринчи ўғлим, кўзимнинг нури, кўнглимнинг суруридир. Ё Раббий! Сенинг ризолигинг учун қурбон қилишимни буюрдинг. Ё Раббий! Ишимни осон қил, сабру бардош бер ва Бисмиллоҳ... — деб кескир пичоғини ўғли Исмоилнинг бўғизига солди! Аммо не кўз билан кўрсинки... Бу нимаси? Пичоқ ҳеч кесмасди.

Бу қиличдан кескир пичоқ оддий бир темир парчаси бўлиб қолди. Исмоилнинг бўйнига ҳеч зарар етказмади, бир чизик тушмади.

Ул нур юзли, маъсум бола отасига:

— Нима қилияпсиз, қаттиқроқ босинг, — деди.

Ҳазрат Иброҳим (а.с.):

— Йўқ, йўқ, ўғлим! Пичоқ кесмаяпти, — деди.

Исмоил (а.с.):

— Отажон! Пичоқни бор кучингиз билан тортингки, кессин, — деди.

Ҳазрат Иброҳим (а.с.) қайтадан бор кучи билан ўткир пичоқни севимли ўғли Исмоилнинг бўғизига тортади. Аммо!..

Бу сафар пичоқ кесмай тескари бўлиб қолди. Ҳазрат Иброҳим (а.с.) пичоқни тошга урди, тош бўлиниб кетди. Этни кесмаган бу пичоқ тошни осонгина ҳеч куч ишлатилмай кесиб ташлади. Шу пайт пичоқдан бир сас келди:

— Ё Иброҳим! Намруд сени гулханга отди. Олов сени нега ёқмади?

Ҳазрат Иброҳим (а.с.):

— Аллоҳ оловга «Ёқма» деб амр этгани учун, — деди.

Пичоқ:

— Ё Иброҳим! Мен ҳам Раббимдан «кесма» деб буйруқ олдим, кесмайман, — деди.

Шундай бир ҳаяжон, ҳайрат ичида Ҳазрат Иброҳим (а.с.) қулогига гуриллаб бир сас келди: «Аллоҳу Акбар! Аллоҳу Акбар!».

Ҳазрат Иброҳим (а.с.) овоз келган томонга қараган эди, не кўз билан кўринки, Ҳазрат Жаброил (а.с.) катта бир қўчқорни қўлида ушлаб учиб келмоқда. Ҳазрат Иброҳим (а.с.):

— Ла илаҳа илаллоҳу-валлоҳу акбар, — деб Жаброил (а.с.)-ни кутиб олди.

Ушбу ҳаяжонли онда нур юзли қурбонлик бола Ҳазрат Исмоил (а.с.) ҳам:

— Аллоҳу Акбар ва лиллоҳил-ҳамд, — деди.

Ҳазрат Жаброил қўчқорни Ҳазрат Иброҳим (а.с.)га узатиб:

— Ё Иброҳим! Бу қўчқор Раббинг ҳадясиدير. Ўғлинг Исмоилнинг ўрнига шуни қурбон қиласан. Раббинг Аллоҳ Таолонинг амри шундай, — деди.

Ҳазрат Иброҳим (а.с.) бу катта қўчқорни қурбон қилди. Бу қўчқор Жаннатда роса қирқ йил боқилган қўчқор эди. Бу қўчқор Ҳазрат Исмоил (а.с.)га бадал бўлгани учун Ҳазрат Иброҳимга юборилган қўчқор эди. Жаноби Ҳақ Ҳазрат Иброҳим (а.с.)ни катта бир имтиҳон қилгани Ояти Каримда билдирилгандир. Ҳазрат Иброҳим (а.с.) бу имтиҳондан шараф билан ўтганлиги ҳам оятларда билдирилгандир.

Эй, Жаннат истаган! Эй, Аллоҳни севаман, мен ҳам мусулмонман деган мўмин қардошим! Имон шундай бўлмоғи керак. Аллоҳ Таоло йўлида фидо бўлишга тайёр имон соҳиби бўла олсанг, Аллоҳдан келган имтиҳонлардан ўта олсан.

Ўйлаб кўр, Аллоҳ Таоло (Ҳазрат Иброҳимга) биз учун ўғлингни қурбон қил, деб амр этди. Ул улуг Пайғамбар амрни адо этди. Биргина ўғлини, севимли ўғлини қурбон қилди. Бошқа фарзанди ҳам йўқ...

Аллоҳ Таоло сенга мингларча қурбонлик қилишинг мумкин бўлган давлат, бойлик берди, сен эса биргина ҳайвон сўйиб қур-

бонлик қилмайсан. Сенга жаҳаннам оташидан бошқа нима ярашади?

Аллоҳ берган неъматларга ташаккур этмаган, ўз ҳолига шуқр қилмаган одам нонкўр одамдир. Нонкўрларнинг ери жаҳаннамдир. Сен Аллоҳ учун бир кичкинагина қурбонлик қилмасанг ҳам Аллоҳ сени Жаннатига қўядими? Асло қўймайди! Эшит, Пайғамбаримиз қандай буюрганлар:

«Имконияти бўлса ҳам қурбонлик қилмаган бизнинг масжидларимизга келмасин».

Масжидларга келмаган одам диндан чиққанидир. Демак, бадавлат бўлса ҳам қурбон ибодатига яқинлашмаган. Аллоҳ учун бир ҳайвонни сўймаслик секин-аста диндан узоқлашишга сабаб бўладики, бунинг охири динсизликка олиб боради. Динсизларнинг борар ери жаҳаннамдир.

Аллоҳ ҳар кимни имонига кўра имтиҳон этади. Аллоҳнинг энг буюк имтиҳонлари Пайғамбарларга бўлади. Кейин имонли мусулмонларга, имонларига нисбатан имтиҳон бўлади. Динсизлар имтиҳон этилмайдилар.

Аллоҳ мўминларни, мусулмонларни янада буюкроқ даражага эришсинлар, деб имтиҳон қилади.

Қаранг, Ҳазрат Иброҳим (а.с.)нинг муборак исми, ул буюк фидокорлиги то қиёматга қадар ёд этилади. Унинг қурбон суннати, шайтонга тош отиш суннати, такбир келтириш суннати сўнгги Пайғамбар Ҳазрат Муҳаммад (с.а.в.)нинг умматига ҳам суннат бўлиб қолди.

Аллоҳ йўлида ҳар қандай нарсасини фидо қила оладиган бир имонга соҳиб бўлиш мумкинлигини бу воқеалардан ўргансак бўлади.

Аллоҳ бизларни ҳам ўз йўлида ҳамма нарсамизни фидо қила оладиганимиз бир имон соҳиби қилсин. Омин!

## 188 - ҲИКОЯ

### КАЪБАНИ БУЗИШНИ ИСТАГАН ДИНСИЗ\*

#### Абраҳанинг бошига тушган кулфатлар

Тарихда «Фил йили» номини олган бу фавқуллодда воқеа араблар ҳаётига жуда катта таъсир ўтказди. Шунинг учун бу воқеага Фил воқеаси, содир бўлиб ўтган йилни эса «Фил йили», «Фил санаси» деб атадилар.

Ақллари даҳшатга соладиган бу воқеа тақвим (календар) боши сифатида қабул этилди. Орадан 14 аср ўтган бўлса ҳам ҳозиргача тарихий асарларда Фил йили эслатиб ўтилади, қайта-

қайта ёзилади. Чунки бу ҳодиса оддий бир ҳодиса эмас. Бу воқеа бутун башариёт учун саодат эшикларининг очилишини кўрсатувчи бир мўъжизадир.

Севиқли Пайғамбаримиз (с.а.в.) маккаликларнинг тақвим боши этиб қабул қилганлари «Фил» санасида, Фил воқеасидан 50-55 кун кейин дунёга келдилар.

Фил воқеаси бу хайрли таваллуднинг бир хабарчиси, келажакда буюк воқеалар бўлишининг бир муждачиси, хуш хабарчиси дирки, дунё дунё бўлганидан бери бундай воқеани кўрмади. Бу воқеани ёдингизда тутинг, ҳеч унутманг, деб таъкидланади. Ҳазрат Муҳаммад (с.а.в.)га нозил бўлинадиган Қуръони Каримда бу воқеа мустақил бир сура (Фил сураси) ила англатилади.

Ҳабашистоннинг Яман қироли Абраҳа Яманнинг Сана шаҳрида катта бир Калисо — черков қурдирди.

Абраҳа Каъбанинг маънавий ҳашамати олдида кўп эзиларди. Араб қабилаларининг Ҳаж мавсумида Маккадаги Каъбага дарёдай оқиб зиёратга келишларини кўра олмай Каъбани бузиш савдосига тушди. Барча қабилалар селдай оқиб келувчи Каъба Яманнинг имонсиз қироли кўзида чидаб бўлмас бир маскан эди.

Абраҳа Араб қабилаларини Санода ўзи қурдирган тантанавор, ҳашаматли Калисони — черковни зиёрат қилишга даъват қилиб, одам юборди. Аммо ҳеч ким бунга аҳамият бермади, бунинг устига Калисонинг барча деворларига ифлос нарсалар суриб кетилди. Абраҳа бундан қаттиқ хафа бўлди, ғазабланди. Қанча бойлик сарфлаб қурдирган Калисога ҳеч ким кирмади, яна бундай ноҳўя ҳаракатлар қилинди.

Абраҳа Калисони оқ, қирмизи, сариқ ва сиёҳ (қора) рангли мармарлардан қурдирганди. Олтин ва кумушдан зийнат бериб, эшикларига олтин лавҳалар ёпиштирган (қоплатган) эди. Олтин миҳлар қоқилгач, устига жавоҳирлар қадатган, эшигини катта бир қирмизи ёқут билан музайян қилганди. Калисо ичига уд ёғочларини ёқдирди. Аммо ҳеч ким бу Калисога зиёратга келмади. Яманлик Абраҳанинг барча сазй-ҳаракатлари, сарфлари, меҳнати бекор кетди.

Абраҳа Каъбани бузишга қарор қилди. Каъбани бутунлай бузиб ташлаш учун қирқ минг кишилиқ қўшин билан йўлга чиқди. Ҳар сафар урушга борганида минадиган Маҳмуд исмли филига ўтириб қўшин олдига тушди. Абраҳанинг қўшинида минг-

ларча фил бор эди, унинг қўшини филлар билан қувватлантирилганди. Унга қарши тура оладиган бирон куч йўқ эди.

Абраҳа қўшини Тоифга келиб қароргоҳ қурди. Маккага бир суворий бўлинмасини шароитни ўрганиш учун юборди.

Бу бўлинма одамлари қурайшларнинг молларини тўплаб Абраҳага олиб келди. Буларнинг ичида Пайғамбаримизнинг бобоси Абдул-Мутталибнинг 200 туяси ҳам бор эди.

Баъзи Араб қабилалари жанг қилмоқчи бўлиб тайёрландилар, аммо филлари бўлган қўшинга қарши курашга кучлари етмаслигини тушуниб, бу ниятларидан воз кечдилар.

Абраҳа Маккага бир элчи юбориб, Макканинг раиси (раҳбари) кимлигини билиб ҳарб (уруш)га даъват этишни ва агар қарши чиқмасалар Каъбани бузиб ташлашини айтишни буюрди.

Элчи Абдул-Мутталибни топиб ўз қўмондонидан олиб келган хабарни айтиб берди.

Абдул-Мутталиб: «Биз Абраҳа билан урушиш ниятида эмасмиз. Зотан бунга кучимиз ҳам етмайди. Каъба Аллоҳнинг дахлсиз уйидир. Агар Абраҳага Байтуллоҳни ман этилса, Аллоҳ ман этади. Чунки Каъба унинг уйидир. Аллоҳга ибодат қилинадурган уйдур. Аллоҳ дахлсиз этиб қўйган уйини ҳеч ким буза олмайди. У ерни ўзи қўриқлайди», деди

Элчи: «Абраҳанинг олдига иккаламиз бирга борамиз, сени олиб келишимни буюрди», деди. Улар бирга кетдилар. Баланд бўйли, паҳлавон, қадди-қомати келишган, хушрўй, ғайратли Абдул-Мутталиб тўппа-тўғри Абраҳанинг ҳузурига борди.

Абраҳа Абдул-Мутталибни кўрибоқ дарҳол ўрнидан туриб, иззат-икром билан кутиб олди. Абдул-Мутталибни ўз тахтига ўтқазмоқчи бўлди, лекин ўзи кичкина кўриниб қолишдан ва ҳабашлар нотўғри тушунишидан кўрқиб, тахтидан тушди-да пар тўшакка ўтириб, Абдул-Мутталибни ҳам ўтиришга таклиф қилди. Нега келганлигини сўради. Абдул-Мутталиб:

— 200 туямни ва маккаликларнинг тортиб олинган молларини қайтариб олиш учун келдим, — деди.

Абраҳа истеҳзо билан Абдул-Мутталибга:

— Мен сени биринчи кўрганимда кўзимга жуда буюк кўринган эдинг. Аммо бу хоҳишинг билан тушдинг!.. Мен сенинг дининг ва оталаринг дини тимсоли бўлмиш Каъбани бузиш учун келдим. Сен уни ташлаб, 200 туянгни истамоқдасан! — деди.

Абдул-Мутталиб салобат ила жавоб берди:

— Мен туяларнинг эгасиман, шунинг учун туяларимни истамоқдаман. Каъбанинг соҳиби Аллоҳдир. Уни У қўриқлайди. — деди.

Абраҳа туяларни ва талон-тарож билан олинган молларни қайтариб берди. Аммо Каъбани ер билан яксон қилишини ҳам айтди.

Абдул-Мутталиб туяларини олиб Маккага қайтди. Бу ишларни Қурайш қабиласига тушунтирди. Барча маккаликларнинг тоққа чекинишларини буюрди. Макка аҳолиси қўркув ила тоғларга қочдилар.

Абдул-Мутталиб қурайшликлардан баъзиларини олиб Каъбага борди. Каъбанинг ёпинчигига ёпишиб:

— Аллоҳим, бу сенинг уйингдир. Сенга ибодат қилинадурган бир уйдир. Буни қуришга бизнинг кучимиз етмайди. Мудофаасидан ҳам ожизмиз. Байти Шарифингни ўзинг муҳофаза қил. Золимларга фурсат берма. Бу шарафли уйингни қўриқла!.. — деб дуо қилди.

Абдул-Мутталиб ва у билан бирга келганлар Аллоҳга ёлвориб дуо қилганларидан сўнг тоққа қараб кетдилар. Бутун Макка халқи тоққа чекинди, шаҳарда ҳеч ким қолмади.

Энди ҳайрат ва даҳшат ила нима бўлишини кутардилар. Тонг отиши билан Абраҳа Маккага кириш тараддуида кўшинни саф торттирди, сўнг ўзи Маҳмуд номли баҳайбат — девдек филига миниб кўшин олдида Маккага қараб юрди.

Абраҳа Каъбани бузиб, вайрон қилиб, ер билан яксон этиб, сўнг мамлакати Яманга қайтиб кетиш орзусида эди.

Абраҳа аскарлари Маккага яқинлашар экан, кўшин олдидаги фил бирдан ерга чўкиб ўтириб олди. Филни тортиб турғизмоқчи бўлдилар. Фил турмади. Темир таёқчалар билан филнинг бошига урдилар, турмади. Учи ўткирланган ёғочни бурнига тиқиб уни қонга беладилар, турмади. Турғизамиз деб филнинг бошини ўнг-чап томонга тортиб кўрдилар, турмади. Филнинг боши Яман томонга бурилган эди, у ўрnidан туриб Яман тарафга қараб юра бошлади. Сўнг унинг бошини Маккага қараб бурган эдилар, фил яна ётиб олди. Филнинг бошини Маккага тескари қаратсалар юрди, Макка тарафга бурсалар ётиб олаверди.

Абраҳа фил билан олишиб, уриб, судраб юргизишга интилаётганида осмон бирданига кичкина-кичкина қушларга тўлиб кетди.

Аллоҳ Таоло Байти Шарифини, Каъбаи Музамасини қўриқларди. Энг кичик жуссали қўшинини тажҳиз этиб — қуроллантириб Абраҳанинг филли қўшинига қарши юборди. Бу қўшин аборбил қушлари эди.

Аборбил қушларидан иборат илоҳий қўшин Аллоҳга уруш эълон қилган золим Абраҳанинг қўшинини ҳалок этиб, яксон қилиши керак эди. Шундай бўлди ҳам! Қушлар тошлар ота бошладилар. Ҳар бир қушнинг икки оёғида, тумшугида нўхатдан кичикроқ, ясиқдан каттароқ уч дона тоши бор. Ҳар бир қуш учта тошни бирданига отар эди ва уларнинг ҳеч бири бекор кетмасди. Бу тошлар теккан аскарнинг вужуди илма-тешик бўлиб кетарди.

Қисқа вақт ичида филлар билан қувватланган аскарларнинг қуруқ суяклари қолди, ҳаммаси ҳалок бўлди.

Абраҳа ҳам ярадор бўлди. Вужуди бармоқ учидай, бармоқ учидай гўшт бўлиб тўкилди, қон, йиринг оқди. У ҳам ҳалок бўлди. Фақат битта фил соппа-соғ қолди.

Бу воқеадан кейин, бул мудҳиш жангдан сўнг Жаноби Ҳақ ёмғир ёғдирди. Ҳабашликларнинг имонсиз жасадлари қолдиқларини оқизиб, денгизга тўқди. Бу селдан ҳаммаёқ ювилиб покланди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Бу воқеа қисқа ҳолда берилган эди. Бу ерда муфассалроқ келтиришни кўнглим хоҳлади. Шул сабабдан кенгроқ шаклда баён этдим.

Жаноби Ҳақ «Фил» сурасида шундай буюргандир: «Эй Расулим! Каъбани бузишни истаган Фил соҳибларини Роббинг нима қилганини кўрмадингми? Раббинг уларнинг ёвуз ниятларини пуч қилмадими? Уларга гала-гала қушлар юборди. Ул қушлар тошлар отардилар. Раббинг уларни (Фил қўшинини) сомон чўпидай қилиб ташлади».

«Фил» сураси бул буюк воқеадан хабар беради.

Севикли Пайғамбаримиз (с.а.в.) пайғамбарлигини эълон қилган пайтда бутун Қурайш кофирлари Пайғамбаримизга душман бўлиб қолдилар. Улар Қуръонга ишонмас эдилар. Пайғамбаримиз (с.а.в.) бу воқеаларни бир-бир ўқиб берардилар. Пайғамбаримиз (с.а.в.) Фил воқеаларидан 50-55 кун кейин туғилганлар. Фил воқеасини қаердан билар эдилар? Бу воқеаларни кўрган маккаликлар ҳали бор эдилар. Бунинг устига, Муҳаммад (с.а.в.)



Аллоҳнинг Пайғамбари эдилар. Маккаликлар инонмоқлари керак эди. Чунки Аллоҳ Таоло Маккани ва маккаликларни Филли қўшин тажовузидан сақлаганди. Бу ҳам Муҳаммад (с.а.в.) юз хотирлари, ҳурматларидан эди.

Қуръони Карим бул ҳақиқатларни эслатарди. Маккаликлар ақлларини тўплаб, эс-ҳушларини йиғиб Ҳазрат Муҳаммад (с.а.в.)га ёрдам бермоқлари зарур эди.

Аммо маккалик мушриклар бул нозик жиҳатларни тушунмадилар. Ҳазрат Муҳаммад (с.а.в.)га ва Унга имон келтирган мусулмонларга қаттиқ тазйиқ қилдилар. Маккадан ҳайдаб чиқаришгача бориб етдилар.

Тарих такрордан иборат дейдилар. Ул замоннинг динсиз Аб-раҳаси Каъбани бузишга келган ва ҳалок бўлган. Золим — золимдур. Динсиз — динсиздур. Ул замон динсизлари қандай феъл-атворли бўлсалар, бугунги куннинг динсизлари ҳам шундай феъл-атворлидурлар.

### 189 - ҲИКОЯ

#### СОЛИҲА АЁЛ

Уламодан (олимлардан) бир зот ёш ва гўзал бир аёлни имтиҳон этиш учун бундай деди:

— Сендай гўзал бир аёлнинг шундай хунук эри бўлиши яхши эмас.

Эри хунук, кир юрадиган, нохуш одам бўлган бу гўзал хотин ул олимга ушбу гўзал жавобни берди:

— Эй Ҳаким! Сиз кўп янглиш сўзладингиз. Гапингиз тўғри эмас. Бундай сўзларни сиздай олим одамдан эшитиб кўп ранжидим. Чунки эримнинг Аллоҳ Таоло олдида бир савоби борлигидан бўлса керак, мени ул савобга нисбатан бир мукофот ўлароқ насиб этгандир. Балки мен бирор гуноҳ иш қилган бўлишим мумкин. Ҳақ Таоло бу гуноҳимнинг жазоси сифатида мени унга бергандур. Жаноби Ҳақнинг берган тақдирига рози бўлиш керак.

Ул олим гўзал аёлга:

— Болажоним, мен сени диндор ва ақлли бир аёл эканлигингни сезган эдим, шунинг учун имтиҳон қилиб кўрай, дегандим. Қизим, аёлларда Жаннатга кириш учун энг буюк нишон (аломат) эрларининг ёмон феълларига сабр қилмоқдир. Бу сабр уларни Жаннатга олиб боради. Жаннатий солиҳа аёлнинг нишони ва

аломати эрига итоат этмоғи, эрининг хотирини хуш тутиши, эри йўқлигида хайр-дуо этмоғи ва эрининг мол-мулкини сақлаб, эҳтиёт қилмоғи каби хусусиятлардан иборатдир. Менинг бу айтганларим солиҳа аёлнинг Жаннатга кириши учун бир нишондир, — деб насиҳат қилди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Эй, Ҳақ йўлчиси! Кўрдингми! Ҳаётда энг тўғри йўл Аллоҳ йўли, Пайғамбар йўли, дин йўлидир. Аллоҳ ҳар бир қулининг вазифа ва масъулиятини белгилаб қўйгандир. Яхшилик аломатлари бордир. Булар Жаннатий бўлганлар аломатларидир. Ёмонлик аломатлари ҳам бор, булар жаҳаннамий аломатларидир. Жаннатийлар Аллоҳнинг айтганини қиладилар. Жаҳаннамийлар эса Аллоҳ амрларини адо этмайдилар. Эр қадрини билмайдилар.

Солиҳа аёлларнинг бир аломати эса ўзига ҳаром бўлган ўзга, бегона эркакларнинг этагини тутмасликдир. Яъни эркаклар ила учрашмасликдир.

Севиқли Пайғамбаримиз Ҳадиси Шарифларида: «Кимки бегона аёлнинг қўлини ўз қўлига олса (яъни бегона аёл билан кўришса), у кимса қиёмат кунинда қўлига бир чўғ (оташ) қўядур», деганлар.

### *190 - ҲИКОЯ*

#### **ОТАНИНГ БУРЧИ**

Ҳазрат Умар (р.а.) мўминларнинг Халифаси бўлган даврлар. Мусулмонлар роҳат ва ҳузур ичида ҳаёт кечирардилар. Ҳазрат Умар (р.а.) бир кун яқинлари ила суҳбат қуриб ўтирган эдилар.

Шу вақт бир одам ўғли билан бирга Халифа суҳбат қураётган хонага кириб келди. Ул одамнинг кўринишидан ташвишли эканлиги кўриниб турарди, у ўғлига жаҳл билан қарашидан ўғлидан хафалиги ҳам сезилар эди.

Ул одам Халифа Ҳазрат Умар (р.а.) га келиб:

— Ё Амирал-мўъминин! Кўриб турганингиз, бу ёш йигит менинг ўғлим. У менинг сўзларимга қулоқ солмайди. Мен жафокаш бир одамман, — деди.

Бу шикоятни эшитиб Ҳазрат Умар (р.а.) ул одамнинг ўғлига:

— Э, йигит! Сен Аллоҳдан кўрқмайсанми? Фарзанд ота-онага ҳам қарши чиқадими? Отангнинг сенда ҳақлари бор, уларни қандай узасан? — деди.

Йигит бундай жавоб берди?

— Ниҳоятда тўғри сўзладингиз, ё Амирал-мўъминин! Бу сўзларингизнинг ҳаммаси отанинг ўғлига бўлган ҳақларидир. Аммо фарзанднинг ота-онада ҳаққи йўқми?

Йигитнинг бу жавоби, ҳаққоний сўзлари Ҳазрат Умар (р.а.)-ни гаъсирлантирди, у:

— Табиий, ҳаққи бор. Фарзанднинг ота-онасида ушбу ҳақлари бор:

1. Уйланиш вақти келганда фарзандни уйлантириш. Яъни ақлли, ифбатли, номусли қизга уйлантириш. Бунинг акси бўлса, фарзандга ёмонлик қилган бўлади. Чунки ота-онанинг ёмон феъли болага ҳам ўтади. Шунинг учун номус аҳлидан бирини топиш ота-она бурчидир.

2. Фарзанд туғилгач, унга яхши исм қўйиш.

3. Боланинг ақли етганича унга динни, Қуръонни ўргатиш, — деди.

Ҳазрат Умар (р.а.)нинг бу тушунтиришини эшитгач, йигит бундай деди:

— Шундай, Амирал-мўъминин! Бу айтганларингиздан ҳеч бирини отам адо этмаган. Бу бурчларини бажармаган! 1. Онам бўлмиш аёлни асирлар (қул) бозоридан 400 дирҳам пулга сотиб олган. Онам бўлмиш аёлнинг қандайлигини билмаган. 2. Айтганингиздай менга муносиб бир исм қўймаган. Менга қора қўнғиз маъносини берувчи «Жуал» исмини берган. 3. Диним ва Аллоҳ Китобидан бир калима ҳам ўргатмаган.

Бу жавобни диққат билан тинглаб Ҳазрат Умар (р.а.) бундай буюрди:

— Эй, отаман деган одам! Сен: «Ўғлим менга исён қилади, қулоқ солмайди, менга азоб беради», дейсан. Аслида сен унга исён этгансан, сен ўғлингга ёмонликларни раво кўрибсан, сен унга жафо қилибсан. Хатони сен қилгансан. Энди мен сенга нима дейишим мумкин, қандай ёрдам бераман. Бошга тушганни кўз кўради. Сен ўзингга ўзинг ёмонлик қилгансан, — деди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Эй, Ҳақ йўлчиси! Бу қандай гўзал ҳикоя. Демак, ўғлининг онасини танлаб олмаган ота, ўғлидан истаган ва лозим кўрган яхшиликни кўра олмайди. Кўришга ҳаққи ҳам йўқ. Ўғлидан меҳр кўришни истаган ота, аввал, (туғиладиган) ўғлининг онасини олар экан, яхшилаб билиб, сўнг олиши керак бўлади. Ифбат хазинаси бўлган аёлни (онани) олса, ўғил ҳам отага меҳр кўргизади ва итоат қилади.

Меҳр кўргизишни кутадиған бўлса, ўғилнинг онаси (аёл) яхшилаб синалған бўлиши зарур. Асли, насли, ота-онаси, зоти суриштирилади. Дини, имони, феъли, ахлоқи яхшилаб суриштирилади. Шундай синовдан сўнг олинған аёл туққан ўғил ота қадрини билади, отага ҳурмат кўрсатади, меҳр қўяди.

### 191 - ҲИКОЯ

#### АМАЛЛАРНИНГ ЭНГ СЕВИМЛИСИ АЛЛОҲ УЧУН СЕВМОҚДИР

Бир кимсани севганда, уни фақат Аллоҳ учун севган кимса имоннинг тотини биладур  
ҲАДИСИ ШАРИФ

Жаноби Ҳақ Ҳазрат Мусо (а.с.)га ушбуни билдирди:

— Ё Мусо! Мен учун ҳеч бир амалинг борми? Мен учун бир амал, бир фойдали, арзигудек ишинг борми?

Ҳазрат Мусо (а.с.) бундай деди:

— Ё Раббий! Сен учун намоз ўқидим ва намоз ўқийман. Рўза тутдим ва рўза тутаман. Садақа бердим ва садақа бераман. Зикр қилдим ва зикр қиламан.

Жаноби Ҳақ Ҳазрат Мусо (а.с.)га ваҳий юборди:

— Ё Мусо! Менинг розилигим учун бир дўст севмадингми? Мен учун ҳеч бир мўмин қардошингни севмадингми? Муҳаббат туймадингми, меҳр қўймадингми?

Ҳазрат Мусо (а.с.) Жаноби Ҳақнинг бу ваҳийсидан билдики, амалларнинг энг севиклиси Аллоҳ учун севмоқ ва Аллоҳ учун севмасликдир (нафратланмоқдир).

#### *Изоҳ ва ўғит*

Эй, Ҳақ йўлчиси! Бир мусулмон ўзи севадиган қардошларини Аллоҳ учун севадир. Мўмин ва мусулмон бўлганлари учун севдилар. Севмасалар Аллоҳ учун севмадилар. Буни Исломда Аллоҳ учун нафратланмоқ дейилади ва динимизнинг энг севимли амалларидандир. Бу Аллоҳимизнинг севган ишларидан биридир. Ҳақиқий мусулмонлар Аллоҳ учун севмоқ ва Аллоҳ учун нафратланмоқ йўлига киришга интиладилар.

## 192 - ҲИКОЯ

## ТУШИДА ҲАЗРАТ ЮСУФНИ КЎРГАН ЙИГИТ\*

## Аллоҳ тарафидан номусга берилган мукофот

Буюк зотлардан ҳикоя қилиб айтадиларки, бир ёш йигит қайси мажлисга кирса, ўша мажлис ажиб хушбўй, чиройли бўлар экан. Бу йигитнинг вужудидан ажиб бир муаттар ис анқиб тураркан. Ҳамма бу муаттар иснинг роҳатбахшлигини айтиб юраркан.

Бир кун дўстларидан баъзилари бу йигитдан: «Бундай ажиб хушбўйни қаердан олсан?» деб сўрадилар.

Ул йигит:

— Бу муаттар ҳид менга Аллоҳ Таоло тарафидан берилган бир лутфдир, Аллоҳ Таолонинг мукофотидир, — деб жавоб берди ва бундай деб давом этди: — Бир хотин менга тузоқ қурди. Ҳийла билан у мени уйига чақирди. Сўнгра мени нафсига даъват этди. Кўп илтижолар қилдим. Мени қўйиб юбор, мен Аллоҳдан қўрқаман, сен истаган ёмонликни қилолмайман, дедим. Аммо аёл қабул этмади. Унинг қўлидан қутулмоқ учун чоралар истадим. Ниҳоят, ақлимга бир фикр келди, бутун танамга ифлос суртдим. Ҳамма ёғимга суртилган нажосатлар шундай бадбўй ҳид таратдики, аёл мендан нари қочди. Жинни, деб ҳайдади. Мен ҳам гуноҳдан қутулиб уйимга кетдим. Шу кундан бери мендан шундай муаттар ис кела бошлади. Бу менга Аллоҳ Таолонинг бир лутфидир.

*Изоҳ ва ўғит*

Эй, Жаннат истаган мўмин! Кўраялсанми, Аллоҳнинг лутфига эришмоқ осон эмас, Аллоҳдан қўрқиш, Аллоҳга муҳаббат шундай бўлади. Энг таҳликали вақтларда покизаликни сақлайди. Аллоҳдан қўрққан ҳеч вақт гуноҳ иш қилмайди. Гуноҳ бўлган жойларга бориш тугул, ҳатто бошқалар тузоқ қўйсалар ҳам ўзларини гуноҳдан сақлайдилар. Аллоҳни севаман, деганлар ўзларини сақлайдилар. Қўрқиб, ўз манфаатларида улар гуноҳдан сақланадилар. Бундай кимсалар Жаннатга киражақлар. Бу дунёда эса ушбу ҳикоядаги йигит каби Аллоҳнинг неъматларига эришадилар.

Бу ҳикоядаги муаттар исми йигит бир кун тушида Ҳазрат Юсуф (а.с.)ни кўрди. Ва севинчдан бундай деди:

— Эй, Аллоҳнинг Пайғамбари! Сен қандай бахтиёрсан! Аллоҳ Таоло сени Миср азизининг хотини Зулайхонинг ҳийласидан (тузоғидан) қутқарди.

Ҳазрат Юсуф (а.с.) бу муаттар ис анқиб турган йигитга:

— Эй, иффат соҳиби бўлган йигит! Мен ҳам сени табриклайман, сенга бахт ёр бўлганидан Аллоҳ Таоло сени ҳам бу хотининг ҳийласидан қутқарди, — деб жавоб берди.

Эй, Жаннат йўлчиси бўлмиш қардош! Аллоҳ Таоло ҳузурида номуснинг бениҳоя буюк қадрни бордир. Номусини сақлай олмаган Жаннат бўйидан бебаҳра қолади. Номус қадрини билмаган Жаннат юзини кўрмайди.

Номусли бўлиш Пайғамбарларнинг йўлидир. Номусини сақлаган ҳар бир одам хоҳ аёл бўлсин, хоҳ эркак бўлсин, Аллоҳ Пайғамбарларнинг ахлоқларидан ўрнак олган демақдир. Номусини муҳофаза қилган Жаннатда, арши аълонинг тўрида, Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ёнида, шафоати соясида бўладир.

Номусизлар, яъни номусининг қадрини билмаган, номусини йўқотганлар, номусларини сақлай олмаганлар жаҳаннамда ёнадилар.

### 193 - ҲИКОЯ

#### МАҲКАМАДА ХОТИНИНИНГ ЮЗИНИ ОЧИШНИ ИСТАМАГАН ОДАМ

Бир вақтлар, уйланган бир одам, ойлар ўтди, йиллар ўтди, хотинининг маҳрини бермади, шу бурчини адо эта олмади.

Бир кун хотини билан келиша олмай қолдилар. Хотини ўша замон маҳкамасига шикоят қилиб қозининг ҳузурига борди ва эридан маҳрини талаб қилди. Аёл юзида чиммат (парда) бор эди.

Қози ул аёлга:

— Икки шоҳид лозим, — деди.

Аёл:

— Шоҳидларим бор, улар шу ердалар, — деди.

Қози:

— Жуда яхши, юзингизни очинг, сўнг ҳукм чиқараман, — деди.

Шу ерда бўлган эри дарҳол ўрнидан туриб:

— Бунга (яъни юзини очишга) ҳожат йўқ. Мен завжамнинг (ойлам, хотинимнинг) маҳрини беришга сўз бераман, оз-оздан бўлса ҳам бераман, — деди.

Қози:

— Яхши, лекин шу кунгача нега бермаган эдинг, — деб ҳайрон бўлди.

Ул одам:

— Билмадим, қози жаноблари. Лекин сиз ҳозир аёлимнинг юзини очишини буюргангингизда ақлимни йиғиб олдим. Шу пайтгача хотиним — бекамнинг юзини мендан бошқа ҳеч кимса кўрмаган. Энди ҳам кўрмайди, — деди.

Аёл эрининг бу муомаласидан жуда мамнун бўлди ва:

— Эй, Қози жаноблари, шоҳидлар олдида Сизга ушбун айтмоқчиман. Мен ҳам эримдаги маҳр ҳаққимдан воз кечдим. Уни тасдиқлашингизни сўрайман, Мен ҳаққимни ҳалол этдим, — деди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Эй, Ҳақ йўлчиси! Тушундингми? Аллоҳ йўлининг йўлчилари аёлларининг қадрини қандай биладилар! Мана шундайларни мен мусулмон дейман. Мана шуларни мен инсон дейман. Аёлнинг буюклигини, аёл қадрининг баландлигини ҳақиқий мусулмон бўлганларгина биладилар.

### *194 - ҲИКОЯ*

#### **ҲАЗРАТ УМАРНИ ЙИҒЛАТГАН БОЛА**

Ҳазрат Умар (р.а.)нинг муборақ одатларидан бири эрта саҳарда масжидга бориш эди. Ҳазрат Умар (р.а.) масжидга азон айтилмасдан олдин борар ва намоз вақтини Жомеда кутар эди. Бир кун тонг отмай туриб масжидга борар экан, бир болани шошилиб масжидга кетаётганини кўрди. Бола Ҳазрат Умар (р.а.)нинг назари олийларига тушди.

Ҳазрат Умар (р.а.) боланинг бундай шошилиб кетаётганини кўриб, унга:

— Болажоним, нега шошилиб кетаётибсан? Қаерга югуриб боряпсан? — деди.

— Намозга кетмоқдаман, ҳазрат. Намоз вақти яқинлашди. Менинг эса таҳоратим йўқ, таҳорат олишим керак. Азон ўқилмасдан олдин таҳорат олиб, намоз вақтини кутаман. Шунинг учун югуриб кетяпман, — деди.

Ҳазрат Умар (р.а.) болага:

— Болам, сен жуда ёш кўринасан, сенга намоз ҳали фарз эмас, — деди.

Бола:

— Ҳазрат, бу иш учун катта-кичиклик бўладими? Кеча маҳалламизда ёш бир бола вафот этди. У мендан анча ёш эди. Демак, бу иш учун катта-кичик бўлмайди, — деди.

Ҳазрат Умар (р.а.) боланинг бу сўзларидан жуда тўлқинланиб кетди. Шундай мутаассир бўлдики, шундай қувондики, муборак кўзларидан инжу доналаридек ёшлар оқа бошлади:

— Ё Раббий! Бу бола қандай ажойиб, қандай ақлли. Бу гўзал сўзлар улуғларнинг оғзидан чиқадиган сўзлардир, — деб шундай йиғладики, муборак хирқаси ҳўл бўлиб кетди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Эй, Ҳақ йўлчиси! Бу кичик ҳикояда қандай ўғитлар бор. Агар инсон тушуна билса, бу жажжи ҳикоячада умрининг саодат сарчашмасини топа олади. Ота-боболаримиз «Ақл ёшда эмас, бошда», деганлар.

Ўзига намоз фарз бўлмаган гўдак ўзларига фарз бўлганларга қараганда ҳушёрроқ эканлиги, ақлининг баркамоллигидандир.

Ўзларига намоз албатта фарз бўлган ёши улуғ бўлиб қолган қанчалаб мусулмонлар борки, намоздан беҳабарлар. Ҳолбуки, бу кимсалар намозларини ҳеч қолдирмасликлари керак. Бугун намоз ўқийман, эртага намоз ўқийман, деб танбаллик қилишлари оқиллик эмасдир.

Баъзи янглиш тушунчали, жоҳил кимсалардан совуқ, тотсиз-тузсиз сўзлар эшитасиз:

— Ҳали жуда ёшман. Сал ёшим улуғ бўлсин, шунда намоз ўқийман. Ҳеч бўлмаса ўттиз, қирққа кирай, эллик ёшни нишонлай, кейин намоз ўқийман. Унда ҳеч намозни қанда қилмайман, — дейдилар.

Омонлик бер, Аллоҳим, омонлик бер! Булар шундай совуқ, янглиш сўзларни айтадимиз? Бу одамлар ақл тақсим қилинаётганида қаерда эдилар, ажабо!..

Эй, бундай сўзларни сўзлаган, ғафлатдаги одам! Неча ёшга чиқиш сенинг қўлингдами? Бир кун, ўн кун, бир йил ва ёки ўн йил, ҳатто ўн сония, ўн дақиқа яшашингни кўрсатувчи бирор аҳдинг, бирор шартноманг борми? Бу сўзларингни ақл тарозусида тортиб кўрдингми?



Эй, бу кичик ҳикояни ўқиган мусулмон! Эй, Жаннат йўлчиси!  
Эй, Аллоҳ деган қардош!

Бу жажжи ҳикоядан ҳиссимизга тушган ибрат дарсини олайлик. Биз ҳам намозларимизни вақтида ўқийлик. Масжидга вақтида борайлик. Намозларимизни қолдирмайлик. Агар қолдирилган, ўқий олмаган намозларимиз бўлса, уларни дарҳол қазо этиб бўлсада ўқиб олайлик.

Эй, Аллоҳ дегувчи мўмин! Аллоҳ ҳаммамизни ғафлатдан уй-фотсин! Дунёга нега келганимизни англамоқ ва кераклигича амал қилмоқ насиб айласин. Омин! Дунёни ва келиш-кетишимиздаги маънони тушуниш шуурини (ҳиссиётини) берсин. Омин!

### 195 - ҲИКОЯ

#### АҚЛЛИ ХОТИН ЭРИГА НАСИҲАТ ҚИЛАДИ

Фақир бир одам уйланди. Бир ўғил кўрди, уни жуда севар эди. Бола тиш чиқарганида хотинига у:

— Мен бу чақалоққа қандай овқат топиб келаман? Мана, тишлари чиқа бошлади. Овқат ейишни хоҳлайди. Ота сифатида мен уни таъминлашим керак, — деди.

Эрининг ақлини, дидини билган хотини бундай жавоб берди:

— Эй, менинг содда, тушунчаси нуқсонли эргинам. Сен кўп васваса қилма. Фарзандимизга тишни Аллоҳ берган, унга овқатни ҳам беради. Бутун оламга ризқ берган Жаноби Ҳақ қодирдир. Гўдаклар, чақалоқларнинг ҳам ризқини беради. Сен ташвиш қилма!

Чақалоқларга она қорнида сурат ва шакл берган Аллоҳ уларнинг ризқларини, умрларини ҳам берадур.

#### Изоҳ ва ўғит

Эй, Ҳақ йўлчиси! Буюклар бундай деганлар: «Сўзга қулоқ солган, Аллоҳ амрини адо этган хотин фақирни подшоҳ қилади». «Дунёда энг бахтиёр одам кўнгил ҳабибаси бўлган хоними, бекаси ўзига уйғун, мос одамдир».

«Ҳар кун, тонг отгандан то оқшомгача ишда бўлсанг, узун тун бедор, ташвишда бўлсанг ҳам оқшомлари ёнингда кўнглингни олувчи, сенга тасалли берувчи, қийинчилик ва машаққатингга шерик бир аёл беканг бўлса, ҳеч қўрқма!»

«Кимнингки уйи маъмур, ёстиқдоши уни жондан севса, Жаноби Ҳақ ўша қулига раҳмат назари ила қарайди демакдир. Ул бахтиёр одам Аллоҳнинг лутфига эришгандур».

Эй, эс-хушини йиғиб олган қардош! Кўряпсанми, ҳаёт шундай. Сўзга қулоқ солувчи, Аллоҳни, Пайғамбарни таниган, сабр ва қаноатли, рўзғорни билувчи, эрининг бошига тож кийдирувчи бир уй бекасига соҳиб одам бахтиёр бўладир.

Гўзал феъл-атворли аёллар шундайлар. Ёмон феъллилардан Аллоҳ ўзи асрасин, омин!

Ёмон феълли хотинлар тўғрисида бундай деганлар:

«Бир уйда аёлнинг овози баланд чиқса, (эр сўзини тингламаса) ул уйда хайр йўқдир, у ердан саодат кутма. Кутганинг билан етиша олмайсан».

«Олган хотининг жоҳил, хоин чиқса, хотин эмас, бошингга бало олган саналасан».

Эй, Ҳақ йўлчиси! Бу сўзларда бир уйнинг саодати учун зарурий насиҳат бордир. Дунё имтиҳон еридир. Ақлли ва доно, тажрибали, кўпни кўрган кимсалар ўзларининг билим ва тажрибаларига кўра иш олиб борадилар, шу тариқа дунёда яшаш заминини, асосини тайёрлайдилар.

Тажрибасиз ва ақлсиз кимсалар эса бошқаларга ибрат лавҳаси бўлиб паришон, нотавон қоладилар.

## 196 - ҲИКОЯ

### БУ ЧЎҒ МИНГ ОЛТИНГА АРЗИЙДИ

Бир кун Султон Сулаймонхон аркони давлат ила сайрга чиқди. Сайрда Султон Сулаймонхон қаттиқ ёққан ёмғирда қолди ва яқин орада бир қишлоқдаги уйга кирди. Подшоҳнинг меҳмон бўлганидан мамнун бўлган қишлоқ одами яхшилаб ўт ёқди ва подшоҳни иситди.

Бу одам ёққан ўт подшоҳга кўп хуш ёқди. Шоҳ мезбонни хурсанд қилиш учун:

— Бу сен ёққан олов минг олтинга арзийди. Минг олтинга! — деб илтифот қилди.

Меҳмон бўлган аркони давлатни қўлидан келганича кутиб олган деҳқонга подшоҳ уйдан чиқаётиб:

— Ота, бизнинг бирор бурчимиз борми, — деди.

Деҳқон:

— Бурчингиз бир минг бир олтин, подшоҳим, — деди. Подшоҳ ҳайратга тушди ва:

— Бу ниманинг пули? Нега мунча кўп пул сўрайсан? — деди.  
Деҳқон кулиб:

— Подшоҳим, мен овқат учун бир олтин сўрайман. Олов учун сиз «минг олтин арзийди», дедингиз, — деди.

Подшоҳга деҳқоннинг жавоби кўп хуш ёқди, завқланиб кулди ва минг бир олтин беришни буюрди. Деҳқон:

— Мен ҳазил учун, шунчаки айтиб қўйдим, пул керак эмас, — деди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Ўқувчи қардошим! Бу ҳикояни келтиришимиздан мақсад муслмон қардошларимизнинг ақлий малакаларини кўрсатишдир.

Бу ҳикоядаги деҳқон ақли ва закоси билан ҳам подшоҳни мамнун қилди, ҳам ўзи анчагина дунё бойлигига эришди. Бу ақл ила бўлди. Деҳқон ақлли бир инсон бўлмаганида подшоҳни ҳам хурсанд эта олмасди, ўзи ҳам минг бир олтинга эга бўла олмасди.

### 197 - ҲИКОЯ

#### ҲАЗРАТ ШИБЛИЙ \*

Қадим вақтлар Бағдодда бир новвой бор эди. Ул замоннинг энг машҳур валиysi деб тан олинган Ҳазрат Шиблийнинг шухрати ҳар тарафга кетган эди. Новвой ҳам Шиблийнинг буюклигини билиб унга ихлосманд бўлганди.

Новвой кечаю кундуз Ҳазрат Шиблий тўғрисида ихлос қилиб ўйлар, ҳатто новвойлик қилишга ҳам қўли бормас эди.

Бир кун муридлари Ҳазрат Шиблийга:

— Ҳазрат, фалончи қасабада бир новвой бор. Ул зот сиз учун ҳасрат чекади. Сиз Ҳазрат учун кўз ёш тўкади, — дедилар. Ҳазрат Шиблий:

— Бир оз муддатга бўлса ҳам ул новвой билан учрашиб, кўнглини олурмиз, — деди.

Ҳазрат Шиблий бир кун эрталаб тўппа-тўғри ўша новвой яшайдиган маҳаллага борди. Узоқ йўл юриб толиққан муридлари:

— Ҳазрат, мана шу новвойхона сизга ихлос қилган одамники, — дедилар.

Ҳазрат Шиблий ҳорғин, чарчаб, мажолсиз бир аҳволда новвойхонага яқинлашиб, ҳазин овоз билан:

— Афандим бир бурда нон беринг, Аллоҳ йўлида бир оз нон беринг, — деб ёлворди.

Новвой, Ҳазрат Шиблийни уст-боши чанг, кийимлари ямоқ дарвеш кўринишида кўриб:

— Овқат йўқ, нон йўқ, бор, ҳалақит берма, ишим кўп. Бошқа уйга бориб тилан. Бепул нон бермайман, — деб ҳайдади.

Ҳазрат Шиблий дарҳол у ердан нари кетди. Новвой нон ёпиш билан машғул экан, Ҳазрат анча нарига бориб қолди.

Ҳазрат Шиблийни таниган кўшнилари новвойдан сўрадилар:

— Кўшни, сен нима қилиб кўйдинг? Ҳозиргина сен хафа қилган, ранжитган, кўнглини оғритганинг ул зот, ўзинг ихлос кўйиб, кеча-кундуз йиғлаб етиша олмай юрганинг Ҳазрат Шиблий эди. Унинг учун жонимни бераман, дер эдинг. Нима бўлди сенга? Бир бурда нонни қизганиб ундан айрилдинг! — дедилар.

Новвой дод-фарёд билан Ҳазрат Шиблийнинг орқасидан югурди. Маҳалладан чиқиб кетаверишда етиб олди. Ҳазрат Шиблийнинг кўли, оёқларини ўпиб афв этишини сўради. «Мендан ўтди, сиз кечиринг», деб ёлворди. «Нима десангиз қилайин», деди.

Ҳазрат Шиблий бу ақли калта одамга:

— Ушбу қилган айбинг кечирилиши учун бир катта зиёфат тайёрла. Менинг шарафимга бериладиган бу зиёфат учун юз олтин сарфлайсан. Маҳалланинг барча қарияларини, улуғларини таклиф қиласан, — деб жавоб берди.

Новвой:

— Бош устига, Ҳазрат, — деди.

Новвой катта зиёфат тайёрлади, маҳалланинг барча қарияларини, улуғларини чақирди. Ҳазрат Шиблий ҳам келди. Уй соҳиби бўлмиш новвойнинг қувончдан боши осмонга етди. Ўзини қаерга кўйишини билмай хурсанд.

Овқатлар ейилди, чой, қаҳвалар ичилди. Зиёфат охирлаб, суҳбат бошланди. У ерда ҳозир бўлган маҳалла улуғлари Ҳазрат Шиблийдан:

— Ҳазрат, бир суҳбат қилиб бизга «Жаннатий ва жаҳаннамий» инсонлар қандай бўлишларини айтиб берсангиз, — деб илтимос қилдилар.

Ҳазрат Шиблий:

— Жаннатий инсонни билмайман, аммо жаҳаннамий бир одамни кўришни истасангиз, мана шу зиёфатни берган одам жаҳаннамийдир, — деди.

У ердагилар:

— Ҳазрат, тушунтиринг, нега бундай деяпсиз? Бул одам Сиз учун юз олтин сарфлаб зиёфат берди. Қандай қилиб бул одам жаҳаннамга боради, нега бундай? — деб сўрадилар.

Ҳазрат Шиблий:

— Албатта, тушунтираман. Аллоҳ учун, Аллоҳ йўлида бир бурда нонни кўп кўриб бермаган бул одам Шиблий учун юз олтин харажат қилди. Аллоҳ номига бир бурда нон бермаган бул нотавон, мендай бир қул учун (Шиблий учун) юз олтин сарфлади. Бундан ортиқ жаҳаннамга олиб борувчи иш бўладими? — деди.

### *Изоҳ ва ўғит*

Эй, Ҳақ йўлчиси! Кўрдингми, дунёда қандай ишлар бўлади! Ул замоннинг ақли қисқа новвойи қандай бўлса, бу куннинг ақли қисқа мусулмони ҳам айна шундай. Аллоҳ йўлида бир ғариб фақирга бир тишлам нон бермайди-ю, бекорга минглаб, юз минглаб харажат қилади, кейин «гапириб, таърифлаб юрсинлар», деб зиёфатлар беради.

Эллик минг, юз минг сарфлаб давлатмандлар шуҳрати учун зиёфат берадилар. Бу зиёфатларда битта бўлса ҳам фақир бўлмайди.

Демак, тарих такрордан иборат. Ул замоннинг шуҳратпарас-ти-ю, бул замоннинг шуҳратпараси бирдай.

Аллоҳим! Сен бизни нафсимизнинг қўлига топшириб қўйма! Омин!

*Китоб таржимасидаги ихтиёрсиз йўл қўйилган саҳву хатолар учун таржимон азиз ўқувчилардан узр сўрайди ва барча мулоҳазаларни миннатдорчилик билан қабул қилади.*

## \* БЕЛГИЛИ ҲИКОЯЛАРГА

## ИЗОҲЛАР ВА ИЛОВАЛАР

## 1-ҳикоя

Ғаззолӣнинг «Кимёи саодат» асарида шунга яқин маънодаги ривоят бор.

«Кимёи саодат» Т., В. Ильин лито-типографияси, 1902 й. Муҳаммад Исо таржимаси.

## 3-ҳикоя

Шунга ўхшаш ҳикоя Зайниддин Восифийда ҳам бор, у Ҳусайн Бойқаро ва унинг «тезюрар ва чақмоқ хулқли» Ашҳаб номли оти ҳамда амир Бобо Маҳмуд ҳақида: «... Тасодифан бу хушқомат ва карамли жонивор гўзаллар кўзи оҳусидек бетоб ва бемор, дилбарлар бели янглиг озғин ва нозиклашиб қолди. Ушанда отларга ўлат келганидан мирохўр ҳар замон «фалон отлар ўлди», деб хабар келтирар эди. Подшо Ашҳабнинг бетоблигини эшитгач, хотири кудрат босиб, жаҳл билан деди: «Кимки Ашҳаб ўлди, деган хабарни келиб айтадиган бўлса, уни икки нимта қилгум...» Иттифоқо, шу куни Ашҳаб жон берган ва нариги дунё яйловига майл кўргузган эди. Мирохўр Мирбобо Маҳмуд ёнига келиб, маълумингиз бўлсан-ким, Ашҳаб оти ўлди ва жонини жон ато қилгувчига топширди. Агар мен бу воқеани арз қиладиган бўлсам ва бу даҳшатли хабарни айтсам, шаксиз, руҳим Ашҳаб ортидан йўл олгуси ва адам саҳриси томон равон қилингуси. Сиздан ўзга одам бу воқеани етказолмайди. Бу ёғини ўзингизга ҳавол қилурмиз», деди.

Мазкур амир подшоҳ ҳузурига кирди ва ўз ўрнига ўлтирди. Подшоҳ ундан сўради: «Ашҳабдан хабар олиб турибсанми?» У туриб, тиз чўкди-да, деди: «Шоҳим, доимо давлату шаъну шавкатингиз раҳми эгар остида тамкину иқболли, безавол бахту давлатингиз пойи саломат ва саодат рикобида бўлгай! Иттифоқо, ахтаҳона эшигидан ўтар эканман, Ашҳабни кўрдим. Ажаб одат пайдо ва гаройиб йўл ихтиро қилибди: сомону арпа асло емайди, сув ичмайди. Ухлаб, ҳаракат қилмай ётади. Нафас ҳам олмайди!» Подшоҳ кулиб деди: «Эй бадбахт, нималар демоқдасан; унда Ашҳабим ўлибди-да!» Амир таъзим бажо келтириб, «Сиз бу мудҳиш хабарни айтиш йўлини таҳдид ва қўрқитиш тўсиги билан боғлаган эдингиз. Илло, алҳамду ки оқибатда ўзингиз шу маънидан хабар бердингиз ва бу мушкулни барчанинг иши чехрасидан кўтардингиз»,

деди. Подшоҳ унинг тадбири ва зарофатидан хурсанд бўлиб, узоқ кулди...»

Зайниддин Восифий «Бадоеъул вақоеъ» Т. 1979. 143-саҳ. Наим Норқулов таржумаси.

#### 4-ҲИКОЯ

Румий «Ичиндаги ичиндадир» асарида бу ҳикояни айнан бундай ёзган:

«...Ҳамма нарса Аллоҳдандир» дейишса, бунга жавоб сифатида айтаминки: Ўз нафсини айбламоқ ва оламни ундан қутқармоқ ҳам Аллоҳдандир. Масалан, бир одам боққа ўғриликка кирди ва боғбоннинг қўлига тушди. Боғбон: «Аллоҳдан қўрқмайсанми?» Ўғри: «Нега қўрқай? Ахир мева ҳам Аллоҳники, мен ҳам унинг қулиман. Демак, Аллоҳнинг қули Аллоҳнинг мевасидан еяпти» деди. Боғбон арқон келтирди ва ўғрини ушлаб, бир дарахтга боғлади-да, таёқ билан калтаклай бошлади. Шунда ўғри бақирди: «Аллоҳдан қўрқмайсанми?» Боғбон жавоб берди: «Ахир, сен Аллоҳнинг қули, бу эса Аллоҳнинг таёғидир. Аллоҳнинг таёғи Аллоҳнинг қулини уряпти. Мен нега қўрқай?»

Жалолиддин Румий «Ичиндаги ичиндадур» Т. «Меҳнат», 2001 й. 106-саҳ. Улугбек Ҳамдам таржумаси.

#### 5-ҲИКОЯ

Бу ҳикояда Юсуф Товаслий «ўттиз икки фарз» деб ёзади. «Исом дини нима?» китобида ёзилишича: «Маишхур дарсликларда асосий фарзлардан қирқтаси алоҳида ўқдириб ўтилган», дейлади.

#### 19-ҲИКОЯ

1. Бу ривоят бошқа тафсилотлари билан «Қисаси Рабгузий»-да бор. Рабгузий хушфёъл, номусли келин «Харим улугининг қизи Саййида бишт Массос ал-Хурхумий», деб ёзади.

Носируддин Бурхонуддин Рабгузий «Қисаси Рабгузий» Т. 1990. 1 китоб, 76-саҳ.

2. «Бадойиъу-р-ривоёт»да бу воқеа қуйидагича: «...Вақтеки, Исмоъийл алайҳиссалом йигирма ёшга кирдилар, уйланур вақтлари бўлди эрса, Аморо деган бир қизни олдилар. Кунлардан бир кун Исмоъийл алайҳиссалом шикорга бориб эрдилар. Ҳазрати Иброҳим алайҳиссалом фарзандларини кўрмоқ учун келдилар, кўрдиларки, Биби Ҳожарни қўйиб кетган ерлари танимайдиган бўлуб, ҳамма ер обод бўлубдур. Бу тариқа обод бўлгонни кўруб Аллоҳу таолога шукрлар қилдилар. Андин сўнг сўраб Исмоъийл

алайҳиссаломнинг уйларини топдилар, келиб эшиklarини қоқтилар. Уйларидин жавоб чиқтики, йўқтурлар, деб. Яна таъкидлаб сўраб эрдилар, — шикорга кетдилар, — деди. Сен Исмоъийлга ким бўлурсан? — деб эрдилар, — хотунлари бўлурман, — деди. Иброҳим алайҳиссалом айттилар: — Эринг келгонда айтгил, мундог сифатли одам сени кўрмоққа келиб эрди, «эшикни остонаси номуносиб тушубдур, олиб ўзга остона ўрнатсун» деб кетти дегайсен, — деб қайттилар. Намози аср вақтида Исмоъийл алайҳиссалом шикордин қайтиб келдилар эрса, хотунлари айттики: — Бугун бир Абу Шифо исмли киши сизни сўраб келди, топмай қайтарида айттики, Исмоъийл келганида айтгил, остонаси номуносиб тушубдур, албатта, остонасини олиб ўзга остона ўрнатсун, деб кетти, — деди. Исмоъийл алайҳиссалом айттилар: — Ул Абу Шифо деганинг манинг отам Иброҳим алайҳиссалом бўлурлар, остона сан бўлурсан, отамнинг иззатларини бажо келтурмабсан, ани учун шундог дебдурлар, — деб шул замон талоқ қилдилар. Хотун хайрон бўлиб қолди. Андин сўнг Саййида деган бир қизни олдилар. У Саййида кўп оқила эрди. Аммо Исмоъийл алайҳиссалом шикор қилмоққа кўп мойил эрдилар. Яна бир кун шикорга чиқиб эрдилар. Ул кун яна Иброҳим алайҳиссалом уйларига келдилар. Исмоъийл алайҳиссаломнинг эшиklarини қоқиб, Исмоъийл қайда? — деб сўрадилар. Саййида дарҳол таъзиму одоб бирла чиқиб салом қилиб айтти: — Шикорга кетиб эрдилар, келгунларича мунда тушунлар, бир наҳорий қилиб берай, — деди. Иброҳим алайҳиссалом: — Тевадин тушмасликга бир шартим бордур, — дедилар. Дарҳол бир улуг тошни тева-нинг ёнига келтируб қўюб айттики: — Ерга тушмасалар, тошнинг устига тушунлар, — деди эрса, Иброҳим алайҳиссалом тева-ни чўкуруб бир оёқларини тева-ни устига ва бир оёқларини тошнинг устига қўйиб турдилар. Филҳол Саййида уйга кируб бир оз тева-нинг сути бирла ва бир оз тева-нинг гўштини олиб чиқиб Иброҳим алайҳиссаломга тутти. Иброҳим алайҳиссалом тановул қилиб дуъо қилдиларки, Аллоҳу таоло тева-ларингизга баракот берсун, деб. Ул сабабдан араб вилоятида тева кўптур. Андин сўнг Саййида сув олиб чиқиб айттики:

— Йўлни гарду губори юзингизга қўнубдур. Сочу соқолларингизни ювуб қўйсам, — деди. Иброҳим алайҳиссалом қабул қилдилар. Саййида сочу соқолларини ювиб, тароб қўйди. Иброҳим алайҳиссалом Саййидани бу қилгон ишига бағоят хушҳол бўлуб, — авлодларинг кўп бўлсун, молларингга Аллоҳу таоло баракот берсун ва фарзанди солиҳ ато қилсун, — деб кўп дуъойи хайр қилдилар. Андин сўнг айттиларки:



— *Исмоғийл келса салом айтгил, бу зишкни остонаси яҳши тушубдур, ҳаргиз ўзга қилмасун!* — деб жўнаб кеттилар. Оқшом Исмоғийл алайҳиссалом шикордин қайтиб келдилар. Саййида воқеаларни бир-бир баён қилди. Исмоғийл алайҳиссалом хотунларидин бениҳоят хурсанд бўлдилар. Аммо оталарини кўролмай қолгонларига кўп паришонхол бўлдилар. Андин сўнг Исмоғийл алайҳиссалом Саййидани яҳши эъзозу икром бирла туттилар...  
«Бадойиъу-р-ривоёт», Т., 1995, 6-7-саҳ. «Ёзувчи» нашириёти.  
Наширга тайёрловчи С.Ҳасан.

### 23-ҳикоя

*Қорун — бениҳоят бойликка эга бўлган кишининг исми (адабиётда зўр бойликдан қиноя тариқасида ишлатилади).  
Навоий асарлари лугати, Т., 1972 й.  
Рабеузийда Қорун тўғрисида батафсил ёзилган.*

### 30-ҳикоя

*Алишер Навоий «Насойимул муҳаббат» асарида Имом Аъзам (қаддасаллоҳу таоло сирраҳу) ҳақидаги мақолада қуйидагича ёзади: «Аларқим, Ислом аҳлининг имомидурлар, эл таърифидин мустағнийдурлар. Анаси Молик (р.а.) ривоят қилурқим, Расул (с.а.в.) дедиким, [Умматимдин бирининг номини Нуъмон б. Собит, куньясини Абу Ҳанифа деб атайдилар. Ва ўша киши умматимнинг чирогидур]. Имом Жаъфар Содиқ била суҳбат тутибдур ва кўп машойихни кўрубдур. Ва Фузайл Иёз ва Иброҳим Адҳам ва Бишири Ҳофий ва Довуд Тоий (р.а.)нинг устозидур. Нақлдурки Мустафо (с.а.в.)нинг мутаҳҳар равзаси бошига бориб айтти: [Ас-салому алайка, ё саййид ал-мурсалин]. Равзадин жавоб келди: [Ваалайк ас-салом, ё имом ал-муслимин]...»*

*Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 17-том. Т., 2001й. 31-саҳ.*

### 33-ҳикоя

*Ал-Фақиҳ Абу Лайс Ас-Самарқандийнинг «Танбеҳул гофиллийн» асарида бу ҳикоя келтирилган. Ҳикоя тафсилоти ўзгачароқ бўлганидан уни келтириш ўринли деб ўйлаймиз: «...Фақиҳ Аллоҳ ундан рози бўлсин, айтади: Отамнинг Ҳифе Искандаронийдан ҳикоя қилганларини эшитдим, у киши, Аллоҳ раҳмат қилсин, Самарқанд уламоларидан эди. У кишининг олдига бир киши келиб: «Ўғлим мени уриб қийнайдми» — деди. «Субҳоналлоҳ, ўғил ҳам отани урадимми?» «Ҳа, мени уриб, оғригидми». Сен унга таълим-тарбия, одоб-ахлоқ бердингми?» «Йўқ». «Сен унга Қуръонни ўрагдингми?» «Йўқ». «Ўғлинг нима иш*

қилади?» «Дехқончилик». «Сени уришига сабаб бўладиган бирон нарса ўргатганмидинг?» «Йўқ». Олим айтдики: «Балки ўeling тонгда эшакка миниб, ҳўкизлари олдиди, итнин эргаштириб даласига кетаёттиб, Қўргўн ўқшини билмагани учун қўшини айтиб кетаётган бўлса, шу пайт сен ўelingга рўбарў келиб қолган бўлсанг, сени ҳам бир мол деб ўйлагандир. Бошингни ёрмагани учун Худога ҳамд айтгин!»

Ал-Фақих Абу Лайс Ас-Самарқандий «Танбеҳул гофилийн». «Мовароуннаҳр». Т., 2000й, I к. 122-саҳ.

#### 40-ҳикоя

«Танбеҳул гофилийн»да Абу Зар Ғифорий билан боғлиқ ривоят бор: «Абу Зар Ғифорий, Аллоҳ ундан рози бўлсин, айтади: Менга дўстим Муҳаммад (с.а.в.) уч нарсани васият қилдилар: «Эшитгин ва итот қилгин. Бурни кесилган қул бўлса ҳам. Бас, агар шўрва қилсанг унинг сувини кўпайтиргин, кейин қўшилирингнинг аҳлларига қарагин ва шўрвангдан уларга ҳам қуйиб бергин; намозингни вақтида ўқигин».

Ва айтилди: «Уч қўшини бўлиб, уччаласи ҳам рози бўлса, кейин инсон ўлса, унинг гуноҳлари кечирилади».

Ал-Фақих Абу Лайс Ас-Самарқандий. «Танбеҳул гофилийн». «Мовароуннаҳр». Т., 2000 й. I к., 133-саҳ.

#### 42-ҳикоя

Ушбу ҳикояни Муҳаммад Сиддиқ Рушдий ўз асарида келтиради. Унда ҳикоя ушбу сўзлар билан тугайди: «Ул ҳазрат (Абдуқодир Гилоний)нинг дасти муборакларига аввал тавба ва инobat давлатига мушарраф бўлгонлар ушбу жамоадурлар».

Муҳаммад Сиддиқ Рушдий.

«Ғавсул аъзам». Т., 1992. 29-саҳ.

#### 50-ҳикоя

«Танбеҳул гофилийн»да 57-боб «Илм талаб қилиш фазилати»га бағишланган. Шу бобда ушбу ривоят келтирилган: «...Ибн Муборакдан (р.а.) «Агар сизга Аллоҳдан, бугун нешингача ўласан, деган хабар келса, ўша куни нима амал қилар эдингиз?» деб сўрашиди. У зот: Илм талаб қилардим», деб жавоб бердилар.

Ал-Фақих Абу Лайс Ас-Самарқандий «Танбеҳул гофилийн». «Мовароуннаҳр». Т., 2001, II к. 216-саҳ.

## 58-ҳикоя

«Бадойиъу-р-ривоят»да Ҳазрат Ҳасан (р.а.) ва Ҳазрат Ҳусайнлар (р.а.) ҳақида ҳам ривоятлар бор. Ривоятлардан бири қуйидагича: «Ровийлар ривоят қилибдурларки, бир кун Расулу алайҳиссалом тамом саҳобалар бирла Масжидда ўлтуруб эрдилар, Даҳиййи Калбий оптиқ бир саҳоба бор эрдилар. Ҳар бора Расулу алайҳиссаломнинг ҳузурларига келсалар имомзодалар учун қўйниларига мева солиб келур эрдилар. Жаброил алайҳиссалом ул Даҳийй суратида бўлуб келдилар. Бу икки имомзода Даҳийй разияллоҳу анҳу хаёл қилиб югуруб қучоқларига чиқиб қўйниларига қўл солдилар. Сўнгра Расулу алайҳиссалом малул бўлуб айттилар:

— Ё биродари Жаброил! Кичик гўдаклар сизни танимади. Даҳиййи Калбий хаёл қилиб, қучоғингизга чиқти, маъзур тутарсиз. Жаброил алайҳиссалом айттилар: — Ё Муҳаммад! Бу шаҳзодалар йиғлаганларида Аллоҳу таолонинг амри бирла бешикларини тебратур эрдим. Мани ҳам мақсудим бу эрдик, бу икки шаҳзоданинг муборак қўллари манинг баданимга тегса, шоядки шаҳзодалар туфайлида оташи дўзах баданимга ҳаром бўлса. Алқисса, Жаброил алайҳиссалом қўл узатиб жаннатдин бир бош узуму бир анор олиб шаҳзодаларга бердилар...

«Бадойиъу-р-ривоят», Т., 1995, 29-30-саҳ. «Ёзувчи» нашириети. Наширга тайёрловчи С.Ҳасан.

## 59-ҳикоя

Алишер Навоий «Насойимул муҳаббат» асарида Боязид Бистомийнинг намоз ўқиганидаги ҳолини бундай ёзади: «Ва султонул-орифин Боязид Бистомий намоз қилса эрдилар қаъқаа аларнинг кўкси сўнгакларидин чиқар эрди, ҳақ субҳанаҳу ва таоло ҳайбатидин ва шарият таъзимидан ва ҳозир халқ (шу ерда бўлганлар) эшитурлар эрди. Ва шайхни баъзи машойих таън қилибтурларки, намоз қилмас. Алар дебтурларки, намоз қилурда манга бир ҳол воқеъ бўлур. Сиз ҳам мулоҳаза қилинг. Агар ул била намоз жойиз бўлса, қилайин. Мулоҳаза қилибтурлар. «Аллоҳу акбар» деб такбири таҳрима болагондин сўнгра ҳар туки тубидан бир қатра қон бош урубтур».

Алишер Навоий. Асарлар. 15 ж. Т. 1968. 69-саҳ.

## 60-ҳикоя

Кечалари намоз ўқишининг фазилати ҳақида Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмомил ал-Бухорийда қуйидагича ёзилади: «Солим-

нинг оталари Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу ривоят қилдилар... Бир куни масжидда ухлаб ётганимда туши кўрдим. Тушимда икки фаришта келиб мени ушлаб дўзахга олиб боришди. Қарасам, дўзах қудуқ сингари атрофи ўралган бўлиб, унинг икки минораси бор экан. Дўзахда одамлар юрибдир, уларни мен танидим. Сўнг, «Мени дўзах ўтидан асрагил!» деб Аллоҳга шитижи қила бошладим. Шу пайт ёнимизга яна бир бошқа фаришта келиб менга: «Кўрқмагил!» деди (кейин уйғониб кетдим). Кўрган тушимни Ҳафса опага айтиб бердим, ул эса Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Абдуллоҳ ўзи яхши йиғит-у, лекин қошки эрди кечаси намоз ўқимоқни одат қилса эрди», дебдилар.

Шундан кейин Абдуллоҳ кечалари ухламай намоз ўқиб чиқадирган бўлган экан».

Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис. 1 жилд. Т.: 1991. 304-саҳ.

#### 65-ҳикоя

Ал-Фақиҳ Абу Лайс Ас-Самарқандийнинг «Танбеҳул гофилийн» асарида ҳам шунга ўхшаш ривоят келтирилган: «Зикр қилинди, бир киши Пайгамбарнинг (с.а.в.) ҳузурларига келиб: «Ё Расулуллоҳ, онам менинг олдимда эси яримта бўлиб қолди, мен ўз қўли билан уни овқатлантираман, сув ичираман, таҳорат қилдираман, елкамда кўтараман. Унинг ҳаққини адо қила олдими?» Пайгамбар (с.а.в.) айтдилар: «Йўқ, юздан биттасини ҳам адо қилганинг йўқ! Лекин сен яхши қилиясан, Аллоҳга қасамки, озгина нарсага кўп савоб олгайсан!».

Ал-Фақиҳ Абу Лайс Ас-Самарқандий. «Танбеҳул гофилийн». «Мовароуннаҳр», Т., 2000 й., 116-саҳ.

#### 66-ҳикоя

Ушбу ҳикоя Ал-Фақиҳ Абу Лайс Ас-Самарқандийнинг «Танбеҳул гофилийн» асарида келтирилган.

«Танбеҳул гофилийн» Мовароуннаҳр», Т., 2000 й., 117-118-саҳ.

#### 67-ҳикоя

Алишер Навоий «Насойимул-муҳаббат»да Шайх Увайс Қароний ҳақида ёзиб, ушбу нақлни келтиради: «Нақлдурки, ҳазрати Рисолат оламдан ўтарди асҳоб... сўрабтурларким, сизнинг мураққаъ кимга ҳаволадур? Дебдурларки, Увайс Қаронийга берсунлар ва десунларки, менинг умматимни дуо қилсун. Ҳазратдин сўнгера Форуқ ва Муртазо Қўфага бориб, Яман элидин сўраб,

Қаронда Увайсни топтиларким, тева кутиб юрур эрди. Мураққани топишуриб, уммат учун дуо истидъо қилдилар...»

Алишер Навоий. Асарлар. 15 ж. Т. 1968. 75-саҳ.

#### 68-ҳикоя

Саъдий Шеъротийнинг «Гулистон»ида шундай ҳикмат бор:

Каъба ёпқичини ўтишар экан,

Ипак қурт туфайли бўлмади улуг.

Бир неча кун бўлди азиз эғнида,

Шунинг билан бўлди ўзи ҳам улуг.

«Саъдий Шеротий шеърятидан». Т. 1976. 114-саҳ.

#### 74-ҳикоя

Жалолиддин Румийнинг «Ичиндаги ичиндадир» асарида бундай ёзилган:

«...Намрудга паишани офат қилгани каби, (Тангри) инсонга бир мушукни баю этса, бас, унинг кунни битади. Агар ўлдирганини истамасачи, арслон ҳам инсоннинг қарнишида титраб қочади. Ёхуд унинг эшагига айланади. Чунончи, баъзи дарвешлар арслонни эшақдай миялиган.

Тангри Иброҳимнинг ўтда куйиб кетишини хоҳламагани учун олов пайгамбарга совуқ бир модда каби таъсир қилди. Ҳатто айтиши мумкинки, оташ гулистонга айланди».

Жалолиддин Румий. «Ичиндаги ичиндадур» Т., «Меҳнат» — 2001 й. 48-саҳ., Таржимон Улугбек Ҳамдам.

#### 75-ҳикоя

Саъдий Шеротий «Бўстон»даги бир ҳикоятда бу хусусда шундай ёзади:

... Оламда ҳукмдор эрди Искандар,

Оламни қолдириб кетди ул қайсар.

Умрин чўзолмади бир нафас, бир дам,

Бир дам учун бутун олам бериб ҳам.

Шоислом Шомуҳамедов таржимаси.

«Саъдий Шеротий шеърятидан». Т. 1976. 97-саҳ.

#### 76-ҳикоя

Ал-Фақиҳ Абу Лайс Ас-Самарқандий «Танбеҳул гофилийн» асаридаги «Ўлим қўрқинчи ва шиддати» бобида ёзади: «...Пай-

гамбаримиздан Ҳасан ривоят қилади. Айтдиларки: «Мўмин одамга ўлимнинг оғирлиги ва унинг қийинлиги шу қадарки, қилич билан уч юз зарба ургандек».

Фақиҳ айтади: Кимки ўлимга инсон ва ўлим унга ҳам келади, ундан ҳеч чора йўқ, деб билса, ўша инсон солиҳ амаллари билан ва нопок ишлардан тийилиши, ўзини ундан четлаши билан ўлимга ҳозирлик кўрмоғи лозим бўлади. Ўша ўлим ўзига қачон етадини билмайди. Пайгамбар (с.а.в.) ўз умматларига ўлимнинг оғирлигини, унинг аччиқлигини насиҳат қилиб, ўлимга тайёрланмоқликларини, ҳар доим ҳозир бўлиб турмоқликларини ва бу дунёнинг қийинчиликларига сабр қилмоқликларини баён қилиб бердилар. Чунки дунё машаққатларига сабр қилиши ўлимнинг қийинчилигидан енгилроқдир. Чунки ўлим қийинчилиги ва оғирлиги охираат азобларидандир. Охираат азоби бу дунё азобидан қаттиикроқдир».

Ал-Фақиҳ Абу Лайс Ас-Самарқандий: «Танбеҳул гофилийн». «Мовароуннаҳр» Т., 2000й. I китоб, 23-24-саҳ.

### 85-ҳикоя

Алишер Навоий Зуннун Мисрийни дафн этиши маросими ҳақида қуйидагича ёзади: «... Зуннун оламдин ўтди. Жанозасин элтурда бениҳоят яшил қушлар жанозасига соя қилиб эрдилар. Андоққим, боргон халойиқ аларнинг кўлагасида эрди. Андин сўнгра Зуннунга халқ кўнглида қабул воқеъ бўлди. Сўнги кун аниг қабри бошида битилгон топтиларким, «Зуннун ҳабибуллоҳ ва минаш-шавқӣ қатилуллоҳ» «Зуннун Аллоҳнинг дўсти ва шавқ туфайли Аллоҳ йўлида қурбон бўлган» ва ул хат эрдиким, одамилар хатига ўхшамас эрди ва ани ҳар неча ювсалар, яна битилгон кўринур эрди».

Алишер Навоий. Асарлар. 15 ж. Т. 1968. 77-саҳ.

### 102-ҳикоя

Абобил — узун қанотли тоғ қуши. Баъзи лугатларда «қалдирғоч» дейилган. «Тасҳилул баён»да тумшуги сариқ, ўзи яшил қуш дейилади.

### 106-ҳикоя

Шаҳзодабоши — Зиёратгоҳ жойининг номи.

### 112-ҳикоя

Алишер Навоий сабру қаноат неъматини ҳақида ушбу ҳикматини айтган:

Мулк ила ўзни демагил аржуманд,

*Мулки қаноат била бўл сарбаланд.  
«Ҳайратул аброр»дан.*

#### 114-ҳикоя

*Ушбу ҳикоя ҳам Жалолиддин Румийдан.*

#### 117-ҳикоя

*Зайниддин Восифий шу ҳикояга ўхшаш воқеани Анушервони  
Одил билан боғлиқ ҳолда келтиради.*

*Зайниддин Восифий.*

*«Бадоеъул вақоеъ» Т. 1979. Наим Норқулов таржимаси.*

#### 118-ҳикоя

*Мазкур ҳикоя Алишер Навоийнинг «Ҳайратул аброр» досто-  
нида ҳам бор. Ҳотам Тойнинг таклифига қадди букилган ўтин-  
каш чол бундай жавоб беради:*

*...Бир дирам олмоқ чекибон даст ранж*

*Яхшироқ андинки биров берса ганж.*

*Ҳотам Той бу чолни ўздан ҳимматлироқ эканин айтиб, шун-  
дай дейди:*

*Улки бу янглиг сўзи мавзун эди,*

*Мендин анинг ҳиммати афзун эди.*

#### 125-ҳикоя

*Саъдий Шерозийда ҳам шунга ўхшаш гўзал ҳикоят бор:*

*Бир итга дуч келди биров саҳрода,*

*Тағналикдан ётар жонсиз афтода.*

*Дасторин арқондек қудуққа солди,*

*Учига қалтогин бойлаб сув олди.*

*Хизматга белини маҳкам боғлаб у,*

*Мажолсиз кучукка қўлдан берди сув.*

*Унинг бу ишидан тоғибон хабар,*

*Қозидан гуноҳин сўрар пайгамбар.*

*Ҳушёр бўл, зулмдан қилгил андиша,*

*Вафо-ю карамни қилмагил пешиа.*

*Яхшилик мукофот топди итдан ҳам,*

*Гар одамга қилсанг бўлмас ундан кам...*

#### 133-ҳикоя

*Бу ривоят бошқа тафсилотлар билан «Қисаси Рабгузий»да бор.*

*Рабгузийда Ҳазрат Умар кетаётганида Абдуллоҳ ўғли Ну-  
айм билан эмас, «...йўлда борурда Хубоб ибн ал-Арас йўлиқди.*

Бу Хубоб Умарнинг қиз қариндошин олмиш эрди...» деб баён қилинади.

Рабузий «Қисаси Рабузий» Т.1990 II китоб, 125-саҳ.

Бу ҳикоя бошқа тафсилотлари билан, Жалолiddин Румийнинг «Ичиндаги ичиндадур» асарида (Т., «Меҳнат» 2001 й, 110-саҳ.) ва «Бадойиъу-р-ривоёт» номли китоб (Т., 1995 й., «Ёзувчи», 27-29-саҳ.) да ҳам келтирилади.

### 137-ҳикоя

Юсуф Товаслий Ҳазрат Иброҳим Адҳамнинг тожу тахтини ташлаб кетиши ҳақида шу ривоятни келтирган.

Алишер Навоий «Насойимул муҳаббат» асарида Иброҳим Адҳамнинг тожу тахтини тарк этиши ҳақида қуйидаги ривоятни келтирган: «Бир кун овга борадур эрди. Хотира нидо қилдики, эй Иброҳим, сени бу иш учун яратмайдирлар. Бу сўздан анга огоҳлик юзланди ва мулк тарқини қилиб, бу тофия тариқин ихтиёр қилди ва Маккага борди...»

Алишер Навоий дўстликнинг олий фазилатлари ҳақида Иброҳим Адҳам билан боғлиқ ушбу ҳикояни келтиради: «...Биров Иброҳим Адҳам билан йўлдош бўлди ва ҳамроҳлиги кечга тортти. Айрилурда (улар айрилишадиган пайтда) ул киши узр қилдики, «шояд мендин беадаблилар воқеъ бўлди эркин ва сен мендин ранжа бўлдунг эркин?» (Иброҳим Адҳам) жавоб бердики: «Мен сенга дўст эрдим. Бу дўстлуг айбингни менга ёпти, дўстлугунг жиҳатидин билмадим: яши қиларсен ё ёмон...»

Алишер Навоий. Асарлар. Т. 1968. 78-саҳ.

### 148-ҳикоя

Саъдий Шерозий «Гулистон» асарида ризқ ҳақида бундай ёзади:

Ризқ агар ҳар кимга келур бегумон,

Ақл дер: «Қидиргил уни сен ўзинг!»

«Саъдий Шерозий шеърятидан» Т. 1976. 101-саҳ.

### 152-ҳикоя

Бошқалардан фақат айб излаб, фазилатларини кўрмайдиганлар ҳақида Саъдий Шерозийда бундай ҳикмат бор:

Табъи айбжуълик бўлса агар бас,

Товус оғидан бошқасин кўрмас.

«Саъдий Шерозий шеърятидан». Т. 1976. 76-саҳ.



## 156-ҳикоя

Ҳажжсожси золим ҳақида Зайниддин Восифийда ҳам ибратли ҳикоятлар бор. Шулардан бирини келтиришни маъқул топилиди: «...Ҳажжсожснинг асл номи Муҳаммад Юсуф Сақфий бўлган. Ҳужжат воситасида одамларни ўлдирарди. Айтишларича, у ўз эҳтиёжси билан шундай қилган. Бир кун унинг ҳузурига сочи оқ, соқоли қора бир одамни келтирдилар. У сўради:

— Сочинг оқ, соқолинг қора! Нега бундай? Ақл билан жавоб бермасанг, сени ўлим кутади.

— Шоҳим, онам қорнида бўлганимдаёқ сочим ўсган. Тугилишимдан йигирма йил ўтгач, соқолим чиқа бошлади. Бошим (даги сочим) қариб, соқолим ёш қолди.

Ҳажжсож кулиб, «менинг тийгимдан халос бўлдинг», деди. Бошқа бир кишини келтирдилар, у бунинг акси — сочи қора, соқоли оқ эди. Ундан сабабини сўради.

— Шоҳим, сабаби равшанку. Сочим доим ётиқ юради, ҳаво таъсири кам. Соқолим кеча-кундуз бир неча бор ювилади, сув ва ҳавонинг таъсири бор.

— Рост айтдинг, тийгимдан халос бўлдинг...»

Зайниддин Восифий. «Бадоеул вақоеъ» Т. 1979. 204-саҳ.  
Наим Норқулов таржимаси.

## 157-ҳикоя

Саъдий Шерозийда ҳам шунга ҳамоҳанг ҳикмат бор:

Бино асосидан асли вайрондир,  
Хўжанинг ташвиши нақши айвондир.

«Саъдий Шеърозий шеърятидан». 165-саҳ.

## 161-ҳикоя

Васлий Самарқандий, Ҳазрати Имоми Аъзамнинг «ўз касбларидан машаат қилмоқларининг баёни»да қуйидагича ёзади: «Ҳазрати Имоми Аъзамнинг Куфада катта дўконлари ва шериклари бўлиб, савдогарлик қилур эрдилар. Савдогарликлари мўйна ва шолфурушлик (рўмол, бўйин ёки белга ўраладиган мато) эрди. Бу савдогарликларидан кўп моҳир ва некбахт (бахтли) эрдилар. Зероки фойда кўп ҳосил бўлур эрди. Бинобарин, таматъга хоҳишлари йўқ, таматъ дардидан пок эрдилар...»

Васлий Самарқандий «Маноқибил-Имомил-Аъзам» Т. 1991. 45-саҳ.

## 162-ҳикоя

*Алишер Навоӣ «Насоӣимул муҳаббат» асарида Робиаи Адавия (раҳимаҳуллоҳу таоло) ҳақидаги мақолада қуйидагича ёзди: «Басра аҳлидин эрди. Суфён Саврий (р.а.) андин масоил сӯрар эрди ва анинг мавъизоту дуосига рағбат кӯрузур эрди...*

*Алишер Навоӣ. Мукаммал асарлар тўплами. 17-том, Т., 2001 й., 482-саҳ.*

## 163-ҳикоя

*Жалолиддин Румийнинг «Ичиндаги ичиндадир» асаридан ушбу кўчирмани келтириш фойдадан ҳоли бўлмаса керак.*

*Жалолиддин Румий: «Фасл. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи васаллам): «Кеча узундир, уни уйқу билан қисқартирма, кундуз порлоқдир, уни гуноҳлар билан қорайтирма», деди. Кеча Тангрига сир айтиш ва ёлвориш учун узундир. Бунда инсон дўст ва душманлари томонидан безовта қилинмайди ва Тангри билан ёлғиз қолади. Улуғ Тангри инсон амалларини кўз-кўз этишидан сақланиши ва фақат Оллоҳ учун қилишини таъминлаш мақсадида кечани бир пардадек тортган...».*

*Жалолиддин Румий, «Ичиндаги ичиндадур» Т.: «Меҳнат», 2001 й., 50-саҳ.*

*«Таҳажжуд намози масоӣилиш» ҳақида Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Китобу-с-салот» асарида батафсил ёзган. Шу китобни нашрга тайёрловчилар ёзган изоҳда: «Таҳажжуд — тун оққандан сўнг уйқудан туриб ёки витор билан бирга ўқиладиган намоз».*

*Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Китобу-с-салот» Т.1993 й., 63-саҳ.*

## 164-ҳикоя

*Алишер Навоӣ «Насоӣимул муҳаббат» асарида: «Зуннун Мисрий — аввалги табақадандир. Оти Савбон бинни Иброҳим, куняяти Абулфайз ва лақаби Зуннун», деб ёзади.*

*Алишер Навоӣ бу асарида Зуннун Мисрийнинг ушбу сўзларини келтиради: «Зуннун дедиким, уч сафар қилдим ва уч илм кетурдим. Аввалги сафарда илме кетурдимким, хос қабул қилди ва ом қабул қилди. Иккинчи сафарда илме кетурдумким, хос қабул қилди ва ом қабул қилмади. Учунчи сафарда илме кетурдумким, не хос қабул қилди, не ом...»*

*Алишер Навоӣ. Асарлар. Т. 1968. 77-саҳ.*

## 177-ҳикоя

Ҳаззолийнинг «Кимёи Саодат» асарида шу мазмундаги ҳикоят бор.

«Кимёи Саодат», Тошкент, 1902, 179-саҳ.

## 181-ҳикоя

Саъдий Шерозий «Бўстон»да оқила хотинлар хусусида бундай ёзади:

*Хотин бўлса яхши, пок, ақли расо,  
Гадо эрини ҳам этар подишо.  
Кўнгила мувофиқ ёр топган маҳал,  
Элигинг тагида қўш ногора чал.  
Ғам дема, ғам чексанг агар уззу кун,  
Қучоқда ғамгусор ёринг бўлса тун.  
Ким агар топибди, дили оромин,  
Жаҳонда шул киши топибдир комин.  
Оқила бўлса у сўзлари малҳам,  
Хунук ё чиройли дебон чекма ғам...  
«Саъдий Шерозий шеърятидан». Т. 1976. 71-саҳ.*

## 186-ҳикоя

а) Абдул-Мутталиб қуръа таълағанлари ҳақида Хишом ибн Муҳаммад ал-Қалбийнинг «Китоб-ал-асном» асарида ҳам маълумот бор. «Китоб ал-асном» рус тилига таржима. М.1984. 24-саҳ.

б) Бу ривоят қисқароқ ҳолда «Қисаси Рабеузий»да бор.

Юсуф Товаслий баёнида Абдул-Мутталиб ўғли Абдуллоҳни ерга ётқизиб, пичоқни қўлига олганида, Қурайш қабиласининг буюқлари: «Абдул-Мутталиб! Бундай қилма, ўз фарзандингни сўйма, ўлдирма, бунга бир чора топамиз», дейдилар. Сўнгра Ҳайбар тарафда қари бир яҳудий борлигини ва унинг бу ишга бир чора топа олиши мумкинлигини айтдилар ва у ерга бордилар...»

Рабеузийда эса: «...Абдуллоҳнинг онисини қариндоши бор эрди. Темур маҳзум отлиг. Уларнинг сўзлари Маккада юрир эрди. Шом вилоятинда бир фол очқучи бор эрди. «Анга киши иза беринг, улма (улнима) ҳукм берса, аянинг сўзичча қилинг» дедилар», деб ривоят қилинади.

Рабеузий «Қисаси Рабеузий» Т. 1990., I китоб, 77-саҳ.

## 187-ҳикоя

а) Қуръони Каримнинг ўзбекча изоҳли таржимасида (Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур) Ҳазрат Иброҳимнинг ўғли Ҳазрат Исмоил «эндигина ўн уч ёшга қадам қўйган эканлар», дейлади. («Қуръони Карим» Т. 1992 й., Ва-с-Саффот сураси, 415-саҳифадаги изоҳ).

б) Нуруллоҳон ҳожиди Абдуллоҳон Қўқондий «Муборак ҳаж сафари» китобида «етти донга тош отдик», деб ёзади. Шу китоб, Т. 1991 й., 87-саҳ.

в) Бу ривоят бошқа тафсилотлари билан «Қисаси Рабғузий» да бор.

Рабғузий қурбон этилган «ул қўчқор Ҳобил қурбони эрди, ужмоҳда семиз турур эрди. Исмоил учун», деб ривоят қилади.

Рабғузий «Қисаси Рабғузий» Т. 1990., I китоб, 80-саҳ.

## 188-ҳикоя

а) Абраҳа—Абраҳа ал-Ашрам; «Китоб ал-асном»нинг рус тилига таржимасидаги изоҳда Абраҳани Эфиопия ноибиди, кейинчалик Ҳимйарий подшоҳлигининг мустақил ҳукмдори дейлади.

б) Абу Райҳон Беруний «Қонуни Масъудий» асаридagi «Испломнинг араб ойларидаги улуг кунлари ҳақида» номли бобда берилган жадвалида: «Ҳабашликлар «Асҳоб фил»нинг Каъбани бузиши учун Маккага келиши муҳаррам ойининг ўн еттинчи куниди» (бўлган эди), деб ёзади.

Ушбу асарда шу ўринга берилган А.Аҳмедов ва А.Расулов изоҳларида: «Ҳабашликлар лашкари 571 йили филларда Маккага келган. Шунинг учун араблар уларни «асҳоби фил» — «фил эгалари, дўстлари» деб аташган», дейлади.

Беруний «Қонуни Масъудий» А.Расулов таржимаси. Т. 1973 й. 204 ва 487-саҳифалар.

## Изоҳ ва ўғит қисми

Алоуддин Мансурнинг таржимасида «Фил» сураси қуйидагича: «1. (Эй Муҳаммад), Парвардигорингиз фил эгаларини қандай (ҳалок) қилганини кўрмадингизми? 2. У зот уларнинг (Каъбатуллоҳни вайрон қилиши учун қўллаган барча) ҳийла-найрангларини барбод қилмадингизми? 3-4. У зот уларнинг устига сополдан бўлган тошларни отадиган тўп-тўп қушларни юбориб, 5. Уларни (қурт-қумурсқалар томонидан) чайнаб ташланган сомон каби (илма-тешик) қилиб юборди!»

## 192-ҳикоя

Бу ҳикояга ўхшаш ривоят «Қисаси Рабеузий»да бор ва у Имом Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний билан боғлиқ. Бу ривоят қуйидагича: «Бир тиши (аёл) имом Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийга ошиғ бўлди. Йўли бошин сақлаб ўлтурди. Имом Муҳаммад келди эрса айди: «Эй, мўминлар имоми, сендин бир масъала сўргум бор. Бу эвга (уйга) киргил сўрайин», деди. Имом Муҳаммад эвга кирди, тиши сўнгинча кирди қабуғ (эшик) беркитди ва имом Муҳаммадга ёпушти. Неча ўғит берди, қабул қилмади, айди: «Манинг бушугим (ҳирсим) бор. Жон аччигидин бушуг аччиги қатиг темишлар. Мани кўзгил ҳожатимни раво қилайин. Анда кезин санинг муродингни кўрайин». Анчага ризо берди.

Имом Муҳаммад ташиқару чиқти вужудиндин чиқган ҳадасни юзига, бўйнига суртди. Тиши ани кўрди эрса кўнгли совуди ва йиғранди. Айди: «Эр бу турлук эрмиш, тарк кетгил», теб қошидин турғузди. Имом Муҳаммад эвинга борди ва минг олтун садақа берди, изи азза ва жаллага шуқр қилди. Аймишлар, одамийдин икки нарса қолур эззулик ва эсизлик...»

Рабеузий «Қисаси Рабеузий». Т. 1990. I китоб, 125-саҳ.

## 197-ҳикоя

Ҳазрат Шиблий — Алишер Навоий «Насойимул муҳаббат» асарида: «Абубакр Шиблий — тўртинчи табақадандир. Отин Жаъфар бинни Юнус...» деб ёзади ва бир неча ривоят қатори ушбу ривоятни келтиради: «...Шиблий мавт маразидан (ўлим касали) бир жумъа куни ўзида хиффат кўрди. Бакирге (Бакир Динаварий — ҳазрат Шиблийнинг ходими) дедиким, масжидга мени текур (олиб бор). Ул қўлдаб элтурда биров йўлуқти. Шиблий дедики, тонгла бу киши била ишимиз бор. Бакир дебтурки, намоз қилиб келган оқишоми Шиблий дунёдин ўтди. Тонгласи менга дедиларким, фалон маҳаллада бир солиҳ бор. Анинг гусли учун ул кишини келтурмак керак. Ул кишининг уйини тоғиб, эшик қоқтим. Эшик кейинча (олдига) келиб сўрдиким, Шиблий ўлди? Мен таажжуб била сўрдимки, «қайдин билдингким, Шиблий ўлди?» Ул дедиким, «Эй нодон, ул қайдин билдиб эрдиким, бу кун менинг била иши бор бўлеусидир?» Эшик очқоч кўрдум, ҳамул киши эрдиким, бурунқи кун Шиблий деб эрдиким, тонгла анинг била ишимиз бор».

Алишер Навоий. Асарлар. Т. 1968. 15 ж. 95-саҳ.

**МУНДАРИЖА ВА ҲИКОЯЛАРНИНГ  
ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ**

- Абдуқодир Ҳайитметов. Анвойи ҳикоялар ..... 3**
- 1-ҳикоя. Иякор эшиги ёпилгандир ..... 5**  
Ҳазрат Али (р.а.) намозга кетаётиб бир мушрик билан учрашгани ва бу дунё, охираат, имон тўғрисида сўзлашганлари ҳақида.
- 2-ҳикоя. Икки динсиз ва улар ўғирлаган бир халта олтин ..... 7**  
Ўғрилар бир халта олтинни бир-бирларидан қизганиб, оқибатда иккаласига ҳам насиб қилмагани ҳақида.
- 3-ҳикоя. Ҳукмдор ва оқ от ..... 8**  
Подшоҳнинг суюкли оқ оти ўлгани ва ақли отбоқар ҳақида.
- 4-ҳикоя. Ўғрилиқ ва тангри таёғи ..... 9**  
Боққа ўғриликка тушган бир одамни боғ эгаси хизматкорига калтақлатгани ҳақида.
- 5-ҳикоя. Ҳажжожии золим ва зайтун сотувчи савдогар ..... 10**  
Ҳажжожининг бир савдогарни имтиҳон қилиб саволга тутгани ҳақида.
- 6-ҳикоя. Хожасини (эрини) диндор этган хотин ..... 12**  
Солиҳа, пок юракли бир аёлнинг динсиз эрини меҳрибонлиги билан мусулмон этгани ҳақида.
- 7-ҳикоя. Ускудор ёнғини ..... 14**  
Ускудорда ёнғин бўлганида бир қизчанинги уйини тополмай адашгани ва софдил талаба уни сақлагани ҳақида.
- 8-ҳикоя. Ўрта ёшдаги бир хожа тарбиялаган ёш хоним ..... 16**  
Бир ёш аёл гийбатчи қўшнисининг гапига кириб, эридан ажралишни истаб уйдаги нарсаларни сотгани, обдастани уриб синдиргани. Эри вазминлик билан индамай, фақат обдаста синдилганига хафа бўлгани ва бундаги ибрат ҳақида.
- 9-ҳикоя. Намоз билан хожасини (эрини) йўлга солган хотин ..... 18**  
Намоз ўқиганида, сархуш юрувчи эрининг гуноҳларини кечиришни, ҳидоят йўлга бошлашни доимо Аллоҳ таолодан сўраб эрининг тўғри йўл топишига восита бўлган хотин ҳақида.
- 10-ҳикоя. Ҳазрат Умарнинг хоними ..... 20**  
Ҳазрат Умар кечаси Мадинанинги кўчаларини айланиб бир чодирни қўриқлаб турган кишини кўргани ва ўз хотини Умму Гулсумни ёрдам беришга чақиргани ҳақида.

- 11-ҳикоя. Келин бўлувчи қизга бериладиган ўғит ..... 21  
 Ҳорис қизи Асмо келин бўлиб куёв уйига кетадиган куни она-си Уммомма томонидан берилган ўнта ўғит ҳақида.
- 12-ҳикоя. Пайғамбаримиз(с.а.в.)нинг амрига  
 рози бўлган ақлли қиз ..... 27  
 Бир ақлли қиз отаси норози бўлса ҳам унга тушунтириб, Пайғамбаримиз(с.а.в.) тавсия этганлари қора танли йигитга турмушга чиққани ҳақида.
- 13-ҳикоя. Ақлли хотинлар эрлар бахти ..... 31  
 Бир йигит дўстларининг гапига кириб хотинини урмоқчи бўлгани, лекин оқила аёли муомаласидан таъсирланиб ниятидан қайтгани ҳақида.
- 14-ҳикоя. Ҳазрат Умарга хотинидан шикоят  
 қилгани келган одам ..... 32  
 Ҳазрат Умар(р.а.) ҳузурига хотинидан шикоят қилгани бир одам келиб, у ерда можаро устидан чиққани ва Ҳазрат Умарнинг бу зотга хотин кишининг ҳақлари тўғрисида ўғит бергани ҳақида.
- 15-ҳикоя. Танноз хотиннинг тузалиши ..... 34  
 Янги турмуш қурган бир аёл эрига: "вақт ўтиб сатанглигим тутади, шунда менга индамагин", — дегани ва бул аёлни эри қандай тарбиялагани ҳақида.
- 16-ҳикоя. Ҳар куни шундай бўлсин ..... 36  
 Ўта дангаса қизга уйланган бир йигит, чидаб-чидаб тоқати тоқ бўлгач, бир кун ўзи нонушта тайёрлаб хотинини уйғотгани ва ҳар куни шундай бўлишини талаб қилгани ҳақида.
- 17-ҳикоя. Исрофгар хотин ва унинг эри ..... 38  
 Рўзгор тежамини билмайдиган хотин бир куни ўзи териб келган ўтинни эри исроф қилиб ёққанида эрига жаҳл қилгани ва шу билан бирга исрофгарчилик ёмон иллат эканини тушунгани ҳақида.
- 18-ҳикоя. Бундай қайнона дўстларга муборак бўлсин ..... 39  
 Куёви олиб келган нарсаларга бепарво қарайдиган қизига ўғит бериб уни тўғри йўлга солган она ҳақида.
- 18/2-ҳикоя. Сенинг бир кўзинг кўр экан ..... 40  
 Бир кўзи ожиз, бадавлат йигит уйланиб, ҳар куни уйига нарса кўтариб келганида қувониб кутиб олган хотин, йигит қийин аҳволга тушганида бир кўзинг кўрмайди, деб таъна қилгани ҳақида.
- 19-ҳикоя. Ҳазрат Иброҳим(а.с.) ва номусли келин ..... 41  
 Ҳазрат Иброҳим алайҳиссалом ўғли Ҳазрат Исмоилни кўргани Маккага икки бора келганларидаги воқеа ҳақида. Иккинчи бор

келганларида номусли, ориятли келинни кўриб: «Мендан хожангга салом айт. Уйининг остонасини яхшилаб кўриқласин», деганлари.

**20-ҳикоя. Номус энг қимматли борлиғи эди ..... 45**  
Хузайл қабиласидан бир ўспирин, кўй боқиб юрган қизга тажовуз қилгани ва қизнинг ўзи номусини сақлагани ҳақида.

**21-ҳикоя. Ҳазрат Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг сафардан қайтишлари билан Ҳазрат Фотимани кўргани келишлари ..... 48**

Пайғамбаримиз(с.а.в.) сафардан келиб қизларининг уйига кирганларида Ҳазрат Фотима уйини ортиқча безатгани учун у ерда ўтирмай кетганлари ҳақида.

**22-ҳикоя. Ҳазрат Фотима(р.а.)нинг чўрини озод этиши ..... 50**

Пайғамбаримиз(с.а.в.) насиҳатларидан сўнг Ҳазрат Фотима (р.а.) зеби-гардонини сотиб пулига чўри сотиб олиб озод қилганлари ҳақида.

**23-ҳикоя. Ҳазрат Фотима (р.а.)нинг садақаси ..... 52**

Ҳазрат Фотима(р.а.) Ҳазрат Али совғаси бўлган зеб-зийнатни бўйинларига таққанлари ва Пайғамбаримиз(с.а.в.)нинг ўғитларидан кейин уни сотиб пулини садақа қилганлари ҳақида.

**24-ҳикоя. Пайғамбаримизнинг қизи Фотимага доимий иршоди ..... 54**

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом қизлари Фотима (р.а.) уйларида қимматбаҳо парда кўриб уни бир фақирга беришга буюрганлари ва қизлари пардани ўша фақирга берганлари ҳақида.

**25-ҳикоя. Вафо Ҳазратлари ва фарзанд тарбияси ..... 55**

Вафо Ҳазратлари ҳузурига сақо (сув сотувчи)келиб мешини Ҳазратнинг ўғли тешганидан арз қилгани ва ҳазратнинг бу безорилик сабабини аниқлаганлари ҳақида.

**26-ҳикоя. Менга озгина сув бер ..... 57**

Кекса, оқил қўшнисининг гапига кирмай давлатига мағрурланиб, болаларига диний тарбия бермаган одам ўн-ўн беш йил ўтиб бир куни кичик ўғлидан сув келтиришни сўраганида у олиб бермагани, катта ўғли эса: «челақдан ўзингиз олсангиз бўлмайдими?» дегани ҳақида.

**27-ҳикоя. Қиз фарзанд ўстириш ва жаннат ..... 59**

Қизининг номусини қадрлаган ва куёвига яхши муносабатда бўлган отанинг ўғилларига ўгити ҳақида.

**28-ҳикоя. Ота-онага қўл кўтармоқ динсизлик аломатидир ..... 63**

Саксон ёшга кирган мўйсафиднинг қизи, ўғли ва келинидан тортган азоблари, динсизлик келтирган дард-аламлар ҳақида.



- 29-ҳикоя. Бир гўдак бола учун Вали (Ҳоким)ликдан ҳайдалди ..... 64**  
 Ҳазрат Умар(р.а.) бир зотни ҳоким этиб тайинлаган вақтда ул одамнинг болаларга меҳрсиз эканлигини сезиб унга ҳокимлик ҳужжagini бермагани ҳақида.
- 30-ҳикоя. Имом Аъзамнинг отаси ва ариқда оқиб келган қирмизи олма ..... 65**  
 Имом Аъзамнинг оталари Собит Ҳазратлари ариқда оқиб келган олмани бехос тишлаб қўйиб, эвазига уч йил хизматда бўлгани ва кейин ул боғ эгаси соҳибжамол қизини бергани ҳақида.
- 31-ҳикоя. Яхши фарзанд "Ёсин" сути билан ўсади ..... 69**  
 Олижаноб бир хоним боласини чақалоқлигида "Ёсин" сурасини ўқиб эмизгани, бола яхши фазилат соҳиби бўлиб ўсгани ҳақида.
- 32-ҳикоя. Онасининг тилини тишлаб узиб олган фарзанд ..... 70**  
 Гўдак бола тухум ўғирлаб келганда онаси унга "офарин" дегани, сал ўсгач товуқ ўғирлаб, кейин қаззоб ўғрига айлангани ва оқибатда у йигит ўлимга ҳукм қилингани ҳақида.
- 33-ҳикоя. Ўғлига динни ўргатмагanning бошига келганлари ..... 72**  
 Ўғли урганидан шикоят қилиб келган одамдан қози, "Болангга диний тарбия берганмисан?" деб сўраса, "Йўқ, қишлоқда иш кўп" деб жавоб берганида қози, "Айб ўзингда!", дегани ҳақида.
- 34-ҳикоя. Бундай она дўстлар саодати ..... 73**  
 Бир она талаба ўғлини кўргани шаҳарга келганда сочи узун ўсган ўғлига танбеҳ бериб уни тўғри йўлга солгани ҳақида.
- 35-ҳикоя. Қизларини тирик кўмганлар ..... 75**  
 Ислондан аввал Арабистонда қиз болаларни тириклай кўмишарди. Ушбу ҳақиқат тўғрисида Ҳазрат Умарнинг айтганлари ҳақида.
- 36-ҳикоя. Ҳазрат Фотима волидамининг қадрлари ..... 76**  
 Пайғамбаримиз(с.а.в.)нинг олти ой ҳар куни Ҳазрат Фотима ва Ҳазрат Алини тонгда намозга даъват этганлари ҳақида.
- 37-ҳикоя. Тушда кўрилган кўшк ..... 77**  
 Ашура куни фақир бир одам мусулмон деб билган бадавлат одамдан ёрдам сўрагани, у ёрдам бермай бошқа бир ғайримусулмон ёрдам кўрсатиб жаннат кўшкни соҳиби бўлажagini билгани ҳақида.
- 38-ҳикоя. Ўлимдан қутқарган учта яхшилиқ ..... 79**  
 Пайғамбаримиз(с.а.в.) томонидан айтиб берилган ҳикоя. Сафарга чиққан уч одам ғорга кирганларида, ғор оғзини тош беркитгани ва улар ўзлари қилган хайрли ишлари эвазига қутқарилганлари ҳақида.

- 39-ҳикоя. Яхши ниятнинг охири хайрли бўлади ..... 81**  
 Ҳажга борган бир софдил, содда одамнинг барот олгани ҳақида.
- 40-ҳикоя. Аҳдга вафодорликнинг хайрли натижаси ..... 84**  
 Ҳазрат Умар(р.а.) ҳузурига бир қарияни ўлдирган, деб тутиб келтирилган йигит уч кунга муҳлат сўраб кетгани ва адолатли жазо олмақ учун вақтида қайтиб келиб афв этилгани ҳақида.
- 41-ҳикоя. Ўттиз йилдирки гуноҳимнинг афви**  
**учун афв тиладим ..... 88**  
 Бағдод Чорсусида ёнғин бўлиб ҳамма дўконлар ёниб кетгани ва Сиррий ҳазратнинг дўкони ёнмай қолганига севиниб "Алҳамдулиллоҳ" дегани, фалокат вақтида ўзини ўйлагани учун 30 йил Аллоҳдан афв тилагани ҳақида.
- 42-ҳикоя. Рост гапиришнинг хосиятлари ..... 89**  
 Ҳазрат Ғавсул Аъзам Абдуқодир Гилоний болалигида ўқишга борганида онаси берган қирқ олтин ҳақида қароқчиларга тўғри сўзлагани ва қароқчилар бошлиғи ўзининг разил ишларидан афсусланиб тавба қилгани ҳақида.
- 43-ҳикоя. Ҳазрат Умарнинг келини ва сутга сув**  
**қўшмаслик ..... 91**  
 Ҳазрат Умар Мадинани айланиб юриб, онасини сутга сув қўшишдан қайтаргани учун бир қизни келин қилиб олгани ҳақида.
- 44-ҳикоя. Ҳазрат Умар(р.а.)нинг Аллоҳдан қўрқиниши ..... 93**  
 Ҳазрат Умар от миниб кетаётганида «Ё Умар, Аллоҳдан қўрқ» деган овозни эшитиб отдан тушиб саждага бош қўйгани ҳақида.
- 45-ҳикоя. Тўғри тожирлик ва муштарийга яхшилик ..... 93**  
 Бир дўкондор ўғли ўзи йўқлигида 5 дирҳамлик молни 10 дирҳамга сотгани ва ота муштарийга ортиқча пулни қайтаргани ҳақида.
- 46-ҳикоя. Аллоҳдан қўрқиниш ва тўғрилик ..... 94**  
 Икки юз дирҳамлик мато тўрт юз дирҳамга сотилгани, ўзига раво кўрмагани бошқага ҳам раво кўрмаслик ҳақида.
- 47-ҳикоя. Билмасдан сотилган қусурли мол ..... 95**  
 Имом Аъзам билмай қусурли мол сотиб юборганлари, сўнг билиб қолиб бу молни жўнатган Ҳафс бин Абдурахмон билан алоқа узганлари ҳақида.
- 48-ҳикоя. Ҳазрат Билол ва тўғри сўзлик бўлмақ ..... 96**  
 Ҳазрат Билол совчиликка бориб куёв тўғрисида тўғри сўзлагани ҳақида.

- 49-ҳикоя.** Аллоҳдан қўрқмоқ ..... 97  
Бадавлат бир одам олдиға фақир аёл ёрдам сўраб кирганида ундан яқинлик истагани, лекин кейинчалик ул зот Аллоҳдан қўрқиб ниятидан қайтгани ҳақида.
- 50-ҳикоя.** Илм бойликдан устундир ..... 99  
Илм соҳиби меҳр ва ҳурмат кўради, илмдан бенасиб киши умрини беҳаловат ўтказади. Бири бой, иккинчиси илмли ака-укалар ҳақида.
- 51-ҳикоя.** Илм, фазилат ўргатган устозга ҳурмат ..... 100  
Истамбулни 1453 йилда забт этган Фотиҳ Султон ўз устози Оқшамсуддинга қандай ҳурмат кўрсатгани ҳақида.
- 52-ҳикоя.** Олимларнинг қадри ..... 101  
Подшоҳ Султон Салим устози минган от туёғидан сачраган лой тўнини сақлаб қўйишга буюргани ҳақида.
- 53-ҳикоя.** Сўзламасдан олдин ўзи амал қиладиган одам ..... 102  
Бемор болага бир оғиз сўз айтиб асал ейишдан қайтариш учун қирқ кун муҳлат сўраган ва аввал ўзи амал қилиб кейин муолажа қилган зот ҳақида.
- 54-ҳикоя.** Қул ва Имоми Аъзам ..... 104  
Бир кун бир қул Имоми Аъзамдан қул озод қилиш тўғрисида ваъз айтишни сўрагани ҳақида.
- 55-ҳикоя.** "Бисмиллоҳ" демоқнинг фойдалари ..... 105  
Икки шайтон икки хил одамга ёпишганлиги, "Бисмиллоҳ"ни доим айтиб юрувчига илашган шайтон озиб, "Бисмиллоҳ"ни умуман эсга олмайдиганга илашган шайтон семириб кетгани ҳақида.
- 56-ҳикоя.** Астойдил "Бисмиллоҳ" десанг денгиз йўл бўлади ..... 107  
Софдил, ҳалол кун кўрувчи инсон масжудда ваъз эшитиб, "Бисмиллоҳир-раҳмонир-роҳийм" дейишнинг фазилатларидан огоҳ бўлгани ва ўзи ҳам денгиз суви устидан юриб ўтгани ҳақида.
- 57-ҳикоя.** Аллоҳга қалбдан боғлиқлик ва гуноҳдан эҳтиёт бўлиш ..... 109  
Ўтган замонда игна-ип сотувчи бир фақирнинг алданиб бир ахлоқсиз аёл ҳузурига киргани ва у ердан гуноҳ иш қилмай қочгани учун Аллоҳ таоло лутф этгани ҳақида.
- 58-ҳикоя.** Болалардан таҳорат олишни ўрганган қария ..... 59  
Ҳазрат Ҳасан ва Ҳазрат Ҳусайн бир кекса мусулмонга одоб билан қандай таҳорат олишни ўргатганлари ҳақида.

- 59-ҳикоя. Ҳазрат Али(р.а.) Ҳазратимиз қандай намоз ўқиганлар?** ..... 114  
 Ҳазрат Али(р.а.)нинг тўпиқларига ўқ санчилганида жарроҳ ўқ синигини улар намоз ўқиётганларида олгани ҳақида.
- 60-ҳикоя. Кечалари намоз ўқиш** ..... 115  
 Довуд алайҳиссаломнинг кечалари ибодат қилишлари ҳақида.
- 61-ҳикоя. Ризқ Аллоҳнинг неъмат** ..... 115  
 Буюк бир зотга маҳалла имоми ноўрин савол бергани ва ул Ҳазратнинг жавоби ҳақида.
- 62-ҳикоя. Умрининг қадрини билган одам** ..... 116  
 Исо алайҳиссалом чўлда кетаётиб жазирамада ибодат қилаётган одамни кўргани ва "нега олдиндаги дарахтлар соясида ибодат қилмаётибсан?" деб сўраганида берган ҳикматли жавоби ҳақида.
- 63-ҳикоя. Отам менинг молимни олди** ..... 118  
 Асри саодатда бир йигит Пайғамбаримизга отасидан шикоят қилганида, Расули Акрам(с.а.в.) воқеанинг моҳиятини билгач, "сенинг ўзинг ҳам молинг ҳам отангга тегишлидирсизлар", — деб марҳамат қилганлари ҳақида.
- 64-ҳикоя. Ҳазрат Мусонинг жаннатдаги йўлдоши** ..... 120  
 Ҳазрат Мусо жаноби Ҳақдан илтижо қилиб, "жаннатдаги кўшним ким?" деб сўраганида — ё, Мусо! Фалон қасабада, қас-соблар ичида ёшгина йигит бор. У сенинг Жаннатдаги йўлдошингдир, — деб ваҳий юборгани ҳақида.
- 65-ҳикоя. Онамни рози қила олдимми?** ..... 121  
 Бир кун бир одам Пайғамбаримиз (с.а.в.): — Волидангнинг ҳаққини юздан бирини ҳам ўтолмайсан, -- деб жавоб берганлари ҳақида.
- 66-ҳикоя. Хотинининг сўзига кириб онасини хафа қилган Алқама** ..... 122  
 Бу пайғамбаримиз (с.а.в.) нинг ўзлари шоҳид бўлган воқеа. Алқама исмли йигит хайр-эҳсонлар қилади, намоз ўқийди, аммо хотинини онасидан афзал кўради, шундан она хафа. Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг сўзлари билан она ўғлининг гуноҳини кечиради.
- 67-ҳикоя. Вайсул Қароний ва онага итоат** ..... 125  
 Вайсул Қароний онасининг рухсати билан Мадинага бориб Расулulloҳ(с.а.в.)нинг муборак жамолларини кўролмай қайтиб кетгани, она сўзига итоат қилгани ҳақида.
- 68-ҳикоя. Ота насиҳати** ..... 126  
 Ота фарзандига қандай насиҳат бериши кераклиги ҳақидаги ҳикоя.

- 69-ҳикоя.** Ҳазрат Ҳамзанинг мусулмон бўлиши ..... 127  
Абу Жаҳл ва унинг лаганбардорлари Пайғамбаримиз(с.а.в.) Сафо тепалиги этагида ўтирганларида Пайғамбаримиз(с.а.в.)ни ҳақорат қилганларидан кейин Ҳазрат Ҳамзанинг мусулмон бўлиши.
- 70-ҳикоя.** Аллоҳ дини ер юзида ҳамма жойга ёйилади ..... 130  
Севикли Пайғамбаримиз(с.а.в.) сафардан қайтгач, қизлари Ҳазрат Фотима(р.а.)ни кўргани келганлари ҳақида.
- 71-ҳикоя.** Салоту саломнинг фойдаси ..... 131  
Сўфёни Саврий Байтуллоҳни тавоф этар экан, бир зотнинг тинмай салоту салом айтаётганини кўргани ва бундаги ҳикматни билгани ҳақида.
- 72-ҳикоя.** Ўлимдан қутилиб бўлмайди ..... 132  
Ҳазрат Сулаймондан бир кун Азройил(а.с.)дан узоқлаштиришни илтимос қилиб барибир Ҳинд диёрида жони олинган зот ҳақида.
- 73-ҳикоя.** Руҳ раббингга очиқ ..... 132  
Руҳ Аллоҳ ишқи билан ўлим қийноғини сезмай учиб кетгани ҳақида.
- 74-ҳикоя.** "Намозда жонимни ол" ..... 133  
Аллоҳнинг амрига риоя қилиб, унга биноан иш юритган мўминлар шундай ўлимни орзу қилишлари ҳақида.
- 75-ҳикоя.** Азройилнинг қўлидан қутилиб бўлмайди ..... 134  
Азройил(а.с.) — қисмат, тақдир эканлиги ва бир онда келиб-бир он ҳам одамга фурсат бермаслиги ҳақида.
- 76-ҳикоя.** Ўлим ширин ошни аччиқ қилади ..... 134  
Ўлимнинг нақадар азобли ва оғир эканлиги ҳақида.
- 77-ҳикоя.** Ўлим кутилмаганда келади ..... 135  
Ҳазрат Юсоманинг узоқ муддатга бир хизматчи сотиб олганлари ва гўёки абадий яшайдигандай иш қилганларини эшитиб, Пайғамбаримиз (с.а.в.) ўлим муқаррар эканлигини айтганлари ҳақида.
- 78-ҳикоя.** Эй, Ҳажжож, Аллоҳ сенинг жонингни олсин ..... 135  
Ҳажжож, дуоси қабул бўлувчи бир дарвеш билан учрашиб ундан дуо қилишни сўрагани ҳақида. Зулм энг катта гуноҳ эканлиги уқдирилади.
- 79-ҳикоя.** Ўғлига либос олиш учун пули йўқ ..... 136  
Ҳалифа Ҳазрат Умар(р.а.)нинг байрамда ўғлига янги либос олиб беришга пули йўқлиги ҳақида.
- 80-ҳикоя.** Зулмдан қочмоқ учун ..... 137  
Нўширавон Одил овга чиққанида қишлоққа туз учун одам юбориб: "Тузни пулга сотиб ол!" деб айтгандаги ҳикмат ҳақида.

- 81-ҳикоя.** Отага ўхшаган ўғил ..... 138  
 Ҳазрат Умар (р.а.) замонида бир одам боласини "Аллоҳга омонат қолдирдим", деб сафарга кетгани ҳақида.
- 82-ҳикоя.** Ўз ҳолига шукр этиш ..... 139  
 Ҳазрат Мусо(а.с.) қумга кўмилиб ўтирган бир одамнинг илтижоси билан дуо қилганлари ҳақида.
- 83-ҳикоя.** Закот туяларини Халифанинг ўзи боғлар эди ..... 140  
 Ҳазрат Умар(р.а.)нинг закот туяларини ўзлари боғлаб, қараганлари ҳақида.
- 84-ҳикоя.** Арслон мусофир мусулмонларга тапшланмади ..... 140  
 Кимки Аллоҳдан қўрқса ҳар нарса ундан кўрқиши ва кимки Аллоҳга чин қалбдан итоат этса, унга ҳамма нарса итоат этиши ҳақида.
- 85-ҳикоя.** Аллоҳ дўстларининг даражаси буюкдир ..... 141  
 Бир шайхнинг Мисрга саёҳатга бориб у ерда таҳоратни "янглиш" олаётган мўсафидни кўриб танбеҳ бергани ҳақида.
- 86-ҳикоя.** Ифвогарлик бор ерда барака бўлмайди ..... 142  
 Ҳазрат Мусо(а.с.) даврларида қурғоқчилик бўлиб, Аллоҳ талодан ёмғир сўраб илтижо қилганлари ҳақида.
- 87-ҳикоя.** Ифвогарлик бир балодир ..... 142  
 Бир одамнинг қадим замонларда ифвогар кул сотиб олгани ва натижада қандай балоларга дучор бўлганлари ҳақида.
- 88-ҳикоя.** Сутга сув қўшган хотиннинг кўргуликлари ..... 143  
 Сутга сув қўшиб сотувчи бир сутчи аёлнинг сигирини сел оқизиб кетгани ҳақида.
- 89-ҳикоя.** Тортиб олинган балиқ томоғига тиқилди ..... 144  
 Балиқчи тутган балиқларини уйига олиб кетаётганида бир йўлтўсар тортиб олгани ҳақида.
- 90-ҳикоя.** Кеча-кундуз шароб ичувчи одам ..... 145  
 Бу ҳикояда ичкилик одамни қай аҳволга солиши кўрсатилган.
- 91-ҳикоя.** Юзини кўппак ялаган маст ..... 145  
 Мастлик инсоннинг ақлини олиб қўйиши ҳақида.
- 92-ҳикоя.** Ичкилик ақлни олади ..... 146  
 Жаъфари Тайёрийнинг ичкилик ичмагани ва яна бутга сигинмагани, зиё этмагани ва ёлғон сўзламагани ҳақида.
- 93-ҳикоя.** Аллоҳнинг неъматлари беҳисоб ..... 146  
 Бир одамнинг фақирлигидан шикоят қилганида дўстлари берган ўғит ҳақида.
- 94-ҳикоя.** Ёлғон ҳамма ёмонликларнинг бошидир ..... 147  
 Пайгамбаримиз(с.а.в.) бир кишига: "Ёлғон сўзлама" деб буюрганлари ҳақида.

- 95-ҳикоя. Пайғамбаримиз(с.а.в.)нинг набиралари касал бўлиб қолгани ..... 147**  
 Ҳамма нарса Аллоҳнинг ихтиёрида эканлиги ҳақида.
- 96-ҳикоя. Салтанат -- бир кўза сувга тенг ..... 148**  
 Бир подшоҳнинг бетоб бўлиб қолгани ҳақида.
- 97-ҳикоя. Сенга қул бўлишим учун учта шартим бор ..... 149**  
 Қадим замонларда бир қул уч шарт билан хожага хизмат қилишга рози бўлгани ҳақида.
- 98-ҳикоя. Инсон тавозели бўлмоғи керак ..... 150**  
 Хорун ар-Рашид Ҳаждан қайтаётиб Бағдодга келганида Баҳлул билан учрашгани ҳақида.
- 99-ҳикоя. Чақалоғингни нега сутдан айирдинг ..... 150**  
 Ҳазрат Умар кечқурун шаҳарни айланиб юриб, бир хонадондан чақалоқ йиғисини эшитганлари ва аҳволни билиб оилага ёрдам берганлари ҳақида.
- 100-ҳикоя. Закот ва Салоба ..... 152**  
 Салоба исми бир зотнинг нафс балосига гирифтор бўлиб, закот тўлашдан бош тортгани ва кейинчалик гафлатдан қутулиб закот тўламоқчи бўлганида Расулulloҳ олмаганлари ҳақида.
- 101-ҳикоя. Уч одамнинг имтиҳон қилиниши ..... 154**  
 Қал, кўр ва абрас бўлган уч кишининг дардларига даво бериб Аллоҳ таоло томонидан синалганлари ҳақида.
- 102-ҳикоя. Динсизлик жазоси фалокатдир ..... 157**  
 Абраха исми динсиз Макка муаззамадаги Каъбани йиқитишга келгани ва ўзи фалокатга учрагани ҳақида.
- 103-ҳикоя. Ҳисоби қилинади ..... 158**  
 Ҳазрат Мусо(а.с.) Аллоҳ таолога муножот қилиб Аллоҳ дўстларидан бирини кўрсатишни илтижо қилгани ҳақида.
- 104-ҳикоя. Ҳазрат Умарнинг ҳикояти ..... 158**  
 Ҳазрат Умар(р.а.) Мадинада хутба ўқиётди бу ердан ниҳоятда узокда бўлган ислом лашкари қўмондони Сариёлни огоҳлантиргани ҳақида.
- 105-ҳикоя. Иброҳим Адҳам ва туя ..... 159**  
 Бир одамнинг Балх ҳукмдори Иброҳим Адҳамнинг саройи тоmidан йўқолган туясини истагани ҳақида.
- 106-ҳикоя. Нил дарёсига ёзилган мактуб ..... 160**  
 Нил дарёсида сув камайиб кетганида Ҳазрат Умарнинг дарёга мактуб ёзгани ва Миср халқининг бир қабиҳ одатдан қутулганлари ҳақида.

- 107-ҳикоя. Шайтон шайтондир** ..... 162  
Нух алайҳиссалом кемасига шайтон ҳам чиқмоқчи бўлгани ҳақида.
- 108-ҳикоя. Шайтон ва Фиръавн** ..... 162  
Ҳасадгўй шайтон ва Фиръавндан тубанроқ, олчоқроқ эканлиги ҳақида.
- 109-ҳикоя. Сут билан кирган жон билан чиқар** ..... 163  
Тошбақа ва чаён ҳақида.
- 110-ҳикоя. Хасислик ёмон одат** ..... 165  
Бир давлатманд одамнинг ўта хасислиги, ҳатто эшик очилса ошиқ мошуги едирилиб кетишини ўйлаши ҳақида.
- 111-ҳикоя. Халифа Ҳазрат Умар(р.а.)нинг ҳирқасидаги ўн икки ямоқ** ..... 167  
Ҳазрат Умарнинг қизи отаси зиёратига келиб унинг тўнида ўн иккита ямоқ кўргани ҳақида.
- 112-ҳикоя. Қаноат энг катта бойликдир** ..... 168  
Кимда қаноат бўлса, ул одам доимо шарафли эканлиги ҳақида.
- 113-ҳикоя. Шамсия** ..... 168  
Бир одам ёмғир ётганида дўстидан шамсия сўраб олгани ва у одам қилган яхшилигини миннат қилгани ҳақида.
- 114-ҳикоя. Умрнинг ҳаммаси бекор кетди** ..... 169  
Бир мулланинг қайиқда сузиб кетаётиб қайиқчидан сарф ва наҳв қондаларини сўрагани ҳақида.
- 115-ҳикоя. Пашшадай хира одамлар** ..... 171  
Пашша ва асалари тимсолида текинхўр ва меҳнаткаш одамлар тўғрисида фикр юритилади. Ишламаган, танбалларнинг бошқаларга юк бўлиши ҳақида.
- 116-ҳикоя. Ишини яхши бажарган одам ипак қурти кабидир** ..... 171  
Ўргимчак ва ипак қурти мисолида ишни сифатсиз бажариш иллати ва аксинча аъло сифатида иш бажаришнинг афзаллиги ҳақида.
- 117-ҳикоя. Дарахт экишнинг мукофоти** ..... 173  
Подшоҳ сайрга чиққанида дарахт экаётган мўйсафидни кўргани ва уни мукофотлагани ҳақида.
- 118-ҳикоя. Энг шарафли, энг жўмард одам** ..... 175  
Ўз меҳнати ила кун кечирадиган ўтинкаш чол ва Ҳотам Той ҳақида.
- 119-ҳикоя. Аллоҳ қулларига энг кўп марҳамат қилади** ..... 176  
Юсуф алайҳиссалом ва Зулайхо ўртасида фақат муҳаббат ришталари бор эканлиги ҳақида.



- 120-ҳикоя. Жаноби Ҳақ учун кўз ёши тўкиш** ..... 177  
Аллоҳ учун кўз ёши тўккан жаҳаннам оташини кўрмаслиги ҳақида.
- 121-ҳикоя. Меҳр** ..... 178  
Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг болаларга севги ва шафқат кўрсатмаганларни хуш кўрмаганлари ҳақида.
- 122-ҳикоя. Ҳайвонларга шафқат** ..... 179  
Пайғамбаримиз (с.а.в.) бир туя эгасига қандай насиҳат қилганлари ҳақида.
- 123-ҳикоя. Совқотган мушукни иситиб савоб олган зот** ... 179  
Авлиёлардан бири вафот этганидан сўнг ул зотни бир дўсти тушида кўргани ва савоб бергани ҳақида.
- 124-ҳикоя. Раҳм қилган раҳм кўради** ..... 180  
Мушукни қамаб қўйиб унга овқат, сув бермаган хотиннинг олган жазоси ҳақида.
- 125-ҳикоя. Раҳмдил раҳм қилади** ..... 181  
Чўлда кетаётган сайёҳ тупроқ ялаб ётган бир итга қудуқдан сув олиб бергани ҳақида.
- 126-ҳикоя. Болаларга раҳмдиллик** ..... 182  
Бир одамнинг Расули Акрам (с.а.в.)дан «Сиз болаларни ўпасизми?» деб сўрагани ҳақида.
- 127-ҳикоя. Чумолини қутқарди** ..... 182  
Чумолини қутқарган бир зотнинг тушида эшитган сўзлари ҳақида.
- 128-ҳикоя. «Ё Умар, ҳозир албатта сенга қулоқ соламиниз»** ..... 183  
Ҳазрат Умар янги тўн кийганида унга бир одамнинг таъна қилгани, сўнг бу тўн қандай олинганини билиб «сенга қулоқ соламиниз», дегани ҳақида.
- 129-ҳикоя. Аллоҳнинг адолати қилмишингга яраша бўлади** ..... 184  
Бир одамнинг «Ё Раббий, адолатинг истайман» дегани ва сўнгра қилмишига яраша жазолангани ҳақида.
- 130-ҳикоя. Бир шамни ўчириб, бошқасини ёқди** ..... 185  
Халифа Ҳазрат Умар (р.а.) зиёратига Абдураҳмон бин Авф келганидаги воқеа ҳақида.
- 131-ҳикоя. Ҳазрат Мусонинг Фиръавн саройида ўсиши** ..... 186  
Аллоҳ таоло хоҳласа, қулини энг ожизлиги даврида унинг душмани қўлида тарбиялаб, вояга етказиши ҳақида.
- 132-ҳикоя. Ё Раббим, адолатингни кўрсат!** ..... 188  
Ҳазрат Мусонинг (а.с.) Жаноби Ҳаққа муножот қилгани ва Аллоҳ таоло унга тоғ этагида ўз адолатини кўрсатгани ва барча ишлар қудрат кўзгусида кўриниши ҳақида.

- 133-ҳикоя. Ҳазрат Умарнинг мусулмон бўлиши ..... 189**  
Мушрикларнинг исканжалари ортиб кетиб, сўнг даражага етган бир пайтда Ҳазрат Умарнинг мусулмон бўлгани ҳақида.
- 134-ҳикоя. Ҳазрат Умарнинг фазилати ..... 194**  
Ҳазрат Умар халққа ман қилган нарсаларни ақраболари ҳам қилмаслигини талаб этгани ҳақида.
- 135-ҳикоя. Икки хотин ҳам «бола меники» дедилар ..... 195**  
Ҳазрат Сулаймон (а.с.)га икки хотин бир болани олиб келиб «бола меники», деганлари ва Ҳазрат Сулаймон одил ҳукм қилгани ҳақида.
- 136-ҳикоя. Етмиш минг калима тавҳид ..... 197**  
Етмиш минг калима тавҳид савобини бир зот бир йигитнинг онасига ҳадя қилгани ва солиҳ фарзанд ҳақида.
- 137-ҳикоя. Иброҳим Адҳам ва калтакланган чўри ..... 198**  
Иброҳим Адҳам Балх ҳукмдори эканлигида бир чўрисини ургани ва чўри аёлнинг: «Мен бу атлас тўшалган ўриңда бир нафас ётиб шунча калтак едим. Сиз шунча йиллар унда ётиб қанча калтак ер экансиз?» — деганидан таъсирланиб, бу сўздан бир ҳикмат топгани ҳақида.
- 138-ҳикоя. Аллоҳ учун йиғлаган кўзлар ..... 199**  
Шуайб алайҳиссаломнинг Аллоҳга бўлган муҳаббатидан йиғлай-йиғлай кўр бўлгани ва Жаноби Ҳақ ваҳий юборгани ҳақида.
- 139-ҳикоя. Бўлса баҳам кўрамиз, бўлмаса шукр қиламиз .... 201**  
Ҳазрат Шақиқий Балхий ва Иброҳим Адҳамнинг шукроналик ва сабр-тоқат хусусидаги суҳбатлари ҳақида.
- 140-ҳикоя. Ҳазрати Умарнинг қарз сўрагани ..... 202**  
Ҳазрат Умар (р.а.)нинг Абдураҳмон бин Авф (р.а.)дан қарз сўраганларидаги ҳикмат ҳақида.
- 141-ҳикоя. Қуръони Карим ўқиладиганда йиғлаш ..... 203**  
Имом Шофейй билан Имоми Аҳмад бин Ҳанбал суҳбат қуриб ўтиришганда, Қуръони Карим ўқиладиганда кўзларидан дув-дув ёш оқадиган бир зот келиб қолгани ва имомларнинг ул зот билан мулоқотлари ҳақида.
- 142-ҳикоя. Қуръони Каримга ҳурмат кўрсатиш ..... 204**  
Бир ҳукмдор меҳмонга келиб, унга ажратилган хонада Қуръони Карим эъзоз ила турганини кўриб тонггача ётмагани ҳақида.
- 143-ҳикоя. Аллоҳ бор, инкор эшиклари беркдир ..... 205**  
Бағдодга келган динсиз файласуфга Имом Аъзамнинг жавоби ҳақида.
- 144-ҳикоя. Ислонда қўшни ҳаққи буюкдир ..... 27**  
Ҳазрат Умарнинг ўғли Абдуллоҳ (р.а.) туя сўйганларида қўшни ҳаққини бериш кераклигини бир неча бор таъкидлагани ҳақида.

**145-ҳикоя.** Ёмон феъл — жаҳаннамга олиб боради ..... **208**  
 Севикли Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг кўшниларига хунук гаплар гапирувчи аёл тўғрисида «Ул хотинда ҳеч эзгулик йўқ. У жаҳаннамга борғувчидир», деганлари ҳақида.

**146-ҳикоя.** Бошқани кўриб ўз ҳолига шукр қилиш ..... **209**  
 Йўлда яёв кетаётган бир одамга устига оғир юк ортилган эшак йўлиққани ва уларнинг «мулоқоти» ҳақида.

**147-ҳикоя.** Ҳазрат Умар қуёшга бирдан қараган эди, қуёш сўнди ..... **210**

Ҳазрат Умар Исломининг буйруқлари (амрлари)дан қилчалик айрилмагани сабабли Аллоҳ таоло унга буюк неъматлар, мартабалар бергани ҳақида.

**148-ҳикоя.** Ризқ соҳибини топади ..... **210**  
 Балиқчи қармоғига илинган катта балиқни тортиб ололмагани, ризқсиз балиқчи Дажлада балиқ тута олмаслиги ҳақида.

**149-ҳикоя.** Аллоҳ Умардан сўрайди ..... **211**  
 Мусулмонларнинг мавқеи юксалган пайтда, Халифа ғамгин. «Нега бундай?» деб сўраганлари ва Ҳазрат Умарнинг ҳикматли жавоби ҳақида.

**150-ҳикоя.** Бадфеъл бола ҳикояси ..... **212**  
 Отанинг ярамас иш қилиб қўйган ўғлига насиҳат қилиб: «Мен сенга болтани ўтин кес, деб бердим...» дегани ҳақида.

**151-ҳикоя.** Гўштли овқатни бир фақирга беринг ..... **213**  
 Ҳазрат Умар (р.а.) туя сўйиб йўқсулларга гўшт тарқатишни буюргани, гўшт тарқатилганидан сўнг Халифага ҳам «сизнинг ҳиссангиз», — деб олиб келганларида Ҳазрат Умарнинг жавоблари ҳақида.

**152-ҳикоя.** Қўй ва эчки ..... **213**  
 Ўз айбини кўрмай, ўзганинг айбидан кулиш ҳақида.

**153-ҳикоя.** Ёлғон барча ёмонликларнинг бошидир ..... **214**  
 Бир одам Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳузурларига келиб: «...Гуноҳларим кўп, улардан қандай қутулсам бўлади?» деб сўраганида, Расули Акрамининг жавоблари ҳақида.

**154-ҳикоя.** Ҳазрат Али ва миллат моли ..... **215**  
 Ҳазрат Алига давлат хазинасидан қишлоқ кийим олишни таклиф қилганлари ва Ҳазрат Алининг ҳикматли жавоблари ҳақида.

**155-ҳикоя.** Ҳазрат Умар ва нафси тарбия этиб йўлга солиш ..... **215**

Сув тўлдирилган мешни кўтариб келаётган Ҳазрат Умардан ўғли: «Нега бундай қилдингиз?» деб сўраганидаги ҳикматли жавоблари ҳақида.

- 156-ҳикоя.** Ақлли хотин уч жонни бирдан қутқарди ..... 216  
 Ҳажожожи золим ақлли бир хотиннинг эрини, ўғлини ва акаси-ни банди қилгани ҳақида.
- 157-ҳикоя.** Мавлонодан бир ҳикоя ..... 217  
 Бир одам отасидан қолган эски, нураб қолган уйини бўяб, асо-сий таъмир ишларини қилмагани ҳақида.
- 158-ҳикоя.** Ё Расулulloҳ, мени пок этгин ..... 218  
 Моиз бин Молик қилган гуноҳи учун Пайғамбаримиз (с.а.в.)-дан шариат қонуни бўйича жазо берилишини сўрагани ҳақида.
- 159-ҳикоя.** Аёл ва гуноҳни ювиш ..... 220  
 Бир куни гуноҳ иш қилиб қўйган аёл Расулulloҳ (с.а.в.)дан шариат қонуни бўйича жазо берилишини сўрагани ҳақида.
- 160-ҳикоя.** Ёрмуқ жанги ва Ҳазрат Ҳузайфа ..... 221  
 Ёрмуқ жангида Ҳазрат Ҳузайфа ёнидаги мешчадан ташна ярадорларга сув бермоқчи бўлганида улар «бошқа биродарларим ичсин» деб ўзлари ичмаганларидан ҳайратлангани ҳақида.
- 161-ҳикоя.** Келинчаклик либосини сотган аёл ва Имом Аъзам ..... 222  
 Имом Аъзам дуконига бир аёл келинчаклик либосини арзон нархга сотмоқчи бўлиб келгани, Имом Аъзам аввал кўйлакни ўз нархига олиб, сўнг уни совға қилгани ҳақида.
- 162-ҳикоя.** Инсон жаҳаннамга тирик киради ..... 224  
 Ҳазрат Робиа сихга тортилган ўтда пиширилаётган қўйни кўриб кўз ёши тўкишининг ҳикмати ҳақида.
- 163-ҳикоя.** Таҳажжуд намозининг савоби ..... 225  
 Таҳажжуд намозини ўқишга бошлаган аёл ҳақида.
- 164-ҳикоя.** Исми Аъзам дуосини ўргатинг ..... 226  
 Бир одам Ҳазрат Зуннун Мисрий ҳузурига келиб Исми Аъзам дуосини ўргатишни сўраганида Ҳазрат уни имтиҳон қилгани ҳақида.
- 165-ҳикоя.** Буюк сабр мукофоти ..... 227  
 Абу Талҳанинг хотини Умму Сулайм фарзандлари вафот этганини эрига дарҳол айтмагани, сўнг Абу Талҳа хафа бўлиб Пайғамбаримиз (с.а.в.)га арз қилгани, аёлнинг бу сабри буюк мукофотга лойиқ эканлиги ҳақида.
- 166-ҳикоя.** Абу Талҳа ҳикояси ..... 228  
 Муслим ривоятда.
- 167-ҳикоя.** Эрига итоат қилган хотиндан Аллоҳ рози бўлди ..... 230  
 Ҳарбга кетаётиб бир йигит хотинига: «мен келгунча уйдан чиқма!» дегани, сўнг аёлнинг отаси касал бўлиб қолгани, аёл

Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан маслаҳат сўраганида Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Эрингга итоат қил» — деб буюрганлари ҳақида.

**168-ҳикоя. Янги турмушга чиққан қизнинг вазифалари ..... 231**

Бир қиз Расулulloҳ (с.а.в.)дан турмушга чиққан қизнинг эрига қандай муносабатда бўлиши кераклигини сўрагани ҳақида.

**169-ҳикоя. Ўзинг суймагани бошқага раво кўрма ..... 234**

Саодат асрида Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳузурларида бир йигит одобсизлик билан: «Мен фалончи аёл билан яқинлашмоқчиман», деганида Расулulloҳ (с.а.в.)нинг берган ўғитлари ҳақида.

**170-ҳикоя. Ҳажга борган сутчининг бошидан кечирганлари ..... 235**

Кемада денгиз йўли билан ҳажга кетаётган сутчининг ҳамёнини кемадаги маймун олиб қочгани ва ундаги олтин тангаларни бир денгизга, бир сутчига ташлагани ҳақида.

**171-ҳикоя. Икки хил аёл ..... 236**

Бир йигит амакиси билан учрашиб ўз хотинини мақтагани ва кейин хижолатда қолгани ҳақида.

**172-ҳикоя. Йиғлайвериб кўзлари кўр бўлган хотин ..... 238**

Йиғлайвериб беҳол бўлиб қолган аёл тушида: «Йиғлама ва кўз ёшларингни тўкма... Намозингни ўқи, ибодат қил...» деган овозни эшитгани ҳақида.

**173-ҳикоя. Бир қаҳва учун талоқ этилган келин ..... 239**

Бир йигит янги уйланиб исрофгарчиликка йўл қўйган хотинини талоқ этгани ҳақида.

**174-ҳикоя. Илон ва дум аччиғи ..... 240**

Далада ўтин йиғиб юрган бир одам ҳолсиз ётган илонга сут бергани, илон эса унга инидан олтин танга чиқариб бергани ҳақида.

**175-ҳикоя. Қувурга кириб кетган хачир ..... 241**

Хачир суратидаги шайтоннинг сув оқиб чиқаётган қувурга кириб олгани ва уни минган одамнинг саргузашти ҳақида.

**176-ҳикоя. Яхши феълли хотинлар дўстларга муборак бўлсин ..... 243**

Тобеинлардан Шобий Ҳазратлари Тамим қабиласидан бир қизга уйлангани ва келиннинг гўзал фазилатлари ҳақида.

**177-ҳикоя. Диндор қиз инсонни масъуд этади ..... 247**

Имом Аҳмад бин Ҳанбал гўзал қизни эмас, ўртача гўзалликдаги диндор қизга уйланишни ихтиёр этгани ҳақида.

**178-ҳикоя. Никоҳ кунлари бетоб бўлиб қолган ақлли аёл .... 247**

Бир гўзал қиз қаттиқ касал бўлиб ҳусни-малоҳати йўқолганида, бўлажак қайлиғи ўзини «кўр бўлиб қолдим», деб турмуш қурганлари ҳақида.

**179-ҳикоя. Эр қадрини билган хотин ..... 248**

Бир чўпоннинг оқила хотини қишлоқдаги барча оилаларга яхши ўрнак кўрсатувчи бўлгани ва уни бир бадавлат аёл синагани ҳақида.

**180-ҳикоя. Ёлғончининг уйи ёнса-да, ҳеч ким индамайди ..... 250**

**181-ҳикоя. Бойликми, оқила хонимми? ..... 251**

Бағдодда ёнган бўлиб бир давлатманд одамнинг бор-йўғи куйиб кетгани ва унга бир олим одам: «ёнингда кўнглингдигидек хотининг бор экан, у маънавий қувват бериб, тезда ўзингни ўнглаб оласан», — деб тасалли бергани ҳақида.

**182-ҳикоя. Ақл деган мана бундай бўлибди ..... 252**

Ҳажжожо зolim сайр қилиб юриб Бани Ижил қабиласидан бир чолни учратгани, ундан ўзи ҳақида сўрагани ва чол ноқулай вазиятдан оқилона қутулгани ҳақида.

**183-ҳикоя. Инсон покиза бўлмоғи лозим ..... 253**

Ҳазрат Умар (р.а.) ҳузурига бир хотин эридан арз қилиб келгани, хотиннинг эри бепарво, тоза кийинмаганини кўриб, уни покиза ҳолга келтириб, кийинтириб, яраштириб қўйгани ҳақида.

**184-ҳикоя. Йиғлаб кўзлари кўр бўлган ақлли қиз ..... 255**

Ҳасан Басрий Ҳазратлари ҳузурига бир зот келиб қизининг доимо йиғлаб юришини айтиб ёрдам сўрагани ва Ҳазрат қизга насиҳат қилгани келиб, ўзлари насиҳат олиб мамнун бўлганлари ҳақида.

**185-ҳикоя. Яхшилик қилган, яхшилик кўради ..... 257**

Денгизга тушиб кетган икки одамдан бирининг қутқарилгани ва бунинг сабаби ҳақида.

**186-ҳикоя. Қурбонлик қилинишдан қутулган Абдуллоҳ ..... 258**

Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг бобоси Абдул-Мутталиб ўғиллари билан оғзи беркилиб қолган Замзам булогини қайта очганлари тарихи ва Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг оталари Абдуллоҳнинг қурбонлик қилинишдан қутулганлари ҳақида.

**187-ҳикоя. Ҳазрат Исмоилнинг қурбон қилиниши ..... 261**

**188-ҳикоя. Каъбани бузишни истаган динсиз ..... 296**

Абраҳанинг филлар билан қувватланган қўшини Маккага юрганида Аллоҳ юборган аобил қушлари томонидан ҳалок қилингани ҳақида.

**189-ҳикоя. Солиҳа аёл ..... 273**

Солиҳа бир аёлни бир уламо зот имтиҳон қилиб: «Сендай гўзал аёлнинг шундай хунук эри бўлиши яхши эмас», деганида, аёлнинг оқилона жавоби ҳақида.

- 190-ҳикоя. Отанинг бурчи ..... 274**  
 Ҳазрат Умар (р.а.)нинг ҳузурига бир одам ўғлидан шикоят қилиб келгани, йигитнинг Халифадан отанинг фарзанд олдидаги бурчини сўрагани ҳақида.
- 191-ҳикоя. Амалларнинг энг севимлиси ..... 276**  
 Аллоҳ учун севмоқдир.  
 Жаноби Ҳақ Ҳазрат Мусо (а.с.)га «Менинг розилигим учун бир мўмин қардошингни севмадингни, меҳр қўймадингни?» деб ваҳий юборгани ҳақида.
- 192-ҳикоя. Тушида Ҳазрат Юсуфни кўрган йигит ..... 277**  
 Бир хотин қурган фириб тузоғидан баданига ифлос суртиб қутулган йигитдан хушбўй ис келгани ва бу йигит тушида Юсуф алайҳиссаломни кўргани ҳақида.
- 193-ҳикоя. Маҳкамада хотинининг юзини очишни  
 истамаган одам ..... 279**  
 Хотинининг маҳрини бермаган бир одам маҳкамага хотини билан боргани, қози аёлдан юзини очишни талаб қилганида ақлини йиғиб олгани ҳақида.
- 194-ҳикоя. Ҳазрат Умарни йиғлатган бола ..... 280**  
 Ҳазрат Умар (р.а.) эрта тонгда масжидга кетаётиб, намоз ўқишга чошиб кетаётган ёш болани кўргани ва унинг сўзларидан таъсирлангани ҳақида.
- 195-ҳикоя. Ақлли хотин эрига насихат қилади ..... 281**  
 Фақир бир одам фарзанд кўриб, унга қандай овқат топиб келиш ташвишини тортганида хотинининг берган насихати ва тасаллиси ҳақида.
- 196-ҳикоя. Бу чўғ минг олтинга арзийди ..... 283**  
 Подшоҳ бир куни бир қишлоқда меҳмон бўлганида уй эгаси — мезбон подшоҳга яхши мулозамат ва ақлли муомала қилгани, натижада бир минг бир олтин олгани ҳақида.
- 197-ҳикоя. Ҳазрат Шиблий ..... 284**  
 Ҳазрат Шиблий ва унга мухлис бўлган ақли қисқа, нотавон нонвой ҳақида.